

Хайриддин  
СУЛТОН



# БОБУРИЙНОМА

*Маърифий роман*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1997 ЙИЛ

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош таҳририяти  
1997

## МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Тангри таолонинг инояти бирла Оллоҳнинг улуг ва сирли бир бандаси хусусида суз айтмоққа жазм қилдик.

Бу мумтоз инсон тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибадор, энг драматик сиймоларидан биридир.

Дунёи фонийга келиб, у нисбатан қисқа умр кўрди — бор-йўғи қирқ етти йил ҳаёт кечирди. Лекин шу суронли умри мобайнида у жаҳон тарихидан шавкатли урин олиб улгурди.

Ҳали мурғак гудак экан, ота-боболари уни суюб-эркалаб, яхши ниятлар билан залворли ном бериб атадилар. Исм ва жисмнинг бир-бирига узукка куз қуйгандек мос келиши ноёб учрайдиган ҳодисадир. Лекин бу азамат шахс тимсолида бу ҳол узининг ёрқин ифодасини топган эди.

Эзгу дуои хайр шарофати ила у суврати сийратига гоят монанд, муаззам ва қудратли салтанатнинг муносиб вориси улароқ вояга етди ва сунги нафасига қадар беқийс шиддат, азим бир шижоат уни тарк этмади.

У фазилат бобида камлиги йўқ инсон бўлиб камол топди. Бу беназир сиймо олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда кам топилади.

Аслида, унинг умр йўли бошдан-оёқ тақдир имтиҳонларидан иборат эди, десак, янглиш бўлмас.

У ун икки ёшида отадан етим қолди.

Ҳали айрилиқ куз ёшлари тинмай туриб, қисмат унинг гудак бошига тожу тахт миннатини солди.

Марҳум падарининг қирқи утмасдан у ганимларга қарши жанг майдонида қилич яланғочлаб чиқишга мажбур бўлди.

Ун икки ёшидан кейин рамазон ҳайитини бир ерда икки бор қарши олмоқ унга насиб этмади — умри мудом от устида, жангу жадалларда, сиёсат гирдобларида утди.

Гарчанд маърифатли мурғак кўнгли илму зиё сари парвонадек талпиниб турса-да, тақдир унга на Бухорои шариф мадрасаларида, на Бағдод байтулҳикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди.

Лекин даҳо заковати ва илоҳий қалами билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий муъжизаларини яратмоқликка мушарраф булди.

Зотан унинг муаллими ҳам, мураббийи ҳам шу бе-шафқат Ҳаёт эди.

У ун тўққиз ёшида туғилган диёрини мангу тарк этди.

Йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш мамлакатларининг аксарият қисмини эгаллаган улкан салтанатга асос солди.

Унинг мамлакатдорлик сийёсати, ҳарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Шу сабабли унинг бу борадаги ноёб тажрибалари Атилла, Юлий Цезарь, Бонапарт Наполеон, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга қуйиб урганилади.

Адоват ва фитналар, исён ва суиқасдлар туфайли у умр буйи қиличнинг дамида тургандек беором, беҳаловат кун кечирди.

Неча бор муқаррар улим чанғалида қолиб, ҳар сафар меҳрибон ва марҳаматли Оллоҳнинг қудрати ила яна ҳаётга қайтди.

Тириклик чоғида чархнинг жабру жафосини ҳадсиз даража тортган бу зоти бузург вафотидан кейин ҳам узоқ йиллар тақдирнинг машаққатли синовларига дуч келаверди.

У фавқулодда нодир истеъдоди, беқиёс инсоний салоҳияти билан ҳақлӣ равишда жаҳон аҳлининг ҳайрат ва эҳтиромига мушарраф булди. Айни фазилатлари билан у миллатимизни, халқимизни бутун оламга танитди. Ва шу боис у миллатимизнинг, халқимизнинг ифтихор байроқларидан бирига айланди.

Дунёдаги не-не фозил инсонлар унинг ҳақида то ҳануз ҳайрат ва эътирофга тулуғ ҳикоялар сўзлайдилар.

Бу зот — улуг аждодимиз, қадим Турон—Туркистон ерининг паҳлавони Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Башариятнинг бу даҳо фарзанди ҳақида юзлаб китоблар ёзилган. Ва иншооллоҳ, ҳали яна юзлаб-минглаб асарлар битилгусидир.

Чунки унинг тарихи ва тақдири халқимиз тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ.

Халқимиз тарихини ёзмоқ учун эса, шоир айтмоқчи, «мингта Фирдавсий керак».

Нафақат олис-яқин кечмишимиз, балки ўтаётган

умримизнинг ҳар лаҳзаси — тарих. Тарихнинг ҳар лаҳзаси эса тадқиқ ва таҳлилга муносиб.

## БАЙТ:

Билмам, ун учмиди, ун тўртмиди ёшим,  
Шу сирли савдога дуч келди бошим.

Ун тўрт ёшларимда илк бор бу нуроний сиймонинг тасвири чекилган сувратни кўрдим. Олис қишлоқ мактаби, қаҳратон қишнинг дилгир кунлари, адабиёт хонаси деворига осилган муҳташам портрет ва ундан мулойим табассум ила боқиб турган, шоҳона салласига укпар жига қадалган улуг сифат инсоннинг бори-борлиги мурғак тасаввуримга шу қадар теран урнашдики, дарс пайтида ҳам, танаффус чоғлари ҳам унинг мардона чехрасидан кўз узолмас эдим. Бу нурли қиёфат мужассам шижоат, мужассам изтироб бўлиб туюлар, суврат остидаги «Толе йўқи жонимга балолиғ булди, Ҳар ишники қилдим хатолиғ булди, Уз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ё Рабб, нетайин, не юз қаролиғ булди», деган содда, ҳазин мисралар бир ўқишдаёқ ёд бўлиб кетган, шу сатрларни куча-қўйда ҳам, дала-дашда ҳам такрорлаб юрар эдим. Уларнинг маъносини, шикаста оҳанги дилимга қаттиқ таъсир қилар, уз-узидан йиғлагим, узоқ бир жойларга бош олиб кетгим келар эди.

Шу йусин Бобур Мирзонинг мардлик ва мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз шахсиятига мафтун бўлиб қолдим.

Мен уни отамдай, онамдай, фарзандимдай яхши қуриб қолдим.

Қарийб йигирма йилдирки, шу мафтункор ишқ билан сармаст яшайман.

Қарийб йигирма йилдирки, қўлимдан келганича ҳазрати Бобурнинг сўнмас ижоди, сирли ҳаёт йулини урганиш билан машғулман.

Бу мавзуда бир қанча бадиий ва илмий-оммабоп асарлар битдим, уларни сиз азиз китобхонлар ҳукмига ҳаяжон ила тақдим қилдим. Шу асарлар орқасидан гоҳ дакки-дашном, гоҳида таҳсину олқиш эшитдим. Эсимни танибманки, ҳазрати Бобур девони, «Бобурнома» қўлимдан тушмай келади. Яратгандан илтижо қиламанки, умримнинг охирига қадар мени шу ҳамсуҳбат-ҳамроҳларимдан айирмасин.

Насибам қўшилган экан, 1992 йили Бобур Мирзо

ва унинг авлод-аждодлари изидан йулга чиққан бир гуруҳ бобурпарвар дустлар билан бирга Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Афғонистон мамлакатларида бўлдим. Ун тўрт кишидан иборат илмий экспедициямиз аъзолари олтмиш кечаю олтмиш кундуз йул юриб, ун саккиз минг километрдан зиёд масофани босиб ўтдилар. Бу нутилмас сафар Ўзбекистон тарихида ўзига хос бир воқеа бўлиб қолди.

Ҳаётимнинг энг масъуд дамларига айланган сафар таассуротлари, хотира ва ҳаяжонлари ҳақида бир қанча нарсалар ёздим. Аммо бу сафар саргузаштларини, унинг ноёб кечинма ва ҳиссиётларини умрим борича ёзиб адо қилолмасам керак.

Тангри таолонинг инояти билан бобурийлар изларини излаб дунёнинг неча ушлаб қадимий ва гузал манзил-мароҳилларини кездик. Машҳад, Табриз, Техрон, Зоҳидон, Арзирум, Сиваш, Анқара, Кунё, Искандерун, Дамашқ, Уммон, Мадинаи мунаввара, Маккаи мукаррама, Тоифи шариф, Эр-Риез, Абу Даби, Дубай, Мултон, Лоҳур, Исломобод, Пешовар, Жалолобод, Кобул, Мозори шариф сингари шаҳарларга пойқадамимиз етди. Қизил денгизда, Форс курфази сувларида юз ювдик.

Бу йуллар куп қадим йуллар экан, уларда гаройиб саргузаштларни бошдан кечирдик. Гоҳ ҳашаматли меҳмонхоналарда, гоҳ яйдоқ дала-даштларда бош қуйдик. Гоҳ оч-наҳор қолдик, гоҳ шоҳона дастурхонлар турида ултирдик. Турли-туман одамлар, турфа хил инсоний тақдирларга дуч келдик. Не-не азиз инсонларнинг қабр-мақбараларини зиёрат қилдик.

Балужистон саҳроларида қароқчи — ашроларнинг таъқибига дуч келдик.

Ҳиндикуш тоғларининг осмонупар Ҳайбар довонидан — қилкуприкдек омонат йуллардан жонимизни гаровга қуйиб ошиб ўтдик.

Улик денгиз еқалаб бепоён саҳролар бағрига сингиб кетдик.

Саҳрои Кабирда қум буронлари ичра қолган кунларимиз ҳам бўлди.

Жидда ва Равалпиндида, Трабзон ва Занжонда, бобурийлар салтанатининг муаззам ва қадимий масканларида аждодларимиз бунёд этган меъморий муъжизалар, жаннатий боғлар қаршисида ҳайратдан лол қолдик.

Бандари Аббос портидан Араб денгизини кемада кечиб утдик.

Жалолободда, шом қоронгиси туша бошлаган гариб бир оқшомда машинамиз бузилиб, бир тудга қуролли, аламзада кимсалар қуршовига тушиб қолдик...

Кобулда, ун етти йиллик уруш туфайли вайронага айланган бу қадим шаҳарда гумбураб турган туплар ваҳшати остида Боғи Бобурдаги бобокалонимиз мақбарасини тавоф этдик, муборак марқаддан бир ҳовуч тупроқ олиб шоирнинг ота юрти Андижонга келтирдик.

1993 йили Ҳинд сори юзланмоқ насиб этди. Деҳли ва Аграда, Фотиҳпур ва Ҳайдарободда не-не гаройиб воқеа-саргузаштлар бошдан кечди. Бобурийларнинг бугунги авлодларини топиб, улар билан мулоқотлар қурдик.

Бу олис ва номаълум элларни кезиб азамат аждодларимизнинг бемисл маданий мероси, уларнинг зафар-фожиалари, кечмиш-изтироблари, келгуси наслларга қолдирган умр сабоқлари, муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида талай муҳим маълумотлар тупланди. Бузург боболаримизнинг фаолият миқёслари ва мезонлари хусусида тасаввур ва қиёслар туғилди, уларни жаҳон айвонида буюк ва машҳур қилган сабаб-омилларни англаб, идрок этиш имкони вужудга келди.

Қулингиздаги китоб Бобур Мирзо ва унинг шонли зуредлари ҳаётининг маърифий таҳлилига баҳоли қудрат бир интилиш сифатида дунёга келди.

Улмас «Бобурнома»нинг уммондек теран мазмуни, соф, содда, мардона тароватига чексиз ҳавас қилиб, китобга «Бобурийнома» деб ном берилди.

Албатта, маъною мундарижа жиҳатидан улуг аждодимиз битган мумтоз асар яктодир, бу борада ҳазратга асло етиб булмас. Бизнинг умидимиз улки, шояд шаклан булса-да, фаромуш битикларимиз «Бобурнома»ни эслатиб турсин.

Куп йиллар давомида қундалик дафтар тутишни одат қилганим ушбу китобни ёзиш жараёнида қул келди. Табиийки, бу усулнинг бирмунча афзалликлари билан бирга кишининг хаёл ва тасаввурини чеклаб қўядиган ўзига хос томонлари ҳам бор.

Ҳар не булганида ҳам Тангрига таваккал қилиб ушбу китоб битилди. Унинг камчиликлари бисёр, нуқсонлари зиёда. Аммо, начора, ҳадиснинг ҳукми бўйича ҳам банда ҳамиша маъзур ва хатоликдир.

Азиз китобхоним!

Ҳазрати Бобур ва унинг шавкатли сулоласига бўлган эҳтиром ва ихлосимнинг самимияти ҳаққи, ушбу китобда учраши муқаррар хато-нуқсонларни кечиргайсиз, деб умид қиламан.

*Муаллиф*



## ЙУЛБАРСНИНГ ТУГИЛИШИ

*1974 йил, 12 март. Паркент.*

Туни буйи ёмғир ёғди, ҳамон шаррос қуймоқда.

Қишлоқни қоқ иккига булиб ўтган сой ваҳимали гувраниб, қирғоқларни упириб-бузиб оқаётир.

Тоғлардан сел келди. Уркач-уркач лопиллаган тулқинлар азамат дарахтларни, ҳайбатли қоятошларни, темир-терсақларни ҳасдек уйнатиб чирпирак қилади. Осмон қоп-қора, замин устига қовоқ уйиб энкайиб олган.

Бундай кезларда «Худоё, ўзинг асра», дея уйга тиқилиб ўлтиришдан ўзга чора йўқ.

Кечадан буён уйимизнинг кунгай томонидаги кичкина хонада ўлтириб «Бобурнома» ўқир эдим. Аслида қишлоққа шаҳарнинг шовқин-суронидан қочиб, «Марксча-ленинча фалсафа асослари»дан синовга тайёрланиш учун келганман, аммо қизил муқовали ёстиқдай китоб икки кундан буён хонтахта устида қаровсиз ётибди. Билмадим, эртага фалсафа домласига Бобур Мирзонинг Панипат жангини сузлаб бсраманми...

«Бобурнома» ихчам-ихчам турт жилдан иборат. Унга Берта Штин ажойиб расмлар чизган. Баъзи сузлар маъносига тушуниш қийин, дамба-дам лугатга қарашга туғри келаётир.

Бобур Мирзонинг таваллуд тарихи мени қизиқтириб қўйди.

Ҳаёлимда аллақандай аралаш-қуралаш фикрлар чарх ураяпти.

Яъники, Бобур — тилаб-тилаб олинган фарзанд, Умаршайх Мирзо ва Қутлуг Нигорхоним учун Оллоҳнинг тенгсиз инъоми.

Шу ҳақда бирор нима қоралаш мумкин эмасми-кан?..

*1974 йил, 23 март. Тошкент.*

*Талабалар шаҳарчаси. 11-ётоқхона.*

«Марксча-ленинча фалсафа асослари» синовидан қуладим. Қайта тайёрланиб топширишим керак, аке ҳолда бу чорак стипендиясиз қолиб, маишатим танг аҳволга келиши муқаррар.

Бир нарсага хурсандман: синовдан утолмаган булсам ҳам уша ёмғирли кунларда уйга қамалиб ултириб «Йулбарснинг туғилиши» деган мана шу киноҳикоя(!)ни ёзиб ташладим.

Осилсанг баланд дорга осил!

Афсуски, бу «дурдона»га ҳеч қачон харидор чиқмас керак. Эшитишимга қараганда, Пиримқул Қодиров Бобур ҳақида роман ёзган экан, бир неча йилдан бери чиқаролмас эмиш.

Э, мен буни чиқараман деб ёзибманми, ўзим учун ёздим-қўйдим-да.

Сиз ҳам бир ўқиб кўрасизми?

\* \* \*

Ҳижрий саккиз юз саксон саккизинчи йил,<sup>1</sup> муҳаррам ойи. Андижон.

Темурийзода ҳукмдор УМАРШАЙХ МИРЗО саройининг ҳашаматли манзаралари.

Қор босган девор-томлар, мадраса ва минораларнинг ярқироқ қуббалари. Акс садо бериб таралаётган азон товуши. Отлиқ сипоҳийлар, пиёда йўловчилар, ғала-ғовурга тўлган бозор ва расталар.

Кадр ортидан **РОВИЙ — ҲИКОЯЧИ**нинг вазмин овози.

**РОВИЙ.** Қадим утган замонда, Фарғона деган томонда, кўхна шаҳар Андижонда Умаршайх Мирзо отлиғ ҳукмдор яшаган экан. Умаршайх Мирзо дунени титратган қудратли Амир Темурнинг эвараси бўлиб, анча йиллардан бери Андижонда умргузаронлик қилар экан...

Паст буйлик, думалоқ соқоллик, мўғулий бурк кийган, аёнлари қуршовида савлат тўкиб келаётган отлиқ **УМАРШАЙХ МИРЗО**нинг қиёфаси пайдо бўлади.

**РОВИЙ.** Умаршайх Мирзо Тошканд ҳокими Юнусхоннинг уртанча қизи булмиш Қутлуғ Нигорхонимга уйланган экан. Улар етти йилдан буён бирга яшасаларда, ҳануз фарзанд кўрмаган эканлар. Ва шу боис қаттиқ изтироб чекишаркан...

Дераза олдида ташқарида уйнаб юрган болаларга маҳзун термилиб турган **ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ** сиймоси куринади. Сўнгра — тахтда хомуш ҳаслга чумиб ултирган **УМАРШАЙХ МИРЗО** кўзга ташланади.

<sup>1</sup> Мелодий 1483 йил.

**РОВИЙ.** Умаршайх Мирзонинг қайинотаси — кекса Юнусхон ҳам, қайинонаси — Эсон Давлатбегим ҳам бу ҳолдан бениҳоя ташвиш тортар эканлар...

Тошканд.

**ЮНУСХОН** саройи.

**ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ** купдан бери умид билан кутилаётган набирасига аталган саруполар — жига қадалган қалпоқ, зар чакмон, гулдор этикчаю куйлакчаларни бир-бир кўздан кечираркан, оғир уҳ тортиб қўяди. Турдаги ясашиб қуйилган олтин бешик — бум-буш.

**ЮНУСХОН** хосхонада, теран сукунат ичида тасбеҳ угириб утиради. Тасбеҳ доналари утиб бораётган умрни санаётгандек шиқ-шиқ ута беради...

Кунлардан бир куни **ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ ЮНУСХОН**га шундай дейди:

— Бул кеча ажиб бир туш курибмен. Раҳматли момом билан чорбоғда юрган эмишмиз. Менга бир ҳовуч ёнғоқ берган эмишлар. Кунглим сезиб турибди, яқин фурсатларда набиралик булсак, ажаб эрмас.

**ЮНУСХОН** узоқ уйга толади.

— Шоядки, тушингиз тақдири илоҳийнинг хайрли аломати булса. Тангри қўлаб, Қутлуг Нигорхоним фарзандлигу биз дилбандлик булсак, — дейди у орзумандлик билан.

Бу гапни эшитиб, **ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ**нинг юраги шошади.

— Айтганингиз келсин, ҳазратим, ундоқ булса, менга ижозат этсангиз: уч-тўрт ой ожизамизнинг ҳузурига — Андижонга бориб турсам. Ҳарна булса ҳамки, мусофир юрт, боёқиш ёлғиз ўзи озор топмасин.

— Ижозат, борингиз, — дейди **ЮНУСХОН**. — Оллоҳ оқ йул берсин.

Эртаси куни тонгда **ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ** тушган ҳашаматли соябон арава отлиқ аскарлар ва хизматкорлар ҳамроҳлигида Андижон томон йул олади.

Андижон.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** саройи.

Қирчиллама қиш кунларидан бири.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** қайинонаси ва хотини ҳузурда.

— Бугун бир шикорни ихтиёр этдик, ойим ҳазратла-

ри, — дейди у ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМга юзланиб. — Қани, бизга фотиҳа берсинлар.

— Ой бориб омон қайтингиз, — дейди ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ дуо қилиб.

— Овингиз бароридан келсин, — дейди ҳомиладор ҚУТЛУҒ НИГОРҲОНИМ жилмайиб.

УМАРШАЙХ МИРЗО кулимсираб, ташқарига чиқади.

Сарой ҳовлисида тонг қоронғисиданоқ овга тайёргарлик бошланган. Аргумоқлар пишқириб, бетоқат гижинглайди, суворийларнинг елкасидаги уқ-ёй, найзалар ярқирайди, махсус хизматкорлар-қушчилар қарчигай, лочин каби ургатилган ов қушларини қўлларига кўндириб олган.

Ниҳоят, эғнида почапустин, бошига тулки тумоқ кийган УМАРШАЙХ МИРЗО узангига оёқ кўяди:

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! — у эгарга урнашиб утиргач, кумуш сопли қамчиси билан ишора қилади:

— Овимизни берсин!

Отлиқлар тудаси гуррос шиддат кўтариб йулга тушади. Қор босган паст-баланд қирлар, ялангликлар аста-секин ортда қолади.

Узоқдан соҳиллари музлаб ётган Сайхун дарёси кузга чалинади.

Дарё ёқаси кета-кетганча қалин туқай. Қадимдан бу жойлар Фарғона мулки ҳукмдорларининг ов қиладиган ерлари ҳисобланган.

Дарё узра чарх уриб юрган турли-туман қушлар галаси. «Қушлар бозори»нинг тинимсиз чағир-чугури.

Қамишлар шовиллаб чайқалади, улуг дарё вазминлик билан гувиллаганча оқиб ётади.

Овчилар тудаси урҳо-ур шовқин билан туқайзорга етиб келгач, ҳалқа шаклида тўрт томонга тарқалишади. Сунгра чор тарафдан туқайзорни ва ундаги жамики жонзот-жониворларни исқанжага олиб, сиқиб кела бошлайдилар.

Мисли қурилмаган гала-говурдан чучиб, тувалоқ ва қуенлар, қирговул ва какликлар беркинган жойларидан чиқиб, зир югуришга тушади.

Овчилар жунбушга келиб уларни таъқиб этадилар.

Йул-йулакай уқ-ёйлардан шувиллаб уқ узилади.

Куни битган паррандаю даррандалар уққа дучор була боради.

Шамолдек слиб, кузлари ваҳимага тулган жайронлар тудаси отилиб чиқади.

Туқайдаги дарахтлару буталарнинг новдалари изтироб чекиб қалтирайди.

Қора терга ботган отлар қор тузонларини сачратиб дупура-дупур елиб утади. Ёввойи, мастона қийқириқлар еру кукни тутган.

Қушдек учиб бораётган жайронлардан бири гуе мункиб кетгандек, юзтубан қулайди, оёқларини бир-икки типирлатиб, жон беради. Унинг қорнига қадалган камон уқи бир неча дақиқа голибона силкиниб туради.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** буткул ов завқига берилган, чаптастик билан пайдар-пай уқ узади.

Ногаҳон қаршисида яғриндор, оёқлари узун-узун жайрон пайдо булади. Овчининг шарпасини сезиб, қамишлар орасига ура қочади.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** унинг изидан от қуяди.

Жайрон жон талвасасида қочиб бораётир. Қадам товушлари бамисоли юрак зарбини эслатади: гурс-гурс...

Суви қуриб қолган ариқлар, қалин жингил ва ёв-шанлар, қоронғи чакалакзорлар...

Азбаройи таъкиб шиддатига берилиб кетганидан **УМАРШАЙХ МИРЗО** ҳамроҳларидан хийла узоқлаб кетади. Эгарга эгилиб ёнбошлаганича юз-кузларига шарт-шурт урилаётган қамишлару бутуқларни назар-писанд қилмай, жайронни қувишда давом этади.

Мана, орада бениҳоя оз масофа қолди:

қирк, уттиз... қадам!

**УМАРШАЙХ МИРЗО**, қаддини ростлаб, жайронни мулжалга олади — шувиллаб учган уқ рупарадаги дарахтнинг пупанак босган танасига бориб қадалади.

Жайрон яна икки бор сайёднинг уқига чап беради.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** аччиқланиб, отнинг чови аралаш қамчи солади. Купириб кетган арабий бедов аччиқ кишнаб, осмонга сапчийди-да, яна жон-жаҳди билан югура кетади.

Жайрон беҳад ҳолдан тойиб, узини дарёга ташлайди. Буйнини гоз тутган куйи дарёдан сузиб ута бошлайди.

**УМАРШАЙХ МИРЗО** дарё лабида бир нафас тараддулланиб қолади, сунгра отини ниқтаб, сувга тушади.

Таъқиб энди азим дарё узра давом этади.

Сувнинг у бетига етгач, жайрон бир силкиниб, яна чакалаklar қўйнига отилади.

Пишқириб оқаётган дарё суви УМАРШАЙХ МИРЗОнинг дастлаб тиззасига, кейин эса белига қадар чиқиб боради, бироқ у парво қилмай, отини қистайди.

Қирғоққа чиқиб олгач, жайроннинг изидан от қўяди.

Жайрон қалин туқай орасида гоҳ куздан йуқолиб, гоҳ тагин пайдо булиб елиб боради.

Одислардан — дарёнинг нариги соҳилидан УМАРШАЙХ МИРЗОни излаб келаётган ҳамроҳларининг қораси куринади.

УМАРШАЙХ МИРЗО жайронни мулжаллаб кетмакет уқ узади.

Жайрон яна уққа чап беради.

Қор босган баланд унгурдан сакраб утган жайрон тусатдан тухтаб, қотиб қолади, бир дақиқадан сўнг ортига қараб қочади.

Унгур ортидан ваҳшатли укирик эшитилади. Чор атроф, бутун туқай бу товушдан зириллаб кетади.

УМАРШАЙХ МИРЗОнинг оти ҳам жойида таққа тухтаб қолади. Қулоқларини чимириб, аянчли оҳангда кишнаб юборади.

Сайёд ҳукмдор қувиб бораётган ўлжасини ҳам унутиб, узини чангалзор панасига олади. Безовта типирчилаётган отини тинчитиш учун бўйнига оҳиста шапатайлаб, узангига оёғини тираганча қад ростлаб унгур ортига назар ташлайди.

У ерда... оппоқ қор уюми устида, шамол-қордан, бегона кузлардан, хавф-хатардан пана бир чуқурликда мода йулбарс тўлғоқ азобидан инграб ётарди.

Дард шу қадар кучли эдики, йулбарс ун-ун беш қадам нарида типирчилаб турган отни ҳам, нафасини ичига ютиб турган одамзотни ҳам сезмасди.

Оғриқ кучайган сари у туқайни бошига кўтаргудек булиб наъра тортарди...

УМАРШАЙХ МИРЗО ортидан аллақандай шарпатовушларни эшитиб, кескин ўгирилиб қарайди ва от қўйиб келаётган уч-тўрт навкарини кўради. Қўли билан уларга шовқин чиқармаслик ишорасини қилади.

Ҳамроҳлари УМАРШАЙХ МИРЗОнинг олдига етиб келиб, ҳол сўрайдилар:

— Тинчликми, ҳазратим? Ё бирор кор-ҳол...

— Жимингиз! — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО ва қамчиси билан унгур ортига ишора қилади.

Овчилар ўқ-ёйларини шайлаб, унгурга яқинроқ бо-  
радилар. Улардан бири таажжубланиб, шивирлаганча  
сўз қотади:

— Бу не синоат, ҳазратим? Не ҳодиса рўй берайтиб-  
ди узи?

— Боқингиз, — дейди Умаршайх Мирзо ҳаяжон  
билан. — Йулбарсвачча туғилаётир!

Ҳамма ҳайроналик билан, дамани чиқармай чуқур-  
ликда ётган мода йулбарсга тикилиб қолади.

Бу вақтда мода йулбарс кузи ёриб, енгил тортган,  
мушукдан каттароқ таргил боласини ялаб-юлқаш би-  
лан овора, оналик бахти ва завқига маст, бутун оламни  
унутган эди.

Хийла вақт она-бола йулбарсга термилиб туради-  
лар. Бир пайт ҲАСАН ҚАВЧИН УМАРШАЙХ МИР-  
ЗО томон эгилиб сўрайди:

— Ҳазратим, ижозат этинг: отиб олайлик, айна  
мавриди, ҳеч нарсани сезмайди!

— Йуқ, — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО. — Бу  
ишингиз номардлик булади, на бандасига, на Оллоҳга  
хуш келади. Аксинча, ўлжангиздан бирор емишни бун-  
да қолдиринг — токи шўрлик жонивор тамадди қилиб,  
сизни дуо айласин!

УМАРШАЙХ МИРЗОнинг буйруғига кура йигит-  
лардан бири эгар қошига осиб олган бир неча тувалоқ-  
ни шу ерда қолдиради.

Овчилар бақадри имкон товуш чиқармасликка ти-  
ришиб, йулбарснинг маконини тарк этадилар.

Қуйни-қунжилари улжага тулиб, хуфтонга томон  
шаҳарга қайтишаркан, йулда пойтахтдан от елдириб  
келаётган чопарга кузлари тушади.

— Суюнчи! Суюнчи беринг, олампаноҳ! — дея қич-  
қиради чопар УМАРШАЙХ МИРЗОни куриши билан.

— Тинчликму? Қандоқ хабар бор? — УМАРШАЙХ  
МИРЗО от устида бир қалқиб тушади.

— Фарзанд муборак булсин, олампаноҳ!

— А?! Не дединг? Қачон? Уғилми, қизми? Суйла  
тезроқ!

— Уғил, олампаноҳ!

Ҳамроҳлари турт томондан УМАРШАЙХ МИРЗО-  
ни қутлай кетадилар:

— Валиаҳд муборак, ҳазратим!

— Умри билан берган булсин!  
— Шаҳзода қутлуг булсин, олампаноҳ!  
— Қуллук! Қуллук! — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО қувониб. — Тангрига минг карра шукур! Қани, йигитлар, чух денглар!

Суворийлар шодиёна қийқирик, шовқин-сурон билан Андижон томон от қўядилар.

Андижон.

УМАРШАЙХ МИРЗО саройи.

Тантанавор, кутаринки бир рух ҳукмрон.

Беклар, сарой аёнлари, шариат пешволари тизилишиб ултиришибди. Турдаги нақшинкор мрамар тахтада — УМАРШАЙХ МИРЗО.

Бугун чақалоққа исм қўйиш маросими утказилмоқда.

— Марҳамат қилсинлар, мавлоно МУНИРХОЖА, — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО табассум билан. — Сузингизга интизормиз.

Саройнинг пешқадам уламоларидан булган нуроний муйсафид МУНИРХОЖА МАРҒИЛОНИЙ урнидан туриб, таъзим қилади:

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Олампаноҳ, камина қулингиз амрингизга биноан китоб куриб, шундоқ андишага келдики, аҳкоми шариатга кура муҳаррам ойининг олтинчи кунда таваллуд топмиш гудакка «Заҳириддин Муҳаммад» деб ном бермоқ жоиздир.

— Заҳириддин Муҳаммад! — деб бош ирғайди УМАРШАЙХ МИРЗО.

— Шундоқ, олампаноҳ.

— Маъкул. Хуб маъкул! — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО. — Қани, тақсирим, норасида ҳаққига бир дуо қилсинлар.

— Илоҳи омин. Парвардигоро, амирзода ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАДнинг қадамини қутлуг, манг-лайнни ёруғ қилгайсен, кетмас давлат, кенг феъл, тахту бахт ато этгайсен, омин, ё раббил оламин!

Сарой аҳли «Омин!» дея гуриллаб фотиҳага қушилади.

ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМНИНГ хосхонаси.

Бешиқда ойдай тулиб паҳлавон гудак жилмайиб ётибди.

УМАРШАЙХ МИРЗО, ЮНУСХОН ва ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ бахтиёр онани кутлаб турадилар.



— Куз тегмасин, баҳодир углон тугилибдур, — дейди ЮНУСХОН. — Исми не булди?

— ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД, — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО.

— Қутлуғ булсин, улуғларнинг исми, — дейди ЮНУСХОН кулимсираб. — Насиб этса, иншооллоҳ, йулбарсдай баҳодир булгусидир. Инчунин, «Бобур — йулбарс» деб чақирсак ҳам булур экан.

УМАРШАЙХ МИРЗО ялт этиб қайинотасига қарайди.

— Йулбарс?!

— Ҳа, уғлим. Нечун ажаблāнасиз?

— Тангрининг ишларига таҳсин айтаман, хон ота. Кеча шикор чоғи куз унгимда бир йулбарс тугилмиш эрди. Энди эрса сиз бундоғ деб турибсиз. Во ажаб! Оллоҳнинг кароматига лолман, хон ота.

— Демак, билингки, фарзандингизга илоҳий хосият дорибдур, — деди ЮНУСХОН. — Куздан-сукдан асрангиз.

— Бош устига, хон ота. Йуқса, исмини «ЗАҲИРИДДИН БОБУР МУҲАММАД» деб атайлик, — дейди УМАРШАЙХ МИРЗО ҳаяжонланиб.

ЮНУСХОН бешик устидан бир ҳовуч тилла танга сочади. Канизаклар талашиб-тортишиб териб олишади.

Бешикдаги гудак гувраниб-жилмайиб кўяди.

— Баҳодир саркарда булсин, — деб дуо қилади ЮНУСХОН.

— Оламгир подшоҳ булсин, — деб тилак қилади УМАРШАЙХ МИРЗО.

— Нуридийдам олим булсин, — деб ният қилади ЭСОН ДАВЛАТБЕГИМ.

— Болагинам шоир булсин, — деб орзу қилади ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ.

Тун. Осмон тула юлдузлар.

Тулин ой даричадан муралайди.

Хосхонада ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ бешик таб-ратганча алла айтади:

Ботир болам, аллаё,  
Шоир болам, аллаё.  
Олим болам, аллаё,  
Аскар болам, аллаё...

Ҳаммаёқ жимжит.

Аллага ҳамоҳанг булиб осмони фалакда ёниб турган

йирик, порлоқ бир юлдуз янада юксалиб, янада ёрқинроқ нур соча бошлайди.

Бу — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРнинг толе юлдузи...

*1975 йил, 6 октябрь. «Оқтош» сўхатгоҳи.*

Курсдошларим Сирдарёда — пахта ҳашарида.

Мен эса, мана бир ҳафтадирки, шу ерда муолажадаман.

Икки йилдан буён тобим йуқ: буйрагимда тош пайдо булган. Утган йили куп азоб торгдим, ёз буйи умрим касалхонада утди. Оҳ, бу дарднинг оғриқлари, душманингизнинг ҳам бошига солмасин!

Бир ойдан зиёд қишлоқ касалхонасида ётдим, сунгра вилоят касалхонасига келтириб ташладилар. Ҳар турли дори-дармонлар қилиб курилди, оғриқ зурайса зурайдики, асло кам булгани йуқ. Ҳатто бир корейс дўхтир операция ҳам қилмоқчи булди, лекин сунгги соатда тигсиз даволаш ҳам мумкин, деган хулосага келиб менга ижозат берди.

«Цистанал» деган бу хорижий дори гуркираган ялпиз ҳидини беради, аммо таъми бениҳоя аччиқ. «Аччиқ» нима деган сўз, заҳар-заққумнинг узи. Шу дорининг бир томчисини бир чақмоқ қандга томизиб шимилади. У аста-секин қонга сўрилиб, буйракдаги тошни парчалаб-эритиб ташлар экан.

Шу касаллик туфайли дўхтирлар мени пахта ҳашаридан озод қилувчи қоғоз бердилар. Дорилфунун қоғозни инобатга олди. Даволанмоқ, дам олмоқ ниятида мен бу жойларга келиб қолдим.

Аслида буйраги касал одам Трусковецдаги машҳур сўхатгоҳга бориб даволаниши лозим. Аммо бизнингдек ҳамени «касал» талабага йул булсин!

Бу ерда асосан нафас йулларига муолажа қилинади. Тоза тоғ ҳавоси ҳар қандай дарднинг давоси эмиш.

Оқтош Тошкентдан олтмиш-етмиш чақирим олисда, юксак тоғлар бағрида жойлашган кичкина бир қишлоқ. Мазкур сўхатгоҳнинг урни инқилобдан бурун оқ подшонинг акаси, буюк князь Константин Романов шикор қиладиган жой булган, дейишади.

Кундузи пешинга қадар вақт муолажа билан утади. Тушдан кейин кучим етса, атроф-жавонибни пича айла-

наман. Сап-сарик барглар тушалган хазонли боғларга бораман. Кейин эса палатамда ётиб, китоб варақлайман.

Бу ерда яхшигина, бой кутубхона бор. Даста-даста олиб ўқийман.

Китоб ҳам бамисоли дуст, эски, синаштаси дуруст. Шунинг учун кўп вақт «Бобурнома»ни варақлаб ултираман. У менга мутолаадан кўра кўпроқ хаёл суриш имконини беради.

Бугун «Вақоийи санаи сабъ ва тисъа» — тўққиз юз еттинчи йил воқеаларини қайта ўқидим. Мелодий ҳисобга утказилса, бу 1501—1502 йил воқеалари булади.

Ажаб янгилик: Бобур Мирзо Паркентда булган экан!

«Бобурнома»нинг 152-саҳифасида: «Ҳазрати Хожаго Хожа Самарқанддин чиқиб келиб, Фаркатга ултуриб эдилар. Фаркатқа бориб Хожани кўрдим...»

172-саҳифада: «Дедиларким, олдимизда Ғаво йўли яқиндур. Ул йўл била Фаркатқа ошарлар. Ул йўлга бошладилар.»

Умуман, «Бобурнома»да Тошкент атрофидаги Оҳангарон, Пискент, Шоҳруҳия деган жойлар қайта-қайта тилга олинган. Энг муҳими, Бобур Мирзо уша суронли йилларда бир муддат Сомсаракда сарсон-саргардон кезган экан.

Сомсарак Паркентдан саккиз—ун чақирим нарида, ўркак-ўркак адирлар қўйнида жойлашган чоғроқ бир қишлоқ. Мен ёш бола пайтларим дадам шу ерларда, токзор боғларда ишлар эди. Ёз кезлари биз Паркентдан кўчиб келиб, чайла тикиб узум кўрир эдик...

Наинки, бундан тўрт юз саксон йил муқаддам бу масканга ҳазрати Бобурнинг пойқадамлари теккан?

156-бетда: «Сомсийракнинг орасида буронғор ва жувонгорни ясол ясаб эдим, кўрдилар...»

157-бетда: «Тонгласига Сомсийрак навоҳисини чарга солиб овладилар...»

Сомсаракка Бобур Мирзонинг нафақат қадами теккан, балки умридаги оғир ва фожиали бир воқеа айна шу ерда бошидан кечган. «Сомсийрак деган кентга тушдик, — деб ёзади у, — тонгласи хабар келадиким, Нуён кукалтош жардин мастлиқта йиқилиб улибтур... Таҳқиқини киши билмади. Манга ғариб таъсир қилди, кам кишининг фавтига мунча мутаассир бўлуб эдим. Бир ҳафта—ун кунгача ҳамиша йиғлардим.»

Нуён кукалтош — Бобур Мирзонинг энг яқин жанговар сафдоши эди.

У вақтда Бобур Мирзо ун туққиз яшар навқирон йигит булган.

Худди менинг ёшимда...

Бу ёшда у Самарқанддек муаззам шаҳарни икки бор забт этишга эришган. Бу ёшда унга Алишер Навоийнинг назари тушган.

Унинг подшоҳлик қисмати гуёки темурийлар салтанатининг ойи ботиб, Мовароуннаҳр осмонида янги, порлоқ бир юлдуз пайдо булганини эслатарди.

Чунки у тарих осмонида ой ботган паллада намоён булган эди.

*1975 йил, 11 октябрь. «Оқтош» сиҳатгоҳи.*

Бу ерга келганимдан буён иккита ҳикоя ёзилди. Биринчисининг номи — «Дунёнинг сири», ишқу муҳаббат мавзуида. Иккинчиси тарихий: «Ой ботган паллада». Бобур Мирзонинг Паркент ва Сомсарақда кечган чақмоқдай қисқа ва ёрқин кунлари ҳақида.

Тошкентга қайтгач, машинкалаб, бирорта эси бутун одамга ўқитиш керак.

*1975 йил, 23 декабрь. Тошкент.*

*Талабалар шаҳарчаси. 11-ётоқхона.*

Бугун дўстим Мансур ўзи амалиёт машқларини утаётган электрон ҳисоблаш марказидан бир қучоқ оқ қоғоз олиб келди. «Ма, сенга, шеър-пеър ёзарсан», деди сахийлиги тутиб. Қарасам, босмаҳона андозаси билан кесилган силлиқ, оппоқ қоғоз. Бир томонида турли хил формулаю рақамлар, иккинчи томони топ-тоза. Чамалаб кўрсам, машинкага ҳам мос келади.

«Зур экан, яна борми?» деб сўрадим.

«Куп бундан. Бу кераксиз, ташлаб юбориладигани», деди дўстим Мансур.

«Энди ҳар куни олиб келиб тургин. Менга жуда зарур».

«Султонип, текинга мушук офтобга чиқмайди-я. Шеърингнинг ут-бетига мениям қўшиб қўйсанг, майли, қоғозга кўмиб ташлайман».

Мен бу шартга кўндим. Қоғозни керагича ғамлаб олдим. Қишки мавсумга тайёргарлик.

Паркентда Икром Ортиқов деган адабиёт муаллими акахоним бор. Ўзи тупна-тузук шоир. У киши менга «Украина» ёзув машинкасини ҳадя қилган. Шанба кунни уйга борганимда «Ой ботган паллада»ни Мансур

берган бир даста қоғозга кучирдим. Кейин ҳарфларнинг «қош-кузи»ни қуйиб, узбекча имлога утказдим.

Мана, ҳикоя ҳам тап-тахт. Қолди фақат ношир топиш...

## ОЙ БОТГАН ПАЛЛАДА

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йил<sup>1</sup> кеч кузида тожу тахтидан маҳрум этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо кўҳна ва азим Шошнинг устки тарафида, Чир воҳасининг тоғли кентларида яқин бир ой уттиз чоғли йигити билан сарсон-саргардон кезиб юрарди.

Манглайдан мангу қор аримас Чотқол бағрида яшнаб ётган Фаркат номли сулим, муъжазгина бу кент Бобур Мирзонинг кунглига хилий маъқул тушиб, икки ҳафтадан буён шу ерда хиргоҳ<sup>2</sup> тикиб, тургун бўлиб қолган эди.

\* \* \*

...Тун буйи шаррос қуйган ёмғир куни билан тинмади. Осмони фалакни тўлдириб юборган қора булутлар қаҳр билан тўлганиб, савалаб сел қуярди.

Бобур елкасига чакмон ташлаб, тойгана-тойгана сой буйига тушиб борди. Таҳорат олгач, чакиллаб сув томиб ётган хиргоҳга қайтди-да, бомдод намозидан сўнг беклар, ишончли йигитлар ва ичкиларни кенгашига чорлади. Хиргоҳга бирин-кетин энгил-бошлари шаллаббо Хожа Ҳусайн, Қаро барлос, Султон Ҳусайн аргун, Қучбек, Нуён кукалтош, Банда Али, Ғулда Қосимбек, Холдор ва энг сунгида мугул башара, суяги бузук Миршоҳ қавчин жам булдилар.

— Шайбонийхон Хужанд сувини кечиб утиб, Шоҳруҳияни эгаллабдур, Пискент вилоятини қамал қилмишдир, — деди Бобур. — Биз булак бирор кентга кучгали қарор бердик. Барча анжомларни тахт қилинг, ёмғир тўхтагач, дарҳол йўлга отланмоқ лозим.

Бир зумда ҳамманинг юзига ташвиш пардаси соя солди, аммо бирор нима деб эътироз билдирувчи кимса бўлмади. Фақат Қаро барлосгина хирқироқ товуш билан сўради:

— Қайси манзилга кўчмоқни қарор қилдингиз, амирзодам?

<sup>1</sup> Мелодий 1501 йил.

<sup>2</sup> Хиргоҳ — чодир.

— Бундан икки йиғоч<sup>1</sup> нари Сомсарак отлиғ бир кент бор. Ушал ерга қароргоҳ қурумиз. Йул тадоригини қурингиз. Сиз, Гулда Қосимбек...

Йиғилганлар тегишли амр-фармонлар олиб, олдинма-кейин тарқалишди.

Хиргоҳда алланечук тараддуланиб, Нуён кукалтош қолди. Бобур қошини чимириб, унга юзланди:

— Суйланг.

— Бегим... Ҳали хотирдан фаромуш булибдур... Мулла Ҳайдарнинг угли Мумин Аҳмад Қосимни, каминани ва яна баъзиларни оғизлагони чорлаб эди. Агар жаноблари ижозат берсалар...

— Мумин ким?

— Бегим, ул Пискент вилоят беги Мулла Абдулманоннинг иниси. Биз билан Самарқандда бир тавр ошнолиғи бор эди.

Бобур бир зум уйланиб қолди.

— Биламан, хабарим бор, мулла Ҳайдарнинг Мумин отлиғ бир паришон угли Самарқандда эканимда қошимга келиб эди... Дарвоқе, у билан орангизда сўз қочган, деб, эшитар эдим?

Нуён кукалтош мийиғида кулди:

— Жилла аҳамиятли эмас, бегим.

Бобур Мирзо нима қилишини билмай қолди. Ҳавонинг авзойи бундай бир пайтда кучилса, Нуён кукалтош барча ишни ўз қўлига олиб, жонига ора кирган буларди. Аммо ижозат этмаса, балки ранжиб, кўнгли оғринар... Ахир, Мирзо ундан кўп яхшилиқлар кўрган, ҳар нима тилагини ўринлатса ҳам оз. Сарипул чопқинида кукалтош уни икки марта муқаррар улим зарбидан асраб қолган эди.

Бобур ўз табиатиға хилофан негадир иккиланарди. Ҳар нечук, Шайбоний яқин, хатар бор. Эҳтимол... Лекин шундай жумард йигитнинг шаҳдини қайтаришга нима учундир раъйи бўлмади.

— Хўп, ёмғир тингач — ижозат. Бироқ шарт шулким, бу кун утиб, эрта тонгласи мен айтган манзилга етиб борурсиз. Биз тунда йўлга чиқамиз.

— Бош устига, бегим.

Нуён кукалтош таъзим қилиб, ташқарига чиқди. Ёмғир ҳамон шовиллар, аммо шашти бир оз сусайган, қадам ташлаган сайин оёққа чилп-чилп лой ёпишар эди.

<sup>1</sup> Йиғоч — 8 километр.

Пешиндан кейин ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Ту-да-туда увада булутлар орасидан қуёш хижолатомуз муралади. Қароргоҳда яна одамлар гимирлаб қолди.

Бобур яланг оёқ, яланг бош, селгий бошлаган нам ерни бир-бир босиб, майдондан ўтди. Қайрағоч тагидаги кигиз хиргоҳ ёнида севикли навқари Банда Алининг иниси — ун тўққиз ёшлар чамасидаги, хушрўй, хушқад йигит Қучбек икки қадам нарида қулогини чимириб ўт чимдиб юрган жийроннинг узилган абзалларини улаб утирар, паст, тиниқ бир овозда хиргойи қилар эди:

Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна...

Бобур таққа тўхтаб қолди. Ё оллоҳ, ахир бу бир пайтлар узи битган ғазалнинг матлаи-ку!

Кунглини маҳзун бир хушнудлик чулғади.

Ҳа, бир вақтлар, умрининг масъуд онларида, у ҳам назмга ихлос қуйиб, туркийда байт айтар эди. Девон тартиб этмак орзуси — дилига чуғ ташлаган ўт — ҳали-ҳануз юрагини уртайди. Тақдири азал бу тахлит тожу тахт миннатини буйнига ортмаганида, шубҳа йўқким, узини буткул ашъор ва илм заҳматиға бахш этган буларди.

Бу саргардон хилватда садоқатли навқари тилидан уз байтини тинглар экан, вужудига титроқ тушиб, алланечук ғалати тартиб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Қучбек унга тесқари утирганча аста чайқалиб, иштиёқ билан астойдил берилиб қуйлар эди:

Тийра булди рўзгорим ул қаро қошдин яна...

Бобур аста изига қайтаркан, кўзларига беихтиёр ёш келди. Ёдида, Самарқандни иккинчи бор олганида Алишербек ҳали ҳаёт эди. Ҳатто, бир гал журъат қилиб, туркий байт айтиб битган китобатини Ҳиротга, ул ҳазратга юборган эди. Мусаннафоти<sup>1</sup> етти иқлимга машҳур ва манзур донишпаноҳ шоир аҳли фазл, аҳли ҳунарға чин мураббий, тенгсиз ҳомий эди. Муқаррар, ул зот унинг жасоратига лойиқ бир саъйи ҳаракат кўрсатган, марҳаматини дариг тутмаган буларди. Ким билсин, эҳтимол, мавлоно унинг таъби вазмини, машқ йўсин абётини муборакбод этармиди? Ёхуд, ул фурсатларда аҳён-аҳён айтиб юрган байтларини «Адо — ду-

<sup>1</sup> Мусаннафоти — асарлари.

руст, вале аксар суст», дея баҳолаб, қаттиққул устоз дастхати билан мактуб йуллаган булармиди? Ҳар нечук, Бобур унинг бир оғиз муътабар каломига илҳақлик ила куз тутган эди. Таассуф, минг таассуфки, бундай бахт унга насиб этмаган экан. Тақдирида бу ёзуқликлар бор экан, то жавоб келгунча мана шу балоларга мубтало бўлиб утирибди...

Мана энди, бугун ўз аҳволига йиғлай деса — кулгилик, кулай деса — йиғлагулик. Андижонга була Самарқандни қулдан берган эди. Хайр, яратганнинг иродаси шундайдир, балким? Аммо Андижондан, киндик қони тукилмиш, ун икки яшарлигида тахтини тутган Андижондан, тангри омонатини оладиган куни баҳузур узаниб, мангуга куз юмишни ният қилиб қуйгани Андижондан тирик айрилганига Мирзо сира-сира тоқат қила олмас, ҳасратга тулган вужуди шу икки ўт орасида туну кун қоврилар эди. Кечалари гўё кипригига қадоқ-қадоқ тош осиб қуйилгандек, куз юма олмас, қулоғи остида аллакимнинг масҳараомуз маккор товуши урмалар эди:

Гофил аз инжо ронда ва аз инжо монда...<sup>1</sup>

Бундай пайтларда Бобур ўрнидан туриб кетар, сундай ойдинда шарқираб ётган сой бўйига тушиб борар ва субҳидамгача соҳил ёқалаб гоҳ асабий, гоҳ паришон кезиб юрар эди.

Букун ҳам, кейинги вақтларда муттасил яланг юришни одат қилиб, тоғу тошни мутлақо тафовут этмайдиган бўлиб кетган оёқлари ихтиёрсиз суратда яна хилват гушага ётаклади. Бир қизғиш тус харсанг устига чиқиб, бешик уриб келаётган қоп-қора, лойқа тўлқинлардан нигоҳини узмай, сувга тикилиб қолди.

Наҳот, толе ҳақиқатан ҳам ундан буткул юз ўгирган бўлса? Наҳотки, бир пайтлар унинг болалик осмонида жуда эрта балқиган шамси саодат энди шу қадар эрта ботса? Бу беш кунлик утар дунё учун жамъу жам бебақолиги аён, аммо ҳали унинг дунёдан умидворлиги битган эмас. Беайб — парвардигор, лекин ундан қайси бир гуноҳи азим содир бўлдики, халлоқи олам уни бунчалар қаҳрига олмаса?!

Йук, бу бандаи ношукурлик эмас, бу — жалойи ватан бўлиб, саргардон сарғайган кимсанинг яратганга мунглуғ истидъоси<sup>2</sup>, холос. Балки, бу унинг гоҳи ҳақ,

<sup>1</sup> Гофил бу ердан қувилган, у ердан айрилган.

<sup>2</sup> Истидъо — илтижо.



гоҳи ноҳақ оқизган дарё-дарё қонлари, куз ёшлари баробарида муяссар бўлиб турган эҳсонларидир?..

Валиаҳд тариқатида тожу тахт, салтанатни қўлга киритганига муқим етти йил бўлибди. Бироқ шу кечган фурсат ичида бирор кун йўқки, ўзи ҳарбу зарбдан, даста қилич бандидан бушаган бўлсин! Ун бир ёшидан то ҳануз букунгача икки рамазон ийдини<sup>1</sup> асло бир ерда қилолган эмас. Мана, неча-неча йилларким, умри соҳибқирон аждоди Темурбекнинг таназзулга юз тутган улкаси Мовароуннаҳрда бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётган чигатой, теурий, ўзбек султонлари, беклари ва ҳокимларига қарши жангу жадал билан утиб бормоқда.

Баъзан енгиб, баъзан енгилиб, ганимлар устига черик<sup>2</sup> тортиб, қочиб-қувиб уткарган мутлаъқул-инон<sup>3</sup> кунларида, алҳақ, куп хатолиқлар, куп гуноҳларга йўл қўйди. Иродасига итоат этмаганларни сўзсиз қатли ом қилди, умрига муттасил қутқу солиб, ниҳоний найза сангувчи оға-ини, биродарларининг ҳолини ҳам куп бор забун этди, шафқат тилаб, кузда ёш билан титраб-қақшаган душманларига раҳм нималигини... билмади. «Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилгайлар?» қабилида ҳукм юритди...

Пойида сурон солиб гувиллаётган сойга маҳзун термилганча тангри инояти билан рузъи зафар қозониб шаъну шавкатга ботиб юрган кезлари куз унғидан бир-бир утаркан, Бобур Мирзонинг аламзада юраги тутдай тукилар эди.

Падари бузруквор Мирзо Умаршайх вафотидан сунг эришган ғалабалари ҳали-ҳануз уни масрур этиб келади. Самарқандни олганида саноглиқ икки юз қирқ киши билан бу хатарли жасоратга қўл урган эди. Шу жасорат далдаси ва йигитларининг садоқатига таяниб, Сарипулда Шайбонийхонга қарши қўшин тортди. Шайбонийдск пуртажриба лашкарбоши шу урушда уни не-не улуғ бекларидан, не-не содиқ навқиронларидан жудо қилмади? Иброҳим отлиғ ишонган уч мардона беклари — Иброҳим тархон, Иброҳим жоний, Иброҳим сору ўша жангда унинг учун жон бердилар.

Тирик қолган ўн-ўн икки йигити қанотига кириб, не машаққатлар билан Самарқанд қалъасига чекингани ҳамон куз олдида... Бунда тўрт ой мобайнида бошига тушган қисматнинг қаро кунлари, чеккан хор-

<sup>1</sup> Ийд — ҳайит.

<sup>2</sup> Черик — қушин.

<sup>3</sup> Мутлаъқул-инон — уз эрки қулида.

лик ва азиятлари... Наҳот, шулар хотирдан кутарилса? Очликдан ит этини, эшак этини еган фақир ва мискинлар-чи? Наҳотки, уларни ҳаргиз унута олса?

Уни толе ёрлақамди, ҳеч кимдан кумак етмади. Ҳатто Султон Ҳусайн Мирзо... Шундай соҳибтажриба подшоҳ ҳам унга мадад қилмай, Шайбонийхонга элчи юборди...

Қамал сунгида зарурият мажбур этдиким, мағрур бошини эгиб, сулҳи муроса қилишга мажбур булди. Кунглидек сим-сиёҳ бир тунда Шайхзода дарвозасидан угринча чиқиб кетарканлар, суюкли эгачиси Хонзода бегим ганим қулига тушиб қолди...

Бобур Мирзо ҳануз ўша мудҳиш тунни эсларкан, аъзойи бадани музлаб кетар, яраланган арслондек ўзини қаерга уришни билмай қолар эди. Ҳозир ҳам аччиқ бир ўт куксини тиғи паррондек тилиб ўтди.

Самарқанддан қувилиб, бор дунёси қоронғи бўлиб юрганида Андижондан келган машғум хабар то сунгги дам ёдидан ўчмаса керак. Ушанда иниси Жаҳонгир Мирзо тахт ҳокими қилиб кутарилган эди.

Ё раббий, нечун бу чархи гардуннинг ишлари бунчалар тескари! Бу қандай чарх кажрафторки, ини уз оғасининг кўзига чуп солса, тоға туққан жиянини сарсари ҳижрон этса, фарзанд уз падарининг бошини узса! Буларнинг барчаси, эҳтимол, рўйи заминни зир титратган шавкатли Темурбекнинг хоки пойида гард бўлиб кетган эллар ва улусларнинг унга, унинг бадбахт сулоласига ёғдирган тавқи лаънат самаридир? Уларнинг бутун жаҳонни тутган нола-фигонлари арзи самога ҳам етган бўлса... не тонг?

Қуёш уфқни қизартириб ботиб бормоқда. Ёмғирдан кейин қорайиб ётган адир этагидаги анғиздан аллаким от стаклаб ўтди. Заиф, беқарор шамол қароргоҳ тарафдан тутун иси ва намхуш тупроқ ҳидини олиб келди. Бобур сув ёқалаб ҳорғин кезишга тушди. Уни яна хаёл олиб қочди.

Бу оламда қайси бир бандага ишониб бўлади? Кимни кунгилга маҳрами асрор этса бўлади? Қасн боқма — хиёнат, мақр, найранг... Сунгги пайтларда, не боиским, бу ҳазин, нолакор байтлар тез-тез хотирига келадиган, бир зум ҳофизасини тарк этмайдиган бўлиб қолди?

Ким қурубтур, эй кунгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ?

Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ...

Не-не мардумлар билан садоқат умидида ҳамжиҳатлик орзу қилди. Аммо уларнинг макридан ҳар вақт гофил қолди. Али Дўст ва Қамбар Алидек улуг беклари, Муҳаммад Дўст сингари суянган тоғлари унга панд етказдилар, шу тариқа унинг инсон фарзандига бўлган эътимодини синдирдилар.

Йўқ, қодирни худо барчасидан бохабар экан, ёмонларнинг жазосини ўзи берди. Ота-бола Али Дўст ва Муҳаммад Дўст унга неча бор фириб бериб, амакиси Султон Аҳмад Танбал томонига буткул ўтиб кетган эдилар. Бир-икки йилдан сўнг Али Дўстни қўлига яра чиқиб ўлди, деб эшитди. Қисик куз, имони ҳам ҳаракатлари сингари суст Муҳаммад Дўстни яхши хотирлайди. Бу доғули Танбални ҳам найранг билан лақиллатиб, Шайбонийга ўтиб кетган эди. Асли ҳаромнамак экан, ундан ҳам қочиб, Андижон кентларида фитнағавғолар қилиб юрганида яна Шайбоний қўлига тушдию кузларини ўйиб олдилар.

«Кузларини туз тутти», деган гапнинг маънисини шу эркан-да», дея кўнглидан утказди Бобур ва оёғи остидан муштумдек бир чағир тош олиб, сувга ирғитди. Тош шалоқ этиб чўкиб кетди. Бобур яна сўнгсиз хаёлларга берилди.

Наҳотки, ўзи ҳам шу тош сингари беному нишон йўқ бўлиб кетса? Юрагида қайнаб тошган интиқом, ҳали юздан бири рўёб кўрмаган ниятлари, наҳот, шу гадоёй топмас хилватда буткул битса? Ахир, оғир кунда қора тортиб келганида тошкандлик хон додаси ҳам, тоғалари ҳам: «Ҳолинг не?» деб бир қайрилиб боқмадилар-ку... Хон дода иноят йўсинда Уратепани ваъда қилган эдилар. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бермади. Ким билсин, ўзи бермадими ё юқоридан бир ишорат бўлдики, ёлғиз Оллоҳга аён...

Бобурга алам қилар эди. Бу қандай бедодликки, кунини кеча бутун Мовароуннаҳрга ўзлигини танитиб, наъра тортган амирзода бу кунга келиб, шу кимсасиз Фаркатда, тоғу тошлар орасида дарбадардек пусиб юрса!..

Тортаётган бу хор-зорликлари бадалида подшоҳ деган ном кутариб юргунча боши оққан томонга кетгани афзал эмасми? Бу шармисорликда нимага куз тутмоғи мумкин? Вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар пароканда...

Баъзан унинг хаёлини сарҳад сари от суриш фикри камраб олар, шунда йўлга чорловчи товушларни эшит-

гандек булар, томирларида қон жушиб, юраги гупуриб кетар эди.

Сарҳадга! Сарҳадга! Эҳтимол, узга юртларда толе унга яна илтифот айлар? Мусофир булмаган — мусулмон булмас. Балки, бегона заминда бу кунлар тушдек нутилиб кетар? Аммо Андижон...

Кунлига шу фикр келиши билан Бобур Мирзонинг қизиган асов қони сув сепгандек бирдан совиб, ширин хаёллари чилпарчин булар эди.

Гурбат қайси бир кимсанинг умрини шодмон этибди? Ёт элларда жисмидан жон чиққунча аччиқ армон юрагини тош каби эзмаслигига ким кафолот бера олади?

Йўқ, ватандан айру тушган қисмат, сўзсиз, кишини тириклайин қабрга элтгай. Ахир, тирик жонга ёлғиз мазор учун турт газ қаро ер эмас, балки ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак. Ва лекин, тангри таоло агар ризқи рўзини уша ёқларга сочган бўлса... Унда не илож?

Аммо мамлакатдорликда гарчи баъзи ишлар зоҳиран маъқул кўринса-да, ҳар бир ишнинг заминида юз минг мулоҳаза... Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не миқдор фитналарга дучор бўлди, энди кўзни очмоқ лозим...

Уркач-уркач сув узра Бобур Мирзонинг хаёллари ҳамон чайқалар эди. Ложувард осмоннинг Сувқоқ кенти устидаги бурчида само белига белбоғ тортди — турфа рангда ял-ял товланган камалак оқшомни нурга беллади. Этни жунжиқтириб, захкаш шабада турди. Бобур Мирзо оёғидан зах утиб увишиб қолганини энди пайқади-да, аста қароргоҳига қараб йўл олди.

Тепада навкарлар шовқин-сурон билан хиргоҳларни бузиб, анжомларни йиғиштирмаққа киришдилар.

\* \* \*

Шу кеча тун қоронгиси билан йўл босиб, кун анча ёйилиб қолганида кафтдек текис бир мавзёда урнашган Сомсарак деган икки юз уйлик кичкина кентга стиб келинди. Бобур теваракни куздан кечириб, тақир уриб олинган бедапоя этагидаги баланд адирга қароргоҳ тикишга фармон берди.

Кечга томон бир зумда чанг-тузон, қуюн кутарилиб, гуё чақирилмаган меҳмонларни хушламагандек, осмон яна бурканиб, қовоғини солди. Бир неча муддат секин-секин томчилаб турган ёмғирли ҳаво ярим соатлардан

сунг кучайиб, шиддатли довулга айланди. Шамол куз очирмай қўйди, аҳён-аҳёнда Чотқол тоғ устини бир лаҳза ёритиб чақмоқ чақнар, кейин еру кукни ваҳимали гулдурак товуши тутиб кетар эди. Жами хиргоҳлар қулаб, сув босиб кетгач, раоёнинг<sup>1</sup> уйларидан бошпана топишди...

Эғнидаги бўркигача ивиб кетган Бобур Мирзо туякигиз тушалган танобий хонада даричадан ташқарига хомуш тикилиб утирар, уйнинг ўртасида эса хуш буй таратиб, қуруқ арча шоҳлари чирсиллаб ёнар эди.

«Куз оёқлаганда қалдироқлар! — дея уйлар эди у. — Бу не аломат?»

Гулханнинг нариги тарафида уй хужаси бўлмиш Абдулкарим исмли қоп-қора соқолли, бақувват йигит қўлидаги чўп билан утни титиб қўяркан, рупарасидаги одамга ер остидан қизиқсиниш ва ошқора ҳадик билан боқарди. Йигитнинг ёнида ранги хазондек заъфарон кекса бир кампир кўзларини юмганча муштдай бўлиб жим утирар эди.

— Волидангизми? — дея суради Бобур секин.

Абдулкарим бош чайқади:

— Йўқ, тақсир... Бу киши менинг бувимга ҳам волида бўладилар. Мучалим бақар<sup>2</sup>, дер эдилар, бу йил бир юзу ўн олтига кирдилар, чоғи.

— Бир юз ўн олтига?! Оллоҳ умр берсин, куп умр топқон табаррук аёл эканлар.

— Мундан икки ой муқаддам бунда Тошкандан чиққан мўгул черики тўхтаб эди, — деди Абдулкарим гулханга шоҳ ташлаб. — Элни талаб, бемиқдор ёмонликлар еткурдилар. Энам шу вайдан таъблари парিশон, маъзур тутгайсиз, тақсир.

Бобур таассуф билан сузлади:

— Бир бу эмас, ҳамиша бадбахт мўгулнинг одати шул. Босса ҳам улжа олур, бостирса ҳам талаб-тушириб уз элидан улжа олур...

Шу вақтгача сўзсиз утирган кампир туйқусдан қонсиз лабларини қимтиб тилга кирди.

— Оҳ, бутам-а, энди менга оллоҳдан умр тилаб нетасан... Азроилни сурасанг-чи... «Омонатингни олиб қўя қол», деб уззу кун яратганга илтижо қиламан. Йўқ, мени ёдидан чиқариб юборганми...

<sup>1</sup> Раоё — маҳаллий аҳоли.

<sup>2</sup> Бақар — ситир.

Бобур буркини оловда қуритатуриб, таскин оҳангида:

— Ундоқ ношукур суз айтманг, момо, — деди, — ҳарна булса тангри суйган банда экансиз, дам утганига шукур қилинг.

Кампирнинг чупдек ингичка, буришиқ бармоқлари ориқ тиззаларига ёпиб қўйилган қора капанак<sup>1</sup> устида гуё алланарса ахтарган каби тимирскиланар эди.

— Шукур қиламан, бутам, шукур қилмаганимда не илож? Бу дунёга келиб, икки улиб бир тирилмадим, холос, ундан бошқа неки кургилик булса, ҳаммасини тортдим. Йигирма уч йилдан буён кузларим ожиз... Худои таоло суйган қулига дард берар, деб узимни овутдим. Оллои карим туққиз фарзанд берди, тагин узи олди, шукур қилдим. Фарзандларим барчаси қаро тупроқда ётибди, мен булсам... э вох! — Кампир ич-ичидан тошиб келган дардли хурсиникдан оғир энтикди.

Бир муддат тек қолдилар. Сунгра Бобур орага чуккан нохуш сукунатни бир оз кутариш ниятида товушига атай бардам тус бериб:

— Қўйинг, момо, куп қайгурманг, — деди. — Жаннатмакон Амир Темур даври давронидаги ишлар хотирингизда бордир? Ушал вақтда курган-билганларингиздан суйланг.

Кампирнинг бир бурда заъфарон юзи буришиб, ажинлар гужгон уйнади.

— О-о, бутам-а, биз ул пайтлар ёш эдик... Элас-элас хотиримда: соҳибқирон Темурбек замонасида Малик Убайдулло отлиқ бир хушсурат оғам черикка кириб эди. Нақ қарчигадай йигит эди. Не вақтгача бадгумон кетди. Олти йилдан сунг Ҳиндистондами, аллақайда улибди, деган хабари келган эди. Уша йили пушти паноҳ Хожа Абдурасулнинг кичик иниси уғли билан Сувқоқда кучки босиб...

Кимдир дарвозани жон-жаҳди билан тақ-тақ урди, шу зумда момақалди роқ гумбураб, атроф бир лаҳза ёришиб кетди. Абдулкарим сапчиб урнидан турди-да, дарвозага қараб югурди.

— Ким?

— Очинг! — деган кескин фармойиш янгради.

Устидаги энгил-боши ивиб, баданига чиппа ёпишиб қолган Аҳмад Қосим бежо аланглаб ичкари кирди.

— Не гап?

<sup>1</sup> Капанак — жун чакмон.

Аҳмад Қосим таъзим қилди:

— Гуноҳкор қулингизни авф этинг, амирзодам... Фалокат, фалокат руй берди... Нуён кукалтош мастликта жардан йиқилиб...

Бобурнинг борлиги бир қалқиб тушди.

— Нима-нима?! Қачон? Қачон?.. Нечун?! Улдими? Сиз... сиз қайда эдингиз, ахир?

Аҳмад Қосим гуноҳорона бош эгди:

— Иқрорман, амирзодам, мендан улуғ хатолик утди. Гафлат босиб тунда бир уйда ухлаб қолибман. Тонгласи шу хабарни еткурдилар...

— Эҳ, бад амал<sup>1</sup> Мумин! Эҳ, ит эмган ваҳшзод! Самарқанддаги эски кийнани<sup>2</sup> ҳануз сақлаб эркан-да! — Бобур аламдан лабини тишлаб, инграб юборди... — Уҳ, малъун!.. Жасад... жасадни не қилдингиз?

— Амирзодам, биз суҳбат тутқон ердан уттиз одим нари бир жарнинг остида кукалтошнинг улигини топдик. Аъзойи бадан ва бошқа куз тушар ерида ҳеч бир шикаст учрамади. Тафсилини билгувчи бирор кимса булмай... Пискентда туфроққа топшириб келдик... Буюринг, ҳар не жазога мустаҳиқман<sup>3</sup>...

Елғиз уртанган юраккина идрок қила олувчи навҳа куки<sup>4</sup> вужудини зир титратган Бобур унга ғамгин назар ташлади. Бу оламда ягона садоқатли дусту, ҳамдами муниси елғиз бир шу кукалтош эди. Тақдир уни ҳам куп кўрибди-да!.. У, қисмат! Наҳотки, сенинг Бобур Мирзони мангу синамоқдан булак эрмагинг булмаса!

У гуё узига узи сузлагандек, алланечук галати товушда:

— Энди дардманлиг беҳуда! — деди секин. — Аввало, манглайи шўр экан... Макр қурбони булди, гофил қолдик... Гофил...

Кейин юз-кузини аёвсиз савалаётган ёмғирга ҳам парво қилмай, балчиқ кечганча шахд билан юриб кетди. Аҳмад Қосим эс-ҳушидан айрилгандек, бир оз ҳайрон булиб турди-да, сунг соя каби изма-из эргашди. Бобур бутана сув тошиб ётган ариқдан утиб, жар этагига қараб юрди. Шамолдан пана бир жойга мук тушиб, муздек ҳул тошга юзини босган куйи узоқ жим қотди. Аҳмад Қосим сал нарида нафасини ютиб, хилий вақт шарпасиз турди, ниҳоят, хавотирланиб, ёнига келди:

<sup>1</sup> Бад амал — ёвуз ниятли.

<sup>2</sup> Кийна — гина, адоват.

<sup>3</sup> Мустаҳиқ — лойиқ.

<sup>4</sup> Навҳа куки — мотам куйи.

— Бегим... — деди бугиқ овозда.

Бобур Мирзо индамади... Навкарлари орасида фақат Нуён кукалтошгина уни шундай деб аташини эслади.

Ялт этиб чақнаган чақмоқ ёруғида Аҳмад Қосим унинг титраётган слкаларини кўрдию ботиндан бузлаб йиғлаётганини англади.

— Кун бемаҳал булиб кетди, амирзодам...

Бобур бошини кутарди. Ҳорғин юзини ёмғир томчиларими, куз ёшими... алланарса ювиб тушар эди. Уксик товуш билан эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Кам кишининг вафотидан мунча мутаассир булиб эдим...

Унинг заиф овозини теварак-атрофни ларзага келтириб янграган гулдирак қаҳқаҳаси босиб кетди.

\* \* \*

Бобур неча вақтлардан буён қоғоз-давотни йиғиштириб қўйган, гашлик қошлаб ётган кўнглига нафақат назми абёт, балки қил ҳам сиғмас эди.

Лекин ҳозир ич-ичидан тулқинланиб келаётган шиддатли титроқни енгилга Бобур Мирзо қодир эмасди. Бармоқлар беихтиёр қаламга югурди, қулоғи остида олис, жуда олислардан танбурнинг сунган навоси янглиғ тиниқ, ҳазин бир нола янграб кетгандек бўлдида, Мирзони бу ғира-шира дунёдан буткул сугуриб, йироқ-йироқларга, шамси талъатнинг мунаввар нурлари билан чулганган илоҳий, соҳир бир оламга олиб кетди. Оппоқ қоғоз бетида, туфонларида унинг жони пажмонини омонсиз қалқитган ғам-андух денгизининг асов мавжлари тулқин уриб, намён була бошлади:

Бир кеча хотирим мушавваш эди,  
Кузда сув, кўнглум ичра оташ эди...

Чирогпоядаги сўник шам уқтин-уқтин лип-лип соя ташлаб қолар, бедапояда чигирткалар тинимсиз чириллар, кишанлаб қўйилган отлар гоҳ-гоҳ бошини кутариб пишқириб қўяр, аммо хиргоҳда, ожиз шуъла ёруғида бағрини қоғозга бериб утирган ун туққиз яшар, бодом қовоқ навқирон йигит буларнинг бирортасини на эшитар, на сезар, жисми жаҳони хиёл титраб равон йўрғалаётган мўъжазгина қаламда эди.

Ашъор мисралари билан бирга шоирнинг юрагида қайнаб тошган аччиқ-аччиқ кўз ёшлари ҳам сатрларга



қуйиларди. Ёниб тугаёзган шамнинг хира нурида буюк инсоннинг буюк гуссасидан воқиф булган оқ қоғознинг туси гуё янада оқариб-бузариб кетгандек...

Бобур куксини тулдириб беомон қийнаган ҳасратларини тукиб солмоқчидек, бор дунени унутиб ёзар, ёзган сайин қалбида сарин бир енгиллик сезар эди.

Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,  
Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур.

Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,  
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.

Жону кунглида жуз жаҳолат йук,  
Ҳеч ишида анинг адолат йук.

Не вафо қилганини билса булур,  
Не жафосига сабр қилса булур...

...Хиргоҳнинг яқингинасида от бетоқат кишнаб, депсинди. Аллаким отдан сакраб тушди-да, шитоб билан хиргоҳга қараб юрди. Қизил сахтиён этиги, кук мовут чакмони ва қош-кузини турт энлик чанг босган алп келбат, қисик кўз Фулда Қосимбек эгилиб таъзим қилди:

— Тошқандин хабар, амирзодам!

Бобур Мирзо ҳамон уша тахлит қоғозга қадалиб утирар эди — англамади. Фулда Қосимбек иккинчи бор такрорлаганида, ҳуши узига келиб, шошиб унга тикилди:

— Не гап?

— Амирзодам, Султон Аҳмад Танбал Уратепа устига келмиш. Бул кеча хон Тошқандин черик отланди...

Бобурнинг кузлари чақнаб кетди. Демак, ҳали буткул имконият битмаган экан-да! Демак, ҳали ноумид васвасага берилмаслик лозим экан-да! Ким билсин, эҳтимол, худди шу сафар унга уйқудаги бахтини уйғотиш насиб булар? Нечун толеини яна бир бор синаб кўрмасин?

Туйқусдан томирларига қон каби қуйилиб келаётган аллақандай гайритабиий куч-қудратни ҳис қилди-да, юраги энтикиб кетди. У илдам кийинди, белига Самарқандда ясагирган ясси қиличини тақаркан:

— Қани, юринг, Фулда Қосимбек, — деди фавқуллода уқтам товуш билан. — Бор қушинни жамланг,

майли, хон курсинлар. Агар... агар черик берсалар!..  
Буронгор ва жувонгорни!... ясол ясаймиз!

Олдинма-кейин хиргоҳдан чикдилар. Атроф сув куйгандек жимжит. Бор тирик жонни маст сахар уйқу-си таслим этган, юлдузлар ҳам мудроқ босгандек хира милтиллар, чигирткалар чарчаб, ниҳоят, тинган — ой ботган эди...

*1976 йил, 17 февраль — 14 март. Тошкент.  
Шифокорлар шаҳарчаси. 3-ётоқхона.*

«Ой ботган паллада»ни устозим — Гафур Гулом номидаги нашриёт муҳаррири, таржимон Тулқин Алимовга ўқитдим.

«Гулистон» журналига обориб кўринг-чи», деди у киши ўйланиб.

Бу гапни эшитиб, оёқ-қўлим бушашиб кетди.

«Гулистон» журналига?!

Адабий бастионга-я?!

Тап тортмасдан?! Қайси юрак билан?

Йўқ, кечиргайсиз, муҳтарам устоз! Еш жонимдан умидим бор!

«Мен Ваҳоб акага айтиб қўяман», деди Тулқин ака бамайлихотир.

Демак, куним битгани аниқ экан!

«Қурқманг, у киши жуда яхши одам», деди устоз рангим оқариб кетганини сезгандек.

«Қурқатганим йўқ», дедим баттар қўқиб.

Чунки афсонавий Ваҳоб Рузиматовдан қўрқмайдиган қаламқаш ҳали онасининг қорнида!

Устознинг далдаси билан ҳикояни журналга олиб бориб топширдим. «Адабиёт бўлимининг муҳаррири Сулаймон Раҳмон» деган ёзувли баланд эшик ҳам, эшик ортида ўлтирган одам ҳам кўзимга ниҳоятда ваҳимали куринар эди.

«Бир ойдан сўнг хабар олинг», деди Сулаймон Раҳмон.

Табийки, мен редакцияни ҳам, тирик адабий ходимни ҳам биринчи марта кўраётганим йўқ. Аммо «Гулистон»нинг салмоқ-салобати узгача. <sup>4</sup>

70-80-йиллар бу даргоҳ суз бустонининг чинакам гулистонига айланган эди.

<sup>4</sup> Буронгор ва жувонгор — қушнинг унг ва чап қанотлари.

Бу гулистоннинг боғбонлари ғаройиб инсонлар эди.

Уларнинг сардори — бош муҳаррири узбек адабиётининг классиги Асқад Мухтор эди. Улуг инсон, улуг адиб, шафқатли мураббий — у зоти шариф шаънига менинг ожиз бисотимдан муносиб сўз топилмади.

Фақат шуни илова қилмоқни жоиз биламанки, Асқад Мухтор — адабиёт моҳиятини тўғри англаган ва адабиёт хусусида фикр алмашмоқ мумкин булган жуда кам сонли адиблар сирасига кирарди.

Ёшлик чоғидан стимлик билан усган, шу боис инсон қадрини ҳамма нарсадан юксак тутар эди. Хоксор ва мағрур эди, бир-бирига зид бу икки хислат унинг табиатида ажиб бир тарзда уйғунлик топган эди. Асли фарғоналик эди.

Бу гузал инсоннинг шарофати туфайли «Гулистон» журнали мустабид бир тузумдаги эркин фикр оролчасига ухшар эди. Бунда корректордан тортиб бош муҳарриргача фикр ва инсоний муносабат бобида тенг, демократия деган нарса айни шу масканда мужассам эди. Бу журналда тасодифий сўз айтилмас, тасодифий асар босилмас, тасодифий муаллиф дарвозадан ичкарига қўйилмас эди. Твардовский бошқарган «Новый мир» журнали рус жамиятига қанчалик ижтимоий таъсир курсатган бўлса, муболагасиз айтиш лозимки, Асқад Мухторнинг «Гулистон»и ҳам узбек жамиятининг маънавий ҳаётига шунчалар кучли таъсир курсатган.

Яна бири бош муҳаррир уринбосари Ваҳоб Рузиматов — тўғрисўз ва талабчан инсон эди, шу боис «туққанига ҳам ёқмас» эди. Унинг учун адабиёт бозорида унвону нуфуз деган матоҳлар утмас, ҳар кимнинг молига — ёзган матнига қарабгина тош-тарози қўяр эди. Аҳли истеъдодга мураббий ва муқаввий, адабий чайқовчиларга шафқатсиз эди. Кимсан Гафур Гуломга котиблик қилган, катта мактаб курган ижодкор эди. Ҳар бир сўзи ҳикмату нақл, қочириму киноя билан товланиб турарди.

«Бўлди-да, окуси, адабиёт сизга эчки бозорими?!» дея бир чимрилганида ҳар қандай каландимоғ адиб ҳам адои тамом буларди.

«Редакциянинг ити бор, Ваҳоб Рузиматов деган», дея энг оғир зарбаларни ҳам зиммасига мардона ола билар эди.

Таҳрир бобида ўзига хос мактаб яратган, аммо камтарлик билан уни «тўрт амал» деб атарди. «Бир товуқ»

ни бир суйибон бир еди», деб жумладаги тавталогияга қирон келтирарди. Севган ибораси «оқуסי» эди. Узбек тилининг билимдони ва жонкуяри эди. Афсуски, бундай зиёлилар бугунги кунда қолмади ҳисоб. Етук таржимон эди, рус ва жаҳон классикасини пухта биларди. «Гулистон»даги маънавий муҳитнинг шаклланиши ва барқарор туришида хизматлари мул эди.

Яна бири Абдулла Шер, чинозлик, шоир эди. Маъруф ва жушқин инсон эди. Журналнинг масъул котиби эди. «АШеров» деб имзо чекарди, ходимлар ҳам орқаваротдан «АШеров» деб чақиришарди.

Яна бири Маҳмуд Саъдий эди, адабиёт ва санъат бўлимининг мудирини эди. Самарқандлик эди, асли фамилияси Саъдинов булиб, Саъдий тахаллусини олган, Асқад ака ҳазиллашиб «Шайх Саъдий» дер эди. Китобининг кўплиги ва ижодий маҳсулининг камлиги билан машҳур эди. Ишга мудом кеч келиши шуҳратига шуҳрат қўшган эди. Матбуот заҳматкаши эди, умр буйи турли хил кимсалардан мутафаккир яшаш билан машғул булди. Адабий танқид касби эди. Менинг журналдаги ва умуман мустақил ишдаги илк мудирим эди.

Яна бири Сулаймон Раҳмон, карманалик, шоир эди. Кейинчалик адабий ва масъул котиб ҳам булди. Камгап, фикрчан, батартиб, таҳрири тоза эди.

Яна бири Мурод Хидир эди, китоблик, мақоланавис эди. Бу оламда билмаган нарсаси йуқ эди. Ҳаддан зиёда билим ва сон-саноксиз мухлислар баъзан боёқишга огирлик қилиб қоларди. Фан ва маданият бўлимининг мудирини эди. Ваҳоб ака жаҳли чиққан кезларда уни «Шахмат ва кроссворд бўлимининг мудирини» деб атар эди.

Яна бири Тоҳир Малик, тошкентлик, фантаст адиб эди, ижтимоий-сиёсий бўлим мудирини эди. Шу кезларда «Фалак» деган қиссаси тилга тушган эди. Бағоят меҳнаткаш эди. Саҳифа-саҳифа бамаъни гапларни тулдириб ёзар эди. Ваҳоб ака уни бошқаларга урناق қилиб мақтар эди: «Шу Тоҳир сал-пал тузук, бир гапни айтсанг, моховга ошна қилиб булсаям ёзиб беради...»

Яна бири Саъдулла Аҳмад, шоир, санъатшунос эди. Асли қизилтепалик эди. Классик театр жоғи дили эди. Маннон Уйғур, Шукур Бурҳон ҳақида дуруст нарсалар ёзган, хусусан, «Эдип» деган бадиаси машҳур. Ҳақиқатпарастлиги билан ном чиқарган эди.

Яна бири Эркин Аъзам, бойсунлик, носир эди. Табиатининг нозиклиги ила машҳур эди. Сузга бени-

ҳоят талабчан эди. Оз-у, соз ёзарди. «Отойининг тугилган йили» деган қиссаси кўп доврўқ қозонган эди.

Яна бири Эмил Рузибоев, самарқандлик, рассом эди. Ҳунарида чинакам моҳир эди. Кейинчалик кўп мусаввир унинг урнида хизмат қилди, аммо ҳеч бири бадийий безак жиҳатидан журнални у юксалтирган даражага кўтара олмади. Уқимишли, хушфёъл ва улфат эди, риндона таъби бор эди. Жамики гузал нарсаларни яхши кўрарди. Мудом навқирон кўринарди. Нодир китоблари кўп эди.

Бу одамларнинг ҳар бири узига яраша фёъл-атворлик, қисмат-тақдирлик эди. Аммо уларнинг ягона умумий фазилати бор эди: барчаси ҳам адабиёт деб яшарди. Адабиёт улар ҳаётининг мазмуни эди.

Мен эса бир ойдан кейин ана шундай талабчан муҳит синовидан утишим керак эди.

Тайинланган вақтда бордим. Ҳикоя ҳақида ҳеч нарса дейишмади. «Бошқа нарсаларингизни ҳам олиб келинг», деган жавоб бўлди.

Демак, синчиклаб текшириб куришмоқчи: тасодифий эмасми?

Топган-таянганларимни кўтариб элтдим. Дустим Мансур лутфан тақдим этган ЭҲМ қоғозларига босилган ёзмишларим орасида «Чоллар палатаси», «Ҳаёт эртаги» деган бир неча ҳикоя бор эди.

Талабалар шаҳарчаси билан редакция ораси узоқ, аммо «маршрутка» йигирма тийинга олиб бориб қўяди. Кун ора бўлмаса ҳам ҳафтада бир бориб «эжодим»нинг ҳаракатидан хабар олиб тураман. Ва ҳар сафар сирли муждалар эшитиб қайтаман: бўлим мудири уқияпти; адабий котибга ўтди; масъул котиб танишмоқчи...

Бир кун давлат сирини ошкор қилгандек пичирлаб айтишдики: Ваҳоб акага бердик!

У кишидан ҳаялламай жавоб қайтди.

«Оқўси, — дебди Маҳмуд Саъдийга, — қоғоз зовутга ўт тушган эканми?!»

Соддалик кўрсин, шундагина қандай катта хатога йўл қўйганимни англадим.

Аммо барибир ҳикояни уқибди!

Маҳмуд аканинг гапига қараганда, «булади» деган эмиш. Яна қўшимча қилиб: «Асқад ҳам бир уқисин», деган эмиш.

Э худо! Узинг қўлла, Оллоҳим!

Ҳафтанинг охирларида «Шайх Саъдий» кузойнагини ялтиллашиб, мендан суюнчи олди: «Ой ботган пал-

лада» бош муҳаррирдан утибди! У киши ҳатто таҳрир қила бошлаган ҳам экан, фақат бир андиша...

«Пиримқул хафа булмасмикан?» деб сурабди.

Сунгра «Шайх Саъдий» шивирлаб, Пиримқул Қодировнинг Бобур ҳақида ёзган «Юлдузли тунлар» романи теграсидаги гавголлардан бир шингил сузлаб берди. Асарга бир неча йилдан буён йул берилмаётган эмиш. «Гулистон» ҳам кичик бир парча тайёрлаб қуйганида босишга изн булмаган экан... Бечора ёзувчи узи шундоқ ҳам руҳан эзилиб юрган бир пайтда бу нарсанинг чиқиши қандоқ буларкин?

«Ундай булса, буни асло чиқариб булмас экан-да?» дедим умидимни узиб.

«Тимтимагингни чиқарамиз, сурқаш, сабр қил», деди Саъдий. (У ёш ёзувчининг ҳаммасини — «сурқаш» ёки «дадар» деб, уларнинг ёзганларини эса ёппасига «тимтимак» деб атар, бунинг нима маъно англатишини ёлғиз узи билар эди.)

«Хуп, мен нима қилай булмаса?»

«Нима қилардинг, бошқа тимтимакларингни опке.»

«Бошқаси йуқ», дедим аразлаб.

«Йуқ булса, ёз. Уламсамисан, эрта улиб кетадиган», деди «Шайх Саъдий» ва шу пайт хонага семиз портфелини кутариб Шерали Турдиев кириб келди.

Иккови ачомлашиб кетди.

Мен энди ортиқчалигимни сезиб, секингина хонадан чиқдим.

*1976 йил, 12 май. Тошкент. Шифокорлар шаҳарчаси. 3-ётоқхона.*

Холис дустлардан бири маслаҳат берди: модомики, уртада Пиримқул Қодировнинг андишаси бор экан, ҳикояни у кишининг узига уқитиб маслаҳат олинса, қандоқ буларкин?

Гарчанд номдор адибнинг ҳузурига дабдурустан бостириб бориш бориб турган одобсизлик булиб туюлса-да, ёш қаламкашга хос шуҳратпарастлик туйғуси кунглимга тинимсиз қутқу солар эди.

Ва шу туйғу бу оқшом холис дустим билан мени беихтиёр ёзувчининг Хадра ортидаги икки қаватли уйига бошлаб келди.

Катта зал уйда адиб ишлаб ултирган экан. Куришдик, ҳол-аҳвол сурашилди. Чой келди. Бу одамни шу пайтгача фақат телевизорларда куриб юрганимиз учун

салобат босди, қисиниб-қимтиниб дардимизни айтдик. «Гулистон»чиларнинг андишасини эшитиб, адиб шундай деди: «Мен нега хафа булай, агар нарсангиз маъқул булса, бемалол босиб чиқаришаверсин. — Сунгра пича уйланиб илова қилди. — Бобур Мирзо — бамисоли бир денгиз, у ҳақда унлаб, юзлаб китоблар ёзилиши мумкин. Ҳали китобхонлар бу буюк зотнинг ҳаёти, унинг бемисл ижоди, амалга оширган гаройиб ишларини етарли даражада билмайдилар. Бинобарин, бу тугрида нимаики нарса ёзилса, биз хурсанд бўлиб қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун, ука, журналдагиларга бориб айтаверинг, менинг асло эътирозим йўқ».

Суҳбат адоғига етгандек эди. Аммо шу пайт мен сурбетона бир журъат қилдим: «Шу нарсани ўзингиз бир ўқиб берсангиз», деб мултираб туриб олдим.

Адиб бу гапни, назаримда, хушламайроқ қабул қилди. «Журналда ўқиб маъқул дейишган бўлса... шартми-кан менинг ўқишим? Асқад ака ҳам ўқидилар, деяписиз...» «Илтимос, домла», дедим қайсарлик билан. «Ҳай, майли, қолдириб кетинг. Кейинроқ бир кўнги-роқ қиларсиз», дея Пиримқул ака телефон номерларини айтди.

Хушлашдик. Қайтаётиб, кўнглимда жиндак хижиллик туйдим. Иши бошидан ошиб-тошиб етган катта ёзувчига қилган бу қилиғим қандоқ булдийкин?

...Ушанда адибни нақадар мушқул аҳволга қўйганимни орадан йиллар утиб — ёш ёзувчиларнинг машқларини ўқиб фикр айтиш ташвиши ўзимнинг ҳам бошимга тушганидан кейингина англаб етдим. Одатда ёш ёзувчи мудом шошиб юради — тезроқ ижоди рўшноликка чиқишини хоҳлайди, тезроқ ном қозонгиси келади. Шунга кура барчани ўзи қатори санайди, сизнинг режимингиз, ижодий режангиз, кайфият ва фурсатингиз билан ҳисоблашиб ўлтирмайди.

Профессионал адибларнинг вазифаси беминнат хизмат кўрсатиш бюроси ходимларининг вазифасидан жиндай фарқ қилишини ушанда барча ёш қаламлар каби, афсуски, тушунмаган эканман. Демокчиманки, ёш дўстларим, катта ёзувчилардан ҳам ҳуда-беҳуда ўпкалайвериш ярамайди. Устоз адиблардан бири Тулапбергенов Қайипбергенов бу борада ибратли фикр айтган: «Китоб ёзаётганимда иложи бўлса, бировга откритка ҳам ёзма». Яъни бу — ижодий фикр, ижодий кайфият, ижодий ритмдан чалғима, дегани...

*1976 йил, 8 июнь. Тошкент. Шифокорлар шаҳарчаси.  
3-ётоқхона.*

Учинчи курс ҳам тугаб қолди. Имтиҳонлар бошланиб кетган, вақт етишмайди.

Орадан бир ойча утгач, юрак ютиб Пиримқул Қодировга телефон қилдим. У киши ишхонасига — Тил-адабиёт институтига келишимни сўради.

Гоголь кучасида — Фанлар академиясининг президиуми билан бир бинода жойлашган бу даргоҳга кириб чиқиш осон бўлмади. Мелиса қуриқлайдиган вестибюль, кузойнак таққан, салобатли, тепакал одамлар, кўҳна ва улугвор мебель...

Адиб ҳикояни ўқиб қўйган экан. Умуман у кишида ёмон таассурот қолдирмабди. Баъзи бир танқидий фикрлар ҳам билдирди. Хусусан, ҳикоя матнида Нуён кўкалтош Бобурга «бегим» деб мурожаат қилар эди. Бу сўз Бобур Мирзога нисбатан нотўғри ишлатилганига эътиборимни қаратди.

«Бегим» сузи темурийлар салтанатида асосан аёлларга нисбатан қўлланилган. «Бек умма» — арабча сўз бўлиб, «бекнинг онаси» деган маънони ифодалайди. Масалан, Гавҳаршодбегим, Хадичабегим, Хонзодабегим ва ҳоказо. Бобурга нисбатан эса «амирзода» унвони билан мурожаат қилинган. Тарихий асарда шу каби ҳолатларни ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда китобхон асарга ишонмайди», деди.

Ташаккурлар айтиб ҳўшлашдик.

*1978 йил, 18 февраль. Парксент.*

Ҳастаман.

Йигирма кунча бўлди, ота маконимда кўрпа-тушак қилиб ётибман. Қаттиқ шамоллаганман, эски дардим — бронхит қўзиган, упкам ёғланмаган маҳсидай гижиллайди. Бир аптеска дори ичиб юбордим — нафи бўлмаётди.

Синглим кутубхонадан «Гулистон»нинг янги сонини келтирди. Ваъда бўйича бу сонда журнал тортмасида икки йилдан буён рушнолик кутиб ётган ҳикоям ниҳоят чиқиши керак эди.

Ёш ёзувчига хос энтиқиш билан очиб қарадим. «Ой ботган паллада». Худога шукур, чиқибди!

Рассом Гулбаҳор Ҳошимова иккита расм чизиб ҳикояни зийнатлабди.

Журнални уйдагилар ҳам навбатма-навбат кўриб



муборакбод этишди. Онам кузларига ёш олиб дуо қилдилар. Шу заҳоти киоскага одам юбориб яна икки нусха олдирдик.

Индинига тузалиб, отдай бўлиб кетдим.

*1979 йил, 4 январь. Тошкент.  
Ишчилар шаҳарчаси, ижара уй.*

Шу пайтгача ёзилган ва эълон қилинган нарсаларим ҳам бир бўлдию «Ой ботган паллада» ҳам бир булди. Бу ҳикоя мени ўқувчиларга танитди. Бобур Мирзо сиймосининг жозибаси шу қадар кучли эдики, у ҳикояда яққол кўришиб турган камчилик-нуқсонларни ҳам ёпиб кетарди. Бундан ташқари, китобхонлар ҳазрати Бобурни соғинган эдилар. Шунинг учун ҳам кичкинагина бу ҳикоя уларда бунчалик қизиқиш уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Дорилфунунни битириб, «Гулистон» журнаliga ишга кирдим. Санъат бўлимида ишлай бошладим. Декабрь ойида журналда янги ҳикоям — «Дунёнинг сирри» босилиб чиқди. Муҳаббат ёшидаги ёш-ялангдан куплаб хат келди. Таҳрир ҳайъатининг қарорига биноан тўрт муаллиф журналнинг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида «Ой ботган...» учун мен ҳам бор эдим.

Наشريётга илк китоб қўлэмасини тайёрладим. Мехрибон устозларнинг маслаҳатларига кура, «то оёққа туриб олгунга қадар» Бобур Мирзо ҳақидаги ҳикояни тўпламга киритмасликка қарор қилинди. Чунки ҳали қўлэзма Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан утиши керак.

*1981 йил, 29 август. Тошкент.  
Юнусободдаги ижара уй.*

Чилла чиқса ҳам, кун ниҳоятда иссиқ. Жазирама одамнинг силласини қуришиб, лоҳас қилиб ташлайди.

Бир ҳафта бурун «илҳом пари»м менга сим қоқиб, бир ҳикоя ёзиб беринг, деб илтимос қилди. Мен нодон кунгилчанлик қилиб розилик бериб юборибман. Мана энди ҳаммомдай қизиб ётган бетон каталакда азоб тортиб ётибман — айтилган муддатга уч кун қолди, ваъда эса битгани йўқ.

«Илҳом пари» — ёзувчи дўстим Орзикул Эргашев, радионинг адабиёт бўлими муҳаррири. Нафақат ме-

нинг, балки жуда кўп носирларнинг ҳикоялари айнан Орзиқулнинг буюртмаси билан вужудга келган. Ишонмасангиз, узбек адибларининг ҳикояларини олиб текшириб куриб, аксарияти ун уч бетдан иборат, яъни радио учун ярим соатга мулжаллаб ёзилган. Бечора Орзиқул менинг лафзимга ишониб ҳали ёзилмаган ҳикояни эшиттиришлар режасига киритиб юборади. Кейин муддат яқинлашган сари редакцияда у, бу ёқда мен юрак уйноғига туша бошлаймиз. Лекин Худога қараб айтганда, шу вақтгача ҳали бир-биримизга панд берганимиз йўқ, оғзи-бурнимдан қоним келса-да, буюртмани вақтида бажариб келганман.

Бу сафар эса уддалашим жуда машаққат бўлди. Кун иссиқ, стол ортига келиб ултирдим дегунча уйқу босади, қоғоз билакка чиппа ёпишади, тер дарё бўлиб қуйилади, мия ишламайди. Даста-даста қоғоз бетидеа зоологияга номаълум аллақандай жониворларнинг сувратлари.

Орзиқул эса кунига уч маҳал қўнғироқ қилиб «қарзини» қистайди.

Ёзувчиликнинг қанчалик оғир ва бемаъни хунар эканига шундагина ишонч ҳосил қилдим.

Кечаси соат уч яримда дафъатан уйғониб кетдим. Кимдир баланд овоз билан «Тур!» дегандек бўлди. Юзқулимни ювиб, столга яқинлашдим. Бояги кимдир бир текис овозда шивирлаб айта бошлади, мен ҳайрон бўлиб ёзишга тушдим: Бобур Мирзо ҳақида янги ҳикоя бошладик!

Ҳали сарлавҳаси ҳам йўқ бу ҳикоя битганида соат еттига яқинлашиб қолган эди...

Дунёда мендан бахтли одам йўқ, ашулани ванг қуйиб, нонушта қилдим, сунг машинка ёнига утирдим.

Соат ўнда Орзиқулга сим қоқдим.

«Хайрият, ишдан ҳайдалиб кетмайдиган бупман», дея лутф қилди у.

Кечқурун, соат ун тўққизда ҳикоя эфирга кетди.

*1982 йил, 2 март. Тошкент.*

«Ой ботган паллада»ни «Ёшлик» альманахи кучириб босди.

Утган вақт давомида бобурийномани давом эттириб, «Саодат соҳили», «Паноҳ» деган ҳикоялар, «Мардона китоб», «Реалистик тасвирнинг мумтоз намунаси» деган мақолалар ёзибман. Мазкур икки ҳикоянинг

узига хос ёзилиш тарихи бор, мавриди келганда сўзлаб берарман.

Эронда таржимон бўлиб ишлаб келган шоир биродаримиз Носир Муҳаммаднинг қулида бир муҳташам альбом кўрдим. Инглиз тилида, «Бобурийлар сулоласи» деб аталади, Лондонда нашр бўлган.

Бир ҳавасим келди, бир ҳавасим келди!..

Шоша-пиша бир сидра варақлаб чиқиш насиб этди, холос.

*1983 йил, 16 июль. Андижон.*

Ҳафтанинг бошида Андижонда Бобур Мирзонинг 500 йиллик тўйи муносабати билан шеър ва қўшиқ кечаси ўтказилиши ҳақида хабар келди. Севгили шоиримиз Абдулла Орипов билан мен шу тадбирга таклиф этилдик.

Бу пайтга келиб Бобур ҳазратларининг номи атрофида тагин қора булут айланиб қолган эди. Яъни навбатдаги шўро раҳбарларидан бири миллий маънавият ва қадриятларга қарши «салб юриши» эълон қилган, табиийки, биринчи зарбага Бобур Мирзо дуч келган эди.

Шундай бир вазиятда Андижон шаҳрида ҳазрати Бобур таваллудини нишонлашга журъат этилиши таҳсинга сазовор бир жасорат эди.

Шу боис ҳам Абдулла ака иккаламиз таклифни мамнуният ила қабул қилиб, жазирама иссиққа қарамай машинада йўлга чиқдик ва оқшом чоғи Андижонга кириб бордик.

Бу сафар саргузаштларининг узи бир тарих. Вақтисоати етиб бу хусусда ҳам батафсил ҳикоя қилармиз, аммо ҳозир асосий мақсаддан чалғимайлик.

Алқисса, эртаси куни кечқурун Андижоннинг уша машҳур ёзлик боғида, афсонавий Семурғ қуш ҳайкали ёнида бобурона фойзли бир анжуман ясалди. Фарғона водийсининг турт томонидан келган оташнафас ҳофизлар Бобур Мирзо қўшиқларини ҳарорат билан куйладилар, шоирлар байту газаллар ўқидилар.

Шу оқшом кейинчалик ниҳоятда машҳур бўлиб кетган «Анда жоним қолди менинг» қўшиғи илк бора янгради.

Халқ бу каби нафис бир мажлисни кўпдан соғинган экан, бутун вужуди қулоқ бўлиб сомёлик қилди.

«Бугун ҳазрати Бобур Андижонга, сизларнинг ҳузурингизга қайтиб келгандек бўлди», дея лутф қилди Абдулла ака ва бу фикр, дарҳақиқат, уша жамоат кайфиятининг яққол ифодаси эди.

Бобур Мирзо туйининг туйбошиси — эллик ёшлар чамасидаги, оқ-сарик юзли, хатти-ҳаракатларидан гайрат ва қатъият ёғилиб турган бир киши эътиборимни тортди. Бу одам улкан издиҳомни моҳирона бошқарар, қиёфасида ниҳоясиз шодумонлик акс этар — баайни уз отасининг туйини утказаетгандек жонсарак ва масрур бир кайфиятда юрар эди.

Бу киши Андижон шаҳар ижроия қумитасининг раиси Зокиржон ака Машрабов экан.

Анжуман аввалида у «Бобур — лирик шоир» деган мавзуда маъруза қилди. Маърузани ботиний бир эҳтиром билан қироат қиларкан, дилидаги ҳаяжони шундоққина сезилиб турарди.

Унинг Бобур Мирзо ҳақидаги ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида «тадбир» эмас, тақдирнинг нафаси зуҳур этарди.

Ярим кечага қадар давом этган бобурхонлик адоғига етгач, шаҳар ижроқўмининг салқин боғида бир пиёла чой устида яна Бобур Мирзонинг ноёб фазилатлари ҳақида сўз борди. Ижроқўм бува «Ёшлик» журналида «Саодат соҳили»ни ўқиган экан, суҳбат асноси нозик бир зарофат ила эслатиб ўтдилар.

Эртаси куни Абдулла ака билан самолётда Тошкентга қайтдик. Андижондаги оташин бобурпарвар Зокиржон акани иккимиз ҳам дам-бадам эслаб юрдик. Аммо у кишининг кейинги тақдири қандай кечганини билмай қолдик.

...Энди ўн йил олдинга ўтиб, икки оғиз сўзни шу воқеаларнинг гувоҳи, андижонлик тарихчи домламиз, муҳтарам профессор Сайфиддин ҳожи Жалиловдан эшитсак. У киши 1993 йили чоп этилган «Бобур ва Андижон» деган китобида бундай ҳикоя қилади:

«1981 йили икки йилдан сўнг Андижонда Бобурнинг 500 йиллик юбилеи тантана билан нишонлаши ҳақида хушxabар тарқалди. Юбилейга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Бу сзда муҳим тадбирлардан бири Бобур музейини ва ҳайкалини яратиш эди. Холисанлилло айтиш керакки, бу ишда Андижон шаҳрининг уша йиллардаги ижроқўми раиси Зокиржон Машрабов бошқаларга ур-нак буларли даражада ташаббус курсатди. «Арк ичи»

маҳалласи ёнидаги XV асрда қурилиб, сунг вайрон бўлиб кетган мадраса бўлгуси музей учун қайта тикланди. Бобур ҳайкалига буюртма берилди. Уни бронзадан қуйдириш учун Митиши шаҳрига Зокиржон Машрабовнинг ўзи икки марта бориб келди. Унга сарфланадиган хомашё — салкам икки тонна бронзани олиш учун иттифоқ маданият вазирлиги билан гаплашди.

Ниҳоят, юбилейга — 1983 йил апрель ойига музей учун бино ҳам, у ерга қўйиладиган ҳайкал ҳам тайёр бўлди.

Бироқ Марказқумдан Бобур юбилейи тантана қилинмасин, Бобур барибир босқинчи, уни кутар-кутар қилиб булмайди, деган мазмунда курсатма бўлиб, 20 апрель куни вилоят театри биносига бир ярим соатгина илмий анжуман утказилди. Академиянинг вице-президенти бошчилигида келган олимлар тушлиқдан сунг яна Тошкентга қайтиб кетдилар. Андижонда бошланган барча ишлар чала қолди: уй-музей очилмади, Бобур ҳайкали эса омборхонага олиб кириб қўйилди. Ҳафсалалар пир бўлганидан тадқиқот ишларини ҳам вақтинча тўхтатиб қўйдик.

Икки йил утгач, жумҳурият ғоявий ҳаётида носоғлом кайфият ҳукм суриб, ҳатто «Бобур» деган номни ичимизда айтадиган бўлиб қолдик. Бобур номини абадийлаштириш ишида ташаббус курсатгани учун шаҳар ижроқуми раиси Зокиржон Машрабов ишдан олинди...»

*1992 йил, 4 апрель. Тошкент.*

Утган куни шоир Муҳаммад Юсуф юртидан гап топиб келди: Андижонда бир илмий экспедиция тузилаётган эмиш, мақсади Бобур юрган йуллардан автомобилда юриб, Ҳиндистонга қадар бориш эмиш. Шоирни ҳам экспедиция аъзолигига таклиф этишибди, аммо сафарнинг узоқ — икки ойдан зиёд давом этиши уни ўйлантриб турган эмиш.

«Мана, сиз Бобур ижоди билан шуғулланасиз, бормайсизми?» деди у.

Табиийки, бу гапга шоир кунглининг таманнолари, деб қараганим учун кулиб қўяқолдим. Тўғри-да, магазинда гугурт ҳам анқонинг уруғи бўлиб турган шу пайтда экспедиция ташкил қилиш, Тўйтепадан ҳам нари ўтиш мушкул бир замонда, бунинг устига, автомобилда (!) ўндан ортиқ чет давлатга бориш... баайни туянинг ҳаммомни орзу қилганидай хом гап эди.

«Андижонлик хаёлпарастлар», деб қўйдим ичимда.

Шу билан бу мавзуда қайтиб сузлашмадик. Шоир ҳам аллақайга мухлислари даврасида шеър ўқигани кетди.

Аммо у менинг индамаганимни «аломати ризо» дея тушуниб, кимларгадир хабар берган шекилли, икки кундан сўнг ишхонамга андижоннусха дўппи кийган бир киши мени йўқлаб келди.

Бу киши ўша эски танишимиз — оташин бобурпарвар Зокиржон ака Машрабов эди.

Шу куни суҳбатимиз кечга қадар давом этди. Зокиржон аканинг бошига тушган савдолардан, унинг ҳозирги ишларидан ҳам шунда хабар топдим.

...Бобур Мирзога ихлоси туфайли қувғинга учраган Зокиржон ака тақдирнинг бу зарбасидан довдираб қолгани йўқ. Чунки у Бобур Мирзонинг ҳаёт китобидан ибратлар олган эди. Бу «узбошимчалик»нинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини у аввалдан яхши билар, шу боис ҳамиша бунга руҳан тайёр эди. Энг муҳими, Бобур Мирзонинг мухташам ҳайкали яратилган, у омборхонада булса-да, мавжуд, бинобарин, вақти-соати етиб у муносиб урнини эгаллашига Зокиржон аканинг ишончи комил эди.

Шуро арбоблари жаҳолат билан ҳайкални йўқ қилиб ташлашга амр этмаганлари учун собиқ «ижроқум» ўзида йўқ хурсанд эди.

Ўша йилларнинг расмий таомилига кура, «амалдан тушган» раҳбар сифатида унга бир неча паст-баланд лавозимлар таклиф қилинади. Аммо Зокиржон Машрабов катта араванинг кераксиз ва қуримсиз бир мурвати булишни истамас эди, шу сабаб, бу таклифларни ташаккурлар ила рад этиб, ўз соҳаси — геологликка қайтишга изн сурайди. Ўз куч-ғайрати ва ташаббуси билан Андижон шаҳрида республика Фанлар академиясининг куптармоқли илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этади. Бу ташкилот бутун Фарғона водийсида турли хил сейсмологик, геодезик ишларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Геология-минералогия фанлари номзоди Зокиржон Машрабов то ҳануз шу марказга мутасаддилик қилиб келмоқда экан.

Шу ўтган йиллар мобайнида у муттасил Бобур руҳи, Бобур ёди билан яшади.

Шоир айтган экспедициянинг ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам худди шу инсон — Зокиржон ака

экан. Утган кунларни эслашиб, Бобур Мирзонинг фази-латларини бир-биримизга суйлаб ултирар эканмиз, у киши менга муддаосини баён қилди. Яъни, менинг шу экспедиция сафарида иштирок этишга хоҳишим қалай?

Таклиф дабудрустдан булгани учун мен уйлаб куришга изн сўрадим.

«Уйланг, лекин чузманг, — деди Зокиржон ака, — мен ҳозир кетаман, Миллий банкда ишим бор. Икки соатдан кейин кунгироқ қиламан, жавобини айтасиз».

«Йўғ-э, ахир уйдагилар билан маслаҳатлашай», дедим ҳайрон булиб.

«Яхши. Унда эртага соат унда гаплашамиз. Аммо тез ҳал қилинг. Чунки сиздан бошқа ҳамманинг ҳужжати тайёр. Худо хоҳласа, йигирманчи май куни жунаб кетишимиз керак», деди ишонч билан.

## ЙУЛБАРС ИЗИДАН

*1992 йил, 19 май. Андижон.*

Бугун тонгда Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция вилоят жамоатчилигининг дуои фотиҳасини олиб йулга чиқди. Сафар ҳомийларидан бири — Андижон пахта тозалаш заводи иккита сутранг «Тойота» микроавтобусини хизматимизга тақдим этди.

Кузатув маросими кутаринки кайфиятда, ҳайрат-ҳаяжон руҳида утибди, куп эзгу тилаклар изҳор этилибди. Мен экспедиция сафига Тошкентдан қушилганим учун бу йигинда иштирок қилолмадим, аммо унинг магнит лентасига битилган тафсилотларини кейинчалик йўлда — Эрон ҳудудида кетиб бораётганимизда эшитдим.

Бобур Мирзо бир замон Андижонни тарк этганларида навқарлари билан Хакан дарвозасидан чиқиб кетган эканлар. Карвонимиз ҳам айни шу дарвозадан, лекин дилда Ватанга албатта қайтиб келиш нияти билан чиқиб, Тошкент сари йул олди.

Ҳазрати Бобур таъбири ила айтганда, тангри таолонинг инояти билан, чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан ва сарвари он коинотнинг шафоати билан ана шундоқ улў сафарга чиқилди.

Йулдошларим ҳақида икки оғиз сўз:

Зокиржон Машрабов. Бобур номидаги Халқаро жамғарма президенти, экспедиция раҳбари. УзФА Ан-

дижондаги илмий-ишлабчиқариш марказининг бошлиғи. Геология-минералогия фанлари номзоди. Бу киши ҳақида илгари мухтасар маълумот бериб утилгани ва қиссамиз давомида яна кўп бор тилга олишимиз учун ҳозир муфассал тухталиб утирмаймиз. Фақат шуни айтиш лозимки, у киши — яхши одам. Экспедициядаги лақаби — «Бой ота».

Абдугани ҳожи Ҳамидов. «Эл» халқаро жамиятининг Андижон бўлими раиси. Узоқ йиллар вилоят савдо идораларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, тажрибали, дунё курган, донишманд одам. Ҳожи аканинг сабр-салобати, ҳаётий уғитлари, диний билимлари сафар давомида бениҳоя қўл келди.

Собиржон Шокаримов. Журналист, тарих фанлари номзоди. Кўп йиллар жумҳурият ва вилоят матбуотида, тарғибот-ташвиқот идораларида заҳмат чеккан қаламкаш. Айна пайтда Андижон Пахтачилик институтида муаллим. Экспедициядаги лақаби — «Чой ота».

Сайфиддин Турсунов. Медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, Андижон Медицина институтининг кафедра мудирини. Биз учун энг муҳим унвони — экспедиция врачини. Соҳаси бўйича кардиолог — юракшунос. Хушчақчақ, улфат одам.

Рустам Шамсиддинов. Тарих фанлари доктори, профессор. Бу домламин ҳам кафедра мудирини, фақат у киши Андижон Давлат дорилфунунининг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасида фаолият курсатади. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат тарихига оид бир қанча рисолалар муаллифини.

Шуҳрат Мадазимов. Экспедиция ҳомийларидан бўлмиш Андижон гидролиз заводининг директорини, техника фанлари номзоди. Содда, камтар, хушфезл инсон.

Орифжон Ураимов. «Чинобод» фирмасининг раҳбари. Ёш бўлса-да, ҳаётнинг кўп синовларини бошидан кечирган, замонавий, суҳбати соз йигит.

Маҳмуд Раҳимов. Андижон Давлат тиллар институтининг проректорини. Сафар давомида бизнинг «тилиминиз» — таржимонимиз бўлиб, энг машаққатли ва масъулиятли ишнини зиммасига олди. Инглиз тилинини Киевда мукамал «хатми кутуб» қилган, талаффузига ўзбеклар тугул инглизлар ҳам қойил қолар эканки, бунга сафар давомида амин бўлдик.





Андижон. Бобур боғи саёхатнома сюжети бошланган қутлуг маскан

Муҳаммадсодиқ Қосимов. Экспедициямизнинг энг ёш, айна вақтда энг муҳтарам аъзоларидан бири шу мулло йигит — Қори ака бўлди. У кишининг хулқ-атвори, нодир салоҳияти, комил мусулмон сифатидаги иймон-этиқоди барчамиз учун ибратга айланди. Араб ва форс тилларидан таржимонлик қилиб, биз «соқовлар»га унутилмас кумак берди, илоҳий ҳикматлар билан Ҳақ ва ҳидоят йулига даъват этиб борди.

Фарруҳ Расулов. Ўзбекистон телевидениесининг Андижон вилоят муҳбири. Тиришқоқ, ҳаракатчан журналист, яхшигина табъи назми ҳам бор.

Адҳамжон Исмоилов. Андижон шаҳридаги мусиқа билим юрти муаллими, ҳофиз. Агар Адҳамжон сафимизда бўлмаса, ҳеч шубҳасиз, сафаримиз хийла бефайз ва зерикарли кечган бўлур эди. Унинг мумтоз қушиқлари, қизиқ-қизиқ ҳангомалари, хушчақчақ равиш-рафтори йул танобини тортишда бизга беҳад асқотди. Нозик лутф эгаси, зарофатли йигит. Ушбу ҳазил мисрлар унинг ижодидан бир шингилдир:

«Машинамиз — «Тойота»,

Раҳбаримиз — «Бой ота»,

Чойни қуяр «Чой ота»... ва ҳ.к.

Баҳром ака. Рустамжон. Юксак малакали, зийрак, сергак ҳайдовчилар. Бизни не-не хатарли манзиллардан эсон-омон олиб утиб, юртимизга соғ-саломат стказиб келган шу икки азамат булади. Умрларидан барака топишсин.

Ва ниҳоят, мусаввади авроқ<sup>1</sup> — камина қулингиздир.

Йулдошларимизнинг баъзилари — мисоли Зокиржон ака, Собиржон ака ва Фаррух билан илгаритдан таниш булсам, қолганлари билан сафар мобайнида танишиб-дустлашиб кетдик. Бу инсонларнинг ҳаммаси қалбимда учмас хотиротлар қолдирди.

Аммо бу ҳақда кейин — мавриди билан бафуржа суйлаб берарман.

Ҳозир эса йулга, Бобур — йулбарс изидан тарихий сафарга! Номаълум, нотаниш, сирли ва мароқли манзил-мароҳиллар бизга мунтазир!

Оллоҳ ёр булсин, омин!

*20 май. Тошкент. «Лабзак» меҳмонхонаси.*

Фанлар академиясининг Лабзакдаги чоғроқ меҳмонхонаси ҳовлисида турган, ёнбошига узбек, инглиз, араб, форс тилларида «Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция» деб ёзилган «Тойота» машиналарига утган-кетган таажжубланиб қарайди. Сунгги тайёргарлик ишлари бормоқда. Саноқли дақиқалардан сунг Тошкентни тарк этамиз.

Тошкент, Тошканди азим! Бобур Мирзонинг она шаҳри булмиш гузал маскан!

Ҳазратнинг мушфиқ ва меҳрибон онаси Қутлуг Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг иккинчи қизи булган. У кўҳна Тошкент бағрида униб-усиб вояга етган, тақдири илоҳий ҳукмига кўра тсмурий ҳукмдор Умаршайх Мирзога рафиқа булиб, оламга Заҳириддин Муҳаммаддек буюк инсонни тортиқ этган. Шу боисдан ҳам Бобур Мирзо Тошкентни мудом эҳтиром билан тилга олган:

«...ул фурсатта Тошканд вилояти Умаршайх Мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, «камони чочий» андин ибораттур... Ушал фурсаттин тарих туққиз юз секкизгача Тошканд ва Шоҳрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида эди».

Шаҳри азим Тошкент Бобур Мирзо ҳастида муҳим урин тутган. Бу хусусда бундан анча бурун — минг туққиз юз саксон учинчи йили Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан «Паноҳ» деган бир

<sup>1</sup> Мусаввади авроқ — варақтарни қораловчи.

ҳикоя битган эдим. Ушанда «Тошкент оқшоми» газетаси шу санага бағишлаб танлов утказган, мен ҳам кўп қатори унда мазкур ҳикоя билан қатнашиб, мукофотга сазовор бўлган эдим.

Айни дақиқаларда узбек давлатининг мухташам пойтахти кўчалари буйлаб олис сафарга жунаб кетар эканман, беихтиёр шу ҳикоя эсимга тушди. Гарчанд ҳикоянинг бадиий жиҳатдан бир қанча камчилик-нуқсонлари бўлса-да (шу сабабли у бирорта китобимга киритилмаган), ёшлик йилларимнинг ёдгори ҳамда Бобур Мирзонинг нурли сиймоси акс этгани учун қадрли бўлиб туюлди.

Мана уша ҳикоя.

## ПАНОҲ

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йилнинг қаҳратон қишида теурийзода ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ишлари тараққийдан таназулга юз тутган эди. Ксч кузакнинг рутубатли, совуқ изгиринлари эса бошлаганида у уч ойдан ортиқ давом этган қамал сўнгида — очлик, мискинлик, хор-зорлик ниҳоясида, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқандни ғаддор душмани Шайбонийхонга ташлаб чиқди...

Салтанат ва ҳарбу зарб борасида ҳали аччиқ тажрибалар орттириб улгурмаган ёш ҳукмдор омон қолган етмиш-саксон чоғли навқари билан нажот излаб ота юрти Андижонга отланди. Аммо Самарқанд сарҳадларидан чиқиб улгурмасидан Андижон томонлардан нохуш хабар етди: иниси Жаҳонгир Мирзо тожу тахтни эгаллаб, оғасини қилич яланғочлаб кутмоқда эмиш.

Киндик қони томган бу вилоят энди илгидан кетганини пайқаган Бобур Мирзо Андижон кўхпояларидан бошпана топмоқ умидида шу тарафга юрди. Бироқ бу ерларда қашқирдек изғиб юрган Султон Аҳмад Танбалнинг таъқиб-тахликаси туфайли яна ортига — Масчоҳ ва Уратепага, ундан эса тоғ ошиб Даҳкат кентига қараб чекинмоққа мажбур бўлди.

Бобурнинг болалик осмонида бир вақтлар жуда эрта балқиган шамси саодат энди ундан буткул юз угиргандек эди.

\* \* \*

— Чопар маҳтал бўлиб қолди, амирзодам!  
Бобур Мирзо Қосимбекнинг уқтам овозидаги сези-

лар-сезилмас тоқатсизлик оҳангини пайқаб, хиргоҳ керагасидан кўзини олди. Падари бузургворининг хизматида ҳам кўп садақатлар кўрсатган бу қари, соҳибтажриба бекнинг тулки тумоқ остидаги дўнг қаншари асабий тиришиб турарди.

— Чопар маҳтал булса... ижозат беринг-да қўйинг! — деди Бобур тўсатдан кескин товуш билан. — Арслоннинг мўйлабига қўл чўзмоқдан не мурод ахир?!

Қосимбекнинг сўйрақ, сарғиш киприклари пирпирлади:

— Англамадим, амирзодам?

— Нечун англамайсиз? Ер остинда илон қимирласа биладиган сиздек зукко, тезфаҳм кишининг англамаслиги... таажжуб!

— Амирзодам авф этсинлар, бироқ қўлингиз ҳеч вақт тезфаҳмлиқ даъвосини қилган эмас! — деди Қосимбек юпқа лаблари гезариб.

— Чакки қилурсиз! Аркони давлатга, сиёсат дағдағасига мансуб кимса тезфаҳм бўлмоғи вожиб, — деди Бобур Мирзо хиёл юмшаб. — Зеро ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза лозим. Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не балоларга гирифтор бўлдик, энди кўзни очмоқ даркор.

Қосимбек андак тараддуланиб, суради:

— Қайси ҳукми айтаётирсиз, амирзодам?

— Қайси бирини айтай? — деди Бобур Мирзо чимирилиб. — Мен тезфаҳмлиқ хусусида бежиз сўйламадим, Қосимбек. Самарқандда эканимда ушбу ажиб воқсани эшитиб эдим: бир кўни Мир Алишербек билан Султон Ҳусайн Мирзо уртасида бур суҳбат утди-ким, Мирзонинг тезфаҳмлигига ва Алишербекнинг мутаассирлигига далилдир. Алишербек сирли сузларни Мирзонинг қўлоғига пичирлаб айтди. Сунг дедиким: «Сиз бу сузларни унутинг». Мирзо шу ондаёқ дедиким: «Қайси сузларни?» Алишербек бисёр мутаассир бўлиб кўп йиғлади... Киройи мусоҳиблар шундоқ булса!..

Қосимбек оғир сўлиш олиб, совут-садоғини тузатиб қўйди.

— Маъзур тутинг, амирзодам, бироқ қўлингиздан бу аччиқ кинояларга лойиқ не гуноҳ ўтди — билмасман.

— Бу аччиқ киноялар эмас, Қосимбек, — деди Бобур Мирзо уйчан, — бу бир армон, холос. Бизга ҳам уйқулик бахтимизни уйғотиб, муносиб бир аркони давлат тузмоқ насиб булармикан? Ёки умримиз шу йусин

саргардонликда утиб кетармикан?.. Сизга киноя қилмоқ хаёли хотиримга ҳам келган эмас. Ахир, сизга теккан калтакнинг учи аввало бизга тегур. Сизнинг Аҳмад Танбалдек маккор тулкининг ширин сузларига инониб ултирганингиз бизни беҳад таажжубга солаётир.

— Амирзодам, фаҳми ожизимча, Аҳмад Танбалнинг истаги чин куринадир. Ҳозир унинг ҳам аҳволи бисёр танг. Лоақал қиш оёқлагунга қадар унга ҳам, бизга ҳам муросаи мадора ғоят зарур. Мана, узр сураб учинчи бор элчи юборибдир...

— Лафзсиз кимсаларнинг узрига не эътибор! — деди Бобур ва форсчалаб қушиб қўйди: — Узраш баттар аз гуноҳ<sup>1</sup>. Йуқ. Қосимбек, кўнглим сезаётир, Жаҳонгир Мирзога ҳам, Танбалга ҳам инониб булмас. Бу нав саргардонликдин кура Тошкандга — хон додам қошига борганим маъқул. Хон додам ҳам, тағойиларим ҳам иш курган, пуртажриба кишилар. Шояд Тошканддан бир нажот етса...

— Ҳар не амрингиз — вожиб, амирзодам, — деди Қосимбек шошиб. — Аммо, Тошканд бормоқдан, наздимда, бир маъно чиқмас. Шу чоққача ҳеч кимса муғулдин мурувват ва яхшилиқ курган эмас. Инонинг, қулингизнинг хон додангизга ҳам, тағойиларингизга ҳам асло гарази йуқтур. Бироқ мамлакатдорлик бошқа, қавму қариндошлиқ бошқа. Шунча йиллар бормаган хон додангиз қошига бу янглиғ ғариб аҳволда эмас, муносиб шаъну шукуҳ билан борсангиз ярашур. Сунг эътиқодли бекларнинг барчаси Андижон сари юрмоққа тарафдордирлар. Дуст Носирбек ҳам, Қанбар Алибек ҳам... Сузларимга шубҳа қилсалар, аларни чорлаб, кенгашиб курсинлар.

\* \* \*

— Мухтасар суз шул, беклар. Энди фикрингизни очиқ айтингиз: қаён бормоқ маъқул — Тошкандми, Андижон? Сўйланг, Дуст Носирбек?

— Андижон, амирзодам! Қор кетгунга қадар куҳ-пояларда таҳаммул қилиб турмоқ лозим.

— Сиз не дейсиз, Қанбар Алибек?

— Андижонга қайтмоқ керак, амирзодам. Саргардонлик урдан жонга тегди.

— Муҳаммад Ёқуббек?

---

<sup>1</sup> Узри гуноҳидан баттар.

— Узга юртда шоҳ булгунча, уз юртимизда гадо булайлик, амирзодам!

— Хуп! Танбалнинг сузига инонурмисизлар?

— Инонурмиз!

— Элчиси худонинг номини уртага қуйиб қасам ичди-ку, амирзодам!

— Хуп! Агарчанди мен бу мунофиқнинг на ваъдасига, на қасамига инонсам-да, сизларнинг сазангизни улдирмайин. Йул тадоригини курингизлар! Хуш, Қосимбек, тагин не дейсиз?

— Амирзодам, хаёлимга бир ғариб фикр келиб эди. Эгилган бошни қилич кесмас, дебдир машойихлар. Аҳмад Танбал сизга бошини эгиб турибди, ҳамиятга ҳамият билан жавоб қайтарсак, оқилона иш булур эди.

— Яъни?

— Яъниким, у сизга сулҳ таклиф қилибдир, сиз ҳам нишонай тасдиқ этиб бирор нимарса юборсангиз, чакки булмас эди.

— Масалан? .

— Жаҳонгир Мирзо — кичик, сиз — улугсиз, кичиклардин айб утганда катталардин авф лозим. Кийган либосингиздан бирини юборсангиз, оға-инилик қайта қарор топганига бир ишора булур эди.

— Нима юборсак манзур булур?

— Кийганингиз булса, кифоя, амирзодам.

— Сиз соҳибтажриба кишисиз, мана шу хос буркимни юборсам, не дейсиз?

— Маъкул, амирзодам. Энди Аҳмад Танбалга ҳам...

— Нима-нима?! Йуқ, Қосимбек, у ҳаромнамакка отимизнинг тезагини ҳам ҳайф билурмен!

— Амирзодам, сиёсатдорлиқ ҳамиша ҳам зүру зарб билан эмас, аксар муросаи мадора билан ҳам юритилур. Шу бир арзимас илтифот ила навкарнинг эминлигини таъмин этурсиз.

— Эҳ, Қосимбек!.. Майли, садқаи суҳанингиз... Бу бадкирдорга нима юбормоқни ҳам билмайман.

— Яроғларингиздин бирини юборсангиз, амирзодам. Орада адоват битганига, ҳамжиҳатлиқ ва иттифоққа умидворликдан тасдиқ булур эди.

— Хуп! Мана шу угук ясси қиличимни куринг-чи. Бултур Самарқандда ўзим учун ясаттириб эдим.

— Убдан кескир, нафис яроғ, амирзодам. Исфаҳоний пулат. Бир замонлар менда ҳам шу сингари қилич бор эди, жаннатмакон падари бузургворингиз тортиқ қилиб эдилар. Уратепадаги бир мусоҳарада олдириб

эдим. Маъкул, амирзодам. Самимий тилакнинг бундан ортиқ исботи булмас. Тиғидаги калиманинг узи бир дунё! Ояти каримами? Ҳа-а, «Заҳириддин Муҳаммад баҳодир!»

— Самарқанддаги зафар хотирасига усталарга буюрилиб эдиким, қилич тигига бир тарих битгайлар. Майли, олинг. Баттол Танбал бизнинг кимлигимизни... эслаб юрсин!

— Амирзодам, мурувват ва ҳимматингиз бундан ҳам ривож топсин, омин!

\* \* \*

Кун буйи гупиллатиб ёққан лайлак қор кечга бориб тинди. Хуфтондан сунг ҳаво очилиб кетди, осмонда баланд, ёруғ юлдузлар порлади. Изғирин баттар кучайиб, юз-кузни уйиб-чимчилаб ола бошлади.

Работи Рузақ кентидан икки йигоч берида тухтаб, хуфтон намозини ўқидилар. Бобур Мирзо намоздан кейин тагин йулга отланмоққа буйруқ бермоқчи эди, навкарларнинг ҳоргин қиёфасини, йул уриб ташлаган отларнинг абгор аҳволини куриб, фикридан қайтди.

Сарсон-саргардонлик, совуқ ва очлик бир ҳафтадан буён тинка-мадорни қуритган эди, куриб-қовжираб ётган пупанак тол тағида ёқилган гулхан тафти бир зумда барчани элтиб, уйқу оғушига чорлади. Ҳамма жим, чарчоқ тилу забонларга ҳам гуё муҳр босган, ҳеч кимсанинг гап-сузга тоқати йуқ эди.

Пакана, мугулбашара Соҳибқадам киши бошига бир кафтдан майиз билан яримтадан суви қочган кулча улашиб чиқди. Уч кун бурун тўқайда тасодифан отиб олинган жайрон гушти кеча тугаган, шу сабаб бу оқшом қозон сувга ташланган эди. Аҳволнинг танглиги, истиқболнинг номаълумлиги юракларида ғашлик ва қурқув уйғотган навкарлар истар-истамас кавшаниб утиришарди.

Соҳибқадам беклар қурган даврага яқинлашиб, кук чорсида қолган майиз ва кулчанинг ҳаммасини улар олдиға қуйди-да, гулхан ёнида биқир-биқир қайнаб ётган қумғонни олиб келди. Бобур боядан бери уни жимгина кузатиб ўлтирар эди.

— Тухтанг! — деди буғиқ товушда. Сунг чорсидан бир сиқим майиз билан яримта кулча олди-да, Соҳибқадамга юзланди: — Бизни ҳам бир навкар деб билинг! Барчага баробар тақсим қилинг!

Тонг қоронгисида Қанбар Алибекнинг жон ҳолатидаги кўрқинчли қичқириги янгради:

— Ёғий етти, купунг!

Бобур Мирзо жанги жадалларда ҳам, сайру саёҳатларда ҳам ҳамиша совут-садоғини счмай, қиличини белидан қуймай ухлар эди, сапчиб урнидан турдию:

— Қоровул қани?! Қосимбек, қайдасиз?! Жангдовул қайда? — дея хиргоҳдан отилиб чиқди.

Ташқарида — бир-бирига туташ адирлар қуйнидаги қор босган ялангликда икки юз чоғли суворий гужгон уйнар, отларнинг кишнаши, қиличлар жаранги, ярадорлар ноласи эшитилар, сал нарида уч-туртта мурда қорайиб куринар эди.

— Амирзодам, отга мининг! Амирзодам! — Аллақаёқдан етиб келган Соҳибқадам Бобурга зудлик билан отини рупара қилди.

Бобур Мирзо эгарга минган заҳоти уттиз одим жойда бало-қазодек устига ёпирилиб келаётган ёғий навкарига кўзи тушди. Олдинда, зулукдек қорабайирда ваҳшат солиб келаётган чавандозни у дарҳол таниди: Аҳмад Танбал!

— Ортга буринг, амирзодам! Ортга! — деб қичқирди Соҳибқадам қилич яланғочлаб ва оти билан Бобурнинг бедовини зўр бериб четга сура бошлади.

Бобур Мирзо от жilовини қаттиқ силтаб тортди. Бедов аччиқ кишнаб кукка сапчиди ва шу сония душман қиличи унинг нақ қулоғи остидан шувиллаб утиб кетди. У отга қамчи босиб, рупарасидаги қийғоч кўзли, гирдигумдан келган навкарга камондан ўқ узди, аммо ганимнинг юзтубан қулаганини кўрмади — боши узра кўтарилган қилични пайқаб, сул томонига кескин бурилди. Шу асно кўзлари Аҳмад Танбалнинг ёвуз ўт ёнаётган қисик кўзлари билан тўқнашди, сўнг эса нақ пешонаси олдида қиличнинг совуқ тиғи ярқиради. Таниш қилични кўрган замони Бобур Мирзо аламдан қичқириб юборди:

— Аҳ, ит эмган Танбал! Куппак Танбал, ҳаромнамак экансан! — деб қичқирди у ва шу ондаёқ дубулғаси бошидан утиб кетди...

Қуршовдан омон чиққанлар қочгандан қочиб, қош қорайганда чалдевор бир кўрғонга етдилар. Купдан буён инсон қадами тегмаган бу вайрона кўрғонда бойқушлар совуқ хўхулар, атрофни қоронғи зулмат босиб келар эди.



— Шунда тунармиз! — деди Бобур тунд оҳангда.

Отдан тушдилар. Соҳибқадам шу заҳоти Бобур Мирзонинг жароҳатини синчиклаб куздан кечирди. Хуржунидан қандайдир қуланса малҳам олиб сурди-да, шоҳи қийиқ билан аста танғиб қўйди.

— Худойим бир асрабди, амирзодам. Манглайингизни хилий ялаб утибди. Кузнинг эгаси бор, деганлари рост экан, бир баҳя қолибди, — деди у бош чайқаб.

— Уз қиличимни уз бағримга санчдилар! — деди Бобур Мирзо уҳ тортиб. — Шундоқ хиёнатдан сунг инсон зотиға инониб бўлурми?!

Қосимбекнинг ранги қув учган, сийрак муйлаблари титраб, кузини ердан узолмас эди.

— Умрим бино бўлиб бу каби номардликни курмаган эдим, амирзодам, — деди у базур.

— Бу қилич менинг бошимни эмас, бошимдаги хом хаслларни чошиб ташлади, — деди Бобур Мирзо кескин. — Бу қилич сизнинг Танбалдек қари тулки билан боғлагон ҳамжиҳатлиқ ришталарингизни ҳам буткул узиб ташлади, Қосимбек!

Қосимбекнинг ялпоқ юзлари бузариб, залворли кафтини куксига қўйди:

— Иқрорман, амирзодам, сизни бу мусибатли йўлларга гумроҳ қулингиз бошлаб эди. Муртад Танбал бизни тузоққа илинтирмоқ қасдида экан, гофил қолдим.

— Энди афсус-надоматдан зарра наф йўқтур, — деди Бобур Мирзо дубулғасини бошига кияркан. — Тангрининг иродаси. Фақат, ушанда сўзимизга юргангизда эди, бу маънисиз чопқин ҳам руй бермас, шундоқ ёвқур навкарлар ҳам жувонмарг булмас эди... Бу кургилик ҳам бизга аччиқ бир сабоқ булғусидир. Шояд, басир кузларимиз очилса!.. Хуш, беклар, энди не дейсизлар: қайдин нажот топурмиз? Фикримча, Тошканддин узга жойда бизга паноҳ қолмади!

Алланечук саросима ичра бушашиб турган беклар хомуш бош эгиб таъзим қилдилар.

\* \* \*

Икки ҳафтадан сунг, чаҳоршанба куни, намозшом чоғи Бобур Мирзо юпунгина кийинган, бечораҳол қуролланган ўтгизга яқин навқари билан Тошкентнинг Самарқанд дарвозаси олдиға келиб тўхтади. Дарвозалар ёпилгунга қадар шаҳарға етиб олмоқ ниятида елди-

риб келинган отлар оппоқ купириб кетган, бетоқат пишқириб турар эди.

— Тухтанг! Кимсиз?! — деб ҳайқирди минора тепасидаги соқчибоши.

— Андижондин Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳазратлари хон додаларининг муборак даргоҳларига ташриф буюрдилар! — деб қичқирди Қосимбек узангига оёқ тираб.

— Урон!ни айтинг! — деб амр қилди соқчибоши пинак бузмай.

Қосимбек саросималаниб, ен-атрофига аланглади. Навкарлар ҳам тарадудланиб, бир-бирларига қараб олишди. Бундан хавотирга тушган соқчибоши уқ-ёини туғрилаб:

— Уронни айтинг! — деб баттар дагдага қилди. — Урон!

Шу ондаёқ куҳна, баланд девор ортида шовур-шувур бошланиб, тор шинаклардан юзлаб уқ-ёй отлиқларга қараб уқталди.

Бобур Мирзо қаддини ростлаб, тагидаги араби бедовни уйнатиб уч-турт қадам олға чиқди-да, кузларини хиёл қисиб соқчибошига тикилди.

— Сайрам! — деди у қатъий товуш билан. — Сайрам!

Соқчибоши бирдан бушашиб, уқ-ёини пастга тушираркан, ортига угирилиб пунгиллади:

— Дарвозани очинг!

Залворли, қадимий мис дарвозанинг гийқиллаб очилишини жимгина кутиб турарканлар, Қосимбек от устидан энгашиб, Бобур Мирзога шивирлади:

— Тасанно, амирзодам! Хон додангиз ишни урдан пухта қилган эканлар. Аммо сиз купдин буён бунда булмагон эрсангиз, уронни қайдин билурсиз?

— Нечун билмайин? — деб жилмайди Бобур. — Тошканд — онам Қутлуғ Нигор хонимнинг ота юртику! Тошканд — менинг она шахрим-ку, Қосимбек!.. Қани, марҳамат!

Ҳориб-толган қувғинди суворийлар қаршисида Тошкентнинг куҳна дарвозаси залвор билан аста очилди...

---

<sup>1</sup> Урон — пароль.

Тошкентни ана шундай ёруғ ва ҳазин хаёллар билан тарк этдим. Йўлимиз — Бобур Мирзонинг муборак пойтахти Самарқанд сари тобора униб бормоқда.

Зокиржон ака сафаримизнинг мақсад-муддаоси, бошиб утиш мулжалланаётган манзиллар ҳақида яна бир марта сузлаб берди. Демак, мазкур режага кура Туркманистон орқали Эронга, сунг Туркия, Сурия, Иордания Ҳошимийлар Қироллигига, ундан Саудия Арабистони орқали Бирлашган Араб Амирлиги давлатига ва Форс кўрфазини кечиб Покистон, Ҳиндистон, Бангладешга бориш, сафар ниҳоясида Хитойнинг Уйғур мухтор районида Қирғизистонга утиб, юртимизга қайтиб келиш кўзда тутилган.

Бағоят маҳобатли, улуғвор режа! Бошқача булиши ҳам мумкин эмас: Бобур изидан юрганларнинг ният ва вазифалари ҳам бобурога булиши табиий. Бизни бу мамлакатларга бошлаган асосий сабаб шундан иборатки, Бобур Мирзонинг буюк аждоди Амир Темур юрган йўллардан утиш ҳам сафаримиз режасига киритилган. Маълумки, шавкатли жаҳонгир жангу жиҳодлар билан Эрон, Туркия, Шом (Сурия) ўлкаларига қадар фатҳли юришлар қилган. Бобурийлар тарихини эса темурийлар тарихисиз ўрганиб ва тасаввур этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, шоир айтганидек «қўп қадим йўллардан» эзгу орзулар ила илгарилаб кетяпмиз. Жаҳоннинг фотиҳлари, уламою тужжорлари кезган қонлишонли йўллар... Авжи баҳор, Ўзбекистон дилбар келинчақдек гузал, ям-яшил манзаралар кўзга роҳат бағишлайди. Учраган одам бизга қизиқиб қарайди, баъзан йўловчи машиналар ҳурмат билан йўл бушатади — ахир, улуғ Бобур Мирзонинг ҳурмати юксак-да.

Баҳромжон ака ҳайдаб бораётган катта машинамиз — йигирма тўрт уриндиқли микроавтобустга туққиз киши жойлашиб олганмиз. Озиқ-овқат, сафар анжомлари, совға-саломлар, «уйқу халта» (спальний мешок)ларимиз машинанинг орқа томонига юкланган. Зокиржон ака эски геолог бўлгани учун шу «уйқу халта»ларни оливолган экан, икки ой давомида бизга хуб қўл келди.

Иккинчи машинани Рустамжон ва Адҳамжон навбатма-навбат ҳайдаб келишяпти. Асосий юклар — жомадонлар, уст-бош, идиш-товоқлар унга ортилган. Донишманд японлар ихтиро этган бу машиналар сувдек силлиқ юради, кондиционерлар ҳавони музлатиб ту-

рибди. Ҳозирча кайфиятимиз тетик, ҳазил-ҳузул билан кетяпмиз. Кечга томон Самарқанд шаҳрига мутаваж-жих бўлдик.

*21 май. Самарқанд. Вилоят ҳокимлигининг меҳмонхонаси.*

Шаҳарга кеча кечаси — соат ун бирда етиб келдик.

Асрий қургонлари, қалъаю миноралари билан муҳташам ва бетакрор Самарқанд тун қўйнида янада сирли салобат билан ястаниб етибди. Афсона шаҳар!

Амир Темур салтанатининг бу муаззам пойтахти Бобур Мирзонинг бир умрли армонига айланган эди. У навқирон йигитлик чоғида Самарқанд фатҳи учун мардоналарча жанг қилди. Икки бор бу буюк шаҳарни қўлга киритди. Уни сақлаб қолмоқ учун жон-жаҳди ила тиришди. Зеро у билар эдики, Самарқандни забт этмоқ — бутун Шарқни забт этмоқ билан баробардир. Шу боис ҳам у ҳаётининг сўнгги лаҳзаларига қадар Самарқанд ҳаёли билан яшади.

Самарқанднинг сувидан бир қўлтум ичган инсон қайтиб уни унутиши мумкинми ўзи!

Бобур Мирзо Самарқанд ёдини хотирасининг энг теран қаватида ҳамиша авайлаб асради.

«Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур. Тули (99°) рамзи нужумий (56°) даража ва дақиқадур, арзи — (40°) даража ва дақиқадур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғи қаҳр ва галаба била мунга даст топмогон учун балдаи маҳфуза дерлар. Самарқанд ҳазрати амирул-муъминин Усмон замонида мусулмон бўлгондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда боргондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташиладур. Ҳоло Мазори Шоҳга машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилгондур. Муғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улўғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур... Эли тамом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадаийин элдур...»

Бобур Мирзо Самарқанднинг жуғрофий урнини худди харитага чизгандек аниқ-таниқ белгилаб берганки, ноёб заковатига таҳсин айтмай илож йўқ:

«Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Фарғона ва Кошғар, гарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳрухияким Шош ва Банокат битирлар,

жануби Балх ва Тирмиз. Куҳак суйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки куруҳ булғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур. Куҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Куҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуг руд айирибтурлар, балки дарёчадир. Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий булғой. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумонот бу сув била маъмурдир. Бухоро ва Қорақулгачаким, утгуз-қирқ йиғоч йулга ёвуқлашур, Куҳак суйи била маъмур ва мазруьдур. Мундоқ улуг дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-турт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни, ва олмаси, ва анори, балки жамий меваси хуб булур. Валс икки мева Самарқанддин машхурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йуқтур...»

Самарқанднинг ана шу «яхши ҳавоси»дан туйиб-туйиб нафас олиб тонг оттирдик. Эрталаб машхур «нони осиеи» ва қаймоқ билан нонушта қилинди, сунгра салқиндан фойдаланиб қолиш учун шитоб билан йулда давом этдик.

*21 май. Бухоро. Хожа Баҳоваддин зиёратгоҳи.*

Пешиндан кейин Бухорои шарифга етиб келдик.

Навоий вилоятдан ўтганимизда (янглишмасам, Қизилтепа тумани эди шекилли) йул ёқасида турган бир милиционер машиналаримизни кўргач, қаддини гоз тутиб честь бериб қолди. Бағоят хурсанд булиб кетдик. Миршабларимизда миллий гурур уйғонмоқда!

Бухорога қадами етган инсон, табиийки, ҳазрати Хожа Баҳоваддинни зиёрат қилмасдан кетолмайди. Шунга кўра биз ҳам аввало шу муқаддас масканни тавоф этгали бордик.

Уч-турт йил муқаддам бу ерга бухоролик қаламкаш биродарлар билан бир келган эдим. Нураб-тукилиб етган мақбаранинг ҳолатидан, шувоғу янтоқ босиб кетган зиёратгоҳнинг ғариб манзарасидан кунгилларимиз вайрон булиб қайтган эдик. Бу сафар бутунлай узгача манзарага дуч келдик.

Келгуси йили ҳазратнинг 675 йиллик таваллуд санаси мамлакат миқёсида нишонланади. Шу муносабат билан ҳукумат махсус қарор қабул қилиб, Хожа Баҳоваддин мақбара мажмуини таъмирлаш ва ободонлаш-

тиришнинг улкан режаларини белгилаган эди. Биз айна шу тайёргарлик қизгин давом этаётган кунларда бу қадамжога етиб келдик ва беҳад шод булдик.

Йулда келаётганимизда мустақиллик бизга нима берди, деган мавзуда гурунг булган эди. Ҳамроҳлардан бири айтдики, бизнинг шу сафаримиз ҳам мустақиллик мевасидир. Чиндан ҳам шундай. Йўқса, бундай экспедиция ташкил этиб, Туйтепадан ҳам нарига утиб булмас эди. Худди шу сингари Хожа Баҳоваддинга бугунги муносабат ҳам мустақил фикр, мустақил давлатчиликнинг ёрқин бир намунаси.

Бу зотнинг асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин. Шарқу Фарбада Хожаи Бузург, Шоҳи Нақшбанд, Саййид Баҳоваддин сингари номлар билан машҳур булган.

У кишининг зиёратгоҳлари шаҳардан ун чақирим чамаси нарида жойлашган. Бу қишлоқ дастлаб Қасри Ҳиндувон, кейинчалик эса Қасри Орифон — Орифлар қасри деб аталган.

Ҳозир бу ерда тиклаш-таъмирлаш ишлари зур суръат билан олиб борилаётир. Қадамжой ҳовлисида, кекса тутлар соясида утирган бир қанча зиёратчиларни кўрдим. Хоразмдан, Фарғонаю Хужанддан ихлос қилиб келган бу одамлар балогардон пирдан шифо ва нажот тилайдилар.

Мақбара ёнидаги кўҳна, вассажуфт шифтли масжидда аср намози ўқилди. Сунг масжид имоми Мухторжон Абдуллоҳ домла — чоғроқ жуссали, нуроний мўйсафид — ҳазрати Баҳоваддин ҳақида бизга кўп ибратомуз ривоят ва ҳикоятларни сузлаб бердилар. Ул зоти шарифнинг қабрлари ўз вақтида Абдулазизхон томонидан тартибга солиниб ободонлаштирилган экан. Мақбара атрофида масжид, ҳовуз, қудук, минора, дарвозахона мавжуд. Бугун уларнинг барчасини асл ҳолида қайта тиклаш тадориги кўрилаётир. Шу азиз масканда ҳазратнинг волидаи муҳтарамалари Биби Орифа, холаси Биби Сешанба, аммаси Биби Мушкулкушоднинг ҳам мангу оромгоҳлари бор. Шунингдек, мазорнинг ғарбий этагида Дахмаи Шоҳон деб аталгувчи хилхона ҳам жойлашган. Бу ерга бир қанча Бухоро амирлари ва уларнинг авлод-аждодлари дафн этилган экан.

Бунда абадий макон тутмиш улў инсонларнинг руҳи покларига дуои фотиҳалар ўқиб, яна йўлимизга равона булдик. Энди суҳбатимиз ўз-ўзидан диний

таълимотлар, нақшбандия тариқатининг тарихи ва моҳияти мавзуига кўчди. Қори домла бу хусусда кўп муҳим маълумотларни баён қилди. Тушуниб-илгаганларимнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди: тариқат пирларининг асосий мақсади — пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларини қайта тирилтиришдир. Яна бир муддаолари эса хурофотга, бидъат ва жаҳолатга қарши кураш олиб бориш. Жаноби расулulloҳ айтган эканларки: «Бидъат ва хурофотга берилган кимсалар энг ёмон кишилардир. Бидъат-хурофотга берилган инсон то уни тарк этмагунча унинг қилган савоб ишларини Тангри қабул қилмайди».

Тариқат йўлига киришнинг энг биринчи ва асосий шарти — шахс ўз қалбини покламоғи зарур. Чунки қалб Оллоҳ таолонинг назаргоҳидир. Бинобарин, Оллоҳ назаргоҳи ҳисобланган қалбни, кўнгилни покиза тутмоқ, умр бўйи шунга интилоқ — нақшбандия таълимотининг моҳиятидир.

Хожа Баҳоваддин асос солган ва ривожлантирган бу илоҳий таълимот «Нақш банд бар дил банд», яъни-ким, Оллоҳ номини қалбингга нақш айлагил, деса уқтиради.

Қори домла пайгамбаримизнинг бир муборак каломини зикр қилдилар. Қайта сураб, ендафтаримга ёзиб олдим. «Билгингки, инсон жасадида бир гушт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади, — деб марҳамат қилган эканлар Муҳаммад алайҳиссалом. — Билгинки, у юракдир».

Шу тариқа гангур-гунгур суҳбатлашиб, ярим кечаси Туркманистон давлатига кириб келдик.

*22 - 23 май. Ашхабод. «Турист» меҳмонхонаси.*

Така-туркман, ёвмит саҳролари. Ёвшан, шувоқ тиккайган кимсасиз даштлар. Қум барханлари. Аҳён-аҳён эринчак кавш қайтариб юрган туя подалари.

Беспоен чул уртасида лента каби буралиб ётган асфальт йулдан кетиб борар эканмиз, беихтиёр бу улкага илк бор келган пайтим ёдимга тушди. 1977 йили дорилфунуннинг тўртинча курсини битирганимиздан сўнг бизни ҳарбий кафедра орқали ўқув машғулотларига Небитдогга олиб келиб ташлашди. Чала жамланган бир мото-ўқчи полкида икки ой давомида ҳарбий зобитлик сир-асрорини ургандик. Ҳақиқий армияда қан-

доқ шароит, қандоқ машаққатлар бўлса, барини бошимиздан утказдик. Июнь-июль ойлари эди, 45-50 даража иссиқ, танк ҳам ҳайдадик, БТР ҳам миндик. Гранатомёту пулемётдан, автомату туппончадан отишни машқ қилдик, граната улоқтиришни, окопда мудофаада ётишни ургандик. Куп қизиқ ҳангомалар, саргузаштларни курганмиз. Бу ҳақда икки дафтар хотира ёзувларим бор, афсуски, мавзумизга алоқадор эмас. Хуллас, икки ой мобайнида мен олтмиш саккиз килограммдан эллик етти килограммга озиб, қорайиб-тобланиб, захирадаги лейтенант унвони билан уйга қайтганман.

Мана, энди тақдир тақозоси билан яна шу жойларда кезиб юрибман.

Биринчи куни кечаси Амударё устига қурилган резина — понтон куприк орқали Чоржуйга ўтдик. Куприк ваҳимали лопиллайди, дарё қоп-қора, сирли булиб тулғанади...

Ашхободда Эроннинг консулхонаси бор. Ҳамроҳларимиздан бирининг бошпуртида Эроннинг визаси йўқ экан. Шунинг учун мазкур идорага мурожаат қилишга тўғри келди. Тегишли расмиятчиликлар адо этилгач, Ашхободдан қирқ-эллик километр чамаси нарида жойлашган чегара манзилига қараб йўл олдик. Бироқ ишимиз ўнгидан келмади: йўлда ҳарбий машинада қайтиб келаётган чегара манзилининг бошлигини учратдик. Маълум булишича, чегара манзили ва у ердаги божхона булими соат тўртгача ишлар экан. Бугун кеч қолибмиз. Ноилож меҳмонхонага қайтишга тўғри келди.

Эртаси куни саҳар туриб, суфи юзини ювмасидан бурун Туркменистон — Эрон чегара манзилида ҳозир у нозир бўлдик.

### *23 май. Машҳад. Гумрукхона.*

Бугун эрталаб соат ўн бирдан ошганида Божгирон деган божхона манзилидан эсон-омон ўтиб, Эрон Ислом Жумҳурияти ҳудудига қадам қўйдик. Чегарада асосан туркманлар навбат кутиб тизилишиб туришибди. Ҳар икки томонда яшайдиган туркманлар кейинги йилларда узаро борди-келдини анча яхши йўлга қўйибди. Қариндош-уруғларнинг, тижорат ва савдо аҳлининг алоқалари бирмунча жонланибди.

Эрон... Дунёнинг энг қадимий мамлакатларидан бири. Лекин бизнинг ҳар биримиз бу куҳна давлат



ҳақида жуда юзаки тасаввур ва маълумотларга эгамиз. Билганимиз шуки, олис мозийда Эрон шоҳлари бутун жаҳонни забт этиш ниятида қонли юришлар қилган. Кайхисрав, Доро сингари жаҳонгирлар утган. Буёғи — Тумарис, Широқ афсонаси. Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» асарида ана шу тарихлардан ҳикоя қилган. Кейин — Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий. «Агар ул Шероз гузали кунглимни ром этса, қора холига Самарқанду Бухорони бахш этардим», деган машҳур ва гавғоли сатрлар. Урус шоири Есениннинг «Форс тароналари». Уларнинг Эркин Воҳид таржимасидаги хушнаво оҳанглари: «Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам...»

Эрон ҳақида миямизда адабий-илмий таассурот уйғотадиган фактлардан яна иккитаси Техрон билан боғлиқ: Мушфиқ Козимий. «Қурқинчли Техрон» романи. Ва унда, адабиётшуносларнинг сийқа тили билан айтганда, «буржуа жамиятининг шафқатсиз фош этилиши». Иккинчиси — Техрон конференцияси. 1943 йил. Шуро дипломати В. Брежневнинг шу номли китоби. Сталин, Черчилль, Рузвельт.

Энг сунгги билимларимиз: Эрон ислом инқилоби. Оятуллоҳ Ҳумайни. Мамлакатда Америка ва Ғарб таъсирининг яқсон этилиши. Эрон — Ироқ уруши. Сунгги шоҳ — Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг саргардонликлари. Тамом.

Ҳа, дарвоқе, Гугуш — Гугушнинг қушиқлари! Аксарият кўпчилигимиз Эронни гузал Гугушнинг гузал қушиқлари воситаси-ла таниганмиз.

Бунчалар саёз сиёсий ва жүгрофий маълумот учун бизларни айбситмоқ инсофдан эмас. Биз узоқ йиллар Абдулла Орипов кашф этган тилла балиқча сингари кўлмак ҳовузда сақландик ва олам шундан иборат дёб билдик.

Мана энди, Оллоҳга минг қарра ҳамду санолар булсинки, чилпарчин булган темир девордан ҳатлаб, бу қадимий диёрни уз кузимиз билан курғали, ундаги ҳаёт оҳангларини уз қулоғимиз билан эшитгали йул олиб турибмиз.

Чегарадан утиш чоғида, божхонадаги текширувлар пайтида офтобда шафтолиқоқи булиб кутар эканмиз, шу ҳақда уйладим.

Эрон хусусида дадамдан кўп ҳикоялар эшитганман. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида дадам — саккинчи синфни битирган ёш йигитча ҳарбий хизматга қақирилади. Дастлаб Қозоғистонда қисқа муддат

тайсргарлик кўриб, сунгра Эронга жунатилади. Қирқ иккинчи йилдан қирқ олтинчи йилга қадар дадам Эронда — Туркистон ҳарбий округига қарашли 39-тоғлик-кавалерия дивизиясининг 165-кавалерия полкида хизмат қилган эканлар. Шуrolар ҳукуматининг жанубий чегараларини дахлсиз сақлаб туриш учун уша пайтда шундай йул тугилган.

Дадам ҳарбий хизмат чоғидаги тортган машаққатларидан, мамлакатнинг гаройиб шаҳру қишлоқларидан кун сузлаб берардилар. У киши қирқ учинчи йилги Техрон конференцияси пайтида Сталинни курган эканлар, шу ҳақда айниқса мароқ билан гапирардилар. Лекин бу ҳикоялардан ёш бола пайтимдан қолган асосий хотира — бу Эрон хурмоларининг таъриф-тавсифи эди. Оҳ, эроний хурмолар! Уларнинг таъми, ранги, лаззати, ҳиди — бунинг таърифига суз йук... Тақдир тақозоси экан, мана, орадан йиллар утиб, ота изидан шу қадимий заминга оёқ кўйиб турибман.

Улкан темир дарвоза. Пештоқида форс ва рус тилида битилган ёзув: «Барча билан муносабатларимиз иломий қонунлар асосидадир». Бу шиор бугунги Эроннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини узида тўла акс эттирган.

Албатта, мамлакатнинг сиёсий қурилиши, иқтисодиёти ҳақида исталган маълумотномадан зарур тафсилотларни олиш мумкин. Аммо бизнинг асосий мақсадимиз — Бобур ва бобурийларнинг авлод-аждодлари тарихи ҳамда мросини урганишдан иборат экан, диққатимизни чалғитмасдан, имкон қадар мавзу доирасида фикр юритганимиз афзал.

Эронзамин тупроғида Амир Темур бук фотиҳ ула роқ шаъну шавкат ила кезган. «Темур тузуқлари»да жаҳонгир соҳибқироннинг Гилон, Журжон, Мозандарон, Ширвон, Ширвоз сингари вилоятларни қай тариқа забт этгани хусусидаги тасвирларни учратиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса темурийлар тахти шайбонийлар қулига утиб кетгач, уша пайтдаги Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоил билан иттифоқ тузиб, Самарқанд сари юриш қилгани ва унинг оқибатларини тарихдан яхши биламиз. Шуниси қизиқки, Бобурнинг ашаддий душмани булган Шайбонийхон айнан шу Шоҳ Исмоил томонидан жангда мағлуб ва қатл этилади.

Бобурийлар ва Эрон шоҳлари ўртасидаги муносабатлар кейинчалик ҳам турли шаклларда, турли хил

даражада давом эттирилган. Сиёсий вазият тақозосига кура бу муносабатлар гоҳ илиб, гоҳ совиб тургани табиий, албатта. Жумладан, Бобур Мирзонинг тунгич ва суюкли фарзанди Ҳумоюн Мирзо Шоҳ Таҳмасп билан дўстона алоқалар урнатган. У ҳозир биз кетиб бораётган Машҳад шаҳрида қирқ кун истиқомат қилиб, Таҳмаспнинг меҳр-мурувватига сазовор булган. Бу тарихий воқеаларнинг барчаси Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» («Ҳумоюн ва Акбар») романида атрофлича тасвир этилган.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу улуг ва қадимий диёрда бобурий боболаримизнинг излари, амалга оширган ишлари олис мозийдан бир хотира булиб қолган. Ана шу утмиш ёдгорликларини топсак, ургансак, қандоқ соз булур эди!..

Чегарадан бизга Сафар Қурбонзода исмли бир хизматчини далил — маъмур қилиб қушиб беришди. У бизга ҳам йул курсатади, ҳам бизга куз-қулоқ булиб боради — мамлакатдаги мавжуд расмий таомил шундай экан. Машҳадга қадар у бизни кузатиб боради, у ердаги гумрукхонага етгач, вазифаси адогига етиб, яна жойига қайтади. Унинг сафар харажатлари, озик-овқати ва ортига қайтадиган йулқираси — экспедиция зиммасига юклатилган.

Машҳадгача бу ердан беш юз километр чамаси бор. Маъмуригимиз — тишлари тушиб кетган, сочлари тукилган, абгор-афтодаҳол, ёши утган бир киши, бурқиратиб тамаки чекади. Йул буйи ундан-бундан гаплашиб кетдик. Унинг бир неча оға-иниси Эрон билан Ироқ уртасида юз берган урушда ҳалок булган экан.

Деразадан аста атрофга қараб боряпман. Манзара — ўзимизнинг тоғ қишлоқларини эслатади. Фақат бундаги турмуш тарзи бирмунча хароброқ: лойтомли кулбалар, электр йўламаган қишлоқлар, ғарибона кийинган одамлар... Мана, Қулмирзо довонидан ошиб ўтдик. Куп ўтмай Дурбодом деб аталувчи қишлоқ ҳам ортда қолди. Экинзор далалар, яшил воҳалар, ар-ар тераклар кузга чалина бошлади. Бу юртларда деҳқончилик маданияти юксак эканлиги шундоққина кўриниб турибди — экин экилмаган бир қарич ҳам буш ер йуқ: шилипоярлар, бугдойзор далалар, тоқзорлар...

Афсуски, бу кўринишларни сувратга олиш мумкин эмас: чегарада фото-видеоаппаратларимизга муҳр босиб, сўргичлаб берганлар. Фақатгина диктофонга пи-

чирлаш ёки ёндафтарга қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан у-бу нарсани қайд этиб бориш мумкин. Хайриятки, буни таъқиқлашмади — шунисига ҳам шукур.

Асрга яқин Машҳад шаҳрига етиб келдик.

Олам денгизидай бепоеён, гала-говур шаҳар. Бу — бизнинг чет элда учратган дастлабки йирик шаҳаримиз булгани учун, ундаги ҳашаматни, молу дунё тиқилиб-тошиб ётган дуконларни, ярқироқ ажнабий машиналарни, бегона тил, бегона урф-тамойилларни куриб, бирмунча ақлимиз шошиб қолди. Аммо кейинчалик аста-аста бу хил манзараларга куникиб кетдик.

Сафар Қурбонзода бизни туғри шаҳар уртасидаги автогумрукхонага бошлаб келди. Каттагина автопаркни эслатадиган, атрофи баланд темир панжара билан ураб олинган бир карвонсарой. Биз етиб келганимизда гумрукхона раҳбарияти ишни тутатиб кетган экан, шунинг учун, уз-узидан равшанки, бу жойда бир кеча бош қуйиб қуноқ булишимизга туғри келди. Йигитларимиз дарҳол қоровуллар билан тил топишиб, гумрукхонада узимизнинг масаллиқлардан таом тайёрлашди. Бир косадан қайноқ, хушхур шурвани ичиб олгач, шаҳар айлангани чиқдик.

Машҳад Эроннинг қадимий ва улкан шаҳарларидан бири. Саккиз миллион аҳолиси бор. Ранг-баранг чироқлар ёгдусига чумилиб ётган ола-говур бир шаҳар. Дуконлар обод, мол куп, қиммат. Мамлакатнинг пул бирлиги — туман, риёл. Шу кунларда 1 туман — 1 рублга баробар экан. Нарх-навога қизиқдик: нон — уч юз туман, гушт — уч юз туман. Қолган нарсалар бизни қизиқтирмади — мусофирчилик, ҳар ким курпасига қараб оёқ узатгани тузук.

Шаҳардаги энг улуг зиёратгоҳ — имом Ризо масжиди ва мақбараси экан. Секин, пойи пиёда юриб бордик. Бир маҳал қаршимизда ярқираганча зиё сочиб маҳобатли бир обидалар тизими пайдо бўлди. Бу чиндан ҳам меъморий муъжиза эди!

Аввало, мақбара узининг ҳажми билан, тарихий ёдгорлик жойлашган майдон сатҳининг улканлиги билан ҳайратга солади. Атрофи беҳад гузал кушклару миноралар билан, пурвиқор хонақоҳлар, тиллакори қуббалар ила қуршалган. Пештоқларда илоҳий нур таратиб турган ояти карималар, зар сочиб жилвалангучи даричаю дарвозалар.

Пойабзалларимизни ечиб, ялангоёқ ичкарига кирдик. Муаззам қандиллар, хушбўй хид таратиб ёнаётган

шамлар зиёратгоҳга яна ҳам кутаринки, сирли бир тус бағишлаган. Йул-йулкаларда, остоналарда, хонақоҳлару ҳужраларда тиз чуқиб ибодат ва илтижо қилаётган кишилар. Ихлоснинг зуридан аксарият зиёратчилар бошларини, пешоналарини ерга уриб бўзлаб нола чекмоқдалар, эшиклар ҳалқасини, деворлардаги заррин кошинларни ўпиб, юз-кўзларига сурмоқдалар... Бошдан-оёқ қора чодрага бурканган аёллар ҳам куп.

Мақбара залларини айланиб юриб, унинг тарихи билан қизиқдик. Зиёлинамо курунган бир неча кишига мурожаат ҳам қилдик. Улар елка қисиб бир-бирларига қарашди ва бизни мақбара-зиёратгоҳ мутасаддилари сари йуллашди. Кутубхонага ухшаш бир ҳужрадан кўзойнак таққан, қора соқоллик еш йигит чиқиб келди. Истагимизни арз қилдик. Таассуфки, у ҳам мужмал бир жавоб билан кифояланди — яъниким, бу ҳақда маълумот бериши мумкин бўлган соҳиб айна дақиқада бу ерда йўқ экан, шу боис у бирор нима дейишга ожиз эмиш. Атрофимизга йигилиб келган беш-ун чоғли киши ҳам тайинли бир гап айта олмади. Фақат улардан бири, бу жуда эски иншоот, шоҳ Аббос замонида бунёд этилган, деган мазмунда икки оғиз сузлаб утди.

Бу ҳол менга ғалати туюлди. Зиёратгоҳнинг ҳашамати, ундаги асъаса ва дабдаба, ихлосмандлар дарёси, ҳиссиётлар туғени қаршисида бу қадар билимсизлик чиндан-да эриш бир ҳол эди. Аммо бу ростдан ҳам бехабарлик — гофилликмиди ёки бунинг замирида бошқа бирон сабаб бормикан? Бегоналардан гумонсираш, сир бермаслик кайфияти устун чиқмадимикан? Бунинг устига, уртада мазҳаб масаласи ҳам бор. Чунки Машҳад — шиа мазҳабига мансуб мусулмонларнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Имом Ризо мақбараси тўққизинчи асрдан буён машҳур булиб келади. Бу тарихий шахс ҳақидаги қисқагина маълумотни замонамиз Хондамири, муаррих адибимиз Хуршид Давроннинг 1991 йили нашр этилган «Самарқанд ҳаёли» деган китобида ўқиганим ёдимга тушди. Шиа-сунний масаласи хусусида фикр юритиб келиб, Хуршид, жумладан, шундай деб ёзади: «Имом Ризо — шиалар эътиқоди бўйича ун икки имомнинг бири. Ун икки имом: ҳазрат Али билан Биби Фотимадан тарқалган ва шиалар эътиқод қиладиган имомлар сулоласи. Улар пайғамбар авлоди деб тан олинади. Шиалар уларнигина тан олиб, халифалар ҳокимиятини қонунсиз деб хисоблайдилар. Булар Али ибн Абу Толиб, Ҳасан, Ҳу-

сайн, Зайн ал-Обидин Али, Муҳаммад ал-Боқир, Жаъфар ас-Содиқ, Мусо ал-Козим, Али ар-Ризо, Муҳаммад ат-Тақий, Али ан-Нақий, Ҳасан ал-Асгарий, Муҳаммад ал-Муҳаммад ал-Маҳдий. Ун иккинчи имом — ал-Маҳдий яширинган деб ҳисобланиб, унинг қайтишини кутиш шиа анъанаси сифатида сақланиб қолган».

Машҳаддан кўплаб мумтоз шахслар етишиб чиққан. Абулқосим Фирдавсийнинг қabri ҳам шу шаҳарга яқин, дейишади. Агар имкон булса, зиёрат қилиб утиш лозим. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг машҳур ҳаттоти Султонали Машҳадий ҳам шу маскан фарзанди булган. Унинг нозик ва сеҳрли қаламининг қудрати билан ҳазрати Навоийнинг улмас асарлари бизга-ча безавол етиб келган. Бу зот таърифида «Бобурнома»да шундай сўзларни уқиймиз: «Хушнавислардин агарчи хили киши бор эди, вале борининг саромади насх таълиқда Султон али Машҳадий эди. Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро — Х. С.) учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда утгуз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди».

Дарвоқе, Машҳадга Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ҳам қадамлари теккан. Шоҳрух Мирзонинг набираси Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган пайтларида улар Машҳадда муқим бўлиб турганлар.

Имом Ризо зиёратгоҳидан қайтаётиб, кучада тасодифан бир узбек йигити билан танишиб қолдик. Исми Аҳмад Иброҳим, афғонистонлик узбеклардан. Жуссаси кичкина, кузлари одамга ҳасрат билан боқади. Айтишига қараганда, юртида шуришу қиёмат бошлангач, куп балоларга гирифтор булибди. Оиласидан беш киши — онаси, уч акаси ва иниси шу қаттол қиргинда ҳалок булибди. Шундан кейин у бошини олиб ҳижратга кетибди. Бу ердаги аҳволидан, тирикчиликнинг тошдан қаттиқ эканидан изтироб билан сўзлади. Биз қулимиздан келганича таскин бердик, сабр-бардош тиладик. Муюлишдаги маҳалла масжидида шом намозини у билан бирга уқидик. Аҳмад Иброҳим бизни учратганидан беҳад шод эди. Кечқурун гумрукхонага келиб биздан хабар олишни ваъда қилиб кетди.

Кунган маконимизга қайтдик. Автосаройда бешунта баҳайбат «КамаЗ» машиналари пайдо булибди. Атрофида қозоқ, урис йигитлар уралашиб юришибди. Суриштириб билсак, булар Сурияга шартнома буйича геологик қидирув ишларини олиб бориш учун кетаёт-

ган мутахассис ва ишчилар гуруҳи экан. Бегона юрт эмасми, кўзимизга дарҳол оловдай кўринишди. Пича гурунг қилдик.

Кечаси гумрукхона йулагиди, мрамар пол устида «уйқуҳалта»ларга кириб уҳладик. Зах белга хилий таъсир қилди. Аммо бошқа иложи йўқ. Зокиржон ака — «Бой ота» айтмоқчи, биз курортда эмас, экспедицияда-миз. Қийинчиликка, очин-туқинчиликка чидаш керак. Чунки олдимизда ҳали беҳад узоқ, машаққатли, номаълум ва нотаниш манзиллар турибди. Имкони бори-ча маблағдан, озиқ-овқату дори-дармондан тсжаб фойдаланиш зарур. Ҳар қандай қутилмаган ҳолатларга тайёр булиб турмоғимиз шарт.

Ез туни бир тутам, соат уч-тўртдаёқ атроф ёришиб кетади. Назаримда, беш минутгина мизгигандскман — муаззинларнинг янгроқ овози турт тарафга тарала бошлади.

Бисотимиздаги қоқ нонлар, майиз, шакар, талқон билан нонушта қилдик. Кун эрталабданоқ ёниб чиқди, чой ичган сари одамнинг ташналиги баттар ортади. Тамадди қилиб олгач, раҳбарларимиз ва таржимонлар гумрукхона маъмурияти ҳузурига кириб кетишди, биз эса машина олдига бориб ултирдик. Хисрав Сархуш деган бир кимса билан танишиб қолдик. Барваста, сочлари жингалак бу киши озарбойжон туркчасида бемалол гаплашар экан. Бизнинг кимлигимизни сураб-суриштиргач, узининг ҳол-аҳволини баён қилди. Унинг отаси тожик экан, инқилоб пайтида Эронга қочиб келиб қолган. Душанбега бориб, тижорат билан шуғулланиш нияти борлигини сўзлади.

Шу нарса диққатга сазоворки, Эронда туркий тил билган одам қийналмай юриши мумкин экан. Аҳолининг аксар қисми бу тилда муомала қила олади. Сафар давомида бунга ишонч ҳосил қилдик. Табриз, Исфаҳон томонларда айниқса туркий тилнинг мақоми баланд — Эрон Озарбойжонида бу асосий тил саналар экан.

Пешинга қадар «Бой ота» билан гумрукхона раҳбарлари уртасида оғир музокаралар давом этди. Гарчанд тафсилотларидан хабардор булмасак-да, аҳён-аҳён Зокиржон аканинг қора терга тушиб, уҳ тортган ҳолда идорадан чиқиб келиши ва машинадаги семиз папкасидан навбётдаги бир тахлам ҳужжатларни олиб ичкари кириб кетишидан у срда рўй бераётган бюрократик ҳангомаларни тахминан тасаввур қилиш мумкин эди.

Ниҳоят, бу диққинафас ва укубатли жараён адоғига етиб, ижозат қозғоғларига сунгги имзою муҳрлар чекилгач, яна йулда давом этар бўлдик.

Машинамиз жойидан жилиши билан ҳориб-толган «Бой ота»ни дунёдаги энг баттол бюрократия устидан қозонган улкан галабаси билан қизгин муборакбод айлаб, муваффақият сири билан қизиқдим.

«Сири оддий, — деб жавоб берди Зокиржон ака «Чой ота» қуйиб узатган кук чойдан ҳуплаб, — бюрократия устидан тантана қилмоқ учун киши аввало узи бюрократ булиши керак». «Ия, демак узлари ҳам?..» — дедим кулимсираб. «Албатта, — деди «Бой ота» уф тортиб, — фақат мен собиқ бюрократман. Агар шундай бўлмаганимда бу экспедицияни ҳам, Бобур жамғармасини ҳам асло ташкил қилолмаган булардим». «Қуш тилини қуш билади-да», деди Собиржон ака маъноли қилиб ва термосдан чой қуйиб менга узатди.

*25 май. Техрон. Йул усти.*

Машҳаддан чиқиб шундай шитоб билан йул босдикки, аста қуяверинг. Ҳамроҳларим дамба-дам алмашиб машина рулига утиришади, кечасию кундузи йул юрамиз. Узи ун турт кишининг мендан бошқа деярли ҳаммаси машинани бағоят чаптастик билан ҳайдар экан, ҳавасим келди. Айниқса, Қори домлани айтмайсизми! У киши рулга утирганида тахминан товуш тезлигида босар экан. Бсихтиёр кузларимизни чирт юмиб оламиз. Тагин ҳам Зокиржон ака ҳайҳайлаб туради, бўлмаса, Қори домла машинага қанот боғлатиб учуриб кетиши шубҳасиз.

Бу қадар ошиқиб йул юришимизнинг боиси шундаки, кун сайин муқаддас Ҳаж мавсуми яқинлашмоқда. Шу муносабат билан биз босиб утишимиз лозим бўлган давлатларнинг чегараси епиб қуйилиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки миллион-миллион зиёратчилар ҳаракатини тартибга солиш, уларнинг бехатарлигини таъминлаш учун шундай қилиниши табиий. Шунга кура биз биринчи июнга қадар Саудия Арабистони сарҳадига етиб олмоқликни мулжал қилиб йул босардик.

Машҳаддан кейин Нишопур, Сабзавор, Ҳамадон сингари катта шаҳарлардан, турли қишлоқлардан, даралару водийлардан утдик. Шароит тақозосига кура гоҳ дуч келган паст-баланд мусофирхоналарда, гоҳ эса



шундоққина дага-даштда тунаб боравердик. Аксар ҳолларда Оллоҳнинг уйи—масжидлардан бошпана топдик, нотаниш одамларни таниш, танишларни дуст тутиб мақсад сари илгарилайвердик.

Мащҳаддан бизга янги сарбон қушиб берилди. Та-содифни қарангки, бу кишининг исми оғои Бобур эди. Эронзамин тупроғидан бизни бошлаб бораётган бу хушфезл, серзавқ йулбошловчининг исми улуг бобомиз номига монандлиги тақдирнинг хайрли бир аломати булиб туюлар эди.

Бир куни кечаси обдан чарчаб ҳолдан тойдик. Соат тунги учлар чамаси эди. Кимсасиз даланинг уртасида машинани тўхтатиб, шунда тунашга келишилди. Йул четида супасимон бир баланглик қоронғида гунгурсдай булиб турарди. «Уйқухалталаримиз»ни кутариб, шу супа устига чиқдик. Пастда икки-учта баҳайбат юк машиналари турар, супачада эса беш-олти киши қўзилишиб ётар эди. Тахминимизча, булар шу машиналарнинг ҳайдовчилари бўлса керак. Қоронғи, ҳеч нарсани куриб бўлмайди. Туртиниб-суртиниб, ҳалиги қўзилиб ётганларнинг ёнига келиб, биз ҳам жойлашдик, узимизни худога топшириб, сал утмай донг қотиб қолдик. Шуниси ажабланишлики, бу кимсалар ҳам бизни ё сезмади, ёки сезса-да, эътибор бермади. Саҳар бомдод намозига уйғонганимизда тунги хобдошларимиз қўналгани тарк этиб кетган эдилар. Булар кимлар эди, қандай одамлар — биз учун бир жумбоқ булиб қолди.

Алқисса, йул юриб, йул юрсак ҳам мул юриб, сафаримизнинг еттинчи куни Эрон давлатининг пойтахти Техрон шаҳрига кириб келдик.

Техронга кирдигу адашиб қолдик. Сарбонимиз ҳам пойтахтни яхши билмас экан — қайси кучадан қасрга чиқилади, тополмай хуноб була бошлади. Шу вақт бахтимизга йул чеккасидан бизга тикилганча аста юриб бораётган бир успиринга кузимиз тушди. Қори домла деразадан унга мурожаат этиб йул суради. Оқ юзли, хушқад, хушбичим, кўнғироқдай сочлари манг-лайи узра товланиб турган йигитча кулимсираб яқинлашди, «Ассалому алайкум», деб саломлашди. Арзимизни диққат билан эшитгач, оғои Бобурга юзланиб, йулни эринмай тушунтирди. Аммо маъмур узига ишонмай яна қайта суриштира бошлаган эди, «Бой ота» бир имо билан успиринни машинага чиқишини амр айлади. Танишдик, ҳол-аҳвол сурашдик. Юз-кузлари кулимсираб турадиган, ёқимтой успириннинг исми

Абдулмажид Муҳаммад экан. Ёши ун туртда, лекин шаҳарни шундай яхши билар эканки, тажрибали сайр-бон сингари роса бизни айлантирди.

Марказга яқин бир жойда тухтадик. Бирпас тева-рак-атрофни кездик, дуконларга бош сукдик, пул ал-маштирдик. Кучаларда даста-даста пул кутариб юрган саррофлар бири олиб, бири қўйиб, хизматини таклиф этади.

Шаҳар бениҳоя обод, ҳашаматли. Нима учундир менинг кузимга купқаватли иморатлар камроқ қуринди. Аксарият турт-беш ошиёнали куркам бинолар, бир-бири билан ҳусн талашиб турган муаззам қасрлар. Кучалар-да машиналар тирбанд, ҳаракат тигиз, лекин урилган-сурилган, пешонаси, ёнбоши қашқа машиналар куп. Ҳамроҳлардан кимдир буни узича изоҳлади: буларнинг ҳаммаси Американинг ҳомийлиги даврида келиб қол-ган машиналар, орадаги муносабат бузилгач, у ёқдан сармоя ҳам, техника етказиб бериш ҳам тухтаган. Бал-ки шундайдир, ким билсин. Кунглимиздаги фикрлар-ни ссзгандек, Абдулмажид кулимсираб: «Агар мен Раф-санжонийнинг ўрнида президент булсам эди, — деди болаларча соддалик ва жиддият билан, — Эрондаги барча эски машиналарни чиқартириб ташлар эдим». Унинг беғубор орзусини эшитиб, қулиб қўйдик. Йи-гитча қарийб икки-уч соат биз билан бирга булди, бир пайт ташвишланиб, онаси уни дуконга юборгани эсига тушиб қолди. Машинадан тушиб, ҳаммамиз Абдулма-жид билан бирга эсдалик учун расмга тушдик. Зокир-жон ака унга чопон ёпди, дуппи кийдириб, росмана андижонлик йигитчага айлантириб қўйди. Абдулма-жиднинг ҳам боши осмонга етди. «Агар онам ижозат берганида эди, сизлар билан бирга кетардим», деди у ҳавасманд бўлиб...

Абдулмажид билан хушлашиб, яна йулга равона булдик. Яна «Тойота»ларга «қамчи» босилди. Йулнинг танобини тортиб кетавердик. Техрондан сунг Қарач, Қазвин, Табриз шаҳарлари келди. Суръатимиз шу қа-дар жадалки, бирор ерда тухтаб, икки жумлани дафтар-га битиб қўймоқликка ҳам фурсат йўқ. Бу қайдларнинг барчаси юриб кетаётган машинада қингир-қийшиқ ҳарфлар билан битилди, узук-юлуқлиги, парокандали-гига шу сабаб.

Шомга яқин Занжон шаҳрига етиб келдик. Ярим соатча нафас ростладик. Сабзавор бир хиёбон қарши-сидаги устахонада машиналарнинг у ёқ-бу ёғини созла-

тиб олдик. Бу ерда озарбайжон миллатига мансуб халқ куп истиқомат қилар экан, бизга илтифот курсатишди. Устахона олдидаги дукондор жаноб чой дамлаб бериб, шакар билан меҳмоннавозлик курсатди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: хиёбон олдида бориб уйланиб турган эдим, велосипед минган ешгина йигитча ёнимга келиб тухтади. Салом берди. Кимлигимизу мурод-мақсадимизга қизиқди. Сунг велосипедининг орқа томонидаги кажавадан музқаймоқ олиб тутқазди. «Соғ ул, қардашим!» — деди. Ёнимни кавлаб, пул чиқарсам, қулимни қайтариб ташлади. Устахона олдида турган ҳамроҳларимга кўзи тушиб, уларнинг ҳам барчасига беҳад лаззатли, роҳатижон музқаймоқ эҳсон қилди. Қандай пайдо булган бўлса, шундай ғойиб булди. Бу туш ёки хаёл эди десак — қулимизни музлатиб музқаймоқ турибди.

Чиндан ҳам, Оллоҳ улуғ, марҳаматлидир...

Ярим кечаси Бозургон шаҳридан утдик. Куппа-кундузи дейсиз гуё: ҳаёт бир лаҳза ҳам тинган эмас, савдосотиқ, бозор-учар авжида, фавворалар тизиллаб шабнам сочиб туради, миллион хил чироқлар ёғдуси кузни қамаштиради.

Бу жойлар ҳам ортда қолди. Туни билан бетухтов йул юриб, тонгга яқин Туркия чегарасига етиб келдик.

### *27 май. Анқара. Хожатепа масжиди.*

Юрган — дарё деб бежиз айтмас эканлар. Ўз уйимизда буйра булиб утирган эдик, мана, Яратганнинг марҳамати ила азим дарё янглиғ шиддат билан олға слиб бораётирмиз.

Туркия чегарасида ортиқча азият чекканимиз йуқ. Очиқ юзли божгирлар ва сарҳад посбонлари мурувват кургазиб, мушкулимизни осон қилдилар.

Бозургонда оғои Бобур билан хайрлашиб, Агри дарёси ёқалаб шу номдаги шаҳарни қоралаганча йулга тушдик. Бу ерларда баҳор энди юз оча бошлабди, атроф-жавониб ям-яшил, яйловларда чупон болалар кўй боқиб юради, турфа гул-чечаклар очилган. Туркияда фото-видеоаппаратларга сурғич босиб муҳрлашмади — бемалол сувратга олиш мумкин экан. Фаррухбек гузал манзараларни бирма-бир тасвирга олиб боряпти.

Агри шаҳри ёнидан утиб, Арзирум сари юз тутдик. Йулнинг икки томонида сокин умргузаронлик қилаётган катта-кичик қишлоқлар. Нимаси биландир Узбе-

кистондаги қрим татарлари яшайдиган обод манзилларни эслагани. Йул текис, ойнадек силлиқ, машиналар шувиллаб кетиб боради. Пешиндан сунг бир жойда тушлик қилгани тухтадик. Кичкинагина, озода ошхона, ёнида чоғроқ masjid, автоёқилги қуйиш шохобчаси, озиқ-овқат ва эҳтиёт қисмлар дукончалари тартиб билан тизилган. Хушмуомала бир турк афандининг ошхонасида таом сийлди, ниҳоятда мазали, ниҳоятда қиммат.

Қорин туйиб, гамлар нари кетди. Кейинги манзимиз — Арзинжон шаҳри. Тоғ-тошлардан утдик, ер ости йули — тоннеллардан утдик, яшил воҳа-боғлардан утдик. Хуфтон аралаш Арзинжонга етдик. Кунгилсиз бир манзарага гувоҳ булдик: бир ой муқаддам бу ерда қаттиқ зилзила юз берган экан. Қулаб-тукилиб ётган иморатларга кўзимиз тушди. Зилзила бот-бот такрорланиб турганидан аҳоли хийла юрак олдириб қуйибди. Бу офат халқимиз бошидан хўб утгани учун уларга гоят ачиндик, сабр-бардош тиладик. Маҳалла масжидларидан бирида биргаликда намоз ўқидик. Ёнида аёллар масжиди ҳам бор, номи — «Фотима хотун жомеси». Муслмон биродарларимиз ибодатдан сунг бизга манзират қилиб тунаб қолишни таклиф этишди, афсуски, фурсатимиз зиқ эди, узр айтдик. Умуман, бу юртларда одамлар худди ўзимизнинг кишилар сингари бағрикенг, қули очиқ, феъли очиқ экан. Темурий ва бобурийларга муносабат яхши. Бошда кунглимизда андак иштибоҳ бор эдики, Йилдирим Боязид ва Амир Темур муносабатлари боис озгина куланка мавжуд эмасмикан, деган, йўқ, шукурки, ҳеч қайда бу нарса сезилмади.

Аксинча, пешқадам турк олимлари, адиб ва арбоблари бу масалага ҳаминша холис ва ҳаққоний ёндашиб келганлар. Мисол тариқасида таниқли ёзувчи Холдун Танернинг бир фикрини эслаш мумкин. У 1984 йили Москвада нашр этилган «Сайланма» китобига кирган «10 ноябрь» номли мақоласида шундай деб ёзади: «Мустафо Камол Отатурк Амир Темурни энг буюк ҳарбий арбоб деб билар эди. Гарчи Темур умр буйи туркларга қарши жанг қилган ва уларни ҳаминша мағлуб этган булса-да, Отатурк ноурин иззат-нафсга берилмасдан, ақл-заковати ва қатъияти учун унга таҳсин айтарди. Муҳтарам корпус генерали Дониел Юрдатапаннинг гувоҳлик беришича, Отатурк бир суҳбатда шундай деган экан: «Менимча, дунёдаги энг улуг сар-

карда — Амир Темурдир. У ҳеч бир жангини омадга куз тутиб, таваккал билан бошлаган эмас. Ҳар бир юришга йиллаб тайёргарлик куриб, ишнинг миридан-сирисигача пухта режалаштирган. Масалан, Анқара остонасидаги жангда ғолиб чиқишини у олдиндан билар эди. Чунки Йилдирим Боязид ва ноиблари орасида низо туғдириш — галаба гарови эканини англр ва шу боис бунга муваффақ булган эди».

Бу воқеа тарих бир минг тўрт юз иккинчи йилда руй берган. Ушанда соҳибқирон Темур Анқара остонасидаги жангда икки юз минг аскардан иборат қушини билан Боязиднинг шунча миқдордаги лашкарини тормор келтирган. Албатта, бунинг уз сиёсий-ҳарбий сабаблари бор, лекин, икки мусулмон, икки турк ҳукмдорини бир-бирига ганим қилиб қуйишдан манфаатдор булган овруполик муайян кучлар бу туқнашувда асосий галаба қозонган. Ва шу тариқа турк яғмосидан Оврупо омон қолган.

27 май кунн тушдан кейин куз унгимизда Анқара намоеън булди.

Тўғри шаҳар марказига келдик. Бу жойда шаҳардаги энг улкан Хожатепа жомеси салобат тукиб турибди. Жоме баланд яланглик устига жойлашган, тагида автоқуналга, ён-атрофида супермаркету ҳашаматли дуконлар. Маълум булишича, буларнинг барчаси мазкур жомега қарашли булиб, улардан келадиган даромад ҳам масжид эҳтиёжларига ишлатилар экан.

Биз сафарга чиққан кезларда Тошкентда чет эл элчихоналари энди-энди пайдо була бошлаган эди. Шу сабабли йулимиз устида дуч келадиган Сурия, Иордания каби давлатларга ижозатномани шу мамлакатларнинг Анқарадаги ваколатхоналаридан олишимиз лозим эди. Шунга кура Хожатепа масжиди ёнида икки кун туриб қолишимизга тўғри келди. Беш вақт ибодатларни маҳаллий қавмлар билан адо қилишчиқ насиб этди.

Жоме масжиди 1967 — 1987 йиллар мобайнида бунёд этилган. Танловга тақдим этилган ўттиздан зиёд лойиҳадан Хусрав Талъат исмли меъмор тақлифи қабул қилинган. Курилишнинг харажатлари ўша вақтдаги ҳисоб буйича 6 миллиард турк лирасини ташкил этиб, унинг бир қисмини халқ пена тарзида тўплаб берган, бир қисмини ҳукумат уз зиммасига олган экан. Йигирма олтита куббаси бор, ун тўрттасига тилло ишлатилган. Ҳар бирининг баландлиги йигирма саккиз

метрдан булган туртта минора бу улуг иншоотга янада фузун багишлаб туради. Абдугани ака, Собиржон Шокаримов, Рустам Шамсиддинов ва менга шу миноралардан бирига чиқиб Анқарани осмон остидан томоша қилмоқлик муяссар булди. Тафсилоти шундайки, пешин намозидан сунг жоме масжид имоми билан суҳбат курдик, у кишининг илтифоти ила Жамол ҳожи исмли муаззин йигит бизни узангич (лифт)да минора тепасига олиб чиқди ва юқорида зикр этилмиш маълумотларни сузлаб берди. Жамол ҳожи айни кунларда яна ҳаж қилгани кетаётган экан. «Насиб булса, Маккаи мукаррамада куришурмиз», деб биргаликда ният қилдик.

Жоме масжид ёнида улкан китоб дукони бор экан. Куннинг куп қисмини шу срда куймаланиб утказдим. Ҳар китобларки, кузингизни ёндиради. Асосан диний-маърифий адабиётлар, Қуръони каримнинг муъжиза нашрлари, тасбеҳлар, мисвоклар. Турли тилларда, турли мамлакатларда чоп қилинмиш журналлар, рисолаю газеталар.

Машиналаримиз масжид пастидаги автосарой олдида турибди. Қоровулхонада дамба-дам чой дамлаб бериб туришибди. Кечқурун шу срда таом тайёрлаб олишга ҳам ижозат этишди. Оллоҳ насиб этган ризқу руз билан танаввул қилдик.

Хуфтонга чиққанимизда намоз тугагач, ёнимдаги утгиз беш ёшлар чамали бир йигит билан танишиб қолдим. Бизнинг Ўзбекистондан — Самарқанду Бухоро тарафлардан келаётганимизни эшитиб суюниб кетди. Исми Умар Байрам, тижоратчи экан. Узи Истанбулда яшаркан, бу ерга савдо иши билан келибди. Анқарада синглиси куёви билан турар экан.

Умар Байрам киришимли, бир сузлаб ун куладиган беғубор инсон, бизни машинамизгача кузатиб келди. Бу ерда гурунгимиз яна пича давом этди. Сунгра у бизни узи қуноқ булиб турган хонадонга бир пиела чойга таклиф этди. Ташаккур айтиб узр сурасак, қаттиқ ранжийдиган, ҳеч қистаб қуймаяпти. «Бой ота»дан рухсат олиб, Адҳамжон, Орифжон ака ва мен борар булдик. Умар афанди суюниб йул бошлади.

Жоме масжидидан бир-бир ярим километрча юриб, турт қаватли бир бинога кирдик. Умар Байрамнинг қариндошлари учинчи қаватда туришар экан. Мезбон — оқ-сарикдан келган паҳлавон бир йигит ва нозиккина, мовий кузли бир аёл очиқ чехра билан кутиб

олишди. Ичкарида яна бир меҳмон бор экан. Ён томондаги хонада тахта сўрида утирган семиз, кекса бир хотин куринарди.

Куришиб-сурашиб, дастурхон атрофидан жой олдик. Ҳар кимнинг хоҳиш-истагига қараб, чой ва қаҳва тортилди. Умар Байрам оғзидан бол томиб бизни кўевига таърифлар, «ароба»да шундай узоқ йўлдан келаётганимизни, яна узоқ манзилларга кетажагимизни айтиб ҳайратга тушар, таомга ундаб парвона булар эди. У соддагина, билими ҳам узига яраша йигит эди, Бобурнинг номини, тарихини эшитмаган бўлиши ҳам эҳтимол, аммо қандайдир бир ички туйғу билан бизга чин дилдан ихлос қўйгани сезилиб турарди.

Бундай ҳайрат-ҳавас туйғусини кейинчалик ҳам сафаримиз давомида яна кўп марта пайқадик. Ва бу бежиз эмас эди. Чунки дунё бизнинг бундоғ енгил машиналарга миниб, сайру саёҳат қилишимизга урганмаган эди. Чунки биз хоҳ Чехословакия булсин, хоҳ Венгрия булсин, хоҳ Афғонистон булсин, албатта оғир танк миниб борганмиз. Олам аҳли ҳам шунга кўнликкан ва ҳар сафар бизнинг бу каби ташрифларимизни юрак ҳовучлаб кутадиган бўлиб қолган эди. Шу боис ҳам чет элдаги кишиларнинг ҳайрати чексиз эди. Хусусан, Ўзбекистон диёридан — унутилган, «Рашн» — (Россия)га айлантирилган бир улқадан бундай сафарларнинг ташкил этилиши уларнинг таажжуб ва қувончларини беҳад оширган эди. Айниқса, диндошларимизнинг, миллатдош ва ватандошларимизнинг шодликлари чексиз булар эдики, мавриди етиб бу хусусда ҳам ҳикоя қиламиз.

Ярим тунга қадар бу уртаҳол хонадонда суҳбатлашиб ултирдик. Умар Байрам савдо-сотик ишларидан, урф-одатлардан, биздаги ҳаёт тарзидан суриштириб гурунг берди. Шу кунларда Туркияни собиқ Шурулар Иттифоқидан чиққан бир ёв босганини ташвишланиб сузлади. Унинг куйиниб айтган гапларига қараганда, мамлакатнинг барча йирик шаҳарларига сайёҳ сифатида келаётган ахлоқи бузуқ аёлларнинг сони кескин ошиб кетган. Бу ҳол турк йигитларининг, айниқса ёшларнинг турмушига, оиласи ва келажак тақдирига кучли зарба бераётган экан. Халқ оммаси, аёллар, оналар бундан қаттиқ хавотир ва изтироб чекаётир. Ҳатто Трабзон деган шаҳарда бу туғрида қушиқ ҳам туқилибди. Эри оиласини ташлаб, суюқоёқ бир аёлга илашиб кетгани ҳақида хотин кишининг ғамли ноласи ифода

этилган экан бу қушиқда. Унда, жумладан, шундай сатрлар ҳам бор эмиш:

«Масковали Наташа,  
Қуйдинг бани оташа...»

«Бу «Наташа»лар турк миллатининг ахлоқига чинакам бир офат бўлди», деди Умар Байрам бу хусусда қатъий чоралар қурилмаётганидан куюниб.

Кейинчалик Туркия бўйлаб йулимизда давом этар эканмиз, радиодан, овоз ёзув студияларидан бу қушиқни бир неча марта эшитдик ва шунда беихтиёр Умар афанди айтган гапларда жон борлигига ишонч ҳосил қилдик. Худо ҳар бандага ўзи инсоф берсин — бошқа нима ҳам дердик...

Алҳосил, дастурхонга фотиҳа ўқилиб, ўрнимиздан турдик. Мезбонлар анча жойгача кузатиб қўйишди. Ҳаво илиқ, барча йирик шаҳарларда бўлгани сингари осмон губорли. Қуноғимизга қайтдик. Шерикларнинг икки-учтаси жоме айвонига жой тўшаб уйқуга кетган, баъзилари машина теварагида ҳангомалашиб утиришибди. Туртта азаматимиз машинанинг ичида хуррак отмоқда.

Ниҳоятда чарчаган эканман, машинага кириб доимий жойимга ултирдиму мизгиб кетибман. Бир пайт кимдир дераза ойнасини чертаётганини ссзиб уйғониб кетдим. Аранг кузимни очиб, ташқарида турган Умар Байрамни кўрдим. «Тинчликми?» деб ойнани очдим. У қулидаги оқ жужун курткани менга тутқазди: «Афандим, на улди сана, урда қолдирмишсан...» Юрагим беихтиёр шиг этиб кетди. Боя меҳмон бўлиб борган жойимизда курткамни ечиб қозиққа илган эдим, қайтишда паққос эсимдан чиқиб кетибди. Чунтагида барча ҳужжатларим, топган-таянганим — уч юз эллик долларча ва эллик-олтмиш минг рубль ҳам бор эди... Тавба! Девонанинг ишини худо унглайди, деганлари шу булса керак. Агар бордию куртка йўқолиб кетганида ҳозир бутунлай бошқа мақолни — «Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади», деган мақолни ёзиб ултирган булур эдим.

Мсҳрим товланиб, Умар Байрамга яна чин дилдан миннатдорлик изҳор қилдим.

Эртасига ҳар ким уз юмушига тарқалди: Зокиржон ака икки таржимонни олиб «виза жанги»га кетди, қолганлар ибодат ва тижорат ила машгул булиш истагини



билдирдилар. Биз тарихчи домла Рустам Шамсиддинов билан Анқара Давлат университетини излаб йулга тушдик. Домланинг сафар режасида хорижий давлатлардаги дорилфунунлар билан алоқа урнатиш масаласи ҳам кузда тугилган экан. Университет унча узоқ эмас, пиеда бориш ҳам мумкин, фақат биз адашиб қолишдан чучиб, таксида кетдик. Ҳайдовчи йигитга йулкира учун Ленин бобо расми туширилган юзталикларни курсатган эдик, эътирозсиз олди. Чамаси, бозорда урис сайёҳларга алмашиб-негиб олса керак.

Мана, университет биноси. Классик услубда барпо этилган илм-фан қасри. Унга 1936 йили Камол Отатурк асос солган. Баланд-баланд, ёруғ иморатлар. Тарих, жугрофия ва тил факультаси шу ерда жойлашган. Дастлаб учратган кишимиз куйиб куйгандек рус аёлларига ухшайдиган бир муаллима булди. Сочлари малларанг, қош-қовоқлари, тус овруполикни эслатадиган мазкур хонимнинг оти Ҳилма Барлос булиб, жисмига мос равишда рус тилидан дарс берар экан. У бизга ташриф қоғозини тақдим қилар экан, урусча сайрай кетди. Тошкентда таниш домлаларини суради, бизнинг не мақсадда юрганимизни эшитиб, мен асли темурийлар авлодиданман, шунинг учун ҳам фамилиям «Барлос», деди.

Ҳилма хоним воситачилигида факультет деканининг муовини, тарихчи профессор Кенан Гурсал, Урта Осиё калқлари тарихи буйича мутахассис, ёш муаллим Абдуллоҳ Муҳаммад Кунтуғди, факультет декани, санъатшунослик профессори Гулча Азиқ билан танишиб-суҳбатлашдик. Кенан Гурсал бобурийлар шайдоси экан, бизнинг ниятимизни қизгин қутлади. Донишманд, файласуф одамлиги яққол сезилиб туради. Унинг биттагина угли булиб, ҳарбий лицейда таҳсил кураarkan. Булгуси турк зобитининг исми Акбардурки, ҳазрати Бобур Мирзонинг набираси улуг Акбаршоҳ шарафига куйилгандир.

(Муҳтарам уқувчи, бу сатрлар ва уларнинг оҳанги учун муаллифни айбга тутмагайсиз. Қачонки, суз Бобур ва унинг шавкатли авлоди хусусида борар экан, қалам уз-узидан хуш наволар сари учади).

Тарихчи домлалар узаро илмий масалалар, талаба ва уқитувчилар алмашиш, ҳамкорлик қилиш юзасидан фикр алмашиб, бир битим ҳам туздилар. Сунг Абдуллоҳ бизга ҳамроҳлик қилиб, факультет ҳаёти билан таништирди. У Туркистондаги миллий уйғониш ҳара-

кати — жадидлар тарихи буйича тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бинобарин, уй-хасллари ҳам, савол-суроқлари ҳам шу тўғрида булиши табиий ҳолдир. Университетдан чиққач, у бизни жомега қадар кузатиб қуйди. Йулда бир смакхонага кириб, кабоб билан зиёфат қилди. Кабобнинг турлари куп: шиш кабоб, исқандар кабоб, чупон кабоб, гоз кабоб ва ҳоказо. Таом устида ҳам уша мавзу давом этди: Маҳмудхожа Бехбудий, Мунаввар қори, Исмоилбек Гаспирли, Мустафо Чуқай, Анвар пошо, «еш бухороликлар»... Сухбат асноси Абдуллоҳ узбек тарихини биздан кура купроқ билишига ишонч ҳосил қилдим. Домла Шамсиддинов уни узи ишлайдиган дорилфунунга таклиф этиб, ярқираган шаҳрихон пичоғи ҳадя қилди.

Қуналгамизга қайтиб, «Бой ота»ни яна голиб, музаффар ҳолда курдик: Сурия ва Йорданияга рухсат қоғози қулга тегибди. Жабборқулда жон борми, дегандек, дарҳол йулга отландик.

*28 май. Кунс. Жалолиддин Румий мақбараси.*

Зокиржон аканинг айтишига қараганда, шу улуг ва қадим йулардан утишимиз учун аввало, республика-миз Халқаро автомобиль ассоциациясига аъзо булиши ҳамда унинг бадалларини вақтида тулаб туриши лозим экан. Шу боис ҳам ҳар сафар чет эл маъмурларига узоқ тушунтириш, илтимослар билан, ниятимиз холис эканлигини, юртимиз эндигина мустақил булганини айтиб, талай қоғозбозликлардан сунггина ижозат олишга эришилаётган экан.

«Иккинчи бир қийинчилик шундан иборатки, — деди Зокиржон ака, — буни ҳангома деса ҳам булади, — аксарият элчихона ва божхоналарда бошпуртимизни куриб ҳайрон булишмоқда. «СССР деган давлат йуқ-ку, қандай қилиб йуқ давлатнинг хужжати билан шундай олис сафарга чиқдинглар?» Иншооллоҳ, ҳадсмай уз паспортларимиз ҳам булади, шундай зур, шундай чиройли буладики, курган одам ҳавас қилсин...

Шу тариқа ундан-бундан гурунглашиб кетиб бораётимиз. Ҳайдовчи Баҳром аканинг ёнида новдадай ўспирин — урта турк университетининг талабаси Муҳаммад Холид йул курсатиб кетаётир. Бу йигитчани Анқарада суриштириб топиб олдик. Қори акамизнинг Кунсда — ҳазрати Жалолиддин Румий зиёратгоҳи қошида-

ги мадрасада мударрислик қиладиган Ёқуббей отлиг биродари бўлиб, Тошкентга келганида унвонини қолдирган экан. Хожатепада турган пайтимизда Қори домла Кунёга сим қоқиб мазкур Ёқуббейни даракладилар. Ёқуббей афанди «Сизларни Кунёда беклаюрмиз», дебди ва Анқарадаги шогирди Холид Муҳаммаднинг телефонини берибди. Мана, энди устозининг амрига биноан Холидбей бизга ҳамроҳ бўлиб бормоқда.

Кунёга шом аралаш кириб бордик. Ёқуббей бир неча дуслари билан кучоқ очиб қаршилади. Зудлик билан мавлоно мақбарасининг зиёратига шошилдик. Бахтга қарши, иш куни тутаб, мозийгоҳ эшиклари тақа-тақ беркилган экан. Мақбара иморатларини ташқаридан томоша қилиб кифояланишга туғри келди. Қори домла шу ердан утган азиз инсонлар ҳақига бағишлаб тиловат қилдилар. Мақбара қошидаги масжидда шом намози ўқилди.

«Тингла, най ажиб ҳикоятлар қилур,  
Айрилиқлардан шикоятлар қилур», —

деб ёзган экан мавлоно Румий.

Ислом дунёсининг мумтоз суфий сиймоларидан бири булмиш бу зоти шариф тарих бир минг икки юз еттинчи йилда Балх шаҳрида таваллуд топган. Беш ешида оиласи билан Кунёга кучиб келадилар. Кунё — қадим турклар макони, «Қун,е!» деган маънони англайди. Падари бузургвори Баҳоваддин Валаддан, Шамсиддин Табризийдан таълимот урганиб, замонасининг улуг тасаввуф шайхларидан бўлиб стишади. Шуниси эътиборга моликки, унинг тариқат пири сифатида шаклланишида катта таъсир қурсатган устозларидан бири ватандошимиз Сайид Бурҳониддин Термизий булади.

Мавлоно умр буйи Ҳақ жамолига ошиқ бўлиб яшайди. Шу ошиқлик туғенлари «Маснавийи маънавий», «Девони кабир» асарларида мужассам топади. Унинг ҳаёти — риндона бир турмуш тарзи сирли афсоналарга, турли хил ривоятларга чулғанади. Қазо фурсати етиб, мавлоно абадий дунёга рихлат қилганидан сунг уни отасининг ёнига — биз ҳозир бўлиб турган мақбара ичига дафн этадилар.

Мударрис Ёқуббей ҳазрати Румийнинг ҳасби ҳолидан суйларди. Тинглаб туриб, беихтиёр туркшунос олим Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» номли ажойиб китобини эслаб кетдим.

Оқшом мадраса ҳужраларидан бирида файзли суҳбат булди. Ёқуббей ва унинг дўстлари юксак меҳмоннавозлик курсатиб сийладилар. Туркча айрон, қирмизи нақш олмалар менга айниқса маъқул булди. Мажлис чоғи куп самимий инсонлар, толиби илмлар билан танишдик, уларнинг имом Бухорий, имом Термизий ва уларни етиштирган ватанимиз ҳақидаги ҳароратли изҳори дилини эшитдик. Бу мунаввар қалбли кишилардан ажралгимиз келмас эди, аммо, афсуски...

«Биз ҳам мамнун улдик, ҳам маҳзун улдик», дея маъюсланиб қолишди қардошларимиз.

«Афсус, йул узун, умр қисқа», дедик биз ҳам ғуссага чумиб.

Ярим тунда хушлашдик. Мусулмон биродарларимиз икки-учта машинада аллақанча жойгача бизни кўзатиб қўйишди.

Аданага қараб равона булдик. Йул ойнадек тептекис, равон ва хусусий экан. Ун минг лира йул пули туладик. Бомдод пайти шаҳарга етдик. Олдинда Ғозиантеп, Анталія, Искандерун сингари шаҳарлар турибди.

*29 май. Урта дснгиз соҳили. Сарисеки қишлоғи.*

Машиналар қарвони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, икки қаватли, муҳташам немис автобуслари куп. Юзлаб-минглаб машиналарда муқаддас Ҳаж сафарига отланган йуловчилар эзгу ният билан Сурия сарҳади томон илгариламоқдалар.

Шу улуг қарвондан гоҳ олға утиб, гоҳ орқада қолиб борар эканмиз, ҳазрати Бобурнинг армони ҳақида уйлар эдим. Табиийки, комил мусулмон сифатида Бобур Мирзо ҳам бешинчи фарз — Ҳаж зиёратини беҳад орзу қилар эди. Бу истак умрининг сунгги йилларида айниқса кучайган, шу важдан шоир бу мавзуда махсус шеърӣ асар яратган. «Китоб ул-ҳаж» деб аталмиш муъжазгина рисола машҳур «Мубаййин»нинг бешинчи бўлимини ташкил этади.

Гарчанд Оллоҳ назари тушган муътабар масканларни зиёрат қилиб, Ҳаж амалларини адо этмоқ Бобур Мирзога насиб қилмаган булса-да, у ҳофизасининг қудрати, диний-илоҳӣй билимларининг теранлиги, беқийс заковати билан бу азиз қадамжойларни шундай ҳаққоний, шундай ёрқин тасвирлайдики, уқиган одам гуё у ерларда бевосита кезгандек булади.

Бобур, айтилди турт фарз тамом,  
Эмди бешинчи сари айла хиром.  
Бу бешинчига билки Ҳаждур от,  
Булди умрингда фарз бир навбат.  
Билки, Ҳаж шаръ ичра мундоқ турур  
Каъба тавфиға қасд қилмоқтур.  
Сабабу шарту рукну махтурот,  
Вожибу мустаҳаб суннатлар.  
Тут қулоқ барчага дейин отлар.  
Сабаби Каъба булди, эшитгил,  
Яна қолғонларини айтай, бил.

Хаёлга ботиб айтаманки, улуғ бобомизга насиб этмаган саодат — муқаддас Каъбатуллоҳ сари зиёратга чиқиш бизга — унинг бутунги авлодларига насиб этиб турибди. Шу маънода сафар давомида биз ҳазрати Бобур армонини ҳам руёбга чиқарсак, ажаб эмас.

Кун исигандан исиб, қуёш ҳарорати тобора кутарилиб бормоқда. Гоҳ Қори домла, гоҳ Ҳожи ака Маккаи муқаррамада, Ҳарами шарифда бажарилиши лозим арконлар хусусида тушунтириш берадилар. «Чой ота» термосдаги қайноқ чойдан ярим пиёла-ярим пиёла қуйиб барчамизга тутади. Зериккан чоғларимизда Адҳамжонга ялинамиз. «Пул қистирмасанглар, қандай қилиб айтаман? — дейди у жиддий туриб ва бироздан кейин: — Ҳа, майли, насияга булса — насияга-да», деб торини созлашга тушади.

Пешин чоғи темир йул ёқасида жойлашган Сарисеки қишлоғига едик. Нафас ростлаш учун тўхталди. Оёқнинг чигилини ёзиш учун пастга тушдик. Рупарада баланд тоғлар қорамтир тусда жимирлаб ётади. Бу тоғ тизмаларининг номи — Торос. Қишлоқ йулдан пастда жойлашган, йул устидан яққол куришиб турибди. Сул томонда бир томони денгизга туташиб кетган, узун қувурлари кукка буй чузган қизғиш иншоот. Суриштириб билсак, бу Искандерун металлургия заводининг бир корхонаси экан. Теварак-атрофи қизғиш тупроқдан иборат, дов-дарахт йўқ. Корхона ичкарисига қараб урлаган, қорамой томиб ётган темирйул ёқалаб пича кездим. Рупарамда бепоён Ўрта денгиз. Унга тикилиб туриб беихтиёр Чеховнинг бир гапи ёдимга тушди. «Денгизнинг энг ҳаққоний тасвирини мактаб ўқувчисининг иншосида учратганман, — деган эди адиб, — у «Денгиз катта эди», деб ёзган». Чиндан ҳам, пуртана отиб-шовиллаб ётган денгиз бениҳоя катта, кишининг

ақлини шоширадиган даражада сирли, гўзал ва маҳобатли. Биз ўзбеклар денгиздан йироқ халқмиз, ягона денгиз-кўлимиз Орол ҳам кўлмакка айланиб қолди, шу боисдан улкан денгизларнинг кўзимизга муъжиза янглиғ кўриниши табиий.

Темирйул бўйлаб кезар эканман, қўй боқиб юрган ун-ун бир яшар икки болага кўзим тушди. Уларнинг бири елкасига уқувчилик жилди осган, бўйи ҳам тикроқ, иккинчиси нимжонгина, юзларига сепкил тошган, қўлига гаврон тутган малласоч бир бола эди. Уларнинг ёнига яқинлашдим, гапга солдим. Жилд осганнинг исми Анвар, қўй боқиб юрганининг номи Бурҳон. Улар бултур мактабда бирга уқишган экан. Анвар бу йил учинчи синфда уқишини давом эттиряпти, Бурҳоннинг эса қишда отаси вафот қилиб, мактабдан қолиб кетибди. Ҳозир бировнинг қўйини боқар экан. «Нима учун уқишни ташладинг?» деган саволимга Бурҳоннинг ўрнига Анвар жавоб қилди: «Унинг уқиш учун берадиган пораси (пули) йўқтур...» Бурҳонга қарадим. Кичкина, мовий кўзлари бирам маъюс, бутун вужуди шундоққина мужассаами изтироб бўлиб турар эди.

Улар қалин уртоқ эканлар. Анварнинг отаси шу мактабда математикадан дарс беради. У ҳар куни дарсга кетаётиб дустри Бурҳоннинг олдига келади, икковлон пича сузлашиб-ўйнашиб борадилар, сунгра Анвар мактабга кетади, Бурҳон бепосён денгиз соҳилида қўйлари ва хаёллари билан ёлғиз қолади.

Бурҳоннинг онаси касалванд, учта укаси бор экан. Уқиш учун йилига бир миллион лира пул тулаш лозим...

Ўз-уздан мутаассир бўлиб кетдим. «Қайгурма, Бурҳонбей, — дедим унга, — биз Ҳажга кетаётормиз. Насиб бўлса, Маккада сен учун дуо қиламан». У менга гўсса тула кўзларини жавдиратиб тикилди. «Мактабга борадиган бўлсин, деб дуо қилинг, афандим», деди у маъюс.

...Оллоҳ насиб этган куни Каъбатуллоҳда, шундоққина мақоми Иброҳим рўпарасида, йўлда йўлдош бўлган чўпон бола Бурҳоннинг ҳақиқа чин ихлос ила дуо қилдим. Яратган тангридан шу мурғак гудакнинг мушкулларини осон, ҳожатларини равон қилишини тилладим. Умидим борки, унинг ғарибона турмушида шарофатли кунлар бошлангандир.

Зеро, Ҳаж мавсуми — эзгу тилаклар ушаладиган пайт, Ҳарами шариф — дуои илтижолар мустажоб буладиган макондир!

*30 май. Дамашқ. Шаҳар четидаги куҳна масжид.*

Соат олтию ўн беш. Бомдоддан сўнг.

Кеча оқшом саккизларда Туркиянинг Жилвакузи деган чегара манзилдан ўтиб, Сурия сарҳадига қадам қўйдик. Одатдагидек божхона, хат-хужжат расмийликларини бартараф этиб, туни билан бетўхтов йўл босиб Дамашқ сари жунадик. Чегарадан ўтиш пайтида қатор тизилиб турган автобус карвонларини томоша қилаётиб, шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлдим: Туркиядан келаётган зиёратчилар сафида бадавлат бир олмон ҳам бор экан. Куп замонлардан буён исломни қабул қилишни ният этиб келаркан. Узининг саккизта шахсий автобуси билан туркиялик зиёратчиларни Ҳажга олиб келаётган экан, Сурия тупроғига ўтишимиз билан калима келтириб, расм-русумларни бажо келтириб мусулмонликни қабул қилибди. Божхона ёнидаги ям-яшил майсазорда дам олиб ултирганимизда уша олмон кишини кўрдим. Қарорини Оллоҳ муборақ қилсин, тавфиқ ва ҳидоят ато этсин!

Жилвакузидан чиқиб жунадик. Дамашқда истиқомат қиладиган Яҳё исмли турк йигити бизга йўлдош бўлди. Куп яхши инсон экан, кечаси Суриянинг қоронғи ва номаълум йўлларида бешикасту бехатар ўтишимизга кумак берди. Пойтахтга қадар гира-шира манзиллар, липиллаган чироқлар, бекатлар, миршабларгина хотирамда қолган. Чегарадан Дамашққача масофа 250 километр.

Бомдодни шаҳар четидаги куҳна бир масжидда ўқидик. Намоз қазо бўлмасин, деб шошиб келаётсак, масжид имомими, қоровулими, баланд буйли бир киши, бизни кўрдию эшикка шарақлатиб қўлф сола бошлади. Биродаримиз Муҳаммадсодиқ салом бериб ниятимизни баён қилди, у эса алланима деб гўлдираганча бурилиб кетмоқчи бўлди. Қори ака кескинроқ оҳангда нимадир деган эди, тўсатдан қизариб-бузариб эшикни очиб берди.

Ибодатдан сўнг сураб билсак, у бизнинг ичкари киришимизга кўнмаган экан, Қори ака: «Ия, сен худонинг уйига хужайинмисан?» деб уни пича уялтирибди.

Нима ҳам дердик, турфа олам — турфа хил одам. Баъзилар мусофир учун, мусулмон учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлса, баъзилар худонинг уйини ҳам раво кўрмоқчи эмас.

Биз тўхтаб турган жой «Мадинатул Шом» — Дамашқнинг чеккароқ бир туманига ўхшайди. Теварак-атроф анчагина қаровсиз, кучаларда ахлат уюмлари тўп-ланиб ётибди. Шаҳарда икки миллиондан зиёд — тахминан Тошкентдагидек аҳоли истиқомат қилади. Умуман, катта шаҳарларга хос битта муаммо мавжудки, у ҳам бўлса чиқинди ва ахлатларни йўқотиш, тозалик масаласидир. Бир пайтлар Андижон шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган раҳбаримиз Зокиржон ака шу хусусда сузлаб ўтди. Мен эса бейхитер Ғафур Ғулум сатрларини ҳаслан такрорладим: «Супурги тегмаган хонумон хароб...»

Сурия Араб Республикаси Шуrolар Иттифоқи билан жуда яхши муносабатда бўлган. Ҳамма жойда мамлакатнинг кекса раҳбари Ҳафиз Асаднинг суратлари кузга ташланади. Кучанинг икки томони кета-кетгунча темир панжарали дўконлар, устахоналар.

Соҳибқирон Амир Темур бу улкага зафарли юриш билан келган. Уни фатҳ этиб, машҳур Муҳаби Усмоний — халифа Усмон ибн Аффон амри билан китобат қилдирилган муаззам Қуръони каримни Самарқандга олиб борган. Ҳозирги кунда бу табаррук китоб Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади. Унинг тарихи ўзи бир асар.

Мусулмон оламида эътироф этилган бешта шариф шаҳар бор: Қуддуси шариф, Бухорои шариф, Тоифи шариф, Мозори шариф, Шоми шариф. Дунёдаги беш шаҳарнинг бири бўлмиш бу кўҳна маконга бобурийлардан ҳазрати Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзонинг қадами теккан.

Падари бузургворининг вафотидан сўнг аксар ҳукмдор оға-инилар уртасида бўлгани сингари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзо уртасида ҳам турли сабабларга кура ўзаро низолар, адоватли жанг-жанжаллар рўй беради. Жаннатмакон Бобур умрининг сўнги йилларида ўзидан кейин фарзандлари орасида шундай ноҳуш ҳодисалар содир бўлмаслиги учун қарамоғидаги мулку вилоятларни уларга тақсимлаб беради. Бу фармони олийга биноан Ҳиндистон Ҳумоюнга, Панжоб Комрон Мирзога, Қандаҳор ва Кобул Аскарый Мирзога, Бадахшон Ҳиндол Мирзога тегди. Афсуски, ака-



укалар аро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик кутарилиб, парокандалик, тарафкашлик авж олади. Ҳумоюн ва Ҳиндол бир томон, Комрон ва Аскарый бир томон булиб бесамар курашлар гирдобига ташланадилар. Бундан фақат бобурийлар салтанатининг душманларигина наф куради, холос.

Шафқатли ва азиз падар — Заҳириддин Муҳаммад Бобур фарзандларини ҳамиша иноқлик, тотувлик ва иттифоққа даъват қилар, бу туйғуни уларнинг қонқонларига сингдирмоқликка уринар эди. Унинг Ҳумоюнга ёзган ибрат ва тарбият тула мактублари бунга бир мисолдир. Маълум бўлишича, шу мазмундаги хатларни у бошқа углонларига ҳам йуллаган экан. Муҳтарам адабиётшунос домламиниз, профессор Бегали Қосимов бундан беш-ун йиллар муқаддам Бобур Мирзонинг Комрон Мирзога битган ва номаълум сабабларга кура «Бобурнома»га кирмай қолган бир мактубини Қозон дорилфунуни кутубхонасидан топиб эълон қилган эдилар. «Оталик ҳиссининг бесбаҳо, лазиз тўлқинлари» (Ғафур Гулом таъбири) билан йўғрилган бу ажойиб нома Бобур Мирзонинг иккинчи углига нисбатан мсхр-муҳаббати бошқа фарзандларидан асло кам бўлмаганини кўрсатади.

«Насиҳатномаи Бобуршоҳ ба фарзанди худ» («Бобуршоҳнинг уз фарзандига насихатномаси») деб форсча сарлавҳа қўйилган, лекин туркий тилда битилган бу мактубда Комрон Мирзо шаънига самимий сатрлар бағишланган.

«Фарзанди аршаду аржуманд, саодатнишон Муҳаммад Комрон баҳодирга саломи муҳаббат анжомидин сунг улким, кукалдошу эмиқдош ва ичкиларинг билан сабақ ўқурга ружуъ келтириб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур етиб, на бисёр хушҳоллик юз берди. Тенгри таоло даргоҳидин умидим борким, жамъи қобилият ва салоҳият бобинда комил ва мукаммал бўлиб камолга етгайсен...»

Ана шундоқ отанинг эзгу тилаклари ила вояга етган Комрон Мирзонинг умр йули ғоят чалкаш ва маҳзун кечиби, фоже яқун топгани куп таассуфлик ҳолдир.

Ака-укалар уртасидаги гина-кудурат ва адоватнинг натижаси шу бўлдики, тахт вориси Ҳумоюн Мирзо исёнчи, итоатсиз инилари Комрон ва Аскарыйни қаттиқ жазолашга мажбур бўлади.

Бобурийлар хонадонининг оқила фариштаси, доно муаррих Гулбаданбегим «Ҳумоюннома»да бу ҳақда

шундай ҳикоятлар қилади: «Охир Мирзо Комрон дастидан ғам тортган хонлар, султонлар, паст ва баланд, катта ва кичик, аскар ва халқ—ҳамма бир оғиздан подшоҳ ҳазратларига: «Давлат тепасида подшоҳ бўлиб, ҳукм эгаси бўлган кишига биродарлик расми манзур бўлмайди. Агар кунглингиз биродарликни истаса, подшоҳликдан кечинг, агар подшоҳликни хоҳласангиз, биродарликдан кечинг. Ахир шу Мирзо Комрон дастидан Дашти Қипчоқда муборак бошингизга қандай фалокатлар етмади. У афгонларга мақр ва ҳийла билан бирлашиб, иттифоқ бўлиб Мирзо Ҳиндолни улдирди. Куп чигатойлар Мирзо туфайли нобуд бўлиб кетди, уларнинг хотин ва бола-чақалари, одамлари асир қилиниб, беномус бўлишди... Бу биродар эмас, балки душманингиздир», дейишди. Ҳамма бирлашиб, бир оғиздан, мамлакатга раҳна солганнинг боши кесилгани яхши, дейишди.

Подшоҳ ҳазратлари бунга жавобан: «Сизларнинг сўзингиз менинг хотирим учун булса-да, лекин менинг кунглим бўлмайди», дедилар. Ҳаммалари фарёд кутариб, «Бизнинг сизга билдирган фикримиз энг яхши маслаҳатдир», деб туриб олишди. Охир Ҳазрат: «Агар бу маслаҳатга ҳаммангиз рози бўлсангиз, барчангиз йиғилишиб шу қарорни ёзинг», дедилар. Сунгра жами унгу сул амирлар йиғилишиб, «Мамлакатга раҳна солганнинг боши кесилгани яхши», деган ҳукмни ёзиб беришди. Подшоҳ ҳазратлари мажбур бўлиб, Рахтос атрофига етганда Саид Муҳаммадга: «Мирзо Комроннинг ҳар иккала кўзига мил торт», деб буюрдилар. У шу ондаёқ бориб мил тортди. Подшоҳ ҳазратлари мил тортгандан кейин...»

Таассуфки, ҳаяжонли, зур детектив каби уқиладиган бу тарихий асар айни шу ерда узилади!..

Теранроқ фикр юритиб қарасангиз, бунда ғалати, сирли бир маъно бордек туюлади. Бобурий биродарлар уртасидаги қондошлик ришталари ҳам аслида худди шу воқеа туфайли шартга узилиб кетмайдими?

Инсон тақдири қанчалар чигал!

Комрон Мирзо дилбар нафас шоир бўлган. Беназир иқтидорли падари каби ниҳоятда нафис, ниҳоятда маҳзун ва жушқин ғазаллар битган. Тож-тахт талашувларидан ҳориб-толғач, олам кўзига қоронғи зулматга айлангач, дунёнинг бевафо, бебақолигини англаган ва дарду аламларининг назмий баёнини девон тарзида тартибга солган. Бу гузал, содда ва маънодор шеърят

намуналарини мутолаа қилар экансиз, ихтиёрсиз суратда ҳайратга тушасиз: наҳотки, шунчалар ҳассос туйгулар куйчиси қатлу қирғинларга, фитна-игволарга қодир булган булса?!

Унинг шеърӣ наволари аро изтиробли, зиддиятли бир қалбнинг армон-афсуслари эшитилиб тургандек...

Комрон Мирзо девонини Тошкентда илк бор бо- буршунос олим Саидбек Ҳасан нашр қилдирди. Қул- лезмаларини Ҳиндистондан, Патна шаҳридаги Худо- бахш кутубхонасидан, Калькуттадаги Осие жамияти қулезмалари фондидан ва Рампур шаҳридаги Ризо ку- тубхонасидан топиб келишган. Саидбек ака бу ишлар- ни шижоатли устози Ҳамид Сулаймон домла билан биргаликда амалга оширган. Куп савоб, хайрли юмуш...

Шоир сифатида Комрон Мирзонинг ҳам орзу-ҳа- васлари, интилишлари бениҳоя юксак булган экан.

«Туркийда Навоӣга етсам, не ажаб, гозий,  
Шеъримға қулоқ солса маҳбуби сухандоним», —

деган сатрлари бунга бир далилдир.

Шеър — қалб таржимони, дейдилар. Бу бахтиқаро инсоннинг кечмиши, дарду фожиалари ҳам шеърлари- да шундоққина мужассам. Унинг ғазалларидан бирида куйидагича бир байт борки, қачон уқиб қолсам, қат- тик мутаассир буламан, кузига мил тортилаётган шур- лик шоир сиймоси куз олдимга келиб туради:

«Барқдек анвори ҳуснунг кўзларимға чақилиб,  
Куздин оқиздинг кўнгулни қатра-қатра қон қилиб...»

Бу — шунчаки назмий тимсол эмас. Бу — моҳият, саргашта водийда саргардон кезган, адашган, йул изла- ган, хатоларини тузатмоқ қасдида яна хатолар қилган инсон изтиробларининг моддий ифодасидир. Қонли фиғон, қонли фарёддир.

«Куздин оқиздинг кўнгулни қатра-қатра қон қилиб...»

Бу янглиғ ҳасратли нолалар, надомат оҳанглари Комрон Мирзонинг аксар ғазалларига ҳам хосдир. Қайсар феъл-атвори боисми, узаро фитналар боисми, кўзларидан жудо этилган шоир ижодида «кўз», «ни- гоҳ», «ёруғлик», «йиғламоқ» каби тушунчалар фавқу- лодда теран ва фожесий маъно касб этади.

Бир газалида у шундай деб тақдирдан бузлайди:

«Кел, эй қонлиг ашкимки, бир зор йиглай,  
Қилай васлини ёду бисёр йиглай.  
Чекиб нола андоқки абри баҳорий,  
Фигонлар қилиб ҳолима зор йиглай.  
Чаманда қаён сарви нозеки кўрсам,  
Соғиниб ушал қадду рафтор йиглай.  
Қатик дардима, Комрон, чора топмай,  
Булуб чорасиз эмди ночор йиглай».

Шоир девонини варақлаган сари одам бир нарсага хайрон булади: гуё Комрон Мирзо бошига тушажак шуришу гавголарни, қаро қисматини олдиндан билгандек...

«Тийрадур кузума олам гуё,  
Йулидин кўзда гўборим йўқтур.  
Комрон борғали ул лозазор,  
Умр боғинда баҳорим йўқтур...»

Шеърнинг қудрати шундаки, у ифода қилиб булмайдиган туйғу-ҳиссиётларни ифода қилишга қодирдир. Мана, аллақанча вақтдан бери мен Комрон Мирзонинг аччиқ тақдири, мураккаб шахсияти ҳақида қора сўз билан билжираб ултирибман. Ҳолбуки, шоирнинг узи буларнинг барчасини «Умр боғинда баҳорим йўқтур», деган бир жумла билан яққол ифода этган куйган.

Баъзан ички бир сезги билан шундай тахмин қиламан: Комрон Мирзо падари бузургворига юзлаб инсоний ришталар билан чамбарчас боғланган шахсдир. Ижодий нафаснинг бениҳоя яқинлиги ва уйғунлигидан шундай хулоса чиқариш мумкин, деб уйлайман. Худди Бобур Мирзо сингари Комроннинг ҳам шеърлари тоза таровати, самимияти ва ростгўйлиги ила ажралиб туради. Шоир Комрон Мирзонинг ягона ва муътабар устози — шоир Бобур Мирзо, десак, янглишмаган бўламиз. Ҳатто гоҳо ота-бола қаламига мансуб гузал мисраларнинг қайси бири кимники эканлигини тафовут қилиш ҳам мушкул.

Масалан, Бобур Мирзонинг машҳур газалини эслайлик:

Гаҳи соғин не булди зорларни,  
Унутмагил бурунқи ёрларни.

Сени курмай йироқдин зор булдим,  
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айрумен хор, эй азизим,  
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кузунг беморимен, мендин юмуб куз,  
Яна огритмагил беморларни.

Санга кунглумни олдурдум, жаҳонда  
Курубмен гарчи куп дилдорларни.

Санга бир йул етар фикридадурмен,  
Унутма бир йула афгорларни.

Сиҳи қадларга, Бобур, ошиқ улсанг,  
Бурунроқ кузлагайсен дорларни.

Энди Комрон Мирзонинг ушбу газалига назар таш-  
лайлик:

Не булди сурсанг, эй ой, зорларни  
Бу гамда қуймасанг афгорларни.

Манга йул хуррам ҳарамда,  
Қувиб атрофидин агёрларни.

Азизим, гар азиз улмоқ тиларсен,  
Қаро туфроққа қуйма хорларни.

Кузунг беморимен, сургил, не булди,  
Гаҳе, эй дилрабо, беморларни.

Сенингдек дилбари танноз билмам,  
Курубмен гарчи куб дилдорларни.

Хуш улким, жамъ эди бори ёронлар,  
Фалактин курмайин озорларни.

Дариго, Комрон, фитнаи даврон,  
Паришон қилди жамъи ёрларни.

Чиндан ҳам, фитнаи даврон бобурий мирзоларни  
паришон қилди, тарих сўқмоқларига сочиб юбор-  
ди...

Комрон Мирзо, кўрар кузларидан айрилгач, гуноҳ-  
ларига тавба қилмоқ мақсадида Ҳаж сафарига юзлана-  
ди. Зисратдан қайтиш пайтида — 1557 йили Арабис-  
тонда бу уткинчи, аламли дунёни тарк этади.

Аскарый Мирзо ҳам Ҳумоюннинг амрига кура Маккаи мукаррамага йул олади. Куп азобу машаққатлардан сунг Ҳаждан қайтади ва Дамашқ шаҳрида дорулфанодан дорулбақога рихлат қилади. Унинг қабри шу муаззам шаҳарнинг аллақайси гушасида булиши керак. Таассуфки, фурсатимиз ҳозир унинг изларини излаб топишга имкон бермайди. Биз фақат уларнинг руҳларига тиловати Қуръон билан чекланмоғимиз мумкин.

Комрон Мирзо ҳам, Аскарый Мирзо ҳам, яхшимиди-ёмонмиди — аввало улуг Бобурнинг зурёдлари эди. Улар ўзлари ҳақ деб билган гоё ва тушунчалар учун курашганлар, гоҳ энгиб, гоҳ энгилиб, ҳаётлари шу тариқа хотима топган. Уларнинг қилмишлари, қилган амаллари учун баҳо бергувчи — елғиз Оллоҳимдир. Биз эса фақат дуогуйгина була оламиз. Парвардигоро, ўзингнинг ожиз бандаларинг булмиш Комрон Мирзони ҳам, Аскарый Мирзони ҳам даргоҳингда ёрлақагил, хато-гуноҳларини мағфират этгил, ўзинг суйган кимсалар қатори азиз айлагил!

Зеро, сен гуноҳларимизни авф айлагувчи, карами кенг, луғ ва бениёз Зотсан...

*31 май. Иордания. Оқшом. Катта йул ёқаси.*

Пешин намозини Сурия билан Ҳрдун (Иордания) чегарасидаги божхона масжидида уқилди. Машиналар тирбанд, одам ниҳоятда куп — ҳамма бир амаллаб чегарадан утиб олсам дейди. Саҳрои Кабир яқинлашаётгани сабабли ҳаво тобора ёниб бораётир. Навбат кутиб турибмиз.

Аввало, Сурия сарҳадидан чиқиш визасини, сунгра божхона назоратидан утиш муаммосини ҳал қилиш лозим. Худди шу тартиб кейин Ҳрдун томон биринчи қадам қуйишингиз билан такрорланади. Тегишли қозғозлик ишлари битгач, норғул-норғул аскарлар машиналарни махсус шийпонга олиб кириб обдан текширадилар. Чамадонлар, қопу халталаримиз ҳам роса синчиклаб курилади. Минақидиргичлар ёрдамида ҳам яна бир сидра кўздан кечирилади. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, кишидан мустаҳкам асаб ва чексиз сабртоқат талаб қилади. Мана, Ҳрдун худудидан утишимиз учун ҳар бир машинага 120 доллардан, жами 240 доллар хирож тўлашимиз лозим экан. «Бой ота» бошини қашиб: «Адҳамжо-он, — дедилар бўғиқ, ҳорғин товушда, — жон ука, менинг «амалдор» папкамини узатво-

ринг-чи». Машина ичида, урин-тушаклар устида турк султони сингари виқор тукиб ултирган Адҳамжон уф тортиб оёғи тагидан махсус шифр-код билан қулфланган семиз «дипломат»ни олиб беради. «Дипломат»нинг тутқичи қайдадир узилиб тушган. «Бой ота» уни таржимонлардан бирига қултиқлатиб, божхона идораси томон равона булади.

Ҳамроҳларимиздан бири бошини чайқаб: «Бу аҳволда уйга етгунча иштонсиз қолмасак гурга эди», деб куйди.

Дунёда камбағал фуқаро булиб халқаро сафарга чиқишдек кулгили ва машаққатли иш булмаса керак.

Теварак-атрофимизда эса... муборак Каъба йулларида азият чекиб турган минг-минг одам, Оллоҳга таваккал қилиб аста-секин олға илгарилаб бормоқда. Қандай миллат, қандай элат вакиллари йуқ дейсиз бу ерда: форсийлар, туркийлар, араблар, курдлар, покистоний ва ҳабашлар, японлар, филиппинлар, америкалик мусулмонлар... Бу улуг йулларда бутун дунё муслимлари қардошлигининг беқиёс намоёнлигини кузатмоқ мумкин. Мана, ортимиздаги кичкинагина «Пежо» машинасида Австриядан келаётган иккита мижоз утирибди. Уларнинг кейинида турган икки қаватли муҳташам автобус пештоқида Индонезия давлатининг байроқчаси ҳилпирайди. Қийғоч кузли, бошларига чор қирра оқ сурпдан бурк кийган зиёратчилар уз тилларида нималарнидир сўзлашиб-кулишиб борадилар. Машинамизнинг очик деразасидан бир киши бош суқиб қолди. Салом-алик қилдик. Ҳожи ака уни гапга солди. У қашқарлик уйғур экан, Туркия орқали ҳаж қилгани келаётибди, касби духтир. Айтишича, Суриядан Маккаи мукаррамага қадар автобус йулқираси қирқ доллар эмиш. Уйғур йигит сўз орасида сураб қолди: «Сизлар нима учун Озарбойжонга ёрдам бермайсизлар?» Бу савол биз учун янгилик эмас эди, йул буйи унга куп марта дуч келдик. Собиржон ака унга муносиб жавоб ҳам тайёрлаб қуйган эдики, мазмун-моҳиятига қура баайни Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик баёнотларининг ўзи эди: «Биз сиёсатдан холи, илмий-маърифий ташкилотмиз. Ва айни вақтда давлатлар уртасидаги сиёсий низоларнинг барча манфаатдор томонлар иштирокида музокаралар орқали тинч йул билан ҳал қилиниши тарафдоримиз». Бу ерда у кишининг узоқ йиллар давомида тарғибот-ташвиқот идораларида ишлаганлиги шундоққина қул келди.

Аммо бу сафар тайёр жавобимизни баён айлаб улгурмасимиздан Адхамжон уйгур биродаримизга савол билан мурожаат қилиб қолди: «Озарбойжонга жонингиз ачиётган булса, нега узингиз бориб қарашмаяпсиз, ошна? Ҳозир у ерда духтирлар жуда-а керак булаётган эмиш-да». Уйгур зиератчи оғзини гапга жуфтлагунча бирданига карвон қўзғалиб қолди. Биз ҳам шоша-пиша машинамизга кириб, жой-жойимизни эгалладик.

Божхона ғавголари битиб, мана, тагин йулда кетяпмиз.

Иордания Ҳошимийлар Қироллиги муъжазгина, бой, озода-ораста бир давлат экан. Тўқлик, маъмурчилик, келажакка ишонч шиддатли ҳаёт тарзидан, одамларнинг юз-кўзи, хатти-ҳаракатларидан яққол сезилиб туради. Сурияга солиштирганда тафовут ер билан осмонча. Чегарадан пойтахт Оммонга қадар 125 километр, у ердан Саудия Арабистони сарҳадигача — 250 километр. Хуллас, худо хоҳласа, тахминан 300 километрдан сўнг Саудия чегарасига стиб оламиз.

Ҳошимийлар Қироллиги — тангри назар қилган жойлардан, нефть бисёр. Шу сабабли ҳам мамлакатнинг бели бақувват, шу сабаб ҳам одамларнинг суҳбати ширин. Пул бирлиги — динор, бир динор — бирундан олти долларга тенг.

Кечаси билан йул босиб, ярим тунда Оммонга едик. Чароғон, ярқираган, эртак бир шаҳар. Тунги ҳаёт авжида. Шарқ мамлакатларидаги жазирама иссиқ туфайли асосий ҳаёт салқин тушгач — кечаси, тонгга қадар давом этади. Бу ўлкаларда зарурати йўқ одам кундузи уйидан ташқарига чиқмайди — муздай кондиционер соясида маза қилиб ҳордиқ чиқаради.

Машинада Оммонни роса айландик. Баланд тепаликдаги ҳайбатли, маҳобатли қўرғон-қалъада подшоҳ қароргоҳи жойлашган экан, атрофидан икки бор утиб томоша қилдик. Қайси бир билимдон шеригимиз подшоҳнинг уттиз саккизта хотини борлигини, буни газетада уз кўзи билан ўқиганлигини айтиб ҳаммамиз билан баҳслаша кетди. Ярим кеча булишига қарамай, қоринлар сурнай чалиб наво бошлади. Тоза, файзли бир ошхона қаршисида тўхтадик. Хизматчилар елиб-югуриб парвона булишди. Таомлар бениҳоя лаззатли, манго шарбатининг таъми оғизда қолди.

Оммондан чиқиб, ҳудудсиз саҳрони тасмадек тилиб утган йулдан шарқ сари жунадик. Бир маҳал йул четидаги баланд бир тепалик ёнида кўнишга қарор қилин-



ди. Кимлардир машина ичида, кимлардир одатдагидек «уйқуҳалта»га кириб уйқуга кетдик. Тошдай қотиб ухладик, афсуски, уйқу қисқа булди.

*1 июнь. Саудия Арабистони. Мадинаи мунаввара йули.*

Кеча оқшом божхона ва чегара машаққатларини мардонавор енгиб, ниҳоят, Саудия сарҳадига қадам қўйдик.

Бу йилги Ҳаж мавсуми ҳар қачонгидан ҳам кўра улкан миқёсда утиши мўлжалланмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан беш миллиондан зиёд киши, собиқ Совет Иттифоқидан эса ун уч минг одам зиёратга келаётибди. Ўзбекистондан келадиганлар сони — беш мингдан ортиқ.

Беш миллион одамга, айтайлик, уч-тўрт миллион киши хизмат кўрсатади, назорат қилади. Демакки, Маккаи мукаррамада Ийд-ал-адҳа — Қурбон ҳайити кунларида қўшимча тарзда ун миллионга яқин мардум истиқомат этади. Бунча одамнинг емак-ичмаги, турар жойи, эмин-эркинлигини таъминлаш ҳазилакам куч-қувват талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатда махсус Ҳаж ишлари билан шуғулланадиган алоҳида вазирлик фаолият кўрсатади.

Зиёратчиларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан чегара ва божхоналарда назорат бениҳоя кучайтирилган. Яшил коржомга кийган божхона ишчилари автобусу машинадаги юкларни битта қўймай ерга туширадилар. Махсус хизматчи-божшгирлар синчиклаб, қайта-қайта текширади, сўнг юклар бошқатдан ортилади. Тартиб шу қадар қаттиқки, ҳатто совға-саломга олинган чуст ва шаҳрихон пичоқларини ҳам чегарадан утказишмади.

Шу жойда бизнинг бошимизга яна бир муаммо пайдо булди. Яъники, Саудия давлатига кираверишда ҳар зиёратчи 120 доллардан бож пули тулаши лозим экан. Эндигина чунтак кавлаб, шу пули йиға бошлаганимизда божгирларнинг катгаси келиб айтдики, авф этгайсизлар, биздан жиндай хатолик утибди, сизлар Ўзбекистондан экансизлар, подшоҳимиз ҳазрат Абдул Азиз ибн Файсал ас-Сауднинг фармони олийларига кўра, собиқ Шурулар Иттифоқидан келадиган зиёратчилар, жумладан, сиз муҳтарамлар ҳам у кишининг шахсий ва қадрли меҳмонидирсизлар, бинобарин, ҳар

қандай туловлардан озодсизлар, ун беш кун давомида сб-ичишингиз, меҳмонхона харажатларингиз ҳам подшоҳ олийларининг ҳисобидан булади...

Биз таажжубланиб, ҳайрон булдик. Чунки бу биз учун кутилмаган иш эди. Шу сабабли Яратганга шукроналар айтдик.

Ҳа, яна такрорлайман: Оллоҳ — улуг, Оллоҳ — марҳаматлидир!

Мана, Ҳақ таоло инояти билан қутлуг Мадинаи мунаввара томон елиб бораётирмиз. Қалбларимизда илоҳий ҳаяжон, кунгиллар ғайриихтиёрий тулиб-тулиқиб кстади. Қори домла бағоят таъсирли, шикаста оҳангда Куръони каримдан Ҳаж ҳақидаги оятларни тиловат қилиб берадилар. Бор вужудимиз билан бсрилиб тинглаймиз, маъноларини сураб, дафтарларимизга, юракларимизга жо қилиб олишга интиламиз:

«Ҳаж вақтларида раббингиздан фазлу карам истасаларингиз, ҳеч бир зарари йуқ. Арофотдан қайтганларингиздан сунг Муздалифада Оллоҳни зикр қилинглар. Оллоҳ сизларга қандай ургатган булса, шундай зикр қилинглар. Илгари сизлар зикр қилишни билмайдиганлардан булсаларингиз ҳам...»

Бу ояти карималар айнан биз каби гофил кимсалар — «илгари зикр қилишни билмайдиганлар» ҳақида айтилган, бинобарин, дилимизга ҳам изтироб, ҳам умид солар эди.

«Сунгра одамлар у ердан қандай қайтсалар, сизлар ҳам шундай қайтинглар ва Оллоҳдан мағфират сўранглар. Чунки Оллоҳ мағфират қилгувчи меҳрибон Зотдир...»

Қуръон оятларининг оғир, салобатли оҳанглари Саҳрои Кабир аро янада илоҳий маъно касб этиб эшитилар эди.

«Ҳаж маносикларини тугатганингиздан кейин ҳам Оллоҳни оталарингизни ёд олган каби, балки ундан ҳам зиёдароқ қилиб хотирга олинглар. Одамлардан кимиким: «Эй раббимиз, бизга бу дунёда яхшиликларни ато этгин», деса, унга охиратда бирор насиба булмайди. Ва улардан кимиким: «Эй раббимиз, бизга бу дунёда ҳам ва охиратда ҳам яхшиликларни ато қилгин ва Дузах азобидан бизни асрагин», деб дуо қилса, улар дуоларига яраша насибадор буладилар. Оллоҳ тезда ҳисоблашгувчи Зотдир».

Бу не бахтки, оталарим, боболаримнинг муқаддас орзуси, армони булмиш Каъбатуллоҳ сари соат сайин

яқинлашиб келяпмиз. Уйлаб қарасам, авлод-аждодимизнинг яқин тарихида бу муборак масканларни зиёрат қилиш насиб этган киши булмаган экан. Демак, ўтганларнинг ҳаққи ҳам менда, улар учун дуои фотиҳалар қилмоқ ҳам мен учун фарз.

Ҳозир-ку қийнала-қийнала, ранжу машаққат чекиб йул босиб бораётирмиз, аммо, имоним комилки, йиллар утар, шунда бу кунлар барчамизнинг умр дафтари-миздаги энг ёрқин, тоза, унутилмас саҳифалар бўлиб қолажак...

Қумликлар, гиёҳ ҳам унмайдиган қорамтир ялангликлар. Толиқтирувчи, якранг манзара... Сайфиддин аканинг «қаҳвахонаси» очилиб иш бошлади: икки ҳўпландан қайноқ қаҳва насиб этди.

Йул буйида катта-кичик шаҳарлар, қасабаю қишлоқлар учрай бошлади. Деразадан тикилиб борар экансан, киши ногоҳ таажжуб қиласанки, бу қақраган асрий саҳро уртасида, бу яланғоч тоғлар бағрида бу қадар бойлик, бу муаззам кушқлар, бу ҳашаматли қасрлар қай йўсин пайдо булган? Кузларингга ишонгинг келмайди. Бесиҳтиёр қадрдон манзараларга қийслайсан. Қийс асноси бугзингга аччиқ бир хўрсиниқ тикилади...

Қош қорайиб, салқин туша бошлади. Хўфтонга қадар яна бетўхтов йул босдик. Алламаҳалда автоёқилғи қуядиган бир бескатда тўхтадик. Тамадди қилдик, намоз ўқидик. Ҳожи ака хўб таъсирли амри маъруф қилдилар. Бсҳад мутаассир булдик. Шу ерда бош қўйдик. Бахтимизга салқин шабада эсиб турибди.

*2 июнь. Мадинаи мунаввара. Зул-Ҳулайфа миёқоди.*

Яна йулдамиз. Саҳрои Кабир оралаб кетиб бормоқдамиз. Йўлнинг икки томонига кета-кетгунча симтурдан тусиқ тутилган — саҳродаги жониворлар йулга чиқиб кетиб нобуд булмасин, деб. Шу боис ҳам ҳаракатга ҳалал берадиган нарса йўқ, машиналар соатига 200 — 250 километр тезликда елади. Теп-текис асфальт сатҳига ликобсимон думалоқ темир «тақалар» терилган. Агар машинангиз йўлдан жиндай оғишса, «тақалар» тарақлатиб огоҳлантира бошлайди.

Куё ёйилиб кетганида йул еқасидаги бир ошхонада нонушта қилдик. Хизматчи — қотма, қоқсуяк ҳинди, чой ташиб улгуролмади — ташналик шу даражага етган эди. Охири катта чойгум, термосларга узимиз дам-

лаб олиб, мирикқунча ичдик. Гарчи иқлими иссиқ минтақалар бўлса-да, бу юртларда чойхурлик унчалик тараққий топмаган кўринади. Асосан сув — муз солинган сув истеъмол қилиш расм экан. Дастурхон бошига келиб утиришингиз билан «бисмилло»га кўзачада ях-лаб ётган сув келтириб қўядилар. Алвидо, томоқ!

Қайлага ухшаш, аччиққина шўрва, юпқа чавати нон тортилди. Ноннинг ғози енгил, таъми ширин, ҳазми осон. Рўпарадаги қатор суриларда икки-учта оқ либосга бурканган араб одам буйи баробар чилимларни қўлдиради утирибди. Адҳамжон қизиқиб, биттасини олиб текшириб курди, татиб куришга юраги дов бермади.

Яна уша олис йўл, яна уша бир хил манзара: қумликлар, жимирлаган сароб, қорамтир ялангликлар.

Зокиржон ака менга қараб: «Энди шунақа қилиб мудраб кетаверамизми? Бизга ҳазрати Бобур ҳақида бирор нима сўзлаб берсангиз-чи», деб қолди. Бошқаларга ҳам бу гап маъқул тушди. Уйланиб қолдим. Бобур Мирзонинг қайси бир беазир фазилатини айт-тай? Шоҳлигиними, шоирлигиними? Олимлигиними ёки саркардалигини? Заковатининг таърифини қи-лайми ёхуд шижоатининг?

«Мана, Оллоҳ марҳамати ила ким утмаган табаррук жойлардан юриб бораётиримиз, — дедим уйланиб. — Шубҳа йўқки, ҳаммамиз ҳам айни дақиқаларда утган умримизни қайта сарҳисоб қилиб, куп афсусу надоматлар чекиб турибмиз. Мана шундай изтиробли мушоҳадалар натижаси улароқ, ажаб эмаски, дилимизда т а в б а туйғуси пайдо булса. Бир пайтлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари ҳам ана шундай руҳий жараённи бошларидан кечирган эдилар. Мен шу хусусда бундан бир қанча вақт муқаддам кичик бадиа битган эдим. Ижозатларингиз билан ҳозир шуни сизларга суйлаб берсам».

Ҳамроҳларим бажонидил рози бўлиб, тингламоққа чоғланишди.

Мен фикримни жамлаб, ҳикоямни бошладим.

## ТАВБА

Бобурнинг буюк саркарда булганлиги бизга тарихдан аён.

Буюк саркарда деган шарафга эса буюк ғалабалар туфайли эришилади.

Жаҳонгир Бобур қучган мислсиз зафарлар то ҳануз олам аҳлини ҳайратга солади. Дунёнинг турли минтақаларидаги тадқиқотчилар яқдиллик билан эътироф этадиларки, «Бобур инсонлар ичида энг ботиридир» (Эдуард Холден).

Бу фикрга қушимча қилиб, Бобур — инсонлар ичида энг ростгуйидир, деб айтсак ҳам, хато булмас. Унинг қалб дафтари — «Бобурнома»ни диққат билан варақлаган киши бунга амин булади.

Бобур тарихий воқеалар, тарихий сиймолар, табиат ҳодисалари ҳақида қанчалар аниқлик ва ҳаққоният билан мулоҳаза билдирса, уз шахсиятидаги номарғуб хусусиятлар ҳақида ҳам шунчалар мардоналик билан суз юритади. Фейл-атворидаги жузъий ва улуг нуқсонун айбларни яширмай суйлайди, изтироблари, руҳнинг ички, оғриқли зиддиятларини китобхондан пинҳон тутмайди.

Бу ҳол одамни беихтиёр ажиб уйларга гарқ қилади. Улуг тафаккур соҳиби, улкан салтанат эгаси булган бир зотнинг қаламини мудом назорат остида тутган теран ҳаққониятнинг боиси нимада? Бунга не сабаб зарурат туғилган? Ахир, чексиз ҳокимият — чексиз имконият дегани эмасми? Ахир замондошлар ва келгуси насллар наздида узининг тарихий мумтоз сиймосига соя солиши мумкин булган нохуш ҳолатлардан куз юмиб қуяқолиш Бобур Мирзо учун унчалар мушкул эмас эди-ку?! Наинки уни ёлғончиликда, бугунги тил билан айтганда, тарихни сохталаштиришда айблашга бирор кимсанинг ҳадди сигарди?

Менинг назаримда, бу ҳолнинг иккита сабаби бор-дек. Қадим дунёнинг ориф инсонлари оқ қоғоз бетига ёлғон ёзмоқдан парҳез қилар эдилар. Чунки улар каломни ҳамиша тангри таолонинг номи билан бошлардилар. Қоғозни ҳам, унга битилган сузларни ҳам нон даражасида муқаддас, муътабар тутар эдилар. Бобур Мирзо ҳам табиийки, ёшлик чоғларидан ана шундай зиёли муҳитда вояга етган, бинобарин, даврнинг мазкур удумига қатъий риоя қилиши шубҳасиз эди. Иккинчи сабаб эса Бобурнинг шахсиятидаги мардоналик, ростгуйлик, шижоат ва уқтамлик билан чамбарчас боғлиқдир. «Бобурнома» саҳифаларида ҳақиқат Бобур ҳаётининг бош мезони, асл моҳияти сифатида куринади. Бобурнинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили гоят бешафқат, аёвсиз. У узгаларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатларини қандоқ талаблар асосида баҳоласа, бу

талабларни энг аввало узига куйиб куради, яъни пичоқни олдин «узига уради».

Биз утмиш ҳақида суз юритганимизда кунглимиз мумдек эриб, баъзан турфа хил хаёлларга бериламиз. Мозийда кечган турмуш куз унгимизда гоҳо мужассами ахлоқ, мужассами одоб каби намосн булади. Ҳолбуки, у даврларда ҳам фаришталар эмас, сизу бизга ухшаган феълли одамлар яшаганлар, у одамларнинг ҳам, замонанинг ҳам уз маънавий муаммолари мавжуд булган. Ва таажжубки, уларнинг аксарияти ҳозирга қадар муаммолигича қолиб келаётир. Донишманд адибимиз Абдулла Қодирийнинг сузлари билан айтганда: «Халқимиз таъбирича, у замонлар «мусулмонобод» булсада, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб қуядиган ишлар ҳам йуқ эмас эди. Хон — мусулмон, бек — мусулмон, халқ — мусулмон, бунинг устига, юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Уғрилик қилгани учун кул кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкилик учун қирқ дарра уриладир... Иш шунчалик нозик булатуриб ҳам уғрилар уз тирикликлари орқасидан қолмайдилар, пештоқдан қопга буғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадилар. Куп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бузалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йуқ эмас эдилар...»

Шавкатли шоҳ, ҳассос шоир Бобурнинг ҳаётида ҳам ана шу «тантанали таъбирни бузиб қуядиган» бирмунча ишлар содир булган эдики, биз улардан аввало Бобурнинг мардона эътирофи туфайли воқиф буламиз: «Шанба куни ойнинг йигирма учуда бу гирд суфанинг устига Чанор ниҳоли ва тол ниҳоли дарҳам тикилди. Намоз пешин чоғир суҳбати булди, саҳари ушбу суфанинг устида сабуҳий қилдук...»

**Чоғир суҳбати!**

Жаҳондаги не-не улуғ зотларнинг ақлу ҳушини забт этиб, иродасини маҳв қилган чоғир балоси Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам уз домига тортган эди...

Соҳиби фазилат ва соҳиби ҳикмат булган Бобур бир муддат май денгизида сузгани ва қарийб гарқ булаёзганини, бундан қандоқ изтироблар, ранжу азиятлар чекганини ростгуйлик билан яширмай ҳикоя қилади: «Тонгласи девон тарқагондин сунг сайрга отланиб, кемага кириб арақ ичилди... Намоз дигаргача арақ ичилди. Арақнинг бадхурлигидин мутанаффир булиб, бу юз-

дагиларнинг иттифоқи била маъжун ихтиёр қилдук. Кеманинг ул учидагилар маъжун еганимизни билмадилар, арақ-уқ ичтилар... Бир замон такаллуф била суҳбат тутулди. Чун маъжун суҳбати била ҳаргиз арақ ва чоғир суҳбати рост келмас, мастлар ҳар тарафдан гуфтугу қила кириштилар, аксар тааррузлари маъжун ва маъжунийлар била эди. Бобожон ҳам маст булуб, галаба паршонлар айтти. Турди Муҳаммадқа ҳам мастлар тулатула оёқларини пайдар-пай бериб, оз фурсатда масти лояъқил қилдилар. Ҳар неча саъй ва ислоҳ мақомида булдук, барҳам етмади. Шалойинлиқ хили булди, ҳар сориға тарқалиштилар, суҳбат бемаза булди...»

«Суҳбат бемаза булди...» Май денгизда ихтиёрсиз сузган кеманинг саргузаштларини изгириб билан баён қилар экан, Бобур аксарият ҳолларда чоғир базмларининг тасвирини айна шу сузлар билан ниҳоясига етказди. Ёинки, куп лавҳаларда суз замирида шу маъно пинҳон ётган булади.

Шоҳнинг чоғир суҳбатлари баъзан ақл бовар этмас ишлар билан якунланар эди.

«Ушбу фурсатлардаким, Бехрада эдук, — дея ҳикоя қилади у, — намоз хуфтангача кемада ичиб, намоз хуфтанда кемадин маст тофиқ чиқиб, отланиб, машъални илгимга олиб, дарё ёқасидин урдугача отнинг бу юзига эгилиб, якжилов чоғиб келибтурмен, гарийб маст экандурмен. Тонгласига мундоқ машъал олиб, урдугача якжилов келганимни шарҳ қилдилар. Асло хотиримга келмади. Уйга келганимда хили истифроғ қилибтурмен...»

Бениҳоя таниш ҳолат, шундай эмасми? Хусусан, айрим замондошларимиз учун кундалик табиий ҳолат...

«Бобурнома»ни мутолаа қилар экансиз, умрининг маълум бир даврида Бобур эртаю кеч шаробдан бош кутармаган, кутаролмайдиган бир кимса бўлгандек таассурот қолади. Наҳотки, дейсиз кўзларингизга ишонмай, наҳотки шундай бўлса? Тасаввурингиздаги улугвор, дини ислом аҳкомларини маҳкам тутган, шижоатли ҳукмдор сиймосини ахтариб, яна саҳифаларни варақлашга тутинасиз. Лекин, таассуфки...

«Чоршанба кунининг ун еттисида Ҳайдар Нақийнинг боғида Тенгриберди баъзи бекларга ва йигитларга суҳбат берадур эди, мен ҳам ул суҳбатқа бориб ичтим. Кеч намоз хуфтан андин кўпуб келиб, улуг оқ уйда ҳам ичилди...»

Ҳафсалангиз пир бўлиб, бошқа саҳифани очасиз. Яна умидвор бўлиб термиласиз: «Офтоб ёйила Боғи Бинафшага бориб ҳавз ёқасида ичилди. Туш була уйқулаб, намоз пешин яна ичилди...»

Албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб зиддиятларга тула шахсияти социалистик реализм тувакларидида ўстирилган ижобий қаҳрамонларга ухшамаслиги табиийдир. Аммо, ҳар қалай, инсон бировга ихлос қуйганидан сўнг уни бекаму кўст кўргиси келар экан. Шу боис ҳам Бобурнинг табиатидаги бу номатлуб ҳислат сабабини аниқлаш истаги тугилади. Хўш, Бобур нима учун майга бу қадар ружу қуйган эди? Ёки аввал-бошдан мойиллиги бормиди? Қани, сўзни узидан эшитиб кўрайликчи: «Ишрат паймоналарини тулдириб, соқийлар юруб мажлис аҳлига тута кириштилар. Мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек (ҳаёт суви — Х.С.) юта кириштилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу ҳаёлда эдиларким, менга ичирғайлар, мени ҳам бу доирага кижурғайлар, мен агарчи бу чоққача нашға бўлгунча чоғир иртикоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлук кайфияти ва ҳолатини камоқаққуху билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водини тай қилмоққа кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашға ва кайфиятини билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклиф қилсалар ҳам узрлар айтиб иртикоб қилмас эдим... Сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирга майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирга майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмогон амрни ўзлук била қилмоқ мушкул эди. Хотирга кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ораста шаҳрига келибтурбизким, жамиъ айшишрат асбоб ва олоти мукамал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адовати омада ва пайдо, ҳоло ичмасам, қачон ичармен, деб ичмакка азм қилдим ва бу водини тай қилмоқни жазм қилдим».

Бу воқеа Бобур Мирзонинг навқирон чоғларида, бир минг беш юз еттинчи йили Ҳиротда, Ҳусайн Бойқаронинг ўгли Музаффар Мирзо хонадонидида юз берган эди. Бобур ҳали умрида бода кайфини татиб кўрмаган, бинобарин, юз-хотир, андиша туйғуларини унутмаган эдики, мазкур ултиришда чоғирни рад қилди (гарчанд кўнгул анга мойил бўлса-да!) ва бунинг боисини шундай изоҳлайди: «Вале хотирга кечтиким,



Бадиуззамон Мирзо огадур, анинг илгидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илгидин ва инисининг уйида ичсам, хотирига нима келгай, деб бу тараддудимни айтдим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар...»

Одамзот нима учун ичади узи? Ер юзида ҳаёт пайдо булганидан буен дунёнинг жамики ахлоқ қоидалари маън этиб келишига қарамай, нега инсон бу қадар майга ружу қуйган?.. Ким билади, дейсиз. Бировлар йўқчиликдан ичади, бировлар туқчиликдан. Айримлар гаму қайгуларнинг ҳужумидан ичса, айримлар шоду хуррамлигидан ичади. Мабодо бир муъжиза руй бериб, тарих эврилсаю Бобур Мирзога ҳам шу савол берилса, қандоқ жавоб олган булур эдик? Афсуски, биз буни билмаймиз. Тахмин қилмоғимиз мумкин, холос. Эҳтимол, шоир дилини уртаган армонлар боис чоғирга майл қуйгандир. Эҳтимол, дунёнинг бебақолигини теран англаган файласуф булгани туфайли кунгил фарёдини босмоқ учун майга зур бергандир? Балки. Лекин менга шундай туюладики, Бобур Мирзонинг шароб базмига юз бурган кезлари унинг фаолиятсизликдан зериккан чоғларидагина руй беради. Жангу жадаллар билан, тинимсиз ҳарбу зарблар ёхуд улкан, машаққатли ижодий меҳнат билан банд булган пайтларида, яъни бу дунёнинг якранг, фэйзсиз ва бекут манзараларидан руҳи ўзга бир сирли оламга кучган вақтларда бода истаги буткул унутилади, нафақат истак, бу тушунчанинг узи Бобур ҳаётидан гуё бадарга қилинади.

Жаҳоний фаолият миқёсларига яратилган улкан музтариб қалб ҳамиша ҳам узига муносиб машғулот тополмаган чоғларида оддий ҳою ҳаваснинг, инсоний нафснинг қули буларкан-қоларкан... «Букун Гандамакка тушуб, тонгласи Жигдалик тушулди. Намоз шомга яқин чоғир мажлиси булди, аксар ичкилар бор эдилар, охир суҳбатта Қосимбекнинг хоҳарзодаси Гадои Муҳаммад хили шалойинлиқ қилди. Маст булғонда менинг ёнимдаги такяга таянди. Гадои тағойи мажлисдин кутариб чиқарди...»

Зикр этилмиш тафсилотларнинг аксарияти бир минг беш юз йигирма бешинчи йил воқеаларига — Бобурнинг афғон диёрида турғун бўлиб қолган даврига туғри келади. Оқмай туриб қолса, сув ҳам айнийди, дейди мавлоно Гулҳаний. Бу кезлар Бобур Мирзонинг ҳаётида айни шундай дамлар булган эди. Атрофини қуршаган бир гуруҳ майзада билан у ўзига хос бир

дунёда яшардики, бу дунёнинг гаройиб қонунлари, расм-русумларию ғалати мантиқлари бор эди. Бу муҳитда уят, шарму ҳаё ва андиша деган тушунчаларга у қадар урин берилмас эди: «Мундин отланиб, Гулбахор борилди. Намоз шомдин сунг чоғир суҳбати бўлди. Бу суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад сорбон бўлур эди. Агарчи йигит эди ва сипоҳи эди, вале чоғир иртикоб қилмас, тоиб эди. Қутлуқ Хожа кўкалтош муддати мадид эди, сипоҳиликни тарки қилиб, дарвеш бўлуб эди. Ёши ҳам хили бор эди, соқоли худ оқариб эди. Ҳамиша бу суҳбатларда ҳарифи шароб эди. Мен Дарвеш Муҳаммадқа дедимким, Қутлуқ Хожани соқолидан уял! Дарвеш ва қари ва оқ соқоллик ҳамиша чоғир ичар, сен сипоҳи ва йигит ва қоп-қора соқоллик ҳаргиз ичмассен, не маъни?... Сабоҳи сабуҳий қилдук...»

Бу давра чоғир базми учун жой танламас эди: «Шанба куни ойнинг ун бирида мажлис эди, намоз дигар билан намоз шомнинг орасида, улуғ каптархонанинг томининг устига чиқиб ичилди...»

Суҳбат учун сабаблар ҳам мудом тайёр эди: «Чун бу дағдаға бор эдиким, қирқ ёшқа бир йилдан озроқ қолиб эди, ифрот билан ичилур эди...» «Хазон боис бўлди, чоғир ичилди. Завол вақтигача мунда ичилди...»

Баъзан кайф устида ҳамиша бўлганидек ҳам кулгули, ҳам қурқинчли воқеалар рўй бериб турар эди: «Андин сунг отланилди. Мажлис аҳли гузаро мастлар бўлуб эдилар. Сайид Қосим андоқ маст эдиким, икки навқари ташвиш била от устига олиб урдуға сткурдилар. Дўст Муҳаммад Боқир андоқ маст эдиким, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий чухра бошлиқлар ҳар неча саъй қилиб, отландура олмаслар. Бошига сув қуярлар ҳам бўлмас. Бу фурсатта бир пора афгон пайдо бўлур. Амин Муҳаммад тархон чоғир кайфиятида хаёл қилурким, мун мундоқ этиб олдиргунча бошини кесиб олиб кетарбиз. Бори юз машаққат била от устига солиб, олиб келурлар...»

Бу мастона муҳитда ҳатто аёл кишининг ҳам ичишига изн берилар эди. Мана шундай чоғир базмларидан бирида Бобурнинг мулозими Турдибек Ҳулҳул энага деган бир аёл подшоҳ билан май ичмак орзусида эканини баён қилади. Бобур ҳам қизиқиб, хотин кишининг ичганини курган эмасдим, дея розилик беради. Аммо оз фурсат утмай, бу бадмаст хотин — Ҳулҳул энага курсатган шалойинликлардан безор бўлиб, узини мастликка солиб базур қутулади...

Табиий бир савол тугилади: наҳотки, Бобурдек закий, нозиктаъб бир зот шу қадар инон-ихтиёрини муҳит эркига буткул бериб қўйган бўлса?

Йўқ, Бобур денгиз тўлқинларига ташлаб қўйилган кеманинг ҳалокати муқаррар эканлигини яхши англади. Аини саргузаштларидан мутанаффир бўлиб — нафратланиб юрарди. Тушиб қолгани гирдобдан халос бўлиш йўллари~~ни~~ туну кун ахтарар эди. Ўз ҳолатини истехзо ва маъюслик билан эътироф этар, эътирофларини самимият билан «Бобурнома» саҳифаларига қайд қилар эди: «Боғи Калонда... тонгласи чоғир мажлиси бўлди. Оқшомғача ичилди. Сабоҳи сабуҳий қилдук... Намоз хуфтанғача ушул ерда-уқ суҳбат эди. Мулла Маҳмуд Халифа келди. Ани ҳам суҳбатқа чорладук. Абдулло хили маст эди. Халифа тарафидин бир суз чиқди. Мулло Маҳмудтин гофил бу мисраъни ўқудиким: «Бар ҳарки бингари ба ҳамин доғ мубтало аст». («Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир»).

«Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир...» Бу гап қачон, қайси замонда айтилган? Кечами ё бугун? Яна не вақтга қадар долзарб бўлиб қоларкин у?..

Шу тариқа орадан уч йил утди.

Саодатманд шоҳ, армонли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кечган фурсат мобайнида куп яхшиёмон кунларни бошидан уткарди, чархнинг жабру жафосини ҳам, ҳаёт нашъаси ва қувончларини ҳам обдан тортди. Ва ниҳоят умр шундай бир манзилга етиб келдики...

«Душанба куни, жумодил - аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртиқобидин алад-давом кунглумда губор эди, дедимким, эй нафс.

Чанд боши зи маойи мазакаш,  
Тавба ҳам бемаза нест, бичаш...»<sup>1</sup>

Бу воқеа ҳижрий тўққиз юз уттиз учинчи йили — милодий бир минг беш юз йигирма олтинчи йили содир бўлди. Бобуршоҳ уша йили Ҳиндистонни забт этиб, порлоқ, оламшумул зафар қучди.

Худди шу йили у яна бир буюк галабага эришди.

<sup>1</sup> Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кур! (Форс.)

Бу улуг зафарнинг номи — ТАВБАдир.

Бобур айни ушал фурсатда Нафс устидан буюк ғалаба қозонди — ичкилик балосини енгди. Келинг, бу машаққатли, уқубатли ғалаба тафсилотларини куздан кечирайлик. Ғалаба шарафига, маълумки, тантанавор қасидалар муносибдир. Шу боис ҳам Бобур бу ҳақдаги ҳикоясини энди наср билан эмас, назмнинг баланд пардаларида давом эттиради:

«Неча исён била олудалигинг,  
Неча хирмон аро осудалигинг.  
Неча нафсингга булурсан тобиъ,  
Неча умрунгни қилурсен зойиъ.  
Нияти газв ила ким юрубсен,  
Улмакингни ўзунга курубсен,  
Кимки улмак ўзига жазм этар,  
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.  
Дур этар жумла маноҳийдин узин,  
Аритур барча гуноҳидин ўзин,  
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,  
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.  
Олтуну нуқра сурҳийю аёқ,  
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,  
Ҳозир айлаб борини синдурдум,  
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум...»

Ун икки ёшидан то ҳануз тахт устида, салтанат ташвишлари, чопқин ва босқинлар билан юриб, Бобур Мирзо талай ғалабаларни қўлга киритган эди: гоҳ Шайбонийхон устидан, гоҳ афғон беклари устидан, гоҳ Иброҳим Лудий, гоҳ Рано Санго устидан ғолиб келиб, музаффарлик шавкатига чўмган эди. Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, туқайдаги йулбарсни енгган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енгган кимса баҳодирдир.

Бу тавбанинг бошқаларга ҳам тааллуқли ва ибратли жиҳатлари бор эди: «Бу синдурулгон олтун-кумуш суруҳий ва олотни мустаҳиқларга ва дарвешларга улашилди. Ул кишиким, тавбата мувофақат қилиб эди, Асас эди. Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳилардин ва ғайри сипоҳидин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни туктуруб, Бободуст келтурган чоғирларни буюрдуқким, туз солиб сирка қилгайлар. Чоғирларни туккан ерда бир

войин қоздурулди. Ният қилдумким, бу войинни тош била кўпуртуб, бу войиннинг ёнида буқъайи хайре қилгайлар...»

Тамом. Шу билан чоғир балоси ва буюк бир зотнинг ундан қай тариқа халос бўлгани хусусидаги суҳбатга нуқта қўйсақ ҳам буларди, бироқ... «ўрганган кўнгил — уртанса қўймас», деган хавотир билан, «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларини ҳадиксираб варақлашда давом этамиз. Бирор саҳифадан Бобурнинг самимий эътирофи ила бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган далолат чиқиб қолмасмикан, деган иштибоҳ ҳаёлнинг бир четида муқим тураверади. Лекин, минг шукурки, бундоғ хижолатли ҳолни қайтиб учратмаймиз. Аксинча, тавбанинг қандай машаққатлар эвазига келганини, унга элтар йўлларнинг нечоғли оғир ва азобли бўлганидан хабар топамиз.

Бир минг беш юз йигирма саккизинчи йили Бобур Хожа Калонга битган мактубларининг бирида бу хусусда юрагини очиб сузлайди: «Яна Абдуллоға битилган китобатта мастур эдиким, тавба водисида мувофақат дағдағаси куп бўлуб эди, бу рубойий андаке моний бўлди:

Май таркини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.  
Эл борча пушаймон булуру тавба қилур,  
Мен тавба қилубмену пушаймондурмен...»

«Яна ул рубойий утган йили айтилиб эди, — дея изох беради Бобур. — Филвоқий, бу утган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва гоят эди, андоқким, чоғир иштиёқидин борлар йигламоқ сарҳадиға етар эдим. Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул дағдаға тамом хотирдин рафъ бўлди... Сиз ҳам тавба қилинг...»

Бобур Мирзо бу галабанинг ўз шахсий ҳаёти ва салтанат ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини теран англаб эди. Шу сабабдан мазкур улуғ зафар муносабати билан бобурийлар давлати бўйлаб махсус фармони олий эълон қилинди. Фармонда, жумладан, қўйидаги сўзлар ҳам битилган эди:

«...Тавфиқ йўлловчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, киради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ курсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алқисса, «Эй раббим, нафсларимизга зулм қил-

дик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кунгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

...Бу орзу ва бу осойишталик тула-тукис охирига етганидан сўнг, олам буйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсанглар».

Бу галабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига етишмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилиқ обруйи бўлган қарам тулқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат буйлаб, утган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ куп бўлган т а м г а н и , ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун, мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йул, куча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига узгартиш киритмасинлар: «Қимки буни эшитгандан кейин узгартирса, гуноҳи узгартирувчиларга бўлади».

Тавба ва унинг хосияти ана шундоқ яқун топди.

Шоядки, у бизга ҳам ибрат бўлса.

«Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар».

\* \* \*

Сўзимни тугатиб, ҳамроҳларимга назар ташладим. Маъноли бир сукут чўкди. Барчамиз оғир уйга ботган эдик...

Орадан бир қанча фурсат утиб, Қори домла тиловат қилдилар. Ҳазрати Бобур Мирзо ҳақларига дуо қилиб, Ҳақ таолодан ҳаммамизга инсофу тавфиқ, адлу диёнат тиладик.

Ҳожи домланинг таклифига кура Ҳаж амалларини бажариш чоғи айтиб юриш лозим бўлган талбияни жуrowsоз билан қироат этиб бордик:

«Лаббайка аллоҳумма лаббайк, лаббайка ло шарика лака лаббайк, иннал ҳамда ван неъмата лака вал мулк, ло шарика лак».

Яъни:

«Хузурингда ҳозирдурмен, эй Оллоҳ, ҳозирдурмен! Сенинг шеригинг йуқтур. Албатта ҳамд, неъмат ва подшоҳлик сенга хосдур. Сенга шерик йуқтур!»

Илоҳий оҳанглари юракни зириллатадиган бу талбияни ҳар бир зиёратчи ёд билмоғи шарт. Уни эркаклар баланд товушда, аёллар эса паст овоз билан эҳром кийганларидан то қурбонлик кунига қадар айтиб юрмоқликлари зарур. Талбияни ҳар бир намоздан сунг ёки ҳар бир ҳолат узгарганда (масалан, машинага чиққанда ёки ундан тушганда, тепаликка кутарилганда ёки қуйи энганда, таниш-билишлар ила учрашилган ва ҳоказо пайтларда) айтиб туриш суннат ҳисобланади.

Ҳожи ака, шунингдек, Каъбатуллоҳни тавоф қилганда, Сафо ва Марва тоғлари оралигини кезганда уқиладиган дуоларни ҳам сабр-тоқат билан ургатиб бордилар.

Кечга томон муқаддас Мадинаи мунавварага етиб келдик!

Оллоҳга минг бор шукурлар улсин!

Мавжуд тартибга қура зиёратчилар шаҳарга уз машиналарида киришлари мумкин эмас экан. Чунки еру кукни машина босиб кетади. Шунга қура биз ҳам шаҳар ташқарисидаги автосаройда ҳужжатларимизни расмийлаштириб, миёқодга — эҳром чизигига қараб кетдик. Китобларда зикр этилишича, пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларида ва фуқаҳоларнинг асарларида Ҳаж зиёрати бошланадиган маконлар аниқ белгилаб кетилган. Зиёрат либоси — эҳром кийиладиган бундай манзиллар «миёқод» деб аталади. Қори домла шу ҳақда қисқа тушунтириш бердилар. Демак, миёқод манзиллари қуйидаги тартибда Мадина атрофида жойлашган экан:

Ироқ томонидан келадиган зиёратчилар учун Зоту Ироқ деган маскан.

Шом, Миср, Мағриб томонидан келгувчилар учун Ал-Жухфа деган жой.

Мадина томонидан келадиганлар учун Зул Ҳулайфа деган жой.

Нажд ва Кувайт зиёратчилари учун Қарн деган макон.

Яман ва Ҳинд томонидан келгувчилар учун — Яламлам деган жой.

Бу жойлар Маккаи мукаррамага элтадиган катта йул ёқасида ўрнашган турли қасабаю қишлоқларнинг номларидир. Умрага ёки Ҳаж зиёратига келаётган кишилар албатта ана шу маконларда тўхтаб, уст-бошларини эҳромга алмаштириб олишлари шарт.

Биз Зул - Ҳулайфа миёқодига боришимиз лозим.

Шомга яқин у ерга етиб келдик.

Бу жойда улкан масжид мавжуд, минг-минглаб зиёратчилар эҳром кийиб, улуг ният сари тадорик кўрмоқдалар. Кун ниҳоятда иссиқ. Миёқод ҳовлисидаги майдонга жойлашдик. Боя шаҳарга кираверишда Ҳожи домла бу ерда истиқомат қиладиган ватандошлардан Абдулқаюм ака, Маъруфхон акага сим қоқиб, келганимизни билдирган эдилар. Мазкур биродарларимиз билан у киши Саудияда, Андижонда бир неча бор куришиб, қадрдон бўлиб қолган эканлар. Зум утмай Абдулқаюм ака — арабий оппоқ либос, ҳожи дуппи кийган, барваста, қоп-қора қуюқ соқолли, қирқ яшар чамали бир йигит — «Тойота» машинасида етиб келдилар. Ҳар биримиз билан кучоқлашиб куришиб, ҳол-аҳвол сурашиб, автосаройдаги хат-ҳужжатларни тўғрилашга ёрдам бердилар, сунгра бизни уз уловларига утқазиб, шу миёқодга бошлаб келдилар. Эрта билан хабар олишга ваъда қилиб, хушлашиб жунадилар. Биз миёқодга жойлашиб, гусл қилиб, кечки ибодатларни адо этдик.

Туни билан бу жойда ҳаёт қайнади. Зиёратчиларнинг янги-янги гуруҳлари дарёдай оқиб келиб турибди. Ҳаммасёқ ёп-ёруғ, ола-говур, одам гавжум, савдо-сотик авжида. Ана шу бозордек гувиллаб ётган мрамар саҳнли майдонда бош қўйиб тонг оттирдик.

## *2 июнь. Мадинаи мунаввара. Масжиди Набавия.*

Соат саккизда Абдулқаюм ака билан Маъруфхон ака йўқлаб келишди. Маъруфхон ака — етмишлардан ошган оқ-сарик юзли, нуруний муйсафид эканлар. Шу улуг ёшда булишларига қарамай, уринганроқ «Шевролет»ни чоптириб ҳайдаб юрибдилар. Ҳожи ака, Зокиржон ака ва Қори домла у кишининг машинасига ўлтиришди, қолганларимиз Абдулқаюм аканинг «Тойота»сига жойлашдик.

Мадина кучаларидан кетиб боряпмиз-у, кузларимизга ишонмаймиз.

Илоҳий юрт, илоҳий шаҳар. Таассуротлар, тафси-



лотлар баёнига тил ожиз, ҳар қадамда юрак тулиқиб кетади, кунгиллар мум каби эриб боради.

Бу ерда зиёратни пайғамбаримиз масжиди — масжиди Набавияни тавоф қилишдан бошладик. Мазкур зиёратгоҳда расулulloҳ қурдирган масжиднинг урни ва унинг ун саккизта оқ устуни сақланиб қолган. Кейинчалик у янада кенгайтириб-таъмирланиб, бағоят маҳобатли куриниш касб этган. Жаноби пайғамбаримизнинг марқадлари ва бир қанча саҳобаи киромларнинг ҳам қабрлари шу ерда экан. Жумладан, халифалардан ҳазрати Абу Бакр ас-Сиддиқ разиёллоҳу анҳу ва ҳазрати Умар разиёллоҳу анҳу пайғамбаримизнинг ён-ларига дафн этилган эканлар.

Маълумки, Ислом оламида учта масжид энг эътиборли, муборак саналиб, уларни зиёрат қилиш анъанага айланган. Буларнинг биринчиси — Маккаи мукаррамадаги ал-Масжид ал-Ҳарам, иккинчиси — Мадинаи мунавварадаги мазкур масжид, учинчиси — Қуддуси шарифдаги ал-Ақсо масжидидир. Куриниб турибдики, бу ибодатгоҳ улкан нуфуз, улуг мақомга эга бир даргоҳ.

Мезбонларимиз унинг тарихи ва таърифини суйлай кетдилар. Бу зиёратгоҳ урнини пайғамбаримиз алайҳиссалом ансорийлардан булмиш икки етим боладан ун динорга сотиб олиб, унинг қурилишида муборак қуллари билан иштирок қилган эканлар. Дастлаб масжиднинг меҳроби Қуддусга қаратиб қурилган. Чунки уша вақтда мусулмонларнинг қибласи Қуддуси шариф булган.

Ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмоннинг халифалик даврида масжид янада кенгайтирилади, янада обод булади. Ва бу иш навбатдаги ҳукмдорлар томонидан давом эттирилади. Шу кунларда бу улугвор, кўркли ва илоҳий файздан нурафшон иншоотнинг қирқ туртта деразаси, икки юз уттиз иккита устуни ва ҳар бири етмиш беш метрдан иборат иккита мезанаси бор экан.

Мана, расулulloҳ марқадлари. Вужудимиз титраб, чексиз бир ҳаяжон ичра қабр бошига яқинлашамиз. Зиёрат одобига кўра марқаднинг бош томонида, қиблага юзланган кўйи худди намозда тургандек ҳолатда турмоқлик лозим. Ён-атрофимиздаги юзлаб зиёратчилар билан биргаликда марқадни тавоф қиламиз, саловат айтамыз. Кўнглимиз буюк бир умид, ниҳоясиз бир истиғфор туйғулари билан тўлади. Умидимиз шулки, шояд пайғамбарим менинг саломларимни эшитсалар, дуои тилакларимни қабул этиб, ижобат қилсалар...

Зеро, Ҳадиси шарифда шундоқ хабарлар келганки, жаноби пайгамбаримиз: «Қабрим олдида менга саловат айтган кимсани эшитурман», деб марҳамат қилган эканлар.

Бутун борлигимиз кузга айланиб, муборақ марқадга тикилиб қолганмиз. Шу сағана, шу мрамар тош остида башариятнинг ҳидоят йулбошчиси, Оллоҳнинг элчиси мангу ором олиб ётибди...

Қори домла титроқ, шикаста овоз билан дуои салом ўқийдилар, бизлар шивирлаб жур бўламиз:

«Ассалому алайка ё расулаллоҳ, ассалому алайка ё набияллоҳ, ассалому алайка ё сафияллоҳ, ассалому алайка ё ҳабибаллоҳ, ассалому алайка ё набияр раҳма, ассалому алайка ё шафиал умма...»

Мазкур дуо мобайнида пайгамбаримизнинг барча беназир сифатлари бирма-бир зикр этилиб, ул зотга зиёратга келган кимсалардан салом йулланади.

Масжидда расулуллоҳнинг минбарлари билан қабрлари уртасида туриб икки ракаат «тахиятил масжид» намозини ўқидик. Куз ёшлари юз-ёноқларини, мошгунч соқол-муйлабларини ювган Ҳожи домла оҳиста шивирлаб айтдиларки, бу макон ҳақида пайгамбаримиз алайҳиссалом шундай деган эканлар: «Қабрим билан минбарим уртасида Жаннат боғларидан бир боғ жойлашган, минбарим эса Жаннат ҳовузининг устидадир».

Масжиди набавиядан руҳимиз ёришиб, кўнгилларимиз юксалиб чиқдик. Мезбонларимиз ётакчилигида яна бир табаррук қадамжой — ал-Бақий қабристони томон йул олдик. Бу азиз масканда дини ислом равнақи йулида жон фидо қилган Уҳуд тоғи шаҳидларининг, пайгамбаримиз хеш-ақробаларидан баъзи бирларининг қабрлари бор экан. Биз халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон разиёллоху анху, ҳазрати Ҳамза, ҳазрати Алининг угиллари Ҳасан, шунингдек, расулуллоҳнинг фарзанди аржумандлари булмиш Иброҳим ва аммалари Сафия сингари зотларнинг абадий маконларини зиёрат қилиб, дуои фотиҳалар ўқидик.

Ниҳоят, зиёратлар адоғига етиб, Абдулқаюм аканинг шаҳар марказидаги дуконига келдик. Йулда нима билан савдо қиласиз, деган саволимизга бу киши, бизники майда-чуйда тижорат, деб жавоб қилган эдилар. Келиб курсакки, «кичкинагина» деган дуконлари бизнинг ГУМ, ЦУМлардан асло қолишмайди. «Майда-

чуйда» деган моллари эса пештахталарга сигмай ошиб-тошиб ётибди. Ҳар анвойи молларки, мундоқроқ одамнинг эси оғиб қолиши шубҳасиз. Муздай дўконда ултириб, шарбат ичдик, чой дамлаб чанқовбосди қилдик. Дўкон соҳибининг иккита ёшгина гумаштаси — ўзбек йигитлар табассум билан кулиб, хизмат қилиб туришибди. Куп ўтмай пешин намозига азон айтилди. Ҳамма рўпарадаги муҳташам масжид сари ошиқиб қолди. Разм солиб турибман: ичида миллион-миллион сўмлик мол-дунёси бўлган қатор дўконлар очик-сочик қолаверди, эгалари жойнамозларини қўлтиқлаб, ибодатга келаверди. Шуниси қизиқки, намозга барча истисносиз келади — шунинг учун ҳам ўғри деган гумон - шубҳаю ҳадик-хавотирга урин йўқ...

Сўнгра Абдулқаюм аканинг таклифига кўра у кишининг хонадонига бордик. Машинада анча юрганимиздан сўнг тўрт қаватли бир бино олдида тушдик. Меэбон иккинчи қаватда истиқомат қилар эканлар, хушнудлик билан ичкарига бошладилар. Кенг-мул хоналар, йулакларда ярқираб турган қўлювгичлар, қирмизи гиламлар. Ерга қатор қилиб тушаклар ташланган, оппоқ парку ёстиқлар қўйилган. Турда савлат ва қур тукиб ултирган хонадон соҳибининг отасини зиёрат қилдик. Оппоқ қўйлак-иштонда, беҳад фариштали бўлиб ултирган бу отахоннинг нигоҳлари қатъий, сузлари уқтам, хатти-ҳаракатлари тетик. Ҳолбуки, ёшлари саксон тўққизда, узларининг айтишларига қараганда, чархи кажрафторнинг жабру жафоларини хуб бсармон тортган эканлар.

Муйсафиднинг юрт соғинчи, ҳасратлари ва бугунги истиқлол қувончи баайни «Минг бир кеча» ҳикояларидек узун, адоқсиздир.

«Биз мусофирчиликда юрар эдик, — деб ҳикоя қилди отахон, — не машаққатлар билан радиотулқинлари аро юртимизни излар эдик. Шояд бирон-бир мужда, бир хушхабар эшитилиб қолса... Ватан золимининг қулида эди, радио ҳам кўнглимизга таскин берадиган гап айтмас эди. Яккаш «Пахта очилди», «мунча тўнна териб олинди», «пахта экиляпти»дан нари утмас эди. Биз куп хафа бўлиб айтар эдикки: «Худоё, пахтагн бошингни есин!»

Абдулмажид ота утган кўнларнинг алам-армонларини эслаб, бир зум тек қолади, сўнгра дуо қилган каби оҳиста сўзлайди: «Оҳу нолаларимиз худога етиб, мана, юртимиз озод бўлди, бизлар кўб шод бўлдик...»

Тасвирчимиз Фарруҳ Расул отахонни икки набира-си билан ёнма-ён утказиб, суҳбатларини ёзиб олди. У кишининг қисқача кечмиши будир:

Ота асли Андижоннинг Тахтакуприк деган жойидан, Аҳмадбек ҳожи маҳалласидан. Уттизинчи йиллар аввалида, кулоқлаштириш ҳаракати бошланганида ёш бола бўлган, отаси билан биргаликда ҳижрат қилган. Дастлаб Тожикистонни, сунгра Афғонистонни макон тутишган.

«Афғонистон мусулмон ҳукумати эди. Тақдир экан, шу жойларга келиб тижорат қилдик, дукон қилдик, хотин олдик. Ҳаёт яхши бўлди. Аммо бу ерга ҳам шуро етиб келди. Инқилоби савр деб офат бошлади. Икки миллион мусулмон бегуноҳ шаҳид бўлди. Дарбадар бўлдим, Мадинаи мунавварага бош уриб келдик, мана, шунга ҳам икки йил зиёд бўлди...»

Абдулмажид отанинг қувваи ҳофизаси ҳали ниҳоят-да тиниқ. Чой устида гурунглашиб ултирганимизда ёш бола чоғлари Андижондан, хотирасида қолган кучақуйлар, гузарлар, бозору томошагоҳлар, турли-туман шахсларнинг номлари, касб-кори, фёъл-атворларини бирма-бир айтиб бердилар. Уша мудҳиш кунларни эслаб, оғир хурсиниб қўяркан, отахон, жумладан, шундоқ бир тафсилотни зикр этиб утдилар: «Биз ёш эдик. Оқгурни тепасида Латта зовуд деган жой бор эди. Сталин бадбахт куп одамни шу ерда қириб ташлаган. Гала мардумни уша ерга олиб келиб, узига чуқур қаздириб отарди. Осиб улдиргани қанча булса, эй... Ким бой булса, ким олим булса, эшон булса, намоз ўқиса, олиб бориб отаверган...»

Шу боисдан ҳам кекса муйсафид кузида ёш билан ватан озодлигини муборакбод қилар, ҳар дуосида юртимизнинг омонлигини сўраб эди.

Дастурхонга тортилган таомлардан тотиниб, ҳордиқ чиқариб утирдик. Бир маҳал отахон: «Шуро Афғонистонни босганида мен мужоҳид бўлдим. Олти йил коммунистга қарши уруш қилдим. Сизлар ҳам жиҳодга бордиларингизми?» деб сўраб қолдилар. «Э, тақсир, биз қандай қилиб борамиз, биз у томонда эдик-ку», деди Зокиржон ака кулимсираб. «Бу қиргинқиёматда қанчадан-қанча ўзбек болаларимиз ҳам ноҳақ қурбон бўлиб кетди», деди Ҳожи ака. Орага оғир маъюслик чуқди. «Ўтганларни Оллоҳ раҳмат қилган булсин», деди Абдулқайом ака. «Бизнинг шу сафаримиздан кузлаган яна бир мақсадимиз, — деди Собир-

жон ака, — шу урушда асир тушиб Афғонистон ва Покистонда қолиб кетган қирқ турт нафар узбекистонлик йигитнинг тақдирини ҳам урганишдан иборат. Биз уларнинг барчасини руйхатларини тузиб тайёрлаб қуйганмиз». «Кўп савоб юмушни бошлаган экансизлар, — деб бош иргашди мезбонларимиз, — иншооллоҳ, ниятингизга етингизлар». Яна аллавақтга довур гурунг давом этди. Ниҳоят, фотиҳа уқилиб, биз йўлга отландик.

*3 июнь. Маккаи мукаррама. «Қасри Осим»  
меҳмонхонаси.*

Мадинадан Маккага қадар беш юз километрли йул экан. Ҳижрат йули, машаққат ва муҳаббат йули. Пайгамбаримиз алайҳиссалом шу йуллардан гоҳ илоҳий қувончларга тулиб, гоҳ муборак кунгиллари маъюсланиб, неча бор утганлар. Шу манзил-масканларда ул зотга Оллоҳдан ваҳийлар нозил булган булса, ажаб эмас...

Шуларни уйлар экансиз, гайришуурий равишда дилингизда титроқ пайдо булади.

Чошгоҳдан сунг Маккаи мукаррамага мутаважжих булдик. Шаҳарга киравришда барча бегона машиналар тухтатилиб, ён-атрофдаги саройларга «қамалмоқда» — акс ҳолда транспорт тирбандлигидан шаҳарда юриб булмай қолади.

Худо ишимизни унглаб, сергак, барваста йулбеклари — полислар бизни пайқамай қолишди ва туппатури марказга — Каъбатуллоҳ томон кириб боравердик. Зич, тигиз машиналар оқими аро уриниб-суриниб ал-Масжид ал-Ҳарам ёнига етиб келдик. Куз унгимизда табаррук масжиднинг табаррук миноралари намоён булди. Бу ерда «Андижон такя» номи билан машҳур меҳмонхона бор экан, уни кўп вақтлар бурун, инқилобдан олдин зиёратга келган андижонлик ҳожилар уз маблағлари билан барпо этган эканлар.

Ҳожи ака аввалги йили Ҳажга келганларида шу жойда истиқомат қилганликларини, меҳмонхона соҳиби Аббосхон ака исмли ватандош узбеклардан эканини айтиб, балки шу ётоқжойда қунармиз, деган таклифни билдирдилар. Суриштириб билсак, жойлар банд экан, шу сабабли биз андижонлик зиёратчилар истиқомат қилаётган «Қасри Осим» номли ян-янги меҳмонхонага равона булдик.

«Қасри Осим» шаҳардан хийла ташқарида, ҳали буёқ ҳиди кутарилиб улгурмаган ҳашаматли, беш ошиёнали иморат, рупарасида қатрон тоғ, икки ёқлама йул, машиналар гув-гув қатнайди. Андижондан келган саккиз юздан зиёд зиёратчи шу ерга жойлашган. Қори домланинг муътабар падари — саксон тўққиз яшар, кинодаги Юсуфбек ҳожидек нуруний отахон ва у кишининг ун бир ешли набираси, мураттаб қори, яъни Қуръонни бошдан-оёқ ёд қироат қила оладиган Абдулмажид билан куришдик. Ҳамроҳларим бирпасда ёр-биродарларини топиб, бирма-бир куришиб, менга ҳам таништира бошладилар. Бамисоли Ўзбекистонга келиб қолгандек хурсанд бўлиб кетдик. Хоналарга жойлашиб, пича ҳордиқ чиқарганимиздан сунг Каъбатуллоҳга — умра зиёратига бордик.

Ал-Масжид ал-Ҳарамнинг йигирма бешта дарвозаси бор. Бизнинг юртлардан келган зиёратчиларнинг Боби Салом — Салом дарвозасидан ичкарига киришлари одат экан. Дарвоза остонасига қадам қўйишдан олдин, Каъбатуллоҳга кузингиз тушганда уқиладиган махсус дуолар уқилиши лозим. Биз омилар учун ҳам Қори домла билан Ҳожи ака шу дуоларни уқидилар, қолганлар қўл очиб фотиҳа қилдик. Ярқираган оқ мрамар саҳнли майдон уртасида Оллоҳнинг Муқаддас Уйи — Каъбатуллоҳ илоҳий салобат ила юксалиб туради. Борлигингиз ҳаяжондан симобдек қалқиб унга боқасиз. Боққан сари юрагингизга титратма тушади.

Турт томонда эса буюк издиҳом, одамизот денгизи шунда, ибодат тўлқини шунда, ҳиндию араб, ҳабашу муғул, турку туркман, олмону нуғой — бари мусулмон шунда, Улуғ тазарру, Улуғ покланиш куни арафасида титроқ лаблар билан дуолар қиладики:

«Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, Оллоҳумма антас салому ва минкас салом, ҳаййино раббано бис салом ва адхилно дорас салом, Оллоҳумма зид байтакаҳозо ташрифан ва маҳобатан ва таъзиман. Оллоҳумма та-каббал тавбати вағфир ли ҳатиати ё Ҳаннону ё Маннон...»

Дуолар адогида тавофи қудум маросимига киришилди. Тавофи қудум — Каъбатуллоҳ атрофини етти марта айланиб зиёрат қилмоқ демакдир. Тавоф Ҳажарул асвад — Қора тошдан бошланади. Дастлаб уч марта секин-аста югурган ҳолда, турт марта эса одатий юриш ила Каъбатуллоҳ теварагидан айланиб чиқилади. Имкони булса, Ҳажарул асвадга юз-кўзни суртиб

буса қилиш, имкони топилмаса, узоқдан туриб эса-да, унга қул силкиб ишора этмоқлик ва тегишли дуоларни ўқиш мустаҳабдир.

Мазкур дуо будир:

«Оллоҳумма, иймонан бика ва тасдиқан бикитоби-ка ва вафоан биаҳдика ват тибоан ли луннати набийи-ка саййидино Муҳаммадин саллоллоҳу алайҳи вассалам».

Ал-Масжид ал-Ҳарамнинг файзига, шукуҳига туйиб булмайди. Дафъатан қалбингиз қатламларида барқ чақнагандек, қоронгилик ичра ногоҳ чарақлаган ёруғликка чиқиб қолгандек гаройиб бир ҳолатга тушасиз. Юз минглаб бандалар ён-верингизда ягона Оллоҳини ёд этади, катта ва кичик, яширин ва очиқ гуноҳлари учун нола қилади, ҳар паҳлавон баҳодирлар Явмул қиёмат — Қиёмат кунини эслаб гудак каби йиглайди... Агар кунглингиз тошдан ёки темирдан булмаса, беихтиёр сиз ҳам мутаассир булиб, юрагингиз шам каби эриб оқади, зиёрат чоғи уз-узидан йиглайверасиз, йиглайверасиз...

...Вақтиқи замонида Оллоҳ расули — Иброҳим алайҳиссалом Яратган тангрининг амри ила Каъбатуллоҳни қуриб биткарди. Сунг Оллоҳга нола қилиб дедик: «Э парвардигоро, мана, хонаи Каъбангни ҳукминга мувофиқ бино қилдим. Энди бу ёниб ётган сахрога ким келади?» Шунда арши аълодан ваҳий келди: «Эй ҳабибим Иброҳим, сен чақиргил, келтирмоқлик менинг ҳукмидир». Иброҳим алайҳиссалом даъват қилди, инсонларни Оллоҳ уйига чорлади. Неча минг йилдирки, бутун олам муслимлари шу Улуғ даъватга қулоқ тутиб, унинг амрига буйинсуниб, шу муборак маконни зиёрат этмоқ умидида не-не йуллар оша ранжу азият чекиб келадилар...

Тавофи қудумни адо этгач, икки ракаат нафл намози ўқилди. Бу намозни Иброҳим халилуллоҳ мақоми қаршисида ўқимоқлик суннат саналар экан.

Мақоми Иброҳим — чоғроқ ойнаванд гумбаз булиб, куббалари тиллақори қилиб ишланган. Ичида Иброҳим алайҳиссаломнинг муборак оёқ излари тушган бир тош сақланади. Тошда нақшланиб қолган бу ҳайбатли, илоҳий далил Оллоҳ қудратининг чексизлигидан шаҳодат беради.

Ҳаж арконларига қура, кейинги амал — Сафо ва Марва тоғлари орасида сайъ қилмоқлик. Бир замонлар бу жой очиқ яланглиқдан иборат булган, сунгра мухта-

шам ер ости саройи — тоннел шаклида ёпилган. Тоғлар орасида беш юз метр чамаси узун мрамар йул қилинган. Зиёратчилар саъйни Сафо тоғидан бошлаб Марва томон етти дафъа бориб келадилар. Бу таомил Иброҳим халилulloҳнинг завжаи мухтарамалари Ҳожар онамиз қиссаси билан боғлиқдир.

Маълумки, бу илоҳий қиссанинг гузал талқинлари мавжуд, айримлари куп қатори менинг ҳам қулогимга чалинган. Маккаи мукаррамада унинг яна бир талқинини эшитдимки, тафсилоти бундай:

...Ровийлар андоқ ривоят қилурларким, бир куни Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни қулидаги гудак фарзанди Исмоил билан бирга поёнсиз дашти биёбонга элтиб қўйдилар. Шунда Ҳожар онамиз сурадилар: «Эй Оллоҳнинг расули, бу тангрининг ҳукмими ёки кундошнинг?» Иброҳим алайҳиссалом айтдилар: «Эй Ҳожар, бу тангрининг ҳукмидир», «Тангрининг ҳукми эрса, қабул қилдим», дедилар Ҳожар онамиз ва кимсасиз, жазирама саҳрода гудак билан танҳо қолдилар. Бир пайт Исмоилнинг қорни очди, сув истаб нола қилди, Ҳожар онамиз жондан азиз фарзандининг ноласига тоқат қилолмай, Исмоилни оғушларидан ерга қўйдилар, изтиробга тушиб Сафо ва Марва тоғлари уртасида бузлаб зир югурдилар. Бир маҳал кўрдиларки, оёқларини типирчилатиб ерга ураётган Исмоилнинг товони остидан шарқираб булоқ отилиб чиқди. Қодир Оллоҳнинг амри билан қақраган чулда Оби Замзам булоғи пайдо бўлди. Ҳожар онамиз булоқ атрофини тош билан урадилар, Яратган тангрига шукроналар айтиб, Исмоилнинг ташналигини қондирдилар, узлари ҳам тўйиб-тўйиб ичдилар. Аста-секин булоқнинг довруғи теварак-атрофга тарқалади. Карвонлар бу ерга қўниб утадиган бўлади. Ва замонлар утиши билан бу жойда Каъбатуллоҳ бунёд этилади. Сафо ва Марва тоғлари орасида саъй қилмоқлик, Оби Замзамдан тўйиб ичиб, юз-кузларга сепмоқлик ана шу воқеаларга эҳтиром маъносида таомилга киради.

Умуман, Ҳаж амалларида Иброҳим алайҳиссаломнинг табаррук номи билан боғлиқ рамзий-сирли аломатлар муҳим урин тутади. «Жамратул ақаба» — шайтонга тош отиш маросими ҳам шундай аломатлар жумласидандир. Қурбон ҳайитининг иккинчи куни ҳожилар Минодаги тепаликда Шайтоннинг рамзи сифатида барпо этилган тимсолга қараб етти дондан тош отишлари расмдир. Уламолардан шу хусусда яна бир



ривоят эшитдим. Кейинчалик бу ҳикоятни Сайф уз-Зафар Навбахорийнинг «Дурр ул-мажолис» китобида ҳам ўқидим. Тафсилоти қуйидагича:

...Алқисса, Каъба қурилиб битгач, Иброҳим уни узининг такагоҳига айлангирди. У бир куни така қилиб ултирган эди, «Тур, Каъбани қуриб битирдинг, энди шукронасига қурбонлиқ қил», деган башорат булди. Иброҳим уйқудан уйғониб, Каъбага уч юз қуй келтирди, қурбонлиқ қилиб халққа берди. Яна фармон булди: «Тур, бундан ҳам яхшироқ қурбонлиқ қил». Яна уч юз туяни қурбонлиқ қилди ва халққа сдирди. Нидо келди: «Энг севган нарсангни қурбонлиқ қил». Иброҳим деди: «Жигаргушам Исмоилни яхши кураман». Нидо келди: «Уни қурбон қил». Иброҳим хотини Ҳожарнинг қошига келди ва деди: «Исмоилнинг бошқузини юв, яхшилаб кийинтир, дустнинг уйига олиб бораман». Биби Ҳожар Исмоилнинг бошини ювди, сарпо кийгизди ва деди: «Илоҳим, Исмоилни бизга меҳрибон қилибсан, букун фарзандим отаси билан боради, ўғлимни сенга топширдим, ўз қудратинг билан менга яна соғу саломат қайтаргил». Бу муножот Исмоилни пичоқдан халос қилди...»

Зукко китобхонга Исмоилнинг қурбонлиққа садқа қилиниши воқеаси, албатта, яхши маълум. Шу боис унга батафсил тухталиб ултирмаймиз. Фақат кичик бир чизгини илова қилмоқ лозим: Исмоил алайҳиссалом дашту саҳрода, узини кутаётган қисматдан беҳабар отасига эргашиб бораётганида Шайтон орқадан келиб унинг кунглига қутқу солади. «Отанг сени сўйғали олиб кетаётибди, бу ердан қоч», деб васваса қилади. Исмоил отасига бу ҳолни сўйлаб беради. Иброҳим алайҳиссалом шунда фарзандига ердан тош олиб Шайтонга отмоқликни буюради. Ва бу ҳол уч бор такрорланади. Шу вайҳдан Буюк зиёрат чоғи мазкур амални адо этиш вожиб саналади.

Сайф уз-Зафар Навбахорий бу ҳазин ҳикоятни баён қилар экан, Биби Ҳожарнинг илтижоси Исмоилнинг ҳаётини сақлаб қолди, деган маънони ифода этади.

«Бу муножот Исмоилни пичоқдан халос қилди, — дея хулоса қилади у. — Нима учун Имом Ҳусайнни улдирдилар? Чунки Исмоилнинг ота-онаси ҳаёт эди, ота-онанинг дуоси билан қутулди. Имом Ҳусайннинг ота-онаси утган эди, тиг остида ҳалок булди...»

«Билгилким, — дея фикрига якун ясайди муаллиф, — ота-онанинг фарзандга қилган дуоси мустажобдир ва фарзанд эса киши учун буюк неъматдир».

Мана шундоқ уй-хаёллар билан, илоҳий ҳикматлар садоси билан Умра зиёратини адо қилиб, бир-биримизни муборакбод этдик.

*4 июнь. Маккаи мукаррама. «Қасри Осим» меҳмонхонаси.*

Жабали Савр — Савр тоғи меҳмонхонамиз жойлашган кучанинг номи. Рупарамизда унчалар баланд бўлмаган қатрон тоғ қорайиб куринади. Бу тоғ шаҳарни ураб олган булиб, ундан олти чақирим жанубда жойлашган. Баландлиги беш юз метрдан зиёд келади. Уламоларнинг айтишларича, шу тоғдаги кимсасиз горда пайгамбаримиз алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилишларидан аввал Абу Бакр Сиддиқ билан бирга уч кун мушриклардан яшириниб ётган эканлар. Шунга кура ушбу куҳна тоғ ҳам ислом тарихидан жой олган. У Қуръони каримда ҳам зикр этилган экан.

Бугун кун буйи Қасри Осимда бўлдик. Эски шамоллашнинг таъсирими ёки хонадаги кондиционернинг ишими, кун билан бошим, кузим жуда қаттиқ оғриди. Кузимни очолмайман, урнимдан турай десам — бошим айланиб кетади. Пешиндан кейин дори ичдим. Юз-кузимни фамил чой билан ювиб, пича узимга келдим.

Кеча оқшом Каъбатуллоҳдан қайтаётиб, Ҳарами шариф ёнида афғонистонлик ўзбек зиёратчи Ҳожи Омонуллоҳ Шамс билан танишиб, суҳбат қурган, хайрлашаётиб, манзилимиз дарагини ҳам берган эдик. Тушдан сўнг шу одам бизни йўқлаб келди. У асли Қундуз вилоятидан, бир неча йилдан буён муҳожиротда кун кечиради. Ҳикоя қилишича, ота-боболари бухоролик булиб, бундан тахминан 700—800 йил муқаддам Қундуз томонларга бориб муқим қолишган. Ҳозир ёши қирқ олтида, лекин оппоқ оқарган соч-соқоли, пешонасидаги тарам-тарам ажинлар, гуссали, маъюс кузлари уни хийла кекса, улугсифат кўрсатади.

Ҳожи Омонуллоҳ Шамс узининг қайгули қисмати ни бизга сўйлаб берди. Афғонистонга шуролар бостириб-киргунига қадар унинг бобосидан қолган озроқ ерсуви бўлган. 1200 жириб, деб айтади у. Жириб дегани — эни 60, буйи 80 метрдан иборат майдонга тенг

буларкан. Қулида ишлайдиган деҳқон-чоракорлари, узига яраша мол-мулки бор экан. Туфонли замон туфайли буларнинг барчасидан жудо бўлибди. Бир онадан туғилган етти фарзанддан шу кунгача бештаси инқилоб касофатида ҳалокатга учрабди. Меҳмонимиз Файзиаҳмад, Гулиддин деган укаларини эслар экан, беихтиёр товуши товланиб кетди. Улар Қундузга яқин Чордара деган жойда қатл қилинган экан.

Ҳожи Омонуллоҳ Шамс — хат-саводли одам, Қундуз ва Кобулдаги мактабларда уқиган, сунгра урта мактабда ижтимоият фанидан дарс берган. Шоҳ ағдарилиб, Нурмуҳаммад Таракий ҳукумати урнатилгач, туҳмат билан қамоққа олинбди ва тўрт ой зиндонда ётибди. Беҳад жисмоний қийноқларга дучор қилинибди. Кейин коммунистлар тавба қилиш шарти билан қамоқдан чиқаришибди. Зиндондан халос бўлгач, ерсувини қирқ деҳқонига тақсимлаб бериб, узи этак силкиган. Куп угмай яна қамалади ва бу сафар беш ой ҳибсда ётади. Қочади, озод бўлиб, жиҳод ҳаракатига қушилади. Бугун бойлиги, қўй-молдини сотиб курашчиларга беради. Замонида боболари беш туяга тиллокумуш ортиб келган бўлиб, шундан беш углининг ҳар бирига икки юз кумуш танга мерос қолган экан. У уз улушини жиҳодга сарф қилибди. Уруш ҳаракатларида фаол иштирок этибди. Юртимиз истиқлоли, Ўзбекистон озодлиги Ҳожи Омонуллоҳ Шамсни қанчалик қувонтирса, Афғонистоннинг бугунги аҳволи, қоронги истиқболи шунчалик қайғуга солар эди. Куни кеча иттифоқ бўлиб, ягона гоё ва ягона маслак йулида жон олиб жон берган турли сиёсий раҳбарларнинг бугун бир-бирига ашаддий душманга айланганлиги, мамлакатнинг қонли жаҳаннамга ботиб бораётганлигидан у беҳад изтироб чекар, бунинг сабабларини узича таҳлил қилар эди.

Бизнинг Бобур Мирзо қабрини зиёрат қилмоқ истажимизни эшитиб, у хийла уйланиб қолди. Сунг шу хусусда ақли етганича маслаҳат ва кенгашлар берди. Унинг таклифига қура, Афғонистоннинг ҳозирги муваққат ҳукумати раҳбариятига бир нома — телеграмма юбориладиган бўлди. Темирни қизигида босадиган Зокиржон аканинг фикри билан шу заҳоти нома матнини тайёрлашга киришдик. Ҳожи Омонуллоҳ Шамс тахминий мазмунини айтиб турди, мен қоғозга туширдим.

*«Афғонистон Ислом Жумҳурияти  
Раисжамҳури Субҳатиллоҳ Мужаддий  
жаноби олийларига*

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Аввало, Сизларнинг мустақил жумҳуриятингизни муборакбод этамиз, қуллуқ бўлсин! Сунгра биз Ўзбекистон — Мовароуннаҳрда истиқомат этгувчи ун турт нафар олиму адиб — Заҳириддин Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари муқаддас Ҳаж сафаридан кейин Кобулда бўлиб, ҳазрати Бобур марқадини зиёрат қилиш ниятида эканлигимизни маълум қиламиз. Мазкур зиёратни амалга оширмақлик учун бизга бир ҳафта муддат лозим бўлади. Сиз жаноби олийларидан шу зиёратга изн бермоқликларини сўраймиз.

Бизнинг сафаримиздан мақсад халқларимиз уртасидаги тарихий, маданий, диний ва илмий алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир. Умид қиламизки, жаноблари илтифотларини дариг тутмагайлар.

*Эҳтиром ила,  
Зокиржон МАШРАБ угли — экспедиция раҳбари».*

«Бой ота» бу мактубни Жиддага бориб, Афғонистон консулига топширадиган бўлдилар. Афсуски, бу телеграммамиздан биз кутган натижа чиқмади. То у эгасига етиб боргунига қадар Афғонистонда сиёсий узгаришлар бўлиб Мужаддий урнига Бурҳониддин Раббоний мамлакат раҳбарлигига келди. Ва сунгроқ бу жафокаш улкага қадам қўйганимизда билдикки, биз мадад сўраган одамларнинг узи мададга зор экан... Аммо бу хусусда — мавриди билан ҳикоя қилурмиз. Ҳозир эса Ҳожи Омонуллоҳ Шамсга қайтайлик.

У бизни Пешовардан Кобулга бошлаб боришга, Бобур Мирзо қабридан хоктупроқ олишга кумак беришга ваъда қилди. «Пешоварда сиз билан қандай кўришамиз?», деган саволимизга у ҳайратда қоладиган даражада хотиржамлик билан «Сизларни у ерда узим топиб оламан», деб жавоб қилди. У узига ишонган, шижоатли, мард одам эканлиги сезилиб турибди. Бефарзанд. Зиндонларда етиб, эрлик қувватини олдиридим, дейди, лекин сузларида надомат йуқ. Бу йил аелимизни тоза (янги) қилдик, Оллоҳ фарзанд берса, ажаб эмас, дея умид қилади.

Ҳожи Омонуллоҳнинг айтишича, Афғонистонда қарийб уч миллион ўзбек бор. Аксарият купчилиги Савр инқилобидан қочиб Покистонга ҳижрат қилган, Пе-



Лохур. Шоҳи қалъа мажмуасида

шоварда қапа тикиб, макон тутган. Мен барини уйма-уй биламан, дейди у. Ўзбекистонлик асир йигитларнинг тақдири ҳақида қизиққанимизда, бу хусусда ҳам қулидан келганича кумак беришга тайёр эканлигини билдирди.

Сухбат асноси қизиқ бир воқеа содир булди. Гурунгимиз айни қизиган пайтда хонамиз эшиги тақиллаб, Ҳажга келган аялардан бири — илгари машҳур коммунист булган бир аёл кириб келди. «Ассалому алайкум! — деди у киши уқтам оҳангда. — Зокир Машрабович, бормисиз, бир сурашиб кетай деб эдим. Қалайсизлар, ухху, обстановкalar зур-ку!» Опанинг уткир-уткир гаплари, салобатли қиёфасидан беихтиер суст босиб, ҳаммамиз урнимиздан туриб кетдик. Турдаги тушакда ёнбошлаб ётган Ҳожи Омонуллоҳ ҳайрон булиб опага тикилиб қолди. Опахон унга мутлақо эътибор бермай, гапида давом этди: «Қачон қайтарканмиз, хабарингиз булмадимми? Ун саккизинчида областнинг сессияси, бизди отчет бор, улгуймиканмиз?» Тан олиш керакки, Маккаи мукаррамада, оқ ҳижобга уранган кекса бир муслмон аёл тилидан бу каби гапларни эшитиб туриш... алланечук ғалати туюлар эди!

Опа эса парвойи фалак, гурунгнинг уртасида шартта от солиб юборди:

— Бу иссиқларди қаранг. Мен умримда бир қаттиқ совуқни курганман. Бир минг туққиз юз қирқ биринчи

йил декабрда, ун саккиз яшар пайтим, Москвага, антифашистик митингга Ўзбекистондан вакил булиб борганман. У вохтда ҳозирги аэробуслар қайда дейсиз, транспортний бир самолётда учганмиз. Самолётди ичида совуқдан музлаб улиб қолай деганман. Аэродромга кундик, бир бурон буляптики, кўзди очирмайди. Ҳартугул, Цека Вкпбдан келган одамлар яхши кутиволишиб, жонимга ора киришди. Бир киши денг, катта стаканди тулдириб спирт тутиб турибди. Ич, дейди, йугасам, тош қотиб қоласан, дейди. Эртаси Колонна залида сўзга чиққанман. «Молодая коммунистка из Узбекистана», деб эълон қилишганида роса қарсак булиб кетди. Кейин Москвани айлантиришди, Ленин бобони зиёрат қилдик...

Шу тариқа опа хотира тўлқинларига шўнгиб, қаҳратон Москвадан жазирама Маккаи мукаррамага қайтиб келгунича анча фурсат утди. Унинг шонли тарихини жимгина тинглаб ултирган Ҳожи Омонуллоҳ Шамс бир пайт аста бошини кутариб, деди:

— Опа, куришиб турибди, халққа кўп хизмат қилган экансиз, мана, ешингиз ҳам бир жойга бориб қолибди, энди озроқ Ҳаққа ҳам хизмат қилинг...

Бу киши билан кечки таом чоғи ҳам бирга бўлдик. Сунг у хайрлашиб кетди. Уни кузатиб, меҳмонхонамиз олдидаги майдончага чиқдик. Бу ерда ажиб бир бозор пайдо бўлмишким, анинг оти жаҳон бозоридир. Эҳҳе, нималар йуқ дейсиз бу ерда! Атласу кимхобдан тортиб чойнак-пиёлагача, ерэнгоқдан тортиб курутгача, дурбиндан бошлаб самоваргача — ҳаммаси мавжуд! Ҳожи акалар ва ҳожи аялар савдони хўп қизитганлар. Фақатгина нечундир бу ҳол киши кўнглига андак хижолат солади, холос. Э, худо, дейсан беихтиёр, э, худо, ўзинг шарманда қилмағайсан...

Бозорчани айланиб юриб, тусатдан қулогимга: «Вася, где ты?» деган гап чалиниб қолди. Ялт этиб, товуш келган томонга қарадим. Курсамки, эҳром кийиб, бир уюм темир-терсакни, яъни подшипник, турли хил гайкаю болтларни, фонар ва электрасбобларни олдига қўйиб олиб утирган иккита ўрис йигитга кўзим тушди. Суриштириб билсам, булар ўрис эмас, Уфадан «ташриф буюрган», уз тилини унутган бошқирд зиёратчилар экан. Аллақайси ремонт-механика заводида ишлашар экан, заводдаги жамики темир-терсакни кутариб келишибди.

Ғафур Ғулумнинг Шумболаси ёдимга тушди. Қисса сўнгида қаҳрамон Ҳиндистон сафарини ихтиёр қила-

ди. «Ҳиндистонда нима қиммат?» деса, кимдир: «Темир қиммат», деб жавоб қилади. Қаҳрамонимиз самовар карнайидан тортиб отнинг тақасигача туплаб буйнига осиб олади ва йулга отланади... Афсуски, асар шу жойда адогига етиб қолади.

### *5 июнь. Маккаи мукаррама. Каъбатуллоҳ.*

Бугун эрталаб нонуштадан сунг Ҳожи ака бошчилигида Байтуллоҳга — яна умра зиёратига бордик. Кимки истаса, яқин бир одами учун умра қилиши мумкин экан, савоби уша кишига тегаркан. Дадамга бағишлаб умра қилмоқликка ният айлаб ҳамроҳлар билан миёқодга жунадик. Шаҳар ташқарисидаги миёқодда эҳром боғлаб, астойдил ният қилдик ва Каъбатуллоҳга келдик.

Жума куни булганлигидан халқ ҳар қачонгидан ҳам куп, уммон бўлиб жушиб ётибди. Ҳадсиз машаққатлар билан ичкарига кириб олдик. Бу ердаги одамзотнинг гужгон қайнашидан ваҳмингиз келади. Бу зиёрат шунчаки сайру ҳавас эмас. Муслимлик шартлари оғир, синовлари ундан-да машаққатли. Каъбатуллоҳни олти марта айланиб тавоф қилганимизда жума намозига азон айтилди. Халқ бир зум тухтади, нафас ростлаб тин олдик, сунг намоз уқидик. Агар Худо ўзи қувват ато этмаса, ўзи осон қилмаса, тумонат одамнинг оёғи тагида қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Йулақларда, ерларда, куприкларда, айвону майдонларда, ҳар бир бурчақда, мрамар устунлар пойида Оллоҳ бандалари ибодат ила машғул, нола чекиб, тазарру айлаб ўлтиради.

Яратганга минг бора шукурки, салкам юз минг кишига қушилиб жума намозини уқидик. Қиёмат-туполон ичида баланд бўйли бир арабми, ҳабашми, афғонми, курдми — кимлигини билолмай қолдим, бир бадбахт орқамдан зарб билан гурсиллатиб уриб итариб юборди. Худо бир асрадики, мункиб кетдим, лекин йиқилмадим. Агар йиқилганимда борми...

Зокиржон ака бечора аҳволимни курди, куп ачиhib, тасалли берди. Майли, дедим, майли, кечирдим, Оллоҳ йулига...

Сафо ва Марва тоғи орасида саъй қилгач, пастга тушиб Оби Замзамдан қона-қона ичдик. Ташналик босилди, чарчоқ тарқади. Чиндан ҳам, Ҳадиси шарифда айтилганидек, Оби Замзам саломат киши учун таом, бемор учун эса шифодир.

*6-7 июнь. Маккаи мукаррама. «Қасри Осим» меҳмонхонаси.*

Нонуштадан сунг Зокиржон ака, Ҳожи ака, Муҳаммадсодиқ, Адҳамжон ва Маҳмуд ака Жиддага жунашди. Покистон, Ҳиндистон ва имкони булса, Хитойга виза олиш масаласи билан шугулланишади. Бу ердан Жиддага қадар стмиш километр.

Мен эса Рустамжон билан шаҳар айланиб келдим. Кунгил истаган жамики зеб-зийнат, матою либос, нознеъматлар тулиб-тошиб ётибди. Нархи биз — мусофирлар кўзининг оловини олади, холос. Чунтакда риёл булса — бас. Риёл — бақувват пул, уч риёл — бир доллар демақдир. Оллоҳ таолонинг қудрати билан бу замин қаърига нефтнинг битмас-туганмас хазиналари жо булган. Нефть эса, маълумки, долларнинг дояси-дир.

Шаҳардан астагина, пиёда юриб қайтиб келдик. Қаватимизга чиққач, меҳмонхонамиздаги ҳаёт тарзини бир оз кузатдим. Нима учундир бундаги гаройиб манзаралар Буниннинг «Сан-Францисколик жаноб» асарини ёдимга солди.

Тушдан кейин хонамда ултириб «Бобурнома» ўқидим. Ҳижрий туққиз юз олтинчи йил воқеаларини қайта мутолаа қилдим. Ҳазрати Бобурнинг шижоатли ва беҳад сирли шахсияти ҳақида бсихтиёр уйга толдим.

Ва шунда бундан икки йил муқаддам битилган бир бадиани эсладим. «Бобурнинг тушлари» деб аталган бу бадиий лавҳада умри илоҳий ҳақиқат нури билан мунаввар булган мумтоз инсоннинг руҳий кечинмалари ҳақида ҳикоя қилмоққа уринган эдим.

## БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

Бу муаззам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин.

Чунки у улўф инсоний тажриба, беқиёс инсоний фазилатлар ила йўғрилган китобдир. Чунки бу нодир дурдонанинг яратгувчиси соҳиби фазилат, соҳиби ҳикмат булган мумтоз бир кишидир. Жаҳон тарихи унинг сингари заковатли ва шижоатли зотларни кам кўрган.

Шу боис ҳам «Бобурнома»ни китобат қилган котиблардан бири китоб ниҳоясида асар муаллифини таърифлаб: «Ва фазилат бобида камлиги йўқ эрди», дея таъкидлайди.



Бу сузларда муболага йўқ — аини ҳақиқатдир.

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун «Бобурнома»ни кунгил кузи билан яна бир карра мутолаа қилиш ки-фоя.

Мутолаа сўнгида эса одамнинг ҳаёли осмон қадар юксалиб, тасаввури бешиҳоя равшан тортиб кетиши табиийдир.

Мен бугун шундай ҳолатдаман.

Бобур ва «Бобурнома» ҳақидаги баъзи қайдларимда бу асарни Ибрат китоби, Мардона китоб, Донишманд-лик китоби дея атаган эдим. Навбатдаги мутолаадан сўнг бу муҳташам асар саҳифаларида буюк бир сир, инсонни лолу ҳайрон этадиган сеҳрли тилсимлар ҳам пинҳон эканига иқрор бўлдим.

Ва шу сабаб бу китобга Буюк сирлар китоби, деб таъриф бериш уринлидир, деган мулоҳазага келдим.

Буюк сирлар китоби... Оламнинг яралиши, тузили-ши, унинг ажабтовур ишлари — бошдан-оёқ сир, одам эса ундан-да сирлироқ бир хилқатдир. «Бобурнома»ни саҳифама-саҳифа варақлаб курсангиз, унинг қатларида унлаб гаройиб тилсимотларга дуч келасиз.

Уларнинг шарҳига тилингиз, тафаккурингиз ожиз қолади.

Чунки шу сирли ҳодисаларни зикр этган зотнинг узи уларга шарҳ тополмаган. Дунёда илми ғайб деб аталмиш муъжиза мавжудлигига «Бобурнома»дек ҳақ-қоният китобини мутолаа қилган киши, шубҳасиз, имон келтиради.

Биламизки, Бобур уз даврининг пешқадам мута-факкири сифатида хурофотдан, тараққиёт йўлига гов ташлайдирган турли бидъатлардан йироқ бўлган. Им-кони қадар бунингдек қарашлар ва хатти-ҳаракатлар-дан узоқ юрмоққа тиришган. Хурофот билан ҳақиқат чегарасини жуда нозик фарқлаган Бобур Мирзо бир уринда шундай ғалати манзарани тасвирлайди:

«Ғазни кентларида бир мазор бордурким, саловот айтғоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилил-ди, қабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сунгра маълум булдиким, мужовирларнинг тахвири экандур. Қабр-нинг устига бир жулья ясабтурлар, ҳар замон жульяга тегадурлар, жулья тебрангач, қабр тебрангандек мах-сус буладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик махсус булур. Буюрдумким, мужовирлар жульядин йироқ турдилар, бир неча сало-ват айттилар, қабрда ҳаракате махсус булмади. Буюр-

думким, жульяни бузиб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракаттин таҳдид ила маън қилилди».

Бу — Бобур ҳаётидаги ягона ҳодиса эмас. Бобурнинг умр китоби — «Бобурнома»дан шу янглиг мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уз саройида хизмат қилган Муҳаммад Шариф деган мунажжимни эслаб утаркан, Бобур унинг сохта қароматларидан аччиқ истеҳзо билан кулади. Жангу жадаллар фурсати етганида бу шумнафас мунажжим кўп ҳолатларда ёлгон башоратлар билан Бобурнинг шаҳдини қайтармоққа уринган. Бу тун Миррих гарб соридир, шул тарафдан урушқон киши мағлуб бўлғусидир, қабилидаги уйдирмаларга қулоқ тутмаган саркарда бунинг акси улароқ зафар қозонган.

Демак, аён бўлаётирки, Бобур илоҳий ҳақиқат нима, хурофий ақида нима — бағоят теран англаган, мураккаб, қалтис тарихий муҳитда ягона тугри йулни адашмай топа билган.

«Бобурнома»нинг илоҳий егду билан мунаввар саҳифаларида Бобурнинг гаройиб тушлари тафсилига дуч келамиз.

Ҳижрий тўққиз юз олтинчи йил, кеч кузак. Қоронғи, узун кечалардан бири. Хазонлар ҳазин шивирлаган шу сокин тунда Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди. Бу туш таъбирига киришмоқдан аввал бир сония ҳикоямиз учун бениҳоя аҳамиятли бўлган бир нуқтага диққат қилайлик. Маълумки, Бобур замонасининг пири комили, даврнинг муътабар зотларидан бўлмиш Хожа Убайдулло Аҳрорга юксак эътимод қўйган эди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сингари даҳолар пир деб билган ва маънавий устоз сифатида ғоят қадрлаган Хожа Аҳрори валийнинг пок суврат ва сийрати «Бобурнома» саҳифаларида айниқса ёрқин намоён бўлади. Бобур Хожа Аҳрор сиймосини илоҳий қаламнинг илоҳий қудрати билан чизади. Бу суврат кейинчалик, орадан не бир замонлар утиши билан ёлгончи муаррихлар ва қаламкашларнинг замонасозлик бўёғи ила қалбакилаштирилади. Хожа Аҳрори валий жамики ноинсоний хислатларнинг мужассам тимсолига айлан-тирилади. Шу тариқа синфий ёндашув асосида ҳам кулгили, ҳам аянчли мантиқсизлик вужудга келади: унлаб, юзлаб илмий тадқиқотларда, бадий асарларда гуёки Жомий ва Навоий тараққийпарвар-у, уларнинг руҳий камолига қуприк бўлган Хожа Аҳрор бориб тур-

ган жаҳолатпараст бир кимса... Бундай тухматларнинг қай даража қабихлигини ва даъволарнинг нечоғли пучлигини англамоқ учун ҳам «Бобурнома»га мурожаат этсак ўринли булур.

Бобур замонасидаги бирор кишига баҳо берар экан, аксарият ҳолларда унинг Хожа Аҳрорга булган муносабати ёки Хожа Аҳрорнинг шу шахсга булган муносабатини асосий мезон қилиб олади. Жумладан, падари бузургвори Умаршайх Мирзонинг феъл-атворини таърифлаб келиб: «Ҳазрат Хожа Убайдуллога иродати бор эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф булиб эрди, Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд дер эдилар», дейди. Ёки Султон Аҳмад Мирзонинг Хожа Аҳрорга нисбатан ихлоси хусусида сўз юритиб, ушбу лавҳани зикр этади:

«...дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ултурубтур. Мирзо қупқондин сунг ҳазрати Хожа буюрибдурларким, Мирзо ултургон ерни боққайлар, бир сунгак бор экандур».

Султон Аҳмад Мирзодек давр сурган ҳукмдорки Хожа Убайдулло суҳбатида шу қадар одоб сақлаб ултирар экан, демак, бунда чуқур бир маъно бор. Шунинг учун ҳам Бобур сўзида давом этиб: «Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар», дейди.

Бобур гоҳо замондошларидан бирининг салбий хислатлари ҳақида сўз юритар экан, уша шахснинг Хожа Аҳрорга нисбатан салбий муносабати унинг табиатидаги иллатларнинг пировард-натижаси эканини алоҳида таъкидлайди. Султон Маҳмуд Мирзо, деб ёзади у, «бад эътиқод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллога истихфоф қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди».

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур тарихий шахсларга баҳо бераётиб, биринчи галда уларнинг наслнасаби — валодати, шакл-шамойили, ахлоқ ва атвори билан бир қаторда устози — тарбият берган мураббий ва муқаввийларига махсус эътибор қаратади. «Хожа Мавлонои қозининг оти Абдуллодир. Бу от била машҳур бўлуб эди. Ота тарафидин насаби шайх Бурҳониддин Қиличқа мунтаҳи булур. Она тарафидин Султон Илик Мозиға стар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа

қози ҳазрати Хожа Убайдуллонинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа қозининг валийлигида менинг ҳеч шакким йўқтур».

Курдикки, Бобур Мирзонинг Хожа Аҳрори валийга эътиқод-эҳтироми ғоят баланд мақомда булган. Хожа Аҳрори валийнинг муътабар шахси ва илоҳий сиймоси, уз навбатида, Бобур тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Бу фикрни Бобурнинг ишларигина эмас, ҳатто тушлари ҳам тасдиқ этади.

Дарвоқе, сўз Бобурнинг тушлари хусусида эди.

Алқисса, ҳижрий туққиз юз олтинчи йил, кеч кузак, қоронги, узун кечалардан бирида Бобур Мирзо сирли бир туш курди. «Ушул фурсатта ажаб туш курдум, — деб ҳикоя қилади Бобур. — Туш курарменким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ултурдилар. Хожанинг олига ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотирига имо билан дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қуптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида унгу қулумдин ё сул қулумдин тутиб андоқ кутардиларким, бир оёғим ердин қупти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ушул неча кунда—уқ Самарқандни олдим».

Тушда аён булган бу илоҳий кароматнинг қай тариқа ва қай даража амалга ошганини билмоқ учун «ушул фурсатта» Бобур ҳаётида қандай тарихий ҳодисалар юз берганини кузатмоқ лозим. Мазкур туш тафсилотидан хиёл аввал Бобур бунга изоҳ бериб утади: «Бир куни Асфидак қургонида жами ичкилар, мисли Дуст Носир, Нуён кукалтош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кукалтош, Мирим Носир бори ҳозир эдилар, менинг қошимда ултуруб эдилар. Ҳар тарафдин сўз утар эди. Дедимким: «Келинг, айтингким, тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғайбиз?» Баъзи дедиларки: «Ёзга олғайбиз». Ул маҳал кеч куз эди. Баъзи «бир ой-қирқ кун», баъзи «йигирма кун», дедилар. Нуён кукалтош дедиким: «Ун турт кунда олурбиз». Тенгри рост келтурди, роса ун турт кунда-уқ Самарқандни олдук».

«Тенгри рост келтурди...» Тангри рост келтирган бу башоратнинг аввало Нуён кукалтош тилига, сунгра Бобур Мирзо дилига Хожа Аҳрори валий томонидан солиниши чиндан ҳам илоҳий бир муъжиза эмасми?

Биз бугунги кунда гайриоддий хислатлари билан купчиликни ҳайратга солаётган афсунгарлар, кузбойлагичлар ва улар сафидаги талай товламачиларнинг хатти-ҳаракатларига қойил булиб таҳсин уқиб утирибмиз. Бироқ куҳна тарихимизни синчиклаб куздан кечирадиган булсак, ҳар қадамда илоҳий кучларнинг ҳақиқий қудрати билан изоҳлашгина мумкин булган тилсимот ва жумбоқларга дуч келаверамиз.

Ҳижрий туққиз юз саккизинчи йил, қаҳратон қиш, совук, зимистон тунларнинг бирида Бобур Мирзо яна бир тилсимлик туш курди. «Бобурнома»да бу туш тавсифи ва у билан боғлиқ баъзи тарихий ҳолатлар шу қадар ҳаққоний ва шу қадар теран инсоний изтироб билан йугрилганки, бирмунча узунроқ булса-да, батафсилроқ кучирмалар келтириб утиш ҳикоямиз мақсадига мувофиқ булур.

Алқисса, ҳижрий туққиз юз саккизинчи йил қишига келиб Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таназзулга юз тутган эди. Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилиб саргардон юрган кезларида унинг аҳволи бисёр паришон эди. Ҳз ҳолатини узи таърифлаб айтганидек, вилоят йуқ, вилоят умидворлиги йуқ, навкар пароканда... Ана шундай маъюс, қутсиз ва таҳликали кунларнинг бирида у Карнон деган бир масканда ёғий қулида қуршовда қолади. Уни не вақтга қадар изма-из таъқиб этиб келган ганим навкарлари макр-ҳийла ила тириклайин қулга туширмоққа тиришадилар. Ёлғон ваъдалар бериб алдамоққа уринадилар. Бобур Мирзо ёлғиз ўзи, қуролсиз, яроғсиз, уловсиз — имконсизлик қаърида қолиб, энг сунгги чорага аҳд қилади: «Муни дегач, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳминдин ёмонроқ нима булмас эмиш. Мен дедимким, ростлигини айт. Агар иш узгачарак булгудектур, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале анинг онтига ким инонадур. Узумда бестоқатлиге фаҳм қилдим. Қуптум, боғ гушасига бордим. Узим била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони вар яке руз,  
Бибойд рафт азин кохи дилафруз<sup>1</sup>.

«Узумни ўлумга қарор бердим, — дея қайғули қис-

<sup>1</sup> Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кунгул очувчи бу қасрдан кетиш керак булур. (Форс.)

сасини давом эттиради Бобур Мирзо. — Ушал богда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудим, бошимни муножотқа қўйиб, тилак тилайдур эдимким, кузум уйқуга борибтур. Курадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг угли — ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рубаруйимга аблақ от мениб, кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадига ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кутаринг, уйғонинг».

«Ушал ҳолда хушҳол бўлиб уйғондимким, — дея ҳикоя қилади Бобур Мирзо, — Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни эшитиб мен дедимким, сизлар бу йусунлуқ сузлашурсиз, аммо кураинким, қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?.. Ушбу сўзнинг устида эдимким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошига борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўп киши йиборубтур, сизни тутғали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборган кишиларининг отини товуши булғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб купроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим...»

Бу сатрларни юрагимиз энтикиб ҳаяжон ила ўқир эканмиз, биз ҳам қаттиқ изтиробга туша борамиз. Аммо ич-ичимиздан аллақандай бир мўъжиза рўй беришига, мўъжиза рўй бермасдан мумкин эмаслигига имон келтирамиз. Чунки боягина мазкур булган тушда: «Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз», деган илоҳий бир каромат эшитилган эди-ку? Таҳлика ва ҳаяжондан ҳояжонимиз бир жойга етганида интизорлик ила куз тутганимиз мўъжиза содир булади — Бобур Мирзонинг товуши яна қатъият ва шижоат билан янграй бошлайди:

«Ушал ҳолда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлгон еридан раҳна қилиб кирдилар. Курсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим, ун-ун беш, йигирма киши булғой, етиб

келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин узларини ташлаб, йироғдин юкуниб, таъзим қилиб менинг оёғимга йиқилдилар. Ушал ҳолда манга андоғ ҳолат булдиким, гуё манга янги боштин худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доругани ва бу тургон мазкур мардакларни тутуб боғланг. Ушал мардаклар қоча бериб эдиким, бир ерда бировини тутуб боғлаб келтурдилар...»

Энди бир зум нафасни ростлаб, ажал чангалидан қайтган Бобур Мирзо билан биргаликда тангрига шукрона айтмоқ фурсати етди. Табиийки, вужудни зилзила янглиг зир титратган улим ваҳми аригач, халоскорларга юзланиб савол берилгай:

«Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз?»

Қутлуг Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғонда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш курдумким, Хожа Убайдулло дедиларким(!), Бобур подшоҳ Карнон деган кенттатур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ булубтур. Мен бу тушни куруб, хушҳол булуб, улуг хон, кичик хонга арз қилдум, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини-уғлум бор, яна бир неча йигит қушунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайн. Хонлар дедиларким, бизнинг ҳам хотиримизга стадурким, ушал йулга боргон булгай. Ун киши тайин қилдилар... Бобои Паргарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундурким, йул келабиз. Алҳамдулиллоҳ, сизни топдук...»

Хуш, ақл бовар этмас бу ҳолни қандоқ баҳолаш мумкин? Оддий бир тасодифнинг оддий бир куруниши деб талқин этсак, кулги ва мазахга сазовор булмаимизми?

Ҳар қалай, моддиюнчи — материалистик дунёқарашга асосланган бизнинг тасаввуримиз бу гаройиб тилсимотни дабдурустдан қабул қилиши ва идрок этиши маҳол. Моддиюнчи дунёқарашнинг улуг бир айби будурким, у оламини сирру сехрдан, бинобарин, жозибадан маҳрум қилиб қўяди. У ҳамма нарсани қуруқ ва жунгина мантиқ қолипига тортишга уринади, бешарҳ ҳодиса-ҳолатларга шарҳ топишга уринади. Шу тариқа моддиюнчиликка ихлос қўйган одамнинг тасаввури ҳам қашшоқлашиб, бепоён ва рангин олам, бағрида миллионлаб тилсимларни жо этган коиноту уммонлар

шунчаки оддий табиий жисмларга айланиб қолади. Моддиюнчилик инсоннинг кунглидаги илоҳий нурни сундиради. Сундиради-ю, эвазига, афсуски, ҳеч нарса тақдим қила олмайди...

Бобур Мирзо, курдикки, қалбида ҳамиша илоҳий нур шуъла сочган бир зот бўлган. Ана шу қудратга ишонч, уни тан олиш, унинг ҳукми ва адолатига буйинсуниш, унинг қасосидан ҳайиқиш — буларнинг барчаси буюк жаҳонгирнинг ҳар бир қадамини қаттиқ тафтиш остига олиб кузатиб борган, уни уринсиз хунрезликлар, шариат аҳкомлари ва даврнинг ахлоқий қоидаларини бузишдан сақлаб келган. Шу маънода «Бобурнома»да акс этган адолат тушунчаси, адолат туйғуси ғоят эътиборга моликдир. Бу туйғу зикр этганимиз уша илоҳий қудрат билан чамбарчас боғлиқ, ундан маънавий озиқ олади.

Маълумки, Бобур ўз қушини уртасида жуда қаттиқ тартиб-интизом урнатган. Халққа ноҳақ зулм қиладиган, талончилик билан шугулланадиган навкарларга, аскарбошиларга унинг нафрати бениҳоя чексиз бўлган. Бобурнинг нуқтаи назарича, бундай манфур кимсалар муқаррар равишда сазовори лаънат бўлиб, қасосга учрашлари шубҳасиздир.

«Бу юрттин кучиб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой улангига тушулди, — дея саргузаштларидан бирини ҳикоя қилади Бобур. — Хисравшоҳнинг эли — куни зулм ва бссарлиққа урганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайидим Али Дарбоннинг бир убдон навкари бировнинг бир куза ёгини тортиб олгон учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида—уқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».

Ёки бошқа бир уринда — Ём навоҳисида экан чоғида руй берган воқеани сўйлаб, Бобур ибратомуз бир ҳолни баён этади. Бу кентда аҳолидан зўрлик билан талаб олинган мол-мулкни тонгга қадар эга-эгасига қайтариб беришни аскарларига қатъий суратда амр қилади. Эртасига, деб хотирлайди у, чсрик кулида нина синигию ип учигача қолмади — бари элга қайтариб берилди.

Донишманд салтанат соҳиби Бобур ҳижрий туққиз юз уттиз иккинчи йилда махсус фармон чиқарди. Бу фармонга биноан кишилардан, шаҳар ва қишлоқлар, куча ва гузарлардан олинадиган солиқ — тамга пули бекор қилинади. Назмий йўсинда битилган, иқтисодий муаммолар таҳлилига бағишланган рисоласи «Му-



баййин»да эса у мулкдор гуруҳларнинг бева-бечора, қашшоқ-нотавонларга доимий равишда кумак бериб туришларини амр қилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу билан Бобур мазкур буйруққа қонун тусини берган экан.

Саодатли шоҳ эл-улуснинг муқаддас жойларига, халқ тавоф этадиган мазорлар ва сағаналарга ҳамиша эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлиги, уларнинг қайси дин, қайси мазҳабга мансублигидан қатъи назар, оёқости этилишига, таҳқирланишига қарши кескин курашгани яхши маълум.

«Уч кун Синд ёқаси билан—уқ келдук. Уч кундин сунг Пир Қону мазори тўғрисидин Синд дарёсидин айрилиб, Пир Қону мазорига келиб туштум. Черик элидин баъзи мазорнинг мужовирларига мазоҳим бўлгон учун бирини сиёсат учун пора-пора қилдурдум. Бу мазор Ҳиндистонда бисёр муътабар мазордур».

Бу сатрлар беихтиёр кишини теран ўйларга гарқ қилади.

Бобурни талончи деб атаган, мустабид, қонхўр, дея маломат таққан, умр бўйи халқнинг муқаддас мсҳробларига ўт қўйиш билан, ўзи сув ичган булоқларга тупуриш билан машғул бўлган замонамизнинг баъзи арбоблари бугун — эл нафратига дучор бўлиб ўлтирган чоғларида «Бобурнома»ни қўлларига олиб, айна шу саҳифаларни ўқиб кўрсалар қандоқ буларкин? Мазорларни бузган, зиёратгоҳларни кунпаякун қилиб «оқ олтин» майдонига айлантирган, халқнинг асрий байрамларини тақиқлаган, эски имлодаги ҳар қандай китобни кўриб лабига учуқ тошадиган бу жаҳолат бандалари шунда қандай ҳолатга тушган булур эдилар?

Бадбин кўнгилларида бир зум иштибоҳ пайдо булармикан?

Тазарру уйғонармикан?

Афсуски, биз бун билмаймиз.

Билолмаймиз.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: хуш, Бобурнинг кўнглида адолат туйғуси қачон, қай тариқа қарор топган эди? Табиийки, бунда биринчи галда у униб-ўсган оила муҳити, унга таълим берган мураббийларнинг тарбияти ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Масалан, унинг падари бузургвори Умаршайх Мирзога хос адолат туйғусини олиб кўрайлик.

«Адолати бу мартабада эдики, — дейди Бобур, — Хитой қорвони келадурганда Андижоннинг шарқий

тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлук корвонни андоғ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассиллар йибориб, корвоннинг жами жиҳоти-ни забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йуқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сунгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди».

Бобур Мирзо ана шундай одамларнинг фарзанди эди.

Бобурга хос булган инсоний фазилатларнинг замирида илоҳий қудратга ишонч ва иймон мужассам эканини курдик. Таассуфки, бизнинг кунларимизга келиб, бу ноёб инсоний фазилат йуқлик сари юз тутди, кунглида унча-мунча илоҳий ёғду зарраси қолган кимсалар қадр топмадилар, аксинча, эл аро таажжуб ва кулгига сабаб булдилар. Киши молидан ҳазар қилмаслик, ҳаром-ҳаришдан жирканмаслик одат тусига кирди. Шулар ва шулар сингари унлаб-юзлаб номарғуб хусусиятлар жамиятни таназзул кучасига бошлагани сир эмас.

Суҳбатимиз давомида қайта-қайта зикр этганимиз илоҳий бир қудрат Бобур Мирзони умр буйи тарк этмади. Ҳатто ҳаётининг сунгги сонияларида ҳам у самовий сирлар оғушига қовушиб кетди. «Бобурнома»да қайд қилинган шу лавҳани уқир эканман, кўп вақт ҳушдан айру тушган каби беҳол ултираман. Ҳаёт ва улим, борлиқ ва йуқлик — бу чигал, азалий тилсимот айни шу лаҳзаларда киши ҳаёлини бутунисича чирмаб олади.

Келинг, яхшиси, шу сирли лавҳани биргалашиб кўздан кечирайлик:

«Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғаким, анинг жойгири эди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эрди, зоҳиран, ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. Тоонки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлиға келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтирсинларким, ҳакими ҳозиклар куруб, дардига даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йули билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши булмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға даво будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кунглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин узга яхшироқ нимарсаси йуқ. Мен узум тасаддуқ бу-

лайн, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, узга муқарраблардин арзга еткурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сихҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтура-сиз. Гараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ушал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазига нечук булгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул булубтур. Ва андин утубтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтургаймен. Ушал ҳолатта кириб, уч қатла бошидин ургулиб, дедимким, мен кутардим ҳарне дардинг бор. Ушал замон мен огир булдум, ул энгил булди. Ул сихҳат булуб купти. Мен нохуш булуб йиқилдим...»

Йуқ, энди бу тилсим таҳлилига адибнинг эмас, табибнинг қалами, нуқтаи назари даркор! Халқ орасида куп бора эшитганмиз: «жоним садаға булсин», «жонимни берайин» каби каломларни. Айни манзара худди уша фарзандига жонини қурбон қилишнинг ҳам илоҳий, ҳам моддий — заминий қуриниши эмасми?!

Устоз Эркин Воҳидов бир суҳбатда айтган эдилар: «Ҳазрат Алишер Навоийни мутолаа қилиб ултириб баъзан шубҳага ҳам бораман — ҳазрат бу дунёнинг одами эмасмикан, деб...»

Шу сингари Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам бизнинг одатий турмушимиздан, кундалик майда ҳою ҳаваслар ила хиралашган, самовий сирлардан, илоҳий жозибадан маҳрум булиб бениҳоя ғариблашиб, хувиллаб қолган ҳаётимиздан нақадар юксақда!

Биз тараққиёт олға қараб бораётир, деймиз. Ташқи — зоҳирий жиҳатлардан, дарҳақиқат, шундай. Аммо ботиний белгиларга қараб баҳо берадиган булсак, руҳимизнинг парвози, ҳаёлларимизнинг миқёси, орзу-ниятларимизнинг теранлиги тарафидан биз улуг аждодларимиз етиб борган манзил-мароҳилларнинг яқинига ҳам йўлаёлмаганимиз маълум булади.

Шу маънода тараққиёт сўқмоқларидан бири сирли, илоҳий Мозий орқали утади, деб айтсак, хато булмас.

*9-10 июнь. Маккаи мукаррама. Мино водийси.*

Уч кунлик тафсилотни бирйула ёзишга туғри келяпти.

9 июнь куни бомдоддан сўнг оммавий равишда Минога қараб йул олдик. Мино Маккадан саккиз-ун

километр чамаси нарида жойлашган, атрофи тоғ билан уралган бийдай бир дашт. На бир тиккайган да-рахт, на бир гиёҳ бор.

Тонг сахарлаб минг-миллионлаб зиёратчи ким машинада, ким пойи пиёда, ким отлиқ, ким туяда Буюк Ҳаж ибодат фарзларини адо этмоқ учун Мино водийсига қараб тизилиб келмоқда. Индонез ҳам шунда, курду филиппин, ҳабашу форс, япону туркман, бошқирду фаранги — бари шунда.

Поёнсиз, аланга уфуриб ётган саҳро уртасида минг-минг чодир тикиб ташланган. Чодирлар қадимий лашкарлар қароргоҳи тартибида қад ростлаган. Бир-бирига ухшаш кўчалари, чироқлари, дорихонаю дух-тирхона, дўкон ва ошхоналари билан уюшган бир шаҳарни ёдга солади. Ҳар бир мамлакат алоҳида жойни эгаллаган, мамлакатлар эса ўз навбатида вилоятларга бўлинган, аниқроғи, ўша шаҳру қишлоқлардан келган ҳожиларнинг жуғрофий белгисига қараб ажратилган.

Чодирлар ичига япон елпарраклари, кондиционер ва муз солинган сувидишлар қўйилган, шолчалар ташланган. Биз араб ва кирилл ҳарфларида «Андижон вилояти ҳожилари» деб ёзилган чодирга кириб боришимиз билан норгул-норгул хизматчилар югургилаб қимматбаҳо араби, эрони гиламларни тап-тап эткизиб оёғимиз остига тушаб ташладилар. Рупарадаги пастқам тоғлар ҳам гўёки бир кечада қор ёғиб чиққандек оппоқ-оқ либосдаги зиёратчилар ва уларнинг чодирларидан оқариб қолган.

Жазирама иссиқ, бамисоли қуёш ҳам эриб, ҳавога айланиб кетгандек, нафас олсангиз лиқ-лиқ кўрғошин эритмаси ютаётгандек буласиз...

Оллоҳга шукрона айтиб, тоат-ибодат, талбия, зикр-само билан ултирдик. Таомларни шу иссиқда қайноғини қайноқ, муздайини муздай ҳолда етказиб туришганига қойил қоласиз. Адҳам ҳар сафар таом пайти лўқма ташлаб кўяди: «Яшасин қирол!» Лекин овқатга иштаҳа йўқ, вужуд фақат сув тилайди.

Пешиндан кейин кўшни — «Тошкент шаҳри ҳожилари» чодиридан ёзувчи биродаримиз Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон йўқлаб келди, унинг изидан Тохир Малик, Усмон Азим келишди. Нуруллоҳон Қуръони каримнинг узбекча таржимони Алоуддин Мансур билан биродаримиз Анвар Турсуннинг ҳам шу ерда эканликларини айтди. Бориб уларни зиёрат қилдим. Анваржон ҳам, Алоуддин ҳазрат ҳам қаттиқ шамоллаб

узларини анча олдирибдилар. Фаррух ҳаммамизни биргаликда видеога туширди. Пича гурунглашиб ултирдик. Беихтиёр утган йили шу пайтда Паркентда, меҳнат таътилим пайтида Анваржон билан биргаликда Қуръони каримнинг узбекча таржимасини нашрга тайёрлаш чоғида бўлган бир суҳбатни эсладик. Ушанда таржимон Қорасувдан таржимани бобма-боб тугатиб, масъул муҳаррир Анваржонга етказиб турар, у киши эса нашриёт муҳаррири сифатида мен билан иш олиб борар эди. Шундай кунларнинг бирида Анваржон оҳиста: «Хайриддин ака, бу хизматлардан савоб куп. Ким билсин, балки Оллоҳ насиб этиб, шу баҳона Ҳаж томонларга ҳам сизу бизга йул очилиб қоладими», деган эди. Худди айтганидек булиб, ордан бир йил утгач, шу улуг юмушга озми-купми дахлдор одамларнинг аксарияти, мана, Тангрининг июноти билан Мино водийсида дийдор куришиб турибмиз. Шу воқеани суйлаб берганимда ҳазрат Алоуддин: «Ҳақ таоло жаннат боғларида ҳам бир-биримизга мана шундоқ меҳр-муҳаббатлик булиб ултиришимизни насиб қилсин», дея дуо қилдилар.

Кейин Анваржон сал наридаги хайма — чодирга бошлаб бориб, Абдулла Орипов ва ёзувчи Хуршид Дустмуҳаммад билан учраштирди. Абдулла ака «Ҳикмат садолари» китоби билан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси уюштирган танловда голиб чиқиб, Ҳажга йулланма билан тақдирланган экан.

Хуршид Дустмуҳаммад ҳам қаттиқ шамоллабди, томоғи гип бўғилган, қизариб-буртиб юрибди. Абдулла акаям роса ҳолдан тойган, бунинг устига йул азоби, иссиқ. «Келганимиздан буён нуқул ношуд ҳайдовчига йулиқамиз, гоҳ адаштиради, гоҳ ярим йулда ташлаб кетади», дея ҳасрат қилди у.

Фикри фикрингга ҳамоҳанг, ақлли ва доно одам билан суҳбатлашмоқ қанчалар бахт! Абдулла ака билан бир соатлаб мириқиб гурунглашдик. Таассуротларимиз ва кайфиятимиз беҳад монанд чиқди. Шоир янги шеърлар ёзибди, аср намозини шаҳрихонлик ҳожилар билан ўқидик, сўнгра у пичирлаб иккита шеър ўқиб берди. Мазмунан шундай: Каъбатуллоҳда бир мусулмон бечоранинг бор буд-шудини ўғри уриб кетибди. Кейин эса ҳеч нарса кўрмагандек, ўғри ҳам, жабрдийда ҳам ибодатга машғул булибди. Ўғри мамнун, бечоранинг кузида ёши... Бу ҳолни куриб яна ҳам қорайди Каъбанинг тоши...

Иккинчи шёърнинг мазмуни, тахминан, қуйидагича:

Курдим: Байтуллоҳда икки мусулмон,  
Бир-бири билан уришиб чой талашарди.  
Билдимки, шу лаҳза бу икки инсон  
Дузахдан узига жой талашарди.

«Инсон ҳамма ерда инсонлигича, ҳатто Маккада ҳам шу аҳволида қолар экан», деди Абдулла ака хурсиниб.

У бизнинг сафаримизга бениҳоя қизиқиб қолди. «Бой ота»ни у киши ҳам яхши танир эди. Ёдингизда булса, бир минг туққиз юз саксон учинчи йил воқеалари баёнида бу ҳақда муфассал ҳикоя қилинган. Шу боис бизнинг йуллардаги юриш-туришимиз, изланиш ва маишатларимизни синчиклаб сураб-суриштирди. Кейинчалик, юртга қайтгач, Абдулла ака «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида узининг сафар таасуротларини баён этибди. Шу мақолада, жумладан, экспедициямиз фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб утилган: «Маккаи мукаррамада, Мино водийсида булган пайтимизда истёдодли ёзувчи укам Хайриддин Султонов ва унинг андижонлик бобуршунос дўстларини кўриб қувониб кетдим. Улар улуг бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур изидан юриб, бир қанча мамлакатлар ҳудудида илмий-иждодий ишларни амалга ошираётган эканлар. Улар ҳам Маккада бўлиб, муқаддас Ҳаж арконларини адо этиб ҳожи бўлдилар. Сунгра биз билан хайр-хушлашиб, автомобилларида яна йулларида давом этдилар. Ўзбекистон тарихида бундоқ хайрли ва узига хос илмий сафар гоят ноёбдир. Унинг узи бир тарих бўлиб кечмишимизда учмас ҳарфлар билан ёзилиб қолишига ишонаман».

*11-12 июнь. Маккаи мукаррама. Арофат тоғи.  
Муздалифа сахроси.*

Кечаси тус-туполон билан Арофат тоғига қараб кучилди. Ривоят қилишларича, пайгамбаримиз Қавса номли севикли туясига миниб, бу ерга дамба-дам келиб турар, ботиб бораётган қуешга термилганча теран ҳаёлларга гарқ булар эканлар. Бу жойда Раҳмат тоғи бор, у дуолар ижобат буладиган макондир. Бунда пас-

так-пастак, бугасимон дарахтлар кукарган, улар орасига чодирлар тикилган. Айрим дарахтлар кичиклигидан чодирлар ичида қолиб кетган. Суриштириб билсак, бу сахрои азимда кўзни яшнатиб турган ушбу дарахтлар уч-турт йил муқаддам экилиб, сунъий равишда суғорилиб турилар экан.

Бугун кун ниҳоятда қаттиқ қизиди. Тоат-ибодат билан фурсатни кеч қилдик. Оқшом Муздалифа дашти томон жўнадик. Еру кўкни машина тутиб кетгандек. Баайни ини бузилган чумоли дейсиз. Турли мамлакатларнинг турли хил машиналари йўлларда тирбанд, атроф-теваракни аччиқ тутун ва газ ҳиди тутиб кетган. Соатига ун-ун беш километр тезлик билан юриб, аранг олга силжиймиз. Автобус ичида талбия айтилади, Қуръон тиловат қилинади.

Ҳаво иссиқ, дим, нафас етмайди. Қоронги тун, минглаб одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари, чироқлар шуъласи, олисларда хўмрайган тоғлар куланкаси, тошлоқ, чағир замин... Зеро Муздалифа даштини зиёрат қилмоқдан мурод — қиёмат-қойим ҳақида бандларга бир эслатма беришдан иборат, дейдилар.

Йўл юрдик, йўл юрдигу мўл юрмадик — машиналар тигизлигидан йўлимиз унавсермади. Машинамиз ҳайдовчиси — алпкелбат турк йигити қаро терга тушиб кетган, тинимсиз сув ичади. Бир вақт бориб идишлардаги сув ҳам тугади. Ташналик бошланди. Автобус эшиги олдида бораётган уч-туртта араб хизматчилар Қори домланинг жияни — Абдулмажидни куриб ачинган бўдилар. Бу гудак нима қилиб юрибди, деган мазмунда фикр билдирган булсалар керак, ҳамроҳларимиздан бири Абдулмажиднинг ҳофизи Қуръон — мураттаб қори эканини сўзлади. Араблар бунга бовар қилмадилар. Абдулмажид айтдики, марҳамат, ишонмасангиз, текшириб куришингиз мумкин. Хизматчилардан бири: «Қани, булмаса, «Марьям» сурасини уқиб берсин-чи», деди. Абдулжамид қори шу заҳоти зикр этилмиш сурани шундоқ шикаста қироат билан тиловат қилиб бердики, шахсан менинг вужуд-вужудимгача титраб кетди. Араблар шошиб қолишди, хижолат бўлиб таҳсин айтишди. Абдулжамид шунда айтдики, қани, сизлар ҳам бирор сурани уқиб беринглар. Шу пайтгача кулиб-илжайиб, уз тилларида вағир-вуғур қилиб келаётган араблар бу таклифни эшитиб, шоша-пиша автобусни тухтатиб тушиб қолишди. Уларнинг ортидан енгил кулги кўтарилди.

Ҳаво йўқлигидан ва бу тахлит «тошбақа юришдан» юрагимиз сиқилиб, Сайфиддин ака, Шухрат Тураевич ва мен бир жойда автобусдан тушдик. Издиҳом ора-лаб пиёда кетдик. Одам бамисоли қуму тупроқ, оёқ босгани ер йўқ. Автобусимизни куздан қочирмаслик учун деярли ёнма-ён боришга қарор қилган эдик, аммо ҳаял утмай бу тўс-туполонда уни йўқотиб куйдик.

Ҳаж амалларининг қоидасига кура Муздалифада хуфтон ва бомдод намози қушиб уқилади. Салдан кейин эса намозга ният қилинди. Биз ҳам ён-веримиз-даги минг-минг зиёратчи муслимлар билан биргалик-да ибодатларни адо этиб, эртаси куни Шайтонга тош отиш маросимида зарур буладиган тошчаларни те-ришга киришдик. Ва бир маҳал бошимизни кутариб қарасакки, автобусимиз ҳеч қайда йўқ. Бепоен сахро буйлаб зир югуришга тушдик. Чанг-тузон, бурқсира-ган тутун ва ачимсиқ дудлардан куз очиб булмайди. Бир-бирига ухшаган ва шу ухшашлиги билан бизни адаштирадиган машиналар ён-веримиздан имиллаб утиб турибди. Қарийб бир соатча Муздалифа даштида бесамар кездик. На йўлни биламиз, на тилни. Юраги-миздаги ташвиш қўрқувга айлана бошлаган бир пал-ла, Оллоҳга шукурлар булсинки, андижонлик зиёрат-чилар тушган бошқа бир автобусга дуч келиб қолдик. Унинг ичида утирган бир неча юзтаниш инсонларни куриб, йиглаб юборай дедик. Бейхитёр Бобур Мирзо-нинг: «Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима булмас эмиш», деган сўзларини эсладим.

Алқисса, эрталаб тагин Минога қайтдик. Кечга яқин «Ал-жамарат» — шайтонга тош отиладиган жойга бор-дик. Бу хусусдаги тарихий ривоят олдинроқ қайд этил-гани боис тафсилотига тухталиб ултирмаймиз. Иккита улкан тоғ остидан утказилган узун ерости йўлаги — туннеллардан юриб борилганда уч жойда рамзий шай-тон тимсолига дуч келинади. Таомилга кура биринчи куни еттита, иккинчи ва учинчи куни йигирма битта-дан, жами қирқ тўққизта тош отиш суннат саналади. Бу хатти-ҳаракат замирида инсон қалбидаги шайтоний васвасаларга, разолат ва таъма қутқусига зарба бериш каби ботиний маъно мужассам.

Бугун — улуг айём, Қурбон ҳайитининг биринчи ку-ни. Эрта тонгдан бир-биримизни байрам ила муборақ-бод этиб, дуои фотиҳалар қилдик. Уч кун мобайнида Катбатуллоҳни зиёрат қилиш лозим.



«Ал-жамарат»га пиёда, бир неча туннеллардан утиб борилар экан. Бундан уч йил муқаддам охириги туннел оғзида мудҳиш фожиа юз берган — оломон босқини натижасида куп одам шаҳид бўлган. Шу ердан утаётганимизда бир зум тўхтаб, Қуръон тиловат қилинди. Одамни куриб, кишини беихтиёр яна ваҳима босади.

Ҳайитнинг иккинчи куни аср намозидан сўнг тагин «Ал-жамарат»га борилди. Дарё каби тулиб-тошиб оқаётган зиёратчилар оқимига қушилиб расм-русумларни бажардик. Учинчи шайтонга тош отадиган жойда адашдим — шерикларимни йўқотиб қўйдим. Бир-биримизни йўқотиб қўймаслик учун етти-саккиз чоғлик киши, маҳкам қултиқлашиб, зич саф тортиб бормоқда эдик, шайтон жазаваси кўтариб юборар эканми, туйқус орқа томондан жазавага тушган аллақандай бир тўда сурон билан келиб узини оломон устига отганида «занжиримиз» узилиб кетди. Булди қиёмат! Аранг узимни четга олиб қочишга улгурдим, нафасимни ростлаб ён-атрофимга қарасам, туннел этагида давра куриб ултирган одамлар галаси ичидан енгин чиқиб қолди-ку! Ҳамма дод-вой солиб, дуч келган томонга қочмоққа бошлади. Оқим мени ҳам бир тарафларга суриб кетди. Э, садағанг кетай, кўпчилик! Шоир жуда-а билиб айтган-да: «Халқ денгиздир, халқ оловдир, халқ тўлқиндир...»

Бу қудратли тўлқин оғушидан базур қутулиб, шерикларимни излаб тополмадим, таваккал қилишга чўчиб, аста изимга — Мино томон қайтдим. Йўлда бир аттор хотиндан шу кўнлардан ёдгор деб ҳақиқ кўзли бир узук сотиб олдим.

Кечаси, соат икки яримда андижонлик уч-тўрт мўсафидга қушилиб Ҳарами шарифга келдим. Одам оёғи бирмунча сепсилган экан, ибодатларни шошилмай баҳузур адо этдик. Оби Замзамдан тўйиб-тўйиб ичиб, отахонлар дуосига қўл очиб турганимда беихтиёр юрагим тўлиқиб кетиб... куп йиғладим. Утган умрим учун, хато ва гуноҳлар, катта-кичик айбу нуқсонларим учун, зое кетган фурсатлар, бой берилган имконлар, ёлгон ва риё аралаш ҳаёт тарзи, шайтон измида юрилган кўнлар ва тўнлар, ота-онам олдидаги, фарзандларим олдидаги фарзу қарзлар, утган қавму қариндош, хешу ақрабо, пиру устозлар ёди учун... Дунёдан ёлғиз Оллоҳ деб утиб кетган кўҳна момоларим — Сиддиқа ойим, Ишқинисо ойим, дийдорини кўришлик бизга муяссар улмаган боболарим — Сул-

тонхужа бувам, Аҳмадхужа бувам, жувонмарг кетган дустим Илҳомжон... барча-барчаси тизилишиб куз унгимдан утаверди, утаверди, тош юрагим мум каби эриб оқаверди, оқаверди. Украб-украб, куз ёшларимни яширмай, куз ёшларимдан уялмай ҳуб йиғладим.

Атрофимдаги жамики инсонлар ҳам айни лаҳзада йиғлаб турардилар.

Бу асно — субҳи содиқда Байтуллоҳ бутун улугворлиги, салобат ва илоҳий шукуҳи билан ярқираб турар эди. Осмон сурмаранг тусда, Арофат томонлардан илиқ бир шабада эсар, муаззам Каъба узра Қуръони каримнинг самовий садолари янграр эди. Бу шундай илоҳий садо эдики, дунёдаги бирон-бир узга сўз, бирон-бир оҳанг унинг ила тенг кела олмагай.

...Мана, ҳозир вужудимни қурғошиндай босиб келаятган ҳорғинлик юки остида, ҳамхоналаримнинг гунгир-гунгир товушлари орасида кунглимдан кечган шу туйғулар ифодасига сўз тополмай хомуш ўлтирибман.

Аммо, шу нарсага имоним комилки, мен бу субҳи содиқда ўттиз етти йиллик умримдаги энг буюк, энг муъжизавий ҳам илоҳий онларни бошимдан кечирдим.

Неъматингга шукур, Оллоҳим!

Узинг қалам берган эдинг, узинг илҳом берган эдинг, энди уни узинг нури ҳидоятинг ила йугиргил! Кунглимга ёғду, куксимга ҳаловат, тилимга сўз, дилимга шижоат солгин, раббано! Берган қаламингни узингнинг ҳамду саловотинг, зикру шукронанг учун нурафшон қилгин, ё парвардигор!

*14 июнь. Маккаи мукаррама. «Қасри Осим»  
меҳмонхонаси.*

Бу оқшом ватандошларимиздан бири — Убайдуллоҳ ака исмли асли андижонлик бир отахон хонадонларига таклиф қилдилар. Ҳожи ака бошчилигида туққиз киши бўлиб бордик. Ватандошимизнинг иккита шофёри келиб, мухташам машиналарда бизни олиб кетишди. Макканинг аллақайси еридаги чиройли бир кушкка элтдилар. Уч ошиёнали оқ мрамар бино. Бундаги дов-даскак уй эгасининг давлати ва дидидан далолат бериб турибди. Ўзбек қайда булсаям бари бир ҳовлисиз яшолмас экан. Хонадон соҳиби буйрадек бир саҳнда икки туп хурмо кукартирибди. Сухбат ас-

носи маълум бўлдики, мамлакатдаги оғир табиий иқлимни ҳисобга олиб, дов-дарахт экиб кукартирган кишига ҳукумат ташаккур айтиб, рағбатлантирмоқ учун махсус мукофот ҳам берар экан.

Икки бўлмалик, кенг-қовул меҳмонхонага кириб, ултирган одам чукиб гарқ булиб кетадиган юмшоқ уриндиқлардан тизилишиб жой олди. Қўл иши билан ясалган гузал нақшинкор мебель, тиллакори анжомлар. Кўзга куринмас совутгичлар хонага муздай эпкин уфуриб турибди.

Букунги ултиришга йигирма чоғлиқ одам йиғилган экан. Қарасак — ҳаммаси узимизнинг ўзбеклар, Жиддада, Тоифда, Мадинада, Риёзда истиқомат қиладиган ватандошларимиз. Жамшид ака, Аббосхон ака, Абдулмансур ва ҳоказо юртдошлар билан танишдик. Билсак, буларнинг ойда бир марта «гап»и бор экан, дамба-дам йиғилишиб, суҳбатлашиб туришар экан. Гап-гурунглар узимизда қандай бўлса, худди шундай: аския, ҳазил-хузул, лутфу зарофат, иззат-икром. Жиддалиқ Жамшид ака — маърифатли, дунё кўрган, иш кўрган бир киши — ҳаммамизни узига мафтун этди. Билимдон, хушчақчақ бу зот Бобур ижодининг самимий бир муҳлиси булиб, бу ҳақда берилиб ҳикоя қилар эди. Айниқса, Бобур Мирзонинг ватан соғинчи хусусида изтироб билан сўйлади. Шу тариқа суҳбат Ватан мавзусига, она юрт тақдирига бориб тақалди. «Сизлар, — деди Жамшид ака, — мусофирлик азобини, муҳожирлик машаққатларини билмайсизлар. Оллоҳ ҳеч билгулик қилмасин. Лекин бизнинг қанча-қанча куну тунларни қон-қон йиғлаб утказганимиз ёлғиз худогаю ёлғиз узимизга аён. Бутун дунёдан мусулмонлар Маккага келиб, шу ерда тангри омонатини топширишни орзу қиладилар. Шу ерда жони узилган зиёратчи бағоят шарафга ноил бўлади. Аммо мен... умид қилардимки, она юртимиздан, Андижондаги ота-боболаримиз хилхонасидан икки газгина ер насиб этса эди...»

Жамшид ака икки ёшида ота-онаси билан Андижондан кетиб, Қашқарда яшаган. Йиллар утиб, туз-насиба экан, бу жойларга келиб қолган. Йирик савдогар, қимматбаҳо тошлар тижорати билан шугулланаркан, Туркияда ҳам ҳовли-жойи бор.

Убайдуллоҳ аканинг кичик ўғли — кўзойнакли, озгин бир йигит билан танишдик. У Ҳиндистондаги илмгоҳлардан бирида таҳсил кўраркан. Сермулоза-

мат, тавозели йигит, бир неча тилни билади. Отаси уни Ўзбекистондан уйлантириш ниятида эканлигини айтди.

Аббосхон ака деганлари баланд бўйли, виқорли киши, сузга чечан, улфати одам. Ҳаж мавсумининг баъзи бир жиҳатлари ҳақида сузлаб: «Бизда Ҳаж пайти одамнинг нархи арзон, тирикчилик билан бўлиб сизларнинг иззатингизга столмаяпмиз, шунинг учун бошқа бир сафар бафуржа меҳмон бўлиб келингизлар», деди. Бунга жавобан Ҳожи ака: «Тақсир, узи одамнинг нархи ҳамиша арзон», деди. Кулишдик. Мезбонлардан бири кулги аралаш бир ҳикоятни сўйлади: Ҳаж кунларида бир дукондор савдо қилиб турганида углинг ўлди, деган хабар келибди. Майли, кумиб қўяқолинглар, ҳозир фурсатим йўқ, деб жавоб қилибди...

Чиндан ҳам, бу ерда бир ойлик Ҳаж мавсумида аҳли тижорат ун бир ойлик тирикчилигини қилиб олади.

Ярим соатдан зиёдроқ шу тариқа суҳбатлашиб ултирганимиздан кейин хизматчилар кириб дастурхон тайёр эканини хабар қилишди. Мезбонларнинг таклифи билан бундан ҳам каттароқ булган қўшни хонага кирдик. Дастурхон ерга тушалган, атрофида узимизнинг узбекча одат бўйича қатор тизилишиб ултирдик. Угра оши, сабзисиз палов, икки хил сомса тортилди. Кимдир изоҳ бердики, Убайдуллоҳ ака утган йили Андижондан келин туширган, бу таомларга келиннинг ҳам қули теккан. Мевалардан апельсин, олма, банан, тарвуз, ичимликдан чой ва айрон тортилди. Тарвузни пучоғини олиб ташлаб патнисда тортар эканлар. Икки хил тарвуз берилди: Миср ва Саудийники. Саудийники ширинроқ туюлди.

Жамшид ака айтди: бизда зиёфатлар икки тарзлик булади. Бири туркистонча, иккинчиси — саудийча. Саудийчасида ҳамма емак бирваракайига дастурхонга қўйилиб, ҳеч қандай такаллуфу тавозе булмайди. Ҳар ким кунгли тилаган таомдан туйғунича тотиниб, туйган одам секин туриб кетаверади.

Хуфтон намозидан сунг хайр-хушлашиб, тарқалишдик.

*15-16 июнь. Маккаи мукаррама.*

*«Қасри Осим» меҳмонхонаси.*

Меҳмонхонани тўлдириб турган юртдошларимизнинг аксарияти навбатма-навбат автобусларда Мадид

наи мунавварага жунаб кетишмоқда. У ерда зиёратларни адо этгач, Жиддага келадилар ва тайёраларда Ватанга қайтадилар.

Биз эса... биз ҳамон ултирибмиз Жиддадаги турли хорижий консулхоналар даричаси олдида саргайиб. Бирлашган Араб Амирликларининг визаси кечикяпти. Бугун ҳужжатларни ташлаб келишган, бир-икки кун сабр қилингизлар, деган жавоб булибди. Яъни арабларнинг одати буйича, уч бармоқни чимдиб-жуфтлаб, «Сабр, ҳожжи, сабр!» дебдилар.

Кечқурун йиғилиш булди. Экспедициянинг бундан кейинги иш тартиби, вазифалар муҳокама қилинди. Олдимизда мушкул муаммо турибди: Хитой консулхонаси виза беришдан бош тортибди. Чунки мавжуд қоидага кура бу мамлакат худудига узга давлат фуқароларининг автомобилда кириши тақиқланган экан. Бинобарин, биз учун энди иккита йул қолади: сафаримиз ниҳоясида ё Афғонистон орқали Термизга қараб юриш ёки Ҳиндистондан келган йулимизга — орқага қайтиб ун минг километрдан зиёд масофани яна ортиқча босиш.

Афғонистонни эслаганда ҳар қандай шери мардининг ҳам беихтиёр юраги увишади, аммо яна ортга қайтиш машаққати ҳам безиллатади. Қисқа музокара-лардан сунг ҳозирча хатарли булса-да, Афғонистон йули танланди. Кобулга бориш, Бобур Мирзо қабрини зиёрат қилиб мазоргоҳдан хок-тупроқ олиб Андижонга элтиш, тартиб-интизом каби масалалар хусусида фикр юритилди. Сунгра Зокиржон ака, Собиржон Шоқаримов билан биргаликда Покистон, Афғонистон ва Ҳиндистонда қилинажак ишларимизнинг тахминий режасини туздик.

Шу куни Ўзбекистонга қайтаётган дустлар орқали уйга хат жунатдим.

Ҳаж пайтида Андижон вилоятдан келган ҳожилардан ун тўрт киши бедарак йуқолган экан, тўрттаси ҳанузгача топилмабди. Юртдошларимиздан уч-тўрт киши бандаликни бажо келтирибди. Куни кеча, оқшом чоғи меҳмонхонамиз олдида машъум бир воқеа руй берди: меҳмонхонамизнинг нақ рупарасида кекса бир отахонни мотоцикл уриб кетди. Касалхонада ётибди, айтишларича, аҳволи анча оғир эмиш. Ишқилиб, Оллоҳ узи шифо берсин...

*17 июнь. Маккаи мукаррама. «Қасри Осим»  
меҳмонхонаси.*

«Қасри Осим» ҳувиллаб қолди.

Ҳожи акалар ва ҳожи аялар меҳмонхонани бирин-сирин тарк этмоқдалар.

Бугун ҳам жуда катта гуруҳ жунаб кетади:

«Бой ота» кечқурун гап топиб келди: ниҳоят, бизга ҳам Бирлашган Араб Амирликларига утиш учун ижозат булибди. Эрта саҳарда Каъбатуллоҳга бориб «тавофи видео» қиламиз-да, ҳайё ҳайт деб яна йулга равона буламиз.

Ҳозир меҳмонхона жимжит.

Хонада ёлғиз ултирган куйи, эҳтимол, Маккаи мукаррамадаги сунгги хотира сатрларини ёзаётирман.

Мен Маккаи мукаррамада бўлдим.

Оллоҳнинг инояти ила бу муборак масканда ун беш кун давомида нон-туз тотидим. Байтуллоҳда ибодат қилдим. Оби Замзамдан туйиб-туйиб ичдим.

Бир инсонга бундан ортиқ бахт борми?

Пешиндан кейин охирги бор Ҳарамии шарифга бордим. Каъбатуллоҳ атрофини етти карра айланиб «тавофи видео» маросимини адо қилдим. Ва дил-дилдан умид ҳам илтижо этдимки, раббано, узинг мени яна шу муқаддас даргоҳингга қайта ва қайта келиб зиёрат айламоғимни насиби рузи қилгин...

Кейин... кузимда ёш билан, хонаи Каъбадан нигоҳимни узолмай, орқам билан оҳиста юриб Байтуллоҳни тарк этдим.

Ҳарамии шариф олдидаги майдонларни кезиб юрдим. Дуконларга бош суқдим. Чол-кампирларимга жойнамоз-рўмоллар сотиб олдим. Маккатуллодан ёдгорлик. Шом намозини Масжид ал-ҳарам ёнида уқиб маконимизга қайтдим.

Негадир кунглим хомуш ва маъюс тортиди.

*18 июнь. Тоифи шариф. Йул ёқасидаги масжид.*

Ниҳоят, бугун тушликни қилиб, «Қасри Осим»да қолган биродарларимиздан дуои фотиҳа олиб йулга чиқдик.

Экспедициямиз Тоиф шаҳри томон жунади.

Жунади-у, йулимиз юришмади: юз километрча юрмасимиздан кичкина машинамизнинг мотори қи-

зиб кета бошлади. Тоиф йули анча огир, баланд тоғ-довон орқали утар экан, шу боис йулбеклари бизга бошқа — қулайроқ йулдан боришни тавсия этишди.

Гарчи бу йул хийла узоқроқ бўлса-да, довон ошишга тўғри келмас экан. Дам олиб-дам олиб, машиналарни «алдаб-сулдаб», совутиб келавердик. Яйдоқ дашт манзаралари аста-секин яшил бир воҳанинг жонбахш қуринишлари билан алмаша борди. Баланд хурмо дарахтлари шигил ҳосилга кирган, аҳён-аён тоқзор боғлар, экинзор далалар қузга чалинади.

Кечаси Тоифга кириб келдик. Салқингина, куркам, озода шаҳар экан. Бу ерда узбеклар куп яшар эканки, салқинлиги бунга боисдир. «Тоифи» узумнинг ватани ҳам шу ер бўлади. Бу узум Ўзбекистонда машҳур.

Тунги шаҳарни пича кезиб, четроқ мавзелардан бирида жойлашган чоғроқ масжидга тушилди. Ҳориб-чарчаб, уйқуга бош қуйдик. Уйқу эса, эчкининг йуталидай қисқа бўлди.

### *19 июнь. Ар-Риёз. Турк ошхонаси.*

Куни буйи бетухтов йул босдик.

Манзара якрагн: тап-тақир чўл. Ҳар замонда бир-ярим туя, автоёқилғи қуядиган бескатлар, қўприклар учрайди. Араблар келажакка ишонч билан қарайдиган халқ — янги йул ўтган жойдан яхши ният билан албатта қўприк соладилар. Балки ун, балки эллик йилдан сўнг асқотиб қолар. Кетиб бораётиб, ана шундай қўприклар ёнида, улкан тош лавҳага ўрнатилган Қуръони карим ёдгорлигини кўрдим.

Ҳамма жойда бадавлат, батартиб, қаттиққўл ягона раҳбарий тизим таъсири сезилиб туради. Бутун мамлакат — батартиб бир рўзғор, уни қирол ва унинг авлоди саранжом-саришта қилиб боради. Бу улқада огир, қора меҳнатнинг барчаси механизмлар ва чет элликлар зиммасига юкланган. Уйлар ва йул-қўприкларни турклар қуради, ошхоналарда ҳиндилар, покистоний ва бангладешликлар ишлайди, машиналарни индонез ва филиппинликлар тuzатади, ёқилгини ҳабашлар қуяди.

Араблар... араблар эса тижорат қилади ва «Мерседес» минади.

Хуллас, афсонавор бир макон.

Маккаи мукаррамадан пойтахт Ар-Риёзга қадар —

1000 километр. Соат бешларда муҳташам бу шаҳарга стиб келдик. Кичкина «Тойота»нинг мотори қизиб кетди. Устахона топиб, уч соат шу машина билан овора бўлдик. Тузалмади. Бугун жума — дам олиш куни бўлгани сабабли, кўп устахоналар ишламас экан. Шаҳар кезиб юриб тепасига «Тойота» деб ёзилган катта бир устахона қаршисида тўхтадик. Рўпарада турк йигитлар хизмат қиладиган ошхона бор экан, кириб танаввул қилдик.

Шом намози муаззам бир иморат — подшоҳнинг акаси Холид ибн Абдулазиз қурдирган оқ мрамор масжидда ўқилди. Намоздан сўнг яна шаҳар айландик. Бу ерда нима кўп — масжид кўп. Бир жойда ана шундай ибодатхоналарнинг бирига тушиб кўноқ бўлдик. «Бой ота» икковимиз масжид ташқарисида, шундоққина катта куча четида, «уйқухалта»ларимизга кириб ўтдик. Кечаси роса иссиқ, дим бўлди, чивину пашша чақди.

### *20 июнь. Ар-Риёз. Имом Абдулазиз масжиди.*

Бу сатрларни Ар-Риёзда, соат бешда — тонг саҳарда ёзаяпман. Бомдод намози соат тўртда ўқилди, сал утмай кун ёришиб кетди. Намоздан сўнг масжид имоми олдимизга келиб биз билан танишиб, ҳол-аҳвол суради. Устахона саккиздан кейин очилар экан, унга қадар масжидга кириб салқинлаб туришни таклиф этди.

Кун эрталабдан ёниб чиқди.

Соат сттиларда имом ҳазратлари ҳузуримизга чиқиб, бизни хонадонига — бир пиёла чойга даъват қилди.

Имомнинг уйи масжиднинг биқинида экан. Кенг, ёруғ бир хонага дастурхон солиниб, нонушта ҳозирлаб қуйилган экан, таом устида гурунглашиб ултирдик. Бу инсоннинг исми — Абдулазиз, Ўзбекистондан эканлигимизни эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. Қулидан келганича бизга кумак беришини айтди. Шу заҳоти радиотелефондан бир дустига телефон қилиб, бизнинг дардимизни тушунгирди. Қулимсираб: «Мафи мушкул» («Муаммо йук») деб куйди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, «Бой ота» бошчилигида икки-уч киши устахонага қараб кетди, қолганлар тагин масжидга қайтиб кирдик. Ҳамроҳларимнинг баъзилари мезбонимизнинг ваҳҳобийларга алоқаси бормикан, деган мулоҳазаларга боришди. Шу муносабат билан пайт топиб Қори домладан ваҳҳобийлар



ҳақида фикр сурадим. У кишининг сўйлаб берганлари будур: бу диний оқимнинг вужудга келганига икки юз эллик йилча булган. Арабистоннинг Нажд шаҳрида Абдулваҳҳоб исмли бир қози яшаган. Унинг икки ўгли булиб, номлари Сулаймон ибн Абдулваҳҳоб ва Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобдир. Уларнинг бири — Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб янги таълимот даъвоси билан чиққан: яъни ислом фақат асл манбага — Қуръон ва ҳадисларга таяниши лозим. Уртадаги тафсирлар, таълимотлар, имомлар, мазҳаблар — бари бекор, деган нуқтаи назарни олға сурган. Шунга кура бу оқимни «Ислом фундаментализми» деб ҳам атайдилар, чунки у фундамент — асосагина таянишни тарғиб қилади. Бундай қараганда, жуда тўғри, эътиборга молик фикрга ухшайди. Лекин бу икки асл манбада шариат-тариқатнинг кўпгина масалалари ҳақида аниқ кўрсатмалар баён этилмаган. Уларни кейинчалик яшаган турли уламолар мазкур манбаларга таянган ҳолда ишлаб чиққанлар. Масалан, таҳоратнинг фарзлари, намознинг вақтлари, суннат ва фарзу вожиблари, бошқа исломий аҳкомлар ва ҳоказо. Узини мусулмон санагани билан ҳар қандай инсоннинг ҳам бевосита Қуръонга мурожаат қилиб зарур билим ва тушунчаларни олишга ақл-идроки қодир эмас, зеро у Оллоҳнинг буюк каломидир. Бинобарин, илоҳий каломни англамоқ ва англатмоқ учун диний-илмий тафсирлар, шарҳлар, изоҳлар тақозо этилади. Ваҳҳобийлар эса бунини рад этадилар. Улар уликка фотиҳа очишни, қабристонда тиловат қилиш каби одатларни бидъат ҳисоблаб инкор қиладилар. Бу оқимнинг тарафдорлари Саудияда, хусусан, Ар-Риёзда айниқса кучли эмиш. Гуёки илоҳий-диний тушунчалар уртасидаги зиддиятлар булиб қуринган бу қарама-қаршилик баъзан кучли ижтимоий-сиёсий низоларга, улкан социал ларзаларга ҳам сабаб булар экан.

Қори домла Ўзбекистон мусулмон уламоларининг аксарият кўпчилиги бу оқимни ёқламаслигини, унинг бизга бегоналигини, фақат унга қарши жаҳолат билан эмас, балки ҳаққоний илм билан кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида фикр билдирди.

Кун исигандан исиди. Масжиднинг таҳоратхонасидаги душдан чиқмай қолдик. Ташқари чиқишингиз билан беш дақиқада жиққа ҳул уст-бошингиз қуриб қолади.

Қора терга тушиб «Бой ота» хабар топиб келди:

машиналар соат туртга тахт булар экан. Сабр қилиб масжидда ултирибмиз. Имомнинг катта угли — Абдурахмон деган йигитча чой дамлаб келтирди, дуо қилиб ичиб олдик. Улар беш ака-ука экан: Абдурахмон, Холид, Ёсир, Аҳмад, Анас. Ёсир — туққиз-ун ёшлардаги шўх-шаддод бола, нақ олов. Осмонга сапчийди. Худди кичик углим Фахриддиннинг узи. У бирпасда бизга элакишиб эл булиб кетди: гоҳ сув келтиради, гоҳ катта товоққа уйилган хурмо мевалари билан бизни меҳмон қилади. Мен ҳазиллашиб: «Ёсир Арофат!» десам, лабларини чўччайтириб бош чайқайди, «Ёсир ибн Абдулазиз!» дейди.

Тушликка имом домла товуқ гушти билан ош дамлаб яна меҳмондорчиликка чақирди. Йўқ, десак, қаттиқ ранжийдиган. Узун-қисқа булиб тизилишиб бордик.

Пешиндан кейин масжидда тоат-ибодат ила машғул булдик. Чейзнинг «Нилуфар гулчамбари» деган романини ўқиб чиқдим. Кучли руҳий таҳлилга асосланган бу асар Вьетнам ҳақида, Сайгон режими, бахтсиз бир муҳаббат ҳақида ҳикоя қилади. Сюжет ниҳоятда таранг. Мутолаа кўнглимда аллансчўк ажиб ва ҳазин ҳиссиётлар уйғотди.

Аср пайти намоздан сўнг баланд буйли, куюк қора соқолли, кўзлари маънодор боқадиган бир киши олдимизга яқинлашиб ҳол-аҳвол сурашди. Имом домла таништирди: у шу масжидни қурган меъмор-муҳандис экан. Очиқ чехра билан пича суҳбатлашгач, барчамизни уйига — кечки таомга таклиф қилди.

Машинамизнинг иккинчисида ҳам бир қанча таъмирталаб жойлари бор экан, унинг эртага — соат ун бирга тайёр булишини айтишди. Демак, чор-ночор бу кеча ҳам шу шаҳарда қуноқ буларканмиз.

Оқшом чоғи Ар-Риёзни айланиб келиб, меъмор-муҳандис Холид ар-Рашиднинг хонадонига бордик. Имом домла ва Ёсир бизга стакчилик қилишди. Меъмор жаноблари бағоят давлатманд киши экан, ҳашаматли, қора мрамрдан ишланган саройда зиёфат берди. Зиёфат зур булди, аммо суҳбатнинг мазаси булмади: Қори домланинг томоғи оғриб, бир оғиз ҳам гапиролмай таржимонликка ярамади. Ярим соатча имошора билан гўнларча «гурунг» қилиб ултирдик, сўнг дастурхонга таклиф булди. Холид ар-Рашид имом Абдулазиз ва Ёсир билан, биз эса хижолатли илжайишиб, узаро суҳбатлашиб, танаввул этдик. Мен дедим:

ки, бу одам ҳам гуё ун туртта соқовни уйига меҳмонга чақиргандек булди...

Жаноби меъмор қулларини ёнига ёзиб жилмаяр, елкаларимизга дустана кафтини қуйиб, таомга даъват қилар эди. Бу кунги ултиришимизда тил иштирок эт-маса-да, дил иштирок этаётганини барчамиз сезиб ту-рар эдик.

Баъзан битта одам ҳам бир лутфу карами, биргина хатти-ҳаракати билан бутун миллат, бутун халқ ҳақи-даги тасаввурларни узгартириб юбориши мумкин экан. Бу сафар худди шундай булди.

Тун яримга яқинлашганда меҳмондуст муҳандис билан ҳар ким уз тилида эзгу ва қизгин тилақларини изҳор этган ҳолда хушлашдик.

Эрталаб, бомдод намози уқилгач, имом Абдулазиз тагин чойга чақириб турибди-да! Куб хижолат булдик. Чунки «бир пиёла чой», билмадим, неча самоварга айланиб кетган эди-да! Лекин бормасликнинг иложи йўқ эди: «олов бола» — ёқимтой, ширинтой Ёсир қўлимиздан, этакларимиздан тортқилаб, уйи томон судрар эди.

Нонуштадан сўнг имом домла барчамизга битта-дан Қуръони карим китобини туҳфа қилди. «Бой ота» ҳам атаганларини чиқариб, унга ҳадя этди. Соат ун иккиларда имом ва унинг беш угли билан хайрлашиб йулга тушдик. Ун-ун беш метр юрган ҳам эдикки, ортимиздан кимнингдир қичқирган товуши эшитил-ди: оппоқ қуйлақлари, қоп-қора сочлари шамолда тўз-гиганча Ёсир югуриб келарди!

«Бирор нарса қолиб кетибди шекилли», дея Баҳромжон ака машинани четроққа чиқариб тўхтатди ва эшикни очди.

Ёсир ҳансираганча етиб келди, энтика-энтика ни-мадир деди. Қори домлага юзландик. «Оббо, сен-эй, — деди Қори домла ва уни бағрига босди. — «Яна қачон бизнинг уйга келасизлар» деяпти...»

«Келамиз, Оллоҳ насиб этган куни албатта кела-миз», деб ваъда бердик биз.

Ёсир тагин бир бор ҳаммамиз билан жажжи қулча-сини бериб хайрлашгач, машинадан тушиб қолди ва то катта йулга чиқиб олгунимизга қадар биз билан ёнма-ён қул силкитиб борди.

Барчамиз мутаассир бўлиб қолдик. Кимдир фар-зандини, кимдир невараларини эслади.

Уйдан чиққанимизга раппо-роса уттиз уч кун булди.

*22 июнь. Саудия Арабистони чегараси. Божхона.*

Куни буйи шамол, қум бурони ичра йул босдик. Буроннинг шиддатидан куз очиб булмайди, машиналар чайқалиб-чайқалиб кетади, ув тортаётган шамол қум зарраларини ойналарга олиб келиб уради, ҳали-замон бутун еру кук қум-тупроққа кумилиб кетадиган-дек туюлади.

Режамизга кура икки-уч кунда Бирлашган Араб Амирлиги ҳудудидан утиб Дубай портига боришимиз, ундан кемага миниб Форс курфази орқали Карачига етиб олишимиз керак.

Бу қадим йулар ҳам кишини зериктирди. Уйни, бола-чақа, ота-она, қариндош, дусту ёрларни, ҳатто юртдаги ёқимсиз ғанимларни ҳам соғина бошладим. Душман булсаям барибир ўзимизнинг душман, бегона эмас! Одамнинг уз-узидан дили хуфтон булаверса, ҳеч нарса уни овутолмаса, куксининг бир четида но-маълум бир оғриқ жизиллаб турса, билгинки, у она Ватан соғинчи билан ҳасратда умргузаронлик қилаётир.

Мана шундай маъюс лаҳзаларда Бобур Мирзонинг дарду дилини, сунгсиз изтиробларини янада яққол англаш мумкин.

«Заҳириддин, қайга борурсан?..»

Хуршиднинг шу сатри неча кундирки хаёлимдан кетмайди.

«Заҳириддин, қайга борурсан?..»

Давоми... янглишмасам, мана бундай эди:

«Ҳамма ердан кўриниб турар,  
Самарқанднинг миноралари».

Йуқ, бу давоми эмас, шеърнинг охирги мисралари, холос.

Мен энди қарий бошлабман — қанча уринсам ҳам шу шеърни эслолмаяпман. Ваҳоланки, бир вақтлар уни бошдан-оёқ ёд билар эдим.

Кечгача шу машаққатли иш билан машғул булдим — хотирамда шеърни тиклашга уриндим. Йуқ, ҳали миям бутунлай суюлиб кетмаган экан, аллапайтга бориб илк мисра лоп этиб ёдимга тушди, кейин эса матн худди қоғоздагидек куз унгимда жонланди:

Отлар елар шиддатдан терлаб,  
Янграр хатар тула тақалар.  
Ҳуркиб кукка сапчир патирлаб  
Тун уйқуси — қора қарғалар.

Отлар елар, тилларанг хазон  
Суворийлар узра сочилар.  
Элас-элас янграйди азон —  
Тоғлар узра осмон очилар.

Отлар елар, елар купириб,  
Уйготганча мудроқ йулларни.  
Гуе туғон бандин упириб,  
Тошқин қувиб келар уларни.

«Заҳириддин, қайга борурсан,  
Бобонг тахтин, юртингни ташлаб?!  
Қора тақдир сени қул каби  
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!»

Заҳириддин, бу қандай савдо,  
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ?!  
Юрагингни этар-ку адо —  
Тирик туриб Ватандан кетмоқ?!»

Заҳириддин, ортга бир қара,  
Ортга бир боқ, токи сен омон —  
Ахир, кейин тушларингда ҳам  
Бу тупроқни курмогинг гумон!»

От пишқириб тухтар, чавандоз  
Узангига тирар оёгин.  
Ва бугзига тушлар беовоз,  
Вужудига тулган инрогин.

Алам билан юраги урар,  
Шивирлайди титроқ лаблари:  
«Ҳамма ердан куришиб турар  
Самарқанднинг миноралари».

Нақадар терандир бу Бобур ҳасрати, Бобур армо-  
ни!..

Кечаси соат ундан ошганида йул ёқасидаги бир  
емакхонада овқатландик. Шофёримиз Мирзабахром  
ва Қори домланинг таваллуд кунлари экан. Тарки  
одат — амримаҳол, дебмишлар, қадаҳларга лимон  
шарбати тулдириб, алёрлар айтиб уларни муборақбод  
қилдик. Сунг бу ердан чиқиб дуч келган биринчи

масжидга бордик. Уйқусираб чиққан ҳинди имомга эшикни очтириб ичкари кирдик, хуфтонни уқиб, ухлагани ётдик.

Масжид — бизнинг уйимиз, паноҳимиз.

Азонлаб шитоб ила йулга отландик. Соат етти булмасидан Саудия билан Бирлашган Араб Амирликлари чегарасига етиб бордик. Чегара посбонлари ва божгирлар хушфёълик билан қарши олдилар, Ҳаж мавсумидан қайтаётганимизни билиб қутладилар. Лекин ҳужжатларни текшириш чоғида ишқал чиқди: бешолтита бошпуртимизда нима учундир мамлакатга кириш чоғида қайд этилиши лозим булган қандайдир белги қуйилмай қолган экан. Энди компьютер ёрдамида давлатнинг нариги чеккасидаги чегара посбонлиги билан боғланиб шу жумбоқни ҳал қилишлари лозим экан. Компьютер эса, аксига олиб айна дақиқаларда ишламай қолибди.

Демак, яна «сабр, ҳожжи, сабр!»

«Роса исроф булиб кетдик», деди шерикларимдан бири уф тортиб.

Лекин, начора? Гарчи подишоҳнинг азиз меҳмонлари булсак-да, мусофирмиз, мусофир итнинг эса... аҳволи маълум.

Ўтган-кетгани томоша қилиб ултирдик. Ниҳоят, компьютер ҳам ишлади, муаммо ҳам ҳал булиб, тагин йулга тушдик. «Бой ота»нинг курсатмасига асосан бу ёгига «отларни сал қамчилайдиган» булдик. Шу боисдан катта машинанинг рулига «Бой ота»нинг узлари ултирдилар. Ва чунонам учуриб ҳайдадиларки, бир вақт қарасак, Катар деган бегона бир давлатнинг чегараларини бузиб шувиллаганча ичкарига кириб кетибдилар! Посбонхонада шавла еб ултирган соқчилар ҳам оғзидаги луқмаларини чайнаб ютолмай югурганча чиқиб қолишди! Ҳаммамиз шошиб қолдик, халқаро бир жанжал чиқмаса гурга эди, деб хавотирланиб турган эдик, «Бой ота» сарҳадни қандай тезлик билан бузиб кирган булсалар, шундай тез суръат билан машинани буриб ортга қайтдилар. Умрида бунақанги чегара бузувчини курмаган Катар аскарлари ҳам ҳангу манг булиб қолаверишди. У бечоралар то узларига келиб олгунларича биз холис бир ҳудудга чиқиб олишга мушарраф булдик.

«Ёшлигимда ГАИдан кўп қочганларим иш берди», деб куйди Зокиржон ака мамнуният билан.

Хуллас, кунни буйи жадал юриб, Амморат (Амир-

ликлар) пойтахти Абу Даби (арабчаси — Абу Заби)ни ёқалаб утиб, кечга яқин Дубай бандаргоҳига етиб келдик. Бу ерда ҳам бир мушкул муаммо бизга қучоқ очиб турган экан: бу бандаргоҳдан фақат юк кемалари қатнар экан, яъни йуловчига йул йуқ. Бу ердаги донолар тайёрада Карачига учинглар, деб маслаҳат беришди. Ҳамён бировники булгандан кейин турлитуман маслаҳатлар бериш нақадар осон-а! Бирдан руҳимиз тушиб кетди. Бошқа бандаргоҳларни излай кетдик. Хайрият, бахтимизга бошқа биридан йуловчи кемалари ҳам юрар экан. Аммо биз бу жойга етиб келганимизда соат кечаси ўндан ошган, идора ёпилган экан. Шу идора қоровулидан ижозат тилаб, мрамар саҳнли улкан залда тунадик. Шу даражада қаттиқ чарчаган эдикки, ёнбошимиз ерга тегмаёқ пинакка кета бошладик. Тамадди қилишга ҳам мажолимиз қолмаган эди. Қанча мизгидим — билмайман, бир маҳал ёнбошимга ағдарилай десам, қулим алланарсага тегиб кетди. Кузимни очдим: шундоққина бош томонимда катта елим шишада апельсин шарбати ва бир қути печенье турарди. Фақат мен эмас, барчамизнинг ёнимизда ана шундай ноз-неъмат муҳайё. Ҳамроҳларим ҳам, баъзилари уйғониб, баъзилари уйқусираб, гойибдан пайдо булган бу ризқи-насибани танаввул қилмоққа киришдилар. Бироқ шу топда ниҳоятда азиз ва лазиз туюлиб кетган бу егуликни Оллоҳнинг қайси бир саховатлик бандаси бизга ҳадя қилди — бу ҳанузгача сир булиб қолди.

Ҳа, Оллоҳ улуг, Оллоҳ — марҳаматлидир!

Эрталаб шу нарса маълум булдики, бандаргоҳдан Покистонга кема қатнамас экан. Эроннинг Аббос бандаргоҳига фақат тўрт кундан кейингина чипта булармиш. Бандари Аббосдан Покистон чегарасига қадар 800 (саккиз юз) километр эмиш!

Ҳамманинг тарвузи қултигидан тушди.

«Бой ота» уҳ тортиб юбордилар. Етти ёт бегона мамлакатда ун тўртта бекорчини боқиш ташвиши бошига тушган одамнинг аҳволини тасаввур қила оласизми?

*24 июнь. Дубай. Даъват маркази.*

«Кеча оқшом фалакда ой бузариб ботганда»<sup>1</sup> биз бандаргоҳдаги масжидда истиқболнинг мавҳумлиги-

<sup>1</sup> Абдулла Ориф сатри.

дан хомуш бўлиб ултирар эдик, хуфтонни бирга уқиган оппоқ кўйлак-лозимдаги уч-турт киши олдимишга яқинлашиб ҳол сўради. Бошимиздан утганларни сўйлаб бердик. Улар бағоят ачиниб, яхши сўзлар ила таскин-тасалли бердилар, қўлларидан келганча ёрдам кўрсатишга ваъда қилиб, бизни туғри шу ерга — Даъват маркази деб аталмиш улкан бир масканга олиб келиб жойлаштиришди. Дарҳол ош-овқат тортилди, меҳрибонликлар, лутфу марҳамат зиёда бўлди.

Бу сатрларни ушбу озода, салқин ва гузал даргоҳда ёзаётirman. Даъват маркази бутун дунёда ислом динига тарғиб-ташвиқ қилиш билан шуғулланаркан. Бизнинг мусофирлигимизни, Ҳаж сафаридан келаётганимизни билиб мурувватларини дариг тутмадилар — Оллоҳ улардан рози бўлсин!

Даъват марказининг доимий ходимлари йўқ, турли касб, турли миллат ва турли ёшдаги кишилар уз ихтиёрлари билан бу ерга келиб хизмат қиладилар, жаҳоннинг турли мамлакатларига бориб инсонларни мусулмонликка даъват этадилар. Утган йили Марказнинг икки ходими ҳатто Мугулистонда ҳам бўлибди. У ерда, айтишларича, ҳозирги кунда уттиз мингдан зиёд мусулмон бор эмиш.

Кечқурун бу даргоҳга келишимиз билан басавлат, нуроний мўйсафид шайх Амир Хусайн бизни қабул қилди. Ярим соатча суҳбатлашиб ўлтирдик. Шайх ҳазратлари юртимизнинг ислом оламига қилган улугвор хизматлари ҳақида, имом Бухорий, имом Термизий каби алломаларнинг унутилмас фаолияти хусусида сўзлади. Ифтихор ва мамнуниятдан бошимиз кукларга етди. «Сизлар, — деди кекса шайх, — шундай зоти бузурглари зурёдларисизларки, сизларга ҳар қанча хизмат қилсак ҳам оз». Бугунги Ўзбекистон туғрисида, истиқлолнинг илк азиз неъматлари туғрисидаги ҳикояларимиз унда катта қизиқиш уйғотгани сезилиб турарди. Суҳбатимиз ниҳоясида ҳазрати шайх: «Илоҳо, жаннат боғларида ҳам сизлар билан мана шундоқ дийдор кўришиб туришликни Оллоҳ насиби рузи айласин», деб дуо қилди.

Эрталаб «Бой ота» таржимонларни ёнига олиб яна йўл излагани бандаргоҳга кетдилар. Қолганлар нонуштага таклиф этилдик. Олтмиш ёшлар чамалик, ҳаракатлари эпчил, очиқ чехрали бир чол хизмат қилди. Дастурхонга қўйилган узумдан татиб кўрдим. Ғужуми катта-катта, данаги майда, узимиздаги «Қрим» ёки



«Побседа» нав узумга ухшаб кетади. Таъми уртача. Албатта, Паркентнинг ёки Учқоранинг узумига қиёслаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай деб ёздиму ёдимга халқ қўшиғининг тирик бир сатри келди: «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг ёнтогинча кўринмас...»

Тушга яқин янгилик маълум бўлди: Бандари Аббосга шанба куни — 27 июнда кема жунар экан. Демак, уч кунгача ихтиёрий банди бўлиб шу ерда туришдан узга чорамиз йўқ. Қаногимиз йўқки, учиб кетсак. Демак, сафаримиз яна чўзилгандан чўзилади. Олдинда, эҳҳе, қанча йулу қанча улкан вазифа-юмушлар турибди. Қодир эгам, узинг сабр ва мадад бер!

Кечқурун бизни мезбонлардан бири — Тавфиқ исмли йигирма беш яшар йигит машинада шаҳар айлангирди. Араб денгизига бориб чўмилдик. Денгиз суви иссиқ, 27-28 даража атрофида. Чарчогимиз бир оз ёзилиб, турғунлик ташвишлари тарқалгандек бўлди.

Кечаси... уйқум келмади. Ҳамма ухлагач, масжиднинг бум-буш ва ёрут залларидан бирига чиқиб, «Бобурнома» ўқидим. Ҳазрати Бобурнинг Амир Темур ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эътиборимни тортди. Аллавақтга қадар шу икки буюк тақдир ҳақида уйладим. Уларнинг тарихий қисмати, шахсияти ва мислсиз фаолияти хусусида шу пайтгача ҳаёлимга келмаган бир қанча ибратли тимсоллар, фавқулодда кузатиш ва хулосалар топдим. Беихтиёр қўлимга қалам олиб, кунглимдаги таассуротларни қозоғга тушириб қўймоқликка қарор қилдим.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуг бобокалони Амир Темур даҳосидан қонуний равишда ҳамиша ифтихор қилар эди. Бу ифтихор туйғуси унинг дунё миқёсида буюк давлат ва маданият арбоби бўлиб етишувиде ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Ҳазрати Бобур уз эсдаликларида Амир Темур номини доимо зўр эҳтиром, ихлос билан тилга олади. «Бобурнома»нинг илк саҳифаларидаёқ у уз насл-насаби Темурнинг олий шажарасига бориб тақалишини мамнуният ва гурур билан қайд этади: «Умаршайх Мирзо Султон Абусаид Мирзонинг туртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эрди. Султон Абусаид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ Мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли

эди. Умаршайх Мирзо (Темурнинг угли — Х. С.) билан Жаҳонгир Мирзодин кичик, Шоҳрух Мирзодин улуғ эди».

Амир Темурнинг жаҳонгирлик шавкати, мамлакатдорлик сийсати Бобур Мирзонинг мудом диққат марказида бўлиб келган. Гарчи «Бобурнома»нинг бизгача стиби келган саҳифаларида муаллиф улуғ аждодининг қалб дафтари — «Темур тузуклари»ни бевосита зикр этмаса-да, унинг бу асарни қайта-қайта мутолаа қилгани, давлатдорлик асослари ва саркардалик санъатининг кўпгина сирларини шу китобдан ўқиб-ургангани табиийдир. Чунки Бобурдек закий, маърифатли шахннинг бу муҳим сийсий-ҳарбий қўлланмадан беҳабар қолиши, унга узининг ёрқин баҳосини бермаган бўлиши мумкин эмас. Уз даврида бу китоб соҳиби тожларга ҳаётий дастуриламал сифатида хизмат қилган. Катта-кичиқ ҳукмдорлар шу муъжаз рисолага улкан қизиқиш билан қараганлар. Жумладан, Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон, Қўқон хони Муҳаммад Алихон, Бухоро амири Абдулаҳадхон хушхат котибларга буюриб «Темур тузуклари»дан узлари учун нусха кучиртирганлар.

Балки «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларида бу асар хусусида бирон-бир маълумот баён қилинган бўлса, эҳтимол. Афсуски, биз буни энди фақат тахмин қилишимиз мумкин, холос.

Биламизки, Амир Темур жаҳонгирлик бобида бе-назир салоҳият эгаси бўлган. Бобур Мирзо унга бу борада мутгасил ҳавас билан қараган, узининг ҳар бир қадами, ҳар бир хатти-ҳаракатини бобокалонининг фаолият кузгуси билан қиёслаб, таҳлил қилиб борган.

Албатта, Амир Темур ва Бобур Мирзонинг жанговар шуҳрати миқёс ва кулам жиҳатидан, моҳият ва салобат жиҳатидан ажралиб туради, аммо уларнинг саркардалик тақдирида муштарак бир макон борки, у ҳам бўлса, қадимий Ҳиндистон диеридир.

Ҳиндистон! Не-не фотиҳларнинг кузини уйнатган, не-не шоирларни узига мафтун этган афсонавор улка!

Амир Темур 1399 йилда Ҳиндистонни қўлга киритади. «Темур тузуклари»да бу улуғ мамлакат сари юришнинг тарихи, унга қай тариқа узоқ ва пухта режалар тузилганию уларнинг қандай қилиб амалга оширилгани ҳақида батафсил маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Темур сафар олди кенгашиши шундай тасвирлайди: «Даставвал, фарзандларим ва

амирларимнинг кунгли, уй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир: «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», деди. Амирзода Муҳаммад Султон эса: «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ тусиқлар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — бошдан-оёқ қуролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи қутурган филлари кўп», деди. Амирзода Султон Хусайн: «Агар Ҳиндистонни қулга кирита олсак, турт иқлимга ҳукмрон булурмиз», деди. Амирзода Шоҳруҳ деди: «Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улугворлигини ҳурматлаб номларини атамай лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар, Хитой ва Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — хоқон, Эрону Турон подшосини — шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг қулимизда булгани учун, Ҳиндистонни фатҳ этмоғимиз лозимдир». Амирлар эса: «Боринги, Ҳиндистонни олдик, ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун булиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз уз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча булиб кетади», дейишди. Мен булсам, Ҳиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан уз азму жазимдан воз кечишни истамадим...»

Соҳибқирон мушкул синов жумбоқларга дуч келганида аксар Қуръони каримдан фол очар, тангри инояти билан купинча у хайрли булиб чиқар эди. Шу сафар ҳам ҳазрати Темур шундай йул тутади:

«...шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога утинч билан муурожаат қилайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи Тангри таоло нени буюрса, шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу улуг оят чиқди: «Эй пайгамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил». Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб берганидан кейин бошларини эгиб, жим булиб қолдилар...»

Мазкур воқсалардан сунг орадан қарийб бир ярим аср вақт утгач, теурий тождорлардан бири — Бобур Мирзо Ҳиндистон сари юз тутмоққа қарор қилади. Улуғ аждоди сингари у ҳам яқин бекларини туплаб

машварат қилади. «Бобурнома»нинг 1507—1508 йил воқсалари тавсифида қуйидагиларни ўқиймиз: «...бекларни тилаб машварат қилилди. Бу сузлар орага туштиким, ўзбак ва Шайбоқхондек ет эл ва қари душман жамиъ Темурбекнинг авлодининг илгидаги вилоятқа мутасарриф булдилар. Турк ва чигатойдин ҳар гуша ва канорда ҳам ким қолиб эдилар, баъзи рағбат била, баъзи карҳ била ўзбакка пайваста булдилар. Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол. Мунча қувват ва қудрат. Узумизга бир ер фикрини қилгуликдур ва бу миқдор фуржа ва фурсатга қавий душмандин йироқроқ айрилгулуқтур, е Бадахшон жониби, е Ҳиндустон сори жазм қилмоқ керак. Бу икки тарафдин бир тарафга бормоқни жазм қилмоқ керак. Қосимбек ва Ширимбек тавобии била Бадахшон бормоққа барин эдилар. Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормоқни таржиҳ қилдук...»

Агар Амир Темур Ҳиндистонни забт этишдан давлатига давлат, шуҳратига шуҳрат қушишни, ўз мавқеи ва нуфузини янада юксалтиришни кўзда тутган булса, Бобур Мирзонинг ниятлари бўлакча — «ўзига бир ер фикрини қилгулик», яъни муқим бир вилоятни қўлга киритишдан иборат эди. Чунки юқорида зикр этилган лавҳадан ҳам аён булдики, бу давр Бобур Мирзо ҳаётидаги энг мушкул, омадсиз, ишлари тараққийдан таназулга юз тутган бир пайт эди. Шундай вазиятда унинг аввало Оллоҳ таолодан, сўнгра улў аждодларининг руҳи покларидан мададу таянч илтижо қилиши табиий бир ҳолдир. Шу боисдан ҳам ички бир ишонч билан айта оламизки, ҳазрати Бобур биринчи галда соҳибқирон Темур даҳосидан кумак тилаган, унга қайта-қайта юкунган.

Ҳокимият жилови қўлидан кетган ҳукмдорнинг сузи ҳам утмас қиличдай бўлиб қолади. Бобур Мирзо бу фикрни Ҳиндистон сафари мисолида изтироб билан эътироф этади. Бекларнинг бир қисми унинг қарори билан ҳисоблашмай, ўз билгиларича иш тутишга киришади: «Мирзохон Бадахшон жонибиға майл қилди. Мирзохонға Бадахшон сори руҳсат берилди. Шоҳбегим ҳам Мирзохон била мутаважжиҳ булдилар. Менинг холам Меҳр Нигорхоним ҳам Бадахшон бормоқ булдилар. Менинг била булмоғларининг муносабати купрак эди, туққонлари эдим, ҳар неча манъ

қилилди, мамнуъ бўлмадилар. Улар ҳам тебрадилар...»

Аркони давлат орасидаги ботиний қаршиликдан ташқари душманларнинг, жумладан, Кобул атрофидаги афгонларнинг очиқдан-очиқ ганимлик ҳаракатлари ҳам Бобур Мирзога ташвиш устига ташвиш орттирар эди: «Мени Кобулни ташлаб Ҳиндустонга борадур, деб, бир ёмонлиқлари ун бўлди, яхшилари ҳам ёмонлиққа эврулди».

Аммо азму шижоат бобида Бобур Мирзо буюк Темурнинг муносиб вориси эди. Бинобарин, мушкул вазиятда узини йуқотиб, гангиб ултиришлик унга хос эмас эди: «Афгонларни қувлаб тоққа чиқдим, бир афгон қуйи ёнимдин ёнлаб қочуб борадур, қулига уқладим. Бу уқ теккан афгонни, яна бир неча афгонни тутуб келтурдилар. Сийсат учун баъзисини сихқа ултургузилди».

Очиқ душманлардан ташқари қушин ичида ҳам бузгунчилар старли даражада эди. Бобур Мирзо улардан бири ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Мундоқ маҳалдаким, утган вақойиъ ва ҳолот паришон сўз ва калимоттин, нечукким мазкур бўлди, черик элининг тараддуди ва таваҳҳуми бисёр эди. Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас, агарчи менга айтур ёроси йуқ эди, ҳар кимга йулуқса, муболагалар била айтур эдиким: «Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса, мағлуб бўлур». Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кунглини купрак синдурди. Анинг бу паришон сўзларига гуш қилмай, қилур ишларимизни тигилмай, уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук».

Аслини олганда, Бобур Мирзонинг Ҳиндистон сари мулжаллаган юриши йулидаги ғовлар фақатгина шу каби ҳолатлар эмас эди. Асосий муаммо, унинг ўз сўзлари билан айтганда, «душман бисёр қавий, биз куп заиф» эканлигида эди. Бинобарин, бундай кезларда ҳазрати Бобур соҳибқирон бобокалонининг тарихий тажрибаларига мурожаат қилиши шубҳасиз эди.

Амир Темурнинг бу борадаги жасорати эса ғоят ибратли эди. Жумладан, бир уринда у қуйидаги мулоҳазаларни баён этган: «Лашкардан кунглим тинчлангач, Илёсхожага қарши жангга ҳозирлик кура бошладим. Уни даф этиш ва қай йусинда уруш олиб бориш ҳақида қилган кенгашим шу бўлдики, ганимлар хабардор булиб улгурмасидан уларнинг устига чаптастлик

билан қуққисдан босқин қилиш (турктоз)га қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима чиқди: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган».

...Баъзан тасаввуримда шундай бир манзара жонланади: Кобул билан Ламгон орасидаги тоғу тошларда чодир тикиб ултирган Бобур Мирзо саҳтиён муқовали «Темур тузуклари»ни мутолаа қилиб, узига маслаҳат ва нажот излаётир. Ногоҳ унинг нигоҳи мазкур сатрларга тушадию ҳаёли чарақлаб ёришиб кетади. Ҳиндистон орзуси бирданига яқин, қўл билан тутса булғудек бир ҳолга келиб қолади...

Шунинг учун ҳам у Ҳиндистон азиматига узоқ ва ҳар томонлама тайёргарлик кўради. Шавкатли аждоди Темурбекнинг қадами теккан ёки унинг улмас довруғи таралган масканларни сарсон-саргардон кезар экан, ҳамиша соҳибқирон билан ғойибона мулоқотда бўлади, унинг уғитларидан таскин-тасалли ахтаради, унга алоқадор ҳар бир тарихий маълумотни қалб дафтарига алоҳида эҳтиром ила қайд этади:

«Темурбек Ҳиндустонга кириб чиққанидин бери бу неча вилоятким, Бехра ва Хушоб ва Чиноб ва Чанут булғай, Темурбекнинг авлодининг тавобиъ ва лавоҳиқи тасарруфида эди...»

Ёки Самарқанднинг муаззам гумбазларига, нилий осмонига термилар экан, у яна Амир Темурни ёд этади:

«Самарқандни Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмасдур».

Бобур Мирзо юрган йулларида беихтиёр соҳибқирон изларини излайди, у ҳақдаги утмиш ҳикояларига ихлос билан қулоқ тутаяди. «Даҳқатда мен бир калонтарнинг уйига туштим, — дсб ёзади у, — қари киши эди, олтмиш-етмишда бор эди, вале онаси ҳануз бор эди, юз ун бир ёшда эди. Темурбек Ҳиндустонга кирганда бу хотуннинг уруқ-қиёшидин бири ул черикка бориб экандур, ул хотирида бор эди, ҳикоят қилур эди...»

Ўз замонасининг ёки ундан илгари-кейин утган давлат арбобларининг сиёсий-ахлоқий хатти-ҳаракатларига баҳо берар экан, ҳазрати Бобур Амир Темур фаолиятини доимо асосий мезон қилиб олади. Шу мезонга суяниб, ҳукм-мулоҳазаларини баён қилади. Маса-

лан, у Султон Ҳусайн Бойқарога Шайбонийхонга қарши биргаликда кураш олиб бориш таклифи билан муурожаат этганида, подшоҳнинг бу масалага муносабатини худди ана шу нуқтаи назардан изоҳлайди:

«Султон Ҳусайн Мирзонинг бу хатлари мужиби ноумидлик бўлди. Не учунким, Темурбекнинг юртида бу тарихда андин улукроқ подшоҳ ҳам ёш ва ҳам вилоят ва ҳам черик биля йуқ эди... Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек урнига ултургон улуг подшоҳ ганимининг устига юрмакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлиқ қолғай?»

Туркистон улкасида узаро фитналар, адоват ва низолар билан кундан-кунга заифлашиб бораётган темурий ҳукмдорларнинг аҳволи Бобур Мирзони қаттиқ изтиробга солар эди. Султон Ҳусайн Мирзодан мазкур жавобни олганидан сўнг у тақдир узининг зиммасига мисли қурилмаган тарихий бир масъулият юклаганини — темурийлар салтанатининг шаъну шавкатини сақлаб қолиш ва уни янада тараққий қилдиришдек машаққатли вазифа чекига тушганини ички бир туйғу билан англайди. Шунга кура «...ушбу тарихқача (яъни 1507 йилгача — Х.С.) Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдумким, мени «подшоҳ» дегайлар», дея ўз азму қарорини эл-улусга, дўстлари ва ганимларига ошкор қилади.

Ва шу тариқа Ҳиндистонни забт этиш орзуси хаёдан амалий ҳаракатга айлана бошлайди. Шу кезларда Тангри таоло унга яна бир ўғил ҳадя этади. «Бехрани олгонда бу хабар етар, таяммуан ва тафаъулан отини Ҳиндол қўйдилар. Бу муносабатлардин манга ҳам инидур ва ҳам фарзанд».

Ҳиндистон сари от қўйишдан олдин Бобур Мирзо «Темур тузуклари»ни яна бир карра куздан кечириб, ушбу тафсилотларни обдан таҳлил қилади: «Султон Маҳмуд ва Маллухон эллик минг отлиқ ва пиёда аскар, 120 занжирбанд фил билан Дехли қалъасини мустаҳкамладилар ва мен билан жанг қилишга шайландилар. Кунглим хавотирланди. Бордию Дехли қалъасини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узоқ вақтга чўзилиб кетса, нима қиламан? Узимга кенгашиб, ганим лашкари дадилланиб, қалъадан чиқиб, саф тортиб жанг майдонига кириши учун узимни кучсиз ва қурққандек қилиб курсатмоқчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узоқроқда хандақ қаздирдим. Лашкарим билан хандақ ичига яхшилаб жойлашганимдан сўнг, лашкар-

ларимнинг бир фавжини душманга қарши жангга ташладим. Душман қаршисига боргач, узларини кучсиз курсатиб, қурққандай бўлиб чекинишларини ва ганимларни дадиллантириб келишни буюрдим. Душман лашкари бу ҳолни куриб, узларини голиб ҳисоблаб, гердайиб жанг майдонига чиққан эдиларки, менинг қаҳрли лашкарим фавжлари билан юзма-юз келдилар. Деҳли ҳокими султон Маҳмуд жангга киришди ва енгилиб тоғ тарафга қочди. Бекіёс хазина ва мол-мулки сипоҳийларимга насиб бўлди. Бир йил ичида Ҳиндистон пойтахти Деҳлини забт этдим ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти Самарқандга қайтдим».

Ҳазрати Бобур соҳибқироннинг бу ҳикоятларидан ажиб мутаассир бўлиб, вужудида бекіёс куч-қудрат туяди. Бир ярим, купи билан икки минг атрофидаги йигит билан Ҳиндистон ҳукмдори Султон Иброҳим Лудийга қарши қушин тортади. Тарихда «Панипат жанги» сифатида машҳур бўлган бу туқнашув Бобур Мирзо саркардалик салоҳиятининг энг порлоқ саҳифаларидан биридир. Бежиз эмаски, ҳинд тарихчилари Панипат муҳорабасини Ҳиндистон тарихида бурилиш ясаган улкан ҳарбий-сиёсий воқеа сифатида баҳолайдилар.

Яхшиси, бу хусусда сўзни улуғ шоир ва улуғ муаррихнинг узларидан эшитайлик:

«Аввал навбатким, Бехрага келдук, минг беш юз, ниҳояти икки минг киши бўлғой эдук. Бешинчи навбатким келиб, Султон Иброҳимни босиб, Ҳиндустон мамоликини фатҳ қилдим, ҳеч қачон Ҳиндустон юршида мунча черик била келилмайду эди. Навкар ва савдар ва чокар жамий черик била бўлгонлар ун икки минг киши қаламға келди... Ҳиндустон мамлакати Бехрадин Баҳорғача афгон тасарруфида эди, подшоҳи Султон Иброҳим эди. Вилоят ҳисоби била беш лак черики бўлмоқ керак эди. Ул фурсатга юрт умароси мухолафат мақомида эрдилар. Ҳозир черикини бир лак (юз минг — Х.С.) ченарлар эди. Узининг ва умаросининг минг чоғлиқ фили бор, дерлар эди. Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, узбакдек юз минг қари ёғийни орқада қуюб, Султон Иброҳимдек қалин чериклик ва васий мулкдук подшоҳ била рубару буддук...»

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу жангда теурийлар сулоласининг тақдири ҳам ҳал бўлган. За-



мон туфонларида буткул учиб-йитиб кетиши эҳтимолдан холи булмаган бу салтанатнинг тадрижи ушбу жанг натижасига кура узга бир заминда янгича бир шукуҳ ва сифат узгаришлари билан давом эттирилган. Бинобарин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Яратганга таваккал қилиб, «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган», деган ояти каримани дилида қайта-қайта такрорлаб шу ҳаёт-мамонт жангига киради:

«Таваккулимизга яраша Тенгри таоло ранж ва машаққатларимизни зойиъ қилмай, мундоқ зур ганимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтӯҳ айлади, — дея хотирлайди у ва парвардигорга беҳад шукроналар айтади. — Бу давлатни узумизнинг зур ва қувватидин кўрмасбиз, балки Тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва бу саодатни узумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки Тенгрининг айнаи карам ва иноятидандур».

Фатҳ этилган Ҳиндистон шаҳру кентларини, унинг пойтахтини куздан кечирар экан, ғолиб подшоҳ яна соҳибқирон Темурни эсга олади: «Дехли Султон Алоуддиннинг илгида эди. Бу табақа сайиддур. Темурбек Дехлини олғонда Дехли ҳукуматини буларнинг оталарига бериб эди».

Мана, икки буюк жаҳонгирнинг бир улкага қилган ҳарбий юришлари таҳлили асосида уларнинг шахсиятига дахлдор айрим хусусиятлар ҳақида қисқача тўхталиб утдик. Аммо бу муштарак жиҳатлар фақат ҳарбий-жанговарлик соҳаси билангина чекланиб қолмайди, балки соҳибқирон Темур ва ҳазрати Бобурнинг ақлзаковат эгаларига, илм-фан аҳлларига, санъат ва ҳунар усталарига нисбатан кургазган беқиёс меҳр-мурувватлари уларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Зеро уларнинг иккиси ҳам, моҳият эътиборига кура, аввало улуг бунёдкор шахслар эди.

Шу муносабат билан овруполик иккита тарихчининг Амир Темурнинг бу борадаги фаолиятига берган баҳосини эслаб утайлик. Улардан биринчиси — испан элчиси Клавихонинг гувоҳлиги айниқса эътиборга моликдир, чунки у зикр этилаётган воқеа-ҳодисаларни Самарқанд ҳукмдорининг саройида уз кузи билан кўриб, уз қулоғи билан эшитган. Демак, унинг қолдирган маълумотлари тарихий жиҳатдан бениҳоя ҳаққонийдир:

«Темур... буюк иморатлар барпо этди ва уларни

улкан боғу роғлар билан уради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари барпо этилди ва бузилганлари тuzатилди. У обод қилиш мумкин булган бир қарич ерни ҳам буш қолдирмас эди... Мусулмон меъморчилигининг энг яхши даври Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ».

Улуғ бобомизнинг мислсиз бунёдкорлик ишлари ҳақида машҳур можор олими Ҳерман Вамбери ҳам гоёат қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилган. Жумладан, у шундай деб ёзади: «Темур қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб улжаси — шу улканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган. У Бурса кутубхонасидаги китобларни от-уловларга орттириб, Самарқандга кучиртирган. Энди шу кишини ваҳший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки мартаба хатодир... Турк ва араб қавмидан булган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби Темурда ҳам она Ватанига жуда хос даражада тарафкашлик бор. Шунинг учун у гарбий ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан бирга эндиликда ожиз булиб қолган ислом маданияти асосини Туркистон чўлларининг майин тупроқларига кучиришни ният қилган эди... Темурнинг шу маслаги унинг азиз Ватани Урта Осиё учун ниҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб утиришга эҳтиёж йўқдир».

Буюк меъмор, буюк боғбон, буюк ижодкор сифатида вояга етган Бобур Мирзо гудак чоғиданоқ соҳибқирон Амир Темур жорий этган, ундан мерос булиб қолган гузал бунёдкорлик муҳитида тарбия курган эди. Эҳтимол, шу сабабдан булса керак, «Бобурнома»да муаллиф улуғ аждодининг яратувчилик ишларини, унинг амру фармони ва гоёлари билан барпо қилинган муаззам иншоотларни, боғу боғотларни завқ-шавққа тўлиб тасвирлайди. Бу ҳароратли тасвирлар бугун ҳам дилбар ғазалнинг байтлари янглиғ таассурот қолдиради. Бобур Мирзонинг мазкур ёдномалари булмаганида, соҳибқироннинг тарихий сиймоси тугал булмай қолиши шубҳасиз эди. Самарқанддаги ва умуман теурийлар давридаги обидаларни урганган тадқиқотчилар бу борада Бобурнинг ёзганлари уларга ниҳоятда қўл келганини алоҳида қайд этиб ўтганлар.

«Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг иморати ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур, — дея ҳикоя

қилади Бобур. — Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кушк солибтур, турт ошиёналиқ, Куксаройга мавсум ва машхур ва бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дарвозасига ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар.

Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни — «Ва из ярфау Иброҳимал қавоида (ило охириҳи)» андоқ улуг хат била битибтурларким, бир курух ёвуқ ердин уқуса булур. Бу ҳам бисёр олий имораттур».

Амир Темур давлатининг пойтахтини безаб турган фусункор боғлар айниқса Бобур Мирзода улкан ҳавас ва меҳр уйғотади: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким, йироқтур, Боғи Булдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир. Андин Фсруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурбтур. Дилкушода ҳам улуг кушк солдирубдур, ул кушкта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар...»

Жувонмард бобокалонининг бунёдкорлик бобида фаолият курсатган бирон-бир авлоди Бобур Мирзонинг утқир, синчков назаридан четда қолмайди. Юрт ободончилиги, эл маъмурлиги учун хизмат қилган арбоб борки, уларнинг номини эҳтиром ила тарих саҳифаларига рақам қилади:

«Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир Мирзонинг угли Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанднинг тош қургонида — чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандда подшоҳлиқ қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур».

Ёки:

«Улугбек Мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуг гунбаздур, оламда онча улуг гунбаз йўқ, деб нишон берурлар...»

Соҳибқироннинг туғилган жойи — Кеш шаҳрига алоҳида муҳаббати ҳақида ҳам ҳазрати Бобур биз авлодларга жуда ноёб маълумотларни битиб қолдиради: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, — деб таъкидлайди у, — шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди... Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни - ўқ ихтиёр қилди».

Қисматнинг қалтис синовлари туфайли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо умр буйи от устида сарсон-саргардон кезмоқликка мажбур бўлди. Тақдир тақозоси билан дилидаги улугвор бунёдкорлик режаларини рўёбга чиқаришга, улуг аждоди соҳибқирон Темур сингари оламда тенги йўқ олий иншоотлар барпо қилишга ҳар доим ҳам муяссар булавермади. Аммо жангу жадалдан, юришу урушлардан, салтанат ташвишларидан бир зум бўлса-да, фурсат орттирса, у узини ҳаётининг бош маъноси бўлмиш яратувчиликка, ижодкорликка бағишлади. У тириклик мазмунини бузгунчиликда эмас, аксинча, бунёдкорликда деб билди ва бундан олам-олам завқу сурур туйди. Хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ Ушда, хоҳ Кобулу Деҳлида бўлсин, эзгу ишлар, гузал иморатлар, солиҳ амалларни узидан ёдгор этиб қолдиришга тиришди. Хусусан, Ҳиндистонда кечирган беш йилга етар-етмас қисқа умри мобайнида ҳам иккинчи ватанига айланган бу улкани обод қилишга улкан саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Ва бу борадаги ишларини ҳам, умри давомида бўлганидек, улуг Амир Темурнинг фаолият мезонлари билан баҳолаб-таққослаб борди. Шу боисдан кўнгли гурурга, қонуний ифтихорга тўлиб, қуйидаги мисраларни ёзди: «Нечукким, «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф (Шарафиддин Али Яздий — Х.С.) мундоқ муболага била битибтурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди...»

«Алишер Навоий» спектаклида улуг шоиримиз: «Биз етмаган манзилларга, иншооллоҳ, авлодларимиз етгусидир», дея орзу қилади. Чиндан ҳам, Бобур Мирзо Амир Темур ишларини шараф билан давом эттирди, ҳамиша, ҳамма жойда соҳибқирон бобосининг номига муносиб бўлиб қолди.

Ўз навбатида ҳазрати Бобурнинг Ҳиндистонда мақсад қилиб қўйган буюк режа ва мақсадларини унинг насллари — бобурийлар сулоласининг шавкатли ҳукмдорлари юксак ва олий мақомларда амалга оширдилар, дунёнинг энг гузал мўъжизалари бўлган тарихий оби-

даларни бино қилиб, бунёдкор Темур ва Бобур руҳларини шод этдилар.

Мозийнинг бу сирли ва ҳайратомуз воқеаларидаги бир жиҳат кунгилларимизда мудом армон уйғотади. Яъни, Бобур Мирзо ва унинг баҳодир авлоди Ҳиндистон тупроғида тургун бўлиб қолиб кетди. Ва шу йусин бир пайтлар Амир Темурнинг амирлари уни огоҳлантириб айтган ҳолат юз берди: «Боринги, Ҳиндистонни олдик, ҳам дейлик. Бироқ у ерда тургун бўлиб қолсак, наслимиз йуқолади, авлодларимиз уз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади...» Афсуски, бу хусусда улар ҳақ бўлиб чиқдилар...

Лекин, начора! Оллоҳнинг ҳукми, тарихнинг ҳукми шундоқ бўлгач, биз уни бор ҳолича қабул қилмоғимиз лозим. Айни пайтда куксимизни тоғ қилиб чексиз ифтихор ҳиссини туйишга асосимиз бор. Улуғ соҳибқирон Амир Темур даҳосидан қувват ва руҳ олиб яшаган, жангу жадаллар қилган, афсонавор иншоотлар бунёд этган бобурий боболаримизнинг шуҳрати, беқиёс фаолияти, муҳаббат дostonлари, ватанга муҳаббат Мағрибдан Машриққа қадар тилларда ва элларда машҳуру манзур бўлди. Ва бу ҳақиқатни содиқ дустлар ҳам, гаддор ганимлар ҳам эътироф этдилар:

«Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, уша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир». (Вольдемар Хансен).

Бу сузларга, менингча, бирор нима деб қушимча қилиш амримаҳол.

*25 июнь. Дубай. Даъват маркази.*

Бугун машиналаримизни кемага юклаб қуямиз. Узимиз эса шанба куни асрдан кейин кема саҳнига қадам босамиз ва худо хоҳласа, Бандари Аббосга йул оламиз. У ерда, эҳтимол, экспедициямиз иккига бўлинса. Чунки сафаримизнинг беҳад чузилиб кетгани боис баъзи биродарларнинг ишхоналаридан берилган муддатлари битиб бораётир. Ҳар кимнинг ҳам узига яраша тириклиги, ташвиши бор. Уйдан чиққанимизга ҳам роса қирқ кун бўлди. Шунинг учун Эрон худудига утгач, уч-тўрт киши юртимизга жунаса керак. Қолганлар Бобур Мирзо изларини излаб тагин йулда давом этамиз.

Турғунлик кишини зериктирди. Яхшиси, Дубай ҳақида ҳикоя қилай.

Шаҳар йигирма-йигирма беш йил миёнасида қурилган, Лекин кулами, ҳашамати ва чиройи, замонавий қиёфаси билан ақлни олади. Бир юз уч миллатга мансуб олти юз минг киши доимий яшайди, келиб-кетгучилар ҳам қўпчиликни ташкил этади. Ҳиндлар, бангладешликлар ва эронилар турли ишларда ёлланиб ишлайди. Форс кўрфазидаги йирик порт масканларидан бири. Саудия Арабистонига солиштирганда анча очиқ-сочиқ, дунёвий манзаралар устун мамлакат. Деярли ҳар қадамда калта иштон, калта кўйлак кийиб юрган овруполикларни учратиш мумкин. Араб дунёсидаги энг бой давлатлар қаторига киради, савдо-сотик, банк-молия тизими ниҳоятда тараққий ва шуҳрат топган. Етти амирлик узаро бирлашиб саҳролар бағрида шу улкага асос солганлар. Марказий ҳукумат навбатма-навбат етти амирнинг бири томонидан бошқарилади. Кучалар, хиёбону майдонлар обод, ҳамма ерда келажакка ишонч билан қадам ташлаётган халқнинг уқтам шижоати сезилиб туради. Барчасига боис — нефть, нефть савдосидан оқиб келиб турган сармоя.

Даъват марказида ултириб аста Тавфиқни гапга соламиз. У доимо бизга парвона, ош-сувимиздан хабардор, оқшомлари денгизга олиб боради. Ҳали уйланмаган, чунки пули йўқ. Уйланиш бу ерда ҳам биздагидан баттар қиммат: урғача тўйга эллик минг долларча пул лозим буларкан. Келинга уст-бош, совға-салом, машинаю мебель қилиш керак. Ҳайронман, бу аҳволда қандай қилиб туртга хотин олиш мумкин...

Марказнинг учта катта-катта зали бор. Жума кунлари уртадаги энгил эшиклар ланг очиб қўйилади. Шунда учала зал бир-бирига қўшилиб, улкан бир намозгоҳ ҳосил бўлади. Биз ана шу залларнинг бирида истиқомат қилиб турибмиз. Чоғроқ ҳовлининг атрофига девор олинган, этак томонда қатор тушган ошхона, таҳоратхоналар. Ошхона кичиккина иккита булмадан иборат, турда бир қанча кўрпа-тушак уюлиб ётади. Ерга буйрасимон пластмасса шолча тушалган, дастурхон урнига дерматин клеёнка солинади. Сабзисиз ош, шурва (кейин билсак, у ошнинг қайласи экан), кузачада музли сув, олма, банан, апельсин, урик, тарвуз, айрон, лимон ва бодрингга карам қўшиб тайёрланган шакароб — булар бизга Оллоҳнинг етказган неъматлари. Даъват маркази фаоллари бизни навбатма-навбат меҳ-

мон қиладилар. Бугун суҳбатларда ҳамиша сокин улти-радиган хушсурат, бобурсифат бир йигит — Муҳаммад муллонинг гали экан.

Узимизча бир қозон осиб, андижонча палов қилмоққа бир-икки уриндиг-у, мезбонлар изн бермадилар.

Кечга яқин дафъатан бениҳоя савлатлик, зодагон бир зот икки-уч мулозим ҳамроҳлигида хузуримизга кириб келди. Салобати шу қадар зур эдики, хонада ҳозир булганларнинг барчаси беихтиёр оёққа қалқди. Ултирдик, ҳол-аҳвол сўрашилди. Бу киши мамлакат ҳукмдори — Шайх Зоҳиднинг ҳам куёви, ҳам яқин қариндоши экан. Катта мулкдор булмиш бу одам йилда бир марта даъватга чиқиб кетар экан. У бизнинг сафар саргузаштларимизга қизиқиш билан қулоқ солди. Дамба-дам мулозимларидан бири радиотелефонни унга тутар, гоҳ Мюнхен, гоҳ Исломобод, гоҳ Куала-Лумпур билан араб, инглиз тилларида мулоқот қилинар эди.

Суҳбатимиз давом этиб турганида бирданига останада «Здравствуйте, дорогие друзья!» деган русча калом янграб қолди. Эғнида ниҳоятда қимматбаҳо костюм, бошида оқ ҳожи дўппи, бармоқларида қуш-қуш тилла узуклар ярқираган сап-сарик бир ўрус пойгакда илжайиб турибди. Уни бошлаб келган таёқдай қотма, қоп-қора, Али исмли араб «Юртдошингиз, Россиядан, муслим булмоқ ниятида келибди, танишинглар», деди. Танишдик. Юнус Аббосов — Юнус ибн Аббос чечен, грознийлик миллионер тижоратчи. Савдо иши билан дунё кезиб юрган шахс. Али билан биргаликда Москвада қушма корхонаси бор экан. Мақсади — фарзандларини араб давлатларидан бирортасида диний таълимга бериш. Шу муддаода бу ерга келибди. Амирнинг куёви Юнус ибн Аббосга синчиклаб тикилди, мусулмонлигига андак иштибоҳ қилди шекилли, бирор оят айтиб беришини суради. Юнус ибн Аббос қаро терга тушиб, чалакам-чатти қилиб «Ал-ихлос» сурасини ўқиган бўлди. У арабчани ҳам, инглизчани ҳам билмас экан, сузларини мен русчадан узбекчага, Қори домла узбекчадан арабчага ва яна аксинча ҳолда таржима қилиб турдик.

Улкан мис баркашда тоғдай қилиб уюлган анвойи мевалар, турли шарбат, қаҳва ва «чойи сулаймоний» — қора чой тортилди.

Мезбонлар Юнус ибн Аббоснинг аввало узига ди-

ний таҳсил олишни таклиф қилишди. Аллақайси шаҳарга тўрт ойлик ўқишга юборишлари мумкинлигини билдиришди. Фарзандларини эса Амирликдаги бирорта мадрасада ўқитиб беришга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Юнус ибн Аббос ўгли хусусидаги фикрни эшитиб анча хотиржам бўлди-ю, узига келганда хийла безовталикка тушди. Ёши ўтиброқ қолган одам бўлса, тил билмаса, корхонанинг ишларини ташлаб кетолмаса... Шу йўсиндаги важ-корсонларини эшитиб Амирнинг куёви айтдики, сен бу дунёнинг ташвишини кўп тортибсан, энди озроқ охираат дунёсини обод қилиш ҳақида ҳам уйлагил... Муллаликка номзод чечен бой бош ирғаб ултирди ва менга пичирлаб шундай деди: эҳ, менинг режаларим бутунлай бошқача эди!

Худо узи кечирсин, декин нима учундир мен Юнус ибн Аббоснинг самимиятига ишонмадим.

Ишнолмадим.

Умуман, менда йирик сармоядорларга нисбатан пролетарларча бир нафрат ва шубҳа туйғуси беҳад кучли экан...

*26 июнь. Дубай. Даъват маркази.*

Худо хоҳласа, буёғи оз қолди: шанба куни, яъни эртага Даъват марказини тарк этамиз. Машиналар рўйхатдан утказилган, чипта ва ҳужжатлар олинган.

Бугун жума, шу сабаб бу ерда одам ниҳоятда кўп. Эрталабдан минг-минг одам намози жумага ёғилиб кела бошлади. Шайх Амир Ҳусайн амри маъруф қилди. Бизни ҳам амри маъруфдан баҳраманд бўлсин, деб атай шаҳардан бир таржимон топиб келишибди. Бу кишининг исмлари Муҳаммад Амин, афғонистонлик узбеклардан, Дубайдаги масжидлардан бирининг имоми экан. Асли зоти бухоролик бўлиб, Афғонистоннинг Бадахшониде туғилиб усган. У шайхнинг маърузасини таржима қилиб турди, сўнгра масжид ошхонасида бирга тановул қилдик.

Аср намози шаҳардаги энг муҳташам намозгоҳ — Малик Файсал масжидида ўқилди. Бу даргоҳнинг имоми Муҳаммад Аминнинг биродари экан, ибодатдан кейин барчамизни чойга таклиф қилди.

У ердан чиқиб, кучада атлас куйлак кийиб юрган хонимларга ва уларни стаклаб юрган жанобларга кузимиз тушди. Суриштириб курсак, ватандошлар — Са-



марқанддан келишибди. Худди шу кунлари Тошкент — Шаржа ҳаво рейси очилган бўлиб, булар биринчи йуловчилар экан. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат дегандек айланиб юришибди. Ҳафтасига икки марта тайёра учиб турган экан. Етти кунлик сайру саёҳатнинг баҳоси олтмиш уч минг рубль эмиш.

Ҳамюртларни куриб суюндик, ҳавас билан боқиб қолдик. Қандоқ бахтли инсонларки, икки кундан сунг Ватанда бўладилар...

*27 июнь. Дубай бандаргоҳи. Иммиграция булими.*

Оҳу нолаларимиз Оллоҳга етиб, ниҳоят бугун Дубайдаги Халил бандаргоҳидан Эрон сари жунаб кетамиз. Бу сатрлар бандаргоҳнинг олағовур иммиграция булимида битилмоқда. Хужжат текшириш, божхона назоратидан ўтиш сингари машмашалар давом этмоқда. Худога шукурки, мен шу галвалардан эсон-омон ўтиб олиб, араб боласи Тавфиқ лутфан тақдим этган қалам билан шу жумлаларни ёзиб ўлтирибман.

Эрталаб туғри шу ерга келдик. Машиналаримизни топшириб—кемага юклаб турсак, ортимиздан Муҳаммад Амин байбайлаганча келиб қолди. У бизни излаб Даъват марказига борибди, жунаганимизни эшитиб оёғини қўлга олганча бандаргоҳга югурибди. «Бир пиёла чой ичиб кетмасанглар, биз қандай ўзбек бўлдик?!» деди астойдил ранжиб. Вақтимиз шу қадар тигиз эдики, чой тугул сув ичишга ҳам фурсатимиз йўқ эди. Узр айтдик. Қани кунса! Ноилож, ярим соатга кириб чиқиш шарти билан рози бўлдик.

Муҳаммад Амин бизни иккинчи оиласига — ўзбек аёли билан яшайдиган ҳовлисига олиб борди. Биринчи хотини араб аёли бўлиб, бошқа жойда турар экан. Ўзбек хотинни Карачидан, муҳожир ўзбек хонадонидан олиб келибди. Ўзбекнинг нимаси сероб — болачақаси сероб, имом домла ҳам серфарзанд одам эканлар — ҳар иккала рафиқасидан учтадан боласи бор. Қизиги шундаки, биз борган ҳовлида икки онанинг катта-кичик, ёшлари ҳам тенгқур фарзандлари бирга уйнаб юришган экан. Тақсир бизга уларни бирма-бир таништирамоққа бошлади: «Бу — араб қизимиз, буниси — ўзбек ўғлимиз, бу — араб ўғлимиз, бу қизалогимиз ўзбек хонимимиздан...»

Муҳаммад Амин ўттиз олти ёшда. Ўн икки йилдан буён шу ерда истоқомат қилар экан. Бадахшонда кек-

са ота-онаси, укалари қолган. Купдан бери хат-хабар йўқлигини сузларкан, кузларида маъюслик пайдо бўлди.

«Бу шаҳарда мендан бошқа узбек булмаса керак. Янглиш гапирсак, бизнинг узбаки гапимизга айбситмангизлар», дейди у хижолатомуз. Ва унинг соф, содда, мардона сузлаш тарзига қулоқ тутганча беихтиёр уйлаб кетасизки, қанийди, она юртимизда узбекман, деб куксига муштлаб юрган баъзи инсонлар узбекча талаффуз ва узбекча зарофат билан ана шундоқ «янглиш» гапира олсалар!..

Имом домла узбекчага яқинроқ қилиб палов дамлатибдилар. Арабларнинг паловидан фарқи шундаки, ошга сабзи солинган. Таомдан сунг хонадон соҳибининг ҳақиға фотиҳа қилиб, кузгалдик. Тақсир барчамизга сатиён муқовали Қуръони қарим эҳсон қилдилар. Дуо қилиб, кузларимизга суртиб олдик. Мезбонимиз бизни бандаргоҳга қадар кузатиб келди.

Кечқурун соат саккизда «Хурмуз-1» деган Эрон кемасига жойлашиб булдик. Баайни Айтматов тасвирлагандай улкан оқ кема. Умримда биринчи марта денгиз кемасига чиқишим. Саҳройи бадавий каби пуртана отиб пишқириб ётган денгизга ҳайрат ва ҳаяжон билан термилиб турибман.

Ҳазрати Бобур фақат қуруқликда эмас, балки дарёю баҳрларда ҳам юриш қилмоқликка моҳир булган. Унинг «Фармойиш», «Оройиш», «Гунжойиш», «Осойиш» номли кемаларида амалга оширган ҳарбий сафарлари «Бобурнома»да зикр этилган. Бинобарин, унинг амирул-баҳр — денгиз амири сифатидаги фаолиятини ўрганиш ҳам гоят қизиқарли натижалар бериши шубҳасиз. Чунки илмий-тарихий адабиётларда баъзан бобурийлар фақат қуруқлик жангларидагина тенгсиз эдилар, денгизчилик, сув йўллари уларга бегона эди, деган фикрлар ҳам учраб қолади. Ҳатто айрим тарихчилар бобурийлар салтанатининг емирилишини айнан улуг жуғрофий кашфиётлар — Амриқонинг кашф этилиши туфайли денгиз йўллари-нинг мисли қурилмаган миқёсда очилиши, бу борадаги устунлик голландлар, португаллар, испан ва инглизлар қулига утиб кетиши билан боғлаб изоҳлайдилар. Лекин, ҳар нима булганда ҳам бир нарсани тула ишонч билан айтиш мумкинки, Ҳиндистон Бобур Мирзони денгизчи қилган.

Шом аралаш Бандар Аббос сари жунадик. Чексиз-чекгарасиз мовий тўлқинлар уртасига ботиб бораётган

олов баркаш — қуёшни томоша қилиш гоят завқли эди.

Кеманинг умумий залида тонг оттирдик. Кечаси ниҳоятда совуқ бўлди, дийдираб-жунжикиб чиқдим. Кенг, каттагина бир каюта намоз ўқиш учун ажратиб қўйилган. Шом, хуфтон ва бомдод намозини Форс курфазида, чайқалиб бораётган кема ичида ўқишлик насиб этди. Саҳарлаб палубага чиқиб олдим. У ер хийла иссиқ экан, бир оздан кейин вужудимга жон кирди. Туганмас зарларини саховат ила сочиб, уфқда қуёш ҳам куринди.

*28 июнь. Эрон Исломи Республикаси.  
Бандар Аббос.*

Соат туққиз яримда кемамиз Бандар Аббос портига лангар ташлади. Бандаргоҳда кема куп, беш-унта ҳарбий пароходлар ҳам кузга чалинади. Узоқда, хира тўзон-губор ичра яланғоч, кулранг тоғлар куришиб турибди.

Соҳилга тушишимиз билан одатдаги ғавғолар бошланди: Халил бандаргоҳида машиналаримизнинг юки бор, ҳам дейишмабди, йўқ ҳам. Шунинг учун маҳаллий маъмурлар дарҳол «Тойота»ларимизни махсус саройга элтиб банди қилдилар. То бизнинг шахсимиз аниқланиб, «номаи аъмолимиз» урганилгунча машинага яқин ҳам боролмаймиз. Шундоқ устимиздаги кийимбошу сочиқ-совунларимизни олишга ижозат бўлди, холос.

Тагин умидсизлик, тагин тушкунлик. Яна бесамар сарғайиш.

Хайриятки, Дубайдаги мезбонлар бу ерга телефон қилиб қўйишган экан, уларнинг Бандар Аббосда истиқомат қиладиган маслакдош биродарлари бирпасда етиб келиб бизга меҳрибонлик курсатишди. Бандаргоҳдаги мушкулотларни ҳал этишга ваъда бериб, дарҳол шаҳар четидаги Наби Акрам масжидига олиб кетишди. Чой-сув ичиб, бир зум ором олдик. Масжид янги, қадимий шарқ услубида қурилган. Сунний мазҳабдаги қавмлар ибодатхонаси. Бу жойда Зоҳидон шаҳридан келган бир гуруҳ меҳмон билан танишдик. Уларнинг узлари мусофир, масжидда, тўғри келган ерда тунаб кетаверишади, лекин шундай булатуриб, бизга куп меҳр-оқибат курсатишди. Оғринмай хизматимизда булишди. «Барча мусулмонлар — биродарлардир», деган

ақида уларнинг чинакам ҳаётий маслағига айланган. Айниқса, Муҳаммад Мурод исмли озгин, шижоатли бир йигит хотирамда қолди. У шомдан кейин қарийб бир соатга яқин амри-маъруф қилди. Товуши беҳад уткир ва ёқимли, баайни машҳур ҳофизимиз Маъмуржон Узоқовнинг хушнафас овозига ухшайди. Узи катта дукондор, давлатманд, йилда уч-тўрт ойлаб даъватга чиқиб кетар экан. Унинг содда, хоксор ва камтарин одамлигини шундан ҳам билиш мумкин эдики, шундоғ утли ваъз қилганидан сунг, юксак илоҳий қадриятлар ҳақида сўзлаганидан сунг у қўлига супурги олиб масжид ҳовлисини супурар, қозон-товоқ ювишни ҳам ор билмас эди. Унинг нузли чехрасида қадимий дарвеш ва шайхларнинг табаррук сиймоларига хос олий сифатлар зуҳур этиб турар эди.

Улардан яна бирининг исми Мансур Ҳидоят булиб, у диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам яхшигина хабардор экан. Фарруҳ Расул Андижонда форс тилига ихтисослашган мактабда таълим олгани учун форсчаси бинойидай экан, унинг ёрдамида анча суҳбат қурдик. Мансур Ҳидоят мактабда тарихдан дарс беради. Рус адабиётидан Пушкин, Толстой, Солженицин асарларини билади. Бир пайтлар форс тилига таржима қилинган «Сталиннинг кирдикорлари» деган китоб уқиган экан. Айтишича, бу асарнинг муаллифи рус — аёл киши, шу муаллифнинг кимлигини сўради. Сунгра суҳбатимиз тарихга кучди. У бизнинг Бобур Мирзо мухлислари эканлигимиздан хабардор булгач, бу хусусда ўз билганларини, фикр-мулоҳазаларини сўзлади. Бундан бир неча йил муқаддам Тсхронда «Эрон ва Бобур» деган каттагина китоб нашр қилинган. Мансур Ҳидоят шу китобни уқиганини, унинг муаллифи хорижий олим булиб, таржимони эронлик шахс эканини, бу рисоланинг бир нусхасини яқинда Зоҳидондаги китоб дуконларидан бирида қўрганлигини айтди. Қизиқиб қолдим. У бизга шу дукон манзилени ёзиб берди ва мабодо у ердан топилмаса, кейинчалик узи менинг номимга юбориш учун унвонимни ёзиб олди. Гапига қараганда, китобнинг нархи уч юз туман атрофида.

Яна бир мезбоннинг номи Муҳаммад Ҳасандирки, ў Бандар Аббос портидаги радиоузелда оператор булиб ишлайди. Бизнинг бандаргоҳ ва божхонага алоқадор ишларимизни ҳал қилиб бериш учун роса жон куйдирди. Сочлари тўкилган, паст буйли, серҳаракат, жиккак

одам, пилдираганча бир лаҳза тиним билмайди. Ана, ҳозир ҳам кузачада муз солинган сув кутариб келиб бизга мурувват курсатаётир. Унинг дунё курган, ҳаёт ва одам қадрини яхши биладиган инсон эканлиги сезилиб турарди. Муҳаммад Ҳасан инглиз, араб тилларини, озроқ озарбойжончани биледи.

Кечкурун мезбонлар ширингина шурва қилиб бизни сийладилар. Таомдан сунг мева-чева тортилди. Масжид ҳовлисида баланд-баланд дарахтлардаги шигил хурмо мевалари саргайиб ётибди.

Бу ер — шаҳарнинг овлоқ бир маҳалласи. Кечки пайт пича ён-теварақларни кезиб сайр қилдик. Ҳаммаёқ жимжит, ҳар замон-ҳар замон урилган-сурилган, пачоқ машиналар утиб қолади. Кучалар — шағал сочилган, кулранг кум-цемент оқариб ётадиган кучалар бум-буш, ҳувиллаган. Иссиқ, намчил ҳарорат бор тирик жонни бушаштириб, лоҳас ва карахт қилиб ташлагандек. Одамлар лоқайд, ҳиссиз ва мудрагандек бир ҳолатда юрадилар. Бу жойларда Саудия ёки Бирлашган Амирликдаги сингари азим шижоатни сезмайсиз. Умуман, теварак-атрофда бу кунлар қандайдир ялпи тушқунлик ҳукмрондек туюлади.

Шоми ғарибонда одамнинг юраги қандай сиқилса, мен ҳам ҳозир шундай бир маҳзун ҳолатдаман. Ҳеч нарса ёқмайди, ҳамма нарса кузимга хунук, рудапо ва бедаво куринади.

Эҳтимол, мен янглишарман. Атроф-жавониб бунчалар ҳам қутсиз эмасдир. Балки куннинг гоят иссиқлиги, ҳаддан зиёда чарчоқ, ишимизнинг олға юрмаётганлиги, ночор бандилик, асабий зиклик — буларнинг барчаси кайфиятимга шундай салбий таъсир утказаетгандир.

Беихтиёр кўрган — кечирганларимга фалсафий бир асос топмоққа уринаман.

Улуғ муаррих Лев Гумилев қайси бир мақоласида тахминан шундай деб ёзади: миллатлар ҳам, давлатлар ҳам вақти-соати келиб бамисоли одам сингари қарийди, тараққиётдан, ривождан тўхтайдди. Уларнинг урнига бошқа — ёш, навқирон ва яшашга қобил миллат ва элатлар дунёга келади.

Назаримда, кўз унгимиздаги манзаралар тимсолида айни фикр худди тасдиқ топиб тургандек. Болалар шовқин-сурони, қий-чуви йуқ кучалар ҳам ғалати булар экан...

29 - 30 июнь. Бандар Аббос. «Амин» меҳмонхонаси.

Золимларга ўзинг инсоф бер, худо!

Уч кундирки, шу илтижо тилдан тушмайди.

Уч кундирки, шу намчил бандаргоҳдан қутулиб кетолмаймиз. Дастлаб Эрон ҳудудига утгандаги қийналганларимиз ҳолва экан, бу сафаргиси ниҳоятда ошиб тушди.

Бечора «Бой ота!»

Ҳар бири чойшабдай-чойшабдай (!) келадиган (сүзимнинг ҳеч муболагаси йўқ — сафардошларим тасдиқлашлари мумкин, чунки бутун сафаримиз тафсилотларини унутиб юборишимиз эҳтимол, аммо Бандар Аббосни ула-улгунча унутмаймиз!) олтига қоғозни кутарганча шаҳарнинг у бошидан-бу бошига бузчининг моксисидай зир югурадилар. Турли-туман идоралардаги юзлаб амалдорга имзо чектириш, муҳр бостириш учун соатлаб эланиб ултирадилар. Бизлар эса... бандаргоҳ ташқарисидаги куйиб-ёниб ётган бостирмача тагида, қайноқ темир уриндиқларда жизгинак булиб, бир муждага зор булиб кунни кеч қиламиз.

Шаҳардаги жамики идоралар пешингача, яъни соат ун тўртга қадар ишлайди, аммо ун учдаёқ ҳамма жой тақа-тақ ёпилиб улгуради. Кеча ишимиз битмади — яна Наби Акрам масжидига бориб ётдик. Йигитлар харажат қилиб келиб товўқ шурва пиширишди. Масжид хизматчилари билан бирга баҳам кўрдик. Хуфтонни ўқидигу азбаройи чарчаганимиздан масжиднинг мрамар саҳни устига тушалган бордонларга таппа-таппа ташлаб очиқ осмон остида донг қотдик. На кўрпага, на тушакка, на болишга зарурат бор...

Азонлаб тагин умид билан бандаргоҳга келиб темир уриндиқларга қалдирғочнинг боласидай тизилишиб ултирдик. Кун исиб кетганида бандаргоҳнинг чоғроқ масжидига кириб салқинлар эдик, бугун аксига олиб ток йўқ экан, ҳаммомдай қизиб кетди. Ноилож яна бостирмага чиқдик. Гоҳ ултирдик, гоҳ чузилиб ҳам ётдик, гоҳ нари-бери юрдик — бари бир вақтнинг утиши, диққинафасликнинг тарқашаи қийин бўлди. «Бой ота» икки таржимонни олиб қайсидир амалдорга гап ўқтириш билан овора.

Иссиқ ва очликдан силламиз қуриб, бағоят тажанг бўла бошладик. «Оч баччағардан — қоч баччағар», «Менинг нафсим балодур, ёнар утга соладур» деган мақол-маталлар

бежиз туқилмаган, ахир! Ҳатто уйгурларнинг халқ қушиқларидан бирида шундай сатрлар ҳам бор: «Мен ёримни уйлай десам, Таом вақти буп қопти...» Уни қарангки, суйган ёрини уйламоқчи экан-у, афсус, овқатланадиган пайт бўлиб қолибди...

Бунинг устига, Адҳам билан Рустамжон баттар жигар-бағримизни эзишади: «Шу маҳалда Хаканнинг чойхонасидаги девзира палов бўлса бормиди... Қуй ёғи-қуй гушти бўлса, устида тўрттагина қалампири милтираб турса...»

**Садистлар!**

Терга ботган, кир-чир, ислиқи либосларда ётибмиз. Уст-бошларимиз — машинада, машина эса — қамоқда. Соат учдан ошди. Пилдираганча Муҳаммад Ҳасан келиб кетди, алланималар деб таскин берди. Асрга яқин бугун ҳам ижозат тегмагани маълум бўлди. Руҳимиз тушиб, Наби Акрам масжидига бордик, меҳрибон муслимлар билан хушлашиб, денгиз ёқасидаги «Амин» меҳмонхонасига келиб жойлашдик. Кечки таомни одамга ухшаб еб, неча кунлар мобайнида биринчи марта одамга ухшаб урин-курпага кириб ётдик. Озода, юмшоқ жойда ётиб ҳам уйқум келмади. Шифтга боққан сари юрагим сиқилаверди. Абдулла Туқай сатрларини шивирлаб уқиб ётдим:

Парпираб юлдуз ёнодир тун қаро бўлган сайин,  
Ёдима тангрим тушар бахтим қаро бўлган сайин.

Бизнинг ишимизни мушкуллаштирган муаммолардан бири экспедициянинг Зоҳидонда иккига ажралиши масаласи бўлди. Гарчи очиқ сездирмасаларда, маҳаллий маъмурлар бундан бирмунча таажжуб ва шубҳага тушган эдилар. Шу боис синчковлик, ҳужжат тайёрлашдаги ҳушёрлик, масъулиятдан қочиш ҳолатлари бир неча бор кучайиб, кетишимиз орқага сурилмоқда эди.

«Амин» давлатга қарашли кичкинагина, ораста меҳмонхона. Шундоқ кираверишдаги холл деворига номаълум бир рассом томонидан ишланган ҳазрат Алининг катта суврати осиб қўйилган. Нарх-наво баланд. Ун тўрт киши бир кеча учун тўрт юз долларча туладик. Бу бизнинг пулга қарийб эллик минг рубль демақдир. Бир чойнак чой — юз туман. Пулнинг қадри йук

шекилли, кучаларда боғлам-боғлам қилиб кутариб юрадилар.

*1 июль. Бандар Аббос. «Амин» меҳмонхонаси.*

Уйдан чиққанимизга қирқ кун булди.

Соат 12 дан утгиз дақиқа утди. Пешинга азон айтилишини кутиб ултирибмиз. Бир гуруҳ ҳамсафарлар «Бой ота» раҳбарлигида яна портга кетишган — жангни келган жойидан давом эттиргали. Қолган уч-тўрт киши эса хонадан жилмай, фол очиб турибмизки, ишимиз бугун битармикан ё йўқ?.. Меҳмонхонадаги муддатимиз соат ун тўртда битади, агар шунгача чиқиб кетолмасак, яна ақча чузиш лозим.

Қашшоқлик ва қимматчилик ака-укадирки, мудом бир-бирини стаглаб юради. Шу боис тушликсиз қолдик, сув ичгали ҳам пул йўқ. Соат бешларда бахтимизга бандаргоҳдан Адҳам келиб қолди. Янгилик сўраган эдик, аҳвол худди Лондондагидек туманли, деб жавоб қайтарди. «Парво қилманглар, — деб қўйди кетидан, — кўнгилни бамисоли афгоннинг иштонидай кенг қилиш керак». Шундай деб, ҳазил-мутойиба қилиб, қош-кўзларини учириб, муқом билан баттол ошпазни эритди — ярим тақсимчадан бутқага ўхшаш егулик ундирди. Энди тамадди қила бошлаганимизда ҳаллослаб-ҳовлиқиб, қолганлар ҳам стиб келишди.

Ниҳоят, кетишга ижозат булибди!

Ризо ва Муҳаммад исмли икки йигит бизга ҳамроҳ булиб бораркан. Бири форс, иккинчиси — озарбойжон. Табиийки, буларнинг маишати, сафар харажатлари ва совға-саломлари бизнинг зиммамизга юклатилибди.

Бояқиш машиналаримиз ҳам уч кун офтоб тигида қолиб кетган экан, меҳмонхона ёнида артиб-ювиб, йўлга ҳозирладик. Юклар туширилиб, Зоҳидонда айриладиган биродарларимизнинг нарсалари кичкина «Тойота»га ортилди. Қаро терга тушиб ишладик, соат олтида бу жойларни энди елкамизнинг чуқури кўрсин, деб, қайдасан, Зоҳидон, дея йўлга равона булдик. Ҳар элик-олтмиш километрда биттадан текширув манзили, сумрайган аскар ва зобитлар. Уч юз километрча юрганимиздан кейин йўлни қўриқлаб турган ҳарбийлар тўхтатишди: Балужистоннинг бу қисми хатарли, қароқчи тудалари ҳужум қилиши мумкин экан, шунинг учун



ярмимиз машиналарда, ярмимиз меҳмонсаройга кириб ётдик.

## *2 июль. Зоҳидон. Шаҳар уртасидаги хиёбон.*

Тушовини узган тулпор қандай қувониб елади? Биз ҳам ҳозир аини ҳолат ва аини тезликда елиб бораётимиз. Кун буйи бетиним йул босдик. Бир марта саҳро четидаги курумсиз бир ошхонада ярим соатча овқатлангани тухтадик. Яйдоқ чул, қутсиз даштлар, қум барханлари, баланд тоғлар, тоннеллар, ям-яшил воҳалар, хурмозор, узумзор боғлар — манзара шу тариқа дамба-дам ўзгариб бораверади. Ҳазилхузул, Адҳамжоннинг ашулалари билан йул танобини тортиб кетаётимиз. Орада латифагуйлик ҳам булиб ўтди. Иккита «теша тегмагани» эсимда қолди. Бирини Ҳожи ака, иккинчисини домла Шамсиддинов айтиб беришди.

Тиланчиликда тенги йуқ бир гадой бор экан. Бир йигит унга шогирд тушибди. Устоз доим таълим берар эканки, ким булсаям, қасрда булсаям, нима булсаям ундиргин! Бутун илму ҳунарини ургатиб, оқ фотиҳа бериб шогирди билан хушлашибди. Уч-турт йилдан кейин шогирд устозини ҳаммомда учратиб қолибди. Устози уни танимабди. Шогирди олдига келиб, хайр қилинг, депти. Ия, мен нима бераман, деса, нима булсаям, депти. Ия, ҳаммомда-я, деса, қасрда булсаям, депти. Ия, мен яланғочман-ку, деса, ким булсангиз ҳам, депти...

Бир одам чойхонада эртаю кеч қимирламай ултираркан. Ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин кетаркан. Савол бердилар: нечун бундай қиласиз? Жавоб бердики, бирга ултирган улфатлар кетган шерикнинг ортидан шу заҳоти гийбат бошлайдилар. Мен шундан кўрқаман, ҳеч ким гийбат қилолмаслиги учун охири кетаман...

Саккиз юз километрча юриб, Зоҳидонга етиб келдик. Зоҳидон — Сейистон ва Балужистоннинг маъмурий маркази. Бир миллиондан зиёд аҳолиси бор, салқин, кўҳна шаҳар.

Шаҳарга киргач, бир яшил хиёбонни танлаб, тухталдик. «Айрилиш куйи» шу ерда чалинадирган булди. Юртга қайтадиган беш кишининг ҳужжатларини тайёрлаш, юк-ашёларини ажратиш бошланди. «Бой ота»нинг курсатмасига биноан Маҳмуджон ака машинкасини олиб чиқиб, буйруқ, ваколатнома ва бош-

қа зарур қоғозлар таҳририга ултирди. Қолганлар офтобшувовқда гурунглашиб турдик. Атрофимизни бир зумда ҳангоматалаб оломон уради. Хиёбоннинг уртасида зина билан тушиладиган ер ости таҳоратхонаси бор экан. Ташқарисига баланд панжарали темир эшик урнатилган. Шундоқ тушиб, қул чайиб чиққунимча эшик шарақ этдию ёпилгандек булди. Қарасам, кимдир қулфлаб кетиб қолибди. Юқорида — хиёбон ичида бир-икки бола уйнаб юрган эди, шу чақираман, қани энди бирортаси эшитса!.. Таҳоратхонада чироқ йуқ экан, қоп-қоронғи, ваҳимали. Бир амаллаб эшик тепасидаги панжарали туйнук орасидан ошиб тушдим. Ёруликка чиқиб, не кўз билан курайки, на машиналаримиз бор, на ҳамроҳлар! «Астағфируллоҳ! — дедим ёқамни ушлаб. — Кароматингдан айланай, парвардигор!» Менинг лолу ҳайрон булиб турганимни кўриб, ён-атрофдаги бояги ҳангоматалаблар тагин ёспирилиб келишди. Узаро гужур-гужур қилиб, алланималарни тушунтира кетишди. Менинг соқовга ухшаб туришимни кўриб, савол айладилар: «Инглизча биласанми?» «Йуқ». «Арабча биласанми?» «Йуқ». «Немисча биласанми?» «Йуқ». «Форсча биласанми?» «Йуқ». Улар менга ҳайрат ила тикилиб, яна нимадир дея чуғурлаша кетишди. Тушунмасам-да, тахминан мазмуни шундоқ эканлигини фаҳмладим: «Ҳеч бирорта тилни билмасанг, чет элларда номаъқулнинг нонини еб юрибсанми?» Лекин суроқ яна давом этди: «Қайси тилни биласан?» «Русчани! — деб бақирдим мен илтижо билан. — Рус тилини!» Бу «улуғ ва қудратли тилни» афсуски, булар билмас эканлар. «Яна қайси тилни биласан? Француз? Бонжур, мсье?» «Туркчани биламан, ўзбекчани! — дея бармоқ букиб санашга тушдим мен. — Русчани биламан — бир, ўзбекча биламан — икки...» «Турк» деган сўзни эшитиб ҳангоматалаблар жонланиб қолишди. «Бобо, бобо» деб қичқиришди ва шу лаҳза худди ер тагидан чиққандек, сават кутариб олган, сариқ юзли, чуваккина, ялангоёқ бир чол пайдо булди. Дарҳол уни менга рупара қилишди. Бобо афғонистонлик ўзбек экан, шу ерда сақич, сигарет сингари майда-чуйда сотиб тирикчилик қиларкан. Ҳол-аҳволимни англадим. Ҳаждан келаётганимизни эшитиб, бирдан узғариб кетди. «Ие-ие, ҳожижон, сизни астойдил тавоф қилиш лозим экан!» деб саватини ерга қуйиб, мен билан ачомлашиб куришди, ҳангоматалабларга ниманидир уқтирди. Улар ҳам энди менга

бошқача қарай бошладилар. «Э, ҳожижон, ҳожижон-э! — деди сақичфуруш бобо. — Қани, бундай ултиринг-э! Жиндай суйлаб беринг энди, қалай экан бу Макка-туллоҳлар!» «Тақсир! — дедим ялиниб. — Сиз билан бажонидил суҳбат қураб эдим, аммо ҳозир боёқиш шерикларим изиллаб мени излаб юришгандир. Ёрдам беринг, уларни топиб олайн».

Ҳангаматалаблар бақир-чақир билан, бир-бирларига қўлларини пахса қилиб, маслаҳатлашишди. Ниҳоят, бир қарорга келиб, сақичфуруш менга юзланди. «Ҳожижон, сиз ана бу моторчага ултиринг, — деди у мотоциклини рупара қилиб турган серсоқол йигитни курсатиб, — ҳамроҳларингиз кетган томонга элтади, ахтариб топасиз. Улар ҳали жуда узоқ кетган эмас, чунки ҳозиргина жунабдилар». «Бордию топмасамчи?» — дедим иккиланиб. «Агар тополмасангиз, моторча сизни тўғри шу ерга олиб келади. Мен шу ердан жилмай тураман, ҳамроҳларингиз сизни излаб келсалар, уларни ҳам тухтатиб тураман. Э, ҳожижон, ҳожижон-эй!» Бобо бечора ун йил бурун — Инқилоби савр пайтида шу жойларга қочиб келиб қолган экан.

Моторчага мингашдим. Серсоқол эрони биринчи космик тезликда учириб кетди. Азбаройи ваҳим келиб, кузларимни юмиб олдим. Лекин юмуқ куз билан узоққа бориб булмас экан — салдан кейин очишга тўғри келди. Қарасам — виж-виж одам, машинаю мотоцикл, араваю велосипед ундан куп. «Эй, секинроқ! — дедим моторча соҳибининг елкасига туртиб. Гапим таъсир қилмаганини куриб, ҳукмрон бир тилда товушимни баландлатдим. — Ну езжай чуть осторожно!» Бу гап ҳам ҳавога совурилиб кетди — баттол моторча учгандан учиб кетяпти. Шунда... шунда лоп этиб машҳур ашуланинг бир сатри кўмакка келди. «Эй, сорбон! — дедим жаҳл билан ҳайдовчининг кифтига нуқиб. — Оҳиста рон!» Қарангки, дарров таъсир қилди — тезликни кескин пасайтирди. Бахтимга, бир жойга етганимизда йулчиноқнинг қизил шуъласи йулимизни бекитди. Чорраҳага тикилиб турган эдим, худонинг қудратини куригки, турнақатор булиб тизилишиб утаётган ҳамроҳларимга кузим тушиб қолди! Дарҳол моторчадан тушиб, соҳибига қуллуқ қилдим. Жадал юриб, шерикларим сафига қушилиб олдим. Азаматлар менинг йуқолганимни сезишмабди ҳам!..

Маълум булишича, хиёбондаги хира ҳангаматалаблар хат-ҳужжат ишларини битириб олишга қўймабди.

Охири безор булган «Бой ота» амр айлабдиларки, бундан кучиб, тинчроқ бирор манзилда ишлар адогига етказилсин! Мазкур фармонга биноан ҳамма апил-тапил машиналарга ултириб жунабди. Шошилиңчда бир кишининг қолиб кетгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмабди. Икки-уч даҳа нари бориб, бир жойда тухтабдилар, ишларни битказибдилар, шунда ҳам экспедиция аъзоларидан бирининг йуқлигини бирор кимса пайқамабди. Энди йулнинг нариги бетидаги ошхонага кириб, хайрлашув тушлигини қилмоқ тараддудига киришганларида мен келиб қолибман. «Шунақа экан-да, мерос, мол-мулк булишадиган пайтда инсонни унутиб қолдириш экан-да!» — дедим сохта аразлаб. «Шуни айтмайсизми, таом пайти меҳр кутарилади-да! — деди ҳамроҳлардан бири. Адҳамжон эса нукул бир гапни қайтарар эди: «Қарасам, Хайридин келяпти, мотоциклга миниб олган. Қатиб қоппан...»

Хуллас, менинг бу саргузаштим анча ҳазил-мутойибага сабаб булди.

Тушлик таомни биргалиқда баҳам кўрилгач, шерикларимиздан Ҳожи ака, Сайфиддин ака, Шухрат Тўраевич, Орифжон Урайимжонов, Рустамжонлар билан хайр-хушлашдик. Рустамжонга уйга ёзган хатимни бердим. Андижонга етгач, бетўхтов жунатиб юборишга, уйга қунгироқ қилиб қуйишга ҳам ваъда берди.

Хушлашув битиб, дуои фотиҳалар қилинди. Рустамжон кичкина «Тойота» рулига утирди. Машина Зоҳидон кучаларидаги ҳаёт оқимига сингиб куздан йуқолиб кетгунига қадар қўл силкиб турдик.

Барчамиз хийла маҳзун булиб қолдик.

*3 июль. Эрон билан Покистон чегараси.  
Миржавсҳ божхонаси.*

Кеча кечаси шу жойга етиб келган эдик. Гумрукхона ёпилгани боис шу ердаги курумсиз, хароб бир меҳмонхонада тунадик. Қум, шамол, иссиқ, ҳатто таҳоратга ҳам сув топилмайди. Атрофда бир-иккита ёриқ, қутир эчкилар тентиб юрибди, елинларига халта осиб қуйилган. Бундай манзарани ўзимизнинг қишлоқларда ҳам олтмишинчи йилларда учратиш мумкин эди. Баджаҳл, бадгумон бир чол меҳмонхона бошқарувчиси экан. Хизматчи ҳам, ошпаз ҳам, қоровул ҳам ўзи, шу боис чексиз ҳокимият талтайтирган бўлса керак, чақирилмаган қўноқларни кўриб захраси учди, норози тўнгиллаб, қайнатилган совуқ гуруч ва чайнаб ўзишга ҳар

қандай навқирон тишнинг ҳам кучи етмайдиган товуқ гушти билан меҳмон қилди. Қотган-қутган нонларимизни олиб келиб қоринни алладик. Хуфтондан сунг ис босган, ислиқи хоналарда етиб ухлашни раво кўрмай сим каравотларни ҳовлига олиб чиқдик. Бунинг учун ҳам чолнинг бир қанча жаврашларини эшитиб чидашга тугри келди.

Шундоққина икки давлат чегарасида, юлдуз тула осмонга тикилиб ётдик. Эрталаб туриб қарасак, урин-курпаларимизни тўрт энли гард қоплабди. Жиндай сув топиб, юз-кузимизни чайдик. Бу ердан Покистон сарҳадига қадар саккиз километр. Э Оллоҳ, у ерда бизни нималар кутаётган экан? Қандоқ синовлар, қандоқ гурбатлар?

Пешингача Эрон ҳудудидан чиқиб кетиш билан боғлиқ расмиятчиликлар ҳал этилди. «Бой ота»нинг совға халтаси иш бериб турибди. Назорат-утказиш нуқтасидаги текширувлар ниҳоясига етгач, тўрт қадам нарига — бошқа давлат чегарасига қадам қўйилади. Бизни қарийб ечинтиргудек қилиб текширишганини кўриб турган у томондаги чегарачи ва божгирлар айни жараёни ишдан-игнасигача такрорлайдилар. Чатоғи шундаки, ҳар галги «юз кўрар»да соатлаб, баъзан эса кўнлаб вақт йўқотамиз. Бизнинг шошаётганимиз, кечикаётганимиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Мана, Миржавехдан чиқиб, Покистоннинг Тафтон чегара манзилида шафтолиқоқи булиб турибмиз. Чегарадан ўтаётганлар айтарли кўп эмас, лекин иш ниҳоятда сусткашлик билан силжияпти. Бу ерда Буюк Британиядан келаётган покистонлик бир оила билан танишдим. Хонадон бошлиғининг исми Муҳаммад, соқоллари ўсиб кетган, эғнидаги қизил кўйлаги гижим. Қирқ ёшлар чамасидаги бу йигит хотини, бир қизи ва бир ўғли билан Лондонда яшар экан. Ватанга охириги марта саккиз йил бурун келишган. Бу сана ота-оналарини зиёрат қилмоқ учун яна келишаётган экан. Қуримсизгина, камлитражли машинада ун беш кун бурун Англиядан йулга чиқиб, бу ерга етиб келишибди. Покистонга кириш учун катта миқдорда бож пули тулаш лозим булиб, шу манзилга етганда пул тугабди. Икки кундан буён она юртига киролмай, жазирама иссиқда машинада ётишибди. Муҳаммад бугун тонгда бир оғайнисини топиб кўнғироқ қилибди. Энди унинг пул олиб келиб, буларни мамлакат ичкарасига олиб кириб кетишини кутишмоқда. Муҳаммад фабрикада ишлар

экан, аёли — модельер. Куҳликкина, кузлари катта-катта бу жувон инглиз, араб тилларида бемалол гаплашади. Таржимонларимиз ёрдамида ундан-бундан пича гурунг қилдик. Ҳориб-чарчаб, мудроқ босган икки бола қизиб ётган машина ичида мултираб ултирибди.

Инсон баъзан қанчалар забун!..

Ниҳоят, Тафтон божхонасига утдик. Божхона бошлиғи баланд бўйли, хушқомат актёрларга ухшаган бамаъни одам экан, хонасига олиб кириб ўтқазди, ҳолаҳвол сўраб, илтифот кургазди. Хизматчи патнисда барчамизга сутли қаҳва келтирди. Одамзотнинг кунглини олиш у қадар мушкул иш эмас — хурсанд бўлиб кетдик. Бошлиқ сафар саргузаштларимизни берилиб тинглади, тезда қоғозларимизни кўздан кечириб, бир ходимини бизга ҳамроҳ қилиб қўшди. Абдулғаффор исмли, йигирма саккиз яшар, чиройли бу йигитнинг кузлари бениҳоя маъюс эди. Унинг катта-катта, қора кузларида бутун дунёнинг гаму гуссаси чукиб ётгандай туюларди. Абдулғаффор Куэтта деган шаҳардаги гумрукхонагача бизга сарбонлик қилиб боради. Мана, ҳозир у йулга тайёргарлик кураётир. Биз эса божхона ҳовлисида, атроф-жавонибдаги қутсиз манзараларга тикилиб ултирибмиз.

Бир маҳал уринганроқ «Тойота» машинаси минган учта йигит келиб тухтади. Улар Краснодарда, қишлоқ хужалик институтида ўқишар экан. Бирининг исми Тарик, учови ҳам русчани бинойидай гапиришади. Ёзги таътилдан сунг ўқишга қайтиб кетишаштган экан. Шу кетишда Истанбулга бориб, у срдан денгиз орқали Новороссийск бандаргоҳига боришармиш. Машинани ёзда бир фирмада ишлаб, сотиб олишибди, уртадаги мулк эмиш. Тарик бизнинг Покистонга келаётганимизни эшитиб надомат билан бош чайқади ва шундай бир сўз айтдики, уз юрти ҳақида бунақанги фикр билдирган инсонни биринчи учратганим боис талай вақт ҳайрон булиб юрдим.

Бу улкаларда кузи очилган, оқ-қорани таниган зиёлига қийин. Раҳматли Ойбек домла бундан уттиз йиллар муқаддам бу жойларга сафар қилиб, мамлакат ҳаётидан олиб ёзган қиссасини «Нур қидириб» деб атаган эдилар. Ун кундан зиёд вақт мобайнида Тафтондан Пешоварга қадар олис ва машаққатли масофани босиб утгач, мен жаннатмакон Ойбек домланинг асари замиридаги маънони теран англадим. Чиндан ҳам, нур қидириб, ёғду қидириб бу бесафо жойларда тснтираган

инсон уз ватанининг тупроғини кузларига туттиё қилиши табиийдир. Орадан уттиз йилдан ортиқроқ муддат кечган бўлса-да, мамлакат зиёлилари, жафокаш халқ ҳамон зиё ахтариш, ёруғликка талпиниш билан овора. Аммо қайда уша нур, уша сехрли ёғду?!

Аммо, мен ҳаяжон таъсирида воқеалар бағнидан пича олдинга йуртиб кетдим шекили, узр. Яхшиси, сузни келган жойидан, тартиб билан давом эттирганимиз маъкул.

Алқисса, пешиндан сунг Тафтондан Куэттага қараб йул олдик. Юриб кетаётганимиз йулни жуда шартли равишда «йул» деб аташ мумкин. Чунки ҳеч қандай йулнинг узи йуқ — бепоён саҳронинг қаеридан юрсангиз уша жой йул.

Шу тариқа йулсиз йуллардан куни буйи юридик. Илк таассуротлар бениҳоя кунгилсиз: бу бенаволик, бу гариб ва хароб маконлар, супурги тегмаган хонумонлар, қашшоқ ва забун инсонлар...

Кузлари гамгин, қоп-қора муйлаблари узига беҳад ярашган сарбонимиз Абдулғаффор Баҳромжон аканинг ёнидан жой олган, йулга хомуш тикилиб боради.

Покистонга киришимиз билан яна бир мушкулот туғилди: бу ердаги машиналарнинг барчаси унг томонлама бошқарилар экан. Бизнинг «Тойота»ларимиз эса «чапақай» бўлганлигидан олға илгарилашимиз қийинлашди. Шофёрлар йулнинг мулжалини, туғридан келётган машиналар ҳисобини ололмай хуноб булишарди. Абдулғаффор, бамисоли моҳир дирижёр сингари қуллари бир зум тинмас, Баҳромжон акага йул курсатиб-бошқариб борарди.

У бизга очиқ юз билан боқаркан, садафдек тишларини ярқиратиб гамгин жилмаяр эди. Жуда меҳрибон, иймонли ва номусли инсон эди Абдулғаффор.

У тинимсиз хижолат чекарди — йулсизликдан, бе-сафо манзаралардан, ватандошларининг абгор, аянч турмушидан...

Ва бу ҳол сарбонимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, ҳар қадамда яққол сезилиб турарди. Баъзан йулнинг уйдим-чуқурлари машиналарни кутариб ташлаганида у хижиллик ила бош чайқар, лабини тишлар, гуёки бизга озор етганидан вужуд-вужудида жисмоний бир оғриқ туяр эди.

Сарбонимиз бизнинг емак-ичмагимизга, бензин харажатларимизга ёнидан сарфлаб келарди — ҳали пул алмаштириб улгурмаган эдик.

Абдулгаффор дуненинг паст-баландини биладиган, иш курган пухта йигит эди. Тафтонда ичига муз солинган иккита катта сувидишни машинамизга орттирган, шу боис ташналик нелигини билмай келаётирмиз.

Соатига қирқ-эллик километрдан йул юрмоқдамиз. Бундан ортигини бу жойларда орзу қилиб булмайди. Бунинг устига, сарбоннинг айтишига қараганда, бу манзиллар хатарнок, ашрор — қароқчи тудалари утган-кетганга ҳужум қилиб тураркан. Бу гапни эшитиб юракка гулгула тушса-да, сир бермадик. Аниқроғи, у пайтда жиддий эътибор қилмаган эканмиз.

Шом аралаш бепоён чулдан утаётганимизда ортимиздан илашган шубҳали бир машинани пайқадик. Усти очиқ «ЖИП»да ун чоғлиқ одам тик турган куйи биздан куз узмай келар, уларнинг қиёфат ва қарашлари яхшилиқдан далолат бермас эди. Қизиги шундаки, биз тезлашсак — тезлашади, секинласак — секинлайди.

Нафасимиз ичимизга тушиб жим бўлиб қолдик. Куп нарсалар лаҳзада хаёлдан утди. Ҳаммамизнинг умид кузимиз Абдулгаффорда. У эса кенг-мул куйлаги куйнидан туппонча олди, шарақлатиб уқлади, бошини эгиб жангга шайланётган бир ҳолатга кирди. Инглизчалаб, Маҳмуд Журасвичга нимадир деди. Билсак, «Деразадан узоқроқ утиришсин», дебди... Бадан-баданларимиздан совуқ тер чиқиб кетди. Бундоқ қараганда, бизда уғри оладирган ҳеч вақо йук, аммо, ҳар қалай... Жуда булмаганда, машинанинг ўзи ҳам бир дунё пул-ку.

Атроф — яйдоқ дала-дашт, йул — кимсасиз, ортимизда — чақчайган, бадбашара кимсалар.

Бир қанча вақт шу алфозда йул босдик.

Намоз пайти бўлди.

Аждодларимиз ҳатто жангу жадаллар чоғида ҳам беш вақт намозни қанда қилмаганликларини хотирлаб, машинани тўхтатдик. Йул чеккасига чиқиб, тошлоқ, чағир ерга жойнамоз солдик ва омонат жонимизни Оллоҳнинг ўзига таваккал айлаб, шом намозига ният қилдик. Агар чиндан ҳам кунимиз битиб, ажал соатимиз етган бўлса, майли, Тангри таоло даргоҳига ибодат фарзини адо этиб борайлик.

Олис уфқда — Катъатуллоҳ томонларда ботиб бораётган кўшнинг сўнги заиф жилваси яллиғланиб куринар эди.

«ЖИП» ғнимиздан секинлаб утиб, юз метрлар чамаси нари бориб тўхтади. Токи намозни ўқиб тугатгу-



нимизга қадар машинадаги номаълум зотлар биздан куз узмай туришди. Ким билсин, узаро машварат-кенгаш қилгандирлар. Эҳтимол, Оллоҳ йулида саждага бош эгиб турган бечора бандаларга қараб уқ узгали журъатлари етмагандир. Ва ё балки, Ҳақ таоло кўнгилларига инсоф солгандир...

Булар — бугунги тахминларим, холос. Уша таҳликали дақиқаларда эса бу фаразларни мулоҳаза қилмоқликка фурсат ва имкон йўқ эди.

Намозни тугатиб, урнимиздан турдик. Худди шуни кутиб тургандек, «ЖИП» ҳам жойидан қўзғалди ва имиллаганча юриб, қоронғилик қаърига сингиб қўздан йўқолди.

Биз булсак қароқчиларнинг олдимизда пистирма қуриб, тусатдан босқин қилишлари мумкинлигини уйлаб, ташвишга тушиб олга боравердик. Толъимизга, «ЖИП» шу буйи қайтиб кўринмади. Лекин Абдулғаффор то манзилга етгунимизча туппунчасини қўлдан қўймади. Ниҳоят, бир маҳал йўлдан қўзини олиб, бизга угирилиб илжайди. Машинанинг ичида кондинционер бетухтов ишлаб келаётган булса-да, манглайида мунчоқ-мунчоқ тер томчилари ялтилар эди...

Сарбонимиз руҳимиз тушиб кетганини пайқади. Орқада, кўрпа-тушаклар устида ётган Адҳамжоннинг ториға қараб ишора қилди: «Чалмайсанми?» «Э, қандай чолади, ошна, — деди Адҳамжон, — утиб кетди-ку узи. Сен қўрқмайсан экан-а, қойилман!»

Покистон ҳудудида беш юз километрча юриб қўйдик. Ярим кечаси хароба бир қишлоққа етиб келдик. Йўл ёқасида беш-унта баҳайбат юк машиналари тизилишиб турарди. Бу жой автоқўналга экан, шунда тухташга қарор қилинди.

Ҳаракатсизликдан увишиб, акашак булиб қолган оёқлар чигилини ёзиш учун нари-бери юрдик. Собиржон аканинг буйраги оғриб турибди, аммо сир бермай келаётибди. Фаррух Расул овқатларнинг бениҳоя аччиқлигидан нолийди. Унинг ошқозонида яра булиб, доимо парҳез билан узини авайлаб юраркан, олис сафар толиқтира бошлади. Қолганларимизнинг ҳам узимизга яраша дарду касалимиз бор, лекин амал-тақал қилиб чидаб турибмиз.

Абдулғаффор хира чироқ ёниб турган, пастқам ва ювуқсиз бу манзилда баттар хижолат торгарди. Кейин билсак, бу унинг қишлоғи экан. Хотини иккита боласи

билан шу жойда яшар экан. Бизни жойлаштириб, уйига — бола-чақасидан хабар олгани жунади.

Абдулгаффор форсчани яхши гапиради. Шу боис у билан мулоқотимиз осон кечади.

У кетгач, кўналгада ҳар ким ўзича тун уйқусига тарадуд кура бошлади. Оёқ остига увада бўйралар ташланган, қора-қура, кузлари милтиллаб куринадиган ҳар турли одамлар давра куриб ултирган бадбуй ошхона. Биров чузилиб ётибди, яна бировлар тамадди қил-япти. Ошхона соҳиби таом таклиф қилди, аммо бундаги аҳволни куриб, иштаҳамиз ҳеч нарса тиламади. Пастак, каноф арқондан тур тутилган чорпоярларнинг барчаси банд экан, шунинг учун исқирт бордонларга чузилдик. Бир ёнимда Фарруҳбек, бир ёнимда Маҳмуд ака. «Аканг ботир, уртада ётур» деган гапга амал қилиб уртадаги жойни мен эгаллаганман. Тепамизда хира чироқ ёниб турибди. Ташқарида ола-говур: келиб-кестаётган машиналар шовқини, шофёрларнинг бақирчақари, турли-туман паррандалар товуши, итларнинг вангиллаши... Бир маҳал бундай ёнимизга қарасак — суварақдан тортиб қўнғизгача, мингоёқдан тортиб қурбақагача — зоологияга маълум бўлган жамики ҳашороту жонзотлар устимизга бостириб келяпти! Секин Фарруҳбекни туртдим. Жон-пони чиқиб, бир газ сапчиб тушди. Уҳ тортиб ўрнимиздан турдик. Машинадаги жойларнинг ҳаммаси банд қилинган, деразасидан ширин хуррак товушлари эшитилади. Бирпас бош қашиб тургач, биз ҳам ҳаёт учун кураш бошладик: Маҳмуд Журасвичга эргашиб, ошхонадаги қинғир-қийшиқ, синиқ-мертиқ курсиларни бир-бирига туташтириб «тахти равоқ» ясадик ва қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказмоқ учун жойларимизга чиқиб чузилдик. Фадирбудур, тошдай қаттиқ ёғочнинг баданга ботиши ва остимиздаги курсиларнинг ночор, аянчли гичирлаб нола қилишларини ҳисобга олмаганда шоҳона тушак бўлди. Аммо шоҳона тушак қўғур хийла энсиз булиб, фақатгина бир ёнбош билан ётиш мумкин эди, холос.

Табийки, фуқаро тинч, осойишта ухлаётганида уларнинг оромини таъмин этаётган шоҳлар бедор бўладилар. Шу боис бомдодга қадар мижжа қоқмадик.

Катта йул ёқаси, бегона юрт, бегона тил, бегона, сирли бир тун.

Покистонликлар машинани яхши кўрадилар. Аниқроғи, машинани безатишга ниҳоятда ишқибоз эканлар. Улкан юк машиналаридан тортиб митти ве-

лорикшаларга қадар ҳаммаси ранг-баранг сувратлар, ёзувлар, ҳар турли тақинчоқлар, чироқлар, кузmunчогу туморлар билан шундай безатиладик, дафъатан келиннинг уйи, дейсиз. Ҳар бир ҳайдовчи машинасини ясатишда иккинчисидан қолмасликка тиришади. Шунинг учун Покистон йулларида ялтир-юлтир манзараларни кўриб кузингиз қамашади. Нима ҳам дердик, ҳар кимнинг таъби, дид-фаросати узига азиз, уз кузига ой куринади.

Худога шукур, ҳадемай бомдод пайти булиб қолди.

Гарчанд мамлакатнинг расмий номи «Ислом давлати» деб аталса-да, динга муносабат хийла эркин. Истаган киши ибодат қилади, истамаган — йуқ. Аксарият купчилик у дунёдан кура купроқ нақд дунёнинг ташвиши, ҳою ҳаваслари билан овора.

Хижолатли бир томони шундаки, йул ёқасида биз учратган аҳоли манзилларида нима учундир... ҳожатхона куриш расм булмаган экан. Ҳашаматли иморатлар, дуқонлар, савдо расталари мавжуд, лекин айни шу нарса негадир йуқ. Сабабини сурасангиз, кулибгина куядилар ва очиқ далага ишорат қиладилар.

Намозни уқиб булишимиз билан Абдулғаффор етиб келди. Ҳориб-чарчаган, кузлари қизарган, аммо чақнайди! Тагдор қилиб ҳазиллашдикки, Абдулғаффор, сенда бир гап бор! Чамаси, у ҳам нимага шаъма қилаётганимизни сизди шекилли, жилмайиб қуйди.

Нонуштани насия қилиб, йулга равона булдик. Ҳайдовчилар дамба-дам алмашиб келишяпти. Мана, ҳозир рудда Адҳамжон ултирибди, унинг ёнида «диспетчерлик» қилиш менга топширилган. Соат саккизга қолмай Куэттага кириб келдик. Ҳақиқий шарқ шаҳри. Тор, эгри-бугри кучалар замонавий магистралларга туташиб кетади. Моторикшалар, эшак, хачир, от, туя, ҳукиз қушилган аравалар, уйинчоққа ухшаш камлитражли муъжаз машиналар тирбанд, пойи пиёда юрган одам ундан куп. Шаҳар озодалик жиҳатидан албатта мақтагулик эмас, ҳар тарафда ахлат уюмлари адир каби уюлиб ётади, бадбуй, қуланса хид димоқни ёргудай. Кейин билсак, бу ерларга ҳали канализация етиб келмаган экан. Шундагина канализация ҳам инсониятнинг улуғ муъжизаларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Шаҳар четидаги икки қаватли гумрукхона ёнига келиб тўхтадик. Идора ҳали очилмаган, аммо ҳожатмандлар эрталабдан уймалашиб туришибди.

Яна узундан-узоқ кутиш соатлари бошланди.

Бекорчиликдан гумрукхона ҳовлисидаги кишилар билан суҳбатга тутиндик. Ва шу аснода уч-туртта ўзбеклар билан танишиб қолдик. Бу бояқишлар ҳам Афғонистондан бу ерларга ҳижрат қилиб келиб қолишган Абдулазиз Бозорбой ўғли — ёши қирқларда, оқ-сарикдан келган, камгап, камсуқум одам, отаси асли бухоролик бўлган экан. Иккинчи ватандош — туркман йигити Хужа Алланазар. Унинг Лоҳур ва Пешоварда дуқони бор. Савр инқилоби руй бергач, улар Қундуздаги, Анхуй ва Ақчидаги яхши-яхши уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Саккиз-ун йил миёнасида Куэттада яшайдилар, бу ерда ҳам ҳовли, рузгор қилганлар. Куэтта атрофидаги мавзелардан бирида ўзбек-туркман бўлиб икки юзга яқин киши истиқомат қиларкан. Асосий тирикчиликлари — Эрон томонлардан ўғринча гилам — қолин келтириб сотиш. Бир кетганда стмиш-тўқсон кунлаб мол келтиргани кетишар экан. Бизнинг бир ойдан зиёд вақт мобайнидаги ҳасратларимизни эшитиб, бепарвогина кулиб қўйишди. Уларнинг бу касби — оғир, хатарли бир иш. Баъзан божхона қўлига тушиб қоладилар. Контрабанда йўли билан келтирилган мол тортиб олиниб, эгаси жавобгарликка дучор қилинади. Шу кунларда Абдулазиз аканинг беш юзтадан ортиқ гилами гумрукхонада ҳибс этилган экан. Бу молларни божхонадан чиқариб олиш учун улар маъмурларга мўмайгина пора берарканлар. «Э, ришватхўрлик роса авж олган бу ерда», деди Абдулазиз ака хурсиниб.

Улар билан анча гурунглашиб, расмга тушдик, видеотасвирга олдик. Хужа Алланазар бизнинг Лоҳурга боришимизни эшитиб, у ерда савдо қиладиган биродари — ўзбек йигити Абдулғаффорнинг ташриф қоғозини менга берди. «Менинг номимдан кўнгироқ қилсангиз — бас, барча мушкулингизни осон қилади», деди.

Гумрукхона очилди. Аммо жаноби раис ҳали келмаганликлари сабабли бизнинг масаламиз ҳал бўлмай турибди. «Бой ота» қалдирғочнинг боласидай тизилишиб ултирган тўққизта экспедиция аъзосини боқиш кераклигини эслаб, саррофдан пул алмаштириб келмоқчи бўлдилар. Ва менга олий ишонч билдириб, қуриқчи сифатида у кишини бозорга кузатиб боришим лозимлигини буюрдилар. Абдулазиз ака бизга сарбон бўлиб, Куэтта бозорига борар бўлдик. Моторикша елладик. Ранг-баранг шокилалар осиб безатилган рикша-

га чиқиб ултирдик. Куча ҳаракатида ҳеч қандай тартиб-қоида йўқ, ҳар ким тўғри келган томонга қараб юраверади. Йўлчироқ, ҳаракат белгилари — бу жойларга бегона. Броун ҳаракати дегани худди шунинг ўзи бўлса керак. Йўл — эпчилники, абжир ва зўрники. Қўрқиб — ҳадиксираб ёки одоб сақлаб турсангиз, бир қадам ҳам юролмайсиз. Шуниси қизиққи, шу тартибсиз ҳаракатнинг ҳам ўз ички бир тартиби бор. Шу важдан бўлса керак, бир-бирига калла қўйган, бировни туртиб юборган машина ёки рикша-аробаларни кўрмайсиз. Бу хил куча ҳаракатини бундан беш йил муқаддам Вьетнамга борганимда кузатган эдим. Аммо ҳозир рикшада жон ҳовучлаб борар эканмиз, Абдулазиз акадан сўрадим: «Куча ҳаракатлари жуда қизиқ, авария-павария бўлиб кетмайдими?» «Йўқ», — деб бош чайқади у киши мутлақо хотиржам. «Нега?» «Чунки бу ерда ҳайдовчилар бир-бирини ҳурмат қилади». Бошда бу гапни эшитиб кулгим қистаган эди, кейинчалик мамлакат бўйлаб тигиз ва тор йўллардан беармон кезарканмиз, Абдулазиз ака тўғри айтганига ишонч ҳосил қилдим — чунки бир-бирига хўмрайиб бақираётган ёки онасини Учқўрғондан курсатаётган ҳайдовчиларни деярли кўрмадим. Машиналарини уриб олишларига бир баҳя — бир энли қолганда ҳам улар чўрқ этиб товуш чиқармайдилар, балки бир-бирларига қараб илжайиб — кулимсираб қўядилар.

Қандаҳор бозорига кириб, қатор кетган саррофлик дўконларидан бирида пул алмаштирдик. Хужа Раҳим деган ўзбек йигитининг ошхонаси бор экан, шу жойда кабоб едик, оч ўлтирган шерикларимизга ҳам кабоб олиб, изимизга қайтдик.

Гумрукхонага етиб келсак, одатдагидек яна бир ноҳуш хабар бизни кутиб турган экан: Покистон ҳудуди-га чет эл фуқаролари ўз автомобилларида киришлари мумкин эмас экан. Худди Хитой сингари. Шунинг учун раис жаноблари бизга икки йўлдан бирини таклиф қилибдилар: 1) машинамизни шу ерда қолдириб, узимиз Покистонни истаганча айланиб — томоша қилиб келишимиз мумкин экан; 2) орқамизга қайтиб кетиш.

Бу таклифларни эшитиб, капалагимиз учиб кетди. «Бой ота» бир музокарага кириб кетганича уч соатда ҳам чиқмадилар. Энди хавотир ола бошлаганимизда Қори домла чиқиб маълум қилди: гумрукхона раиси бизнинг илтимосу илтижоларимизни инобатга олиб,

бу масалани бетухтов пойтахт Исломободга хабар қилибди ва айти дақиқаларда жавоб қутилаётган экан. Бизнинг бахтимизга, айти шу кунлари Покистон Бош вазири Навоз Шариф юртимизга расмий визит билан келиб, Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган экан. Зокиржон ака ана шу халоскор ишни маҳкам ушлаб олибдилар. «Дуст бўламыз дейсизлар, қани, дустлигингизни амалда қурайлик, — деб туриб олибдилар. Пича утиб орқасидан: — Биз дунёнинг олти-етти мамлакатидан ҳеч қандай тусиқсиз утиб келсаг-у, бобурийлар маданиятининг марказларидан бири булган Покистонда йулимизга тусиқ қуйилса, бу мамлакатингиз шаънига қандоқ буларкин? Бутун жаҳон тараққийпарвар инсонияти бизнинг экспедиция сафарини синчковлик билан кузатиб турган бўлса...» деган мазмундаги бир қатор писандаларни ҳам илова қилиб қуйиб, узлари томошанинг давомини кутиб турдилар.

Ниҳоят, бу психологик ҳужумлар уз кучини курса-тиб, нақ Исломободнинг узидан бизга рухсат бўлди. Аммо йулга чиқишимиздан аввал жаноби раис қарийб ярим соатча раҳбаримиз билан суҳбат утказиб, беҳад эҳтиёт лозимлигини қайта-қайта уқтирди. Шу жойда сарбонимиз Абдулғаффор билан хушлашдик. У бизни Зоҳид исмли иккинчи маъмурга топшириб, узи яна Тафтонга қайтиб кетиши лозим экан. «Бой ота» унга ташақкурлар айтиб, тахи бузилмаган андижон дуппи кийгаздилар. Абдулғаффор, хурсанд бўлиб, автобусимизга чиқди, барчамиз билан бирма-бир кучоқлашиб хайрлашди. Қисқа вақт бирга булган эсак-да, ҳаммамиз у билан қадрдон бўлиб қолган эдик, ҳеч ким айрилиқни истамас эди. Абдулғаффор икки маҳаллага қадар биз билан борди, сунг бир чорраҳада машинадан тушди. Тушдию шартта тескари қараб олди. Ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик. Автобус муюлишдан бурилганида Абдулғаффорга кузимиз тушди. Ва шунда билдикки... у йиғларди!

Ҳаммамиз ғоят мутаассир бўлиб қолдик.

Абдулғаффор, кутсиз йуллардаги содиқ сарбоним, биламан, сен бу сатрларни ҳеч қачон уқимассан. Менинг ва йулдошларим кунглидан кечган ҳиссиётлардан асло хабар топмассан. Бу қалб тугёнларим сенга ҳаргиз этиб бормас. Аммо қодир Худо дилимизда неки бўлса, баридан воқифдир. Шу боис ҳаққингга дуо қилиб айтаманки, Оллоҳ сендан рози бўлсин...

Кеча кун бўйи гумрукхона чангалидан қутулганимизга шукур қилиб, бетухтов йул босдик. Ишқилиб; «Тойота»нинг жонига тузим берсин! Агар унинг урнида бошқа машина булганида, шубҳасиз, бу расво йулларда аллақачон тукилиб тушган булур эди.

Гузал воҳалардан, хушҳаво чаманлардан утиб келаётимиз. Баайни уша ошиқ-маъшуклар бир-бирини қуллаб ашула айтадиган киноманзараларининг узи. Лекин нима учундир атроф-теварақда бахтиёр ошиқ-маъшуклар урнига беватан йуқсиллар, тезак териб юрган хотин-халаж, қуш ҳайдаётган ярим яланғоч дехқонлар, қоғоздан қапа тикиб умргузаронлик қилаётган гариб ва бенаво инсонларгина кузга ташланади. Табиат ва ҳаёт орасидаги бу кескин тафовутларни янада бурттириб, дамбадам оққушдай солланиб турган мрамор қасрлар, ҳашаматли машиналар, фаровон, олий даража турмушга даъват этгучи улкан реклама паннолари учраб туради.

Далаларда пахта, шоли ва биз номини билмайдиган бошқа хил экинлар қулф уриб яшнаб ётибди. Бир жойда қуримсизгина масжидда тухтаб пешин ўқилди. Масжид ортида каттагина кул, унинг сатҳида кузни қувонтириб мовий нилуфарлар очилиб турибди. Қори домла масжиддаги озодалик аҳволидан қўп надомат чекдилар ва бу даргоҳнинг мутасаддиси булмиш бир кекса чолга мухтасар нома ёзиб қолдирдилар. Яъни ул бир парча қоғозга жаноби пайғамбаримизнинг «Поклик — иймондандир» деган ҳадиси шарифларини зикр қилибдиларки, шояд бу инсонлар ундан ўзлари учун бир панду хулоса қилсалар.

Мултон сари ҳориб-чарчаб, қорнимиз оч, асабий ва тажанг бир ҳолатда келаётимиз. Йулда дуч келган хароб қишлоқ-овуллар кунглимизни баттар вайрон қиларди. Кейин билсак, биз мамлакатнинг энг қолақ, энг қашшоқ қисмидан кириб келаётган эканмиз. Ана шундай қишлоқларнинг бирида нафас ростлаб, сув-пув ичиш учун бир зум тухтадик. Бирданига ёнгинамизда кимдир қувноқ оҳангда: «Здравствуйте!» — деб қолди. Ялт этиб қарадик. Уттиз ёшлар чамалик, оқ кўйлак-иштон кийиб, буйнига фотоаппарат осган бир йигит жилмайиб турибди: «Добро пожаловать в Белуджистан!» Танишдик. Унинг исми Муҳаммад Юсуф, Кисв университетидеда ўқиган экан. Машинамиз биқинидаги

кириллча ёзувни куриб келибди. Бизни учратиб, гуёки отаси тирилиб келгандай узида йуқ шод эди. Айни вақтда хийла таажжубга ҳам тушди. «Қандай қилиб сизларни бу томонларга утқазиб юборишди? — деб суради у. — Ахир, бу жойларга шу пайтгача ажнабийлар қадами етган эмас. Чунки биз ниҳоятда қашшоқ яшаймиз ва буни сир тутамиз». Мен унинг кунглини кўтармоқчи булиб: «Одамларингиз яхши экан, табиат ҳам бснихоя гузал, фақат шу... йулнинг пича мазаси йуқ экан», дедим андавалаб. «Йуқ, — деди у чексиз армон ва алам билан, — бизда ҳамма нарсанинг мазаси йуқ. Кечиринг-у, урисча айтганда бу... жойдир». Шундай деб уриснинг тилга олиб булмайдиган бир уят сузи билан сўкинди.

У уяларди.

Ундан-бундан сузлашдик. Икки йил бурун Тошкентда ҳам булган экан. Оғзидан бол томиб Тошканди азизни мақтади. Бсихтиёр юрагим орзиқиб кетди. У бизни расмга туширди, адрес алмашдик. Бизни меҳмон қилмоқчи булиб кўп ҳаракат қилди. Ссзилиб турибдики, олис ва андуҳсиз Киевда кечган саодатли кунларини ёдига солган кишилар билан суҳбат куриб, кунглининг чигилини ёзгиси келаётибди. Айтишига қараганда, ватанида уз соҳаси буйича иш тополмабди, узи суймаган бир юмуш билан банд экан. Идорасининг ишлари билан шу ердан утаётганида машинаси бузилиб, бизни куриб қолибди. Афсуски, фурсатимиз зиклиги учун унинг меҳмондустлик таклифини рад этишимизга тўғри келди. Бундан қаттиқ ранжиди, жуда булмаса, бир пиёладан шарбат ичиб кетишимизни суради. Раёйини қайтаролмай, рози булдик. Бир шишадан «Фанта» олиб берди. Ташаккурлар айтиб, хайрлашдик.

Яна автобуста миндик. Талай вақтгача сузсиз кетдик. «Ҳа-а, — деди кимдир бу унсиз суҳбатимизга якун ясагандек, — капитализм дегани билан оғиз чучимас экан». Адҳамжон эса дангал қилиб деди: бу срадаги аҳволни кўриб мен қарор қилдимки, Андижонга бориб-ла компартия тузаман. Ҳамма кулди. Қори домла айтдилар: мен сиздан бу гапни кутмаган эдим. «Курмайсизми булмаса, тақсир», — деди Адҳамжон сохта бугилиб.

Гилменд саҳроси ортда қолди. Ҳиндикуш тизма тоғларининг бир қисми булган Хайбар довони бош-



ланди. Довонки, баландлигидан кузингиз тинади. Юрак ҳовучлаб, атак-чечак қилаётган гудакдек эҳтиёт-корлик билан тоғ ошиб келяпмиз. Манзара ниҳоятда гузал, ибтидоий, лекин қилқуприкдек қалтис йулдан утаётган одамнинг назарига жонидан узга нарса кўринмайди.

Алқисса, шу тариқа азоблардан сунг соат кечқурун бешларда Мултонга етиб келдик. Мултонилар асли шу макондан тарқаган. Узбек ойим айтмоқчи, мултони ҳам лулининг бир тури.

Шаҳар уртасидаги «Муғул» меҳмонхонасига кўндик. Итдай чарчаганимиз учун юмшоқ уринга таппа ташлагимиз келарди, аммо афт-ангоримизга қараб бўлмасди. Ювиниб-нетиб, уст-бошларимизни ювиб-қури-тиб, бир-биримизга қарасак, бинойидай одамлар эканмиз. Юрган эканмиз-да чангу губорга кўмилиб.

Мана, ниҳоят Тангри таолонинг инояти ила улуг аждодимиз, изларини излаб юрганимиз зоти бузург — Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжоларига ҳам етиб келмоқлик насиб бўлди. Қадамранжида қилиб турганимиз ушбу «Муғул» меҳмонхонаси ҳам бу ном билан аталиши бежиз эмас. Бу — уша қадимий тарихий воқеалардан қолган бир далолат, кўҳна мозийга бир ишоратдир. Оқила тарихчи опамиз Сабоҳат Азим-жонованинг Москвада 1980 йилда чоп қилинган «Государство Бабура в Индии и в Кабуле» деган китобида зикр этилишича, ҳазрати Бобур 1506—1507 йилларда Мултонга юриш қилган. Демак, бу жойларда Бобур Мирзо лашкарининг урҳоси янграган, аргумоқларининг изи қолган. 1524 йили Бобур Мирзо Кобулдан чиқиб, Лоҳур яқинидаги Шашкуруҳ деган жойга келган. Бу ерда унинг қўшини Иброҳим Лудий аскарари билан тўқнашади. Қисқа ва шиддатли жангда ғалаба қозонган Бобур Мирзо уч кундан кейин Дибалпур сари йўл олиб, уни забт этади.

Оқшом меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги муҳташам «Шанхай» ресторанида танаввул қилдик. Дастурхон хитойча бўлди. Улкан тугарак столга турфа хил ноз-неъматлар қўйилган, столни оҳиста айлантурсангиз кўнглингиз тусаган таом ёки егулик олдингизда муҳайё бўлади. Гуштли емакларнинг тагидаги кураларда лағча чўғ ёниб турибди, кукатлар, шарбатлар мулкул. Табиийки, таомларнинг нархи баланд, лекин гоят лазиз, хизмат даражаси гоят юксакки, бунинг Покистон эканлигига ақл бовар қилмайди.

Овқатдан сунг профессор Шамсиддинов иккимиз Мултон кучалари буйлаб сайрга чиқдик. Кеч кирганига қарамай, иссиқнинг тафти пасаймаган, ҳар қадамда кабоб, товуқ пишираётган ошхоналардан таралаётган ҳовур-ҳарорат, намчил, дим ҳаво кишини баттар лоҳас қилади. Шунинг учун оқшомги сайрни мухтасар қилмоқлик маъқул куринди. Салқин меҳмонхонанинг 204-хонасида ултириб мазкур сатрлар ёзилди.

*6 июль. Лоҳур. «Эмбассадор» меҳмонхонаси.*

Лоҳур — Панжоб вилоятидаги йирик шаҳарлардан бири. Ҳиндистоннинг қадимий пойтахти. Ҳозирги кунда Покистоннинг ривожланган саноат ва маданият марказларидан ҳисобланади. Саккиз миллион одам истиқомат қилади.

Лоҳурга кун пешиндан оққанда етиб келдик. Озода, ораста кучалар, замонавий муҳташам иморатлар, ям-яшил хиёбону боғ-боғчалар. Тафтон, Куэтта сингари йулда учраган шаҳарлардан бу жойнинг манзараси тубдан фарқ қилар, шу боис кузларимизга ишонмас эдик. «Эмбассадор» — «Элчи» деган пурвиқор меҳмонхонага келиб тушдик. Куэттада Хужа Алланазар айтган тужжор Абдулғаффорнинг дуконига сим қоқдик. «Алиё?» деди хушнафасли бир овоз ширин узбаки талаффузда. У бизнинг дарагимизни эшитиб бир зумда «моторча» — мотоциклига миниб етиб келди. Йигирма беш яшар, хушқомат, зийрак ва тадбиркор бу йигит ҳам қолин — гилам савдоси билан шуғулланади. Меҳмонхонамизга яқин жойда дукони бор экан. Унинг онаси Фарғонадан, отаси Каркидан, узи Андхуйда туғилиб усган. Афғонистонда машъум Савр инқилоби бошлангач, минглаб юртдошлари сингари жонини, иймонини сақлаб қолиш ниятида Покистонга ҳижрат қилган.

«Биз Андхуйда ултирар эдик, — дейди у, — шуровийлар Афғонистон кирганидан сунг ота-онам менга айтдики, болам, биз қартайиб қолган одаммиз, ҳар не кургиликка тайёрмиз, сен динингни, жонингни асраб қол. Шундоқ деб мени йулга кузатишти. Бошимни олиб дастлаб Пешовар кетдим, сунгроқ Лоҳур келдим. Куб қийин булди бизга. Уриниб-уриниб дукон очдим. Эрондан, Афғонистондан гилам келтириб сотаман. Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар...»

Урта мактабдан бошқа таҳсил курмаган, аммо ҳаёт



Лоҳур. Шоҳи қалъа меъморий мажмуасида. 1992 йил

дорилфунунларида обдан пишиб-чиниққан бу тезфаҳм, зарофатли йигит форс, араб, урду, панжоби, инглиз, узбек, туркман тилларини мукамал билиши билан мени айниқса ҳайратга солди. Чунки мен умр буйи узимнинг қулимдан келмаган ишларни эплаган одамларга чексиз ҳайрат ва ҳурмат билан қараб келаман.

Лоҳурдаги турт кунлик сафаримиз давомида Абдулғаффор доимо биз билан бирга бўлди. Турли рўзномаларнинг идораларида, музей ва кутубхоналарда, покистонлик зиёлиларнинг хонадонларига меҳмон бўлиб борганимизда у бизнинг илмий-дунёвий истилоҳлар ила йўғрилган сўзларимизни, жиддий мавзулардаги мураккаб суҳбатларни инглиз ва урду тилларига шарилла-тиб таржима қилиб турди.

Покистонда ҳам узбеклар, узбек қавмлари кўп экан. Урни келганда шуни айтиш лозимки, хориждаги ватандошларимиз, миллатдошларимиз ҳеч вақт уларини «мен — узбекман», «мен — туркманман» ёки «мен — қозқман» деб айириб айтмайдилар. Ҳамиша «биз туркистонликмиз», «биз — туркистонликлар» деб сўйлайдилар. Биз эса урганиш бўлиб қолганидан, тарки одат амримаҳол, деганларидек, дарҳол бошпуртнинг бешинчи бандини суриштирамыз... Хуллас, Абдулғаффор боис Лоҳурда кўпгина узбек-туркман дўстлар топиб олдикки, бу хусусда келгусида яна сўз юритамиз.

Лоҳур — ҳеч муболагасиз, Бобур Мирзо ва бобу-

рийлар тарихи, маданиятининг ёрқин бир кузгусидир.

Жаннатмакон Заҳириддин Муҳаммад ҳазратлари буюк фаолият кишиси булган.

«Бобурнома»нинг номаълум бир котиби фазилат бобида тенги йуқ бу зот таърифида шундоқ жумлаларни тарих саҳифаларига тизади: «Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси бу-ким, нажҳати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; туртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти тенгри таоло бандаларига; еттимчиси, черикни кунглини қулға олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ».

Чиндан ҳам, ҳақиқий ҳукмдорлик «вилоят олмоқлик» билангина эмас, балки «вилоят сақламоқлик» билан белгиланади. Буюк давлат арбобларига хос мазкур сифатларга эга булганликлари важҳидан ҳам бобурий боболаримиз қарийб 350 йил мобайнида ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва Афғонистон ҳудудларидаги улкан салтанат соҳиби булиб келганлар.

Бобурнинг авлодлари улуғ боболарига муносиб булмоқликни муқаддас шараф деб билардилар. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси жаҳонгир Бобур учун нақадар юксак ибрат тимсоли булган булса, насллари учун Бобур Мирзонинг узи шу қадар мумтоз бир намуна эди. Олис, афсонавий улка — икки дарё оралигидаги қадимий ва азиз диёрлардан келиб, бу юртларда янги салтанатга асос солган бобокалонларининг ноёб инсоний фазилатлари аксарият бобурий авлодлар юрагида мужассам эди.

Ҳазрати Бобурнинг буюк бунёдкорлик хислатлари унинг неварә-эваралари томонидан зур гайрат-иштиёқ билан давом эттирилган, балки янада тараққий қилдирилган. Балҳдан тортиб Банголага қадар бобурийларнинг қадами теккан манзил-мароҳилларни кезсангиз, утмиш қаъридан мағрур буй чузиб турган муъжизавий тарих ёдгорликларига дуч келасиз. Азим шаҳарлар, қалъалар, хонақою масжидлар, боғ-боғотлар, кук билан ҳусн талашган минорлар...

«Минорлар эмас бу — фалакка қасам...»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Ориф сатри.

Биламизки, мурувватли ва андишали зот булган Бобур Мирзо Ҳиндистон сари изтироб билан отланган. «Ўз ерни қуйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ булди» сатрлари бунинг далилидир. Чунки бировнинг юртига ҳар қанча олижаноб ниятлар ила булса-да, бостириб кирмоқлик — моҳият эътиборига кўра бари бир босқинчиликдир. Уруш — ҳамиша вайронгарчилик, ҳамиша кулфат ва алам-армон демакдир. Теран тафаккур соҳиби Бобур Мирзо буни яхши англари эди. Бинобарин, Ҳинд диёрини қулга киритгач, «Ёраб, нетайин» деб паришон ултирмайди, у аксинча, энди бу ердаги эл-элатларнинг ҳаёти, тақдири учун ҳам масъул эканлигини англайди, мамлакатда «адолат қилмоқ», «маъмурлик ўрнатмоқ» ҳаракатига киришади.

«Ҳиндистоннинг бир улуг айби будурким, — деб ёзади у, — оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ултурушлиқ булса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлик ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келгандин бир неча кундин сўнг(!) ушбу маслаҳатқа Жун сувидин утиб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва ҳароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлиқ била андин убур эттук. Бу ернинг макруҳлиги ва нохушлигининг чорбоғ ҳаёли хотирдин чиқти. Мундин узга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кундин сўнг зарур булиб, бу ерга-уқ илик қуйилди. Ул улуг чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд булди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуг ҳавз ва саҳне булди. Андин сўнг тош иморат олидаги ҳавз ва толари булди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари булди. Андин сўнг ҳаммом булди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлик боғчалар пайдо булди. Ҳар гушада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настанлар мураттаб ва мукамал булди...»

Шу тариқа янги салтанатни қадамба-қадам обод ва ораста қилиш иши бошланди. Аркони давлат ҳам подшоҳдан урناق олиб бу юмушга киришдилар: «Яна Халифа ва Шайх Зайн ва Юнус Али ва ҳар кимгаким, дарё ёқасида ер тегиб эди, сиёқлик ва яхши тарҳлик боғчалар ва ҳавзлар ясадилар».

Бу ободончилик ишларининг уз тартиб-қондаси, уз йўсини ҳам мавжуд булган: «Лоҳур ва Диболлур дастури била чарх рост қилиб, сувлар жорий қилдилар».

Мамлакатдаги бунёдкорлик қанчалар улкан миқёс

касб этганини курсатмоқ учун Бобур Мирзо уни бир пайтлар Амир Темурнинг иморатларида амалга оширилган ишлар билан таққослайдики, бу хусусда аввалроқ сузлаб ўтган эдик.

Бу иншоотларни барпо этишда жаҳоннинг турли улкаларидан келган қули гул, моҳир усталар иштирок этарди. Уларнинг орасида ҳиндистонлик ҳунармандлар аксарият купчиликни ташкил қиларди: «Ҳар ҳирфагар ва ҳар коргардин ушбу қиёс била Ҳиндустонда беҳад ва бениҳоятдур».

Алқисса, бобурий шаҳзодалар — булғуси машҳур ҳукмдорлар ана шундай бунёдкорлик муҳитида усиб вояга етганлар. Ва улар ҳам уз навбатида бу улуг сулоланинг шаъну шавкати, шукуҳини улмас мсьморий обидаларга нақш этиб қолдирганлар. Худди шу маънода Лоҳурдаги Шоҳи Қалъа тарихий-мсьморлик мажмуини «тошга битилган бобурийнома» деб атамоқ мумкин.

Лоҳурнинг ифтихори булмиш бу тарихий ёдгорликка бизни Абдулгаффор бошлаб борди. Шоҳи Қалъа... Бобурий шоҳлар қалъаси. Қарийб уч гектар сахни эгаллаган бу ҳайратомуз мсьморий муъжизалар Бобур Мирзо сулоласи томонидан уч юз йил мобайнида мунтазам равишда қуриб борилган. Авлодларнинг диди, маҳорат ва меҳнатлари бир-бирини тулдириб, шу муҳташам иморатлар вужудга келган. Қадимий қалъанинг илк дарвозаси бундан тўрт юз эллик йил муқаддам саодатли шоҳ Акбар томонидан қурдирилган. Қолган учта дарвоза кейинчалик Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб Оламгир ҳукмронлигида бунёд этилган. Йилнинг ун икки ойида ун икки тусда товланиб тургувчи Жавоҳир масжиди, Алифон куприги, Ойнаи Жаҳон саройи, Девони хос, Девони омм, Оромгоҳ, Мумтоз Маҳалбегим кўшики, икки ошиёнаи Акбар қароргоҳи каби иморатлар беқиёс гузаллиги, бетакрор жозибаси ила бир-бири билан ҳусн таллашиб туради.

Навид Аҳмад исми сайрбон йигит бизга бундаги ҳар бир ёдгорликнинг тарихи ва тақдири билан боғлиқ купгина қизиқарли маълумотларни сузлаб берди.

«Агар сен бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз бунёд этган иморатларга назар сол». Донишманд Амир Темур бу сузларни Шаҳрисабздаги Оқсарой пештоқига уйиб ёздирган экан.

Шоҳи Қалъадаги ҳар бир улугвор обида беихтиёр шу сузларни ёдга солади. Бу ерда Шоҳ Жаҳон номига

нисбат берилгучи иншоотлар айниқса куп. Маълумки, Бобур Мирзонинг чевараси булмиш мазкур мумтоз шахс тарихда донгдор ҳукмдор ва улуг ошиқ сифатида ном қолдирган. Биргина шу масканнинг узида унинг суюкли маҳбубаси — Мумтоз Маҳалбегим шарафига барпо қилдирган кушк ва саройлари, меъморлик санъатининг юксак намуналари булган оромхоналар ундан ортиқ. Улардаги ҳар бир тош, ҳар бир гишт, бсқиес зиё сочиб турган ранглар жилваси Мумтоз Маҳалбегимнинг гузал сиймоси, покиза қалби ҳақида, афсонавор ишқ қиссаси ҳақида ҳикоятлар суйлаб туради.

Ана шундай иморатлардан бири Ойнаи Жаҳон саройи булиб, уни қуриш учун уша замон ҳисоби билан 9700 рупий пул сарфланган экан. Икки дилнинг улмас муҳаббатини тошдаги дoston каби акслантириб турадиган бу обиданинг меъмори туркиялик уста Исаҳон булган. Иншоот қурилишига Панжоб вилоятининг ҳокими Вазирхон раҳбарлик қилган. Муъжазгина кушк баайни тож шаклида ишланган, айтишларича, андозаси Мумтоз Маҳалбегимнинг тожидан олинган экан. Сарой олдида мрамр нақшлар ишланган биллурий ҳовузлар бор. Уларга сув қуйилиб, ложувард фавворалар кукка сапчиганида бениҳоя гузал манзара касб этган.

Бу ердаги яна бир чоғроқ иморат диққатимизни узига тортди. Нақл қилишларича, Мумтоз Маҳалбегим юлдуз тула осмонга термилиб ором олишни хуш курар экан. Ёмғир фасли ва намгарчилик кунларида зебо санамининг дилгир булмаслигини уйлаб Шоҳ Жаҳон махсус хобхона курдиради. Хобхонанинг деворларига ишланган нақшу нигорлар узи бир олам булса, унинг шифтидаги антиқа бзакларнинг узи бир олам. Ложувард рангдаги шифтга турли хил қимматбаҳо тошлар, гавҳару ёкутлар шу қадар маҳорат билан урнатилганки, хона ичида чироқ ёқилса, кўз унгингизда гуёки юлдуз тула осмон намоён булади.

Умуман, Шоҳи Қалъадаги аксарият иморатларда Мумтоз Маҳалнинг афсонавий муҳаббати ёрқин ифода топган. «Мумтоз улмаган, унинг руҳи мана шу фаввораларда, гулзорларда, анави кушкларда яшаб турибди. Ахир, муҳаббат улмайди-ку, тугрими?» — деди Навид Аҳмад уйчан оҳангда.

Лоҳурликлар бобурийлар тарихининг бу ноёб дурдонаси билан чин дилдан ифтихор қилар эканлар.

Зиёратгоҳга тинимсиз одам оқиб келиб турибди. Бу ерда кино ёки фото тасвирга олиш тақиқланган. Бирон бир ашё ёки иншоотни сувратга олиш учун маданият вазирлигининг махсус рухсатномаси лозим, бунинг учун эса мўмайгина пул ҳам тулаш керак экан. «Ажаб дунё, — деб уйладим узимча таъсирланиб, — боболар қурган иморатни набиралар сувратга ололма-са...»

Ва шунда кунглимдан армон аралаш андуҳли бир фикр утди: ким билсин, эҳтимол, тарихнинг ҳукми сал узгачароқ бўлиб битилганида — Бобур Мирзо туғилган юртидан бош олиб кетишга мажбур этилмаганида, бу нодир тарихий обидалар ватанимизда — Андижондами, Самарқанд ёки Тошкентдами қад ростлаб турган бўлмасмиди? Ёки Аградаги тенгсиз Тож Маҳал мақбараси Марғилон ёки Шаҳрисабзда бунёд этилиб, жаҳон аҳлининг ақлу ҳушини ром этган булармиди?.. Афсуски, бу ҳақда энди фақат тахмин ва армон қилиш мумкин, холос.

Шоҳи Қалъадаги диққатга сазовор жойлардан яна бири — қалъа ичидаги музейдир. Бу ерда улканинг қадимий тарихига оид кўплаб манбалар ва ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кавушлари, оёқларининг изи, камзуллари, яшил салласи, қабрларининг ғилофи, ҳасса ва мўйи муборақлари сингари буюм-ашёлар музейнинг катта бойлиги саналади. Шунингдек, бу ерда ҳазрат имом Хусайн кийган кулоҳ, у зоти шарифнинг салла ва совутлари, туморлари, ҳазрат Алининг кулоҳ ва саллалари, ҳазрат Фотима онамизнинг жойнамоzlари сингари купгина тарихий қимматга молик ашёлар ҳам сақланар экан. Музейнинг махсус бир бўлими бобурийлар даврига бағишланган. У ерда, жумладан, сунгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II нинг суврати, унинг инглизлар қулига тутқун бўлиб тушиши, бошқа бир расмда эса инглиз таъқибидан қочиб, Дехлидаги Ҳумоюн мақбарасига яширинган пайти акс эттирилган.

1966 — 1976 йиллар мобайнида қалъа ичида махсус Қуръон музейи ташкил этилган экан. Дарвоза пештоқига йирик-йирик зар ҳарфлар билан «Оллоҳ ва Муҳаммад» калимаси ёзиб қўйилган. Айтишларича, бу битикнинг беш фоизи тилло, туқсон беш фоизи кумуш бўлиб, у марҳум генерал Зиё ул - Ҳақ томонидан ёздирилган. Музейни Ота Муҳаммад деган бир шахс ташкил қилган. Кунларнинг бирида ногаҳоний фалокат



руй бериб унинг уйига ут тушган ва бола-чақаси ҳалок бўлган. Шундан кейин бу зот қолган умри ва сармоясини шу музейни барпо этишга сарф қилган экан. Музейда энг қадимий, муътабар Қуръони карим нусхаларининг турли ҳажмдаги намуналари жамланган. Жами бўлиб уч юзга яқин намуна сақланади. Китобат санъатининг мислсиз бу хазинасини томоша қилиб ҳам туймайсиз киши.

Лоҳурда турт кун турган булсак, деярли ҳар куни Абдулғаффор ва бошқа ватандошларимизнинг хонадонларида, дуконларида меҳмон бўлдик. Ҳар сафар ун беш чоғлиқ мезбонлар жамоати йиғилар ва зиёфат сўнгида улардан бири оқсоқолларимизга юзланиб: «Ҳожи ака, менга дуо беринг, оқшом бизнинг кулбамизда бирга нон есак», деб розилик сўрар эди.

Хориждаги бу ватандошларимиз нонни беҳад ҳурмат қилар эканлар. Ҳар қандай зиёфатни, меҳмондорчилигу таомнинг номини мухтасар қилиб «нон» деб атайдилар. Улар «мен тушликда овқатландим» ёки «чой ичдим» демайдилар, балки «мен нон сдим», «нон едингизми?» дейдилар. Нонга ҳурмат-эътибор, эъзоз-икром шу даража баланд.

Аслида ҳаммамиз ҳам ёруғ дунёда бир бурда беминнат нон топармиканман, деб юрибмиз-ку.

### *7 июль Лоҳур. Тарих музейи.*

Кеча тушдан сўнг Шоҳи Қалъадан чиқиб шаҳардаги тарих музейига борган эдик. Эндигина экспонатлар билан таниша бошлаган ҳам эдикки, кутилмаганда чироқ ўчиб қолиб, мозийгоҳ қоронғиликка чулғанди. Кондиционерлар ишламаётгани боис нафас олишнинг иложи бўлмай қолди. Омадимиз келмаганидан ранжиб музейдан қайтиб чиқарканмиз, залларнинг бирида девордаги сувратга қараб нимадир чизиб ултирган ёшгина, ниҳоятда сулув бир қизга дуч келдик.

Бамисоли мавлоно Фурқат айтганларидек:

Бир қамар сиймони курдим балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Биз уни музей ходимаси гумон қилиб, чироқнинг қачон ёнишини, бобурийлар тарихи бўйича тушунтириш берадиган бирор кишини топиш мумкинлигини суриштирдик. Билсакки, у бу ерда ишламас экан. Исми Акифа Маннон булган бу соҳибжамол рассомлик

коллежида уқиркан. Ёши ун саккизда. Бизнинг меҳмонлигимизни сезиб, ёрдам бермоққа қарор қилди. Пича суҳбатлашиб турдик. Бу орада дарбон келиб, чироқнинг уч-турт соатсиз ёнмаслигини, шу боис музей бугун ишламаслигини маълум қилди. Ишимиз орқага сурилганидан кўп афсусландик. Акифанинг бир таниши тарихчи олим экан, купгина илмий китоблар ёзган шу одам билан таништирмоқчи бўлди. Уйининг адреси, телефон номерини бериб, оқшом меҳмондорчиликка таклиф қилди. Миннатдорлик билан таклифни қабул айлаб, меҳмонхонага қайтдик. Кечки пайт, афсуски, Акифанинг хонадонига боролмадик. Профессор Шамсиддинов иккимиз оқшом айланиб юриб, меҳмонхонамизга яқин бир жойдаги «Жанг» — «Ньюс» газеталарининг редакциясига келиб қолдик. Касб хумори тутиб, ичкарига киришни таклиф этдим. Мухаррир жаноб Эршод Ислоом ҳузурига кириб, ярим соатча суҳбатлашдик. «Жанг» газетаси урду тилида 1 миллион 200 минг нусхада, «НЬЮС» («Янгиликлар») газетаси эса инглиз тилида 120 минг нусхада чоп қилинади. Ҳар иккиси ҳам Покистоннинг энг нуфузли матбуот нашрларидан ҳисобланади. Мухаррир жаноблари чой ва қаҳва билан сийлади, экспедициямиз ҳақида, Бобур Мирзо ҳақида куплаб саволлар берди. Журналистлардан бири бизнинг расмимизни олди, гап-сузларимизни ёзиб олди. Ва эртасига ҳар иккала газетада сувратимиз билан бирга «Бобур мугул эмас, ўзбекдир» деган мақола чиқиб турибди. Эрталаб соат етти яримда меҳмонхонамизга редакция ходими келиб, газеталарни топшириб кетди. Илтимосимизга кўра Маҳмуд Жураевич мақолани таржима этиб берди. Унда, жумладан, шундай дейилган:

«Бобур номидаги Андижон Давлат дорилфунунининг тарих факультети профессори ҳожи Рустамбек Шамсиддинов етакчилигидаги уч ўзбек вакили сешанба куни редакциямизга ташриф буюрди. Делегация аъзоларидан ҳожи Зокиржон Машрабов ва ҳожи Хайриддин Султон ҳам учрашувда иштирок этдилар. Уларнинг бу ташрифини шарҳлаган делегация раҳбари Покистонга саёҳат қилишдан кўзланган асосий мақсад Заҳриддин Бобур ҳақидаги маълумотлар, турли ҳужжатларни ахтариб топиш, уларни урганиш ва умумлаштиришдан иборат, деб айтди. Шунингдек, делегация раҳбари сафар давомида тупланажак экспонатлар келгусида ўзбекларнинг буюк намояндаси Бобур номи-

даги музей кургазмаларида кенг намоиш этилишини ҳам билдирди.

Профессор Шамсиддинов экспедиция шу кунгача Туркменистон, Эрон, Туркия, Сурия, Йордания, Саудия, Бирлашган Араб Амирликлари давлатларида булганлигини хабар қилди. Энди улар Ҳиндистон, Бангладеш ва Афғонистонга бориш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Экспедициянинг пухта ишлаб чиқилган режасига кура хорижий мамлакатлардаги халқ оммасининг буюк мутафаккир, беназир шоир, сиёсатчи ва моҳир саркарда, улуғ фотиҳ ва довиорақ инсон булмиш Бобур — император ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини урганиш — бу сафардан кузланган асосий ниятдир. Профессорнинг фикрича, Заҳриддин Бобур асли Андижондан чиққан ўзбек фарзандидир. Бинобарин, Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган, Бобурни мўғул қавмига тааллуқли деган фикр буткул хатодир.

Экспедиция аъзолари Бобур хотирасига дахлдор тарихий ёдгорликларни яхши ҳолатда асраб келаётган Покистон ҳукуматиға миннатдорлик изҳор этдилар. Улар Бобур ҳақида турли илмий-бадий асарлар яратиб келаётган маҳаллий олимлар ва адибларнинг фаолиятиға юқори баҳо бердилар. Келгуси йили Ўзбекистонда нишонланажак Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейида покистонлик вакиллар ҳам иштирок қилишиға ишонч билдирдилар».

Суз урни келганда айтиш лозимки, шу мазмундаги суҳбат икки кундан кейин «Миллат» рўзномаси таҳририятида ҳам бўлиб утди.

Олис, машаққатли йул, иқлим ўзгаришлари, асабий ва жисмоний ҳорғинлик ўз кучини курсата бошлади — бугун эрталаб турсак, ҳамроҳларимизнинг баъзилари бетоб бўлиб қолишибди. Астойдил урин-кўрпа қилиб ётишибди. Ҳатто ҳормас-толмас «Бой ота» ҳам ёстиқдан бош кўтармай қолибдилар. Агтанг! Айни бобурийлар изига тушганимизда бу кўнгилсиз ҳол анча таъбимизни хира қилди. Кимнинг ошқозони, кимнинг қорни, кимнингдир буйрак ва жигари оғриган. Билган маслаҳатимизу бор дори-дармонимиз билан бир-биримизни даволашға киришдик. Беморлар меҳмонхонада қимирламай ётадиган, биз — яъни Собиржон Шокаримов, профессор Шамсиддинов, Фарруҳ Расул ва камини қулингиз илмий тадқиқотларни давом эттиришға жунайдиган бўлдик.

Эндигина чой ичиб турган эдик, хизматчи кириб ташқарида бизни машина кутаётганини маълум қилди. Чиқиб қарасак, кечаги муҳаррир — Эршод Ислон жаноблари хизматимизга енгил машина юборибдилар. Куп мамнун бўлдик, Оллоҳ рози бўлсин у кишидан. Шу пайт Абдулғаффор ҳам келиб қолди. Акифахонимга телефон қилиб, узримизни айтиб қўйишини сўрадик. Буни қарангки, боёқиш қиз бизнинг гапимизга ишониб ҳамон кутиб ултирган экан.

Муҳаррир юборган машинага чиқиб, Акифа Манноннинг хонадонига бордик. Ҳашаматли, озода ва ораста бир қасрки, таърифига суз йуқ. Шинам, салқин бир хонада бизни қабул қилдилар. Акифанинг бувиси — зиёли, нуроний Ҳамида Маннон хоним, укалари Рафи ва Ҳадя Маннонлар билан танишдик. Хонадон соҳиби — Абдуллоҳ Маннон реклама-тижорат соҳасида ишлар экан. Айти кунларда Америкага — у ерда таҳсил олаётган катта қизини кўргани кетибди. Акифанинг онаси — Жувайра хоним педиатрия профессори бўлиб, хизматга кетган экан.

Акифа ширин шарбатлар келтирди. Турдаги деворда генерал кийимидаги басавлат ҳарбий кишининг суврати осиглиқ турарди. Ҳамида хоним сувратга қараб изоҳ берди: бу одам унинг акаси бўлиб, Зиё ул-Ҳақ даврида авиация фалокатида ҳалок бўлган.

Маннонлар оиласи асли кашмирлик экан. Бундан қирқ-ўттиз йиллар муқаддам бу шаҳарга келиб урнашганлар. Ҳамида хонимдан бу хабарни эшитгач, беихтиёр Акифага разм солдим. Ҳам гузал, ҳам ҳаёли, ҳам маданиятли бу қизни илк бор кўрганимдаёқ мавлоно Фурқатнинг сатрлари бежиз ҳаёлимга келмаган экан. Дейдиларки, жаҳонда энг ҳусндор аёллар Кашмирда булармиш. Ҳусни жамоли билан кишини афсун қилиб қўядиган пари пайқарларни ҳам шу боис «кашмири» деб атайдилар. Ҳатто Қодирий домла ҳам «Утган кунлар»да Кумуш таърифиди шу сўзни ишлатади.

«Бобур Мирзо бизнинг юртимизга ислом нурини олиб келди. Оллоҳнинг марҳамати ва у подшоҳнинг саъй-ҳаракатлари билан биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобуршоҳдан бир умр миннатдоримиз», деди Ҳамида хоним.

Мен бу кекса муслима аёлга арзимас совға — палов дориворларини тортиқ қилдим.

Акифа хоним кеча борганимиз тарих музейининг директори билан гаплашиб қўйган экан, шу ёққа жуна-



Лоҳур. Шоҳи қалъа меъморий мажмуасида

дик. Акифанинг Умид исмли шофёри экспедициямизнинг «Тойота»сидай бир машинани миниб чиқди, ҳаммамиз гурунглашиб кетдик.

Музей ходими, тарихчи олим жаноб Хуршид бизга ҳамроҳлик қилди. У кишининг ҳикояларидан илгари бу ер Панжоб санъат музейи бўлганлигини, ун туққиз булимдан иборат эканлигини билиб олдик. Дастлаб миниатюра расмлар зали билан танишдик. Бу булимда куплаб турли мавзудаги, турли услубдаги сувратлар орасида Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзебнинг муъжаз расмлари бор. Бир миниатюрада Аврангзеб Оламгирнинг ов манзараси тасвир этилган. Тиниқ, ёрқин ранглар билан ишланган Шоҳ Жаҳоннинг ҳам портрети бор. Расмларнинг бирида машҳур Зебуннисобегим сиймоси ифода топган. Маҳзун шоира уч канизак қуршовида, эғнида қорамтир либос. Андуҳ билан қимтилган лаблари гуёки «Бу жаҳон бозорида ҳар бир нарсага харидор топилди, вале, афеуским, ёлғиз Зебуннисога харидор топилмади», дея шивирлаб тургандек...

Сувратдан нигоҳини узмай турган Акифага аста назар ташладим. Ва ногоҳ Зебуннисобегим билан Акифа... бегим сиймолари уртасида аллақандай муштараклик мавжудлигини, улар бир-бирига ниҳоятда ухшашлигини пайқадим! Кашфиётимдан ўзим ҳайратга тушиб, гоҳ расмга, гоҳ рупарамдаги бу тирик сувратга синчиклаб разм солдим. Наҳотки, куз ўнгимизда бобурийлардан бири турган бўлса?!

Шу жойда «Бобурий ҳукмдорларнинг аёллари» деган махсус булим ташкил қилинган экан. Фил тишидан ишланиб, гоят нафислик ила зийнат берилган бу муъжаз расмларда Нуржаҳонбегим, Мумтоз Маҳалбегим, Гулбаданбегим, Бегим Соҳиб, Равшаноробегим, Жудан Бай, Зебуннисо сингари бобурийлар салтанати тарихида муайян из қолдирган аёлларнинг гузал сиймолари тажассум топган.

Сайрбонимиз жаноб Хуршид Нуржаҳонбегим ҳақида ривоятлар суйлаб берди. «Тузуки Жаҳонгирий» китобида нақл қилинишича, Нуржаҳонбегим етим-есир хотин-қизларга доимо ҳомийлик қилар экан. Қасрдаки ота-онасидан айрилган етим қиз булса, савоб йулида шу қизни узи бош булиб куёвга узатар, ҳар бирика узига яраша сеп ҳам қилиб берар экан. У маликалик даврида беш юзга қизга ана шундай мурувват курсатиб, сепи билан узатган экан. Подшоҳларнинг рафиқалари учун кўп ибратли мисол.

Табииyki, музей экспонатлари орасида улуг боболаримиз замонига оид қурол-аслаҳалар, тарихий либослар, мусиқа асбоблари билан биргаликда уй-рузгор буюмлари ҳам асосий уринни эгаллайди. Суйри, тугри ва ясси қиличлар, тунж, мис, биринждан ясалган баркаш, чилобчин, қумгон, куза, чилим, ҳовонча, чирок, қўнгирок ва ҳоказо ашёлар... Бундай ашёлар ҳар бир тарих музейининг бисотида учраши сабабли, эҳтимол, уларнинг тавсифига тўхталиб ултириш зарурати йўқдир. Бизнинг эътиборимизни кўпроқ бундаги қўлёмалар бўлими тортди. Бу ерда Қуръон каримнинг бениҳоя кўркам бир нусхаси мавжуд бўлиб, у ҳазрат имом Хусайн томонидан китобат этилган, деб тахмин қилинар экан. Шунингдек, Низомийнинг «Хамса», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Ҳофиз «Девон»и, Умар Хайёмнинг рубоийлар мажмуаси, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Румийнинг «Маснавий»си (икки нусхада), Абул Фазлнинг «Акбарнома» китобининг қўлёмалари мазкур бўлимнинг ноёб бойликлари ҳисобланади.

Музей қошида улкан кутубхона фаолият кўрсатар экан. Кутубхонадаги бобурийлар тарихига дахлдор асарларни сураб-суриштириб, бир қанча китоблар билан танишдик. Жумладан: 1. Абул Фазл. Аини Акбар. Инглиз тилида. Ҳ. Блоҳманн М. А. таржимаси. Калькутта, 1927 й; 2. Абул Фазл. Аини Акбар. Инглиз тилида. 3 жилдлик. Нашрга тайёрловчи — Мунширам

Манухарлаъл. II нашри. Нью-Дехли, 1977 й.; 3. Абул Фазл. Аини Акбар. Инглиз тилида. 3 жилдлик. Нашрга тайёрловчи — Мустафо Воҳид. 1980 й.; 4. Бобур. Бобурнома. Инглиз тилида. Аннетти Бевериж таржимаси. II жилдлик. Нашрга тайёрловчи — Назир Ҳусайн. 1975 й.; 5. Зайн Ҳанс. Табақоти Бобур. Урду тилида. Таржимон ва нашрга тайёрловчи — Саид Ҳасан Аскарӣ. Изоҳлар муаллифи — Б. П. Амбатха. Дехли, 1982 й.

Руйхатларни, китобларни варақлашда давом этамиз. Куз унгимизда тарихимизнинг янги-янги саҳифалари намоён була бошлайди. Мана, «Тузукоти Жаҳонгир», «Ҳумоюннинг ҳаёти ва ҳукмронлиги» деган китоблар (инглиз тилида)... Мана, «Бобурнома»нинг урду тилидаги таржимаси, Гулбаданбегимнинг инглиз тилидаги «Ҳумоюннома» асари. «Муғул архитектураси», «Ислом санъати» сингари беқиёс чиройли альбомлар...

Кутубхонадан чиққанимизда вақт шомга яқинлашган эди. Биз ҳам мамнун эдик, ҳам маҳзун. Қаршимизда асрлар қаъридан юксалиб келаётган Шоҳи Қалъа боболаримиз шаън-шавкати ва шуқухининг, миллатимиз ва инсоният маданиятининг тирик тимсоли янглиғ салобат ва виқор тукиб турар эди. Ортимиздаги сокин, осойишта кутубхона бағрида эса жаҳонга сизмаган бобурий боболаримизнинг бемисл тарихи, ғаройиб тақдирлари, уларнинг тафаккур хазиналари ва ноёб инсоний кечмиш-изтироблари минглаб саҳифалар аро сочилиб ётар эди...

Ҳаммамиз чарчаган, лекин руҳан тетик эдик.

Биз буюкликни англаш лаҳзаларини бошимиздан кечирмоқда эдик.

Оқшом лоҳурлик яна бир ўзбек дўстимиз — Абдулжалил ҳожининг суҳбатида бўлдик. У киши бу сана иккинчи марта Ҳажга бориб келган экан. Бу ердаги бошқа ватандошлар сингари у ҳам гилам савдоси билан шуғулланади. «Инитед Карпетс» компаниясининг президенти, ёши уттиз олтида, дунё кўрган, соҳибтажриба одам. Дўконнинг асосий мижозлари Амриқо ва Англия, Олмония ва Фарангистондан келадиган кунгли нозик, ҳамёни бақувват кимсалардир. Абдулжалил ака бир неча вақт муқаддам Тошкентга ҳам келиб, Ўзбекистонда бир ойча туриб кетган экан. Закий, хушчақчақ йигит эмасми, бизнинг замонавий ўзбекчани ҳам тезда узлаштириб олибди, кулиб, бегараз ҳазиллашади: «Ман гастинсага звонить қилсам, сизлар по-

сольствога кетган экансизлар...» Бунга сари биз қотиб-қотиб куламиз. Бошқа ватандошлар ҳайрон.

Ҳожи Абдулжалил бизни йирик капиталист биродари — Талҳа Зубайр билан таништирди. Бу одам Покистоннинг катта сармоядорларидан булиб, гиламдузлик, туқимачилик ва туқимачилик машинасозлиги корхоналарининг соҳиби экан. У ҳашаматли бир ресторанда экспедициямиз шарафига зиёфат берди. Божхона билан боғлиқ бир қанча муаммоларимизни ҳал қилишга сидқидилдан кумаклашди. Бобур Мирзонинг чин мухлисларидан экан.

Кечқурун меҳмонхонага қайтгач, маълум булдики, индинга жума — дам олиш куни, ундан кейин муҳаррам байрами, яъни ҳеч қайси идора ва ташкилот ишласмас экан. Демак, биз бу ерда уч кун фаолиятсиз қолишимизга тўғри келади. Шунга кура маслаҳат қилиндики, Исломобод сари жунамоқ, у ерда Ҳиндистон элчи-хонасига мурбжаат этиб, тегишли ҳужжатларни тўғри-лаш керак.

Беморларимиз ҳали узларига келмаган, баъзилар иситмалаб ётишарди, лекин, шунга қарамай, фурсатни қўлдан бермаслик мақсадида шитоб билан йулга отланишга қарор қилинди.

Барака топкур Абдулғаффор бизни Исломободга қадар кузатиб борадиган булди. Унинг оиласи — хотини ва бир ярим яшар қизчаси Пешоварда, қайнотаси хонадониде яшар экан, бизнинг баҳонамизда уларни куриб келмоқчи.

У кеча кечки пайт: «Акам мени тўрт кундан буён факс бериб сўраётган экан, бир дуконга бориб келайчи», дея биздан ижозат олиб кетган эди. (Унинг Раҳматуллоҳ исмли акаси Саудияда, Жидда шаҳрида дукондорлик қилар экан.) Бир вақт Абдулғаффор илжайиб кириб келди. «Акам мени роса уришди, — деди у кулимсираб, — шунча кундан бери қаёқда юрибсан, деб...» «Акангиз уришса, куласизми?» деб сўрадик таажжубланиб. «Меҳмон келган эди, узимизнинг узбеклар, шулар билан бирга эдим, деган эдим, акам дарҳол тушунди. Ундай булса, бориб хизматларини қилгин, мендан салом айтиб қўйгин», деди у...

Тайергарлик битиб, бундаги биродарларимиз — Ҳожи Абдулжалил, Фармонбек ака, Орифжон, Муҳаммад Эҳсон ва бошқалар ила хушлашиб, Лоҳурни тарк этдик.



*10 июль, Исломобод. Ҳиндистон элчихонаси  
қаршисидаги хиёбон.*

Кечаси билан бетухтов йул юрдик. Ҳайдовчи Баҳромжон ака ва унинг ёнида сарбонлик қилиб ултирган Фарруҳдан бошқа барча ҳамроҳларимиз ҳориб-чарчаб ухлаб қолишди. Мен эса ёнгинамдан жой олган Абдулгаффор билан гаплашиб кетдим.

Сиртдан хушчақчақ, бир гапириб ун куладиган, дилкаш ва зийрак бу йигитчанинг юрагида дарду армонлари куп экан. Унинг эзгу орзуси — олий маълумот олиб, одам қатори яшашдан иборат. Аммо, ҳозир — айна кунларда ёт элларда утаётган тирикчилик ва маишати уни асло қониқтирмайди. Чунки у Афғонистондан қочоқ сифатида кетган, Покистон фуқаролигига эга эмас, демакки, мамлакатнинг барча қонуний ҳақ-ҳуқуқларидан фойдалана билмайди. Деярли ҳар қадамда камситилиш азобини ҳис қилиб туради. Шу боис ҳанузгача Лоҳурда бошпана — ватан қилолган эмас, дуконда, гилам-қолинлар чангига кумилиб яшашга мажбур. Мусофирнинг нони қаттиқ. Покистонда кун кечирриш ҳам, уй-жойни кира — ижара олиб ултириш ҳам қиммат. Шунинг учун хотини ва қизчаси билан айрилиқда, уч ой-тўрт ойда бир бориб курулса — куради, бўлмаса — йўқ. Афғонистонга — ит эгасини, мушук бекасини танимай ётган ғавғоли бир маконга қайтиб боришнинг истиқболи кўринмайди. Ота-она — у ёқда, фарзанднинг дийдорига, кумагига зор. «Оламда ватанжудоликдан ёмон нарса йўқ, Хайридинжон ака», деди у хўрсиниб. У бу сана ҳам Лоҳурда бахтини яна бир синаб кўрмоқчи, агар ишлари юришиб, фуқаролик мақомини ола билса, шу ерда яшаб қолмоқчи. Бордию бунга эришолмаса, хотин, бола-чақасини олиб, Саудия Арабистонига ёки ундан ҳам нари — Амриқога ҳижрат қилмоқчи. «Қанийди, бизнинг ҳам Узбекистондай бир юртимиз бўлса! Оллоҳга минг-минг шукурлар қилиб яшаган бўлардик», дейди у умид билан. Аммо, на иложки, бизда бировга фуқаролик бериш ваколати бўлмаса... Шу сабаб кўлдан келганича яхши сўзлар ила унга таскин-тасалли бермоққа интилдим.

Абдулгаффор Адҳамжоннинг қушиқларига мафтун бўлиб қолди. Имкон туғилди дегунча, ҳофизнинг торини олиб илтимос қилади: «Ака, кечаги суруди наволарни айтиб берсангиз...» Ниҳоят, Адҳамжон айтдики:

«Бу, Афғонистондаги узбеклар ҳам ашула-пашула билладими ёки фақат гилам сотиб доллар санашга устамми?» Ҳаммамиз кулдик. Абдулғаффор умрида қушиқ айтмаган экан, уялиб - қизариб, халқ қушиқларидан бирини хиргойи қилиб берди. Албатта, хонанда сифатида унинг қобилияти «ўзимиз қатори» эди, аммо қушиқнинг утли, ҳароратли сўзлари мени ҳайратга солди, Абдулғаффордани илтимос қилиб, баъзи сатрларини ёзиб олдим:

Ақара ширин тилимни, олиб ке булбулимни,  
Омон булса курамиз, боғдаги боғгулимни.  
Кичкина чинормисан, осилса синармисан,  
Бунча кетаман, дейсан, айрилиб тинармисан?  
Ақара ширин тилимни, олиб ке булбулимни.

Теракнинг учгинаси, пистанинг пучгинаси,  
Одамни улдиради нигорнинг кичкинаси.  
Ақара ширин тилимни, олиб ке булбулимни,  
Омон булса курамиз боғдаги боғгулимни.

Ҳукизингни боқамиз, шохига гул тақамиз,  
Томоғингнинг тагига ун битта шам ёқамиз.  
Сарпул узи ҳаводор, дарахтлари мсвадор,  
То узингдан булмаса, ким нуқсингга раводор?  
Ақара ширин тилимни, олиб ке булбулимни...»

Ким билсин, эҳтимол ҳазрати Навоий замонларида яратилган, Султон Ҳусайн Бойқаро саройларида янграгандир бу қушиқ. Далаларда пода боққан, қуш ҳайдаган, бугдой урган оддий одамлар куксига гулув ва ҳаяжон солгандир. Бу содда, самимий, ўртагувчи сатрлар шундоққина кишининг юрагига бориб тегар эди.

«Ақара»дан бошқа ҳамма сўзни тушундим», дея Абдулғаффорга жилмайиб қўйдим. «Ақара» — «тинглагин» деган маънони англатар экан. Бу қадимий қушиқ Қундуз ва Шибиргон, Анхуй ва Балх томонларда айниқса машҳур экан.

Эрталаб Исломободга уттиз километрлар қолганида йулда учраган қишлоқларнинг бирида нонушта қилинди. Фарруҳ Расул товоқдаги қайласимон овқатдан татиб куриб, афтини буриштирди: «Вой-бу, намунча аччиқ, қандай ичамиз бунини?» «Буними, — дедим қайлага бамайлихотир нон туғраётиб, — бу таомга, Фарруҳбек,

мурч сепиб ичилади». «Э, куйинг-э!» — деди Фаррух баттар аччиқланиб.

Соат саккиз яримда Исломободга кириб келдик. Гузал, ёш ва навқирон шаҳар. У пойтахт учун махсус барпо этилган, оврупоча замонавий қиёфага эга. Бундан сал нарида мамлакатнинг эски маркази — Равалпинди жойлашган.

Бизнинг Покистонда бўлиш визамиз тугаётган эди, шунинг учун дастлаб туғри Ички ишлар вазирлигига келдик. Шу ерда Абдулғаффор билан хайрлашдик. Бой ота: «Хизматларингизга рози булинг», деб унга чопон ва «Бухоро» альбомини ҳадя қилдилар. Абдулғаффор боёқшнинг боши кукка етгудай булди. Уни юртимизга таклиф этдик...

Ички ишлар вазирлигида виза муддатини яна учтўрт кун узайтиргач, Ҳиндистон элчихонасини излаб кетдик. Мана, ниҳоят Бобур Мирзо изидан «Ҳинд сори юзланмоқ» фурсати етди.

Афсуски, элчихона дарвозаси олдига етиб келганимизда аҳволимиз хийлагина оғир эди: тўрт-беш ҳамроҳимиз ичбуруг касали билан оғриб ётар, дори-дармонлар айтирли қор қилмаётган ташвишли, асабий бир вазият ҳукм сурар эди. Бу касалликнинг бошқаларга ҳам тарқалиб кетиш хавфи муқаррар эди. Шунинг учун маслаҳатлашиб, ҳинд элчихонасининг эшигини қоқишдан аввал сўнги бир илинж ила Хитой элчихонасига борилдики, шояд у ердаги инсонларнинг кўнгилида шафқат ва марҳамат уйғониб, мамлакат ҳудудидан автомашинамизда утишга ижозат берсалар...

Аммо, олижаноб орзу-ниятлар орзулигича қолди: хитойлик жаноблар узил-кесил рад жавоби бердилар. Ортиқча сўзга урин қолмагач, қайтиб Ҳиндистон элчихонасига келдик. «Бой ота» ва касалга чалиниб, мазаси қочиб қолган таржимонимиз Маҳмуд ака элчихонага кириб кетишди. Қолганлар рупарадаги яшил хиёбонда саргайиб ултирдик. Ушбу сатрлар шу жойда битилди. Элчихона дарвозаси олдида одам кўп, навбатга тизилиб туришибди. Бир вақт норғул соқчи турган эшик олдида Маҳмуд ака пайдо бўлиб, мени ичкарига чақирди. Маълум бўлишича, элчихонанинг иккинчи котиби тарихчи бир одам бўлиб, бобурийлар маданиятининг ошуфталаридан бири экан. Покистон билан узаро нозик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда бениҳоя ҳашаматли қилиб бунёд этилган Ҳиндистон элчихонасининг муҳташам ва салқин хоналаридан бирида

қаҳва хўлаб мазкур жаноб билан Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳақида суҳбат қурдик. Жаноб котиб Ҳиндистон музейларидан бирида Бобур Мирзонинг Иброҳим Лудий билан жанг олдида сузлаган нутқининг матни битилган қўлёзма сақланишини, узи уни бир неча марта ўқиганлигини, умуман, Бобур Мирзонинг Ҳиндистон тарихидаги урни алоҳида эътибор ва эҳтиромга моликлиги ҳақида фикр билдириб, бизга қўлидан келганча ёрдам бермоқликка тайёрлигини маълум қилди. Ҳатто мамлакатга автомобилда кириш учун виза масаласи тушдан кейин ҳал бўлишини айтди. Биз унга ташаккур изҳор қилиб ташқарига чиқдик. Ҳисбонда ултирган ҳамроҳлар йигилиб келишди. Машина ичига кириб машварат-кенгаш қилдик. Зокиржон ака аҳволни баён айлаб, олдимизда ягона — Афғонистон орқали юртимизга қайтиш йули борлигини айтганида орага узоқ ва оғир сукунат чуқди. Ниҳоят, барчамиз бирин-кетин фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик. Албатта, афгон йули хатарли, лекин бошқа илож йўқлигини англаб турардик. Орамизда Фарруҳ Расулдан булак ҳеч ким яқин йиллар мобайнида Афғонистонда бўлмаган экан. У шуро қўшинлари бу улқада «байналмилал бурчини адо этаётган» маълум йилларда Ўзбекистон телевидениесининг мухбири сифатида Кобулга келган, ракеталар ёмғирдай ёғилиб турган аэропортда БТР ичида жон ҳовучлаб ултирган. Шунинг учун ҳам орамизда фақат угина мамлакатдаги реал вазият ва хавф-хатарни яққол тасаввур қиларди, «Бой ота»га шундай савол билан мурожаат этди: «Хўп майли, Афғонистонга кирдик ҳам дейлик, аммо бир бурчакдан кимдир ракета билан машинамизнинг кулини кукка совуриб юборса, ким жавоб беради?» Бу гаплардан, гарчи одамнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетсада, Зокиржон ака ҳазил қилишга уринади: «Гапингиз қизиқ, Фарруҳбек. Аввало, ундай кўргиликдан худо асрасин. Мабодо шундай бўлган тақдирда жавоб берадиган одамнинг ўзи қолмагандан кейин... ҳеч ким жавоб бермайди-да».

Шу тариқа баҳсу мужодалалардан сўнг бир қарорга келинди ва зудлик билан Афғонистон элчихонасини излаб кетдик. Чунки бугун пайшанба — эртага жума бўлгани боис, пешиндан кейин аксарият идоралар ёпилади.

Кукаламзор, сокин кучалардан бирида жойлашган афгон элчихонасини топиб келганимизда соат уч

яримдан ошган эди. Диққатчилик, истиқболнинг мавҳум ва хатарли экани ҳаммамизни толиқтирган, азондаги аччиқ қайладан бошқа ҳали туз тотганимиз йуқ. Дарвоза олдидаги соқчилар бугун қабул тугаганини, элчи истироҳат қилаётганини айтиб, ичкари кирмоққа изн бермадилар. Аммо «Бой ота»ни бундай пахтавон гаплар билан остонадан қайтариб юбориш осон эмас — у қилди-бу қилди, хуллас, телефон орқали «бир секунд, атиги бир секундгагина» жаноби элчи билан боғланмоқ учун ижозат олишга эришди. Ва бир оздан сунг хонаки либосдаги элчи дарвозадан чиқиб келиб, Зокиржон ака ва Қори домлани ичкарига таклиф қилди. Бироқ ичкарида Муҳаммад Содиқнинг таржимон сифатидаги хизматига эҳтиёж сезилмабди. Элчи — жаноб Нуъмон рус тилида бурро гапирар экан. Тошкентда, Олий партия мактабида таҳсил кўрган бу киши, Зокиржон аканинг айтишларига қараганда, айни кунларда узи ташвиш-таҳликада экан. У Нажибуллоҳнинг коммунистик режими томонидан элчиликка тайинланган бўлиб, энди ватанидаги узгаришлар — доктор Нажиб ҳукумати қулаб, мужоҳидлар ҳокимият тепасига келган бир вазиятда эртага тақдири не кечишини ўйлаб хавотирда экан. Бизнинг мақсад-муддаомизни эшитгач, анча ўйланиб қолибди. Афғонистондаги аҳволнинг оғирлигини, экспедиция хавфсизлигини таъминлайдиган бирор қафолат йўқлигини ошкора айтиб, Пешовардаги афғон консулига телефон қилибди ва бизнинг мамлакат ҳудудига ўтиб олишимиз учун кўмак беришини тайинлабди. Ниятларингиз холис экан, балки Оллоҳ паноҳида сақлар, дебди у вакилларимизни дарвозадан кузатиб чиқаркан.

Соат тўрт яримларда тушлик ва кечки таомларни бир қилиб, бениҳоя ҳашаматли — пештоқига беш юлдуз тасвири туширилган «Холидей» меҳмонхонасининг ресторанида овқатландик. Бу ердаги асъасаю дабдабага бизнинг мусофирона қиёфамиз, уриниб кетган йул кийимларимиз у қадар ярашиб тушмаганини сезиб турсак-да, бошқа иложимиз йуқ эди.

Таомдан сунг яна шитоб билан йулга равона булдик. Бетухтов йул босиб, кечаси соат ун бир яримда Пешоварга кириб келдик.

Бу шаҳарнинг номи айниқса кейинги ун йилликда — афғон уруши муносабати билан жаҳон тилига тушиб, машҳур булди. Расмий шуро матбуоти узоқ йиллар мобайнида мазкур шаҳарда «афғон босмачила-

рининг қурбошилари» макон қурганини биз — совет халқига уқтириб келди.

Ярим тунда уйқусираб «Галастик» («Галактика») меҳмонхонасининг эшигини қоқдик. Шинамгина, ша-роитлари тузук меҳмонхона экан. Хонамга кириб энди жойимга чўзилишим билан озгин хизматчи йигит узр сураб кириб келди. Инглизчалаб бир нималар деди. Англамаганим боис «йес», «йес» деб гапини маъқуллаб туравердим. Шунда ҳам ҳеч кетмайди, менинг эса уйқум келаётибди. Бир маҳал эгнидаги куйлагини ушлаб кўрсатганидан билдимки, ювишга кир-пир борми, деб сўраётган экан, рад жавобимни эшитгач, жойимни ёзиб, ёстиқни тузатиб қўйди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Эрталаб соат ун бирда Афғонистоннинг Пешовардаги консули меҳмонхонамизга келиб, биз билан учрашди. Ниятимизни эшитиб бош чайқади, аммо дипломатик одоби тақозосига кўра ҳужжатларимизга ижозат муҳрини босиб бериб оқ йўл тилади. «Ба паноҳи худо!» деб қўйди хайрлашаётиб.

Меҳмонхонамиз рупарасида кичкина бозорча бор экан. Базозлар, ёймачи атторлар турли хил майда-чуйда сотиб ултиришибди. Эсдаликка бир-иккита тасбеҳ олмоқ учун чиққан эдим. Бир пайт қарасам... рупарамдан оппоқ либос кийган, серсавлат, серҳашам Ҳожи Омонуллоҳ Шамс юриб келаётибди! Ҳайроналикдан қотиб қолибман. Шу заҳоти унинг Маккаи мукаррамада айтган — «Иншооллоҳ, Пешоварда сизларни узим топиб оламан», деган гапи ёдимга тушди. У ҳам мени кўриб хушвақт бўлди. Куришдик, ҳол-аҳвол сурашдик. Ҳожи Омонуллоҳ Шамс рафиқаси билан кеча Карачидан тайёрада учиб келибди. «Бой ота»нинг ҳузурларига бошлаб кирдик. Ҳожи Омонуллоҳ Шамс бизни Афғонистон чегарасига қадар кузатиб қўядиган бўлди. Бизнинг ҳадиксираб берган саволларимизга жавобан табассум қилиб кулди ва деди: «Шу кунга қадар шунча чақиримлик йўлларда сизларни уз паноҳида асраган Оллоҳ, албатта, яна узи балогардон бўлгусидир».

Шу тариқа таваккали худо қилиб, Афғонистон чегарасига қараб жўнадик. Бу ситамдийда улкада вазият ниҳоятда мураккаб, қалтис ва чалкашлигини тахминан тасаввур қилар эдик. Аммо эшитганларимиз курганларимизнинг олдида ҳолва экан...

Қарийб икки ойлик сафар давомида уйимиздек қадрдон булиб қолган меҳнаткаш «Тойота» машинамизнинг деразасидан афғон манзараларига термилиб келар эканман, ҳаёлимда бир сатр бот-бот тақрорланар эди: «Киши балоға қолурми уз ихтиёри билан?..»

Фожиали Савр инқилоби содир булгач, минг-минглаб афғонистонлик мардум жонларини, иймонларини сақлаб қолмоқ қасдида ён-атрофдаги давлатларга — Покистон, Эрон ва ундан нари — араб мамлакатларига ҳижрат қилган эканлар. Айтишларича, жами булиб беш миллион одам она юртидан бош олиб кетган экан. Уша — биз сафарда юрган кунларда Нажибуллоҳнинг режими ағдарилиб, янги сиёсий кучлар ҳокимият тепасига келгач, бечора қочқин-қувғин юрган Афғонистон фуқаролари ниҳоят ватанларига оммавий равишда қайта бошладилар. Йул буйлаб буюк бир тарихий кучишнинг гувоҳи булдик. Покистоннинг сандиқсифат, ҳар турли ялтир-юлтир тақинчоқлар ила безатилган ҳайбатли юк машиналари, абгор автобуслар, Шуро давлатидан улжа туширилган ранг-баранг нақлиёт воситалари — барча-барчаси куч-кўрон, эчки-улоқ, бола-бакраю хотин-халаж билан тула. Узун, адоғи йуқ бир карвон. Умид билан юртига қайтаётган бу бандаларига Оллоҳ қандок кунларни раво кўраркин?

Афғонистон ҳудудига утишимиз биланоқ табиат манзараларида ва иқлимда аниқ бир узгаришни пайқадик. Арабистон ва Покистоннинг намчил, кишини лоҳас қиладиган ҳавоси урнига тоғу тошлардан дилбар насимлар эса бошлаганини сездик. Далалар, даштлар, қишлоқлар ва яшил воҳаларнинг кўринишлари, дарахтзор ва экинзорлар шундоққина Ўзбекистонимизни эслатиб турарди. Аммо теварак-атрофдаги вайрона иморатлар, йул ёқасида қалашиб ётган ҳисобсиз ҳарбий техника, портлатилган куприклар, култепага айланган кентлару овуллар, пичан ва таппи босилган томлар тепасида тумшуги йулга қаратиб қуйилган туп ва пулсмётлар, стти яшаридан етмиш яшаригача қурол осиб олган сирли, бегона одамлар... юракка беихтиёр ваҳима соларди. Дам-бадам кетмонсоқол, тундбашара, важоҳати қўрқинчли кимсалар йўлимизни тўсади, машинамиз ичига аланглаб назар солади. Қўрққанга қуш куринар, деганларидек, ҳар бир нарса бизга шубҳали туюлади. Гоҳ олислардан, гоҳо эса яқингинадан гум-

бурлаган уқ товушлари эшитилади. Ҳаммамиз нафасимизни ютиб, уз уй-хавфларимиз билан келмоқдамиз. Раҳбаримиз Зокиржон ака бизга далда бермоқ учун курсатмалар бера бошлайди:

— Худо хоҳласа, эсон-омон Анжанга етиб оламиз. Бизнинг ниятимиз ҳолис, мақсадимиз беғараз. Қимки сураса, Ҳаждан келаётганимизни айтасизлар. Оллоҳ уз паноҳида сақлайди, албатта, лекин биз гофил бўлишимиз ҳам керак эмас. Ҳар қалай, бу ердагилар шўролардан аламзада. Шунинг учун муомалада бениҳоя эҳтиёт булинсин. Ортиқча заруратсиз бегона кишилар билан муносабатга киришманглар. Ҳайдовчиларга тегишли гап: тезликни оширмасдан, ниҳоятда ҳушёрлик билан, тухта деган жойда тухтаб бораверасизлар. Узаро гаплашганимизда ҳам эҳтиёт булайлик, оғзимиздан урисча гап чиқиб кетмасин, билиб булмайди, ҳар ҳолда...

Бу қимматли маслаҳатларни дастуриламал қилиб, йулимизда давом этавердик.

Шомга яқин Жалолобод шаҳрига етиб келдик. Уша пайт билмаган эканмиз, кейинчалик билсак, бу ер Гулбиддин Ҳикматернинг асосий қароргоҳларидан бири экан. Мамлакатда турли сиёсий-миллий гуруҳлар уртасида тахт учун кураш бораётгани боис шаҳар бениҳоя нотинч, милт этган чироқ кўринмайди. Зулмат бағрини ёриб баъзан битта-яримта машина утиб қолади. Таҳликали бир оқшом бошланиб келмоқда эди. Сийрак уқ товушлари эшитилиб турибди.

Шаҳар четига етиб келганимизда кўнгилсиз ҳодиса юз берди: шунча километрдан буён қилт этмай келаётган машинамизнинг олд гилдирагидаги баллон ёрилиб кетди. Қоронғи туша бошлаган, атроф хатарнок. Апилтапил машинадан тушдик. Бир зумда атрофимизни бир туда одам уради. Уларнинг ичида қуроллиси ҳам бор, қуролсиз ҳангаматалаби ҳам бор. Ундан-бундан сураб, гапга тута бошладилар. Баъзилари машина деразасидан ичкарига олазarak аланглаб қўйишади. Уч-тўртта ёш-яланг йигит шундоққина олдимизда ерга чўнқайиб наша чека бошлади. Атрофни ўткир, гуркираган ҳид тутиб кетди. «Аз сафари ҳаж» деган сўзнинг сеҳрли кучи таъсир қилдими, бу олақуроқ оломон бизга даҳл қилмади. Шу пайт бамисоли муъжиза рўй бергандек, осмондан тушдимиз, ердан чиқдимиз, лоп этиб рўпарамизда иккита хушсурат, алпкелбат йигит пайдо бўлди. Иккаласининг ҳам эгнида қордек оппоқ



куйлак-иштон, устидан ихчам қора нимча кийиб олишган. Бу вақтда бизнинг ҳайдовчиларимиз гилдирак тагига домкрат қуйиб кутараётган эди, бирдан қарс этдию... домкрат синиб кетди. Ана томоша! Ҳушимиз бошимиздан учиб турган эдик, бояги икки йигит меҳрибонлик билан ҳол суради. Кейин уларнинг бири «Ҳозир!» дегандек ишора қилиб, йулдан утиб кетаётган бир машинани тухтатиб нимадир деди ва унга утириб жунаб кетди. Хушқад, хушмуйлов иккинчи йигит биз билан гурунглашиб турди. Куп утмай ҳалиги йигит уша машинада домкрат олиб келди. Машина биздан учтўрт қадам нарида чирогини ёқиб турди, унинг ёруғида йигит баллонни куз очиб юмгунча алмаштириб берди. Машинамизнинг тагига кириб, қандайдир мурватларини бураркан, оппоқ куйлаги бир зумда қоп-қора булди. У эса парвойи фалак, кулимсираб турар эди. Шу пайт машинани олд томонидан жиндай кутариб туришга туғри келди. Зокиржон ака бошчилигида ҳаммамиз бир жону бир тан булиб машинага ёпишдик. «Бой ота» жаноблари буйруқ бердилар: «Қани, давайте, раз, два, взяли!» «Ҳай-ҳай, Зокиржон ака! — дедим жонҳолатда. — Бояги курсатмалар нима булди энди?!» «Э-ҳа! — деди у киши шошиб. — Кечирсинлар, проста оғзимдан чиқиб кетди...»

Вазият шу қадар нозик эдики, ҳатто кулгани ҳам журъат қила олмадик.

Кейинчалик Қори домла икки-уч марта айтдиларки: «Бизга ёрдам берган уша йигитлар эҳтимол, одам эмас, балки Оллоҳнинг малоикаларидир...»

Менинг бу гапга жуда-жуда ишонгим келади.

Алқисса, умрингдан барака топкур бу икки йигит машинамизни созлаб бериб, зериккан ва томошаталаб оломон исканжасидан бизни олиб чиқиб кетишди. «Энди кеч булиб қолди — йул юриш хатарли, — дейишди улар, — бу кеча ётиб дам олинглар. Тонг саҳарда машина карвонларига қушилиб жунасангизлар, анча бехатар булади». Сунг бизнинг раъйимизга кура бирор меҳмонхонага бошлаб боришга тайёр эканликларини билдиришди. «Сизларни уйимизга ҳам таклиф қилишимиз мумкин эди, — деди уларнинг бири, — аммо жойларимиз сизларга манзур буладими-йўқми... Кейин, бизнинг уйларимиз тинч эмас — кечаси ҳужум бўлиши мумкин».

Бу беминнат инсонларни етказгани учун Тангрига шуқурлар айтиб, улар билан танишдик. Бирининг ис-

ми — Абдул Вадуд, иккинчисиники — Фарид экан. Бизни «Сипангар» («Оқ тоғ») деб номланувчи меҳмонхонага бошлаб боришди. Узимизнинг собиқ обкомлар дачасига ухшаб солинган, олди катта чорбоғли бу меҳмонхона эндиликда ҳарбий касалхонага айлантирилган экан. Шаҳардаги ҳукуматга қарашли ягона меҳмонхона булгани учун йулбошловчиларимиз бизни шу ерга олиб келишибди. Майиб-мажруҳ уруш ногиронлари бирпасда бизни қуршаб олишди. Бирининг қули кесилган, бирининг иккала оёғи йук, бирининг башараси абжақ бўлиб кетган, қўйинг-чи, урушнинг неки хунрезлиги булса, мана шу шурлик ва нотавон кимсаларнинг пажмурда вужудига қараб, бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Барчаси аламнок, жабрдийда инсонлар, бирортасининг чеҳрасида табассум нишонасини кўрмайсиз. Бу одамларни уруш — Шуролар иттифоқи бошлаган байналмилал уруш адои тамом қилган. Шу боис ҳам уларнинг ҳасратлари, даъво-дашномлари чексиз эди.

«Шуравийлар менинг отамни, онамни, уч фарзандимни ўлдирган», дер эди уларнинг бири.

«Менинг уйимни ёндириб, кулини кукка совурган — кофирлар», дейди иккинчиси.

«Сизларнинг солдатларингиз менинг кузларимни кўр қилди», дейди учинчиси.

Биз эса уларга нима деб ҳам жавоб берар эдик?

«Урушни халқ эмас, сиёсатдон раҳбарлар бошлаган эди, бугун энди уларнинг барчаси қораланди», деб айтганимиз билан уларнинг кунгли ёришармиди? Вужудларидаги, юракларидаги азобу уқубатлар, алам-армонлар сал булса-да камаярмиди?

«Бизнинг эркимиз узимизда эмас эди. Энди мустақил булдик. Энди Ўзбекистон коммунистларсиз, коммунизмсиз яшамоқчи», деб дабдурустдан эсимизга келган гапларни айтамиз. Уларнинг кузларидан, сўзларидан эса ҳамон мунг ёғилиб туради: «Бизни ўлдирган, қирган аскарлар ичида сизларнинг ўзбекларингиз, тожикларингиз, қозоқ ва қирғизларингиз ҳам бор эди...» «Улар алданган эдилар, — деймиз биз изтироб билан, — улар маҳкум эдилар. Биз ҳаммамиз алданган, ҳаммамиз маҳкум эдик...» «Ахир, улар мусулмон эдилар-ку! — дея бизни тергашда давом этади ногирон аскарлар. — Наҳотки мусулмон мусулмон биродарига қурол кўтарса?» «Авф этингиз, биз на кофир эдик ва на мусулмон, аросатда қолган бир нарса эдик...»

Аммо бу тариқа важ-корсонлар бу ситамдийда инсонлар кунглида самимият ва ишонч пайдо қилмади. Сарбонларимиз уларга узоқ ниманидир тушунтиришди. Бир маҳал Қори домла ажаб бир иш қилди: касалхона аҳлига идишда олиб келаётган Оби Замзам сувидан қуйиб узата бошлади. Шундагина уларнинг тунд юзларидаги шубҳа ва гумонлар тарқагандек бўлди. Дуолар қилиб, муқаддас сувни барча шифоталаб беморларга улашилди.

Меҳмонхонанинг биринчи қаватидан иккита хона тегди. Деразалар чил-чил синиб ётибди, эшиклар қулфланмайди. Йулакларда майиб-мажруҳ аскарлар оғриқ азобидан бетоқат, беором кезиб юради. Ҳаво салқин, борлиқ шундай мафтункор! Аммо уйқу-хузур қайда!

Тун буйи яқин атрофдаги шиддатли отишма овозига қулоқ тутиб, ухламай тулганиб чиқдик. Ким ким билан урушяпти, нега урушяпти — асло билиб бўлмайди. Беихтиёр бояги ногирон аскарларнинг саволларини узларидан қайтариб сурагим келади: «Хуп, илгарилари-ку, кофирларга қарши, сунг уларнинг тарафдори бўлган Нажибуллоҳ тузумига қарши курашган экансизлар. Энди мужоҳидлар ҳокимиятни қулга олибди. Нега яна узаро жанг қиляпсизлар? Наҳотки, мусулмон мусулмонга қарши қурол кутарса?»

Ҳаёт — бешафқат нарса, ақл ва мантиққа буй бермайдиган уз қонуниятлари бор. Бегуноҳ қон тукилавергач, одамзотнинг дийдаси ҳам қотиб кетаркан. Афғонистон диёри бугунги кунда шундай беқарор бир вазиятни бошидан кечираёттибди. Уруш — мамлакат халқининг асосий касб-корига айланиб кетгандек таассурот қолади баъзан...

Бомдод намозидан сунг кечаги посбонларимиз — Абдул Вадуд ва Фарид етиб келишди. Ҳол-аҳвол сурашиб, бизни Жалолобод бозорига бошлаб боришди. Бу ерда бир автоустахона олдида тухтадик. Паҳлавон бир уста ҳаш-паш дегунча машинамизни созлаб, баллонларини мустаҳкамлаб берди. Сунгра Фарид нонуштага таклиф қилди. Шу нонушта ҳануз эсимдан чиқмайди: еручокқа ўрнатилган катта дошқозонда оппоқ сут қайнаб ётибди. Атрофга қатор стол-стуллар қуйиб жой қилинган. Ошпаз, аниқроғи сутпаз барчамизга бир стакандан қайноқ сут ва иссиқ, юпқа нон келтириб қуйди. Ниҳоятда содда ва туйимли емак билан қаноатланиб, Кобул сари йул олар бўлдик.

Мезбонларимиздан бири — Фарид бизни Кобулга қадар кузатиб бормоқчи.

*11 июль. Кобул. «Сипанзар» меҳмонхонаси.*

Кобулгача орадаги масофа 120 километр. Йул хароб, уруш асорати туфайли вайрон бўлган, аксар қисми тоғ-довонлардан утади. Кета-кетгунча икки чеккада куйган-мажақланган танклар, тулпар, машина қолдиқлари — шармандали урушдаги мағлубият ёдгорликлари. Бутун-бутун шаҳарлар, катта-катта қасабалар, қишлоғу овуллар улик сукунат билан ҳувиллаб ётибди. Тоғлар, даралар, баланд-баланд адирлар куйиб култсепа бўлиб турибди. Адоғи йуқ боғ-боғчаларда бир-ярим қутир эчкилар кузга чалинади.

Шуролар Иттифоқи нега смирилди, деб бутун жаҳон ҳозир тахмин қилиш билан овора. Бировлар бунини Горбачевдан куради, бировлар ЦРУдан. Айримлар Ельциндан даъво қилса, айримлар ГКЧПни лаънатлайди. Лекин булар асосий сабаб ва сабабчилар эмасдир. Менинг назаримда, Шуролар Иттифоқининг емирилишига асосий сабаб — бу зулмдир. Собиқ давлатимизнинг уз фуқаролари ва бошқа халқларга қилган мислсиз зулм-зиёнларининг оқибати пировард-натияжада уни таназулга олиб келди. Булмаса, Афғонистонда — тоғу тошда тинчгина уз тирикчилиги, уз маишати билан банд бу хорижий улкада бизнинг итимиз адашганмиди? Буюклик васвасасига учраб ночор, қашшоқ ва ғариб бир халққа зулм қилмоқчи булдик ва мана бугун шу зулмнинг самарасини куриб турибмиз.

Ҳазрати Амир Темурнинг пири муршиди Зайниддин Абубакр Тойбодий бениҳоя топиб айтганки, «мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди».

XX аср Шуролар империяси бу фикрга тасдиқ бўла олади.

Соат ун иккени қоралаб қолганида Кобулга кириб келдик.

Ун турт йиллик уруш алангаси ичра қолган шаҳарни куз олдингизга келтиринг — ана шу Кобул бўлади.

Кобул! Ҳам шаҳри азим, ҳам кўҳи баланд. Донишмандлар, киши яшаганга яраша ана шу икки масканнинг бирида яшаса, дейдилар. Кобулда нафақат бу икки хислат мужассам. Бобур Мирзонинг таъбири билан айтганда:

Бихур дар арки Кобул май, бигардон коса  
пайдар-пай,  
Ки ҳам куҳ асту, ҳам дарёу, ҳам шаҳрасту, ҳам  
сахро.<sup>1</sup>

Афсуски, шаҳарнинг бугунги қиёфасига қараб, купроқ тургинчи белгиси, яъни сахролик хусусиятлари устун эканлигини пайқаш мумкин. Муаззам шаҳар таназзулга юз тутиб ётибди. Бот-бот уқ овозлари эшитилади. Тула ҳарбий вазият ҳукмрон. Кучаларда танклар, БТРлар ваҳшат билан урмалаб юради, ҳар қадамда шиппак кийиб, салла ураган, соқоли ўсган одамлар утган-кетганни тухтатиб текшириб куради. Кунчиқар томондан тулпарнинг даҳшатли гумбуллаши қулоққа чалинади.

Бир қуналга қидириб, шаҳарни айландик ва бир пайт марказдаги муҳташам «Сипанзар» меҳмонхонаси қаршисидан чиқиб қолдик. Меҳмонхона ишламас экан — бу ерга ҳам ҳарбийлар макон қурган. Булар қандай ҳарбий, қайси гуруҳга мансуб — аниқлаш мақсадида бир оз суҳбат қурдик. Мақсадимизни изҳор қилдик, зиёратчилар эканимизни айтиб, Бобур Мирзонинг қабрларига бориш учун маҳаллий ҳокимиятни қасрдан топишимизни сўрадик. Аскарлар гапимизни эшитиб кулишди. Маълум бўлишича, шаҳарда номига ҳокимият бор экан-у, лекин унинг узи мададга зор экан. Қоп-қора соқоли юз-кўзини қоплаган ёшгина ҳарбий йигит иягини автомат билан қашиб, эринчок оҳангда қуролига ишора қилиб суз қотди: «Мана — ҳокимият!»

Дарҳақиқат, бу улкада қурол кимнинг қулида бўлса, ҳокимият ҳам шунинг қулида.

Вазиятнинг мавҳум ва таҳликали эканини куриб, тарвузимиз қўлтигимиздан тушди. Машинамиз ичига кириб кенгаш қилдик. Мавжуд аҳвол Кобулда илмий-иждодий изланиш ишларини олиб боришга имкон бермаслигини назарда тутиб, бу ерда ортиқча тухтамасликка, Мозори Шариф томонга қараб йўлда давом этишга қарор қилдик. Ҳарбийлардан бир кеча кўноқ булишга изн сўрадик. Илтимосимизни таажжуб билан қарши олишди. «Жойни қизганмаймиз, — деди уларнинг каттароғи, — аммо бирор кори ҳол булиб қолса,

<sup>1</sup> Кобул аркида май ич, косани кетма-кет айлантирки, бу ер ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳар, ҳам сахродир.

масъулиятни буйнимизга ололмаймиз». «Қандай кор-хол?» деб суради Зокиржон ака. «Айтиб булмайди-да. Биз кечаси жанг қиламиз. Ёки бизнинг қароргоҳимизга хужум қилишлари мумкин. Қурқмайсизларми?»

Қурққанимизда ҳам қаёққа борар эдик, Оллоҳдан паноҳ сураб, ҳарбий сардорга айтдикки: «Сизлар нима булсаларингиз — биз ҳам шу». «Майли, кириб жойлашинглар. Қаватларда совуқ сув бор, аммо овқат йуқ, сгуликни узинглар топасизлар».

«Сипанзар» — «Оқ тилло» демақдир. Вақтида жуда ҳафсала ва дид билан қурилган ҳашаматли меҳмонхона бойқушхона бўлиб ётибди. Қимматбаҳо мебелларни чанг-тупроқ босган, йитиб-тузган, дераза ойналари синган, биллур қандилларнинг симлари шокила бўлиб осилиб ётибди. Супурги тегмаган хонумон хароб, деганлари айни шу бўлса керак.

Туриб-туриб, алам қила бошлади. Наҳотки, шунча йул юриб, йул юрсак ҳам мул юриб, энди муродимизга етдик деганимизда ноумид қайтсак? Ҳазрати Бобурнинг мангу оромгоҳи ёнгинасида туриб, наҳот муқаддас мақбарасини зиёрат қила олмасак? Бундай имконият қайтиб бизга муяссар буладими-йўқми?..

### **БАЙТ:**

Кунгил тилаган муродиға етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши.  
Бу иккиси гар насиб этмаса оламда,  
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Бир қисмимиз машина ойнасидан, бир қисмимиз меҳмонхона ойналари ортидан улкан жанггоҳ ва култепага айланган шаҳарга маъюс тикилиб турар эдик. Бир пайтлар нақадар гузал булган экан-а бу улуг шаҳар! Бобур Мирзо унинг таърифида ушбу ҳароратли ва латиф сузларни бежиз битмаган булса керак:

«Кобул вилояти туртинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг уртасида тушубтур. Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоққа пайвастдур. Қалъанинг гарбжануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур. Ул тоғнинг қулласида Шоҳ Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар. Бу тоғнинг доманаси тамом боғдур... Қалъанинг жанубида, Шоҳи Кобулнинг шарқида бир улуг кул тушубтур. Гирдо-гирди бир шаръий ёвушур. Шоҳи Кобул тоғидин Кобул сари боқа уч кичикрак чашма чиқар, иккиси Гулкина навоҳиси-

дадур. Уланглар сабзалик маҳалида бисёр яхши кури-  
нур. Ёзлар Кобулда шимолий ели кам эсадур. Паравон  
ели дерлар. Аркта шимол сари даричалик уйлар асру  
хушхаводур... Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавоси-  
дек ҳаволик ер оламда маълум эмаским, булғай. Ёзлар-  
да кечалари пустинсиз ётиб булмас. Қишлар агарчи  
қори аксар улуг тушар, вале муфрит совуғи йуқтур.  
Самарқанд ва Табриз ҳам хушхаволикқа машҳурдур,  
вале муфрит совуқлари бордур...»

Ана шундоқ жаннатмонанд маскан айна дамда  
вайрона бир шаҳристон ҳолига тушиб ётар эди. Ёз  
кечалари энди бу ерда пустин эмас, уқ утмас зирҳли  
либос кийиб ётиш лозимга ушарди. Рухимиз тушиб  
кетган, нима қиларимизни билмас эдик. Аммо Оллоҳ  
— улуг, Оллоҳ — марҳаматлидир, бу сафар ҳам ўзи  
мушкулларимизни осон, ҳожатларимизни равон қил-  
ди. Меҳмонхонада ҳарбий комендатуранинг хизматчи-  
си булмиш Муҳаммад Али исмли бир йигит билан  
танишиб қолдик. Сочлари қоп-қора, забардаст қомат-  
ли, йигирма беш ёшлар чамаси бу йигит боксчи, Афго-  
нистон термасининг аъзоси, мамлакатнинг бир неча  
бор чемпиони экан. Зокиржон ака куйиб-пишиб унга  
мақсадимизни тушунтирди. У Ўзбекистонда, жумла-  
дан, Андижонда ҳам спорт мусобақаларида булган  
экан, чала-чулпа русча гапиришни биларкан. Нияти-  
мизни эшитиб, хийла вақт уйланиб қолди. «Боғи Бо-  
бур»... ҳозир бошқа бир ҳарбий гуруҳ қулида. Қумондо-  
ни ҳам у ерда ўлтиради. Майли, бир таваккал қилиб  
курайлик-чи. Лекин ҳаммани эмас, икки-уч кишини  
таксида олиб бориб келишим мумкин», — деди. Йиги-  
либ, яна маслаҳатлашдик. «Бой ота», Собиржон ака ва  
мен «разведка»га бориб келадиган бўлдик. Тарихчи  
домламиз Рустам Шамсиддинов ҳам бизга қушилди.  
Қолганларга бир хонага йигилиб ўлтиришга, тарқалиб  
кетмаслик ва машинадан бохабар бўлиб туришга буй-  
руқ берилди. Муҳаммад Али стачилигида кучага чи-  
қиб, такси кута бошладик.

Ажаб манзара: шаҳарда уруш ҳаракатлари, ҳарбий  
ҳолат кетаётгани ю таксилар сийрақроқ булса-да, қат-  
наб турибди, савдо-сотик, кундалик тирикчилик давом  
этноқда. Ҳатто бир жойда музқаймоқ сотиб ўлтирган  
одамни ҳам кўрдим. Сал нарида эса — тавба, айтсам,  
ишонмайсиз, ранго-ранг лента тақиб, келин олиб ке-  
таётган иккита-учта машинага кузим тушиб қолди. Ко-  
булликлар урушга обдан урганиб, парво қилмайдиган

ҳам бўлиб кетишганми, дсб уйлаб қоласиз. Уруш — уз йулига, турмуш — уз йулига.

Ғизиллаб пачоққина бир машина келиб қолди. Ёдимдан кутарилмаган бўлса, «Москвич» эди шекилли. Таксига чиқиб жойлашдик, танклару ҳарбий машиналар орасидан урмалаб, шаҳарнинг шарқий томонига қараб йул олди. Ва куп утмай шаҳар чеккасида жойлашган Боғи Бобурга етиб бордик! Ана, боғ дарвозаси ҳам куришиб қолди. Хушҳаво, сафоли бир боғ, гир атрофи баланд девор билан ураб олинган. Яқин-яқинларгача бу жой шаҳарликларнинг сеvimли гаштгоҳи — истироҳат боғи саналар экан. Боғ паст-баланд тоғ ёнбағрида жойлашган, тепаликка зина орқали кутарилиб борилади. Дарвоза олдига рупара бўлишимиз билан қуролли соқчилар бизни тухтаишди. Муҳаммад Али бизни таништириб, мақсадимизни тушунтирди. «Ҳожи», «ҳаж» деган сузларни эшитиб, соқчилар бизга сергак тортиб қардилар. Сунг улардан бири боғ уртасидаги икки ошиёнали муаззам кушкка — қароргоҳга қараб маслаҳатлашгани кетди. Бир оздан кейин ижозат бўлди шекилли, улардан иккитаси бизни ичкарига бошлади. Бисмиллоҳ айтиб, юрагимиз ҳаяжондан энтикиб, зиналарга қадам қўйдик. Мана, баландда, юксак тоғлар пойида жойлашган оқ мрамар мақбара. Муъжазгина, худди Бобур Мирзонинг узи янглиғ ортиқча ҳашам ва дабдабалардан холи, сипо ва камтарин бир оромгоҳ. Беихтиёр кузларингиз намланиб, бугзингизга хурсиниқ тиқилиб кела бошлайди. Мана шу совуқ сағана остида, икки газ қаро тупроқ қаърида шиддат-шижоати билан оламга сиғмаган шери мард ётибди... Мақбаранинг атрофи ям-яшил дарахт, эгилган новдалардаги мулойим япроқлар Бобур Мирзо ҳақларига саловат айтиб тургандек. Ҳаво шундай тиниқ, шундай мусалффоки, симирган сари кукрак қафасларингиз кенгайиб бораётгандек туюлади.

Ҳаслимда эса жаҳонгир шоҳ ва оламгир шоирнинг маҳзун мисралари кузимдаги ёш каби айланиб туради...

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,  
Ё баҳру иноятингда мустағроқ қил.  
Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ оқ қил,  
Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

Асрий чинорлар, кўҳна, азамат тут дарахтлари, азим қайрағочлар боққа қуюқ куланка ташлаган. Қуйида Бобур Мирзо замонида қаздирилган иккита



мармар ҳовуз. Шаҳардаги бошбошдоқлик ва уруш ҳаракатларига қарамай, мақбара яхши сақланган, гирдогирди кўкаламзор, озода, ораста. У ер-бу ерида тарихда ном қолдириш ишқида қули қичига баъзи кимсаларнинг чизмакашликларини ҳисобга олмаганда сағана ва мақбаранинг умумий ҳолати бинойидек. Маълумки, бу обида 1607 йилда ҳазрати Бобурнинг эвараси Жаҳонгиршоҳ томонидан қурдирилган. Бинобарин, салкам тўрт юз йилдан буён уз салобати ва шуқуҳини сақлаб келмоқда. Мақбарадан сал пастроқда оқ мармардан бунёд этилган муъжазгина масжид бор. У 1640 йилда Бобур Мирзонинг чевараси, улуг ошиқ ва буюк бинокор Шоҳ Жаҳон тарафидан барпо қилдирилган булиб, то ҳануз зиёратга келадиған мусулмонлар шу жойда ибодат қилиб, савобини Бобур Мирзонинг руҳларига бағишлар эканлар. Боғнинг уртасидан шарқираб муздай зилол сув оқиб ётади, таъми ниҳоятда лазиз, тоғли.

Қабр пойида тиз чуқиб тиловат қилдик, пешин намозини пастдаги масжидда уқиб, улуг бобомизнинг руҳи покларига дуои фотиҳалар қилдик. Мақбарани синчиклаб куздан ксчирдик, қайта-қайта суратга туширдик, тахминий тарҳини чиздик. Собиржон ака қабрнинг бош ва оёқ томонларидан, ён тарафларидан тупроқ олиб бир халтага солди. Ният қилдикки, шоирнинг ота юрти Андижонда тикланажак рамзий оромгоҳига шу тупроқ қуйилса...

Мақбаранинг икки ёнбошида яна иккита сағана бор. Уларга ҳам Бобур Мирзонинг яқин авлодлари дафн этилган экан.

Марҳум географ олим, профессор Ҳамидулла Ҳасанов ҳазрати Бобур истеъдодининг оташин мухлисларидан бири эди. У зоти шариф бобокалонимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб махсус «Бобур — сайёҳ ва табиатшунос» номли сермазмун рисола битган. Мазкур рисолада бир қанча жиддий илмий кузатишлар ва хулосалар мавжуд. Жумладан, олим Бобур Мирзонинг Кобулдаги ушбу мақбарасини ҳам синчиклаб урганган, унинг тарихи хусусида қимматли маълумотларни қайд этиб қолдирган. Шу боис муҳтарам домланинг ўша китобчасидан жиндай иқтибос келтириш жоиздир:

«Боғи Бобурдаги сағана тошига қуйидаги сузлар битилган: «Подшоҳки, анинг тожу тахтидан нури илоҳий ёғилур эрди, номлари Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эрди. Давлатманд ва бузургвор, иқболли ва

одил ва динпарвар, сипоҳийлари тавфиқ соҳиби булмиш файзиёб фотиҳ эрди. Ул зот олам жисмини илгида тутди ва равшан булиб равона булди».

«Бу лавҳанинг сунгги сатри «Гуфтам фирдавс доим жон Бобуршоҳ» деган жумла билан ниҳоясига стади, — деб ёзади профессор Ҳасанов. — Абжад ҳисобида бу ҳижрий 937 йилга, милодий 1530 йилга тенг демакдир.

Сағана тошининг сиртқи томонига эса қуйидаги битик нақш этилган:

«Ҳазрат арши ошиён Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ Ғозийнинг уғли булмиш Ғозий Абдул Музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир ҳазрат фирдавсмакон Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг нурафшон мақбарасини зиёрат қилган чоғида кунгилдаги ниятини адо этиб, тахтга ултирганига икки йил тулганида ушбу лавҳани урнатмоққа амри фармон қилдики, бир минг ун олтинчи ҳижрийга мувофиқдир».

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад ҳазрати олийлари 1530 йилда Аграда вафот этган. Дастлаб шу ердаги узи барпо этган «Оромбоғ»га дафн қилинади, кейинчалик эса, васиятига кўра хоки Кобулдаги мазкур масканга кучирилади.

Зиёрат чоғи бутун хаёлимиз, онг-шууримиз мозий бағрига туташиб кетган, аммо шундоққина боғ ортида, яққол куришиб турган тоғ этакларида пайдар-пай отишма товуши эшитилар, бунга сари бизни киприк қоқмай таъқиб этаётган аскарлар безовталаниб, уша томонга қараб-қараб қуйишар эди. Бу кўҳна деворлар Бобур Мирзо замонида тикланган, кўкқисдан тўп уқи тушиб вайрон булиш эҳтимолини уйлаб юрагимиз увишар эди.

Аскарлар билан суратга тушишни таклиф қилган эди, бажонидил рози булишди. Инсон, ишқилиб, ҳамма жойда ҳам узидан бир эсдалик-ёдгор қолишига қизиқар экан-да! Булмаса, бу таҳликали вазиятда бизнинг фотоаппарат қаршисида соч тараб туришимиз узи кулгили эди... Аскарларга ташаккур айтиб, дуппи, тасбеҳ каби совға-саломлар топширдик. «Бой ота» елкага осиб олган чарм халтасидан гузал «Бухоро» альбомини олиб, йигитлардан кумондонга топширишларини сурадилар. Альбомнинг ортидан ҳам ифтихор, ҳам маъюслик билан қараб қолдим. Чунки, уни ўзим хизмат қиладиган Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган, менинг ҳам озми-кўпми меҳнатим сингган эди, худди фарзандимни нотаниш ва бегона одамлар орасига бе-

риб юбораётгандек бир ҳолатда қолдим. Ким билсин, қандай одамларнинг қулига тушадию қандай қадр-қиммат топади...

Боғи Бобурдан беҳад руҳланиб, меҳмонхонага қайтиб келдик. Бунда қолган биродарларимиз ташвиш ва хавотир билан ўлтиришган экан, бизни соғ-омон куриб, куп суюнишди. Ҳикояларимизни эшитиб, уларда ҳам зиёратга бориш истаги тугилди. Шу ерга келиб, армон билан кетиш чиндан ҳам афсусланарли ҳол булур эди. Шунга кура Боғи Бобурга иккинчи марта боришга қарор қилдик. Муҳаммад Алига яна тилагимизни айтдик. Оллоҳ кунглига шафқат солган йигит экан, уйланиб туриб, рози бўлди. Икки дустини кумакка чақирди. Узи каби норгул, барваста йигитлар. Танишиб билсак, бири — тренер, иккинчиси — тужжор экан. Бу сафар иккита таксини ёллаб жунадик.

Боғи Бобур ҳамон азалий шукуҳга тулиб шовиллаб ётарди.

Бобомиз қабрларини қайтадан зиёрат қилдик. Телетасвирчимиз Фарруҳ Расул завқ-шавқ билан, илҳом билан сувратга ола кетди — булгуси фильми учун ноёб ва бтакрор кадрлар топилганидан у бениҳоя хурсанд эди. Қабр пойига тиз чуққанимизда Муҳаммад Али секингина: «Мен ҳам тиловат қилсам, ижозатми?» деб суради. Рози бўлдик, у дардчил, шикаста бир қироат билан тиловат қилди. Яхшигина мулло ҳам экан у. Ишимиз юришгани боис «Бой ота» ҳам роса ийиб кетган, совға-саломни янаям мул қилиб олган экан, аскар йигитлардан кимга дўппи, кимга чойнак-пиёла, кимга белбоғ насиб этди. Бу гал қумондонга тўн тортиқ қилинди.

Зиналардан бир-бир босиб пастга тушиб кетаётсак, бир неча аскар фарқ пишган марвартак тут тагига чодир тутиб қоқаётган экан. Қуярда-қуймай бизни ҳам таклиф этишди. Келиб, чодирни тутишга кумаклашиб турдик. Аскарлардан бири — туя жунидан тикилган тугарак кулоҳ кийган чорпаҳил йигит, тут тепасига чиқиб жон-жаҳди билан қоқар, дарахт силкинганида чодирга, ён-атрофимизга, уст-бошимизга марварид тут доналари дув-дув тукилар эди. Бир зумда теварак-ер оқ, нимранг, нимпушти тут ғужумлари билан қопланди. Аскар болалар қоқилган тутни бир пақирга солиб, муздай чашма сувида ювиб келтирдилар ва уртага қуйиб манзират қилдилар. Пақир атрофига гир тизилиб, тутхурлик қилдик. Очиғи, умрим бино булиб, бу

каби лазиз тутдан туйиб емаган эдим — мазаси то ҳануз озгимда. Шу боис лутф қилиб дедимки, бобомиз экиб кетган тутдан баҳраманд бўлдик. Чиндан ҳам, бу дарахтни уша олис утмишда бобурий боғбон боболаримиздан бири эккан ёки эктирган бўлса, не ажаб? Ахир, бобурий ҳукмдорлар нафақат салтанат ва ҳарб ишида, ёки санъат ва мёморлик бобида, балки гузал, бетимсол боғлар барпо этиш соҳасида ҳам оламга машҳур зотлар бўлганликлари тарихда барчага аён-ку!

Келинг, яхшиси бу хусусда сўзни Бобур Мирзо ҳазратларининг узларидан эшитиб курайлик:

«Одинапур қургонининг олида, жанубий тарафида бир баландда тарихи тўққуз юз ун тўртта бир чаҳорбоғ солдим. Боғи Вафога мавсум, рудқа мушрий, руд қургон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур. Паҳор хонни босиб Лоҳур ва Диболпурни фатҳ қилган йили кила келтуруб эктуриб эдим, сабз бўлиб эди. Андин бурунги йили найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухорога ул найшакарлардин йиборилиб эрди. Ери муртафиъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикрак пушта воқий бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғнинг ғарби-жанубий тарафида даҳи дардах ҳавзедур, атроф тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамом себаргазордур. Бу боғнинг айни ери ушбудур. Норунжлар сарғарон маҳалда бисёр яхши курунур, хили яхши боғ воқий бўлубтур...»

Диққат билан қараган бўлсангиз, бу боғ тасвири ҳам худди Кобулдаги биз зикр этаётган боғ манзараларига айнан ўхшаб кетади. Андоза аслида шу ердан, эҳтимол, Самарқанд ва Андижоннинг, ёхуд Бобурнинг она юрти Тошкентнинг фусункор боғларидан олинган бўлса, ажаб эрмас.

Ҳазрати Бобур ва унинг шавкатли авлодлари асрлар давомида ушлаб ана шундай сулим чаҳорбоғлар, гаштгоҳлар, боғу боғчалар бунёд этиб, келгуси наслларга мерос қилиб қолдирганлар.

Яна зисратимиз тафсилотига келиб тўхтайдиган бўлсак, Боғи Бобурдан чиқиб, меҳмонхонага қайтар эканмиз, ногаҳон кун чошгоҳга яқинлашганию эрта-лабдан буён туз тотмаганимизни эслаб қолдик. Йулда учраган дастлабки ошхонага кириб танаввул қилмоқчи

булдик — кабоб буюрдик. Шу вақт кучанинг нариги бошида келаётган ғалати бир издиҳомга кўзимиз тушди. Қоп-қора либосларга бурканган, ҳар турли туғлар кутарган икки-уч минг кишилик мотамсаро оломон ғайритабиий қичқириқлар билан айюҳаннос солиб ўтмоқда эди. Уртада — елкасида думалоқ гардиш каби очиқ жойи бўлган майкасимон бир қўйлак кийган юз-юз эллик чоғли ёш-ёш йигитлар кукракларига, яғринларига гурсиллатиб урганча жазавакор оҳангда алланималарни бақириб келишарди. Суриштирсак, бугун муҳаррам байрамининг иккинчи куни, имом Ҳасан, имом Ҳусайн қатл этилган сана бўлиб, бу издиҳом Дашти Қарбало шаҳидлари ёдини хотирламоқда экан. Оломон олдимиздан утиб, кўздан ғойиб бўлгунига қадар нафасимизни ютиб, жимгина кўзатиб турдик.

Кечки пайт меҳмонхонамизда ҳарбий мезбонларимизнинг тайинлашига кура қалин дераза пардаларини тушириб ултирдик. Икки-уч киши юрак ютиб, беш юз метрча наридаги бозордан помидор, пиёз ва нон харид қилиб келдик. Бозорча хароба, ифлос, нарх-наво қиммат, гадой, тиланчилар, хору бенаво инсонлар куп.

Ҳашаматли хоналаримиздан бирига йиғилишиб, намозшомдан кейин тошкентча «аччиқ-чучук», андижончасига «шакароб» тайёрладик. Ҳаммамиз қаттиқ чарчаган эканмиз, хуфтон намозидан сўнг дарҳол уйку ғолиб кела бошлади.

Хонамизга кириб тахминан бир соатча — соат ундан ун бирга қадар жиндай мизгиган эканман. Кейин... қасира-қусур, гумбир-гумбир отишма бошланиб кетди. Итлар тинимсиз ҳуради, осмон зенит тўпларидан ларзага келади, машиналар шовқини, ҳарбийларнинг бақир-чақир, дод-фарёдлар — буларга қасрдадир букиртириб радиокарнайдан қўйилаётган жанговар марш садолари қўшилиб кетади. Баъзан отишма нақ меҳмонхона пастида булаётгандай дераза ойналари зириллаб, чор-атроф аланга ёғдусидан ёришиб қолади.

Ҳаёл қургур одамни ҳар ёқларга олиб кетди.

Ухлар эканмиз — билмас эканмиз, тун деганлари бениҳоя узун булар экан. Гоҳ тоғлардан гумбуллаб тўп овози келади, гоҳ утакани баттар ёриб ёввойи, мастона қийқириқлар эшитилади — бамисоли қандайдир туда биз томон бостириб келаётгандек. Меҳмонхона дарвозаси олдида эса автобусимиз турибди — қорнида урусча ёзуви билан!..

Аламзада, мотамсаро, қонсираган, инсоннинг ҳаё-

ти сариқ чақа булиб қолган бу улкада ҳар нарсани кутиш мумкинлигини шу дақиқада яхши англадим. Эҳтимол, ялдо кечаси шунчалар узоқ булса керак. Мавлоно Гулханий айтганларидек:

Бу нечук тунким, они тонги йўқ,  
Ё муаззинларининг бонги йўқ...

Ниҳоят, уйқусиз, даҳшатли тун поёнига етиб, тонг отди. Юракларга таскин ва ҳарорат бағишлаб азон садоси янграй бошлади. «Ҳайя алал фалаҳ» — «Нажотга келинлар» деган илоҳий даъват айни лаҳзаларда теран бир рамзий маъно, яна ҳам тугрироғи, халоскорона бир руҳ касб этган эди.

Бомдод намозини уқиб, аста дераза пардасини очдим. Назаримда, шаҳар кучаларида бирор кимса куринмаслиги — бари қирилиб битган булиши лозимдек эди. Адашган эканман, кобулликлар халта-турболарини кутариб, кундалик тирикчиликлари билан андармон булиб кетмоқдалар, кабобхонаю ошхоналар тепасидан тутун урлаётир, таксилар мижоз излаб шаҳар кезмоқда.

Нонушта қилмасдан машинага ултирдик. Йўлда Бобур қадамжоларидан булмиш Боғи Калон номли куркам, гузал боғни куриб утдик. Бу оромбахш чорбоққа бобомиз Бобур Мирзо замонида тартиб берилган. Баланд-баланд адирлар тепасида яшнаб ётган бу беҳишт боғидан бутун Кобул худди оёқ остида ястанган куйи яққол куришиб туради. Нақл қилишларича, ҳазрати Бобур бу масканга тез-тез келиб турар, шаҳри азимнинг ажиб манзараларига термилиб ултиришни хуш кўрар экан.

Кобулни сўнги бор айланиб чиқиб, «Тойота»миз «жилови»ни Мозори Шариф томон буриб тўхтадик. Содиқ сарбонимиз Муҳаммад Али билан хушлашдик. Ғоят мутаассир булдик.

Олдимизда — олис ва номаълум йўллар, янгидан-янги учрашув ва айрилиқлар. Ортимизда — Кобул, улўғ бобомизнинг абадий оромгоҳи, нотинч, беҳаловат бир ўлка. Йўлга тушмасимиздан яна тўп овозлари гумбурлай бошлади. Мангу масканида фароғатга чумган, тириклик чоғида бу уткинчи, бебақо дунёнинг жангу жадалларидан чарчаб у дунёга бош олиб кетган буюк жангчи, буюк шоир, буюк боғбон бобомизнинг руҳи поклари бу қиргин-қиёматлардан бениҳоя безовтадек

булиб туюларди. Кунглимиз тулиб, Қори домладан тиловат қилишларини сурадик. Дуои фотиҳаларимиз сунгида қиблага қул очиб минглаб шаҳидлар ётган бу жабрдийда улкада, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абу Райҳон Беруний, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб сингари улуғ аждодларнинг табаррук хоклари жо булган шу куҳна заминда тинчлик-омонлик қарор топишини тилаб, Оллоҳга илтижолар қилдик.

Дейдиларки, холис ният билан йул юриб бораётган йулчининг тилаклари албатта ижобат бўлади.

Ана шундоқ маҳзун ва қарама-қарши кайфиятлар огушида Кобулни тарк этдик.

Иншооллоҳ, Ватан яқин қолди!..

### *12 июль. Мозори Шариф.*

Мозори Шарифга қадар салкам икки юз километрлик йул уша машҳур ва машғум Саланг дараси орқали утади. Бу дара шу жойларда жанг қилган шугравий «афгон»ларнинг ҳасратли қушиқларида қонли бир оҳанг ила тараннум этилган: «Улим водийсидир Саланг...»

Бахтимизга, йулнинг бу қисми омон сақланган экан. Ёки уруш тутагач, таъмир қилинганмикан? Атрофда ям-яшил боғчалар, шовиллаб оқаётган тоғ дарёлари, чашмалар, харобазорга айланган қишлоқлар, собиқ шуро аскарлари ташлаб қочган назорат бекатлари, ҳарбий шаҳарчалар, жанговар қуналгалар, портлатилган кўприклар, қатор тизилиб ётган мажақ танклар, машиналар...

Шуро ҳукумати Афғонистонни босиб олганида бу ерларда абадий қолажагига қаттиқ ишонган, шу боис узоқ мулжал билан осмонупар тоғларни тешиб ер ости йуллари — туннелларни устма-уст қуриб ташлайверган. Узундан-узоқ, бир-бирига уланиб кетадиган тоннеллар.

Саланг дарасининг баландлиги уч минг километрдан зиёд. Бу дара табиий равишда мамлакатни иккига — Шимолий ва Жанубий Афғонистонга ажратиб туради. Энг серҳосил, унумдор ерлар, суғориладиган воҳалар эса биз кетиб бораётган Мозори Шариф томонларда жойлашган.

Беш-олтита нимқоронғи; ваҳимали ер ости йулларидан ўтдик. Йулларда ҳануз уша аҳвол: қуролланган деҳқонлар, болалар, чоллар, юртига кучиб келаётган қочқинлар.

Соат уч-туртларда Мозори Шарифга кириб келдик. Катта, қадимий шаҳар. Том маънодаги шарқона макон. Куча-қуйларда қуроли кишилар қузга чалинса-да, бу жойларда уруш ваҳимаси у қадар сезилмайди.

Биз келиб тўхтаган отель «Мозори Шариф» деб аталади. Эшигида бир гуруҳ аскарлар. Салом-алиқдан сўнг маълум бўлдики, мазкур меҳмонхонада Элмурод Аргун деган ўзбек йигит етакчи бўлган қўшин қароргоҳи жойлашган экан. Дарбон болалар форсийми, дарийми бир тилда гапиряпти-ку, лекин юз-қузидан, хатти-ҳаракатларидан ғирт ўзбеклиги шундоққина билиниб турибди. Э, ўзбекликни яшириб буларканми, башарасига битиб қўйган булади-ку! Хуллас, улардан бири ичкарига хабар қилгани кириб кетди ва зум ўтмай биз ичкарига таклиф этилди. Узун йўлакдан ўтиб, турдаги бир хонага кирдик. Иккита темир кароват. стол-стул, деворда яшил байроқ: ер курраси ўзра чалишиб тушган икки қилич тасвири. Тўқима — бордондан ясалган диван ва креслолар. Стол ортида қоп-қора соқоллик, нигоҳлари уткир ва тийрак бир йигит ўлтирибди. Унинг исми Муҳаммад Наби, асли Майманадан. Ун турт йилдан буён жангу жадалларда иштирок қилиб келади. Бизни очиқ чехра билан қарши олди. Қисқа суҳбатдан сўнг биз қуйидаги маълумотларга эга бўлдик.

Шу кеча-кундузларда Афғонистонда давом этаётган сиёсий курашлар натижасида мамлакат бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Улардан бири генерал Абдурашид Дустим етакчилик қиладиган Шимолий Афғонистон миллий исломий ҳаракати (жунбуш) бўлиб, мамлакат шимолидаги Балх, Шибиргон, Қундуз, Маймана, Самангон сингари тўққиз вилоят мазкур кучлар тасаруфида экан. Биз келиб турган жой ташкилотнинг шаҳар бўлими, унга боя эслатганимиз Элмурод Аргун раҳбарлик қилади. Муҳаммад Наби биз билан суҳбат асноси сим қоқиб, жаноби Аргунга бизнинг дарағимизни етказди. Ярим соатлар чамаси ўтиб, сийрак соқолли, қизғиш юзли, қузойнакли, дунг пешона бир йигит хонага кириб келди. Барчамиз билан самимий сўрашиб, турдаги креслога ўтирди.

Доктор Элмурод Аргун — Маймананда туғилиб вояга етган ўзбек йигити, Қобул университетининг тиббиёт бўлимида таҳсил қурган. Ёшлик чоғларидан озодлик ҳаракатига қўшилиб, бир неча бор зиндонларда етган. Туркия, Германия, АҚШ давлатларида бўлган, дунё



курған, тажрибали одам. Унинг фикр-мушоҳадалари пухта мантиқи, салобат ва салмоғи билан ажралиб туради. Бизнинг сафаримиз мақсадларидан хабар топгач, у табассум қилиб шундай деди: «Сизлар Бобур Мирзога ошиқ экансизлар, биз сизларга ошиқмиз. — Кейин бу гапига изоҳ бергандек пича сукут сақлаб: — Туркияда чоп этилган ун бир жилдли «Турк тарихи» деган китоб бор. Шунини ёзган профессор айтганки: «Мен Бобурнинг ошиғиман». Умуман, башарият тарихида турт буюк император утган: Искандар, Атилла, Чингиз ва Темур. Аммо бу жаҳонгирлар орасида ҳазрати Бобур узининг чексиз маърифати ила ажралиб туради. Сизлар ана шундоқ улуг зотнинг изидан юрган экансизлар, иншоллоҳ, ҳали Оллоҳдан куп савоблар етгусидир. Чунки дунёда улуглик бобида илмга тенг келадиган узга бир нарса йўқтур. Мирзо Улуғбекдан сурадилар: «Сиз нега сиёсатни қўйиб илм билан машгул улдингиз?» Мирзо жавоб бердиларки: «Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар мен бобом тиззасида ултирар эдим, баногоҳ ҳузури муборакка бир киши кирди, бобом шошиб унинг истиқболига ўрнидан турди — мен тиззасидан тушиб кетдим. Кейин билсам, ул зот олим экан, бобомнинг пири комили экан. Илмнинг обрӯ-нуфузини мен ана ушанда кўрдим».

Суз бсихтиёр илм-фан, адабиёт ва санъат хусусига бурилди. Жаноб Аргун Балх шаҳридан йигирма чақиримлар нарида жойлашган Бобораҳим Машраб Намангоний дафн этилган Ишқамиш қасабаси ҳақида сўйлади. Бу қасаба Тоҳар вилоятига қарайди. Шунингдек, Балхда дафн этилган яна бир Машраб қабри бор экан. «Машраби соний» деб ном қозонган бу шахс ҳам шоир бўлиб, мавлоно Румийнинг «Маснавий»сини ўзбек тилига таржима қилган экан.

Афғонистондаги бугунги сиёсий-ижтимоий вазият ҳақидаги саволларимизга жавоб қайтариб, Элмурод Аргун, жумладан шундай деди:

«Кечмиш ун турт йиллик уруш давомида Афғонистондан бир ярим миллион киши ҳалок бўлди. Биз бу муҳорабада қатнашиб, жиҳод ва мубориза қилдик. Жиҳоднинг маъносини биласиз — коммунизм ва урислар босқинига қарши курашдик. Мубориза эса — шовинист миллатларга қарши бошқа мазлум халқлар олиб бораётган курашни англатади. Афғонистон — қадимий, шунинг баробарида куп қавм ва элатлардан таркиб

топмиш бир мамлакатдир. Биз шу улкада яшаётган узбек, туркман, тожик, қozoқ, қирғиз, араб, ҳазара каби халқларнинг бошини бирлаштириб, мазкур «Жунбуши исломи миллий Шимолий Афғонистон»ни туздик. Афғонистон қаҳрамон генерал Абдурашид Дустимни Раиси жунбуш этиб сайладик. Партиямизнинг Бош котиби Озодбек Ворисдир. У киши сунгги Қуқон хони Худоёрхоннинг чеварасидир. Жунбушнинг асосчиси ҳам шу зот. Бизнинг мақсадимиз — Афғонистондаги мазлум миллатларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини тикламоқ учун курашдан иборат. Шиоримиз — «Кишига зулм қилма, лекин зулмни ҳам қабул қилма». Биз Афғонистоннинг ҳудудий бутунлиги тарафдоримиз. Барча миллат ва қавмларнинг тула тенг ҳуқуқлиги асосида умумхалқ сайлови утказилишини, давлатнинг барча бошқарув ва ўзга идораларида пуштун булмаган бошқа қавмлар ҳам иштирок этишларини талаб этимиз. Биз федерация асосида демократик ислом давлати тузиш гоёсини илгари сураимиз».

Сухбат асносида тилга олинган Озодбек шахси бизни қизиқтириб қолди. Сураб-суриштириб, бу одам ҳақида яна бирмунча маълумотларни аниқладик.

Иккинчи жаҳон уруши даврида тошкентлик доктор Ворис Каримий немис аскарлари қулига асир тушиб қолади. Туркистон легионида, «Туркистон Миллий комитети»да хизмат қилади. Уруш тугагач, тақдир тақозоси билан Туркияга келиб истиқомат қила бошлайди. Бу ерда Худоёрхоннинг ўғилларидан бири — Маҳмудхон билан танишиб, унинг қизига уйланади. Ана шу никоҳдан Озодбек дунёга келади. Орадан маълум вақт утгач, Ворис Каримий оиласи Покистонга кучиб келиб ўрнашади. Озодбек шу ерда усиб-улғайган экан. Элмурод Аргун бизни у билан учраштиришга ваъда қилди.

Сухбат тугаб, биз ташқари чиқдик. Муҳаммад Набининг ёрдамчилари булмиш Муҳаммад Содиқ ва Васирбек исмли икки йигит бизга ҳамроҳ булиб шаҳар айлантиришди.

Бу ердаги диққатга сазовор зиёратгоҳлардан бири «Равзаи шариф» номи билан машҳур мақбара экан, шу жойни курғали бордик. Айтишларича, чаҳорёлардан сунггиси — ҳазрати Али розияллоху анхунинг жасадлари шу маконга дафн қилинган экан.

Зиёратгоҳ остонасида унинг тарихи ҳақида ушмундоқ нақлни эшитдимки, тафсилоти будур:

Ҳазрати Али шаҳид булганларида Абомуслим Хуро-

соний деган бир саҳобаи киром у кишининг жасадини Термизга дафн этган. Кейинчалик Мурғиоб (Марв) орқали ул зотнинг хоки мубораклари Мозори Шарифга келтирилган. Дастлаб мақбара урнида кўримсизгина сағана булган, холос. Бир куни Султон Ҳусайн Бойқаро туш кўрсаки, ҳазрати Али, нега менга илтифот кўргазмайсан, деб шиква қилган эмиш. Шунда мазкур мақбарани тиклаб, таъмирлашга фармони олий булган экан. Уни таъмирлаш ишида ҳатто ҳазрат Алишер Навоий ҳам иштирок этганлар. Ул зотнинг иниси Дарвеш Али Балх вилоятининг ҳокими булганлиги боис бу вазифани амалга оширишга етакчилик қилган. Мақбара ёнидаги гузал масжид бинолари кейинчалик барпо этилган.

Қори домла ҳазрат Алининг қабри ёнида мутаассир бир оҳангда тиловат қилдилар. Бу жойда аксарият шиа мазҳабидаги зиёратчилар мақбара узвларини ва яшил бахмал ёпилган марқадни тавоф қилиб ултиришибди. Бинонинг нақшу нигорлари, безаклари бениҳоя куркам ва ҳайратомуз.

Оқшом қоронги тушгач, жаноб Аргун бизнинг илтимосимизга кура генерал Дустим қароргоҳи билан боғланиб, тилагимизни баён қилди. Ижозат булди шеклли, унинг ишорасига кура ташқарига чиқдик. Доктор соҳиб (Элмурод Аргунни бу ерда шундай деб аташар экан) эшик олдида турган, шуролардан мерос ёки улжа бўлиб қолган «ГАЗ-24» машинасини очиб, узи рулга ултирди. Унинг ёнидаги жойни «Калашников» таққан норгул аскар эгаллади. «Бой ота», Собиржон ака ва камина орқа уриндиққа жойлашдик. Қолганлар «Тойота»да ортимиздан эргашишди.

Қоп-қоронги кеча, чироқлар учган, зимистон кучалар. Кимсасиз дала йулларидан утиб, ярим соатча юрилгач, қуюқ дарахтлар билан уралган генерал қароргоҳига етиб бордик. Йулда бир неча жойда назоратчи соқчилар тухтатиб, текширишди. Ниҳоят, қароргоҳга етиб келдик. Икки қаватли оқ бинолар кўринди. Бир пайтлар шуро ҳукумати томонидан қурилган кичкинагина геологлар қасабасига эндиликда генералнинг қароргоҳи жойлашган экан. Қоронгида қуюқ кўланка ташлаб турган чорбоғ олдида машиналардан тушдик. Бир вақт қаршидаги иморатдан қора хонаки куйлак-иштон кийган, устида енгсиз нимча, қирқ ёшлар чамалик паҳлавон қоматли бир киши чиқиб келди. Доктор Соҳиб бизни у кишига таништирди. Генерал шу одам

экан. Биз билан сурашар экан, у дастлаб уст-боши учун узр суради, соддагина қилиб: «Эндигина ишдан келиб эдим», деди. Таъриф қилганларидек, генерал одми, очик, камтар, аини вақтда улугсифат, сирли бир шахс экан. Афғонистонда шуру ҳукумати «байналмилал бурчини бажариб» қиргин-қиёмат уруш олиб бораётган дастлабки кезларда матбуотимиз бу ҳарбий саркарда ҳақида, унинг «йўқсиллар ҳокимиятини урнатиш» борасидаги, «босмачиларга қарши олиб бораётган жанговар қаҳрамонликлари» ҳақида завқ-шавқ билан ёзиб турар эди. Таъбир жоиз булса айтиш мумкинки, у вақти-замонида Нажибуллоҳнинг унғ қули булган. Аммо ҳаёт ва инсон тақдири кутилмаган эврилишларга, усиш-узгаришларга тула булгани боис бу мураккаб қисматли шахс онгида ҳам кескин бурилишлар содир булади. Бесамар, беҳуда урушнинг, уз халқига қарши қаратилган қиргиннинг қонли фожиаларини обдан бошидан кечирган генерал узоқ ва оғир изтироблардан сунг кечаги ганимлари томонига утади. Бу хусусда ҳали яна батафсил тўхталишимиз учун ҳозир сузни мухтасар қилиб, ичкарига қадам қуяйлик.

Генералнинг қароргоҳи булмиш ёруғ, кенг-мул залга кирдик. Хонада йигирма-уттиз чоғли одам ултирибди. Ҳамма гурр этиб оёққа қалқди. Куришув-танишув маросими тугаб, барча уз жойини эгаллади. Оврупоча жиҳозланган залда, пастак столчаларда турли хил шарбатлар, кофе, чой, мевалар. Юмшоқ чарм креслоларда Туркменистондан келган маданият арбоблари қатор тизилишган. Билсак, аини кунларда бу ерда Чоржуй вилоятининг кунлари утаётган экан. Қумондоннинг муовинларидан бири — норгул туркман генерали меҳмонларни бирма-бир таништирди. Профессорлар Султоншо Отаниёзов, Какажон Отаев, ёзувчи Қосим Нурбадов, Чоржуй вилоят газетаси муҳаррири А. Тошев, халқ бахшилари, дипломатлардан иборат ун турт кишилик бу гуруҳ ултиришга алоҳида файз киритди. «Бой ота» ҳам бизларни мажлис аҳлига танитди. Бизларнинг Пешовардан Кобул орқали келаётганимизни эшитиб, Қумондон таажжубга тушди. «Бу, Гулбиддин Ҳикматёрдан қандай қилиб утдингизлар, индамадими?» деб суради у. «Сизнинг олдингизга келаётганимизни айтган эдик, қўйиб юборди», деди Зокиржон ака мутоиба қилиб. Генерал яйраб кулди. Сунгра йиғилганлар сафаримиз таассуротларини диққат билан тингладилар. Турдаги рангли телевизор тўғри

Тошкентни курсатиб турибди, диктор Дилором Умарова қандайдир хабарни жон куйдириб уқимоқда. Икки ойдан буён узбекча телевизор кўрмай, хийла соғиниб қолган эканмиз, аллақайда қурилаётган янги ферма ҳақидаги курсатувни ҳам жон қулогимиз билан тингладик.

Кейин ултиришнинг бадиий қисми бошланди. Қумондоннинг амрига кура унинг хос қушиқчисини топтириб келишди. Олтмиш ёшлардаги, чувак юзли бу одам дугор чертиб ажиб нолалар қилди. «Худо раҳмат қилгур Маъмуржон ака, Журахон акаларнинг ашулаларини эшитиб ҳофизликка ҳавас қуйганман», деди у. Кейин туркман бахшиси қушиқлар айтиб берди. Ва ниҳоят, Адҳамжонга навбат етиб, у киши ҳам гузал бир илҳом ила аввал «Қаро кузим»ни, кейин «Бебоғча», «Гиря», «Сегоҳ»... Қумондон Адҳамжоннинг ширали овозига сөхрлангандек мафтун булиб қолди, киприк қоқмай эшитди. Хониш тугаб, Адҳамжон енгил таъзим бажо айлаганида, генерал таҳсин билдириб айтдики: «Бу киши бизга маъқул тушиб қолди, уч-тўрт кун олиб қолайлик». Бу гапни эшитиб, Адҳамжоннинг кўзлари олакула булиб кетди. Секин шивирладим: «Хайр энди, кўришмасак, Анжандаги биродарларингизга нима деб қўяй, уртоқ?» «Э, боринг-э, нафасингизни иссиқ қилинг-э!» деди у астойдил аччиқланиб.

Ултириш ярим кечада ниҳоясига етди. Генерал ҳам-мамизга соғлиқ-омонлик, хуш кайфият тилаб, хушлашиб кетди. Биз яна анча суҳбатлашиб ўлтирдик.

Қароргоҳдан чиқиб, доктор Соҳибнинг квартирасига келдик. У шу яқингинадаги икки қаватли уйлاردан бирида — иккинчи қаватда турар экан. Узимизнинг «типовой» бетон уй. Хоналардан бирида гилам устига болиш қўйиб ёнбошлаганча Муҳаммад Наби билан гурунг қилдик. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини хуб татиган бу йигитнинг суҳбати гоят қизиқарли бўлди. Унинг диктофон лентасига муҳр этилган ва таҳрир қилинмай эътиборингизга ҳавола этилаётган матни қуйидагича.

Генерал ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилганимизда Муҳаммад Наби шундай деди: «Бу бола аввал Нажибуллода эди. Уқишни ҳам олтинчи синфини битирган. Қишлоқ мактабида ўқиган, аммо туғма қобилиятли. Бизларни қувиб юрарди. Кейин унга айтдик: «Сен узбек боласан, нега узбек булиб Нажибуллога кумак берасан?» дедик. Куп узбек болаларни узи уни

қулида улиб кетди-да. «Сен узинг узбексанми ё, ноинсоф, бошқа нимасан?» деганимиздан сунг бизларни қабул қилди «Сизлар амр қилинг, мен бажараман», деди. Биз айтдикки: «Сен ҳозир сабоқ ол, куп нарса урган, узингни кучли қил, кейин айтамыз», дедик. У олди-олди, Нажибдан олди, урисдан олди, ундан-бундан олди, армияни яхши қилди, бақувват булиб узини тиклади. Сунг бирдан тупланиб Нажибни йикитди. Кобулни олди, Мозорни олди. Коммунист режим Афғонистондан кетди.

Ун бир ярим минг киши мужоҳид билан урушиб улди. Узи айтдики, ун бир ярим минг кишимни шаҳид бердим, деб. Шу ун бир ярим минг кишининг қони бизга галаба берди, исломни тиклади. Биз шунча шаҳидга рози булдик. Ун бир ярим минг киши шаҳид булди ишқилиб, Оллоҳ уларнинг барини жаннатий қилсин...»

Умуман Афғонистон урушида қанча одам ҳалок булганлиги хусусида фикр билдириб, суҳбатдошимиз шундай дейди: «Афғонистоннинг ўзида бир ярим миллион киши шаҳид булди. Менинг узимни фикрим буйича, икки миллиондан ҳам куп. Чунки буни ҳисобини ҳеч ким қилмаган. Бир ярим миллион бу — сизни, бизни, уни-буни гапи билан фалон жойда юзта, фалон жойда икки юзта шаҳид булди, деган гаплар орқали жамланган...»

Урислар ҳам куп шаҳид берган. Булмаса, улар таслим булмасди. Бизлар эшитардикки, мусулмон авлодлари — узбек болалар, тожик болалар урислар фармонини бажармаган, «От!» деса отмаган. Шу ростдан булган. Урислар фармонида булса ҳам, «Бор, от!» деса узбек-тожиклар отмаган, осмонга қаратиб отган. Афғонистондан Қизил Армияни, урисларни чиқиб кетишини сабаби ҳам шу.

Урисларнинг бир узлари бизлар билан уруша олмади — узбек болалар, тожик, қирғиз болалар урушмади. Бизда маълумот бор: урушгани болгарлар ҳам келган. Кубадан, Вьетнамдан келган, қуйингки, бутун жаҳондаги коммунистлар урушиб мақом қилди. Узбек болалар, тожик болалар урушмагандан сунг «Қузғолинглар!» деди. Масковга тарафдор мамлакатлар аскар берса ҳам куп талофат берди, куп киши улди. Урисда қувват катта эди. Ҳар урис боласини қулида «Калашников» деган кичкина милтиқ бор эди. Куп яхши яроқ. Бизда бундай яроқ етти-саккизта бор эди.

Шунингдек, улган болаларнинг ота-оналари ҳам куп тупалон қилиб, бу ердаги шўрони йуқ қилишга ёрдам берди. Ўзбекистон йигитлари мусулмон йигитлар экан, уриснинг, шўронинг қарамоғида булса ҳам Афғонистонда жиҳод қилди, бизларга уқ отмади, бизлар бундан хурсандмиз. Ота-боболар руҳини шод этдилар...»

Муҳаммад Наби ана шу урушда иложсиз иштирок этган ўзбек йигитларидан бирини эслаб кетди: «Сизлардан бир Тошпулот деган командир булар эди. Урислардан, яхши болайди. Яхшилиги, бизларга кумаги шу эдики, хабар берар эди. Хабари: «Биз фалон қишлоқни босамиз, мен қавмларинг буламан, уз чораларингизни курунглар, биз шундан қайтмаймиз, биз шу ерни урамиз, буйруқ бор», дерди. Биз кечалари шу қишлоқни ташиб кучириб кетардик. Хуллас, урислар урарди-урарди, қишлоқда ҳеч кимса қолмас эди. Тошпулот ўзбек бола, қумондон-командир эди. Карки шаҳридан эди. Отасини исмини билмайман. У билан мулоқотда булганмиз. Бир куни «Мен ҳам ўзбекман, бир танк билан бораман, сизлар ҳам келинглар, гаплашамиз», деди. Бизларнинг ёши улуғлар келди, ушанда гаплашганмиз...»

Табиики, бизни Элмрод Аргун тилга олган мазкур ҳаракатнинг мақсад-муддаолари, ҳаракатнинг тарихи қизиқтирар эди. Шу боис Муҳаммад Наби саволларимизга батафсил жавоб қайтарди:

«Тараки (Афғонистон Халқ Демократик Партиясининг асосчиси ва Савр инқилобининг ташкилотчиси Нурмуҳаммад Тараки — Х. С.) қудратга келди. Биз бу ҳукуматга қаршилигимиз учун қамоққа кетдик. Зиндонга ташландик. Амин даврида ҳам утирдик. Сунг авор (озод — Х. С.) қилиндик. Кобулда оз муддат турдик. Икки сана, яъни икки йил четда тўхтадик. У ерда «Жунбуши исломий» тузилди. Мақсад ҳам шу турк миллатининг (Афғонистондаги туркий миллатлар назарда тутилган — Х. С.) ҳаққи учун эди ҳам жиҳоду ҳам муборица. Жиҳод урисларга қарши; муборица — бизга ҳоким миллат шовинистларига қарши. Тўрт сана ичкарига кирдик, урислар унда чиққан йуқ эди. Майманада — мужоҳидлар қароргоҳида булдик. Тўққиз вилоятда ҳукуматга қарши урушдик. Бизнинг тилагимиз худога манзур булган экан, ҳукумат ичида, ҳукуматдагилар ўртасида айни шу даъвони қилдиларки, қачонгача ҳукуматда бир шовинист миллат булади? Нажибга қарши туриб

Мозори Шариф олинди, Кобул, Ҳирот, Қандаҳор олинди. Бутун Афғонистондаги ислом ҳукумати келишига бизнинг миллат сабаб бўлди.

Худога шукур қиламиз, иншооллоҳ, ҳеч қачон бирон миллатга қарши эмасмиз. Мақсад — шу миллатдан ҳақ сураш. Бу ерда паштун бор, узбек бор, қирғиз бор, қозоқ бор. Ҳамма миллат ҳукуматга баробар булсин. Майманадан Бадахшонгача бугдой, пахта, нефть, газ, каолин, чорва, маданият шу еқда. Бизнинг миллат ҳамиша ишлаб уларга нон топиб, уларга пул топиб келган, улар фақат ҳукумат қилган. Бир қасабада бир қумондон булади, бир қози булади, бир ҳоким булади. Шуларнинг ҳаммаси улардан, ҳеч бир бошқа миллат йуқ. Ҳеч бир узбек ё тожик, ё туркмен бирор қасабада ҳоким булолмасди, қози булолмасди, қумондон булолмасди. Бизда ҳам нуфузли одамлар бор. Яна турк тилида гапирмайдиган туркийлар, найманлар, қипчоқлар бор, қарлуқлар бор — булар форсий гапиради. Шу одамларимиз етарли, духтир бор, фан, адабиёт биладиганлар бор. Лекин бизларга фақат муаллимлик, ўқитувчилик ё шубадаги кичик лавозим — котиблик бор, холос. Жадвалнинг юқориси йуқ.

Ҳаракатимиз бирор миллатга душманлик эмас. Худонинг ҳукми шуки, зулм қилма, зулмни ҳам қабул қилма. Биз зулмга қарши ҳаракат қиляпмиз. Жиҳод ҳалок бўлди, коммунизм дунёдан йуқолди. Уруш ҳануз давом этмоқда. Бугунги уруш жиҳод учун эмас, ислом учун эмас, қудрат учун...»

Муҳаммад Наби чордона қуриб ултирган куйи қайғули ва мунгли қиссасини давом эттирди. Айниқса, ватанни ёв босган машъум кунларда ҳижратга юз тутган инсонларнинг ўқубатларига сўз ожизлик қиладди.

«Муҳожиротда икки йил бўлдик. Пешаворда турдик, ўқидик. Духтирликка ўқидик. Бизга шу иш кумак бўлди. Биз дору кутариб келдик. Чунтақларда дору кутариб юрдик. Мужоҳидларга айтдик: «Шуни кутариб юрсанг», десак, «Йуқ, менга не кераги бор», дерди. Узимиз ҳориб-чарчаб кутариб кумак бердик. Яраларни боғлаб, дору қилиб, касалига даво қилиб юрдик.

Бир сафар йигирма бир кун пиёда юрдик. Йигирма саккиз кишимиз. Бир эшагимиз бор, уни етмиш яшарли муйсафидимиз бор, ўша минарди. Бошқага минмоқ йуқ. Йигирма бир кун деганда бизлар Покис-



тон шарқиндан утдик. Қарачи деган шаҳри бор, уша ерга бордик. Бизларга йулларда ҳар қавмлар, ҳар қабилалар учрашади. Бир жойда паштунлар, бир жойда ҳазаралар, бир жойда узбеклар, бир жойда тожиклар, ҳар ким бор. Энди, ёмон кечаларни кўрдик, яхши кечаларни кўрдик, ёмоқ йўқ, томоқ йўқ, орқамизда чунтагимиз, шу ерда нонимиз бор, бирор ерда нон берса, нонимиз купаяди, булмаса, шу нонни сѐмиз. На овқат бор, на сув... Хуллас, бир кеча учлармиди, туриб ҳаракат қилдик. Қишлоқда бир меҳмондоримиз битта-битта нон берди. Айтдиларки: «Тез кетинг, у манзилга столмайсизлар». Бизлар тўрт-тўрт яримларгача бир ярим соатда манзилга етиб бордик. Вақти намоз бўлди, йулдан тухтадик. Ундан сўнг ултириб бир даренинг бўйида сув ичдик, таҳорат қилиб, намоз ўқидик, қиттак-қиттак нон сдик, ҳаракат қилдик. Тунлари бир тоғнинг устига чиқдик, ҳеч нарса йўқ, фақат қор, қор тизза бўйи, юриб булмайди, куриб булмайди, совуқ. Ун саккиз соат пиёда юриб, бир манзилга чиққанмиз. Қор куп. Энди нима қиламиз? Бачалар ҳаммаси айтадики, шу ерда ётамиз, дейди. Бизлар айтаемизки, кетамиз, юраемиз. Тоғда қор, шамол, на сувимиз, на нонимиз, на бир инсон бор, на бир ҳайвон. Уч соат бизлар пиёда манзил қилдик. Бир жойга бордик-да, бир рама қўй бор экан — бир булак қўй, ҳа, сизда қўра дейдими, шуни денг, бир кучуги бор экан. Чўпонни «ҳай-ҳуй» деган овози келди. Бизлар хўрсанд, одам бор экан, деб, бу заҳматимиз кўймади, деб. Юриб-юриб, ҳа, энди борамиз экан, деб пиёда, ярим соатда кучук овози эшитилди. Бир булак қўй, иккита чўпон, иккита кучук кўринди. Камарда, тоғнинг тагида ётибди. Бизлар айтаемиз: «Ҳай чўпон, бизлар мусофир, бизлар мужоҳид». «Йўқ, — дейди, — сизлар ўғри, — дейди, — келманглар, отаман», — дейди. Кўрдикки, биз бир-икки кишимас, йигирма саккиз кишимиз. Охири бир нафари келди, иккинчиси қараб турибди отаман, деб! Чўпон қишлоққа бир ярим соатда етасизлар, деб йўл курсатди. Қишлоққа бордик, уйлар хароб, кичик уйларда туришади, мол-ҳол ҳам бир ерда, овқатиям бир ерда. Бизни икки-икки нафар, уч-уч нафар олиб меҳмон қилишди. Овқат гуштсиз, нон-чойдан бошқа нарса йўқ. Эрталаб ҳам нон-чой, тушлик ҳам нон-чой. Шунақа қилиб, бизлар бир кечакундуз шу ерда дам олдик. Оёқларимиз шишиб кетибди. Бир қўйни олиб, пишириб еб дам олдик.

Шундай қилиб, йигирма бир кунда манзилга етиб, келдик. У ерда ҳам гурбат куп булди. Муҳожир булиб кетдик, куп қийин кечалар булди.

Кетаяпмиз, бир кеча урислар келди. Ҳаракат қилиб ҳужум қилиб келди. Тайёраларда тамом жойларга десант туширди. Бизга: «Урислар келди, тамом жойларни олди, сизлар нима қиласизлар?» дедилар. Биз қирк киши тоққа чиқиб кетдик, пиёда, камар ичидан. Урушмоқ ниятида бизлар урислар билан урушдик. Масковдан келиб тайёраларда бомбардимон қилди, урҳо-ур булди. Бизлар ҳам урисларни ура-ура қуймадик.

Чегарадан икки юз-уч юз мужоҳид қуроли билан жиҳод қилишга Афғонистонга утар. Айғоқчи сотқинлар хабар берадики коммунистларга, мужоҳидлар утяпти, деб. Коммунистлар тайёра обчиқиб ахтаради, топади, бомбардимон қилади. Ҳар жойда икки юз-уч юз киши шаҳид булган. Уларнинг жасади уша қишлоқ, уша ерларга дафн қилинди. Йулар, бутун қишлоқлар қабристонга айланди. Бизлар тоғ йулдан кетардик, бу тоғ йулини ҳам бомбардимон қиларди. Агар икки киши юрганини курса, урар эди...»

Мамлакатда кечмиш ун тўрт йиллик қонли қиргинларга узича хулоса ясаб, Муҳаммад Наби уйчан оҳангда шундай дея сўзини якунлади:

«Бизлар эришдик ҳам мусулмончилигимизга, ҳам жиҳодни олдинга қаратдик. Бутун дунёга хатар эди коммунизм. Шу жиҳоти Афғонистон талаби йиқитди, коммунизм тилка-тилка булди. Шу сабабдан сизлар ҳам озод булдингизлар. Худога шукур, мисли аввалгидек булди. Аввал шундай ултиролмасдик...»

Албатта, суҳбатдошимизнинг ҳикоясидаги купгина нуқталар бизлар учун мавҳум ва қоронғи эди. У тилга олган ва ўз сафдошлари билан ҳал этишга уринаётган мураккаб, чалкаш масалалар юзасидан бирор нима деб фикр билдирмоқликка бизлар ожиз эдик. Чунки бу масалалар шу кўҳна ва ситамдийда, жафокаш заминни ватан тутган юзлаб-минглаб турли миллатга мансуб кишиларнинг ҳаёт-мамот манфаатлари билан боғлиқ эдики, даблурустдан бу хусусда ҳукм чиқармоқлик амримаҳол, энг муҳими, бунга асло зарурат йуқ эди. Шу боис биз фақат сомёликка — уларнинг дардли ҳикояларини жимгина қулоқ бериб тинглашга ярадик, холос. Мамлакат бошига тушган турфа хил савдо-гавғоларни фақатгина шу мамлакатнинг эгалари — уз фуқаролари маърифий йул билан, зўрлик ва зулмга эрк

бермасдан ҳал қилишлари лозимлиги ҳар бир ақли расо кишига аёндр.

*14 июль. Мозори Шариф.*

Тонг отди. Бу тонгни шундай бир умид ва ҳаяжон ила қарши олдикки, шояд у ёт эллардаги сунгги кеча булса!..

Ҳарчанд узр-маъзур айтсак ҳам мезбонларимиз қўймади — Элмурод соҳибнинг хонадонида камтарона нонушта булди.

Нонуштадан сунг ярим соатча шаҳарни айландик. Ун турт йиллик уруш асоратлари бу ерларда у қадар сезилмайди. Албатта, бу вилоятлар ҳам қиргин-барот жангларга дучор булган, аммо ҳар қалай, Кобул ёки Жалолобод томонларга қараганда хийла обод, файзу шуқуҳли. Айтишларича, бунга асосий сабаб Саланг довони экан. Яъни довондаги биз утиб келган туннеллар табиий бир дарвоза ролини уйнаб, уруш ҳаракатларининг шимолга ёйилиб кетишига маълум даражада тусиқ бўлиб турган экан.

Мозори шариф чинакам урта аср шарқини эслатади. Бозорларда, дўкону расталарда маъмурчилик. Мол сероб. Замонавий автосалонларда «Мерседес»нинг энг сунгги намунасигача ярқираб турибди. Пул булса — чангалда шўрва, деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Баққолларнинг дўкончалари айниқса тукин. Юртимиз томонларда деярли йўқ бўлиб кетган анвойи ширинликлар — тутмаймиз, тутшинни, узумшинни, ҳалвою пашмакларнинг биз номларини унутиб юборган ажабтовур турлари муҳайё. Айниқса, тутмайизни қоплаб эмас, улкан қанорларга солиб сотар эканлар. Майиз, пистабодом, туршак, ёнғоқ, қоқию қандолатнинг неча-неча хиллари кузингизни олади. Лекин кучалар ифлос, қаровсиз. Ночор, абгор одамлар куп. Тирикчиликнинг тошдан қаттиқлиги ҳар қадамда сезилиб туради.

Гилям бозорини пича томоша қилдим. Афғон, эрон, туркман, араби гилямлар. Дейдиларки, бир гилям — бир аёлнинг умри эмиш. Яъни уни туқиб битиргунча бир аёлнинг умри хазон булармиш. Ҳар гилямларки, ҳар бири жаҳоннинг манаман деган музейларига зийнат булишга арзийди. Билмадим, шундай улуг санъат асарларини қай тариқа куз қийиб хонага тушаб ултириш мумкин булар экан...

Шаҳарнинг қоқ марказида «Равзаи шариф» ярқираб зиё сочиб турибди. Офтоб эрталабдан ёниб чиққан, аммо баданга хуш ёқадиган, қадрдон, қуруқ иссиқ.

Туварак-атрофимизда советлардан улжа ёки мерос бўлиб қолган эски-туски автомобиллар шалдираб утиб қолади. Асосан ҳарбий «Виллис»лар куп. Куча-куйда эса ола-қуроқ оломон, турли лаҳжа, турли тиллар қоришмаси. Бу ерда ҳам пулнинг қадри йуқ шекилли, нимпушти-қизғиш тусдаги афғони пулни даста-даста кутариб юрган саррофларга кўзим тушди.

Доктор Соҳиб ҳамроҳлигида «Мозори шариф» меҳмонхонасига қайтиб келдик. Бизнинг дарагимизни эшитиб маҳаллий «Юлдуз» рўзномасининг муҳаррири Абдулла Руин, Мозори шариф телевидениесининг бир неча ходимлари кутиб ўлтиришган экан. Суҳбат ўз-ўзидан утмишимиз, тарихимизнинг муштарақ жиҳатлари, қутлуғ меросларимиз, бугунги маданий ҳамкорлик вазифалари мавзусига бурилди. Муҳаррир бизга газетасининг охириги икки-уч сонини тақдим қилди. Узимизнинг туман рўзномалари ҳажмида чоп қилинадиган мазкур нашр тўққиз йилдан буён шу ерда чиқаётир. Адади беш минг нусха экан. Афғонистондаги саводхонлик даражасини ҳисобга олиб қараганда, бу анчагина салмоқли адад саналади. Рўзноманинг бизга тақдим қилинган кейинги уч сониди муҳтарам адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидан давомли боблар босилаётган экан. Беихтиёр уйлаб қолдим: икки ой муқаддам, сафаримиз бошланган кунларда Эрон ҳудудида бизга йулбошчилик қилган дастлабки сарбоннинг исми... оғои Бобур эди. Ва мана, бугун сафаримиз сунгида — ҳазрати Бобур ҳақидаги асарнинг узвий қисмлари чоп этилаётган рўзномага дуч келиб турибмиз. Айтиш мумкинки, олис ва машаққатли бу сафар давомида Бобур Мирзонинг сирли ва илоҳий руҳонияти ҳамиша, ҳамма жойда бизга ҳамроҳ, мададқор бўлиб келмоқда. Айни икки воқеа замирида ҳам кўз илгамас, ақл бовар этмас ботиний бир боғланиш мавжудки, бу улуг бобомизнинг нақадар соҳиби каромат булганлигидан яна бир карра далолат беради.

Абдулла Руин — асли-зоти Намангоннинг Косонсойидан. Ота-боболари замона зайли билан шу ерларга келиб қолишган. Бундан икки сана аввал у Фаргона водийсида бўлиб, олис қариндош-уруғларини топибди, улар билан хат-хабарлашиб турар экан. У бизнинг —

Бобур Мирзо ихлосмандларининг ҳикояларини диққат билан эшитди. Сунг вазмин бир оҳангда суз бошлаб, Кобулдаги Бобур боғида ҳазратнинг ҳарам-қасрларини куриш муяссар булган-булмаганлигини суради. Айтишича, уша бир кўрган девор ортида Бобур Мирзо томонидан бунёд эттирилган сарой булиб, ҳозир бениҳоя вайрона ҳолига келган экан. Абдулла Руин уни қандай қилиб булса-да, сақлаб қолиш, масалани ҳукумат миқёсида ҳал қилиш лозимлиги ҳақида куйиниб гапирди.

Афғонистонда улуг ватандошимиз ижодини урганиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, 1989 йили Бобур Мирзо «Девон»и Кобулда нашр этилган. Адабиётшунос олима, узбек аёли Шафиқа Ерқин уни нашрга тайёрлаган. Мозори шарифда айни кунларда «Навоий анжумани» номли бир жамият ташкил топган. Маҳаллий шоир, адиб ва олимларни уз атрофига бирлаштирган бу ташкилот ойда бир марта йиғилиш утказиб туради. Ҳазрат Навоийнинг, бошқа мумтоз ижодкорларнинг мероси урганилиб, хотираси ёдланиб турилади. Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллуд туйи мазкур жамият ташаббуси билан Мозори шариф ва бошқа вилоятларда нишонланибди. Жаноб Абдулла Руин шу анжуман стакчиси экан, фурсатни бой бермай, дарҳол бу жамият ва Бобур номидаги Халқаро жамғарма уртасида узаро маданий алоқалар урнатиш хусусида шартнома тузилиб, «муҳри боҳайбат»лар ила тасдиқ этилди.

Адҳамжоннинг қушиқларига ишқивоз булиб қолган маҳаллий телевидение унинг концертини ёзиб олиш учун студияга олиб кетди.

Пешиндан сунг доктор Элмурод Аргуннинг илтимосига кўра меҳмонхона ҳовлисида аскарлар билан кичик бир учрашув булди. Биздан Зокиржон ака, профессор Шамсиддинов, қори домла, мезбонлардан Абдулла Руин, уламолардан бири қисқа-қисқа сўз айтдилар. Адҳамжон тор чертиб ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзо ғазаллари билан айтиладиган қушиқларни куйлади. Усул бериб турадирган доирачимиз йўқлиги сабабли бу иш унча-мунча қулидан келадиган «Бой ота»нинг зиммасига тушди. Қизиғи шундаки, Фарруҳ Расул концертни шигиллатиб суратга олиб тураркан, камерага кузи тушиши билан Зокиржон ака уялиб юзини доира панасига яшириб олар эди... Лекин, нима булганда ҳам, тан олиб айтиш лозимки, шу бечора



Шоҳи қалъа

инсонларга жиндай булса-да кайфият бағишлаш мақсадида қилинган бу саъй-ҳаракатларимиз зос кетмади: уларнинг миннатдорчилик ва таҳсинлари шундан гувоҳлик берар эди.

Учрашув тугагач, доктор Соҳибнинг хонасига — «бир пиёла чой»га таклиф этилди. Кабоб ва паловлар ҳам, суҳбат ҳам ғоят ширин булди. Суҳбат асноси ёнимда ултирган Абдулла Руин қизиқ бир гапни айтиб қолди. «Ўзбекистонлик адиб ва олимларнинг баъзи асарларида, — деди у, — ҳазрати Бобур Шайбонийхондан снгилгач, юртидан бош олиб Афғонистонга утиб кетди, деган мазмундаги гапларга дуч келиб қоламиз. Бу фикр, менинг назаримда, тарихий жиҳатдан ҳақиқатга мос келмайди. Чунки у пайтларда Афғонистон деган жўғрофий ҳудуд мустақил давлат булиб шаклланмаган, балки Мовароуннаҳр — Туркистоннинг таркибий бир қисми ҳисобланар эди. Маълумки, Афғонистоннинг давлат сифатида шаклланиши тарих 1747 йилда руй берган. Бинобарин, Заҳриддин Муҳаммад Бобурни ватанидан бош олиб кетиши унинг Ҳиндистон сари юзланган даврларига нисбатан тўғри келади. Афғонистон мисолида эса у унинг бир вилоятдан иккинчи вилоятга — ота-боболарининг тарихий мулкига кетганлиги хусусинда гапирмоқлик уринли булади. Бу айтилмиш сузлардан мурод шулким, бизнинг юрти-

миз, хусусан, Шимолий Афғонистон улкаси ҳам Бобур Мирзонинг ватанидир. Ул зоти муборак умрларининг аксар қисмини шу диёрда кечирдилар, салтанат ва ижод бобида беқиёс самараларга шу заминда эришдилар».

Суҳбат қизигандан қизиб борар, ҳеч кимнинг бу дилхуш даврани тарк этгиси келмас эди-ю, бироқ... олис йуллар бизни чорлар эди. Шу боис мезбонларга ташаккур айтиб, дастурхонга дуо-фотиҳа уқилди. Мезбонларимиз ҳар биримизга афғони чопон-дуппилар совға қилишди. Узлари йуқчилик ва қашшоқлик азобларини бошдан кечириб турган булишликларига қарамай, уларнинг бу меҳр-мурувватлари бизни бағоят мутаассир айлади.

Машинамиз бошини дарё томон буриб, мезбонлар ила хайрлашдик. Доктор Элмурод Аргун, Муҳаммад Наби, Абдулла Руин ва унлаб бошқа кишилар қул силкиб, оқ йул тилаб қолишди.

Амударёгача бор-йўги етмиш-саксон километрлик масофа экан. Зур ҳаяжон ва орзиқиш оғушида қандай қилиб ватан сарҳадларига етиб келганимизни ҳам пайқамай қолибмиз. Шом аралаш Ўзбекистон чегарасига етиб келдик! Мана, уша машҳур Ҳайратон куприги! Ундан нарисси — Термиз, она юртимизнинг гузал парчаси!

Олдинда бизни дийдор қувончи, тантанавор учрашувлар кутиб турар эди. Орадан икки кун утади ва биз Андижон вилоятининг Олтинқул туманига кириб боришимиз билан жамоатчилик вакиллари томонидан карнай-сурнай ила қарши олинамиз. Ва шу куниеқ Андижондаги Бобур Мирзо музейида, шоир ҳайкали пойида самимий бир анжуман ясаиб, экспедиция аъзолари шаънига илҳомбахш баҳо, эзгу тилаклар ихор этилади. Мустақил мамлакат матбуоти улуг аждодимиз хотираси ҳурмати учун ҳам бизнинг сафаримиз ютуқларини ошириб, камчиликларини яшириб қатор суҳбатлар, мақола ва хотиротлар чоп қилади. Ўзбекистон телевидениеси орқали уч қисмли «Бобур изидан» ҳужжатли видеofilmи намойиш этилиб, маданият аҳлларининг улкан қизиқиш ва эътиборларига сазовор бўлади. Экспедициянинг қаршисида янги истиқбол эшиклари очилади.

Аммо буларнинг барчаси — кейин, кейинчалик юз беради. Ҳозир, айна дақиқаларда эса куз билан куриб турганимиз ва қалбларимизни чексиз ҳаяжонга солаёт-

ган нарса — дарёнинг у ортида вазмин салобат ила ястаниб ётган Ўзбекистон заминидир.

Ва ниҳоят, камтарликни йиғиштириб қуйиб айтадиган булсак, бобуршунослик тарихида муҳим воқеа юз берди: Бобур Мирзо ва унинг авлод-аждодлари изидан ташкил этилган биринчи илмий экспедиция ўз ишини муваффақиятли тамомлади!

...Бир киши Афлотундан сўрадики: «Бир неча йил дарё сафарини қилдинг. Дарёда нима ажойиб курдинг?» Афлотун жавоб бердики: «Энг ажойиби шудирки, дарёдин канорага (соҳилга — Х. С.) саломат чиқдим», деди...

## ОРАДАН ОЛТИ ОЙ УТИБ...

*1993 йил, 7 декабрь. Тошкент.*

Ҳазрати Бобур ва унинг шавкатли авлод-аждодлари изидан икки ой мобайнида кезиб келганимиздан сунг яқин уртада бирортамиз бундай юришни орзуламасак керак, деб уйлаган эдим. Аммо хомсут эмган бандамиз, адашган эканман. Орадан кўп ўтмай шу масала кун тартибига чиқди.

Ҳали йўл чарчоқлари тарқаб улгурмасидан Зокиржон ака янги сафар гоёси билан ҳамроҳлар кўнглига «қутқу» сола бошлади.

Дастлаб маслаҳат учун менга келдилар.

Босиб ўтган йўлларимиз, у олис манзилларда тортган азоб-уқубатларимиз ёдимга тушди, очиги, юрагим увишди. Боз устига, «Бой ота»нинг мулжалида биринчи бўлиб яна Афғонистон турар эди. Шу сабаб ҳозир бундай оғир сафарнинг мавриди эмаслигини, йўллардаги хатарли ҳолатларни айтиб, кўнлар исигунга қадар таҳаммул айлаш лозимлигини билдирдим.

Аммо Зокиржон ака менинг бу замини пуч дастакларимга ишониб қўяқоладиган анойи одам эмас, гапларимга бепарво кулиб қўяқолди.

«Эй, сиз қизиқ экансиз, — деди у киши жилмайиб, — чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Афғонистонда уруш бўлаётган булса, ун йилдан буён бўлаётибди, худо билади, яна қанча давом этишини. Уруш ўз йўлига, экспедиция ўз йўлига. Ахир, Ҳиндистонни забт этмасдан утиришга қандай юрагингиз чидайди? Ота-боболаримиз у жойларга от миниб, туя қўмлаб



борган, бизлар бўлса, кондиционерли «Тойота»да юришга дод деймиз!»

Ниҳоят, бу таъна-дашномлар таъсирида мен хийла бушашдим, аммо куннинг совуқлигини рукач қилиб эътироз билдирдим.

«Бу ер совуқ бўлса, Ҳиндистон иссиқ, уша ерда исиниб оламиз», — деди Зокиржон ака.

Хуллас, янги сафарга тадорик бошланиб кетди. Утган галги юриш тажрибаларидан келиб чиқиб «Бой ота» бу сафар экспедицияни ихчамроқ туздилар. Битта микроавтобус олиниб, тўққиз киши жунайдиган бўлди.

Эски аъзолардан Собиржон Шокаримов, Фаррух Расул, Зокиржон ака қолдилар. Узимга боғлиқ бўлмаган айрим сабабларга кура менга бу сафарда қатнашиш насиб этмади. Андижонлик шоир Тулан Низом, тарихчи олим Сайфиддин Жалилов, ҳиндшунос журналист, таржимон Аҳмаджон Қосимов янги аъзолар сафидан жой олдилар.

Декабрнинг урталарида экспедиция Ҳиндистонни кўзлаб йўлга чиқди. Аммо бу гал ҳам тақдир насиб этмаган экан, ҳинд диёрига етиб боролмади.

Бобуршунос дўстларим эндигина Афғонистон ҳудудига етганларида Ҳиндистоннинг Айодха штатида диний заминдаги қонли можаро руй берди. Маҳаллий мутаассиблар неча асрлардан буён салобат тукиб турган Бобур жоме масжидини портлатиб ер билан яксон қилдилар. Диний нафсонияти таҳқирланган мусулмонлар бунга қарши норозилик билдириб жунбушга келдилар. Уртада қонли тўқнашув юз бериб, бир қанча одам нобуд бўлди. Ҳинди мутаассибларнинг даъволарига кура, бу жойда бир вақтлар уларнинг Қуёш тангриси шарафига бунёд этилган ибодатхона булиб, у кейинчалик мусулмон истилочилари томонидан вайрон қилинган ва ўрнида мазкур жоме масжиди қурилган экан.

Тарихнинг биз билмайдиган сирли жумбоқлари нақадар мул! Утмишда қандоқ хатолиглар бўлмаган дейсиз. Аммо бу хатолиглари тузатаман деб яна хатолигларга йўл қўйиш — албатта орифу оқил инсонларга ярашадиган иш эмас. Ҳар нима бўлганда ҳам горат ўз номи билан горат, шу маънода Айодха штатидаги фожиа бу воқсанинг ташаббускорларига ҳам, иштирокчиларига ҳам шараф келтирмаслиги аниқ.

Айодха даҳшати уша кунлари аҳли дунёни бир сес-

кантирди. Галаён тулқини бутун мусулмон оламига ёйилди, хусусан, Ҳиндистон билан чегарадош булган Покистон ва Бангладеш мамлакатларида кучли сиёсий-маънавий акс садо берди. Норозилик тулқинининг сарҳадлар узра ошиб-тошиб кетишидан чучиган ҳукуматлар чегараларни мустаҳкамлаш борасида шошилинич чоралар кўришга мажбур булдилар.

Экспедициянинг иккинчи сафари ана шундай хатарнок бир пайтга тўғри келиб қолганлиги боис Ҳиндистон орзуси яна номаълум муддатга орқага сурилди. Табиийки, Бобур номи туфайли миллий-диний эҳтирослар дошқозондек қайнаб ётган бу мамлакатга ёнбошига «Бобур экспедицияси» деб ёзилган машина билан кириб бориш гирт нодонлик булур эди, албатта.

Севгили китобхоним! Ёдингизда булса, дастлабки сафар чогида ҳам мафтункор ҳинд диёрига етмоқлик муяссар булмаган эди. Икки ойга яқин давом этган йул машаққатлари, баъзи ҳамроҳларимизнинг қаттиқ оғриб қолганлиги бу ниятнинг ушалишига монслик қилган эди.

Ушанда Зокиржон ака бизга тасалли бериб: «Ҳечқиси йуқ, Бобур Мирзо ҳам Ҳиндистонни учинчи мартаба уринишдан сунг қулга киритганлар. Биз ҳам Оллоҳ насиб этган кунни у жойга албатта стиб борамиз», деган эди.

Айни айтганларидай булди.

Ҳиндистонда ногаҳоний руй берган талотум сабабли экспедиция Шимолий Афғонистон вилоятларида ун беш кунча кезиб, бир қанча илмий-ижодий изла нишларни амалга ошириб Янги йил байрами арафасида ватанга қайтиб келди.

## ЯНА ОЛТИ ОЙДАН СУНГ

*1993 йил, 5 июль — 30 август. Тошкент.*

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, 1993 йил — ҳазрати Бобур таваллудига 510 йил тўладиган тарихий сана чин маънода Бобур ва бобурийлар йилига айланди.

Бу уринда аввало Ўзбекистон ҳукумати улуғ ватандошимизнинг қутлуг тўйини кенг миқёсда нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилганини айтиб утиш жоиз. Мазкур ҳужжат юртимизда Бобур Мирзо шахсига нисбатан ниҳоят тарихий адолат қарор топганига расмий далолат булди.

Мавриди келиб қолди, бу олий ҳужжатнинг тарихи ҳақида икки оғиз сўз.

Март ойида Президент Ислоом Каримов Ўзбекистон адабларининг катта бир гуруҳини қабул қилди. Самимий, ишчан вазиятда ўтган бафуржа суҳбат чоғида мамлакат ҳаётига оид куплаб ижтимоий-маънавий масалалар муҳокама қилинди. Суҳбат иштирокчиларидан бири юртимизда Бобур Мирзонинг 500 йиллик тўйи лозим даражада нишонланмай утиб кетганлиги, умуман бу зоти шарифга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлиги хусусида кўюниб гапирди. Бу сўзларни диққат бериб тинглаган Президент: «Бобур сингари бетакрор шахслар миллатимиз, халқимизнинг ифтихоридир. Бинобарин, бу борада йўл қўйилган ҳаттоликларни тузатиш барчамизнинг бурчимиз. Биз албатта бу масалани куриб чиқамиз», деди.

Орадан кўп ўтмай у киши Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида имзо чеккан мазкур ҳужжат дунёга келди.

Қарорга биноан Бобур Мирзонинг буюк шаън-шавкатини тиклаш, унинг номини ардоқлаш ва абадийлаштириш, илмий-иждоий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш юзасидан куплаб муҳим тадбирлар белгиланган эди. Жумладан, шоирнинг ота шаҳри Андижонда унинг муаззам ҳайкалини ўрнатиш, Бобур миллий боғини барпо этиш, шу боғ қошида «Бобур ва жаҳон маданияти» деб номланувчи музей ташкил қилиш, улўғ алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб турли анжуманлар ўтказиш, китоблар, фильмлар, сахна асарлари яратиш каби вазифалар мазкур дастурнинг ўзагини ташкил этар эди.

Зокиржон акани шу кўнларда бир курсангиз эди! Худди отасининг тўйи бўлаётгандек, қувончи ичига сигмай тулиб-тошиб юрарди. Вилоят раҳбарияти, Андижон аҳли Бобур тўйининг мутасаддиларидан бири бўлишликни унга ишониб топширди. Шу туфайли энди «Бой ота»нинг бош қашишга ҳам қўли тегмай қолди. Гоҳ ҳайкалтарошлар билан, гоҳ меъморлар билан учрашиш, талашиб-тортишиш, зарур қўрилиш ашёларини ундириш учун икки кўннинг бирида довон оша автомобилда (Зокиржон ака Қаландаров сингари ўловдан фақат автомобилни тан олади) Тошкентга қатнаш, музейга жиҳозлар тўплаш, боғни ободонлаштириш, илмий анжуманларда иштирок этиш, Бобур жамғармасининг кўндалик ишларини юритиш...

Гоҳо ёши олтмишдан ошиб қолган, лекин куч-

гайратда ҳали унта йигит билан баҳслашадиган бу азамат одамга ҳавас билан қарар эканман, эҳтимол, бобурий боболаримиз ҳам шу қадар уқтам ва шижоатли инсонлар бўлгандир, дея уйлаб қолар эдим.

Февраль ойида Қулёзмалар институти юбилейга бағишлаб илмий анжуман утказди. Куплаб мазмундор маърузалар тингланди. Бобур номидаги илмий экспедиция раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди Зокиржон Машрабов бу йиғинда «Бобур — табиатшунос олим» деган мавзуда қизиқарли маъруза қилди. Афсуски, китобимизнинг ҳажми кутармайди, йуқса, мен шу маърузани бошдан-оёқ зикр этиб утган бўлардим. Зокиржон ака бу жажжи тадқиқотида Бобур Мирзо олмос истеъдодининг янги қирраси — унинг маъданшунос, зилзилашунос, заминшунос сифатидаги фаолиятини гоят синчковлик билан таҳлил қилиб берган эди. Илгари мутолаа қилган чоғларимизда эътибор бермаган эканмиз, «Бобурнома»да шундай тасвир ва хулосалар мавжуд эканки, улар ҳеч шубҳасиз бугунги геология эки сейсмология фани нуқтаи назаридан ҳам муҳим илмий аҳамиятга моликдир. Алломанинг металл эритиш, туп куйиш ҳунарлари ҳақидаги ихчам, аниқ маълумотлари, Қандаҳор зилзиласи, Куҳинур олмоси хусусидаги қайдлари юксак малакали мутахассис фикрларидан асло қолишмайди.

14 февраль куни республика телевидениеси Фарруҳ Расул ижодига мансуб «Бобур изидан» деб номланган уч қисмдан иборат видсофильм намоишини бошлади. Уч оқшом мобайнида жумҳурият томошабинлари экспедициямиз фаолияти билан қисман танишиш имконига эга бўлдилар.

Бу йилнинг яна бир муҳим воқеаси шу бўлдики, ҳазрат ҳақидаги уй-таассуротлар ҳосиласи бўлмиш «Бобурнинг тушлари» номли китобимизнинг нашри хийла вақтдан буён қоғоз танқислиги туфайли тухтаб қолган эди. Зокиржон ака бир сафар китоб корректурасини ўқиб утирганимнинг устидан чиққан эди, шу боис ҳар гал учрашганимизда «Китоб чиқдимми, бизга ҳам бир нусха беринг», деб сурар эди. Қулёзма бошига тушган савдодан хабар топгач у киши: «Бобур жамғармаси бу нашрга ҳомийлик қилади», деди ва дарҳақиқат, орадан куп утмай Бобур Мирзо шарофати билан китоб босилиб чиқди.

Бундан ташқари, шу йили жамғарма ҳомийлигида яна тўртта илмий-баддий китоб нашр этилди.

Кобулдан келтирилган тупроқ тегишли расм-русум билан Бобур боғида ташкил этилаётган рамзий қабр-мақбара сағанасига қуйилди. Худди Кобулдаги Боғи Бобурда жойлашган ҳазратнинг мангу оромгоҳидан андоза олиб бу сзда ҳам чоғроққина масжид тиклашга киришилди.

Ана шундай катта ташкилий-амалий ишлар билан банд булишига қарамасдан Ҳиндистонни «забт этиш» гоёси «Бой ота»нинг бир дам булсин ҳаёлидан кутарилмади. Ёдгорлик мажмуидаги қурилиш ишлари билан баробар экспедициянинг галдаги сафарига тайёргарлик ҳам қизгин бораверди.

Гоҳ Тошкентда, гоҳ Андижонда узун тунлар узун режалар тузилди.

Июннинг урталарига келиб тараддудлар ниҳоясига стди.

Бу пайтга келиб, Ҳиндистонда ёмғир фасли — «пашкол» бошланди.

Аммо энди юракда азму қарор қатъий, бизни на жазирама иссиқ ва на шаррос ёмғир, на туфону на довул йулдан қайтара олар эди!

Буюк Бобур изидан отланган учинчи экспедиция таркибини Зокиржон Машрабов, Собиржон Шокаримов, Сайфиддин Жалилов, Фарруҳ Расул, Аҳмаджон Қосимов, андижонлик ёзувчи Қамчибек Кенжа, кинооператор Тулқин Рузиев (сафар адоғига стгач, ордан куп утмай у киши туйқусдан вафот этиб қолди, Аллоҳ раҳмат қилган булсин) ва камина қулингиз ташкил этмоғи лозим эди.

Бироқ «Ал-абд йудаббир ва Оллоҳ йуқаддир» («Банда тadbир қилади, Оллоҳ тақдир қилади») деганларидек, бу сафар ҳам Ҳинд сори юзланмоқ менга насиб этмаган экан.

Йулга жунаб кетишимизга бир ойча муддат қолганида тусатдан иш жойим узгариб қолди. Қадрдон даргоҳим — Фафур Гулом нашриёти бош муҳаррирлигидан Президент Матбуот хизматига ишга олишди. Кунни кеча янги жойда иш бошлаган одамнинг икки ойлик олис хорижий сафарга жунаб кетиши ҳар жиҳатдан ноқулай булгани боис мен ноилож экспедиция аъзоларига оқ йул тилаб қолдим.

Аммо кунгил дуслар билан бирга кетди.

Экспедиция 22 июлдан 13 сентябргача сафарда булиб, 20 минг километрга яқин масофани яна уша «Тойота»да босиб утди. Афғонистон, Эрон, Покистон

ва Ҳиндистон ҳудудларида Бобур Мирзо ва бобурийлар барпо қилган обидалар зиёрат қилинди, урганилди ва керакли маълумотлар тушланди. Бобомиз Заҳриддин Муҳаммаднинг Андижонда таваллуд топганлиги, унинг «буюк муғул» эмас, «буюк узбек» (бугунги биз тушунган маънода, албатта) эканлиги мумкин қадар уқтирилди.

Ардоқли китобхоним!

Менинг узим иштирок этолмаган сафар ҳақида тулиб-тошиб сузлашга киришиб кетганим сизга ғалати туюлаётганини сезиб турибман. Лекин, начора, бусиз қиссамиз тугал булмайдим. Қолаверса, тақдир Бобур экспедициясининг тарихини битишдек бир вазифани раво курган экан, мен қандай қилиб булса-да, бу хусусда сиз қадрдонларга маълумот бериб бормоқликка бурчлиман.

Ва шу сабаб ровий сифатида суз навбатини муҳтарам «Бой ота» — Зокиржон акага бермоқчиман.

Шоир айтганидек, у киши энди «мен учун сузласин, мен сузлаб булдим...»

Гап шундаки, жаноб Машрабов сафар якунлари тугрисида «Халқ сузи» газетасининг 1993 йил, 6 ноябрь сониди «Бобур юрган йуллардан» деган мақола эълон қилдилар. Шу мақолани жиндақ қисқартириш билан эътиборингизга ҳавола этсак, мақсадга мувофиқ булур, деб уйлайман.

«Бу ғалги илмий сафаримиз машҳур алломалар шаҳри, собиқ Хуросон давлатининг пойтахти Ҳиротдан бошланди.

Дастлаб Ҳирот вилоятининг ҳокими Амир Исмоилшоҳ қабулида булиб, унга сафаримизнинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб бердик. Бизни ҳурмат-эҳтиром билан ташқи ишлар булими меҳмонхонасига жойлаштиришди. Ҳарбий лавозимдаги Анвар соҳиб бизга бириктириб қўйилди. Форс-тожик адабиёти классиги Абдурахмон Жомий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий қабр-мақбараларини, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаролар томонидан таъмирланган жомеъ масжид-мадрасасини, Ихтиёриддин қалъасини зиёрат қилдик. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг деворлари упирилган, сағана тошлари синиб, борар йулларини ут босиб кетган мақбараси ёнида тиловат қилдик.

Бу улуг инсон сағанасининг шу ҳолатга тушиб қолганлиги қалбларимизни ларзага солди. Узбек халқи-

нинг илмпарвар султонларидан бири, шоир Ҳусайн Бойқаро мақбарасини сафаримизнинг иккинчи куни ҳиротлик тарихчи олим Анвар Мавлавий ёрдамида аранг қидириб топдик. Хуросон давлати ҳукмдорининг қабри ҳазрати Навоий хобгоҳидан 250-300 қадам нарида жойлашган экан. Минг афсуски, мақбарадан биргина қабр тоши қолибди, холос.

Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги Бобур Мирзо қадами етган эътиборга сазовор жойларда бўлиб керакли маълумотлар тупланди, кино, видео, фото тасвирлар олинди.

Ҳирот ҳокими Амир Исмоилшоҳ билан иккинчи учрашувда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқароларнинг қабр-мақбараларини биргаликда таъмирлаш йул-йуриқлари келишиб олинди. Шунингдек, афгон урушида бедарак йуқолган узбек жангчиларининг руйхатини ҳокимга топширдик. У киши бу борада имкон қадар ёрдам қилишга ваъда берди.

Ашгабад орқали Эроннинг Машҳад шаҳрига бордик. Тус шаҳрида оламга машҳур «Шоҳнома» асарининг муаллифи Абулқосим Фирдавсийнинг шарқона услубда яратилган ниқоятда гузал қабр-мақбарасини зиёрат қилдик, таниқли инглиз олими, «Бобурнома»нинг таржимони Уильям Эрскиннинг «Эрон ва Бобур» китоби, шунингдек, бобомиз Амир Темури ҳақида яратилган асарлар билан танишдик. Заҳриддин Бобурнинг Эрон давлатида жуда оз фурсат бўлишига қарамасдан бу ҳақда шундай катта китоб ёзилгани ва унинг форс тилида еттинчи марта нашр қилингани қувонарлидир.

Куэтта, Мултон ва Лоҳур Покистоннинг йирик шаҳарларидан ҳисобланади. Биз бу шаҳарларни кезиб, ўтган гал адоғига етказишга улгуролмаган қидирув ишларимизни давом эттирдик. Лоҳур давлат миллий музейи директори, профессор Сайфур Раҳмон, бобуршунос Ошиқ Муҳаммадхон Дурроний ва бошқа олимлар билан суҳбатларимиз экспедиция аъзоларининг бир умр ёдидан чиқмаса керак.

Покистон халқининг Бобур ва бобурийларга ҳурмати баланд. Сулола ҳақида инглиз ҳамда урду тилларида куплаб китоблар чоп этилибди. Бахтли тасодиф тўфайли Лоҳурда Бобур ҳақидаги янги видеофильмни томоша қилдик ва Андижонга олиб келишга муваффақ бўлдик.

Ҳиндистонга утиш бироз қийин бўлди. Чегара пос-

бонлари мамлакат ҳудудига автомобиль билан киришимизга аввалига рухсат беришмади. Бу ердан Деҳлига қадар 500 километр экан, таржимон Аҳмаджон Қосимов иккимиз поездда бориб, Ўзбекистон давлатининг Ҳиндистондаги консули ёрдамида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилдик. Сафаримизнинг мақсад-моҳиятини тушунтирганимиздан сўнггина Бобур бобомизнинг учинчи юрти ҳисобланган замин тупроғига қадам қўйиш насиб этди.

Амритсар шаҳри орқали Панипатга етиб бордик. Операторларимиз шаҳардан тўрт чақиримча наридаги Бобур Мирзо билан Иброҳим Лудий бошлиқ аскарлар тўқнашуви акс эттирилган уйма расм-чизмаларни тасвирга туширди. Шу жангда ҳалок бўлган ҳамюртларимизни хотирлаб, тиловат қилдик. Комплекс деворига «Бобур билан Иброҳим Лудий уртасидаги жанг Ҳиндистон тарихида катта узгариш ясаган» деган ҳаққоний эътироф қайд этиб қўйилгани бизга айниқса таъсир қилди.

Уша куни кечки пайт Деҳлини манзил тутдик. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги консули Аҳмаджон Луқмонов ҳузурда бўлиб, дастлабки таассуротлар билан уртоқлашдик, Ҳиндистон давлати ҳудудида бажаражак вазифаларимиз борасида фикрлашиб-маслаҳатлашиб олинди.

Эртаси куни Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигида расмий қабул маросими бўлди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг келажаги ҳақида, бобурийлар туғрисида мулоҳазалар айтилди. Дорилфунун, кутубхона, миллий давлат музейи, рўзномалар таҳририятларида, Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамиятида утказган учрашувларимиз жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қомусий асар — «Бобурнома», Бобур девони ва бобурий ҳукмдорлар фармонларининг қўлёзма нусхалари билан танишиб, уларни фото, видео, кино тасвирларга туширдик.

Жамна дарёсининг чап қирғоғидаги Бобур яратган Зарафшон — Ором (Ром) боғи, у улуг инсон яшаган уйлар ҳамон сақланиб қолган. Бобурнинг жасади вақтинча сақланган пастки хонадон ва харобага айланган аввалги мақбарасини ҳам зиёрат қилинди.

Экспедициямизнинг Ҳиндистон бўйлаб сафар қилаётгани ҳақидаги хабар матбуот ва радио орқали мамлакат жамоатчилигига етиб борган экан. Шунинг учунми, Ҳайдаробод шаҳридаги қадимий Салар Жанг му-



зейи раҳбари, доктор Гехлат жаноблари, шу музей қўлёзмалар бўлимининг мудури, профессор Раҳматуллоҳ Алихон ва бошқа олимлар бизни жуда яхши қарши олишди. Бу ерда «Бобурнома» ва Бобур девонининг туркий тилдаги қўлёзмалари сақланар экан. Амир Тсмур ва бобурийлар шажарасининг йирик вакиллари суратларидан фотонусхалар олишга муяссар бўлинди. Музей ходимлари Бобур қўлёзма асарларининг микрофильм нусхасини олиб, бизга жунатишга ваъда бердилар.

Эртаси куни жаноб Гехлатнинг шахсан узи бизни шаҳардан 30-35 чақирим узоқликдаги Қутбшоҳ қалъасига олиб бориб зиёрат қилдирди ва қалъанинг тарихини батафсил сузлаб берди.

Жайпур шаҳрида Акбаршоҳ томонидан қурдирилган кул уртасидаги қаср ва Амир қалъани куриб бобурийлар яратган шарқона услубдаги тарихий меъморчилик обидаларига яна бир тасанно айтмай иложи йўқ эди.

Шу куни меҳмонхонадаги телевизорда «Ҳиндистон тарихи» номли куп серияли видеофильмнинг Шоҳ Акбарга бағишланган қисми намойиш этилди. Фильм мазмунидан ҳинд халқининг улуг бобомиз Бобур ва унинг авлодларига самимий эҳтироми сезилиб турибди. Бобурийлар тарихи мавзуининг Ҳиндистон олимлари, ёзувчилари, киночилари диққатини ҳамон узига тортиб келатгани бежиз эмас.

Бобомиз Бобурнинг қадами теккан тарихий жойлардан утган вақтимизда «Бобурнома»да тасвирланган Тянь-Шань, Помир, Ҳиндикуш, Ҳимолай тоғ тизмалари ва уларнинг пасттекисликлари, водийларига оид географик, геологик муҳит ва жараёнларни урганишга, қиёслашга ҳаракат қилдик. Мумтоз бобомизнинг буюк сайёҳ ва бетакрор табиатшунос олим сифатида билдирган фикр-мулоҳазалари бугунги кун илмий қарашлари билан нақадар яқинлигига ишончимиз комил бўлди. Келажакда улуг Бобур фаолиятининг барча йуналишлари бўйича алоҳида-алоҳида илмий экспедициялар тузилиб, изланишлар, тадқиқотлар олиб борилса, мақсадга мувофиқ булар эди...»

Ардоқли уқувчим! Аҳволлар нечук, зерикиб қолмадингизми?

Ташаккур. Менинг учун бу дунёда энг қўрқинчли нарса — сизнинг зерикиб, ҳафсалангиз пир бўлиб, китобни ярмидан ёпиб қўйишингиздир. Бу эса баайни ярим йулдан умидини узиб ортига қайтган йулчининг ҳолатидек ачинарли булур эди.

Менга қолса, сизни бу янглиг машаққатли йулардан эмас, балки детективнинг мароқли жинкучаларидан мақсад-муддао сари бошлаб борган булур эдим. Лекин, найлайки, тафаккур йули, изланиш йули — чағир тош тукилган эгри-бугри суқмоқлардан иборат.

Зеро Бобур—йулбарс демақдир, бинобарин, Бобур—йулбарс изидан юриш ҳеч вақт осонликча кечмагай.

Шунга кура ҳам мен Зокиржон аканинг таассуротларидаги энг муҳим нуқтани атай ҳикоямизнинг охирига қадар сақлаб келдим. Ахир, концертларда ҳам энг зур хонандага энг сунгида навбат берилади-да!

«Ҳиндистон буйлаб сафаримизнинг энг қувончли воқеаларидан бири, — деб ёзади «Бой ота», — бобурийлар авлоди Лайло Уммахони ва унинг угиллари Зиёвиддин, Масиҳиддин Тусийлар билан учрашувимиз булди. Табаррук хонадонда меҳмон булиб, шу нарсани англадикки, улар аждодларига нисбатан уз эътиқод ва садоқатларини сақлаб қолишган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан тортиб узларигача булган шажараларини яхши билишар экан. Биз бу оила аъзоларини Андижонга таклиф этдик...»

Газета мақоласининг ҳажми имкон бермаган булса керак, муаллиф бу воқеанинг тафсилотларига тухталиб ултирмасдан қисқагина маълумот бериб утади. Ҳолбуки, кейинчалик кўришганимизда у киши бу хусусда тулиб-тошиб ҳаяжон билан сузлади.

Чиндан ҳам, бу ҳар қанча ҳайрат-ҳаяжонга сазовор бир ҳол эди.

Тақдир тақозоси билан ср юзига тариқдай сочилиб кетган бобурийларнинг авлодлари борми? Бу улуг сулоланинг бевосита ворислари мавжудми? Мавжуд булса, бугунги бобурийлар кимлар, қандай инсонлар? Уларнинг насли, насаби, табиати, маишату фаолияти нималардан иборат?

Бобур ва бобурийлар тарихи, тақдири билан шуғулланган ҳар бир киши мана шу каби ҳаяжонли саволларга қайта-қайта дуч келиши табиийдир. Юртимиз бобуршунослари бу борада купгина изланишлар олиб борганликлари яхши маълум. Марҳум Ҳамид Сулаймон домланинг илк илмий экспедицияларидан бошланган бу қидирувлар кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом эттириб келинмоқда. Орадан беш юз йилдан зиёд вақт утиб кетганига қарамай, бобурийларнинг тарихий изларини ахтариш асло тухтагани

йуқ. Гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан бобурийларнинг бутунги авлодлари хусусида узуқ-юлуқ, мишмишга ухшаш тахминий гаплар тарқалиб қоларди-ю, афсуски, аниқ илмий-далилий исботи булмаганлиги учун бу овозалар ими-жимиди ғойиб буларди.

Экспедициямиз шу кунга қадар 60 минг километр-дан зиёд масофани босиб утди. Шарқ минтақасининг ундан ортиқ мамлакатлари буйлаб теурий ва бобурий боболар юрган қадим йуллардан такрор-такрор юриб утилди. Бу йулларда бобуршунослар куп гаройиб саргузаштларга дуч келишди, турли-туман сирли ҳодисотларни бошларидан кечирдилар, минг бир қиёфатли ва тақдирли инсонлар билан танишдилар, аммо ҳар сафар улар ҳаслининг турида бобурийларнинг бутунги ворисларини излаб топиш муддаоси турди. Шундоғ дондор сулоланинг, қисматнинг беҳисоб жабру жафоларини кўрган ва уларга мардона бардош берган бу машҳур шажара вакилларининг кумга сингган сув томчилари каби ном-нишонсиз йуқолиб кетган булишларига асло ақл бовар қилмас эди. Барибир инсон зотининг қайдадир бир белгиси, ёдгор-нишонаси қолмасдан иложи йуқ.

Дастлабки сафар чоғи биз бобурийлар авлодини Табриз ва Машҳаддан, Техрон ва Дамашқдан, Истанбул ва Оммондан, Лоҳур ва Пешавордан, Кобул ва Мозори шарифдан — яна куплаб бошқа манзил-мароҳиллардан ахтардик. Йул-йулакай бу улуғ аждод тарихига тааллуқли янгидан-янги маълумотлар билан ошно булдик. Бу маълумотлар, мозий гарди қунган бу куҳна ривоятлар дилимиздаги ишонч туйғусини юксалтирса юксалтирдик, асло камайтирмади. Шавкатли Бобуршоҳнинг олис авлодлари ҳали бизнинг қадамимиз етмаган, назаримиз тушмаган номаълум ва нотаниш маконларда умргузаронлик қилаётганига имонимиз тобора комил бўлиб борарди.

Уларни топмоқ, дийдор куришмоқ учун эса фалак соатининг белгилаб қўйилган муддатини кутиш лозим эди, холос.

Шу боис «Бой ота» Ҳиндистондан топиб келтирган бу янгилик бамисоли Куҳинур олмосидек қимматли эди. Шунинг учун ҳам экспедицияда қатнашган дўстларимнинг ҳикояларини берилиб тинглар, улар келтирган фото, видеосасвирларни қайта-қайта кўздан кечирар эканман, дилимда андак армон туяр эдим.

Аммо Оллоҳнинг иродаси шундоқ булдик, кейин-

чалик Бобурнинг мазкур авлодлари ила юз кўришмоқлик менга ҳам насиб бўлди. Насиб бўлибгина қолмай улар билан беҳад қадрдонлашиб ҳам кетдик. Бу хусусда, иншооллоҳ, мавриди билан сузлармиз. Ҳозир эса, сиз мухтарам китобхонларимнинг учинчи сафар ҳақидаги тасаввурларингизни янада бойитмоқ мақсадида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида чоп этиладиган «Раҳнамои Деккан» («Деккан йулбошчиси») ҳафтано-масининг 1993 йил 30 август сониди босилган бир мақолага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. «Ўзбекистон ҳукумати ва халқининг темурийзодалар авлодига изҳор қилган хайрихоҳлиги» деб номланувчи бу мақола жаноб Зиёвиддин Тусий қаламига (қон тортган бўлса керак-да, у киши яхшигина соҳиби қалам, Ҳиндистон матбуотида фаол қатнашиб келади) мансуб бўлиб, унда муаллифнинг Бобур экспедицияси аъзолари билан илк учрашуви тасвирланган. Урду тили муаллими Тоҳиржон Аҳмедов томонидан таржима қилинган мақолани ҳурматли тарихчи домламиз Сайфиддин ҳожи Жалилов менга лутфан тақдим қилган эдилар. Фурсатдан фойдаланиб, ҳар иккала биродаримизга ҳам ташаккур айтмоққа бурчлиман.

Энди эса жаноб Тусийнинг ёзганларига назар ташлайлик.

«Ҳиндистон бош вазири жаноб Нарасимхо Раонинг Ўзбекистонга қилган ташрифи давомида Ўзбекистон ҳукуматининг ва ўзбек халқининг буюк Темурга ва унинг авлодларига бўлган чексиз эҳтироми ва катта қизиқиши яққол намойн бўлиб турди. Айниқса, подшоҳ ва саркарда, олим ва шоир бўлган темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўзбек халқи нақадар эъзозлаши, бениҳоя ардоқлашини Бош вазир жанобларининг ташриф кунларида чоп этилган барча ўзбек рўзномаларидан билиб олиш қийин эмас эди.

Бизнинг темурийзодалар жамиятимизнинг Ҳайдарободдаги қароргоҳига 1993 йилнинг 20 августиди Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги ваколатхонасидан сим қоқиб, яқин кунларда Ўзбекистондан бир гуруҳ меҳмонлар келишини, улар мен билан учрашиб суҳбатлашиш орзусида эканликларини маълум қилишибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Салар Жанг музейининг директори меҳмонлар етиб келишгани ҳақида бизга хабар берди. Биз 24 август куни меҳмонхонага бориб уларни топдик. Улар Ўзбекистоннинг Андижон шаҳри-

дан чиққан Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари экан. Экспедиция раҳбари жаноб Зокиржон Машрабов бизни ҳамроҳлари билан таништирди. Экспедиция аъзоларидан бири жаноб Аҳмаджон Қосимов Тошкент радиосининг ҳиндий тилида эшиттиришлар олиб борувчи таҳририятининг муҳаррир-сухандони эканлар. У кишининг ҳиндистоний лаҳжада бемалол ва эркин гапира олишлари бизни беҳад қувонтирди. Суҳбат асноси ҳинд тупроғида муқим бўлиб қолган temuрийлар билан бугун уzbekлар диерида истиқомат қилаётган uzbekларнинг дили ҳам, дини ҳам бир эканлигини қалбларимизда чуқур эҳтиром билан ҳис этдик.

Учрашув чоғида бир-биримизга курсатилаётган илтифот ва эҳтиромларнинг чегараси йуқ эди.

Меҳмонлар суҳбат чоғида мендан: «Бугун Ҳиндистонда буюк Бобур шахсиятига булган қизиқиш қандай? Подшоҳ Бобур ҳазратлари ҳақида фильм еки саҳна ясари яратилганми?» — дея сурашди. Мен бу масалага бир пайтлар қизиқиш булганини айтдим, бироқ бобокалонларимиз ҳақида дабдурустан берилган саволга аниқ жавоб беролмадим.

Меҳмонларнинг ҳар бири Бобур ҳақида, унинг бу ерда тузган салтанати ва жаҳонгир ажлодимизга ҳинд халқининг, хусусан, ёшларнинг муносабати ҳақида имкон қадар купроқ маълумот билиб олгиси келарди.

Ҳақиқатан ҳам, олим ва шоир подшоҳ Заҳириддин Бобур тузган салтанат қарийб уч ярим аср, аниқроғи, 1857 йилгача барқарор турди. Бу давр Ҳиндистон тарихида «Бобурийлар (ёки Буюк мугуллар) салтанати даври» бўлиб қолди. Темурийзодалар ҳинди ва мусулмон маданиятининг узвий алоқасига асос солдилар. Бу фикримга «Ганга ва Жамна» исбот була олади.

Меҳмонлар бизга Андижон шаҳрида Бобур номида дорилфунун иш олиб бораётганини, бу даргоҳда ҳазрати Бобурнинг маънавий мероси ҳар томонлама урганилаётганини сўзлаб беришди. Бу хабарни эшитгач, мен ҳам худди шунга ухшаб Ҳиндистонда ҳам «Буюк бобурийлар дорилфунуни»ни ташкил этиш мумкин эмасмикан, деган мулоҳазани баён этдим. Албатта, бундай илм маскани икки халқ тарихида яна бир неча янги зарварақлар очган булур эди.

Суҳбатимиз давомида кимдир бобурийлар салтанатининг охириги ҳукмдори Баҳодиршоҳ — Зафар ҳақида, унинг даврига тааллуқли булган 1857 йил воқеалари ҳақида сураб қолди.

1857—1859 йиллари руй берган қузғалон Британия мустамлакачилигига қарши Баҳодиршоҳ — Зафар бошлаган биринчи озодлик кураши эди. Қузғолонда бениҳоя кўп талофат курилди, кўплаб бобурий шаҳзодалар қатл қилинди. Кексайиб қолган, касалманд Баҳодиршоҳ ҳибсга олинди. Сўнгги бобурийлар салтанати ағдарилиб, бойликлари талон-тарож қилинди. Бу озодлик кураши буюк бобурийлар хонадони вакилларининг бутунлай хонавайрон бўлиши билан якунланди. Бу — биз авлодлар учун катта инқироз эди.

Экспедиция аъзоларидан бири, тарихчи олим Сайфиддин Жалилов: «Ҳозир ҳаёт булган темурийзодаларга Ҳиндистон ҳукумати томонидан моддий ва маънавий ёрдам курсатиладими?» — деб сураб қолди. Мен у кишининг саволларига, ҳали-ҳануз бизларнинг бирор-тамыз бундай имтиёзларга сазовор булганимиз йўқ, эҳтимол, ҳукумат аъзолари бу ҳақда уйлаб кўришга ҳозирча фурсат топа олмаётган булсалар керак, ажаб эмаски, яқин вақтлар ичида бизларнинг ҳам қадриятларимиз тикланса, деган мазмунда жавоб қилдим.

Меҳмонлардан яна бири: «1857 йилги қузғалонда мамлакатни чет эл босқинчиларидан халос қилишда темурийзодалар алоҳида жонбозлик курсатган экан, эндиликда Ҳиндистон ҳукумати улар хизматини ҳам муносиб тарзда эътиборга олса керак», деган мулоҳазани уртага ташлади. Бунга мен кўйидагича фикр билдирдим: «Аждодларимиз биров янглиш йул тутишган, деб уйлайман. Зеро ҳам моддий талофат куриб, ҳам жонларини қурбон қилганлари ҳолда уз келажакларини барбод қилдилар. Ваҳоланки, Ганди жий (жий — ҳурматли, муҳтарам демакдир — Х.С.), Ж. Неру, В. Пател, Абул Салом Озод каби халқ йулбошчилари кейинги озодлик курашларида тамомила бошқача усулларни қўллаб, беҳад қийинчиликлар билан, аммо деярли қон тўкмасдан мамлакатни мустамлакачилардан 1947 йилда ниҳоят озод қилишга эришдилар-ку! Албатта, ушанда хато қадам қўйилмаганида эди, темурийзодалар — бобурийлар ҳаётида сўнгги надоматлар ҳам булмас эди...»

Шуни ҳам айтишим керакки, меҳмонлар туфайли аччиқ қисматни эслайвериш бизларга анча унғайсиз туюлди. Шу сабаб мен бугунги Ўзбекистонда сақланиб қолган темурийлар давридаги маданият ёдгорликлари ҳақида гапириб беришларини сурадим, чунки бу соҳага ҳамон бутун дунё аҳли қизиқади. Суҳбат асносида

бу борадаги тарихий анъаналар ҳам давом этаётганидан воқиф бўлдик. Бироқ теурийлар — бобурийларнинг бевосита авлодларидан қанча одам сақланиб қолганлиги ҳозирча маълум эмас экан.

Гурунгимиз қизигандан қизиб, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганини сезмабмиз. Хайрлашув чоғида мен миннатдорлик изҳор этиб, меҳмонларнинг хонадонимизга ташриф буюришларини илтимос қилдим. Улар бу таклифни мамнуният ила қабул этдилар.

Эртасига олиймақом меҳмонларимиз кулбамизга қадамранжида қилдилар. Биз уларни теурийзодалар хонадонининг муътабар онахони муҳтарама Лайло Уммахони бошчилигида кутиб олдик. Меҳмонлардан бири ҳовли-жойимизга куз югуртириб: «Сизларнинг туриш-турмушингиз худди биз узбекларники сингари экан», дея лутф қилди. Ўз одатимизга кура ош-сув тайёрладик. Тошкент радиоси учун муҳтарама онахонимизнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олишди, сунгра бўлгуси ҳужжатли фильм учун «Теурийзодалар хонадоида» мавзуида видеотасвирлар олинди. Шунингдек, буюк бобурийлар хонадонининг энг кенжа вакиллари — фарзандларимиз ҳам суратга туширилди.

Азиз меҳмонларнинг етакчиси табаррук волидамиз Лайло Уммахонини «Ўзбекистоннинг онахони» дея таъриф-таҳсин қилди ва Ўзбекистон халқи ҳаққига дуо қилишларини сўради. Сунг онамиз дуо қилдилар. Меҳмонлар узлари билан олиб келган ноёб туҳфаларини бизга ҳадя қилдилар.

Экспедиция яқин кунларда Ўзбекистонда Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги кенг миқёсда нишонланишини ва бу юбилей тантаналарига ҳақли равишда теурийзодаларнинг ҳам ташриф буюришлари муҳимлигини изҳор этиб: «Хонадонингизга келишимиздан кузлаган мақсадларимиздан бири ҳам сизлар билан учрашиш ва шу тўйга таклиф қилиш эди», дейишди.

Мен меҳмонларимизнинг пойқадамларидан, кадр-шуносликларидан ич-ичимда бениҳоя таъсирландим. Фан-маданият билан бирга инсоний кадр-қимматлар ҳам тараққий топиб бораётган мустақил Ўзбекистон халқларига ғойибона салом йўллаб, уларга нисбатан қалбимда бир илиқлик туйдим ва биз дўстона хайрлашдик».

Экспедициянинг учинчи сафари ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Айниқса, бобурийлар тарихининг бизга номаълум саҳифаларидан ҳикоя қилгувчи кўплаб нодир,

ноёб китоблар келтирилдики, улар бугунги кунда Андижонда, Бобур боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейини безаб турибди.

Кинооператор Тулқин Рузиев ёзувчи Қамчибек Кенжа билан ҳамкорликда «Бобур саломи», «Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция» номли ҳужжатли кинофильмлар яратиб, республика телевидениесидан намоиш этишди.

Ҳазратнинг муборак таваллуд кунлари тобора яқинлашиб борарди.

*1993 йил, 16-28 сентябрь. Тошкент.*

### ХУШҲАБАР

Истиқлол байрамидан тўрт кун утгач, ишхонамизга Ўзбекистоннинг Деҳлидаги консуллик идораси бошлиғи Аҳмаджон Луқмонов кириб келди. Биз у киши билан илгаритдан — Аҳмаджон аканинг «Ойдин» газетасида ишлаб, шеър уқоқлар машқ қилиб юрган пайтларидан таниш эдик.

«Сиз Бобур ижоди билан шуғулланиб юрасиз, — деб гап бошлади Аҳмаджон ака. — Ҳиндистонда бобурийларнинг бугунги вакиллари топилганидан хабарингиз бордир».

«Хабарим бор», — дедим кулимсираб.

«Зокиржон ака билан куришибсиз-да, — деди жаноб консул. — Ҳайдаробод шаҳрида шундай бир оила истиқомат қилади. Мен улар билан телефонда куп маротаба гаплашдим. Улар ваколатхонамизга бот-бот мактуб ҳам йўллаб туришади. Мана, хос қоғозлари, муҳр-нишонлари». Биргалашиб, тепасига ислимий нақшлар ва Тожмаҳал тасвири туширилган расмий қоғозларни кўздан кечирдик. «Уларнинг расман эътироф этилган жамияти ҳам бор, «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» деб аталади, — дея давом этди Аҳмаджон ака. — Кун кеча жамият бош котиби жаноб Зиёвиддин Тусийдан яна бир хат келди. У киши республика-миз Президентини номига бир мактуб йўллаган экан, шу номани етказишни биздан сурабдилар».

Конвертга разм солдик. Юборгувчининг унвонига «Зиёвиддин Тусий — «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» жамиятининг бош котиби, марҳум Баҳодиршоҳ — Зафарнинг чевараси» деган сузлар битилган эди. Демак, бу хонадон Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукм-



дор — Баҳодиршоҳ Иккинчи, тарихда «Абу Зафар» таҳаллуси билан ном қозонган шахснинг авлодига мансуб бўлиб чиқади.

Бу чиндан ҳам ҳаяжонли бир воқеа эди, хатни бетўхтов раҳбаримиз — Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дустга олиб кирдик.

Узоқ Ҳайдаробод шаҳридан келган бу мактуб шу кунгек Президентга етказилди.

## МАКТУБ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Сизга бу мактубни ёзатганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айни лаҳзаларда бутун вужудим фавқуллодда шодлик ва қувонч туйғулари билан лиммо-лим.

Ўзбекистоннинг буюк халқи менинг улуг бобокалоним, жаҳонгир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кураётгани мен учун чиндан ҳам оламшумул воқеадир. Бу ҳақдаги муъжазгина хабардан маҳаллий газеталаримиз орқали воқиф бўлгач, қалбимни чулғаган севинч ҳиссиётини сўз билан ифода этмоққа ожизман.

Сиз жаноби олийларининг Бобур ҳазратларини Ўзбекистоннинг буюк қаҳрамони сифатида юксак меҳр ва эҳтиром билан таърифлаганингизни матбуот хабарларидан ўқиб, бошим кукларга етди.

Айни пайтда ўз тарафимдан мен кунглимдаги бу мислсиз шодумонликни Ўзбекистондаги барча оғаниларим, опа-сингилларим билан баҳам кўрмоқликни истайман ҳамда уларнинг ҳаминша бахтли-саодатли бўлишларини ва янада камол топишларини дуо қилиб қоламан. Умид қиламанки, бобокалонимиз Бобур ҳазратларининг таваллуд туйғулари олиймақом даражада ва беҳад гўзал нишонланажак.

Чексиз эҳтиром ва самимий тилаклар билан

Зиёвиддин Тусий,

«Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи»  
жамиятининг Бош котиби, марҳум  
Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси.

Ҳайдаробод шаҳри,  
Ҳиндистон Республикаси

## ЖАВОБ

Бобурийлар хонадонининг тарихий тадрижидан, юз йиллар мобайнида аждодлар чирогини учирмай ёқиб келаётган ажойиб инсонлар қисматидан дарак берувчи бу мактуб Президентимизда катта қизиқиш уйғотди. Ҳаётини миллий мустақиллик ғоясига тиккан сиёсий арбоб учун, миллий гурур ва ноёб инсоний қадриятларни тиклаш ижтимоий фаолиятининг мазмуни бўлган давлат раҳбари учун бу, албатта, табиий бир ҳол эди. Қолаверса, мамлакатимиз етакчисининг теурийлар даврига, теурийлар тарихи ва маданиятига алоҳида эътибор, теран эҳтиром билан қараши жамоатчиликка яхши маълум. Янги ўзбек давлатчилигининг пойдевори барпо бўлаётган ҳозирги мураккаб бир шароитда улуғ боболаримизнинг асрлар синовидан ўтган тажрибалари бизга ғоят қўл келиши шубҳасиздир. Уларнинг пок, мардона руҳлари эса бизга ҳамшиша маънавий мадад бағишлаб туради.

Шунга кура Президент Бобур авлодларидан келган нома билан танишиб чиққач, дарҳол жавоб мактуби тайёрлаш ҳамда уни махсус вакил орқали Ҳайдарободга — «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» жамияти аъзоларига етказиш ҳақида топшириқ берди.

Ҳам шарафли, ҳам ҳаяжонли бу вазифани адо қилиш хизмат тақозосига биноан менга насиб этди.

Президентнинг бобурийлар сулоласининг бугунги давомчиларига йўллаган мактубида қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи»  
жамиятининг Бош котиби  
жаноб Зиёвуддин Тусийга

Муҳтарам жаноб,

Сизнинг мактубингиз билан танишиб, ғоят мамнун бўлдим.

Қардош Ҳиндистон диёрида бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур сулоласининг вакиллари улуғ аждодлари хотирасини асрлар оша асраб-авайлаб келаётганликлари биз учун беҳад қувонарлидир.

Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий гуруридир. Ул зоти шарифнинг юр-

тимизда нишонланаётган 510 йиллик туйи шу юксак эҳтиромдан яна бир далолатдир. Бу шодисна сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам байрамимиз бўлажак. Юртимиз дарвозалари Сизлар учун ҳамиша очиқ.

Сизга ва Сиз орқали хориждаги бобурийларнинг барча авлодларига сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик, ишларингизга равнақ тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

Ислом Каримов

Тошкент,  
1993 йил, 23 сентябрь

## БИР ШИНГИЛ ТАРИХ

Маълумки, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳозирги Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш мамлакатлари ҳудудининг аксарият қисмини эгаллаган ва «Буюк Муғуллар империяси» номи билан донг тартган улкан салтанатни уч юзу уттиз йилдан зиёд вақт давомида идора қилиб келганлар. Уч аср мобайнида бу салтанат шон-шухратни ҳам, тараққиёт ва таназулни ҳам бошидан утказиб улгурди.

«Саодатманд шоҳ» — Бобур Мирзога ҳинд тупроғида беш йилгина ҳукмдорлик нашъасини суриш насиб этди, холос. Жангу жадаллар, мислсиз уқубатлар, чексиз инсоний изтироблар, ватан соғинчи билан йўғрилган бу йиллар янги туркий-ҳиндий давлатнинг шаклланиш даври ҳамда ҳассос шоир Бобур шеърӣй ижодининг гуллаган бир фасли бўлди.

Гарчанд Бобур тарих ҳукми билан бу юртларга фотиҳ сифатида лашкар тортиб келган бўлса-да, жаннатмисол бу улкани тақдир тақозосига кўра узига ватан тутди. Гарчанд туғилган диёри — Андижон, умрининг шиддатли дамлари кечган муаззам Самарқанд соғинчи сунгги нафасигача ёдидан чиқмаган бўлса-да, ҳинд тупроғига, ҳинд элига ҳам меҳр қўйди, уни обод ва яқдил қилишга интилди, узаро адоватли қабилаларни бирлаштириб, марказлашган улкан давлатга асос солди. Бобурнинг тарихий хизмати шунда бўлдики, у бир томондан, Шайбонийхон истилоси туфайли Туркистонда барҳам топган темурийлар сулоласининг фаолиятини узга юртларда шухрат билан давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, узи ва авлодларининг мам-

лакатдорлик сийсати билан Ҳиндистон давлатчилиги тарихида янги саҳифа очди. Ҳинд мулкини забт этган фотиҳ улароқ у улканинг бойликларини юртига ташиб кетмади, аксинча, она ватанидан неки ганжу хирож олиб келган бўлса, барини шу диёрнинг ободончилигига, тараққиётига сарф қилди. Бобурийлар сулоласининг моддий ва маънавий хазиналари эвазига дунёга келган машҳур мумтоз обидалар, меъморий муъжизалар бугун Ҳиндистоннинг ҳуснига ҳусн, довругига доврўқ қушибгина қолмасдан, улкан иқтисодий фойда ҳам келтирмоқда.

Муҳтарам уқувчим! Энди бир дақиқа ушбу бобурийлар шажарасига назар ташлашингизни сўрайман.

Куриб турганингиздек, илдиз-томирлари соҳибқирон Амир Темурга бориб туташадиган бу муҳташам салтанат дарахтига Бобур Мирзодан кейин Ҳумоюн Мирзо боғбонлик қилади. У 1530—1556 йиллар оралигида ҳукмронлик қилади. Сунгра Акбар (1556—1605), Жаҳонгир (1605—1627), Шоҳжаҳон (1627—1658), Аврангзеб Оламгир (1658—1707), Баҳодиршоҳ Биринчи (1707—1712), Жаҳондоршоҳ (1712—1713), Фарруҳсийяр (1713—1719), Муҳаммадшоҳ (1719—1748), Аҳмадшоҳ (1748—1754), Оламгир Иккинчи (1754—1759), Шоҳ Олам Иккинчи (1760—1806), Акбар Иккинчи (1806—1837) ва ниҳоят, Баҳодиршоҳ Иккинчи (1837—1858) салтанатни бошқарадилар.

Табиийки, нисбатан қисқа муддатларда ва катта-кичик вилоятларда ҳукмронлик қилган бобурий шаҳзодалар бу руйхатга кирмайди.

Шу тариқа бобурийлар сулоласининг тадрижий ҳалқаси XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар — Ҳиндистонни инглиз мустамлакачилари тула забт этгунигача давом қилиб келади. Ҳинд давлати тарихи билан шуғулланган мутахассисларга Баҳодиршоҳ Иккинчи — Абу Зафарнинг 1858 йили тахтдан туширилиб, Рангунга (ҳозирги Мьянма — собиқ Бирма давлати) сургун қилингани ва шу ерда қазо топгани маълум эди-ю, бироқ сулоланинг бундан кейинги тақдири қай йусин кечгани хусусида тарих шу пайтгача сукут сақлаб келарди. Жаноб Зиёвиддин Тусийнинг мактуби шу жумбоқни счишга бир калит бўлса, ажаб эмас.

Лекин бунинг учун аввало Баҳодиршоҳ — Зафарнинг умр дафтарини пича варақламоқ лозим.

Асли исми-шарифи Сирожиддин Баҳодиршоҳи гозий булган бу зот ҳижрийнинг 1189 санасида, мелодий

ҳисоб билан айтганда 1775 йилда дунёга келади. Падари бузургвори Мирзо Акбаршоҳи соний маърифатпарвар, юмшоқ кунгил одам булган, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган. Унинг ҳукмронлик даврининг аввали — яъни 1800 йиллар бошига келиб, бобурийлар салтанати хийла заифлашиб қолган эди. Савдо-тижорат ниқобида Ҳиндистонга суқулиб кирган Буюк Британия давлати «Ост-Индия» компанияси орқали мамлакатни иқтисодий, демакки, сиёсий қарамликка буйсундира бошлаган эди.

Баҳодиршоҳ Зафар ҳар жиҳатдан мукаммал таълим ва тарбия олиб вояга етади. Унинг ҳарбий салоҳияти, диний ва шеърӣ иқтидорини замондошлари ҳамда муаррихлар юксак баҳолайдилар. Аммо тақдирнинг ҳукмини қарангки, у то олтмиш икки ёшига қадар шоҳлик рутбасига эришолмай умидвор шаҳзода бўлиб юраверади. Чунки отаси узоқ умргузаронлик қилиб, 1837 йили тангри омонатини топширади. Дорулфанодан дорулбақога рихлат қилишидан аввал Акбаршоҳи соний мавжуд расм бўйича тунгич фарзанди Баҳодиршоҳни эмас, балки иккинчи ўғли Жаҳонгир Мирзони валиаҳд деб эълон этади. Эҳтимол, подшоҳнинг бундай қарорга келишига Баҳодиршоҳнинг ёши бир жойга бориб қолганлиги, унинг табиатига хос шоирона кайфиятлар, кунгилчанлик хислатлари ҳам сабаб булган булиши мумкин. Зеро Акбаршоҳ отаси — Шоҳ Оламнинг «Офтобий» таҳаллуси билан шеърлар битиб, девон тартиб берганини, аммо салтанат ишларида лозим даражада қатъият кўрсатолмай охир-оқибатда инглизларга қарам бир ҳолатга тушиб қолганини юрагида армон билан ҳис қилиб ўтгандир. Умуман олганда, Шарқда шоҳлик ва шоирлик анъанаси купинча эгиз ҳолда дуч келади, аммо бу беҳад мураккаб ва оғир масъулиятни бирдай ўҳдалаган Улуғбек Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Бобур Мирзо сингари шахслар ноёб учрайди. Ҳарқалай, шоирлик шоҳлик шиддатини кесади.

Албатта, булар тахминий бир мулоҳазалар, холос. Эҳтимол, Акбаршоҳи соний буткул узга андишалар амри, балки саройдаги муайян кучларнинг тазйиқи туфайли шундай қарорга келгандир — буниси бизга қоронги. Нима булганда ҳам тахтга қонуний ворис булган Баҳодиршоҳнинг номзоди падари бузургвори томонидан инкор этилганлиги тарихнинг сирли бир ҳақиқати.

У пайтдаги ёзилмаган тартиб-қоидага биноан бобу-

рийлар салтанатига ҳукмдор тайинлаш масаласи инглизлар тасдигидан утиши лозим эди. Шу боис Жаҳонгир Мирзонинг номзоди тавсия қилинганида мустамлакачиларга бу ном унча «маъқул кўрилмайдир» ва натижада буюк Бобур Мирзонинг тахти нуруний шаҳзода Баҳодиршоҳ Зафарга насиб этади.

Шу уринда яна беихтиёр хаёлга гарқ бўлади киши. Нима учун буюкбританиялик туралар Баҳодиршоҳ номзодини афзал кўрдилар экан? Балки улар боягина баён этганимиз мулоҳазанинг акси улароқ, яъни айнан кекса шаҳзоданинг улуг ёшини назарда тутиб гаразли мақсадни кўзлагандилар? Чунки Баҳодиршоҳ нари борса беш-ун йил даврон сураб, сунгра Ҳиндистон ўзимизга қолади, деб уйлаган булишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Бу тахминимизга олис-яқин тарихдан кўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Бизнинг замонамизда, 80-йилларда Миср президенти бўлган Анвар Садатнинг ҳокимият тепасига келишини эслайлик. Ундан аввал давлат раҳбари бўлган Жамол Абдул Носирнинг вафотидан сўнг мамлакатда кучли сиёсий таназзул юз беради. Даъвогарлар тарафма-тараф бўлиб олиб ҳокимият учун кураш бошлайдилар, иқтисодий орқага кетади. Қолаверса, марҳум Носирнинг урнини босгудек обрў-нуфузга эга бўлган бирон-бир сиёсатчи йўқ эди. Шунда барча манфаатдор томонлар узаро бирлашиб, олий ҳокимиятда тўртинчи ёки бешинчи даражали лавозимни эгаллаб турган Анвар Садат номзодини илгари сурадилар. Касалманд, қиёфасиз шахс дея ном чиқарган Садатни давлат раҳбарлигига сайлаб, бу кучларнинг ҳар бири уни узининг қўғирчоғига айлантиришни мўлжаллаган эди. Қолаверса, бу уринда ҳал қилувчи сабаблардан бири шунда бўлган эдики, Анвар Садат икки марта юрагидан инфаркт утказган, бинобарин, кўпчилик уни санокли умри қолган, деб ҳисоблар эди.

Янги хужайннинг заиф соғлиғи ва муваққат ҳукмдорлигига куз тиккан даъвогарлар қаттиқ янглишадилар. Садат ҳокимият тепасига келгач, узининг шу пайтга қадар яшириб келган хислатларини ишга солиб, устаси фаранг сиёсатчи сифатида бутун дунёга танилади. Узига беписандлик билан қараган барча рақибларини у сиёсий кураш саҳнасидан бирин-кетин итқитиб ташлайди. Чамаси, саломатлиги ҳам яхши бўлиб кетади шекилли, токи фитна қурбони бўлиб отиб улдирил-гунига қадар соғ-омон умргузаронлик қилади...

Мен бир пайтлар Антуан де-Сент Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» деган қиссасини таржима қилиб нашр эттирган эдим. Агар тақдир насиб қилиб, Баҳодиршоҳ Зафар ҳақида бирор бадиий асар ёзгудек бўлсам, унга «Кекса шаҳзода» деб ном қуйган бўлур эдим.

Алқисса, кекса шаҳзода ниҳоят тож кийиб, улуг аждодларининг тахтига ултиради. Афсуски, бу пайтда салтанатнинг аввалги шаън-шукуҳи денгиздан бир томчи даражасига тушиб қолган эди.

«Бир пайтлар буюк Ҳинд уммонидан Туронзамин қадар, осмонупар Ҳимолай тизмаларидан Эрон тупроғигача ястаниб ётган улкан салтанат чегараси Шоҳ Олам, Акбаршоҳи соний, Абу Зафар Баҳодиршоҳ даврига келиб бир шаҳар ҳудудига тенглашиб қолади. Бу шаҳар Деҳли эди. Шоҳнинг амр-фармони қалъа деворидан нари утмасди. Ҳатто шаҳар ичкарасидаги ҳаётга инглизлар истаган вақтда хоҳлаганларича таъсир утказишлари мумкин эди. Ҳокимият амалда бобурийлар қулидан кетиб бўлган эди. Бироқ ҳали салтанатга узил-кесил барҳам берилмаган, заифгина булса-да, унинг томирларида қон оқиб турарди», деб ёзади ёш шарқшунос Абдусаттор Жуманазар бу даврни таърифлаб.

Ҳатто иш шу даражага етган эдики, Баҳодиршоҳ Зафар аждодларининг беқисс бойликларидан жудо бўлиб, шоҳ ва унинг хонадони «Ост-Индия» компанияси мамлакатда савдо-сотик қилиш учун тулайдиган бож пули қуринишидаги нафақа билан тирикчилик утказиш ҳолатига тушиб қолган эди.

Тахт соҳибининг саккиз фарзанди бор эди, отабободан мерос бўлиб келаётган сарой таомилига мувофиқ у ҳам валиаҳд масаласини ҳал қилмоғи лозим эди.

Валиаҳд!

Шу бир сузда қанча маъно жам!

Хусусан, Шарқда бу суз қанчадан-қанча руҳий, инсоний ва бадиий драмалар учун туганмас озик беради!

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Баҳодиршоҳ Зафар кузи тирик чоғида Жувонбаҳт Мирзони валиаҳдликка лойиқ деб топади. Гарчанд унинг оғанилари бу қарорга эътироз қилмаган бўлсалар-да, пана-пастқамларда хуфиёна сарой игволари давом этади. Шаҳзодалардан Муғул Мирзо, Фаҳриддин Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Қуеш Мирзо (қадрли укувчим, бу номни алоҳида эслаб қолишингизни сурайман — Х.С.) хоҳ ошқор, хоҳ махфий, тахтдан умидвор буладилар.

Аммо... яна уша ҳикматли каломни эслатмасдан ило-

жимиз йук. Яъниким, «Ал-абд йуддабир ва Оллоҳ йуқад-дир» («Банда тадбир қилади, Оллоҳ тақдир қилади»)

Ва Оллоҳнинг тақдири шундай булдики, тарихда бобурийлар салтанатининг сунгги валиаҳди ҳам, сунгги подшоҳи ҳам Баҳодиршоҳнинг узи булиб қолди.

Бу пайтга келиб Акбар ва Жаҳонгир замонида, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб замонида равнақу ривож топган улуг Ҳиндистон завол сари юз тутган эди. Инглиз муҳожирларининг сурбстлиги кундан-кунга ошиб борар, бунга сари халқ нафрати ҳам тобора жуш урар эди.

Ҳиндистон бобурийлар салтанатининг навқирон даврини қумсаб яшарди. Ҳаётдаги барча гурбатлар, ба-лою офатлар, зулм ва қашшоқликнинг ягона давоси — уша ўткан кунларга қайтмоқ деб билар эди.

Шу сабабли инглиз мустамлакачилари итоатида бўлган ҳинд ҳарбий хизматчилари — сипоҳийлар қузғолони бошланганида Баҳодиршоҳ Зафар табиий ра-вишда бу озодлик ҳаракатининг сардорига айланади.

Бу вақтда подшоҳ саксон уч ёшга тулган табаррук бир қария эди.

Шарқшунос дўстимиз Абдусаттор Жуманазарнинг таъбири билан айтсак, мамлакат буйлаб қудратли халқ бурони қузғалди ва у бобурийлар салтанати тақдирини ҳал қилиб қўйди. 1857 йили 10 май куни бошланган бу воқеа халқ орасида, тарих ва келажак олдида Абу Зафар Баҳодиршоҳнинг обрўйини ошириб, уни шону шуҳратга буркади, лекин ундан тожу тахтни тортиб олиб, узини ғаму кулфат денгизига улоқтирди».

Донишманд мўйсафид шоҳ ҳақиқий қудрат кимда эканлигини, инглизларнинг қули ҳар қандай ҳолатда ҳам баланд келиши муқаррарлигини яхши англар эди. Шу боис қузғолончиларни бесамар қон тўкишни тўхта-тишга даъват қилди. Аммо жаҳл зур келган жойда ақлнинг кенгашига ким ҳам қулоқ соларди дейсиз!

Қузғолончиларнинг бир қисми Баҳодиршоҳни шу фикрлари учун қурқоқлик ва хиёнатда айблайдилар. Уни тахтдан тушириш талабини қуядилар. Жунбушга келган оломон 11 май куни шоҳ қароргоҳи қаршисига келиб можаро кутаради ва таъқибдан қочиб саройга яширинган овруполик аёллар ва болаларни қириб таш-лайди. Кекса подшоҳ бу хунрезликдан қаттиқ изтироб чекади, қотилларни кескин қоралайди. Унинг амрига кура шоҳнинг хос навкарлари қузғолончиларни кур-шаб олади.



Инглизларга эса худди шундай бир баҳона керак эди, бу фожиа улар учун бамисоли тилаб олган смғирдай булди.

Улар пухта қуролланган янги ва янги зарбдор кучларини исённи бостириш учун сафарбар этадилар.

Июнь ойининг саккизинчисида Буюк Британия қироллигининг ҳарбий кучлари Дехлига хужум бошлаб, шаҳарни қамал қилади. Қамал ҳолати 21 сентябрга қадар давом этади. Очлик ва касалликдан тинка-мадори қуриган шаҳар ҳимоячилари шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур буладилар.

Баҳодиршоҳ яқин аъёнларининг маслаҳатига кура Дехлидаги Ҳумоюн Мирзо мақбарасининг даҳмасига кириб яширинади. Душман аскарлари уни тутиб олиб, қамоққа оладилар. Орадан куп утмай Буюк Британия ҳарбий суд ҳайъати Баҳодиршоҳ Зафарни суд қилиб, умрбод Рангунга ихрож — бадарга қилиш ҳақида ҳукм чиқаради.

Паймонаси тулиб қолган, ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳориб-толиққан бу муйсафидни бундай огир жазога мустаҳиқ қилиш раво эмас эди. Аммо Ҳиндистон тарихидан «биринчи озодлик жанги» деб ном олган сипоҳийлар қузғалони инглиз мустамлакачиларини шу қадар ларзага солган эдики, улар бундан ўзлари учун аччиқ сабоқ ва ёвуз хулосалар чиқариб олишган эди.

Ана шу хулосага биноан бобурийлар сулоласи ва бу муътабар хонадонга дахлдор кимки бор — барчаси ялпи қиргинга дучор этилади.

Баҳодиршоҳ Зафар умрининг сунгги йилларини она юртидан узоқда, ватанжудолик гурбатида кечиради. Мадорсиз қўлларидан қилич тушган бўлса-да, қалам тушмади. Ватанини соғиниб, уртаниб, чексиз ҳасратларини қуйма сатрларга айлантириб, кунгил қонидан газаллар битди. Сунгги нафасига қадар Ҳиндистонга талпиниб яшади. Айни шу маънода у улуғ аждоди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг изтироблар ила йўрилган ҳаёт йулига қисматдош булди.

Тириклигида киндик қони томган тупроққа қайтишдан умиди узилган бенаво шоҳ вафотидан сунг хокини Дехлига кучиришни васият қилиб, 1862 йилнинг 7 ноябрида гурбатда ғариб бўлиб жон таслим этди. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, унинг инглиз босқинчилари томонидан қатл қилингани ҳақида ҳам тахминлар мавжуд.

Сунгги бобурий, бинобарин, сунгги темурий подшоҳнинг ҳаёт шами шу тариқа сунди. Аммо, азиз китобхоним, умидим борки, бу зоти муборак ҳақидаги ҳикоямиз ниҳоясига етгани йўқ. Кунглим сезиб турибди: бу гаройиб умр қиссаси энди бошланаётир...

*1993 йил, 15 октябрь. Деҳли.  
«Ашока» меҳмонхонаси.*

## ТОЖДОР БОБУР

Алқисса, орадан ун беш кунлар утиб, Яратганнинг инояти билан Бобур Мирзо авлодлари ила учрашмоқ муддаосида Ҳинд сори юзландим.

Бу сафар автомобилда эмас, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли тайёрада йулга чиқилди. Дунёнинг чинакам муъжизаси бўлмиш бу пулат қуш икки соату қирқ минутда Деҳлига — Индира Ганди номидаги халқаро аэропортга етказиб қўйди.

Аэропортда консулимиз Аҳмаджон ака Луқмонов кутиб турган эканлар, омонлашиб, Янги Деҳлининг Висант Вихар мавзеси томон жунадик.

Мана, азим Ҳиндистон!

Улугвор, кўҳна диёр!

Аммо куз унгимда намоен бўлиб бораётган зиддиятларга тула ҳаётининг манзаралар мен учун янгилик каби туюлмас эди. Сабаби, Покистонни «Тойота»да беармон кезган чоғларимизда бу хил турмуш тарзини куравериш дийдам қотиб кетган шекилли...

Покистондан фарқли улароқ, бу ерда куча-қуйда эринчак кавиш қайтариб юрган, бегона учун ориқ, куримсиз, ҳиндлар учун эса муқаддас сигирларни учратиш мумкин. Қолган нарсаларнинг барчаси — айни: уша либослар, уша таомлар, уша қашшоқ гадолар, уша мусиқий оҳанглар, уша қорамағиз одамлар...

Висант Вихар мавзесининг адоғида жойлашган, тепасида мамлакатимизнинг оқ-зангори-яшил байроғи ҳилпираб турган икки ошиёнали, куркам консулхонамизда ҳам суҳбат асосан Бобур ва бобурийлар хусусида борди.

— Мана бу мақолага бир қаранг, — деди Аҳмаджон ака «Ҳиндустан таймс» газетасининг шу кунги сонини кўрсатиб. — Ноябрь ойининг охирида Ҳиндистон парламентига янги сайловлар булади. Шу муносабат билан рўзномалар депутатликка номзодлар билан таниш-

тирмоқда. Суратдаги бу аёл Ҳиндистон Миллий Конгресси фирқасининг номзоди экан. Исмои-шарифига диққат қилинг-а!

Сочларига оқ оралаган, нигоҳлари тетик ва қатъий, нуруний бу аёлнинг исми-шарифи... Тождор Бобур экан! Тасодифми бу ёки унинг ҳам бобурийлар хонадонига дахли бормикан?.. Қизиги шундаки, депутатликка номзод ўз мақоласида Ҳиндистондаги барча миллатларнинг тинчлиги, турли диний эътиқодларга бирдай ҳурмат билан ёндашув зарурлиги ҳақида сўз юритиб, утган йили мутаассиб кучлар томонидан Айодха шаҳрида Бобурнинг жоме масжиди вайрон қилинганини қаттиқ қоралабди. Унинг фикрича, жоҳил, ақидапараст бундай кимсаларга эрк берилса, оламнинг етти муъжизасидан бири булмиш Тожмаҳал қасрини ҳам яксон қилишдан тап тортмайдилар.

Мақоладаги теран, салмоқли хулосалар ҳам, муаллифнинг исми-шарифи ҳам диққатимизни тортди. Афсуски, дам олиш куни булгани сабабли газета идораси ишламас экан, Тождор Бобур хоним ҳақида батафсилроқ маълумот олишнинг имкони булмади. Бу вазифани Аҳмаджон ака ўз зиммаларига олдилар. Мен эса сафаримнинг бундай хайрли дебоча билан бошланганидан мамнун бўлиб, ўзим учун жой буюриб қуйилган беш юлдузли «Ашока» меҳмонхонасига кетдим.

Кечқурун жаноб консул кўнгироқ қилиб, телефонда Ҳайдаробод билан боғлангани, бобурийзодаларни булғуси ташрифимиздан хабардор қилиб қуйганликларини билдирдилар.

Эртага соат ун бешда, худо хоҳласа, Ҳайдаробод сари парвоз айлаймиз.

*1993 йил, 16-17 октябрь. Ҳайдаробод.*

*«Элита» меҳмонхонаси.*

## ДИЙДОР

Ҳайдаробод — Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган йирик шаҳарлардан бири, уч миллиондан ортиқ аҳолиси бор, тайёрада икки соатлик йўл экан.

Шаҳарга кечга томон етиб келдик. Энди меҳмонхонага жойлашиб булган ҳам эдикки, телефон жиринглаб, уша бизга таниш маҳаллий «Раҳнамои Деккан» рўзномасининг муҳбири узини таништирди. Айтишига қараганда, у Тусийлар хонадони орқали бизнинг таш-

рифимиздан дарак топибди, баъзи маълумотларни сураб-суриштирди. Бу ердаги журналист ҳамкасбларимизнинг тезкорлигига қойил қолиш керак: эрталабига шу хабар газетада чиқиб турибди!

Бироздан кейин яна кўнғироқ булди: жаноб Зиёвиддин Тусий! У киши соғ-омон етиб келганимизни эшитиб мамнуният изҳор айлагач, эрта билан уз хонадониди муштоқлик ила кутажанини, бизни олиб кетиш учун эса укаси Масиҳиддин Тусийни ҳузуримизга йўллашини маълум қилди.

Кечки таомдан сўнг Аҳмаджон ака билан чой ичиб аллавақтга қадар гурунглашиб ултирдик. Аммо гап купку, умр оз, деганларидек, сал ўтмай уйқу-ҳордиқ пайти бўлиб қолди.

Эртасига соат унларда баланд бўйли, қорамағиздан келган, сочу кўзлари тимқора қирқ беш ёшлар чамасидаги бир киши бизни йўқлаб келиб узини таништирди: Масиҳиддин Тусий, «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» жамиятининг маданий ишлар бўйича қотиби.

Ташқарида кўринишидан «Москвич-403»ни эслатадиган «Эмбассадор» — «Элчи» деган машина кутиб турган экан, йўлга равона булдик. Ҳиндистоннинг кўчаларида бу машина жуда куплаб учрайди, сабабки, у мамлакатнинг узида ишлаб чиқарилади. Ички бозор эса бу ерда ниҳоятда қаттиқ ҳимоя қилинади.

Аҳмаджон ака мезбонимиз билан гоҳ инглиз, гоҳ араб тилида суҳбатлашиб, ора-чора қизгин гурунг мазмунини менга ҳам таржима қилиб боряпти. Тил билмаслигим боис гунг-соқов каби ултирар эканман, юртга қайтиб боргач зудлик билан бирор хорижий тилни урганаман, дсб, ким билсин, неча юзинчи марта қасам ичдим...

Ва ниҳоят, мана, орзиқиб кутилган учрашув — «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» — Бобур авлодлари даврасидамиз. Улар шаҳарнинг янги барпо бўлаётган мавзеларидан бирида, чоғроққина хонадонда истиқомат қилишар экан. Ҳовли эшигига оилавий нишонни англатадиган лавҳа битиб қўйилган.

Ҳайдарободда урду ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Раҳнамон Деккан», «Даккан хроникл», «Сиёсат» газеталарининг, маҳаллий телевидениенинг мухбирлари учрашувимизга мунтазир бўлиб туришган экан. Бу, албатта, бир томондан, Ўзбекистон раҳбарининг махсус мактубига Ҳиндистон тарафидан курсатилаётган алоҳида эътибордан, иккинчи томондан, бобурийлар оиласининг бу ердаги обрусидан далолат берарди.

Бизни бобурийларга хос юксак иззат-икром билан қарши олишди. Озода, ораста бир хонага кириб ўлтиришимиз билан қадимий ҳинд одатига қура буйнимизга яшнаб турган анвойи гуллардан тизилган гулчамбар осиб қўйишди.

Юз-кузида ҳаяжон акс этиб турган бобурийзодалар билан бирин-кетин таниша бошладик: Бегим Соҳиба Лайло Уммахони — жамият раисаси, Баҳодиршоҳ — Зафарнинг эвараси; Зиёвиддин Тусий — жамият бош котиби, Лайло Уммахонининг катта ўгли; Масиҳиддин Тусий — Лайло Уммахонининг иккинчи ўгли, қизлари, келинлари, набиралари...

Президентимиз номидан, бутун ўзбек халқи номидан олис аждодларимизнинг ворисларига махсус нома ва қимматбаҳо тўхфаларни тортиқ қилдик, хонадон ва унинг соҳиблари шаънига эзгу тилақларимизни баён этдик.

Бу гузал дақиқалар чиндан ҳам беҳад тантанавор ва масъуд онлар эди. Мезбонлар ҳам бепоён ҳаяжон уммони ичра қолган эдилар. Самимий дил суълари битилган Президент мактуби билан танишар эканлар, жаноб Зиёвиддин Тусийнинг ҳам, муҳтарам онахон Лайло Уммахонининг ҳам бсихтиёр куълари намланиб, товушлари титраб кетди.

Миллий анъанамизга биноан Зиёвиддин акага зардузи беқасам тун, дуппи кийдирдик, белига белбоғ боғладик ва қаршимизда... қорамағиз, салобатли бир ўзбек пайдо булди. Қазисан-қартасан, барибир аслинга тортасан, деганлари шудир.

Лайло Уммахони хоним — етмиш икки ёшда, фарзандларидан фарқли улароқ оқ юзли, адл, тик қоматли, хатти-ҳаракатларидан зодагонлик таровати ёгилиб турган нуроний онахон экан. У зоти муҳтараммага чой ичганда юртимизни эслаб юрсинлар, дея ўзбекона нақшлар ила жило берилган пахта гулли чойнак — пиёла ҳади этдик.

Хонадон аҳлига эса Президентнинг яна бир совғаси — ҳазрати Алишер Навоий сиймоси чекилган ипак гиламча тақдим қилинди. Зеро Мир Алишер жаноблари Бобур Мирзонинг ҳам ғойибона устози булганлигини бу оила аъзолари яхши билар эдилар. Шунингдек, Бобурнинг мамлакатимизда яқинда нашр этилган «Бобурнома», «Мубаййин»нинг бешинчи қисми — «Китоб-ул-ҳаж» асарларини, улуғ бобомиз тасвири туши-

рилган плакат ва кўкрак нишонларини ҳам эсдалик тариқасида тўхфа қилдик.

Сунгра Лайло Уммахони ўзбек халқига, юртимиз етакчисига чин дилдан миннатдорчилик билдириб, дуои фотиҳа қилди.

«Мен бобокалонларим ватанида ҳеч қачон бўлган эмасман, — деди у кўз ёшларини артиб. — Аммо бу туғрида кўп ҳикоятлар, сирли ривоятлар эшитиб улгайганман. Баъзан аждодларим юртини тушларимда курар эдим. Шукур, бизни ҳам йўқлайдиган йўқловчилар бор экан. Ҳазрати Темури ва ҳазрати Бобурнинг биздек камтар авлодларига Ўзбекистон раҳбари Ислоҳ Каримов жаноби олийлари юксак меҳр-мурувват курсатган эканлар, бу у кишининг узлари ҳам шундай ҳукмдорлар сирасига киришларидан далолат беради. Чунки ҳазрати Темури ва ҳазрати Бобур камсуқум ва забун инсонларга ҳаминша шундоқ муҳаббат ва шафқат билан муносабатда булар эдилар. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин...»

«Мен ҳаётда мустақил интилиб билим олдим, — деди жаноб Зиёвиддин Тусий. — Урду, ҳиндистоний, араб, инглиз тилларини биламан. Аммо Ўзбекистон Президентининг хонадонимиз шаънига курсатган юксак эътибор ва марҳаматлари учун ташаккур изҳор этишга ҳозир шу тилларнинг бирортасидан ҳам муносиб сўз тополмаяпман. Бу иззат-икромдан бошимиз кўкларга етди».

«Гарчанд бизнинг жамиятимиз «Ҳиндистондаги Муғуллар оиласи» деб аталса-да, — дея давом этди Зиёвиддин ака, — биз ўзимизни доимо темурийлар авлодининг ворислари деб биламиз. Таассуфлар бўлсинки, биз оталаримиз юрти Ўзбекистон ҳақида жуда оз тасаввурга эгамиз. Бу борадаги билимларимиз «Бобурнома», «Ҳумоюннома» каби асарлар асосида шаклланган. Лекин боболаримизнинг тарихий ватанида руй бераётган бугунги оламшумул ўзгаришлардан бирмунча хабардоримиз. Биз, аввало, Ўзбекистон халқини, унинг мард, матонатли раҳбарини миллий мустақиллик билан муборакбод этамиз. Бизнинг оиламиз, бизнинг авлодимиз мустамлака азобини, қарамлик укубатини бениҳоя кўп тортган, шунинг учун ҳам биз истиқлолнинг қандай улуг неъмат эканлигини айниқса яхши биламиз ва ҳис этамиз. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонида пайдо бўлганида беҳад қувондик. Ва шундан кейинги-

на узимиз ҳақимизда, жамиятимиз ҳақида сизларга дарак беришга азму қарор қилдик. Тилагимиз шулки, узбек халқи Ислоҳ Каримов жаноби олийлари етакчилигида барпо этаётган янги давлат бир пайтлар улуг аждодларимиз бунёд қилган Тоғмаҳалдек мустаҳкам, абадий ва оламга машҳур бўлсин...»

Хонадон соҳиблари тулиб-тулиқиб сузлар эдилар. Уларнинг ҳис-ҳаяжонлари, шодлик ва армонлари поёнсиз эканлиги сезилиб турарди. Ҳассос қалбларидаги асрий соғинч туйғуси таърифига қалам ожиз эди, десак, асло муболага бўлмас.

Учрашув чоғи хона тўридаги Бобур Мирзонинг матога ишланган рангли расмига бир неча бор қараб қуйганимизни сезиб, Зиёвиддин ака изоҳ берди: июль ойида Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция Ҳайдарободда бўлган чоғида тортиқ қилган экан. Мен бош ирғаб, бу гаплардан хабардор эканлигимни, узимнинг ҳам андижонлик бобуршунослар сафида келишимга бир баҳя қолганини айтдим. Экспедициянинг ташрифи маҳаллий матбуотда батафсил ёритилган экан, мезбонлар уша нашрларни бизга лутфан тақдим этишди.

Сунгра бир пиёла чой устида суҳбатимиз давом этди. Табиийки, бу хонадоннинг тарихи, тақдири, бугуни бизни бениҳоя қизиқтирар эди. Лайло Уммахони ва Зиёвиддин Тусийнинг мароқли ҳикояларини тинглаб, бу авлоднинг кечмиш-кечирмишларидан, уларнинг бошидан ўтган ёруғ ва қоронғи кунлардан озми-купми хабардор бўлдик.

### «МИРЗО ҚУЁШ АВЛОДИДАНМИЗ...»

Демак, зикр этганимиздек, 1858 йили Баҳодиршоҳ — Зафар тожу тахтидан мосуво этилиб, Рангунга ихроҷ қилинган, бутун Ҳиндистон бўйлаб бобурийлар хонадонига нисбатан қатли ом бошланади. Лайло Уммахонининг изтироб билан ҳикоя қилишларича, подшоҳнинг аҳли аёллари, фарзандлари, ичкилари, қариндош-уруғи, хизматкорларига қадар аёвсиз суратда қиличдан утказилади. Икки угли ҳибсга олинади. Буюк Британия армиясининг зобити капитан Хансен шаҳзодаларни Деҳлида назарбанд этмоқ — хонадон қамоғида сақлаш учун олиб кетаётиб йулда отиб ташлайди. Кекса шоҳнинг умри қандай яқун топганини эса айтиб ўтдик.

Бир пайтлар оламни зир титратган бобурийларнинг шавкатли сулоласи шу тариқа аянчли ва фожеали хотима топиши муқаррар эди, аммо Оллоҳ — улуғ, Оллоҳ — марҳаматлидир, Яратганининг қудрати ва адолатини қарангки, Баҳодиршоҳнинг Мирзо Қуёш исмли ўғли — ёш гудак бир тасодиф бўлиб омон қолади. Раҳмдил ва мурувватли инсонлар уни ажал чангалидан яшириб асрайдилар. Кейинчалик, гудак эс-хушини танигач, унга уқтирадиларки, ҳалок бўлмай десанг — ўзингнинг кимлигингни унут, ўзлигингни асло ошкор қилма...

Алқисса, Мирзо Қуёш шундоқ таҳликали бир вазиятда ўсиб-улғаяди, муҳитнинг измига буйсуниб, олижаноб насл-насабини пинҳон тутишга мажбур бўлади. Вақт-соати етиб, Мирзо Қуёшдан Мирзо Абдуллоҳ деган ўғил вужудга келади, Мирзо Абдуллоҳдан эса Мирзо Абдулғафур исмли бир фарзанд тугилади. Замонлар утиб, Мирзо Абдулғафур ҳам бола-чақали бўлади — бир ўғил, икки қиз куради. Мирзо Юсуф отлиғ ўғли навқирон ун саккиз ёшида бу бевафо дунёни тарк этиб кетади ва бу ёруғ оламда бобурийлардан ёдгор бўлиб икки қиз қолади. Қизларнинг каттаси — Ҳуснижаҳоноробегим, иккинчиси — ҳикоямиз қаҳрамони — мухтарам Лайло Уммахони.

Ҳуснижаҳоноробегим стмиш олти ёшда, машҳур аждоди Аврангзёб Оламгир шарафига Аврангбод деб аталган шаҳарда истиқомат қилар экан. Афсуски, сафаримиз қисқа бўлгани туфайли биз Аврангбодга бориб у кишини зиёрат қила олмадик, лекин Тусийлар хонадонидаги суҳбатда бу оила ҳақида ҳам бирмунча маълумот олишга муяссар бўлдик. Маълум бўлишича, Ҳуснижаҳоноробегимнинг Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Боқир, Муҳаммад Аскар деган уч ўғли, Ахтар Фотима, Нодира Фотима, Муштар Фотима, Наири Фотима исмли тўрт қизи бор экан. Тунгич фарзанди Муҳаммад Бобур Аврангбод шаҳридаги ветеринария бошқармасининг бошлиғи бўлиб хизмат қиларкан.

Куришиб турибдики, «Ҳуснижаҳоноробегим», «Муҳаммад Бобур», «Муҳаммад Аскар» (Бобур Мирзонинг учинчи ўғли шундай деб аталган) деган номларнинг узиёқ бу хонадоннинг қадимий ва аслзода утмишидан далолат беради.

Лайло Уммахони тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга стказганлар. Умр йулдоши Муиниддин Тусий ун уч йил муқаддам бандаликни бажо келтирган. Ўғилла-



рининг исми: Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоъиддин, Орифиддин (шу кенжа угли беш йил бурун Тангри раҳматига борган экан). Қизлари: Моҳируҳ Уммахони, Гулруҳ Уммахони, Лайлоруҳ Уммахони. Келинлари: Ҳамронисобегим, Насиймбону, Каниз Фотима, Зартожбегим.

Зиёвиддин Тусий жаноблари кичикроқ хизматчи вазифасида ишлаб, ҳозир нафақада эканлар. У кишининг Шоҳнур, Минҳожиддин отлиг уғиллари, Малиҳа деган қизлари бор.

Масиҳиддин Тусий эса кейинги беш йил давомида Бирлашган Араб Амирликларида меҳмонхона бошқаруви соҳасида ишлаб келиб, шу кунларда яна хизмат сафарига тайёргарлик кураётган экан. Муиниддин деган угли, Маймуна, Африна исмли туйгун, кузлари чақнаган қизалоқлари билан куришиб, куп мамнун булдик.

Учинчи уғил — Шажоъиддин Тусий оиласи — рафиқаси ва Амина, Музаммилиддин, Мудассариддин номли фарзандлари билан Дубайда яшар экан. У тайёрагоҳда бошлиқ муовини бўлиб хизмат қилади.

Марҳум Орифиддин Тусийдан қолган уғилнинг исми Ҳабибуддин бўлиб, бобурийлар хонадонининг севикли аъзоларидан ҳисобланаркан.

Суҳбатдошларимизнинг айтишларича, бугунги бобурийлар оиласига мансуб кишиларнинг сони стмиш олти кишини ташкил этади.

«Бобурийлар улуг сулола эди, бинобарин, уларнинг вакиллари дунёнинг куп мамлакатларида булиши табиий, — деди Масиҳиддин Тусий. — Бизнинг қариндош-уруғларимиз Покистонда, Бангладешда, Афғонистонда, араб мамлакатларида, Буюк Британия ва бошқа юртларда ҳам яшаётган булишлари мумкин. Афсуски, қулимиз қисқалик қилиб биз уларни излаб топиш, алоқа урнатиш борасида айтгулик иш қилолмадик. Энди жамиятимиз шу вазифалар билан шуғулланмоқда. Айтинг-чи, Ўзбекистонда ҳам бобурийларнинг авлодлари борми?»

Биз уйланиб қолдик.

Чиндан ҳам, беш юз йил — тарих учун киприк қоққудек бир фурсат. Наҳотки, шу муддат ичида юртимизда бобурийлар сулоласига даҳлдор одамлар буткул унутулиб кетган бўлса? Наҳотки, уларнинг бирон-бир ному нишони қолмаган бўлса?..

Албатта, ҳаммамиз ўзимизни темурийлар, бобу-

рийлар аждод-авлодининг маънавий ворислари ҳисоблаймиз. Аммо бу уринда суз бевосита қон-қариндошлик ришталари хусусида, ноёб наслий боғланишлар хусусида бормоқда эдики, дабдурустдан бу саволга жавоб топмоқ мушкул эди.

Мамлакатимизда Бобур Мирзонинг шахсияти ва ижодига ҳурмат-эҳтиром юксак мақомда эканлиги, Андижонда уч юз гектарли Бобур боғи ташкил этилиб, муҳташам ёдгорликлар урнатилаётганлиги, улуғ бобомиз номида дорилфунун ишлаб турганлиги, ҳазрат шоиримизнинг китоблари ва ул зот ҳақидаги асарлар юз минглаб нусхаларда чоп қилинаётгани — бу туғрида биз қанчалар ифтихор билан сўйласак, бобурийзодалар шу қадар ҳаяжон ва мамнуният билан тинглаб эдилар.

Суҳбатимиз якунланиб қолганида туйқус АҚШдан, Калифорния дорилфунунидан қунгироқ булди. Зиёвиддин ака телефонда ун беш дақиқача сузлашиб, сунг бизга айтдики, дорилфунуннинг қиёфашунос (антропология) профессори Кэтрин Нейноуэл хоним эртдан кейин — 19 октябрь куни уларнинг хонадонига ташриф буюриш истагини маълум қилибди. Бу олима жаҳондаги машҳур ҳукмдорлардан бири — Бобур ва унинг авлодлари антропологияси буйича илмий тадқиқот олиб бораётган экан.

## АРМОН

Учрашув чоғи беҳад мутаассир булган бобурий ватандошларимизнинг сузларида гоҳо шикаста армон оҳанглари ҳам сезилиб қоларди.

«Бизнинг орзуларимиз катта эди, — деди Зиёвиддин Тусий хурсиниб. — Аммо манглайимизга ёзилгани, эришганимиз шу булди. Мен бир пайтлар Москвага, Патрис Лумумба номидаги дорилфунунга, кейин эса, Америкага ўқишга бормоқ булиб ҳаракат қилдим. Афсуски, тақдиримизга таҳсил битмаган экан. Онамни, фарзандларимни ташлаб кетолмадим, ука-сингиллар ёш эди, тирикчилик тошдан қаттиқ булди. Начора...»

«Бизнинг жойларимизда иш топиш ҳам, билим олиш ҳам мушкул муаммо, — деди Масиҳиддин Тусий. — Шунинг учун биз қушни давлатларда ёлланиб ишлаб келишга мажбурмиз. Қани эди, бизнинг ҳам фарзандларимиз олий маълумотли булса...»

«Ота-боболаримнинг киндик қони томган Фаргона-

ни бир курсам, армоним йуқ эди», — дейди Лайло Уммахони.

Хонадон, юқорида айтганимиздек, чоғроқ бир уйда ижарага истиқомат қилади. Туриш-турмушлари камтар-камсуқум. Бир неча йил бурун иморат солиш учун жой сотиб олишган, аммо қуришга қурблари етмаган.

Бироқ тагли-тахтли, зоти тоза одамлар эканлиги уларнинг муомала йўсинларидан, тарбият ва маърифатларидан, уйларидаги исломий муҳитдан шундоққина сезилиб туради.

Мезбонларимизнинг нисбаси, яъни «Тусий» сузи мени қизиқтириб қолди. Сурадим: «Сизларнинг ота авлодингиз Эронданми?» Чунки Эронда Тус деган шаҳар бор, Абулқосим Фирдавсийнинг юрти. Носириддин Тусий деган аллома утган, ватани шу жой бўлса керак. Бунга жавобан бобурийзодалар дедилар: «Йуқ, отамизнинг аждодлари Фарғонадан бўлган экан...»

Бу гапни эшитиб бошим қотиб қолди. Фарғона водийсида Тус деган жой йуқ-ку!

Шунда Аҳмаджон ака бир тахминни ўртага ташлаб қолди: «Менга қаранг, Тус — бу Чуст бўлмасин тагин? Бизнинг Намонгонда чоллар Чуст дейишмайди, Тус дейишади... Мен хорижий мамлакатларда, хусусан, араб давлатларида кўплаб ватандошлар билан учрашганман, улар ҳам Чустни Тус деб аташади».

Аҳмаджон ака асли Уйчи районида, Наманган тарихини яхши билади, шу боис бу мулоҳазада жон бордек туюлди.

Кейинчалик сафардан қайтиб келгач, чустлик ака-хонимиз, таниқли таржимон ва муҳаррир Низом Комил билан шу тўғрида фикрлашдик. У киши ҳам тахминимизни қўллаб-қувватлаб, илгарилари «Чуст»нинг «Тус» шаклида ишлатилганини, кекса отахонлар ҳозир ҳам шундай деб айтишларини тасдиқлади.

Мана, ниҳоят Бобур авлодлари билан суҳбатлар ҳам адоғига етди.

Хайрлашар чоғимиз Лайло Уммахони ташвишланиб шундай дедилар: «Меҳмонхонада қийналиб юрасизларми, бизнинг уйимизда ётиб қолақолинглар...»

Бу — Туркистоннинг муштипар оналарига, чинакам узбек аёлларига хос бир фазилят эдики, беихтиёр биз ҳам мутаассир булдик.

Хайрлашув онлари ҳамиша ҳаяжонлидир. Бу ажойиб хонадон аҳли ила қизгин хўшлашар эканмиз, тез

кунларда яна дийдор куришиш истаги дилларимизда устувор эди.

Яъниким, шоир айтганидек: «Хайр, энди, хайр, дустгинам, Бағримдасан кунглим малҳами, Муқаррар бу айрилиқнинг ҳам, Висоли бор олдинда ҳали...»

### *Муборак масканлар, табаррук қулъзмалар*

Ҳайдаробод шаҳрига келган одам, табиийки, бундаги машҳур Салар Жанг музейини кўрмасдан кетиши мумкин эмас. Шунга кўра Масихиддин аканинг ҳамроҳлигида шу даргоҳга келдик.

Салар Жанг — атоқли ҳукмдор булган, 1938 йили асос солинган музейдаги барча экспонатлар унинг шахсий бисотидан ташкил топган. Уч ошиёнали муазам саройда жойлашган бу мозий масканини алоҳида таърифлаш лозим.

Бобур Мирзонинг шу ерда сақланаётган «Бобурнома» асари ва «Девон»ининг туркий қулъзмаси бизни кўпроқ қизиқтиргани боис қулъзмалар булимининг мудири доктор Раҳматуллоҳ Алихон билан учрашдик. Бобурий ҳукмдорларнинг сувратлари, уша даврга оид миниатюралар билан безатилган хонада ултирган жаноб Раҳматуллоҳ Алихон бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни эшитгач, алоҳида эҳтиром қилиб, гоят эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаб сақланаётган мазкур қулъзмаларни кўрсатдилар. «Девон»ни шундоқ очишим билан кўзим ушбу сатрларга тушди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим,  
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдим...

Назаримда, бу маҳзун сатрлар Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳаётининг энг мухтасар ва мукамал шарҳу баёни эди.

Сўхбат асноси доктор Раҳматуллоҳ Алихон марҳум Ҳамид Сулаймонни эслади, узбек бобуршунослари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ҳақида сузлади.

Биз шу табаррук қулъзмалардан нусха олиш учун у кишининг саъй-ҳаракат кўрсатишларини илтимос қилдик. Кекса олим бу борада қулидан келган ёрдамни аямасликка ёрдам берди.

Музейдан чиқиб шаҳардаги муборак масканлардан Чор минор ва Макка масжид зиёратига бордик. Улугвор, салобатли, муқаддас Макка масжид қуёш тифида ярқираб ақлу ҳушни оларди. Ҳикоя қилишларига қара-

ганда, бу муҳташам ибодатхонанинг тошлари Маккаи муқаррамадан филу туяларга ортиб келтирилган экан.

Ҳар тошларки, кўрсангиз ваҳмингиз келади. Утмиш аждодларнинг меҳнату матонатига, ҳаммасидан ҳам бурун сабр-тоқатига тасанно айтасиз.

Ахир, Макка қайдаю Ҳайдаробод қайда!..

*1995 йил, 18-20 октябрь. Деҳли.*

Кеча оқшом сафардан қайтиб келдик.

Жунаб кетаётиб, бир хизмат курсатиш идорасига меҳмонхонадан жой олиб қуйишни буюриб кетган эдик. Қайтиб келиб суриштирсак, қандайдир англашилмовчилик бўлиб жой банд қилинмабди.

Начора, булар ҳам узимиз қатори инсонлар эканда.

Кеч кириб қолган эди, у ер-бу ердан сураб-суриштирилди — бошқа жой топиш мушкул бўлди.

Ноилож Аҳмаджон аканинг уйида бир кеча бош қуйишимга тўғри келди.

Васант Вихар мавзесида жойлашган уч қаватли бу бинонинг биринчи қаватида консулхона жойлашган, иккинчи қаватида Аҳмаджон ака ва унинг ёрдамчиси Баҳромжон Қосимов истиқомат қилишар экан. Учинчи қаватда эса «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниямизнинг ваколатхонаси ходимлари Исмоил ака Салимов ва Рустам ака туришар экан.

Исмоил ака менинг ҳамқишлоғим, паркентлик. Илгари турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бир қанча вақт туманимизда райкомнинг биринчи котиби ҳам бўлиб турган эди. Кейинчалик асл касби — учувчилик соҳасига қайтиб, йил бошидан буён авиакомпаниянинг бу ердаги ваколатхонасига раҳбарлик қилмоқда. Қисқа вақт ичида инглизчани бинойидек урганиб олибди, бемалол муомалаю мулоқот қилиб юрибди. Ўзбек халқи ҳам хуб талантли халқ-да!

Шомдан кейин барчамиз кечки таомни биргаликда танаввул қилиб, алламаҳалга довур гурунглашиб ўлтирдик.

Азиз меҳмон сифатида менга турдаги хонага жой солиб беришди. Чамаси, бу ер жаноби консулнинг ўз хонаси бўлса керак. Чарчоқданми ёки жой узгаргани учунми, хийлагача уйқум келмади. Кондиционерлар бир маромда ишлаб турганига қарамай, ҳаво дим, нафас олиш оғир. Бош томонимдаги тунчироқни ёқиб,

жавондаги китобларни куздан кечирдим. Сиёсат, тарих, фалсафа, иқтисодга оид турли тиллардаги асарлар орасида Нерунинг Москвада чоп этилган, уч жилддан иборат «Жаҳон тарихига бир назар» китобининг иккинчи жилди бор экан. Ҳар қандай муаллифни ҳам унинг ватанида уқишнинг алоҳида гашти бор. Аввал ҳам бу китобни уқиган булишимга қарамай, тун ярмидан оққунга қадар мутолаа қилиб ётдим. Китобнинг Бобур Мирзо ҳақидаги бобини синчиклаб уқидим. Бирданига кўнглим равшан тортиб, вужудимни ботиний ифтихор чулғади.

Ардоқли укувчим! Марҳамат, қулоқ тутинг-а, мутафаккир Жавоҳарлаъл Неру ҳазрати Бобур ҳақида насларни суйлар экан:

«Бобурнинг 1526 йилда Деҳлининг заиф ва халқ нафратига дучор бўлган афгон султони устидан қозонган ғалабаси билан Ҳиндистонда янги давр, янги салтанат ҳукмронлиги бошланди. Бу салтанат унча катта бўлмаган танаффус билан 1526 йилдан то 1707 йилгача давом этди, яъни бир юз саксон бир йил ҳукмронлик қилди (Неру бу ерда ноаниқликка йул қўйган: аслида бобурийлар салтанати 350 йилча давом этган — Х.С.). Бу беқиёс куч-қудрат ва шон-шуҳрат йиллари Ҳиндистоннинг довуғи бутун Осиё ва Оврупони тутган давр эди. Бу сулоланинг олтита машҳур ҳукмдори бўлган. Кейинчалик салтанат инқирозга юз тутиб парчаланиб кетди. Маратхлар ва сикхлар унинг майда парчаларидан ўз давлатларини тиклаб олдилар. Бобурийлардан кейин инглизлар келишган. Улар марказий ҳукуматнинг емирилиши, мамлакатдаги бошбошдоқликдан фойдаланиб, аста-секин ўз ҳукмронликларини урнаштишган.

Бобурнинг насл-насаби Чингизхон ва Темурга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уларнинг куч-қудрати ва ҳарбий салоҳияти унга мерос бўлиб қолган. Бобур замондошлари орасида энг маданиятли ва дилбар инсонлардан бири эди. У ягона мазҳабдаги чекланганлик ва диний мутаассибликдан холи, ажодлари каби вайронагарчиликка йул қўймас эди. Санъат ва адабиётга қизиқар, форс тилида (бу ерда ҳам ноаниқликка йул қўйилган: аслида туркий — Х.С.) гузал ғазаллар битарди. Анвойи гуллар, боғ-роғларга меҳр қўйган, иқлими иссиқ Ҳиндистонда Урта Осиёдаги юртини кўмсаб яшарди.

Бобур Самарқанд ҳукмдори булганида ун бир ёшли бола эди. Унинг зиммасидаги вазифа оғир, атрофини ҳамма томондан душманлар қуршаган эди. Унинг ёшидаги болалар мактабга қатнаган пайтда уруш майдонида қилич қўтариб жанг қилишига тўғри келган. У тохтагини қўлдан бериб, буронли ҳаёт йулида бошидан турли савдолар кечиби, уни яна қўлига киритди. Барча қийинчиликларга қарамай адабиёт, шеърят ва санъат билан шуғулланишга имкон топар, шону шуҳрат гайратини жуш урдирар эди.

У Кобулни забт этиб, Ҳинд дарёсини кечиби утиб, Ҳиндистон ҳудудига кирди. Унинг қўшини у қадар катта булмаса-да, ихтиёрида ўша даврда Оврupo ва Фарбий Осиёдаги ишга солинаётган янги туп, замбараклар бор эди. Унга қарши жангга кирган саф-саф афгон қўшинлари Бобурнинг сон жиҳатидан кам булган, бироқ яхши таълим берилган, жангга ургатилган қўшин ва замбараклари ёрдамида кунпаякун қилинди. Бобур урушда зафар қўчди. Бироқ бу галаба барча қийинчиликларни бартараф этолмади, бундан кейин ҳам тақдир қил устида турган пайтлар куп булди.

Бир куни унга хавф-хатар таҳдид солиб турганида лашкарбошилари шимолга чекинишни маслаҳат бердилар. Бироқ у тегирмонга тушса бутун чиқадиган одамлар тоифасидан эди, чекинишдан менга улим афзал, дерди. У май ичишни яхши қурарди. Ўша куни ҳаётининг таҳликали дақиқаларида ичишни ташлашга қарор қилди ва барча май қадаҳларини чил-чил синдирди. Галаба унга насиб булди, шу-шу қайтиб ичкиликни оғзига олмади.

Бобур Ҳиндистонда атиги тўрт йил подшоҳлик қилди. Тўрт йил жангу жадалларда утди. Осойишталик узоққа бормади, у Ҳиндистонда узини мусофирдек ҳис этарди.

Бобур Аграда ажойиб пойтахтга асос солди. Истанбулга — машҳур меъморга одам юборди. Бу пайтда фотиҳ Сулаймон Истанбулни қурдираётган, дунёга донг таратган турк меъмори Синон шаҳарни бунёд этаётган эди. У Ҳиндистонга севикли шоғирди Юсуфни юборди.

Бобур уз хотираларини ёзиб қолдирган. Бу ажойиб асар муаллифнинг бой ички дунёсига назар ташлаш имконини беради. У бизга Ҳиндистон, унинг ҳайвонлари, усимликлари, дарахт ва мевалари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ҳатто қурбақаларини ҳам эрдан чиқар-

майди. Киндик қони томган юртининг қовунлари, узумлари ва гулларини соғиниб тилга олади...»

Маълумки, «Бобурнома»да Ҳиндистонни таъриф-тавсиф қилиб келар экан, муаллиф бир уринда хийла кескин фикрларини баён этади. Уз толсининг қаролиги, ватанжудолик, ҳаддан зиёда жисмоний ва руҳий зуриқишлар таъсирида булса керак, бу улуғ мамлакат унинг кузига нурсиз ва бесафо қуринади.

Ҳатто галаба нашъаси, музаффарият туғи ҳам унга таскин беролмайди.

Зеро у дунёдаги ҳеч қандай инжу-жавоҳирлар билан улчаб булмайдиган бойлик — она Ватанидан айрилган эди.

### БАЙТ:

Улки ойлар, йиллар утқаргай ғам била, мотам била,  
Шоду хуррам булмагай навруз ила, байрам била.  
Улки давроннинг аъгидин дамо-дам қон ютар,  
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.

Шу боис ҳам...

«Ҳиндустон кам латофат ер воқеъ булубтур, — деб ёзади Бобур Мирзо. — Элида ҳусн йуқ ва ҳусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йуқ ва таъб ва идрок ва адаб йуқ ва қарам ва мурувват йуқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гуния йуқ ва яхши от йуқ ва яхши ит йуқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йуқ ва ях йуқ ва совуқ сув йуқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йуқ ва ҳаммом йуқ ва мадраса йуқ ва шаъм йуқ ва машъал йуқ, шаъмдон йуқ...»

Уксик ва ҳорғин қалбнинг бу аламли, аччиқ мулоҳазаларига ҳиндларнинг, хусусан, Нерунинг муносабати мени кўпдан қизиқтирар эди.

Табийки, уз халқининг ватанпарвар фарзанди сифатида Нерунинг мазкур фикрлардан иззат-нафси оғриган булиши эҳтимол. Шунинг учун ҳам у, агар Бобур Ҳиндистонда бирор эътиборга арзигулик нарса кўрмаган булса, нима учун шунча олис жойдан келиб уни ишғол этди экан, дея ҳақли равишда истехзоли савол қуяди. Ва орадан пича утиб, ҳинд халқига хос бағрикенглик ҳамда вазминлик билан мушоҳада юри-тиб: «Бобур гоят синчков, зукко инсон эди. Биз уни мусофир киши сифатида баъзан ноҳолис фикрлар ҳам билдиради, деб уйласак-да, унинг ҳикоялари Шимолий



Ҳиндистоннинг уша даврда ачинарли аҳволда эканлигидан далолат беради», — дея миллий маҳдудлик туйғусини мардона енгиб эътироф этади Неру.

Шуни ҳам айтиш лозим: Бобурнинг ҳинд диёрига нисбатан салбий кайфияти уткинчи характерга эга бўлиб, қайтиб бу мазмундаги сузлар учрамайди. Аксинча, у Ҳиндистоннинг тарихи, табиати, маданияти, ҳунар ва санъат аҳли, моддий ва маънавий бойликлари ҳақида эҳтиром билан сузлайдики, бу унинг мунаввар ва ориф кунглидан далолат беради.

«Латофатским, Ҳиндустонда бор — улуг вилоятдир, — деб ёзади у, — ва олтун ва ярмоғи қалин булур... Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар хирфалардин беҳад ва бениҳоя куптур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жами муқаррар ва муайяндурким, она-оталаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар».

Нерунинг Бобур Мирзо ҳақидаги мулоҳазаларида бир фикр хусусан эътиборга моликдир.

«Бобур Ҳиндистонни забт этганида, кўплаб катта-кичик шоҳликларга бўлиниб кетган бўлса-да, мамлакатни яхлит бир ҳолда қабул қилади, — дейди Неру. — Ҳиндистоннинг бирлиги ҳақидаги бу гоё унинг бугун тарихи давомида сақланиб келинади».<sup>1</sup>

Мурувват ва мардликни холиқ ҳам, халқ ҳам хуш куради, деганларидек, мутолаа давомида шуни англадимки, Бобур нақадар ростгуй ва ёвқур одам бўлса, Неру ҳам шу қадар мардонавор инсон бўлган экан. Унинг Бобур Мирзо сиймосига муносабати шундан гувоҳлик беради.

Эртаси куни дустларнинг таклифи билан Дехлидаги бобурийларнинг қадамжоларини зиёрат қилгани бордик.

Маълумки, бобурийзодалар бу қадимий шаҳарни бир неча бор уз давлатларининг пойтахти этиб белгилаганлар. Дехлининг шон-шавкати, шараф-шукуҳи бевосита шу мумтоз сулола билан чамбарчас боғлиқ. Ва бу боғлиқлик шаҳарнинг ҳар қарич майдонида, ҳар бир тарихий ёдгорлигида яққол сезилиб туради.

Бундаги энг мухташам обидалардан бири Ҳумоюн Мирзо мақбарасидир. У Бобурий ҳукмдорлар орасида фалакнинг жабру жафоларини беҳад бошидан утказган. Ҳазрати Бобур вафотидан сунг то 1556 йилга қадар тожу тахт миннатини чекиб, отаси асос солган буюк

<sup>1</sup> Ж. Нерунинг фикрлари А. Каримов таржимасида берилди.

салтанат пойдеворини юксалтирди. Улуғ падарининг улуғ ишларини муносиб тарзда давом эттирмоққа интилди. Унинг умр йули илоҳий афсоналар ила йугрилган булиб, гузал бадий асарлар ва теран илмий тадқиқотларга мавзу булмоқликка арзийди.

Бобур Мирзо зурёдларидан кимлар адабий ижод билан машгул булганлиги мени кўпдан қизиқтириб келади. Ҳазратнинг иккинчи ўгли Комрон Мирзо, оқила қизи Гулбаданбегим, кейинги авлодларидан Зебуннисобегим, «Офтобий» ва «Зафар» тахаллуслари билан девон тартиб берган Шоҳ Олам ва Баҳодиршоҳ Иккинчи ва бошқаларнинг бу борадаги фаолияти яхши маълум. Уйлайманки, қачондир бобурийлар сулоласига мансуб аҳли қаламнинг ижод намуналарини бир китоб ҳолида жамлаб нашр қилиш лозим.

Аммо Ҳумоюн — Бобур Мирзонинг тўнғич ўгли, валиаҳди, ҳатто жони эвазига жонини қурбон қилган фарзанди аржуманди Ҳумоюн Мирзо шеър ёзганми? Ёки суз сەҳри, ижод завқи унга бегона булганми?

Бу саволга жавоб ахтариб кўп китоб кўрдим, талай рисолаю тазкираларни кўздан кечирдим. Нима учундир тарихий манбалар бу хусусда сукут сақлар эди.

Ниҳоят, мумтоз адабиётимизнинг теран билимдонни, раҳматли Мақсуд Шайхзодадан бу саволимга жавоб топдим. Домла Шайхзоданинг «Танланган асарлари» 4-жилдидан урин олган «Тазкирачилик тарихидан» номли мақолада бу ҳақда қимматли маълумотлар зикр этилган. Олим 1553 — 1602 йиллар миёнасида Табризда яшаб ўтган Содиқий Китобдорнинг «Тазкираи мажмуал-хавос» номли ноёб асари ҳақида фикр юритаркан, шу муаммога ҳам жавоб бериб ўтади. Шуниси диққатга сазоворки, асли озарбойжон булган Содиқий тазкирасини чигатой — эски ўзбек тилида битган экан. Биз учун муҳими шундаки, тазкирачи катта ёшли замондоши Ҳумоюн Мирзо туғрисида нодир мулоҳазаларни тарих мулки сифатида қолдирган. Шайхзода домланинг таъбири билан айтсак, Ҳумоюн Мирзо ҳақидаги «кичик фикра катта аҳамиятга эга».

«Ҳумоюн подшоҳ ниҳоятдин мутажовиз (ҳаддан зиёда) каримул таъб ва сахопеша ва хушсалиқа подшоҳ эрди. Абулғози Султон Ҳусайн Мирзодин сунгра чигатой подшоҳларидин Ҳумоюн подшоҳдек хуштаъб подшоҳ оз воқеъ булубтур. Қариндоши Комрон Мирзодин ҳазимат қилуб шоҳи жаннатмакон зилоли жало-

лига (буюк, шонли соя) малжаъ (сигинадиган) булди. Кизилбош аскарни нусрат фаржомни (ғалабалик натижа) имлоди била хасмни (душманни) мағлуб қилуб, Хинд абвобин (боблар, эшиклар) мафтух қила олдилар.

Таъби шеърда ўқуш (кўп, зиёда) мулойим воқеъ буллубтур. Бу икки туркий байтнинг кўп шуҳрати бор ва машҳур буллубтурким:

Ғариблиғ ғамидин меҳнату малолим бор,  
Бу ғамдин улумға етдум, ғариб ҳолим бор.  
Висоли давлатидин айрилубман маҳзун,  
Тирикмену бу тирикликдин инфиолим бор.

«Бу тўртлик Ҳумоюннинг нозик ва лирик шоирона бир қалб эгаси булганидан далолат беради», дея хулоса қилади Шайхзода домла.

Ҳумоюн Мирзонинг ўлими билан боғлиқ икки сирли нуқта мени ҳайратга солади. У айна вақтда ҳам бобоси, ҳам отаси сингари улим топади: бобоси Умаршайх Мирзо сингари тасодиф фожиа туфайли қазага учрайди — китобхонасининг пиллапоясидан тойиб кетиб ҳалок булади. Ва отаси Бобур Мирзо сингари айна қирқ саккиз ёшида бу дунёдан куз юмади.

Чиндан ҳам, Халлоқи оламнинг бу ажаб ишларига ҳайрон қоласиз киши.

Бу сир-синаотлар фақат Яратгувчининг узига аён...

Мана, консулхонамизнинг шофёри — тамил йигити Роберт ҳамроҳлигида мақбара пойида турибмиз. Шу ерда уралашиб юрган қора бир киши келиб гид — сайрбонлик хизматини таклиф қилди. Йигирма рупий бериб унинг ҳикоясини тингладик. У иштиёқ билан берилиб, чамаси, жонли тафсилотлар билан сузларди. Афсуски, тил билмаслигим бало булиб унинг айтганларини чала-чулпа тушундим.

Ҳазрати Ҳумоюннинг мақбараси вафотидан сунг ун йиллар утгач бино этилган. Марҳум подшоҳнинг севикли рафиқаси Бекабегим умр йўлдоши хотирасига атаб ушбу оромгоҳни бунёд қилдирган.

Жаннатмакон Ҳумоюн Мирзонинг қабри мақбаранинг қоқ уртасида. Мақбара айна вақтда бобурийлар хонадонининг хилхонаси ҳам булиб юз элликка яқин марҳум шу ерга қўйилган. Сайрбон қаторма-қатор тизилишган сағана тошларини курсатиб санай кетди: Ҳумоюн Мирзонинг аёлларидан Бекабегим, Ҳамидабе-

гим, Шох Жаҳоннинг тунғич фарзанди Доро Шукуҳ, бобурийзодалардан Фарруҳсийяр, Жаҳондоршоҳ...

Сунгра сайрбон бизни пастга — мақбара даҳмасига бошлаб тушди. Совуқ ва қоронғи йулақдан ичкари киришимиз билан гурр этиб бир гала каптар узини ташқарига урди. Роберт гугурт ёқди, липиллаган шуъла ёругида Ҳумоюн Мирзонинг жасади дафн этилган ерга кузим тушди. Бундан бир ярим аср муқаддам сунгги бобурий подшоҳ Баҳодиршоҳ — Зафар инглизлар таъқибидан қочиб худди шу жойга келган ва душман томонидан қулга олинган.

Даҳма рутубатли, ваҳима ва қуш патлари билан тула. Бефайз, гариб бир макон...

Э, бевафо чархи фалак! Охир-оқибат шу экан-да...

Уз-узидан Бобур Мирзонинг бир маҳзун мисрасини шивирлаб айтдим:

«Гарибинга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур...»

Беҳад маҳзун булиб ташқари чиқдим. Бобурийлар хилхонасига қайтиб кирдик, тиловат қилдим.

Зиератгоҳни тарк этар чоғимиз майдонда галалашиб юрган тиланчилар тудаси ичра қолдим. Ялангоёқ, ялангбош, жулдур жанда-либосларда бахшиш сураб юрган бу оломон гирдобидан қутулиш осон эмас. Мезбонларнинг қайта-қайта огоҳлантириб айтишларига қараганда бундай кимсаларга дуч келганда имкон қадар эҳтиёт булиш лозим. Садақа улашаман деб кунгилсиз воқеаларга дуч келиб қолиш ҳеч гап эмас. Аввало, киши иштонсиз қолгунига қадар уларнинг илтижоли таъқибидан қутулмайди, қолаверса, ҳаменингиздан ҳам ажраб қолишингиз мумкин. Майиб-маймоқ, қорақура бу одамлар орасида аёллару болалар куп ва айни шу ҳол киши юрагини эзиб юборади. Жажжи қулчаларини чузиб, кузларини жавдиратиб тентиб юрган унлаб гудақларнинг аҳволини куриб бардош беролмайсиз. Аммо бирортасига бирор рупий берсангиз, тамом, бошқаларидан балога қолдингиз — уриб ҳам атрофингиздан кеткиза олмайсиз. Мана, ҳозир ҳам шундай булди: ун беш-ун олти яшар қоп-қора, ислиқи куйлаги бурда-бурда булиб ётган аёл (ким билади, балки қиз боладир), теграмизда гирди-капалак булганича беш юз метрча эргашиб келди, алланималар дея тинимсиз жаврайди. Қулида увадага уралган чақалоқ — боласими, укасими? Раҳмим келиб чунтак кавлаётга-

нимни курган Роберт норози бош чайқаб, уз тилида сука-сука тиланчини ҳайдаб юборди...

Нима ҳам дердик, бу ерларда бу каби ҳодисаларга ҳеч ким парво қилмайди — Ҳиндистон!

Шу куни кечга қадар шаҳар кезилди. Қутб минор, Эски қалъа, Жоме масжиди, Қизил қалъа каби обидалар зиёрат қилинди. Уларнинг барчасига бобурий аждодларимизнинг нафаслари теккан, майдон ва боғчаларида қутлуг излари қолган. Уларнинг курку ҳашаматини, нафис салобатини қора суз билан билжираб таърифлаб бўлмас. Шунинг учун, азиз уқувчим, мен сизга дунёнинг бу муъжизаларини уз кузингиз билан курмоқлик, куриб жамолига туймоқлик бахти муяссар булишини чин дилимдан тилаб қоламан.

*1993 йил, 21 октябрь. Агра. Тож Маҳал мақбараси.*

Ҳиндистонга келиб Тож Маҳални зиёрат қилмай кетиш — чашма лабига келиб сув ичмай кетишдек бир гап. Дунёнинг етти муъжизасидан бири ҳисобланмиш бу муҳташам муҳаббат саройининг гузаллигидан ҳайратга тушган инглиз олимларидан бири: «Олам аҳлини иккига — Тожмаҳални курган ва курмаган одамларга булиш мумкин», деб айтган экан.

Бобурийлар давлатининг бу қадим пойтахтига қадар масофа — 500 километр. Баайни Тошкент билан Андижон оралигича. Аммо йулнинг мазаси йуқ, ниҳоятда тор ва тирбанд. Тонг саҳарда консулхонамининг сутранг «Опел»ида йулга чиқдик. Консулхона котиби Баҳромжон Қосимов менга йулдош булди, рулда эса садафдек тишларини ярқиратиб Роберт ултирибди. Роберт — асли тамил миллатига мансуб, насроний динини қабул қилган, буйнида бир қаричча зуннори ҳам бор, оёқ-қўлли, эпчил йигит. Умуман, бу юртларда ишли булиш, бир бурда нон топиш ташвиши кишини бениҳоя хушфеъл, ҳар қандай ҳизматга ҳозир қилиб қуяр экан...

Атрофдаги табиат манзаралари нақадар гузал булса, турмуш кўринишлари шу қадар ғариб ва бесафо. Қоғоз ва похол билан ёпилган кулбалар, ярим яланғоч нотавон одамлар, майиб-мажруҳ гадолар.

Йул танобини тортиш учун Баҳромжон билан оҳиста суҳбатлашиб кетдик. У Тошкент университетининг урду тили булимини тугатган, Ташқи ишлар вазирлигининг ходими сифатида бу ерга хизмат сафарига юбо-

рилган. Мусофирчилик хийла зериктирибди — олти ойдан буён уйига боргани йуқ экан.

«Ҳиндистонга аввал ҳам келганмисиз?» — деб сураб қолди Баҳромжон.

«Йуқ, — дедим, — келмаганман, аммо қаҳрамонларим келган».

«Қанақа қаҳрамонларингиз?» — деди Баҳромжон ажабланиб.

«Э, ука, — дедим кулимсираб, — менинг жиндай ёзувчилик касбим ҳам бор, буш вақтларимда қоғоз қоралаб тураман. Бундан ун, йуқ, ун бир йил муқаддам Бобур ҳақида «Саодат соҳили» деган тарихий қисса ёзган эдим. Ана шу асарнинг қаҳрамони Ҳофиз Куйкий исмли олим Тошкентдан Ҳиндистонга — Бобур Мирзонинг ҳузурига келар эди. Шундай қилиб, Ҳиндистоннинг узини курмасдан туриб китобда тасвир этганмиз».

«Ака, шу қисса «Ёшлик» журналининг биринчи сонида чиққан эмасми?» деб суради Баҳромжон.

«Чиққан», дедим кулимсираб.

«Булди, эсладим, уқиган эканман. У пайтда университетда студент эдим. Эсладим, Бобурнинг улимини ҳам ёзгансиз...»

Мен ҳам бейхатиёр «Саодат соҳили» ва у билан боғлиқ хотираларни эслаб кетдим.

Авалло, қисса, сунг эса — қиссадан ҳисса...

## Саодат соҳили

— Уста Биноқул, қани тулинг, шом тушмай ҳув довонга стиб олайлик! Уша довонга стайлик, у ёғи — ё раззоқ!

— Ух, тақсир, оёқ босгулик ҳолим қолмади. Юролмайман, тақсир, юролмайман!

— Андак бардош қилинг, уста Биноқул! Чеккан машаққатларимиз, иншоллоҳ, бесамар кетмас! Ажаб эмаски, довон ортида бирор қуналга булса... Шу манзилга стиб олсак бас, жароҳатингизга ҳам бир даво топармиз. Қани, қулингизни беринг, уста Биноқул!

— Эҳ-х, тақсир...

Уч кундан буён аҳвол шу: уста Биноқул шишиб кетган оёқларини судраб босганча зорланиб инқиллайди, ҳар қадамни минг бир азоб билан қуяди. Ҳофиз Куйкий эса лабларини маҳкам қимтиганча кўпроқ уз

юрагидаги ваҳмни энгиш учун унга тинимсиз таскин-тасалли беради, сабр-бардош сари даъват этади. Бинокул инграйди, оғриққа чидаёлмай йиғлагудек ёлворади, Ҳофиз Куйкий гудакни алдаган каби уни юпатмоққа тиришади, «кўпи кетиб, ози қолгани»ни айтиб ишонтирмоқчи, ишонмоқчи булади, лекин бундан на йўл қисқаради, на йўл азоби камаяди.

Улар ун етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йўл босдилар. Тағларида уйноқлаган дулдулдек отлар, хуржунларнинг кузига тулдирилган лаззатли озуқалар белга қувват, дилга мадор бўлиб келди. Карвондаги дунё кезган савдогарларнинг вазмин, мароқли гурунглари йўл танобини тортар, ҳувиллаган, файзсиз чулнинг улик манзарасига бир қадар жонланиш бағишлагандек булар эди.

Ун саккизинчи куни саҳар чоғи кимсасиз биёбонда ҳали маст уйқуда ётган карвонни қароқчи босди.

Улар олатасир тўполонда тоғ унгури ёқалаб қочишга муваффақ бўлдилар. Бинокул қулига илинган кичкина бир тугунчагини олишга, улгурди, холос.

— Тақси-ир, — деди Бинокул йиғламсираб, — ҳеч вақомиз қолмади-ку, тақсир?!

— Бинокул, — деди Ҳофиз Куйкий, — жон қолди, жон!

У — дунёнинг қарийб ярмини кезган жаҳонгашта одам эди, ҳаёт қадрини, тирикликнинг нечоғли улут неъмат эканини теран англари, кечагина сафар-саёҳат завқи, сирли, номаълум манзиллар иштиёқи билан сармаст Бинокулнинг мусичадек жовдираб турганини кўриб кулгиси қистади, соддадил йигитнинг юрагига мадор буладиган бирор оғиз сўз айтгиси келди. Ҳали олдинда жазирама иссиқ, очлик, ташналик, тушкунлик сингари мислсиз уқубатлар кутаётган, истиқболда ажал совуқ қучоғини очиб турган бир пайтда бу сўзнинг маҳзун кўнгилга нақадар улкан қувонч ва қувват бағишлашини у яхши биларди.

— Куйинманг, Бинокул, — деди у жилмайиб, — падари бузрокворингиз Ҳинд сори айни шу йўлдан утган бўлса, не ажаб!

Бинокулнинг юзи ёришди. Ҳофиз Куйкий йигитнинг дилида пинҳон муқаддас сирдан воқиф: Бинокул ҳали гудак экан, Бобур Мирзо Фаркатда бир муддат тўхтаган кезлар отаси черикка кирган, амирзода Ҳиндистонга отланганда бирга жўнаган.

Бинокул отасини энасининг сўзларидан таниб ул-

гайди. Дом-дараксиз кетган отасининг йулига куз тика-тика энаси бултур оламдан утди.

Бинокул — қадди-қомати келишган, пишиқ-пухта, чайир йигит, кулганда кулдиргичли юзларида ажиб бир жозиба пайдо булади — чин дилдан яйраб кулади. У ҳар ишга тиришқоқ, ҳавасманд, узун қиш кечалари кулбасида этик, маҳси тикади, ёзда икки таноб срида тер тукади, китобга, илмга чексиз ихлос қўйганидан ҳаммаҳалласи — Мозори Ҳожи масжидининг имоми Ҳофиз Куйкийни узига устоз деб билади, унинг кечмиш воқеалар, айниқса, жангномаю жаҳонгирлар тарихига доир дилкаш суҳбатларини соатлаб жон қулоғи билан тинглайди. Ҳофиз Куйкий сафарга кетган пайтларда Бинокул уни интизор кутади.

Устози суққабош, вораства<sup>1</sup> кунгил одам булиб, умри муттасил сафарларда утарди. У баъзан икки-уч йиллаб беному нишон кетар, сафардан қайтгач, масжид хонақосига тугаш ҳужрасида мутолаадан бош кутармай, алланарсалар ёзгани ёзган эди. Бинокул бу битикларнинг нималигини билмас, сўрагани ботинолмас, аммо устозининг ёш бўлса-да, улуғ одам эканини сезарди: масжид эшигига Тошканд, Самарқанд ва бошқа шаҳру кентлардан отликлар, ҳашаматли соябон аравалар тез-тез келиб турар — зарбоф тун кийиб, симобий салла ураган турли-туман басавлат кишилар Ҳофиз Куйкийни зиёрат қилиб чиқар эдилар...

Бир ой муқаддам у устозининг Ҳиндистон сафарига ҳозирланаётганини эшитиб қолди. Эшитдию юрагига гулгула тушди, оромидан айрилди.

Отаси бундан йигирма етти йил аввал — йигирма ёшида хонадонини тарк этган экан. Ушанда Бинокул уч яшар гудак бўлган. У отасининг тириклигига, қиргинбарот жанглardan омон чиққанига, ёт элларда соғсаломат юрганига сўнмас ишонч билан инонар, назарида, падари бузруквори она юртда қолган мурғак зуредининг дийдорини интиқлик билан кутаётгандек туюлар эди.

Бинокул чидаб туролмади, устозининг оёғига бош уриб, бирга олиб кетишини суради.

Ҳофиз Куйкий рози бўлди.

Улар ун етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йул юрдилар...

Карвонни қароқчи босган уша машъум жума оқшо-

<sup>1</sup> Вораства — озод, эркин.



мида улар яна бир фалокатга йулиқдилар: тошдан тошга сакраб, тоғ ёнбагридан писиб борарканлар, Бинокул оёғи тойиб, етти-саккиз газ пастдаги хандақсимон ун-гурга — қиррадор харсанг устига йиқилиб тушди. Бели шилиниб моматалоқ бўлди, тупиғи хандалакдек шишиб, қадам босолмай қолди. Ҳофиз Куйкий йигитнинг белини, болдирини силаб, чиққан суякни солган бўлди, бироқ эртаси оғриқ баттар зурайиб, Бинокулнинг ўрнидан қузғалишга ҳам мажоли келмади...

Ҳофиз Куйкий Бинокулнинг умуртқаси қаттиқ шикаст еганини пайқади, лабини тишлади-ю, индамади. У ҳамроҳини гоҳ опичиб, гоҳ суяб, шу куни ярим йиғоч ҳам йул юролмади. Эртаси куни очлик ва оғриқдан силласи қуриган Бинокул устозидан утиниб илтижо қилди:

— Тақсир, энди менга озор берманг! Сезиб турибман, куним битган қуринади. Узингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг. Мени шунда қуйиб, йулингиздан қолманг, тақсир, ух-ҳ...

— Ундай деманг, Бинокул, айб эмасми? Қани, менга маҳкамроқ суянинг, ҳа!

Тоғ йули, соқов харсанглар. Яланғоч товонларнинг қони томган чағир тошлар. Уфқ қадар чузилган кимсасиз йул.

— Ух, тақсир, энди мадорим қолмади... Оҳ, сув, бир қултумгина сув беринг!

— Бинокул... — Ҳофиз Куйкий атрофга ночор аланглади. — Бинокул, бир оз сабр қилинг, хув кукаламзорни кўряписизми? Шояд уша ялангликдан сув топилса...

— Сув... Су-у-в... Тақсиржон, бир қултумгина сув, умримни берай, тақсиржон, бу азобдан қутқаринг!

— Э оллоҳ! Узингдан булак мададкорим йук, шафқат қилгайсен!

Сел босиб келмоқда, сел — олов сели. Ҳул-қуруққа баробар ут қуйиб қуёш ёнаётир, қуёш!

— Оҳ... Мени ерга қуйинг, тақсир, оҳ-ҳ! Тақсир, мен уламан. Эй Оллои карим, муродимга етказмадинг-а!

— Бинокул, тавба денг, куфрга ботманг!

— Э, яратган эгам, майли, бу курсатган кунингга ҳам шукур. Армоним ичимда қолди, тақсир. Падаримнинг дарагини билсам эди. Бобуршоҳни бир курсам... — Бинокул жим булиб қолди, сунг мажолсиз бармоқлари билан тугунчагини еча бошлади. — Тақсир, мана шу китобни мен унга ихлос билан тортиқ этмоқчи эдим. Узим китобат қилиб эдим... Билмайсиз,

тақсир, узим ҳам билмайман, лекин нечундир худо менинг меҳримни ул зотга туширган...

— Кунгилни бузманг, Биноқул... — Ҳофиз Куйкий титраб кетди. — Ҳали тортигингизни, иншооллоҳ, уз қулингиз билан топширурсиз. Фақат ниятни бардам қилмоқ керак.

— Йуқ, тақсир, ҳол-куним аён-ку... — Биноқул унга қараб маънос бош чайқади. — Сунгги тилагим ҳам, васиятим ҳам шу: бу китобни Бобур ҳазратларига элтиб, дуои саломимни етказгайсиз.

— Биноқул, иним...

— Айтгайсизки: «Ғариб дунёда Оллоҳнинг Биноқул деган ғариб бир қули бор эди, отаси навқарингиз эди, у ҳам сизга дилдан ихлос қўйиб, хизматингизга узини чоғлаган эди. Етиб келолмади — йўлда тангри раҳмати-га борди», дегайсиз.

— Қуйинг, Биноқул... — Ҳофиз Куйкий унинг чуғ каби ёнаётган юз-қуларини, пешанасини силади. — Кунгилни эзмоқ нечун? Қуйинг...

— Мана, тақсир... Оҳ-ҳ! — Биноқул тугунчагидан китобни олиб узатди, мижжаларида ёш йилтиради.

— «Насойим ул-муҳаббат»?

— Ҳа, тақсир.

— Шошманг, ахир бу... Навоий ҳазратларининг...

— Узим китобат қилиб эдим. Бу энди сизга қиёматлиғ қарз, тақсир.

— Иншоллоҳ...

— Уҳ! Тақсир, сунгги утинчим, имкон топсангиз, отамнинг дарагини суроқлаб кўрарсиз. Ёдингизда булсин, тақсир, отамнинг исми Бобоқул, отасининг оти Уринқул. Хотирингиздан чиқмас, тақсир?

— Биноқул...

— Ҳа-аҳ! Тақсир, рози... мендан рози булинг...

— Мингдан-минг розиман, иним, сиз ҳам рози булинг... Биноқул! Биноқул!.. Э, Оллоҳ, во дориг!

\* \* \*

Уч кундан сунг тоғдан утин териб қайтаётган утинчилар беҳуш ётган Ҳофиз Куйкийни дара этагидаги нураган қоя тагидан топиб олдилар...

\* \* \*

Агра бозорининг этак томонида жойлашган, одатда йуловчилар купда бош суқавермайдиган пастқам кар-

вонсарой бу оқшом ҳар қачонгидан кўра сершовқин: турли улкалардан келган ажनावий савдогарлар, туя, филларга ортилган юкларни бақириб-чақириб туя ширатган ярим яланғоч ҳаммоллар, тиланчилар, саёк созандалар...

Ҳофиз Куйкий икки кундан буён шу карвонсаройда муқим эди. Бу кун эрта тонгдан шаҳарни кезиб, қош қорайганда қуналғасига қайтаркан, дарвоза олдида утирган турқ-таровати галати бир кимса туйқусдан эътиборни тортди. Пахмоқ соч-соқоли патила-патила булиб елкасию куксини қоплаган, эғнидаги жулдур ридосига сон-саноқсиз тумор-кузмунчоқлар тақилган қария чарм тасмали пешанабоғини қулида тутамлаганча девор тагидаги туятошда мудраб утирарди. У аҳён-аҳён қисик, чағир кузларини ярим очарди-да, телба бир ҳайқириқ билан бақириб қўяр эди:

Моли вофир-р<sup>1</sup>, эли кофир-р, йул ёвуқ<sup>2</sup>...

Сунг дунёни унутгандек, яна кузларини юмиб пинакка кстарди.

Ҳофиз Куйкий уни бир дам кузатиб турди, ниҳоят, қизиқиши голиб чиқиб, аста яқин борди. Чолнинг яланғоч, қоқсуяк унг елкасида аллақандай эски жароҳат изи булиб, чап қоши узра бадбуруш чандиқ қорайиб куринар эди. У шундоққина олдида ҳайкалдек қотиб турган одамга парво ҳам қилмай:

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ! — дея оғзидан туфук сочиб вишиллади-да, бирдан жимиб қолди.

Олагувур шовқин ичида туйқусдан янграган бу туркий калом Ҳофиз Куйкийнинг қулоғига иссиқ чалиниб, дарҳол сергакланди, эҳтиёткорлик билан салом берди. Чолдан садо чиқмагач, бир оз тараддулланиб:

— Маъзур тутгайсиз, сиз турк эмасми? — деб суради.

Чол чурқ этмади, гуё бушлиққа тикилган каби маъносиз кузларини бақрайтирганча чайқалиб утираверди. Хиёл утгач, зерикди шекилли, ридосининг ёқасидан учбурчак туморини узиб олиб уйнаб бошлади.

Сал нарида турган бир савдогар сўз қотди:

— Ў як одами девона. Ҳамо уро Бахшитурк меномиданд.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Вофир — қўп. мул.

<sup>2</sup> Ёвуқ — яқин.

<sup>3</sup> Бу бир девона одам. Ҳамма уни Бахшитурк дейди.

Ҳофиз Куйкий савдогардан форсчалаб суради:

— Шу ерда истиқомат қиладими?

— Йуқ, унинг маконини ҳеч кимса билмайди. Бу ерга баъзан боши оғиб келиб қолади. Узи беозор, ҳеч кимсага зиени йуқ. Фақат гоҳ-гоҳ жазаваси қузийди, холос. Ана, ана, тагин бошланди!

Бахшитурк уйқудан чучиб уйгонгандек, сапчиб урнидан турди, қулларини тўрт томонга тўлгаганча тасаввураридаги ганимга ваҳшат билан ушқира кетди:

— Бари бир охири вой булур, ҳа! Билиб қуй, ҳа, охири вой! Умринг утиб кетар, тонгла маҳшарда юзинг қаро, ҳа! Мана, бу ой жумадул аввал, сугин жумадул охир, сугин ражаб, сугин шаъбон, ундан сугин рамазон, ундан сугин шаввол! Ҳа, бари бир охири вой! Валлоҳу аълам биссаваб, туқсон тўрт кундан сугин рамазон ийди, бир юзу эллик тўрт кундан сугин қурбон ийд, ҳа! Яна олтмиш уч кунда руза келур, ҳа! Закот бердингми? Закот бермадингми? Бари бир охири вой! Яна саккиз ҳафтадан сугин қиш, яна ун уч ҳафтадан сугин кўклам, йигирма етти ҳафтадан сугин тагин ез! Э гофил банда, умринг ҳам утар, совуқ гурга кирарсан, илон-чаёнга емиш булиб, туфроққа қоришгайсан! Кулма, кудма, бир пул сугин! Бир пул, ҳа, бари бир охири вой!.. Йуқол, дейман, йуқол, нега закот бермадинг?!

Чол бақира-бақира дарвозадан узоқлашди. Хирқи-роқ овози энди олислардан эшитилар эди.

Ҳофиз Куйкий девонанинг пойинтар-сойинтар сузлари замиридаги оддий, аммо шафқатсиз ҳақиқатдан бениҳоя ҳайратга тушган эди. Унинг ҳисоб-китобларини хаёлан текшириб қураркан, бу қадар аниқлигидан гоят таажжубланди.

«Девона эмас, — деб уйлади у. — Ҳаққа етган, холос...»

Бахшитурк саройдан анча узоқлаб кетди. Кетди-ю, ажабтовур сузлари, ғалати байтининг акс садоси Ҳофиз Куйкий қулоғида қолди:

Моли вофир, эли кофир, йул ёвуқ,  
Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ...

\* \* \*

Девони Бузург эрталабдан гавжум эди. Йулақларда ясовул ва чопарлар, турли-туман арзгуйлар уймалашар, мулозимлар, мирзолар найча қилиб уралган қоғозларни кўтарганча у ёқдан-бу ёққа савлат тўкиб утишар эди.

Боги Нурафшоннинг яшил қўйнида ярқираб турган оқ мрамор саройда Афгон, Ҳинд ва Бангола улкаларининг мутлақ ҳукмдори — кейинчалик европалик муаррихларнинг «фаромушхотирлиги» туфайли тарих саҳифаларига «Буюк Мугул империяси» деган мубҳам ном билан битилгувчи улкан салтанат соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо аркони давлат билан эрталабки машварат утказмоқда. У вилоятлардан келган турли номаларни кўздан кечириб, аъёнларга тегишли фармойишлар бериб булгач, мажлис аҳлидан мамлакатнинг ички аҳволига тааллуқли хабарларни тингламоққа киришди, сўнг Кобулдан келган чопар билан бир неча арзгўйларни қабул қилди.

Машварат ниҳоясига стай деб қолганда зарбоф туни ёқасига заррин уқа тутилган барваста эшик оғаси кириб таъзим қилди:

— Олампаноҳ, Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий отлиг бир зот ҳусни таважжуҳингизга мунтазир!

Бобур сергак тортиб, эшик оғасига қаради:

— Ким ул? Қайдин келибдир?

— Тошканддин, олампаноҳ. Сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ орзусида келибдир!

«Тошканддин?..»

Энди фақат тушларида курадиган, олисларда армон бўлиб қолган юртидан Бобурни купдан буен бирор кимса йўқлаб келмаган эди. Кунгли алланечук тулиб:

— Айтинг, кирсин! — деди. Сўнг Қуҳистон ва Ҳинд жавахирлари, асл афгон ёқутлари билан зийнатланган тахтдан туриб, уз мавқеъларига кура чизилишиб жой олган аркони давлатга бир-бир разм солди. Йўғон гавдали, сийрак мўй Абулвоҳид Фориғийга кузи тушгач: — Мавлоно Фориғий, — деди оҳиста, — бу зот ким булса экан? Сизнинг ҳеч эшитганингиз борми?

Абулвоҳид Фориғий дамқисма касалига мубтало эди, урнидан қўзғалиб, ҳансираганча суз бошлади:

— Олампаноҳ, сизни йўқлагувчи бу зот Мовароуннаҳрнинг машҳур алломаларидан булур. «Куйкий» тахаллус қилибдур, деб эшитганим бор. Тошкандда эканимда бир китобатини мутолаа қилиб эдим. «Рисола фи фани аттафсир ва-л усул ва-л фуруъ ва-л мантиқ вал калом»<sup>1</sup> деб ном бермишлар экан, шоён таҳсинга сазо-

<sup>1</sup> «Тафсир, дин асослари, фикҳ, мантиқ ва дин ақидалари илми ҳақида рисола».

вор эди. Яна бир нима таснифлари ҳам бор, алалхусус, илми тарихда беназирдур.

— Сиз Тошкандда суҳбат қурибми эдингиз?

— Йук, олампаноҳ, мен бисёр орзуманд бўлиб эдим, лекин, таассуфки, ҳамсуҳбатлиқ насиб этмаган эди. Сабабки, ул зот Тошканддин ун йигоч нарида, Фаркат отлиғ бир кентда истиқомат тутган эканлар, фурсатим зик эди, мен у ерга боролмадим.

— Фаркатда?

— Ҳа, олампаноҳ, тоғнинг остидаги бир кент у. Бу зот асли жаннатосо Али Қушчининг набираси Камолиддиннинг угли бўлур, алар азалдан шу манзилда муқим бўлиб келурлар...

Абулвоҳид Фориғий яна алланарсаларни гапирар, аммо Бобур энди эшитмас — теран хаёлга чумган эди. «Фаркат» деган сўз унга совуқ ёмғир савалаб турган изғиринли кунларни, кузак осмонида фавқулодда чақнаган чақмоқларни эслатди, умрининг рутубатли, ҳазин онларини ёдига солди. Уша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йигирма етти йил! Қарчиғайдек бир йигит умри! Ушанда ёнида ҳамроҳу ҳамкор булганлардан кимлар бор? У турли-туман номларни эшлашга уринаркан, уларнинг бари бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сизди. Нуён кукалтош, Гулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ қавчин, Қучбек... Эвоҳ, қайда улар? Қасрларда? Барчаси энди «рахматли»! Баъзилари шиддатли жангларда бошидан айрилди, баъзилари ганим найрангига дучор бўлди, айримларининг умри қисқа экан, айримлари эса... хиёнат қилди... Оқибат, уша кунлардан бу кун фақат аччиқ, маҳзун хотиралар ёдгор, холос.

Бобур аламли уйлардан эгилган бошини оҳиста кутарди. Абулвоҳид Фориғий жимгина қул қовуштириб турарди.

Эшик оғасининг ортидан адл, тик қоматли, одми тун кийган, бодомқовоқ, юзлари шишинқираган, малла соқолли куҳлик бир киши ичкари кириб таъзим қилди:

— Етти иқлимнинг шамси анвори, зарофатлиқ подишоҳимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳазрати олийларига дуою эҳтиромларимиз булгай! Ассалом алайкум, олампаноҳ!

— Ваалайкум ассалом, хуш келибсиз, — деди Бобур илтифот билан меҳмонга жой курсатаркан. — Марҳа-

мат, ултиринг. Зиератингиз Оллоҳ даргоҳида қабул булгай!

— Қуллуқ, олампаҳоқ.

Бобурнинг илми ҳикмат устоди Шайх Зайн Садр фотиҳага қул очди:

— Илоҳи омин, олампаҳоқимизнинг умрларини узун, давлатларини зиёда қилсин, жумлаи мўминнинг кунгиллари шод, охиратлари обод булсин!

Машварат аҳли «Омин!» дея гуриллаб фотиҳага қушилди.

— Менинг бетакаллуф ташрифим олампаҳоқга ғалати туюлар, — дея суз бошлади Ҳофиз Куйкий. — Мен бир Оллоҳ қули, ишим йул юрмоқ, дунё кезмоқ. Куп мамлакатларда бўлдим. Рум, Миср, Бағдод, Лубнон, Дамашқ, Қашқар диёрларини курдим, ундаги эл-элат, юрт-улуснинг турмуш-юмушлари ила ошно ўлдим. Бу сафар эса она ватанингиздан, куз очиб курган вилоятларингиздан сизларга купдан-куп дуои саломлар келтирдим. Ота юртимизнинг табаррук ёди муборақ хотирларидан кутарилмаган булса керак...

— Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутгай? — деди Бобур оҳиста. Овози титрар эди. — Унутган кишининг кузларига тириклайин туфроқ тулмасми?

Аҳли мажлис мутаасир бўлиб, уртага хийла вақт сукут чуқди.

— Ҳақ сўзни айтдингиз, олампаҳоқ, — деди Ҳофиз Куйкий. — Комил инсон киндик қони тукилмиш юртни ҳаргиз унута олмас. Хотирингиз жам булсин, олампаҳоқ, ул диёрларда муборақ номингизни ҳануз ёд этурлар. Инчунин, сизга аталмиш бир омонатни топширмақ менга қиёматлиғ қарз эди. — У қўйнидан нафис сахтиён муқовали китобини олиб, Бобурга авайлаб узатди.

Бобур андак таажжубланиб урнидан турди, китобни олиб, илк саҳифасини очди.

— «Насойим ул-муҳаббат!» — Бобурнинг кузлари чақнаб кетди. — Мир Алишербекнинг табаррук битиклари-ку!

— Ҳа, олампаҳоқ.

— Не чоғ гузал санъат! — Бобур китобни завқ ва ардоқ билан куздан кечирарди. — Узингиз китобат этдингизми, мавлоно? Хатлари бу қадар равшан, нафис...

— Йуқ, олампаҳоқ. Мен билан бирга Оллоҳнинг

гариб бир қули ҳам дийдорингизга орзуманд булиб йулга отланиб эди. Минг бор таассуфки, стиб келмоқлик насиб этмади — йулда шикаст топиб қазо қилди. Шул тортиқни сизга ҳада этмоқ умидида ихлос билан китобат қилган экан, стказмоқни мендан утиниб суради.

— Э, Оллои қарим! Ким экан ул дусти содиқ? — Бобур Мирзо олимнинг бу сўзларидан гоят таъсирланган эди.

— Олампаноҳ, у йигитнинг номи Биноқул эди, диёнат ва идрокли бир муслим эди. Асли косиблик қиларди, каминадан бирмунча хат-савод урганиб эди. Балки хотирингизда бордир, отаси бир пайтлар черикингизга навкар булиб кирган экан?

Бобурнинг қошлари чимирилди:

— Қай вақт? Қайда?

— Бир муддат Фаркатда муқим турган экансиз, уша кезлари чамаси.

— Ҳа-а... Ул кентда куп мардона йигитлар черикка қушилиб эди. Исми ким булса экан?

— Олампаноҳ, ҳамроҳим жон таслим қилаётиб отасининг исмини айтган эди: Бобоқул отлиғ бир одам экан, отасини Уринқул дер эканлар.

— Эҳ-ҳа, Бобоқулми? — Бобур жонланиб бош ирғади. — Нечун хотиримда булмасин? Жасорати мумтоз навкарларимиздан эди. Ҳамроҳингиз шунинг зурёди эканми?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Тангри раҳмат қилсин, падарига тортган экан-да, Бобоқул улуг юракли йигит эди.

— Олампаноҳ, у... қазо этганми?

— Йук. — Бобур гамгин бош чайқади. — Биз Кобулни олганда Бобоқул куп мардликлар кўрсатиб эди. Уч-тўрт йил чамаси ўтгач, юртига қайтмоқ булиб биздан изн суради. Тилагини уринлатдик, бироқ куп ўтмай Понипатда Иброҳим Лудий юз минг қушин билан бош кутарди. Бизнинг навкар ун мингнинг нари-берисида эди. Бизни бундоқ мушқул аҳволда қолдиргали кузи қиймади чоғи, Бобоқул қанотимизга кириб Понипат сари юрди. Уша чопқинда бошидан зарб еб, хаёли хилий паришон булиб қолди. Не муолажа, дори-дармон булса, барини қилдирдик, ҳеч бир наф кўрмади. Сунг саройдан бир хужра бериб, истиқоматидан хабардор булиб турадиган киши тайин этдик. Йук, бунда туролмади, бир оқшом эшитдимки, чиқиб кетган



эмиш. Эндиликда куча-кўйларда ҳамду сано айтиб юрадир, деб қулогимга чалинадир...

— Шу кунлар яна Ограда пайдо булган эмиш, — дея суз қўшди пойгакда утирган Бобурнинг хос мулозими Юсуфий.

«Яратган эгам ярлақаган экан сени, боёқиш Бинокул!» деб надомат билан кўнглидан утказди Ҳофиз Куйкий.

— Хайр, майли, Оллоҳнинг иродаси... — деди Бобур суҳбатга яқун ясагандек. — Бизга эҳтироми шу қадар устувор экан, энди биздан-ку қайтмас, халлоқи оламдан қайтсин. Мавлоно Абулбақо!

Куркам соқолли, нуроний мўйсафид — шайхулислом Мавлоно Абулбақо урнидан турди:

— Лаббай, олампаноҳ?

— Эртан жума намозига фатво берингим, салтанатдаги барча масжидларда бандаи мумин Бинокулнинг ҳақиға хатм бағишлансин. Биз ҳам, иншооллоҳ, гойибона садоқати учун арвоҳи покиға беш вақт намоз узра тиловат қилурмиз.

— Бош устиға, олампаноҳ!

Аёнлар китобни навбатма-навбат ҳайрат ва завқ билан томоша қилиб булғач, Абулвоҳид Фориғий уни Бобурга узатди.

— «Насойим ул-муҳаббат!» — Бобур ҳамон китобга термилиб тўймас эди. — Муҳаббат насими келган юртга жон садқа булсин...

\* \* \*

Ҳофиз Куйкийни Боғи Нурафшоннинг кунчиқар тарафидаги хос ҳужралардан бирига жойлаштирдилар. Жазирама иссиқ ва қабул ташвишлари уни қаттиқ чарчатган эди, тушгача донг қотиб ухлади. Пешин намозидан сунг, умрида илк дафъа куриб тургани — нотаниш анвоий гуллар ял-ял ёнган салқин хиебонда жаннатошиён қўшларнинг ҳур наволарини завқ-шавққа тулиб тинглаганча оҳиста кезиб юрди.

Оқшом тушиб, осмонда илк юлдузлар чарақлаган палла Юсуфий ҳужрага келиб, олампаноҳ уни йўқлаётганини хабар қилди.

Ҳофиз Куйкий юз шамли муҳташам тилла қандиллар ёғдусига чўмган бум-буш саломхонага кириб борганда Бобур турдаги кумуш лавҳ ортида барқут болишларга енбошлаганча мутолаага берилган эди. У Ҳофиз Куйкийни хуш кайфият билан қарши олди. Олим лавҳ

устидаги китобга аста разм соларкан, узи топширган тортиқни таниди. Бу фавқулудда ҳады туфайли Бобурнинг дилида қузғалган уша ботиний ҳаяжон, уша утли таассурот ҳануз сунмаган эди. У дўстона жилмайиб, сассиз бир ҳаракат билан меҳмонга жой кўрсатди, сўнг яна «Насойим ул-муҳаббат»нинг очиқ турган саҳифасига тикилди. Зум утмай, жимжит саломхонада шоҳнинг уйчан, тиниқ овози янгради.

— «Биров алардин савол қилдиким, дарвишлик сизга маврусдир<sup>1</sup> ёки муктасаб?<sup>2</sup> Алар дедилар: тангри ҳукми била бу саодатқа мушарраф булдук, — дея кўнглига беҳад марғуб булган парчани ҳафти қироатнинг инжа товланишлари билан таъкидлади Бобур. — Дерларки, аларга ҳаргиз қул ва додак<sup>3</sup> булмас эрмиш. Алардин бу маънида сурабтурлар. Алар дебтурларки, қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

У китобдан нигоҳини узиб, қад ростлаб утирди, кунгурадор қандилга, унинг порлоқ ёғдусида зар сочиб ёнган нақшларга илк бор кураётгандек хийла вақт термилиб қолди, ниҳоят, толгин бир товуш билан хаёлчан тақрорлади:

— «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

Ва уз саволига жавоб ахтарган каби, нигоҳи яна чароғон саҳифалар узра кеза кетди.

Ҳофиз Куйкий ҳануз мунтазир қул қовуштириб утираркан, ҳамсуҳбатининг улугвор чехрасида лаҳза сайин тажассум топаётган турфа ҳисларнинг оний жилваларини, фикрнинг тутқич бермас шиддатини зўр диққат билан кузатар, улардан ўзича маъно топмоққа тиришар эди.

— Алишербек беназир зот эрди, — деди Бобур китобдан бош кутариб. Қийиқ кўзларида ҳоргин қувонч учқунлари чақнар эди. — Ҳар дафъа ўқиб ҳайрат қиламенки, туркий тилда ҳеч ким ашборни ул ҳазратдек кўп ва хуб айтқон эмас.

— Яхши китоб — киши руҳининг жон озиғи, — деди Ҳофиз Куйкий уни қувватлаб.

— Ҳар қандай кишининг ҳам эмас, — дея бирдан эътироз билдирди Бобур.

— Албатта, олампаноҳ. Лекин яхши китобни ўқиган кишига ҳам яхшилик шарофати юқмоғи шубҳасиздир.

<sup>1</sup> Маврус — мерос.

<sup>2</sup> Муктасаб — касб.

<sup>3</sup> Додак — чури.

— Уқиганга юқмайдир, мавлоно! — Бобур Мирзонинг қайсар қошлари мардона чимирилди. — Уққанга юқади.

— Ҳақ сўз, олампаноҳ.

Орага оғир дам жимлик кирди.

— Олампаноҳ... — Ҳофиз Куйкий шоҳга қимтинибгина мурожаат қилди. — Менинг қутлуғ ҳузурингизга келмоқдан мақсадим, аввало, сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ бўлса, сўнг шуҳрати етти иқлимга машҳур алломаларингиз билан танишмоқ, кутубхонангиздаги ноёб дурдоналардан баҳраманд бўлмоқлик умиди ҳамдир. Камина қулингиз не вақтлардан буён илми тарихга доир бир рисола битмак орзусида юрадирман. Кутубхонангизда тиллога топилмас муътабар китоблар бисёр, деб эшитаман. Агар зоти муборақлари ижозат этсалар...

Бобурнинг чеҳрасига таажжуб ифодаси қалқиди:

— Мавлоно Абулвоҳид Фориғий сизни куп улуг аллома деб таърифлаб эди, таассуф...

Ҳофиз Куйкий кутилмаган бу гапдан гангиди, каловланиб бошини кутарди:

— Олампаноҳ...

— Ниятингиз ҳолис эканига шубҳа йуқ, мавлоно, бироқ... — Бобур суҳбатдошини аягандек, бир зум тараддулланиб қолди, — бироқ, илм куйида узларини бозордан олиб бозорга солгувчи баъзи кимсаларнинг алломаликлари менга ҳар вақт кулгили ва қалбаки туюлур!

Олим дув қизарди, урнидан оғир қузғалиб қуйди: ер ёрилса киргудек ҳоли бор эди, аммо ер ёрилмади!

У сунгги журъатини тўплаб, ҳаяжон ичра изоҳга оғиз чоғлади:

— Олампаноҳ менинг тилагимни янглиш англадилар чоғи...

— Сизни ранжитмоқ мақсадим йуқ эди, — деди Бобур кулимсираб. — Фақат сўз урни учун айтдим, холос. Зеро, умрим мобайнида қалбаки тангалардан кўра қалбаки алломаларни купроқ учратдим. Аларнинг ҳақ ва маърифат номидан суйлаган елгонлари мени муттасил газабга солди, имконим етган чоғларда ундай бетавфиқларнинг барчасини оғир жазоларга мустаҳиқ этдим. Имоним комилки, бунга қилмишим қодирини ламязалга ҳам хуш келгай! — Бобур, товушининг алланечук кескин пардаларда янграб кетганини сизди шекилли, хиёя тин олиб, вазмин оҳангда сўзлай бошлади. —

Раҳматли падари бузургворим айтур эдилар: жаннатмакон имом Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари Бағдод мадрасасида таҳсилни тугаллаб, карвон билан уз юртларига қайтар эканлар. Йулда карвонни қароқчи босибдир. Қароқчилар савдогарларнинг мол-мулкларини тортиб олибдилар. Ҳазрати имом қароқчибошига рубару бўлиб арз этибдилар: «Мен бир толиби илмман, на олтин, на кумушим бор. Бор буд-шудим икки сандиқ китоб эрди, одамларинг тортиб олдилар. Эй марҳаматлиғ сардор, амр этким, китобларимни қайтариб берсинлар. Бари бир аларнинг сенга ҳам, йигитларингга ҳам ҳеч нафи йуқдир». Қароқчибоши қаҳрга миниб суроққа тутибдир: «Хуш, алардин сенга не наф бор?» Имом ҳазратлари бениҳоя таажжубга қолиб: «Нечун наф етмасин? — деб жавоб берибдилар. — Ахир, бу менинг ун йил мусофирликда ризат чекиб орттирган илмларим-ку!» «Сен узингни олим санайсанми?» дебди қароқчибоши. «Оллоҳнинг инояти билан...» дебдилар имом ҳазратлари. «Йуқ, сен олим эмассан! — дебди қароқчибоши. — Чиндан ҳам фозил бир кимса булсанг эрди, китобларинг буткул йуқолса-да, парвойингга келтирмаган булур эрдинг. Чин олим кишининг илми сандиқда эмас, юрагида булур, уқдингми?» Қароқчибоши шундай дея имом ҳазратларига марҳамат курсатиб, сандиқларини қайтариб беришни амр этибдир. Ул зоти шарифга ваҳший бир қароқчининг бу янглиғ маломат-миннатлари ғоят оғир ботибдир. Йулнинг қоқ уртасидан ортга — Бағдодга қараб қайтибдилар. Қайтадан мадрасага кириб, ушал икки сандиқ китобни хатми кутуб чиқибдилар ва барча эгаллаган илмларини юрак ва кўнгилнинг қатларига жо қилиб олгунларига қадар мадраса остонасини тарк этмабдилар. Шундан сунг имом ҳазратлари ҳаргиз китобга қарамабдилар: илм ул зоти бобаракотнинг қалб чаманида яшнаш бошлабдир.

Ҳофиз Куйкий бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди.

— Оқибатда имом ҳазратлари илмда шундоғ улуг мартабага стибдиларким, кишилар: «Агар бу ёруғ оламдан Қуръони шариф йуқолгудек булса, имом Муҳаммад Ғаззолий қайта тиклаб берадир», дейдиган бўлибдилар, — дея сўзини тутатди Бобир ва олимга синовчан тикилди.

Олим ич-ичидан изтироб чекар, унинг сўзлари ҳақ эканини чин дилдан эътироф этса-да, узга бир фикр

хаёлидан кетмас эди: «Қилич сиққан қинга қалам сикмас экан-да...» Юрагининг тубидан эътироз галаёни тошиб келса ҳамки, бошини қуйи солиб, тасдиқ аломати билан чекланмоққа тиришди:

— Куп ибратомуз ривоят экан, олампаноҳ.

Бобур шаҳодат бармоғи билан кумуш лавҳни аста чертганча ҳамон саволомуз тикилиб турарди:

— Хуш, мавлоно?

— Олампаноҳ... — Ҳофиз Куйкийнинг манглайдаги чизиқлар янада чуқур тортди, мулоҳаза юки слкаларидан харсангтош булиб босди, андиша тиғи тилига кундаланг келди — қийналди, аммо бари бир... чидаслмади: — Шаккок қулингизни маъзур тутинг, олампаноҳ, бироқ, таассуфки, сизни ҳам куп донишпарвар зот, илм-маърифатнинг чин ҳомийси, деб таърифлаб эдилар!

Олимнинг кўксини тулдирган безовта огриқ бирдан тинди, сунг уртага чумган қалтис сукунат ичра, бутун вужудини ларзага солиб гурсиллаётган юрагининг дупури яққол эшитила бошлади.

Ва баногоҳ... даргазаб фармон урнига момақалди-роқдек қаҳқаҳа янгради. Ҳофиз Куйкий кулоқларига ишонмай бошини базур кутарди-ю, кузларига ҳам ишонмай қолди: шоҳнинг юзида табассум балқирди!

— Боракалло, мавлоно! — деди Бобур кузларига қалққан ёш томчиларини артиб. — Дов юракли кимса экансиз! Асли бу истеҳзоларни сизни бир синаб курмоқ йулига айтиб эдик. Эътиқодингиз шаъни учун, анинг поклиги учун бизнинг на савлатимизни, на давлатимизни истиҳола этдингиз! Билсангиз, шу чоққа қадар камдам-кам одам бизнинг бу йусин даъволаримизга эътироз айтган. Аксинча, бундай дамлар аксарият киши йуқ гуноҳларига ҳам икром булиб, тавбатазарруга зўр берадур. Тасанно журъатингизга, мавлоно! Чин фозил инсон асли шундай булмоғи лозим. Зеро, одамизод иймонининг барқарорлиги аввало унинг не чоғ мард ва ҳақгўй экани билан улчанур. Бизни қора тортиб шундоғ жойлардан заҳмат чекиб келибсиз, наинки, мурувватимизни дариг тутсак!

Ҳофиз Куйкий бори-борлиги ҳаяжондан титраб, куллуқ қилди.

— Бизнинг ҳузуримизга не-не муҳтарам зотлар ганжу давлат тилаб, рутбаю унвон тилаб қадамранжида қилдилар, — дея сўзида давом этди Бобур. — Лекин шу вақтгача китоб излаб, маърифат истаб келган бир кимсани курганимиз йуқ эди. Шукур тангригаким,

алҳол иноят айлаб, зориқиб куз тутган кишимизнинг дийдорига етиштирди. Ҳар қандоғ ноёб китобимиз булса, сиздан айлансин... Дарвоқе, рисолангиз нима хусусда?

— Олампаноҳ, не вақтларки Чингизхон ва унинг оли<sup>1</sup> ҳақида бир рисола битмак орзуси кўнглимга ором бермай келадир. Маълумингизким, бу улуг салтанат эди, анинг такомил ва тараққиёти ҳам, таназзулу инқи-рози ҳам мени бирдек ҳаяжонга соладир. Алалхусус, Чингизхон зурёдларининг тақдири, жорий этган тар-тиб ва қонунлари, давлатни идора этмак усуллари... Муқояса ибратига сизнинг мамлакатдорлик сиёсатин-гизни ҳам бир сидра назардан кечирмоқ умидидамен.

Бобур унинг сузларини диққат бериб эшитди.

— Ғоят мушкул юмушга қул урибсиз, мавлоно, — деди у. — Хайр, Оллоҳ мадад берсин, йулингиз оқ, йулдошингиз ҳақ булсин. Илло бу бебақо дунёда фақат ҳақ суз боқий қолур. Қасрлар емирилур, салтанатлар тузар, асъасаю дабдабалар йитар... Ёруғ жаҳонда қирқ саккиз йил умргузаронлик қилиб англаган ягона ҳақи-қатим шу, мавлоно. Шундай машаққатли бир ишни уҳдангизга олган экансиз, имконимиз етган кумакни бермоқ биз учун фарзул вожибдур. Марҳамат, хонадо-нимизнинг ҳам, кутубхонамизнинг ҳам тури сизники. Фаҳми ожизимча, мутолаани Баҳоуддин Муҳаммад Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой» китобидан бош-ласангиз чакки булмас.

Ҳофиз Куйкийнинг кузлари чақнаб кетди:

— Мен ул муборак зотнинг бу табаррук асарини не вақтлардан буён излайман, олампаноҳ!

— Хайр, неки излаганингиз булса, топмоққа биз балогардон, — дея кулимсиради Бобур. — Валескин, бизнинг салтанат хусусида бирор нима демоқдан ожиз-ман. Мавлоно, бу сиз ҳавас қилгудек барқарор салта-нат булмоғига кўзим етмайдир. Бу зарурат туфайлидан пароканда элатларининг боши қовуштирилган бир ви-лоят, холос. Умид қиламенки, сузларимни камтарлик-ка йуймагайсиз. Зеро, зукко муаррихсиз, барчага эрса-да, сизга махфий эмаским, манфаатлар талоши узра қурилган салтанатнинг замини ҳамиша омонат булур!..

Улкан сарой сув қуйгандек жимжит эди.

— Сизни менга худо сткурди, — деди Бобур. — Мен ҳам бошимдан кечмиш воқсаларни қоғозга тушириб,

<sup>1</sup> Оли — аялоди.

тартиб бермак орзусида эдим. Баъзи ниҳояга етган саҳифалар бор, насиб этса, уқиб кенгашурмиз.

— Бош устига, олампаноҳ. Бу азиматингизни тангри таоло муборак қилсин!

— Иншооллоҳ.

— Шул олижаноб мақсадингиз кунгилдагидек уринланса, куп улуг иш булур эди. Қандоқ ном билан атамоққа қарор бердингиз, олампаноҳ?

— Номи? — Бобур икки-уч дақиқа уйланиб қолди, сунг узил-кесил бир тарзда: — Номи «Воқеоти Бобур» булур, — деди.

— Маъқул, олампаноҳ.

— Сиз йулдан ҳориб келгансиз, — деди Бобур, — толиқмадингизми?

— Йук, йук, олампаноҳ.

— Ҳа-а... Тошканддан қачон чиқиб эдингиз? Эл улус, раиятнинг кайфияти нечук? — Бобур кутилмаганда суҳбат мавзуини узгартирди. — Фаркатда истиқомат қилурми эдингиз?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Самарқанддан қувилиб, Андижон айрилган саргардон кунларим ул манзилда бир муддат туриб эдим, — дея Бобур хаёлчан сузларкан, туйқусдан товуши ҳайратомуз оҳанг касб этди. — Ёдимда, бир оқшом бир юзу ун олтига кирган кампирнинг кулбасида ёмгирдан жон сақлаб эдим. Куп умр топқон табаррук кампир эди. Бир оғаси соҳибқирон Темурбек замонасида черикка қушилган экан, муттасил шуни айтиб суйлар эди. Оғасини «Ҳиндистонда улган», деб эди. Манглайимга битмиш гаройиб савдони курунгим, бу кун ушал кўҳна кампирнинг тилидан тушмаган етти ет юртда улгириб уни эслаётирман... Ҳа-а... Сиз бунга қай йул билан келдингиз? Хурмузданми?

— Йук, олампаноҳ. Олой ва Қоратегиндан ошиб, Масчоҳ кентига утдик, андин Обигарм еқалаб, Ҳисор водийсига тушдик.

Бобур сергак тортди:

— Масчоҳ?! Галат! Йукса, Обибурдондан ҳам утган чиқарсиз?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Ё қудратингдан! — дея хитоб қилди Бобур. — Ахир, биз бир пайтлар Кобул сари отланганда худди шундоғ йул тутмиш эдик! Сиз эса, букун гуё билгандек, ортимиздан изма-из юриб келибсиз. Во ажаб! Обибурдондан ошган чоғимиз бир чашма лабида тухтаб

эдик. Шу чашма ёқасида бир тошга байт ҳам ёздириб  
эдим. Баногоҳ кузингиз тушгани йўқми?

Олим афсусланиб бош чайқади:

— Ҳеч, олампаноҳ... Не байт эди узи?

— Ҳануз хотиримдан учган эмас, — деди Бобур. —  
Жонфизо байтлар эди:

Шунидам ки, Жамшиди фаррух сиришт,  
Ба сарчашмас бар санге навишт:  
«Бар ин чашма чун мо баса дам заданд,  
Бирафтанд чун чашм барҳам заданд...»<sup>1</sup>

Бобур Мирзо қаттиқ ҳайратга тушган эди. Аммо  
чинакам ҳайратангиз ишлар кейинчалик — орадан аср-  
лар утгач содир булиб, орадан асрлар утгач ошкор  
булажагини у мутлақо билмас эди.

...Минг туққиз юз эллик учинчи йили археологик  
экспедиция Обибурдон қишлоғидан Бобур байт ёздири-  
ган уша харсангтошни топади. «Бобурнома»да қайд  
этилган тафсилот далили шу йўсин қулга киритилади.  
Лекин энг ҳайратланарли нуқта шундаки, қиссамиз  
қаҳрамонидан уч аср муқаддам яшаб утган шоирлар  
шоҳи — Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг жонбаста  
каломидан вужудга келган ва хушнаво шоир Мирзо  
Бобур, кунглигагина эмас, балки чўнг харсангга ҳам  
нақш эттириб абадият бағишлашга интилган бу байт-  
лар, орадан уч аср утгач, яна бир буюк оташнафас  
шоир — «рус шеърятининг қуёши» Александр Пуш-  
киннинг ҳам юрагига титратма солади: «Боқчасарой  
фаввораси»га айнан шу байтлар эпиграф қилиб олина-  
ди!

Бир-бирига гойибона талпинган буюк қалблар ана  
шундай гойибона дийдор қуришадилар. Бир-биридан  
асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша айри  
яшаган уч даҳо шоирнинг сунмас нафаси бу байтлар-  
нинг мўъжизакор қудрати туфайли шу тариқа улугвор  
сир, тенгсиз сёҳр касб этади. Вақтнинг қаттол, бешаф-  
қат еллари турфа замонлар қаърига совурган уларнинг  
жисму жони Шеърят диёрининг боқий бағрида ягона  
ватан топади...

Бу ҳаёт чашмаси қошига биз каби жуда куп киши-

<sup>1</sup> Эшитдимки, қутлуг табиатли Жамшид бир буюк бошида тошга шун-  
дай деб ёздирибди: «Бу чашма қошига куплар биз каби келиб ултирдилар,  
биз каби кетдилар ва йўқ булдилар».



лар келдилар, тириклик нащъасига фарқ булиб ултирдилар, сунг бир-бир абадий йуқлик сари кетдилар.

Букун чашма лабида биз завқу сафога тулиб ултирибмиз.

Биздан аввал утганларнинг барчаси кетди.

Биздан кейин келгувчиларнинг ҳам барчаси кетажак.

Бизнинг ҳам азалий қисматимиз шу.

Ҳаммамиз кетурмиз — истисносиз, истиғносиз. Бу чашма қошида на жисмимиз, на исмимиз собит қолур. Фақат, қачондир, қайдадир уртанган юракнинг уртанган тили билан бир ҳақ суз айта олган булсак, елғиз шу сузгина замонлар сурониға буй бермай, асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша ҳаққа ташна, уртанган бир юракка етиб бормоғи эҳтимол...

Қайда у — уша Улмас суз?..

\* \* \*

Ҳофиз Куйкий Бобурнинг рағбати туфайли зур ҳавас ва иштиёқ билан ишга киришди. Олимнинг бошдан кечирмиш уқубатлари шоҳ кутубхонасининг остонасидан ичкари ҳатлаш биланоқ буткул унут булди. У кўҳна қўлёмаларнинг сарғайган саҳифаларини куз нури ва юрак қони билан мунаввар этиб, тарихнинг унутилган, чалкаш суқмоқлари орасидан Ҳақиқат водийси сари элтувчи чағир тошли ягона йўлни излашга тушди...

Бобур илк учрашувдаёқ мусофир аллома сиймосида ота юртдан дуои салом келтирган меҳмонни эмас, балки улкан тафаккур соҳибини кўрди, аҳли дониш билан суҳбатни ҳар қандай вақтичоглиқдан афзал билгани сабабли, уни ҳар оқшом ҳузурига чорлаб, дустана иззат-икром ва лутф-карамлар курсата бошлади. Ҳофиз Куйкий суҳбат асноси буюк ҳукмдор қаршисида утирганини деярли унутиб қўярди: Бобур Мирзонинг теран салоҳияти, фавқулодда тиниқ ҳофизаси, фикридаги мантиқ қудрати унга умрини елғиз илму фанга бахш этган, мубоҳасада беназир нуроний алломани эслатар эди...

\* \* \*

Тун. Олам фароғат оғушига чумган. Сарой этагидаги қатор хос ҳужралардан бирининг даричасида мил-

тиллаётган танҳо чироқ шуъласигина поёнсиз зулмат салтанатига таҳдид солади.

Елкасига енгсиз жубба ташлаган Ҳофиз Куйкий мутолаадан толган кузларини бир зум қоғоздан узиб, аста деворга суянди. Манглайини сийпаганча даричадан ташқарига тикилди. Осмоннинг кафтдек бурчи оқариб куринарди.

Кеча оқшом суҳбат воқеъ бўлгач, Бобур унга бир жуъз қоғоз узатиб, сскин кулимсиради.

— «Воқеот»ми, олампаноҳ?

— «Воқеот».

«Воқеот»нинг қудратли сеҳри Ҳофиз Куйкийнинг ақлу ҳушини тамоман мафтун этган эди. Бобурнинг улугвор, шавкатли сиймоси олимнинг куз унгида сатрма-сатр юксалиб борарди.

Унинг нигоҳи яна қоғоз бетида кезишга тушди.

«Фарғонанинг жануби тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатта воқеъ булубтур, — деб ёзарди Бобур соғинчдан уртаниб. — Андижон эли турктур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йуқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирийда нашъу намо топибдур, бу тил билладур...»

Осуда, оромбахш тун. Бесар ой кукдан маъюс термилади. Боғда мастона ҳидлар гуркирайди. Юрак аллақандай исмсиз туйғулардан оҳиста орзиқади. Олим мижжаларини юмган куйи ана шу исмсиз туйғуга исм топмоққа тиришади: нима бу — соғинчми, андуҳми, ҳасратми? Балки, ушбу гузал лаҳзаларнинг энди асло такрор булмаслигини, дақиқалар ҳосиласи — умрнинг бебақолигини яна бир карра анлагани туфайли кунгил пинҳоний изтиробда сирқираётгандир?

Олим хурсиниб қуйди, қалам оқ қоғоз узра шодон югура бошлади:

«...Куп вақт ҳазратнинг файзисб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ушмундоқ ғариб ҳолни фаҳм этдимки, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Курагоний ва жаннатмакон Мир Алишерга бирдек улугъ эътимод боғлағон эдилар, аларнинг қутлуғ номларини ҳаргиз тилдан қуймасдилар. Ҳазрати Мир ҳаётлигида дийдор насиб этмаганини муттасил таассуф била суйлар эдилар...»

У қаламни лавҳнинг бир четига қуйиб, уйга толди. Суронли замонларнинг шиддатвор тулқинларида саро-

сар суринган, уз дилига беҳад яқин бу икки буюк зот — Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида уйлаб кетди.

...Ҳаёт уларнинг дийдор қуришувини хуш кўрмаган эди. Улар то тирик эканлар, бир-бирлари сари мислсиз ихлос ва иштиёқ билан талпиндилар. Иккисининг ҳам қалбида бир-бирига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гаплар пинҳон қолди.

Ва фақат улим, шафқатсиз, одил улимгина уларни дафъатан яқинлаштиради — улар ягона бир замин тупроғида, бир-бирларидан бор-йўғи юз эллик чақирим масофа нарида, бир-бирларидан буткул беҳабар мангу маскан ва фароғат топадилар, уларнинг боқий ва мардона руҳи юлдузларга тўлган ягона осмон остида беором кеза бошлайди.

Юз эллик чақирим!.. Ёвқур, уқтам чавандоз бу масофани учқур тулпорда икки кечаю кундузда босиб ўтмоғи тайин. Аммо орадан асрлар ўтса ҳамки, улар шу манзилга абадиян мутеъ бўлиб қолаверадилар, бир-бирларининг истиқболларига ҳеч вақт пешвоз чиқа олмайдилар ва қалбларигаги бир-бирларига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гапларни ҳеч қачон айта олмайдилар...

Бироқ Ҳофиз Куйкий — Мовароуннаҳрнинг зукко алломаси, қисматнинг бу турфа савдоларидан ҳали мутлақ беҳабар эди. Ногаҳоний, нотаниш бир галаён олимнинг куксини туйқусдан ҳаяжонга тўлдирди. Шу лаҳза Бобурни кургиси, дилидаги гаройиб туйғулар ҳақида унга сўзлагиси келди, қалбини чуллаган ва ўзи ҳам англаб етмаган бу ғалати ҳисларни фақат шу закий зотгина тушуна олишига чин юракдан ишонди.

Аммо бу айни пайтда рўёбга чиқмоғи мушкул бир истак эди. Бу вақтда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо улкан салтанатнинг улкан ташвишлари билан мамлакатнинг жанубий вилоятларида икки кундирки, беҳаловат кезиб юарди.

Олим ўрнидан енгил қўзғалиб ташқари чиқди, айвоннинг нақшинкор устунига суянганча нимтапир оқиш туста кира бошлаган Машриқ томон тикилган куйи сас-салосиз туриб қолди.

Тонг яқин эди. Ҳофиз Куйкий Ҳиндистон тупроғида бедор қарши олаётган ун иккинчи тонг ёришиб келарди.

Боғи Нурафшон — ер юзининг жаннати — сирли фароғат ва шукуҳга тулиб шовиллайди.

Ҳофиз Куйкий бу дилқаш масканга биринчи кундан оқ қизгин меҳр қуйди. У кун бўйи гоҳ кутубхонада, гоҳ хужрасида мутолаадан бош кутармай утиради, оқшом тушиб, қош қорая бошлагач, адоқсиз боғ саҳнида хаёлкаш кезиб, ҳорғинликни буткул унутади.

Шундай оқшомларнинг бирида у Бобур Мирзога дуч келиб қолди.

Боғ этагида, азим шамшод ва дафна дарахтлари орасида қад кутарган муаззам тоқи равоқда Бобур ёлғиз утирар эди. Умрининг сунгги йилларида у саройдаги хушчақчақ сурон билан тула базму томошалардан совиган, жон олғувчи ҳинд раққосаларнинг ситамкор ишвалари ҳам, булбулигуё шоирларнинг шон-шуҳрат қўйида уртаниб айтгучи дилрабо байтлари ҳам энди кунглига завқ бағишламас эди. У кўп вақтини куздан йироқ, хилват шу тоқи равоқда танҳо утказар, аҳён-аҳён, хуши келган чоғлардагина Юсуфийни чақириб, гулоб буюрар эди. Бундай пайтларда Боғи Нурафшонга теран сукунат тукар, олампаñoхнинг дардманд, мискин кайфиятини сезган сарой аҳли, мулозимлар ун чиқармасликка тиришар эдилар.

Ҳофиз Куйкий Бобурни қаттиқ хаёл оғушида куриб, секин изига қайтмоқчи бўлди. У қизғиш кўм сепилган йулкадан муъжаз хиёбонга бурилганида, ортидан Бобурнинг:

— Мавлоно, марҳамат қилгайлар! — деган маънос овози эшитилди.

Тоқи равоқда, қизил сандал оғочидан ишланган пастак хонтахта устидаги олтин барқашда мунаққаш кузачалар, нафис чинни пиёлалар тизилиб турар эди. Ҳофиз Куйкий оҳиста таъзим қилиб, пойгакка тиз чўкди.

— Истироҳатму? — Бобур кузларини қисганча кўлимсираб унга қаради.

— Ҳа, олампаñoх, бу кун оқшом гоят латиф...

— Ҳа-ҳа... — Бобур бош ирғади. — Латиф, латиф...

Хийла вақт сузсиз-садосиз қолдилар. Кўёш боғ ортида жимирлаб оқаётган Жамна сувига зар кокиллари ювмоқда эди. Ниҳоят, Бобур интиҳосиздек туюлган жимликни бузиб:

— Ушнинг оқшомлари ҳам кўп сўлим, тароватли бўлур, — деди.

Ҳофиз Куйкий бош иргаб қуйди.

— Бу оламда мен кезмаган юрт кам қолди, — деб давом этди Бобур уйчан оҳангда. — Не-не гузал масканларни забт этмадим! Лекин ҳеч қайда Ушдек латофатлиг бир вилоятни курмадим...

У ҳаёлга чумганча тагин жим булиб қолди.

— У сзда бир устувор тоғ бор, Бароққуҳ дерлар. Мен Ушни олганимда — тарих тўққиз юз иккида — тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлиқ ҳужра солдим... Тамом шаҳр ва маҳаллот оёқ остида эди. Ҳануз уша ҳужра куз унгимдан кетмайди. Айниқса, шу кунлар... Қани эди, инон-ихтиёрим узимда булсаю беш кунлик гуноҳкор умрнинг қолганини уша ҳужрада утқарсам! — дея туйқусдан шивирлади Бобур.

Ҳофиз Куйкий унга ҳайроналик билан қаради. Бобур гуё суҳбатдошини унутгандек паришон ултирар эди.

— Минг таассуфки, дард бор, дармон йўқ. — У огиртин олди. — Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно, уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёридан ҳалос булмоғи лозим экан...

Ҳофиз Куйкий нима деярини билмай қолди.

— Мени «соҳиби салтанат», «етти иқлимнинг шамси анвори», «шаҳаншоҳи олам», деб кукларга кутарадилар, — дея ҳасратли товуш билан сўзларди Бобур. — Лекин бирор кимса билмайдики, мен ҳам асли шу ёғоч тахтга қарамман, мана шу ялтироқ тожга қулман... Илло, ҳар бир банда фақат Оллоҳагина қул эмас.

Олим бирдан қизаринди. Ахир, у ҳам Бобурни неча дафъа такрор ва такрор айна уша сўзлар билан мадҳ этмаганмиди? Лекин азал-абад шундай бўлгач, унда не ихтиёр? Чиндан-да, мушкул муаммо бу: ахир ҳукмдорни инсон инсонни атаганидек, «биродар» ёхуд «оға», ёхуд «ини» деб атаб булмаса!..

Демак, бу сўзларни у ҳар сафар ботиний истехзо ва ижирганиш билан тинглар экан-да...

Ҳофиз Куйкий ҳиндлар Бобурга «қаландар шоҳ» дея ном берганликлари бежиз эмаслигини дафъатан англади.

— У юртлар энди бизга ҳаром... — Бобур қўлидаги пиёладан аста гулоб ҳўплади. — Олманинг сарҳилини қурт ермиш. Юрт бузғувчи, бадфёъл, бойқуш шоҳларга қолди у вилоятлар... Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ганимга берармиди?

Олимнинг вужудига симобдек титроқ югурди. «Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмагай...» Бобурнинг маҳзун, аммо маънодор бу сузлари унинг юрагида илҳом утини ёқди — шу бир жумла не вақтдан буён тухтаб ётган асарига нажотбахш куприк булиб тушуви муқаррар эди...

У олампаноҳдан тезроқ ижозат олиб қузғалиш истагида уртана бошлади.

Яна сукунат чуқди. Ҳофиз Куйкий на бу осойишта, дилбар сукунатни, на уйга толган Бобурнинг хаёлини бузишга журъат этарди.

Бобур ботиб бораётган қушдан қуз узмай утираркан, бир пайт алланарса ёдига тушган каби эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Моли вофир, эли кофир, йул ёвуқ...

Ҳофиз Куйкий бирдан сергак тортиб, Бобурга ялт этиб боқди.

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ, — дея бош чайқади Бобур ва жимиб қолди.

Ҳофиз Куйкий лол қотган эди: карвонсарой, Бахшитурк, бу сирли байт...

У фикрини йиғиб, нимадир дейишга оғиз чоғладию, ботинолмади: суҳбатдошининг қиёфасидаги ҳоргин изтиробни куриб, ҳозир ҳар қандай суз ортиқча эканини пайқади.

— Мавлоно... — Бобур туйқусдан унга угирилди. — Сиз куп мушкулотларни кечирган соҳиби ақлсиз. Мен сиздан яна бир суроқ сурасам майлими?

— Бош устига... — Олимнинг бирдан тили тутилди, сунг журъатсизгина: — Бош устига, олампаноҳ, — деди.

— Мана, сиз... Йўқ, Оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ худ, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига куп биликсиз нарсалар аён бўлғусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо менинг... Не вақтларким, мен муттасил бир туш куриб мазмунини англамоқдин ожизман. Тунлар баъзан яккаш бир йўсин манзара намоён бўлур, уша Фаркатда курганим — тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган. Қулимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман. Ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирсқирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқибқалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи ҳушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону

паришон ултираман. Сунг аркони давлат, мунажжимлардан таъбир сурайман «Олампаҳо, муборак назарингиз тушган ул канора, иншооллоҳ, саодат соҳили булур», дейдилар...

Мағрибдан шамол турди. Гулларнинг боши эгилди. Қуешнинг сунгги жилваси тоқи равоқнинг гулгун нақшларини яллиглантирди.

— Саодат соҳили! — Бобур ениқ бир хурсиниш билан хитоб қилди. — Қайда у? Қай бахтиёр кимса унга етибдир?

Ҳофиз Куйкий ҳануз сомеъ бўлиб утираркан, лаблари бсихтиёр шивирлади: «Дарҳақиқат, қайда у? Бу рубъи маскунда саодат истаган банда ҳар вақт унинг чин дийдорига эришурмикан? Дунени зир титраган жаҳонгирки унга етмаган экан...»

— Куп алломалардан, уломои киромлардан суроқладим: «Қайда у?» Кунгил тингудек бир жавоб топмадим, — дея давом этди Бобур. — Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизининг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсини канорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...

Ҳофиз Куйкий дилидаги гап тилига қай йусин қалқиб чиққанини билмай қолди:

— Саодат соҳили — ватанда, олампаҳо...

Бобур бирдан ялт этиб қаради. Шоҳнинг ғамгин кузларида ногоҳ укинч куланкаси пайдо булганини куриб, Ҳофиз Куйкий гайришуурий тарзда унинг дилидаги битмас жароҳатга тиг тортганини пайқади-ю, хи-жолат чекиб, ерга тикилди.

Уфқ қуешни уз бағрига дафн этди. Булутларнинг кукси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чекди.

Ёруғ оламда бу фарёдни муаззам тоқи равоқда уз ҳаёлларига гарқ бўлиб утиргани икки кишидан булак бирор кимса эшитмади...

\* \* \*

Эртаси оқшом Бобур уни одатдагидек яна ҳузурига чорлади. Бу кун унинг кайфи чоғ куринар, кечаги маҳзун уйларида асар ҳам сезилмас эди. У фикрнинг баъзи бир масалалари юзасидан олимдан фикр суради, сунг «Воқеоти Бобур»нинг янги саҳифалари хусусида суз очди.

Вақт шомга яқинлашганда, йирик лашкарбошиларидан бири — амир Султон Муҳаммад Дулдой кириб бош эгди:

— Олампаноҳ, шаҳнатун нажаф Ҳумоюн Мирзодин чопар келди!

— Ҳуш? — Бобур уткир кузларини амирга қадади.

— Ҳумоюн Мирзо кеча оқшом муборак ҳузурингиз сари отланган экан. Бироқ тонгласи Жунпурда боши бузуг ҳиндилар яна исён кутармишлар. Ҳумоюн Мирзо зудлик билан мадад тилайдир.

Бобур бир зум уйланиб қолди:

— Ҳа... Хожа Калон қайда?

— Хожа Калон ҳали Банголадан қайтгани йуқ эди. Олампаноҳ ижозат этсалар, туркман навкарини олиб, ҳозироқ йулга чиқур эдим.

Бобур бош ирғади:

— Маъкул. Отланинг. Фақат Ғиссиддин қурчига стказинг: Қандаҳор йулига киши чиқарсин. Ҳасан Алининг бир туп йигитларини андин олиб Лоҳурга юбормоқ даркор.

— Лоҳурга?

— Жунпур рожаси Лоҳур бегининг қайниси булур. Мақол борким, узинга эҳтиёт бул-у, қушнингни угри тутма. Бас, эҳтиёткорлик ҳеч кимсага зиён келтирган эмас.

— Бошим билан, олампаноҳ!

— Оллоҳ ер булсин. — Бобур кафтларини фотиҳага очди. — Омин, е раббил оламин!

Султон Муҳаммад Дулдой юзига фотиҳа тортди-да, эшикка йуналди. У бусагага етганда Бобур:

— Амир Султон Муҳаммад! — деб чақирди янгроқ товуш билан. — Бир лаҳза сабр этинг! Ҳумоюн Мирзога амримизни етказингким, токи фақат ақл ва тадбир билан иш кургай. Уқдингизми? Сиздек соҳибтажриба кишига ҳеч бир ургатгулик ери йуқдур.

Султон Муҳаммад Дулдой таажжуб билан остонада қотиб қолди.

— Нечун тагофилланасиз? Англамадингизму? Бу сафар ҳам Балодардагидек қиргин-қиёмат купмасин, дсйман!

Амрнинг силлиқ мийиқлари асабий пирпиради:

— Амрингиз вожиб, олампаноҳ, аммо бу содиқ қулингизнинг фикри ожизига ҳам қулоқ берсангиз: бузукбошларнинг давоси — ёлғиз қилич!

Бобур кескин бош чайқади:



— Ғалат суйлайсиз, амир Дулдой! Мамлакатдорликда ҳар бир ишнинг уз мавриди бордир. Сиз бу юртда бугун бир бошни узсангиз, эрта сизга қарши иккиси бош кутаради. Сунг унутмангким... — У бир лаҳза тин олиб таъкидлади: — «Мурувват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст»<sup>1</sup>. Бу ҳикматни ким лутф этган, билурмисиз?

— Олампаноҳ...

— Соҳибқирон Амир Темур Курагоний! — деди Бобур уқтам бир гурур билан ва суҳбатга якун ясагандек, урнидан турди. — Хуп, ижозат, боринг. Сузларим кулогингизда бўлсин!

\* \* \*

Орадан уч ҳафта утди. Ҳумоюн Жунпурдан зафар қозониб қайтди. Агра шавкатли бир руҳга чулғанди.

Бир тонг Ҳофиз Куйкий дилгаш булиб уйғонди. Бомдод намозидан сунг ҳам кунгли еришмади. Тунда курган аллақандай олоқ-чалоқ тушини эслади, жойнамоз устида утирган куйи таъбир излади.

Тушига раҳматли Биноқул кирибди: қулларини фотиҳага очиб турган эмиш.

«Арвоҳи чирқиллаб юрибдимикин? — дея эзилди Ҳофиз Куйкий. — Балки ҳақиға дуои фотиҳа лозимдир... Умидвор-умсинганлар озмиди, ахир?»

Шу уй баробари қалбида соғинч туйди, салдан кейин соғинч туйғуси айбдорлик ҳисси билан алмашди.

Биноқулнинг бевақт улимига у ҳам бсихтиёр сабабкор эмасми? Нега худонинг бир мумин бандасини йулдан оздирди? Ахир, ушанда йигитни бу хатарли орзусидан қайтарса бўлмасмиди? Ушанда бир муслимининг падари билан дийдор топишувига кумақлашай, ҳарна савоб деб, уйлаган эди. Энди батафсилроқ мулоҳаза қилиб қараса, ота дийдори Биноқулга бир баҳона экан, холос. Ахир, у бедарак отасидан кўра кўпроқ Бобуршоҳ ҳақида ёниб сузламасмиди? Бобур Мирзонинг жонбаста ғазалларидан кўра кўпроқ жангу жадаллари тарихию музаффар жаҳонгирлик таърифини сўраб-суриштирмасмиди? Нега ушанда манглайи қора бу ғофил йигитни узининг уқубатли йулига ҳамроҳ, чигал қисматига ҳамдам этди? Чин саодат олис тоғу тошлар ортидаги бегона юртда эмас, балки илгидаги икки таноб срию косиблик дўконида эканини у гумроҳ ким-

<sup>1</sup> «Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуглайди»

сага уқтирмади? Не боиским, Бинокул Бобуршоҳга бу қадар ихлос қуйган эди?..

Нонушта чоғи ҳам шу андишалар хаёлидан нари кетмади. У ҳужрасидан чиқиб, аста кундалик машғулотларига отланганида, мулозим келиб ҳузури муборакка — шоҳ қабулига таклиф этди.

Бобур уни шу пайтгача ҳали бирор марта эрталабдан йўқламаган — оқшомларигина суҳбатга чорлар эди. Олим кутилмаган таклифдан таажжубланиб, сарой сари йўл олди.

Девонда Бобур негадир ёлғиз, аркони давлатдан ҳеч бир кимса кўринмас эди, Ҳофиз Куйкий таъзим адо қилиб, курсатилган жойга ултираркан, Бобур унга синчков назар солиб:

— Устингиздан шикоятлар бор, мавлоно, — деди.

Ҳофиз Куйкий азбаройи гангиганидан талай вақт тили калимага келмай қолди.

«Ё раббано! Қуруқ тўхматдан узинг асра!»

Ниҳоят, юрак ютиб, бўғиқ овоз чиқарди:

— Гофил қулингиздан не гуноҳ содир бўлибдир, олампаноҳ?

— Гуноҳ шулким, — деди Бобур қатъий оҳангда, — баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдирлар: тортган таомларидан лоақал бир луқма танаввул этмас эмишсиз. Шу гап чинми, мавлоно?

Ҳофиз Куйкийнинг вужуди зириллаб бушашди.

«Хайрият!»

— Ҳа, олампаноҳ, — деди у бош ирғаб.

— Сабаб? — деб суради Бобур чимирилиб.

— Сабаб... Олампаноҳ, хотирингизга бад гумонлар келмасин, баковулларингизда ҳам, таомларда ҳам ҳеч бир айб йўқтур, — деди олим оҳиста тин олиб. — Алардин танаввул этмаслигимнинг боиси шундаким, мен тутмиш тариқат йули бунга имкон бермайдир. Маълумингизким мақомати нақшбандияга биноан, ўзганинг миннатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсагина кишига ҳалол саналур...

Бобур бирдан сўзсиз қолди, сукутга чўмди.

— Хуп, бу узрингизни инобатга олайлик, — деди у ниҳоят, ҳамдардона бир йусинда. — Лекин сизнинг куча-қўйларда сув ташиб, ер супуриб юришингиз ўз шаънингизга ҳам, бизнинг шаънимизга ҳам ярашмас. Оғзига кучи стмаган мардум айтмасмики, мусофир меҳмонини сўғдирмабдир, деб.

Ҳофиз Куйкий хижолат чекиб кулимсиради:

— Кунгил тугри булгач, мардумнинг ҳар не гап-сузи ҳеч эмасми, олампаноҳ?

Бобур яна узоқ уйга толди.

— Хайр, майли, бироқ хизматингизга берилган мулозимларни жунатиб юбормоқ на ҳожат эрди?

— Олампаноҳ... — деди олим қулини куксига қуйиб. — Утиниб сўрайдирмен, бу ҳаракатларим зинҳор ношукурлик деб баҳоланмаса... Начора, бу нота-вон банда мулозим сақламоққа қодир эмас. Мен — бир Оллоҳ қули, бас, узим қул булганим ҳолда, яна қай йусин қул сақламоққа ҳаддим сиғсин?

— Нечук хотиримдан фаромуш булбугур? — дея бош тебратди Бобур. — Ахир: «Қачон бу бандалиг хожалиғ била рост келур!» Шундай эмасми, мавлоно?

— Ҳаққаста рост, олампаноҳ.

Гап-суз тутагандек, ҳар ким уз фикр-уйларига гарқ булгандек эди. Бир пайт Ҳофиз Куйкийнинг қулоғига аллақандай ҳасратли, шиквакор шивир чалинди:

— Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?

Олим бошини кутариб, Бобурнинг мубҳам изтироб чуккан кузларини кўрди, кўрди-ю, ботиниб қараёлмади.

— Лаббай, олампаноҳ?

— Бизнинг аҳволимиз не кечур? — Шоҳнинг сезилар-сезилмас таассуф оҳанги зоҳир овози аста титраб кетди.

Ҳофиз Куйкий шошиб:

— Сизнинг йуригингиз булак, олампаноҳ, — деди.

— Нечун, мавлоно? Ёинким, тангрига бандаликни бизга раво кўрмайсизми?!

Яна эзгин жимлик, яна безовта сукут...

— Гоҳи дамлар озодаваш дарвеш булгим келади, — дея ногоҳ тилга кирди Бобур. — Барчасига этак силкиб. «Ҳайё ҳуйт!» деб оёқ етгунча кетсам, дейман... Мундин икки йил муқаддам Чандара отлиғ бир вилоятда булгон қаттиқ чопқиндан сунг шу хаёл хотиримга бот-бот келадиган булиб қолди. Ул қаттол бир жанг эдиким, тукилган қон дарё булиб, мурдалар эса ушал дарёда хас-чуп булиб оққан эдилар. Тангри бизга яна бир бор иноят қилиб, қулимиз баланд келган эди. Чопқиндан сунг барча беклар базмга йиғилиб, зафар нашъасидан тулиб-тошиб суйладилар: ким филлар подасини талотуп этган, ким зарбзан палақмонларни ганимнинг узига қараб уқ отмоққа мажбур қилган... Мен эса бир суз демай ултирардим, паришон, афтода-

қол. Куз унгимда содир бўлмиш қурқинч бир жасорат ақлу ҳушдан тамом айирган эди: жувонгор қуршовида қолган қалъа девори остида ҳинди аскарлари навкарларимиз зарбидан бир-бир қирилиб битдилар, ахири, ун беш нафар ёв аскари муқаррар бандилик хавфида қолди. Шу чоғ алардин бири ағдарилиб ётган ароба узра чиқиб, қилич яланғочлади, бошқа ун турт нафари бир-бир келиб қилич тигига бошларини тутиб бердилар... Ниҳоят, қилич тутқон навкар қўйнидан дудама ханжар чиқариб, уз куксига санчди... Аларнинг жасоратиға сидқидилдан тонг қолдим. Ва сунгроқ гуноҳкор дилимга ситам кирди.

Ҳофиз Куйкий, қаршисида кунгил ёриб истиғфор келтираётган музтариб бу кимсага ич-ичида Оллоҳдан шафқат ва мағфират тилар эди.

— Англадимки, бу улкада аларнинг ёлғиз жисмларини буйсундира олур эканман, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан... Ва яна англадимки, алар ўз юртларидан тириклайин жудо бўлмоқдин кура улимни афзал кўрдилар. Мен эса, не юз қаролигим, ўзга юртни ўз юртимдан афзал билдим...

Бобурнинг мискин кайфияти олимга ҳам юқди. Тусатдан олис тоғ этагидаги қишлоғини, китобларга тула ҳужрасини бениҳоя соғинганини ҳис этди, ҳозироқ йўлга отлангиси келди.

— Қайтгим келадир, мавлоно! — деди Бобур тулиқиб. — Аммо имкон қайда?.. Сиз билан қуришганимдан буён ғариб бир хаёл туну кун тиним бермайдир: ул вилоятларни энди зўру зарб билан ола билмасмен. Хайр, олайин ҳам. Лекин дастимдан шунча ситам қурган она юртимга яна ситам утказаманми?.. Йўқ, балки ўзга чора излаб кўрмоқ даркордир. Розимен, киндик қоним тукилмиш юртга шохлик миннатидан халос бўлиб, қаландар либосида қайтай...

Яна дилгир сукунат ҳукм сурди. Бобур туйқусдан қуйи эгилиб, сирли товуш билан шивирлади:

— Мавлоно... Йўлга бирга отлансак, не дейсиз?

Ҳофиз Куйкий Бобурдан ҳар не сўз кутса кутган, бироқ унинг бундай ногаҳоний кенгаш тилашини ҳаргиз хаёлига келтирмаган эди — эс-ҳушидан айрилгандек анграйиб қолди.

— Нечун жимсиз, мавлоно? — деди Бобур уртаниб. — Суйланг, бир сўз денг!

— Олампаноҳ... — Олим ночор тин олди. — Салтанат не бўлур?

Бобур паришон қул силтади:

— Эҳ, салтанат... Не бўлса — Оллоҳдан! Шу салтанат миннати умр буйи оёғимга кишан бўлди, муродимга — гов. Лекин... — у қучланиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди. — Лекин энди бир зур билан жаҳл қилурмену бу кишанни тилка-тилка этурмен!

Шу пайт хосхонага нафис шоҳи қўйлак устидан ёқутранг зарбоф камзул кийган етти-саккиз ёшлар чамалиг дуркун қизалоқ — Гулбаданбегим югурганча кириб келди. Отаси ҳузурида бегона киши борлигини кўриб, пойгакда бир дам тўхтади, сўнг бошидаги нимпушти ҳарир рўмолини тузатиб, таъзим билан салом берди.

— Ваалайкум ассалом, она қизим, — деди Бобур чехраси ёришиб. — Келинг?

— Бегимлар канизлар билан байт айтаётирлар, падари муборак, — деди Гулбаданбегим туйгун кузлари чақнаб. — Соз чалиб уйин қилаётирлар. Мен тинглаб ултириб эдим, ногоҳ бир рубойини ёд олдим.

— Боракалло зехнингизга, она қизим! — деди Бобур жилмайиб ва Ҳофиз Куйкийга қараб қўйди. — Қани, йўқса эшитайлик, не рубойини ёд олдингиз экан?

— Сиз битмиш рубойини, падари муборак.

— Қани?

Гулбаданбегим бийрон тил билан, бурро-бурро ўқий кетди:

Туз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур,  
Юз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур,  
Сирриштаи айшдин кунгулни зинҳор  
Уз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.

Бобур, кунгли эриб, қизини бағрига босди, манглайдан, юз-кузларидан суйиб ўпди.

— Илоҳим, тангри уз паноҳида асрасин сизни, — деди. — Ҳофизангиз дуруст, она қизим. Фақат жузый бир саҳв қилдингиз, майли, ҳеч боқиси йўқтур.

Гулбаданбегим лоладек қизариб, отасига ҳайрон боқди:

— Қай нуктада, падари муборак?

— «Сирриштаи айш», деб ўқидингиз. Бу маъни форсийда асли «сарриштан айш» булур, яъниким, «калаванинг учи» демакдир, — деди Бобур кулимсираб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам ҳали мен айтган-дек ўқиб эдилар, — деди Гулбаданбегим хиёл тараддудланиб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам шундоғ ўқиган булсалар, — деб кулди Бобур, — у ҳолда, калаванинг учи ҳуб чувалган экан!

Ҳофиз Куйкий беихтиёр кулгига қушилди. Гулбаданбегим ҳам кунгироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Йуқ, мен бориб айтай, калаванинг учини топиб олсинлар, — деди у ва югурганча чиқиб кетди.

Бобур унинг ортидан термилиб қоларкан, лаҳза утмай, кузларидаги меҳр ўрнини андуҳ эгаллади.

— Мана, мавлоно, — дея хурсинди у олимга юзланиб, — ҳол-кунимни куриб турибсиз. Дарвеш булиб ватанга қайтмоқ орзусини қилурман-у, бироқ... бу дондек фарзандларимдан қандоқ кунгил узармен? Йуқ, мавлоно, менинг имконим етмас мушкул савдо куринадир бу... Дарвеш шоҳ булмоғи мумкиндир, аммо шоҳнинг дарвеш булмоғи...

Остона ортида бетоқат қадам шарпаси, ивир-шивир товушлар эшитилди. Бобур сергак тортиб, эшик томон қаради. Ранг-кути қум учган, фавқулодда бесар-безовта сарой муҳрдори Кичик Хожа эшик оғасининг ортидан шошиб ичкари кирди.

— Не гап? — Бобур унинг бежо авзойини куриб, илкис ўрнидан қузғалди.

— Нохуш хабар, олампаноҳ! — деди муҳрдор нафаси тикилиб. — Афғон амирлари Бибан ва Боязид Қануждан қочиб, Шамсиобод қалъасини ишғол этмишлар, Абул Муҳаммад найзодор ожиз қолибдур. Фитнакорлар Гангдан утиб, Сарвар сари жадал босиб келмоқда эмишлар. Фотиҳхон Сарбоний ҳам аларнинг химоятига таяниб, қайта бош кутармиш. Деҳлидан ҳам чопар келди: Рано Сангонинг чериги шаҳарни тамом қуршов тутмишдир. Нусратшоҳ ҳам алар билан иттифок тузган эмиш!..

Кичик Хожа, келтирган бу хабарлари учун елғиз узи айбдордек, бошини куйи солган куйи тош қотди.

Бобурнинг маҳкам қимтилган юпқа лаблари сезилар-сезилмас пириллаб уча бошлади, бодом қовоқлари остидаги қийиқ кузларида Ҳофиз Куйкийга бегона бир шиддат ва қаҳр алангаси ёнди.

— Уҳ, мальўнлар! — деди у тишларини қисиб. — қасам кўр қилгур муртадлар! Неча дафъа аларнинг

сулҳ ва итоат бобида берган пуч ваъдаларига инондим, бироқ ҳар сафар ҳам мана шундоғ гофил қолдим. Бу ҳаёли бузуғлар салтанатни эгасиз деб, Бобур мирзони улган деб гумон қиладилар, чамаси. Хайр, майли, узларидан утди — узларидан курсинлар! Лафзни унутқонларга шафқатни унутмоқ керак!

У кескин юриб ғоиб эшик олдига борди, ҳануз музтар турган кичик Хожага шижоатли нигоҳини тикди:

— Хуш, Кичик Хожа?

— Лаббай, олампаҳо? — Кичик Хожа кузлари жавдираб унга юзланди.

— Ранг-руйингиз бир ҳолат?

— Олампаҳо...

— Нечун абдирайсиз? Бундоғ қаро кунларни ҳеч кўрмабмидингиз? Сиздек суянган тоғимизки шумҳабар шабадасига тебранса, хуб булғон экан! Тагин узгалардан на гина қилайлик!

— Олампаҳо... — Кичик Хожа бемажол титраб, тилга кирди. — Камина қулингизнинг садоқати ҳам, жасорати ҳам зоти муборақларига кундек равшандур. Давлатингиз соясида куп марҳаматлар кўрдим, шавкатли кунларингиз саодатига шерик булдим, энди жаҳаннам комига йўлласангиз ҳам бош тортмай бормоқ мен учун фарздур. Фақат, кунглингизга келмасин, парিশонлигим боиси булак: муңдин ярим соат бурун Шамсиобод қалъасидан фарзанди аржумандим Малик Хожанинг улигини келтирдилар...

Тош қотмоқ навбати энди Бобур Мирзога етган эди. У бир сўз дея олмай, жойида туриб қолди.

Барлос бекларидек алпкелбат, мутаассир чехрали Малик Хожага уч ҳафта муқаддам уз қули билан исфаҳоний қилич тортиқ этган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган бу баҳодир йигитни юзбошилик мартабаси билан қутлаб, лутфу карамлар курсатган эди. Мана, букун энди у йўқ. Унинг уша лутфу карамларини деб шаҳид бўлибди!

«Ё раб! Қандоғ навқирон эди!»

— Оллоҳ сабр берсин, ҳабибим, — деди у кўкси ҳўрсиниққа тулиб ва муҳрдорнинг ғам букиб қўйган жўссасини бағрига босди. — Бошингизга шундоғ мусибат тушибди-ю, сиз нечун бунда юрибсиз?

— Олампаҳодан ижозат...

— Ижозат не! — деди Бобур койиниб. — Боринг, маърака тадоригини кўринг. Тўхтанг! Раҳматлининг еши ун саккизмиди, ун туққиз?

— Ҳамал келса, ун тўққизга чиқур эрди, — деди кичик Ҳожа узини базур тутиб.

— Во дариг! Жувонмарг кетибди... — Бобур Мирзо суз тополмай қолди, ҳозир ҳар не таскин-тасалли айтмасин, жабрдийда отанинг мискин кунглини кутармоққа ҳарчанд тиришмасин, барча ҳаракатлари зос, барча маҳрами асрорлиги сохта бўлиб чиқадигандек туюлди — эзилди, уртанди...

Хуфтон намози уқилгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бошчилигидаги йигирма минг отлиқ-яёв қушин шаҳар дарвозасидан гурас-гурас чиқиб, Агра сари мур-малаҳдай бостириб келаётган душман қарши-сига — ҳаёт-мамот жангига жунади.

...Малик Хожанинг жанозасида Бобур Ҳофиз Куйкийга тасодифий кузи тушиб: «Ҳали учрашурмиз, мавлоно» деган эди, аммо оқшом олим у билан хайрлаша олмади.

Шу буйи улар олти ойдан сунг — Бобур Шимолий Ҳиндистонда тинчлик ва осойишталик урнатиб қайтгандан кейингина кўришдилар.

\* \* \*

Ҳофиз Куйкий эрталабдан буён кутубхонада мутолаа билан машғул эди. У не вақтларки бир китобни излаб юрар, уни Техронда ҳам, Истанбулда ҳам, Қоҳирада ҳам ахтариб тополмаган эди. Бобурнинг кутубхонасидаги дунёнинг жамики тафаккур хазиналаридан келтирилган қимматбаҳо қўлёмалар орасида бу нодир асарнинг нафис наставлик хат билан кучирилган нусхасини кўриб, шоҳлик теккан гадодек қувониб кетди. Бу — Муҳаммад ибн Инъомнинг «Тарихи Туркистон» асари эди. Олим китобни зур иштиёқ билан мутолаа қилди, сон-саноқсиз истило ва босқинлар, мислсиз кулфатларда топталиб, вайрона култепалар узра Қақнус сингари қайта мағрур қад тиклаган асрлар буйи кимсага буйин эгмаган она халқи, она юртининг шонли тарихи қалбига ларза солди, шу ажойиб, асар юрагида қузғаган ҳайрат ва ҳаяжон тўлқинлари тинмасдан туриб, уни она тилига угирмоққа киришди. Шу тариқа бор оламини унутиб ўлтираркан, китобдор келиб слка-сига оҳиста кафтини қўйди:

— Маъзур тутгайсиз, мавлоно, сизни йўқлаб келмишлар.

Ҳофиз Куйкий остонада хомуш қисфада турган Юсуфийни кўриб, шоша-пиша урнидан қузгалди:



— Не гап?

— Олампаноҳ сизни курмоқ тилайдилар, — деди Юсуфий гамгин товуш билан.

— Тинчликму? — Ҳофиз Куйкийнинг кунглида безовта бир ҳадик пайдо булди. — Не гап?

Юсуфий ердан куз узмай жимгина борар эди. Қоронгилик куйнида ҳайҳотдек булиб турган Боги Нурафшонга бурилиб, саройнинг оқ мраммар зиналаридан кутарилаётганда паришон оҳангда шивирлади:

— Олампаноҳ бетоб... Огир ётибдилар...

Турдаги хосхонада беш-ун чоғли одам тупланган, ҳамма ташвишманд қиёфада, шивирлашиб сузлашадилар.

Ҳофиз Куйкий юраги увишиб ичкарига қадам қуяркан, остонада кузлари қизарган, чехраси паришон Хумоюнга дуч келди. Четланиб йул бераркан, снгил таъзим билан суради:

— Қиблагоҳингизнинг сиҳатлари нечук?

Хумоюн гамли кузларини ерга тикди.

— Шукур, — деди буғиқ овоз билан. Кейин ипак салласининг печи билан кузларини артаркан: — Киринг, — деди.

Уртадаги баланд уринда Бобур Мирзо ётарди. Ранглари синиққан, киртайган кузларида интиҳосиз бир андуҳ...

— Саломатмисиз, олампаноҳ?

Бемор сезилар-сезилмас бош ирғади, кузларини шифтдан узиб, олимга қаради. Мавлоно Абулбақо унинг ёстиғини тугрилиб қуйди-да, Ҳофиз Куйкийнинг пойқадамига фотиҳа уқиди:

— Омин, дард берган тангрим узи шифо берсин!

Хобгоҳ жимжит булиб қолди. Ҳофиз Куйкий икки кун муқаддам Бобурнинг ҳузурда Тошкандга қайтиш учун ижозат сураганини эслади.

«Бемаврид бўлган экан», дея кунглидан ўтказди афсусланиб.

Бобур бошини болишдан куч билан узиб, унга юзланди-да:

— Аҳволингиз нечук, мавлоно? — деб суради.

— Оллоҳга минг қатла шукур, олампаноҳ.

— Сафарингиз қарибди-да?

Олим қулини куксига қуйди:

— Зоти шарифлари ижозат этсалар...

— Ижозат этурмиз! — деди Бобур ички бир зуриқиш билан, сунг мушкул бир вазиятда қолгандек, бошини

ёстикқа ташлади. — Мавлоно, менинг сизни бунга чорламоқдин мақсадим... — Уни бирдан йутал тутиб, сузи булинди. — Мақсадим шулки, битмак орзусида юрган таснифларингизга ривож тиламакдир, холос. Биздан не кўмак лозим бўлса, зинҳор тортинмангиз.

— Куллуқ, олампаноҳ.

— Хотирингиздан фаромуш булмоғон эрса, илк бор суҳбат қурганимизда қалбаки алломалар хусусида сузлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим, — деди Бобур. — Азбаройи ушал кузи очик, қалби басирларга қаҳрим туфайлидан... Аларнинг китоб кемиргувчи сичқонлардан не фарқи бор? Маърифат хазинасининг чин қадрига ёлғиз сиздек аҳли фазлларгина ста олур. Бизни ҳам ўзингизга тенг кўриб, кўп мутаассир этиб эдингиз, билмам, не йўсин ташаккур айтурмиз... Китобдорга фармойиш берилур: кўнглингиз тилаган исмики китобни ўзингиз билан олмоғингиз мумкин.

Борлиғи ҳаяжондан титраган Ҳофиз Куйкий қайта-қайта қуллуқ қилди.

— Бирор «сичқон»га емиш булгандан кўра, сиздек заршунос қулига тушса, одамзодга кўпроқ нафи те-гур...

Оғир жимлик чўкди. Муҳташам тилла қандиллардаги шамларнинг липиллаб ёнишигина сукунатга раҳна соларди. Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ун-гайсизликдан яна Бобурнинг ўзи қўтқазди.

— Кеча оқшом ғариб хаёлимга бир нимарсалар келиб, қоғоз қоралаб эдим, — дея заиф жилмайди у.

Барчада алланечук бир жонланиш содир бўлди:

— Олампаноҳ марҳамат этсалар...

— Табаррук битиклари номуборак қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошимиз кўкка стурди...

Бобур бир зум ўйланиб қолди, сўнг ҳорғин кўзлари-ни ёнидаги лавҳга тикди. Юсуфий урнидан илдам турди-да, лавҳ устидаги саҳтиён муқовали китобни Бобурга узатди. Бобур китоб қатидан буқланган юпқа қоғоз олиб, тиззасига қўйди, бемажол лабларига нимпушти қизиллик югургандек бўлди:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил.

Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ, оқ қил...

Бобурни тагин куруқ, қаттиқ йутал тутди, нафаси бўғилиб, сўнгги мисрани куч билан базур шивирлади:

Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил...

Рубоийнинг ажиб оҳангига сеҳрлангандек, ҳамма бир лаҳза тек қолди. Ниҳоят, бирин-кетин аёнларнинг олқишлари эшитила бошлади:

— Хуп айтибдурсиз, олампаҳо, бисёр гузал!

— Ҳақ сўз, гоят хуштакаллум байтлар...

— Ошиқона гузал лутф булибдир, олампаҳо...

Бобур Мирзо оҳиста бош чайқади, ҳазин жилмайгандек бўлди. Сениққан чехрасида бир лаҳза аламонк таассуф ифодаси куринди...

Бу дардли мисраларнинг «ошиқона гузал лутф» эмас, балки суронли умри сунгги манзил сари бораётган улкан музтариб қалбнинг келгуси насллар олдида беражак изтиробли ҳисоби, даврон ҳукми қаршисидаги маънос утинчи, Оллоҳ ҳузуридаги тазарруси эканини ёлғиз Ҳофиз Куйкийгина ўз савқи табиийси билан англади.

Бобур буни сизди, миннатдор кўзлари олимга жавдираб боқди...

Оламнинг қарийб ярмини қилич билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳаммиша шаъну шавкат оғушида музаффар яшаган бу улуг заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда курмоқлик гоят оғир эди — Ҳофиз Куйкий мутаассир булиб, беихтиёр нигоҳини олиб қочди...

Эрталаб беморнинг аҳвол-руҳияси хилий енгиллашди, аммо ҳамон дармонсиз эди. Ҳофиз Куйкий бомдод намозидан сунг у билан хайр-хушлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди, Оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.

— Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!

Унинг Ҳофиз Куйкийга айтган сунгги сўзлари шу бўлди...

Карвон эндигона Ҳиндистон сарҳадидан чиққанида купуриб кетган чавқар отда Кобул сари елиб бораётган чопар орқадан қувиб етди: «саодатманд» шоҳ — Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо оламдан утган эди...

\* \* \*

Ҳофиз Куйкий бир ҳафтагача Боғи Нурафшонда мотамдорлар билан бирга бўлди. Ногаҳоний бу муси-

батдан дил-дилдан изтироб чекаркан, бутун қалби, борлиғи Бобур Мирзо еди билан боғланиб қолганини яна бир бор теран ҳис этди, узини бениҳоя гариб, меҳрга зор сизди. Олимнинг назарида, буткул дунё хувиллаб қолгандек... Фақат Боғи Нурафшонгина ҳамон аввалгидек шуқуҳга тулиб шовиллар эди.

Марҳумга етти ушатилгач, Ҳофиз Куйкий Кобулга жунайдиган бирор карвонни дараклаб топмоқ мақсадида шаҳарга чиқди. Муддаоси битиб, дилгир саройга қайтаркан, кунгли нечундир ўзи илк бор бош қўйган карвонсарой ёнидан утишни истади. Дарвоза олдида беҳос Бахшитуркка кўзи тушиб қолди. У ғайринсоний жазавада, оғзидан тупук сочганча ўткинчиларга қўлларини тулғай-тулғай хирқироқ товуш билан қичқирар эди. Олим унга яқинлашаркан, ўша таниш байт қулогига узук-юлуқ чалингандек бўлди:

— ...сори гар йироқтур, ул ёвуқ...

Бахшитурк бирдан унга қарадию худди не вақтлардан буён излаб юрган одамани куриб қолгандек, ҳайқира кетди:

— Буни қаландар шоҳ битган, ҳа! Чоғир ичган пайтларида айтар эди, ҳа! Ҳа-ҳа, чоғир ичдингми? Бузлама, бузлама! Нсга чоғир ичасан? Бари бир охири вой, ҳа! Бу кун одина, тонгласи шанба, индини душанба, ундан сугин сешанба, чаҳоршанба, ундан сугин панжшанбаи муробдахш! Сугин яна одина, э бари бир охири вой, ҳа! Валлоҳу аълам, охири вой!

Ҳофиз Куйкий турган жойида ҳанг-манг бўлиб қолиб қолди. Ё Оллоҳ! Бу нолакор байтни Бобур Мирзо битган экан-да!

Юраги қалқиб кетди.

«Кунглим сезган эди, — деб пичирлади у, — сезган эди...»

Қаршисида Бахшитурк ҳамон жунуни жушиб вайсарди.

Ҳофиз Куйкий бошини кутариб унинг юзига тикилди. Ва бирдан сесканиб кетди: рупарасида уттиз ёшлар чамаси қариган Биноқул турарди!..

\* \* \*

Эртаси кун мурч, долчин, зайтун мойи ортилган кичик бир карвон тонг саҳарда шаҳар дарвозасидан чиқиб, Шарқ сари йул олди. Карвон сўнггида курим-сизгина от минган Ҳофиз Куйкий хомуш борар эди.

...Бепоен сахро. Қуёш олов сели пуркайди. Уфқ қадар ястанган сарҳадсиз қумликда қилт этган тирик жон қуринмайди. Аҳён-аҳён кўҳна сардобалар учрайди. Карвон қунғироғидан атрофга сароб ҳалқалари сингари ҳазин садолар таралади:

Моли вофир, эли кофир, йул ёвуқ...

Бу мунгли садолар оғушида ҳорғин кўзларини юмганча тебраниб бораётган Ҳофиз Куйкий маҳзун шодумонлик билан оҳиста шивирлайди:

Шарқ сори гар йироқтур...

\* \* \*

Азиз уқувчим!

Энди ваъдага мувофиқ қиссадан ҳисса шуки, бу асар 1981 йил ёзида Юнусободдаги бир ижара уйда ултириб ёзилди. Дастлаб у ҳикоя шаклида дунёга келди. Ва унинг тарихи будир:

Бир куни Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 7-жилдидаги «К» ҳарфи булимини назардан кечираётиб, «Ҳофиз Куйкий — Кўҳакий» деб номланган мақолага кузим тушиб қолди. Мақола кичкинагина, қуруқ илмий тилда битилган эди, аммо у мени ҳазилакам ҳаяжонга солмади!

Ахир, бундан беш аср муқаддам олис ҳамқишлоғим — паркентлик аллома Ҳофиз Куйкий ҳазрати Бобурни йўқлаб Ҳиндистонга борган экан!

Ушанда ҳаяжондан миям қизиб, Паркент ва Агра орасидаги масофани хаёлан тасаввур қилиб қурмоқчи бўлдим — асло тасаввуримга сизмади. Ким билсин, эҳтимол у ҳозир, айна лаҳзаларда мен хаёл суриб бораётган мана шу қадим йўллардан отдами, туядами, фил ёки аравадами, ҳориб-толиб йул босганча Бобур Мирзо ҳузурига ошиққандир...

Оҳ, нақадар қудратлидир Оллоҳнинг қудрати!

Ўзингиз фикр қилинг, севгили китобхон: бундан ун йиллар аввал мен — гур бир адиб ҳеч нарсани уйламасдан Ҳиндистон подшоси Бобур Мирзо даргоҳига маърифат истаб келган паркентлик бир соҳиби илм ҳақида бир нима ёздим. Ун бир йилдан сунг эса Тангри таолонинг инояти билан узим Ҳиндистонга Ўзбекистон раҳбарининг вакили бўлиб, шоҳ Бобурнинг

зурёдларига мактуб топширгани келиб турибман! Бир пайтлар узим хаёлимда чизиб тасвир этган йуллардан юриб Аграга — Тож Маҳал зиёратига кетаётirman!

Мени бу йуллардан жаннатмакон Бобур Мирзонинг руҳи бошлаб бораётган булса, не ажаб?

Ахир шу безавол руҳ қарийб чорак асрдан буён дилимга илҳом, тилимга калом бағишлаб, бу нурсиз, уткинчи дунёни кузимга нурафшон ва абадий қилиб курсатиб келаётимди-ку!

Бу шундайин улуғвор руҳки, унинг мадади ила киши тушкунликни некбинлик билан, нафсу таъмани қаноат билан, машаққатни меҳнат билан енгишга урганмоғи мумкин.

Алқисса, ўшанда шундай туйғулар таъсирида ҳикояни битирдим уни босиб чиқарадиган мард муҳаррирни кута бошладим. Чунки бунга қадар ёзган илк ҳикояларимдан бири — «Ой ботган паллада»ни нашр қилиш билан боғлиқ гафғоларни сизга сўйлаб берган эдим, муҳтарам ўқувчим.

Умуман уйлаб қарасам, шўро даври адабиётида яратилган жиддийроқ асарларнинг ҳар бири ўз нашр тарихига эга экан. Шу тарихнинг узи батафсил ёзиб чиқилса ҳам бутун бошли бир асар дунёга келади. Балки шунинг учундир, шўро адабиётида бадиий асар яратишдан кура уни эплаб бостириб чиқаришнинг узи жасоратга айланган эди. Радио-телевидениеда «Бир асар тарихи» деган эшиттириш ва курсатувларнинг пайдо бўлгани ҳам бежиз булмаса керак.

Икки йилдан кейин Бобур Мирзонинг таваллуд топганига 500 йил тулар эди. Шу муносабат билан дунё миқёсида бобурпарастлар туй ҳаракатини бошлаб юбордилар. Менинг бахтимга, шу кезларда «Ёшлик» журнали ташкил бўлиб қолди. Бу журнални узбек адабий зиёлилари, хусусан, ёш қалам соҳиблари қарийб йигирма йилдан буён орзиқиб кутар эдилар. Аммо Масковдаги оғалар лозим курмагани сабабли бу иш пайсалга солиб келинар эди.

Нихоят, Брежнев бобо ийиб кетиб, узбек ёшлари уз адабий журналига эга бўдилар. (Бу марҳаматга қуллуқ ифодаси улароқ журналнинг илк сониди «Ильичи соний»нинг «Тикланиш» номи билан тумтароқ эсдаликлари чоп этилди).

Янги журналга янги бадиий кучлар керак эди. Бош муҳаррир Эркин Воҳидов бир неча аҳли қалам қаторида мени ҳам ишга таклиф этди. Октябрь ойининг

бошларида қадрдон даргоҳ — Гафур Гулом нашриёти билан хайрлашиб, «Ёшлик» журнаliga хизматга утдим. Зур иштиёқ ва илҳом билан биринчи сонни тайёрлашга киришдик. Режага кура наср булимидан Шукур Холмирзаевнинг «Тоғларга қор тушди» номли қиссаси, Мурод Муҳаммад Дустнинг «Дашту далаларда», менинг «Саодат соҳили» деган ҳикояларим босмага топширилиши керак эди.

Эркин Аъзам наср булимининг мудирини, мен у кишига ходим эдим. Шукур аканинг қулъзмаси бир оз кечикиб келди. Муаллиф беҳос йиқилиб оёгини синдириб олди, шунинг учун биз ҳар куни бемор авторимизнинг консерватория қаршисидаги квартирасига борар, каравотда гипсда ётган адиб иштирокида ўлтириб қулъзмани таҳрир қилар эдик. Уч-тўрт кун шу тариқа ишлаганимиздан сўнг бу тадбиримиздан жўяли натижа чиқмаслиги маълум булди. Энг аввал буни Шукур ака сезди ва ўзига хос қатъияти билан ҳали қулъзманинг иши кўплигини, бу ҳолда уни нашрга бериб булмаслигини айтди.

Биз мушкул аҳволда қолдик. Журнални босмаҳонага топшириш учун саноқли кунлар қолган эди. Йирикроқ насрий асарсиз илк сонни чоп этиш албатта ноурин бўлур эди. Чунки не машаққатлар билан ташкил этилган журнал ёш ўзбек адабиётининг салоҳиятини «курсатиб қўйиши» ҳам керак эди-да. Таҳририят тортмаларида катта проза асарлари йўқ эмас, бор эди. Аммо уларнинг бири ҳажвий мазмунда, иккинчиси ҳали кўп таҳрирталаб эди. Қолаверса, биринчи сонга ўша пайтнинг тили билан айтсак, бундай бир «ёруғроқ, тиниқроқ нарса», яъни цензура чангалидан осонроқ чиқадиган асар зарур эди.

Шу тариқа бошимиз қотиб турганида Эркин Аъзам бош муҳаррирнинг топширигини менга стказди. У киши айтибдиларки, Хайриддин шу ҳикоясини қайта ишлаб қисса қилсин. Хайрон булиб, мудиримга тикилдим. «Икки кундан кейин журнал топширилса, қандай қилиб ҳикояни қиссага айлантирай? Мен циркнинг фокусчиси эмасман-ку!» — дедим жиғибийрон булиб. Мудирим бунга жавобан бош чайқаб, давримизнинг машҳур адабий ҳикматларидан бирини такрорлаб менга насиҳат қилди.

### ҲИКМАТ:

Роман ёзсанг — узун ёз, кесса булур,  
Қисса ёзсанг — қисқа ёз, қушса булур.

Хуллас, мазкур ҳикматга асосан менга қишлоққа жавоб берилди — «асар устида ишлагани». Гуё бадий асар лойки, мен унинг устига чиқиб тегиб пишитсам!

Аммо, наилож, катталар айтгандан кейин раъйини қайтариб булармиди. Бунинг устига у пайтлар янги уйланган кезларим, уйсиз дарбадар эдим, ҳар куни эллик—олтмиш километр йул босиб автобусда Паркентдан ишга қатнардим. Журналга катта умид, яъники квартира олиш орзусида келган эдим. (Худонинг қудратини кўрингки, айнан Бобур Мирзонинг улмас руҳи мени Тошкентдек шаҳри азимда уй-жойли қилди. Яъники, мазкур қисса журналда босилиб чиққач, бош муҳарриримиз мени етаклаб уша пайтдаги шаҳар ижроқумининг раиси Воҳид Козимов ҳузурига бошлаб борди. Журналдан бир нусха олиб борган эдик, раисга тақдим қилдик. Бош муҳаррир жиндай қушиб-чатиб мени таништириб-таърифлади. Бизнинг бахтимизга, домла Козимов ҳам Бобур Мирзонинг ошиғи экан, Лондондаги қиролича музейида Кухинур олмосини кўргани ҳақида сўзлади. Кейин биз дардимизни баён қилдик ва орадан куп ўтмай журналга битта квартира ажратилди. Таҳририятдаги навбатда мен биринчи булиб турар эдим, шу квартира менга насиб этди.)

«Эҳтиёж кишини буюк кашфиётчига айлантиради», дейди Робинзон Крузо.

Хуллас, қишлоқда уч кунми—тўрт кун «асар устида ишлаб», унинг Ҳиндистонга алоқадор қисмини, Бобур Мирзонинг руҳий-ҳиссий дунёси тасвирини кенгайтирдим. Ҳофиз Куйкий табиатига хос суфийлик аломатларини чуқурроқ курсатиш учун янги саҳифа ва деталлар, масалан, унинг подшоҳ дастурхонидан таом татимаслиги, бу ҳолнинг маънавий сабаблари ҳақида мушоҳадалар қушилди. Иш давомида узим ҳам бу жараёнга қизиқиб кетдим. Муддатнинг қисқалиғи фантазиямни жиловлаб турмаганида, шубҳа йўқки, «естиқдай» бир нимани қоралаб келган булар эдим.

Шу тариқа икки босма тобоқдан иборат муъжазгина қисса вужудга келди. Баҳодир Жалолов унга рамзий маънолар акс этган расм ишлади. Асар 1982 йилнинг январида — «Ёшлик» журналининг тарихий биринчи сониди — Брежнев бобонинг эсдаликлари билан бирга босилиб чиқди.

Ва барча хангома шундан сунг бошланди.

Қисса эълон қилинганч, дўсту душман назарига тушди. Табиийки, дустлар суюниб, ганимлар куюнди.



Февраль ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котибият йиғилиши бўлди. Кун тартибига қўйилган талай масалалар қаторида бир гуруҳ ёш қаламкашлар билан бирга менинг ҳам Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул этиш ҳақидаги аризам курилди.

Навбатма-навбат номзодларни котибият йиғилиши бўлаётган кичик залга чақира бошладилар. Ниҳоят, галим келиб, ҳаяжон ичра остона ҳатлаб ичкари кирдим...

Ичкарида эса гурзи яланғочлаган бир устозимиз мени кутиб турган экан.

Эй, ажойиб замонлар экан-да! Шу кичкинагина қисса учун мени — на адабий, на ҳаётий тажрибаси булган гур бир қаламкашни шундай нуфузли йиғинда бу забардаст мунаққид обдон «дуппослаган» эди: «Нега БАМ ҳақида эмас, Бобур ҳақида ёзади?» «Қонхур шахсни идеаллаштиришдан қандай сиёсий мақсадни кузлаган?» «Ахир, у Ойбек эмас-ку, нега тарихий асарга қул уради?» «Куда смотрит руководство журнала «Ёшлик?» (Табиийки, ўзбек тилида адабиёт яратадиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислари ҳам уша йиллар, залда бирорта рус булмаса-да, рус тилида ўтказиларди.)

Бу тазйиқ—таҳдидлар бугун қулгили, курак тугул, тувакда ҳам турмайдигандек бемаъни кўринади. Аммо у пайтларда бу сиёсий дағдағалар, хусусан, «куда смотрит...» деб бошланадиган машъум пўписалардан кўрқулик эди.

Гарчи календар ҳисобига кўра саксонинчи йиллар бошланган бўлса-да, ғоявий муҳитимизда уттизинчи йилларнинг мудҳиш нафаси гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона сезилиб турарди. Мен буни найзадор домламизнинг оташин нутқидан сўнг залда ўлтирган купгина муҳтарам адибларнинг оғир сукутга чўмиб, оқсоч бошлари эгилиб қолганида яна бир бор ҳис қилдим.

Бугун — дориломон замонга чиқиб олиб уларга таъна-маломат қилмоқчи эмасман, асло, Оллоҳ ўзи бундай ярашиқсиз ишлардан барчамизни асрасин. Фақат шуни айтмоқчиманки, алпомиш мунаққиднинг гур бир қаламкашни дастак айлаб Бобур Мирзога ҳужум бошлагани ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда навбатдаги қора кунлар яқинлашиб келаётганидан далолат бериб, не-не мард юракларга кўрқув солган, не-не муътабар бошларни ҳам қилиб қўйган эди.

Чунки бундай тажовузкор баёнотлар бехуда айтил-

маслигини ҳамма яхши биларди. Сиёсий об-ҳавони зийраклик билан искаб юрадиган бу мунаққиднинг тусатдан бу жабҳада ойболта кутариб қолгани бежиз эмасди.

Негаки, Бобур Мирзонинг башарият олдидаги улуғ ва бетакрор хизматларини маърифатли дунё тан олган, бинобарин, буни эътироф этмаслик шуро мафкурасига шараф келтирмаслиги аён эди. Шунинг учун Бобур Мирзонинг юбилеи арафасида Ўзбекистонда ҳам унга расмий муносабат бирмунча юмшаган, ҳатто Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи узок машаққатлардан сунг ниҳоят босилиб чиққан, асарнинг хорижий тилларга таржималари бошланган, русчага қилинган таржимаси учун муаллиф ва таржимон Юрий Суровцев республиканинг олий адабий мукофоти — Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор булган эдилар. Мана шундай бир вазиятда танқидчи устозимизнинг Бобур Мирзога, бинобарин, бу борадаги расмий сиёсатга қарши нутқ ирод қилиши «ваколатли идоралар»нинг қудратидан қувват олганини англатар эди.

Хуллас, ярим соатлар чамаси муаллиф ва «Ешлик» журналини тегирмондан ўтказгач, домла виқор билан жойига ўлтирди. Катта-катта адиблар тушланган кичик зал бир муддат жимжит бўлиб қолди. Уюшма раиси раҳматли Сарвар Азимов: «Қани, ким тагин нима дейди?» — деб сўради.

Оламда яхшилар куп — бирин-кетин Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов сўзга чиқиб, Бобурни ва шу баҳонада қиссани ҳимоя қилдилар. Шуниси эсимда қолганки, нотиқларнинг барчаси гапини алпомиш мунаққиднинг номини эҳтиром билан зикр этишдан бошлаб, «Муҳтарам Фалончи Фалончиевич жуда тўғри таъкидлаганидек...» дея давом эттирар эди.

Менинг бирор сўз айтишимга зарурат қолмади. Ижозат булди, раҳмат айтиб залдан чиқдим. Юрагим гаш, миямда найзабардор домлага қарши айтилмай қолган оташин монологимнинг узук-юлуқ жумлалари гужғон уйнар эди.

Бир оздан сунг яширин овоз бериш бўлиб ўтди, сунг қабул натижаларини маълум қилиш учун яна ичкарига таклиф этилдик. Менинг ҳақимдаги қарор якуни бундоқ бўлибди: котибият аъзоларидан ун саккиз киши тарафдор, бир киши қарши овоз берибди.

Келгуси йили ҳазрати Бобурнинг 500 йиллик юби-

лейи юртимизда чала-чулпа, биров билиб, биров билмай нишонланди.

1984 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 16-пленуми бўлди. Унда Биринчи котиб тилидан Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ғоявий жиҳатдан қаттиқ танқид қилинди, муаллиф сиёсий калтабинликда айбланди. Ёзувчининг «Сайланма» асарлари таркибида қайта нашр этилаётган мазкур роман иккинчи корректурада тўхтатилди. «Шарқ юлдузи» журналида нашрга тайёрлаб қўйилган янги романи — «Авлодлар довони» («Акбар») ҳам тақатқ тўхтатилди. Вақтли матбуотда тарихчи Мавлон Ваҳобов бошчилигида бир гуруҳ олим ва ёзувчилар Бобур ва бобуршуносларга қарши «салиб юриши» эълон қилдилар. Кун ора газета-журналларда «қонхўр феодал шоҳ»нинг авра-астарини ағдарадиган мақолалар пайдар-пай босилиб чиқа бошлади. Илмий ва маданий ҳаётдан Бобур номи қатагон этилди.

Бобуршунос қаламкаш дусларим каби менинг ҳам бу дилбар шахс ҳақида қоралаб қўйган машқларим, ҳаёл қилиб юрган орзу-режаларим орқага сурилиб кетди.

Утган йили — бу ғавғолар бошланмасидан салгина аввал «Бир оқшом эртаги» деган китобчам нашр этилган, унга Бобур ҳақидаги икки асар — «Саодат соҳили» ва «Ой ботган паллада» ҳикояси киритилган эди. Шунинг учун эртаю кеч муқаррар ҳужумни кутиб яшардим. Бироқ худодан бўлдими, ҳазрати Бобурнинг руҳи қўлладими, нима учундир бу китоб найзабоз ғоядорлар назарига тушмади.

Дарвоқе, бу пайтда улар камина қўлингизнинг бошқа бир асари — «Ёзнинг елғиз ёдгори» қиссасидан диний мазмун ва тушкунлик оҳангларини, социалистик тузумга ёт бўлган изтироблар моҳияти нимадалигини ахтариш билан андармон бўлиб қолган эдилар...

Ғоявий ҳағтимизнинг дарғаларидан бўлмиш уша домланинг гурзиси мени хийла гангитиб қўйган бўлсада, Бобур Мирзо сиймосига бўлган муҳаббатимни заррача камайтира олгани йўқ, аксинча, янада аланга олдирди.

### **БАЙТ:**

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,  
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.  
То даҳр дурур, будур анинг расмиким,  
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

Чиндан ҳам, кишини эътиқод қуйган азиз сиймо ва тушунчаларидан айириб хор қилиш — уша даврнинг оддий ҳолга айланган ҳолати эди.

Алқисса, бу йиллар «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»дан бир саҳифа бўлиб мозийдан жой олди.

Бутун тараққийпарвар инсоният чексиз ҳурмат билан нишонлаган Бобур Мирзонинг беш асрлик таваллуд туйи унинг тарихий ватани — Совет Ўзбекистониде шу тариқа «байрам» қилинди.

Шуро мафқурасининг лашкарбошилари мулжални аниқ олган эдилар: ҳазрати Бобур халқ руҳининг улмас тимсоли эди. Халқ руҳини синдирмоқ, уни мудом итоат ва қарамликда тутмоқ учун эса, аввало, уша миллий гурур чинорларини қулатмоқ лозим эди.

Аммо Бобур Мирзонинг ганимлари бир нарсада адашдилар: Оллоҳ қулатмаган кимсани банде қулатолмас экан. Халқ юрагига эътиқод бўлиб урнашган туйғуни ситиб чиқариб бўлмас экан.

Шунинг учун ҳам расмий доиралар Бобур Мирзони ёмонотлиқ қилишга қанчалик зўр бериб тиришсалар, халқнинг, маданий жамоатчиликнинг у зоти шарифга, бобуршунос ва бобурпарварларга эҳтироми шунчалик зиёда бўлиб бораверди.

...Дехли — Агра орасидаги узун йулда атроф-жаво-нибдаги қутсиз манзараларга тикилганча яқин уткан кунларда кечмиш ана шу воқсаларни уйлаб борар эканман, тўсатдан машинамиз кескин силкиниб, таққа тўхтади. Олдимизда уч-тўртта баҳайбат юк машинаси, енгил автомобиллар тизилишиб турар, уларнинг ортидан бақир-чақир, ғала-ғовур эшитилар эди. Пича утмай куз унгимизда жазавакор бир оломон пайдо булди. Юз чоғли қора-қура одам дарғазаб қичқирар, айримларининг қулида калтак, симтаёқлар ҳам бор эди. Миямга келган дастлабки фикр шу булди: «Йул-тусарлар!» Тўрт тараф дарахтзор урмон, яқин уртада бирорта уй-пуй курунмайди. Баҳромжон Робертга нимадир деди, у машинани юргизиб беш-ўн қадам олдинга силжиди. Худди шу пайт неандерталга ухшаш бир нусха уттиз килоча келадиган катта тошни кўтариб туппа-тўғри машинага қараб келаверди. Орқасидан жунуни қузиган оломон эргашди. Эсхонамиз чиқиб кетди, Роберт жон ҳолатда машинани орқага олиб, газ дастасини босишга улгурди. «Опел» нолакор гувраниб, изига қайтиши билан неандертал нусха жон-жаҳди билан қулидаги тошни бизга қараб улоқ-

тирди. Тош машинамиздан бир қадамча нарига келиб тушди.

«Кимлар булар, нима деяпти?» деб сурадим ранги оппоқ оқариб кетган Баҳромжондан.

«Ким билади дейсиз. Кучада юрган бошпуртсиз одамлар-да, нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди!»

Роберт орқамиздан қувиб келаётган тўдани чанг-тузон ичра қолдириб, чаптастлик билан машинани ён томондаги айланма йўлга бурди-да, тезликни оширди.

Маълум бўлишича, булар шу атрофда истиқомат қиладиган ишсиз, уй-жойсиз одамлар экан. Улар ўзларининг ночор аҳволига ҳукумат эътиборини қаратмоқ учун намоёишга чиқишган, намоёиш эса аксарият ҳолларда булганидек тўс-тўполонга айланиб кетган экан.

Шу тариқа Грибоедов бўлиб кетишимизга бир баҳя қолди.<sup>1</sup> Узимизга ўзимиз далда бериш учун кула-кула йўлимизда давом этдик.

Мана, Сикандарага етиб келдик. Йул ёқасида темир панжара билан уралган ҳашаматли меъморий ёдгорлик. Бу ерда ҳазрати Бобурнинг набираси, Ҳиндистоннинг қудратли ҳукмдори Жалолиддин Акбаршоҳ дафн этилган. Мақбаранинг теграсида қирқ гектардан зиёд жаннатий бир боғ. Турт тарафдаги арксимон услубда ишланган маҳобатли туртта дарвоза орқали бу сулим гушага кирилади.

Акбаршоҳ мақбараси давлат томонидан асраб-авайланадиган ноёб тарихий ёдгорлик ҳисобланади. Бундаги ранг-баранг гул-чечаклар, анвойи мевали ва мевасиз дарахтлар, Оллоҳнинг эрка жонзотлари — сайроқи қушлар, йил ун икки ой ям-яшил товланиб ётадиган майсазорларни куриб, беихтиёр уйга толасиз: «Бу боғлар беҳиштдан андоза олиб яратилганмикан...»

Боғ дарвозасидан ичкари кириб тўхтадик. Бақувват, қоп-қора бир одам занжирга боғланган маймунини етаклаб рупарамизга келди. Маймун уйнатиб, томоша қурсатмоқчи бўлди, рад этиб, мақбара томон юрдик.

Акбаршоҳ кузи тирик чоғида ўзи учун мангу оромгоҳ тиклашга киришган, аммо 1605 йили қазои муаллақ туфайли бу иш чала қолган. Орадан саккиз йил ўтиб, подшоҳнинг ўгли Жаҳонгир ота бошлаган юмуш-ни адоғига етказди.

---

<sup>1</sup> Маълумки, рус элчиси А. С. Грибоедов Эронда мутаассиб оломон томонидан улдирилган.

Нақл қилишларига қараганда, Акбар уз мақбарасининг ортиқча дабдабаю ҳашамлардан холи булишини васият қилиб қолдирган экан. Шунинг учунмикан, бемисл шукуҳ ва шарафлар соҳиби булган бу бобурийзоданинг абадий хобгоҳи ниҳоятда камтар, содда, айни чоғда ана шу соддалиги билан буюк қиёфа касб этиб туради. Мақбаранинг ичи-таши бирдек, бунда на жавоҳироту олмослар ила зеб берилган нақшлар, на бебаҳо мрамрлар жилоси кўзга ташланади. Сағана тепасига ташлаб қўйилган барқут рўйжа ҳам бу дунёнинг уткинчилигини, боқий дунёга жисми урғунимизу иймонимиздан булак ҳеч нарса олиб кетолмаслигимизни таъкидлаб тургандек...

Бобур Мирзонинг авлодлари орасида Акбаршоҳ энг шижоатли, энг қатъиятли зот булган. Улуғ бобоси сингари у ҳам ун уч ёшида подшоҳ деб эълон қилинган. У Ҳиндистондек кўп миллатли, кўп тоифали, кўп динли, бинобарин, кўп муаммоли давлатни қарийб ярим аср мобайнида моҳирона бошқарди ва уни тараққиётнинг янги поғонасига кўтарди. Шу сабабли унинг давлат арбоби сифатидаги ноёб тажрибаси ҳинд диёрида буғун ҳам катта эътибор билан ўрганилади.

Бу улуг инсоннинг қабрини зиёрат қилиб кўнглимиз эзгу ҳиссиётларга тўлган ҳолда яна йўлимизга равона булдик.

Тушга яқин Аграга етиб келдик. Аҳоли зич, чумолидек қайнайди, тангу тор кучаларда нақлиётнинг исталган тури топилади: велосипеддан тортиб «Мерседес»гача, ҳукиз қўшилган аравадан тортиб одам-риқшагача. Бу кучаларда фақат самолёт юрмайди, холос.

Тож Маҳал дарвозаси олдида бизни учта ўзбек қизи кутиб турган экан. Баҳромжон уларни менга таништирди: Ноиба, Лолахон, Наргиза исмли бу сингилларимиз Тошкент Шарқшунослик институтининг битирувчи курс студентлари булиб, бу ерга уч ойлик малака ошириш курсига таҳсил олгани келган эканлар. Консулхона ходимлари тез-тез уларнинг ҳолидан хабар олиб туришаркан.

Қизлар менинг Тошкентдан келганимни эшитиб, юртимизни сўрай кетдилар. Анчадан буён уйларида хат келмаётган экан, баъзан соғинч зўр келганида жиндай йиғлаб ҳам олишаётганмиш. Аммо ёшлик завқи, ҳаёт жозибаси билан улар бу андуҳларини тезда унутиб, ҳазил-мутойибага киришдилар. Баҳромжон уларнинг кўнглини кўтаришга тиришиб, қизиқ-қизиқ гап-

лардан сузлади. Мен қизларга, агар дуои салом ёзиб беришса, бажонидил олиб кетиб ота-оналарига етказишимни айтдим. Бечоралар кеча Баҳромжон телефон қилиб, Тошкентдан келган меҳмонни Аграга олиб боришини айтганидаёқ уйларига хат ёзиб қуйишган экан, миннатдорлик билан менга тутқазишди.

Биргалашиб, Тож Маҳал зиёрати сари юрдик.

Дарвозадан кираверишда қуролли соқчилар минақидиргич билан синчиклаб текширишди, ҳатто сумкаларимизни ҳам титкилаб кўришди. Мамлакатда терроризм хавфи ниҳоятда кучли, эҳтиёт чоралари ҳам шунга яраша қаттиқ. Барча маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, тарихий ёдгорликлар бусағасида шу хил тартибқоида.

Тож Маҳал ҳақида сўйлар эканмиз, бу тенгсиз обида бунёдкори бўлмиш Буюк ошиқ — Шоҳжаҳон ҳақида сузламасдан утолмаймиз.

Бобур Мирзонинг эвараси бўлмиш бу ҳукмдорнинг асл исми Хуррам бўлиб, аҳли салтанат уни Муҳаммад Шаҳобиддин Шоҳжаҳон дея улуғлар эди. Падари бузурговори Жаҳонгир уни 1616 йилда Декканда душман устидан қозонган порлоқ ғалабаси учун Шоҳжаҳон — Жаҳон шоҳи дея атади ва у шу ном ила тарих саҳифасидан ўрин олди.

Жаҳонгирнинг тўрт ўғли бор эди: Хусрав, Парвез, Шоҳжаҳон ва Шаҳриёр. Ва шубҳасизки, улар ва уларнинг тарафдорлари орасида тахт учун зимдан кураш ҳали оталари ҳаёт пайтдаёқ бошланиб кетган эди.

Тахтнинг асосий даъвогарлари Хусрав, Шоҳжаҳон ва Шаҳриёр эди. Хусрав тунгич фарзанд бўлгани сабабли узининг қонуний ворислик ҳаққини талаб қиларди. Шоҳжаҳон эса «ҳокимият — кучлиники» шиорига асосланиб иш кўрарди.

Бу сарой низоларининг марказида Жаҳонгирнинг севикли рафиқаси — машҳур Нуржаҳонбегим турарди.

Маълумки, Жаҳонгирга турмушга чиққунига қадар у Шер Афғон деган кимсанинг никоҳида бўлиб, ундан бир қизи бор эди. Ҳиндистон подшоҳининг эрка маликасига айланиб улкан нуфуз ва мавқе орттиргач, аввалги эридан бўлган уша қизини Жаҳонгирнинг кенжа ўғли Шаҳриёрга никоҳлаб беради. Шу йусин у Шаҳриёрга хайрихоҳ ва тарафдор бўлиб, уни бобурийлар тахтида кўришни орзу қила бошлайди.

Аста-секин авж олиб бораётган тахт можароларини кишибилмас кузатиб турган Жаҳонгир эса қутилмаган

бир қарор билан барчани гангитиб қуяди. Яъни, шу вақтга қадар бу ғавғолардан нисбатан четда турган иккинчи угли Парвезни валиаҳд деб эълон қиладики, бу уз навбатида воқсаларнинг янада чигаллашувига ва шиддат билан ривожланишига сабаб бўлади.

Орада кескин жанглар, фитна-низолар кечади. Гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қули баланд келиб туради.

1626 йилда Бурҳонпурда Парвез туйқусдан вафот этади. Бу улим кучлар нисбатини Шоҳжаҳон фойдасига узгартириб юборади. Чунки сарой нуфузли аъёнларининг аксарияти Нуржаҳонбегимнинг салтанат ишларидаги ҳаддан ташқари фаоллигига у қадар руйхушлик бермас, бинобарин, Шаҳриёр воситасида унинг таъсири ва мавқеи янада кучайишидан манфаатдор эмас эдилар. Шунинг учун ҳам улар яширин ёки ошқора суратда бўлсин, Шоҳжаҳонни қўллаб-қувватлай бошлайдилар.

Қиблагоҳи вафотидан сўнг — 1627 йилда Шоҳжаҳон соҳиби тож сифатида бобурийлар тахтини эгаллайди ва 1658 йилга қадар ҳукмдорлик қилади.

Бу муддат, талқинотчилар яқдиллик билан эътироф этганларидек, бобурийлар давлатининг гуллаб-яшнаган бир даври сифатида тарихга кирди.

Шоҳжаҳонни замондошлари «Омадли шоҳ» деб атаганлар.

Чиндан ҳам, Шоҳжаҳонга барча соҳаларда омад ва бахту саодат ёр бўлган. Унинг раҳнамолиги ва ҳомийлигида бунёд этилган ўлмас меъморий обидалар рубъи масқунда беқийёслиги билан неча авлодларни ҳайратга солиб келади.

Шоҳжаҳон ун олти ёшлик навқирон йигит экан, бир куни бозорда бир неча қизлар орасида кулиб-яшнаб кетаётган бир соҳибжамолга кузи тушиб қолади. Шаҳзода Хуррам ҳали муҳаббат нелигини билмас эди, ақлу ҳушидан айрилиб, ошиқи беқарор бўлиб қолади...

У уттиз йилдан зиёд Ҳиндистоннинг қудратли подшоҳи бўлиб давр сурди.

Тарихчилар уни «омадли шоҳ» дея таъриф этадилар. Унинг замонасида мамлакат ҳар томонлама тараққий ва равнақ топди. Ана шу равнақнинг буюк тимсоллари ўлароқ ҳинд заминида тенгсиз меъморий обидалар юксалди. Лаъл қалъа, Масжид-ул луълу, Тожмаҳал сингари беқийёс ёдгорликлар Шоҳжаҳон номини, бино-



барин, бобурийлар шавкатини дунё тарихида абадийлаштирди.

Бу улугвор иншоотлар қай йусин бунёд бўлди? Уларнинг ҳар бир гишти, ҳар томчи буюғи заминида мазлумларнинг қора қони, кўз ёшлари йўқми?

Чунки шуҳрат қолдирмоқ истаги билан урганган не-не ҳукмдорларнинг ўз нафсониятини қондирмоқ учун минг-минглаб одамларни кафангадо қилгани, қанчадан-қанча фуқаронинг умрига зомин бўлгани мазийдан яхши маълум.

Шоҳжаҳон салтанатида ҳам шу ҳол такрорланганми?

Ҳинд тарихчиси Саййид Ҳошимийнинг сузларига қулоқ тутайлик:

«Шоҳжаҳон даврида давлат газнаси шу қадар юксалдики, ундан аввал ҳам, кейин ҳам буғчалик юқори кўтарилиш кузатилмади. Ҳаттоки, дунёнинг кўплаб мамлакатларига эғалик қилган инглизлар замонида ҳам давлат хазинасида бунчалар бойлик тупланмаган эди. Ер солиқларининг узидан 270 миллион рупия пул тушарди. Қандаҳор ва Кобулдан келадиган маблағлар бу ҳисобга кирган эмас. Шуниси муҳимки, бу молу дунё ҳеч қандай зулмсиз қўлга киритилар эди. Инглизлар одамларни қон-қақшатиб эзганда ҳам бунча бойлик йиға олмаган. Халқ Шоҳжаҳон замонида жуда яхши ҳаёт кечирган, шохнинг адолат ва меҳр-шафқатидан баҳраманд бўлган. Инглиз сайёҳларидан бири бу хусусда шундай фикрни баён қилади: «Шоҳ ўз фуқароларига нисбатан ота ўз фарзандига булганидек меҳрибон эди».

Шоҳжаҳоннинг сиёсий ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида кўплаб китоблар ёзилган ва яна ёзилгусидир. Бу мавзунинг ўз пири комиллари бор, бизнинг чаламуллалик билан аралашувимиз жоиз бўлмас.

Биз учун муҳими — Тожмаҳал мақбараси баҳонасида Шоҳжаҳоннинг афсонавий ишқ қиссасидан бир лавҳа ҳикоя қилишдир, холос.

Алқисса, ниҳоят Шоҳжаҳон Мина бозорида учратгани уша зебо санамнинг васлига етади. Аржумандбону Бегим номи билан шуҳратланган бу пари пайқар шаҳзоданинг суюкли танмахрамига айланади. У бобурийлар саройида бош вазир лавозимини эгаллаб турган Осифхоннинг қизи, Нуржаҳонбегимнинг жияни эди. Сийрати ҳам суврати каби гузал бўлган Аржуманд-

бону шоҳнинг нафақат умр йулдоши, балки доно маслаҳатгуйи, садоқатли маслакдоши даражасига кутарилади. Аҳли салтанат, аввало, қайинотаси Жаҳонгиршоҳ уни «Мумтоз маҳал» — «Саройнинг мумтози» дея эҳтиром билан улуғлайди.

Ажаб эмаски, масъуд ишқ кечаларида Шоҳжаҳон Мумтоз Маҳалга улуг аждоди Бобур Мирзонинг ушбу сатрларини эҳтирос ила қайта-қайта шивирлаган бўлса:

#### БАЙТ:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълага мен кулдурмен.  
Нисбат йуқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга, вале сенга кулдурмен.

Шоҳжаҳон Мумтоз Маҳал билан ун саккиз йил саодатли умр кечиради.

Минг олти юз уттиз биринчи йили, Бурҳонпур шаҳри яқинида, зимистон бир кечада икки дил дostonига фожиали нуқта қуйилади: хужасининг навбатдаги ҳарбий юришларидан бирига ҳамроҳлик қилиб кслаётган ҳомиладор Аржумандбону Бегим муваққат ҳарамда кузи ёриётиб вафот этади.

Ривоят қилишларига қараганда виро чоғи Мумтоз Маҳал Шоҳжаҳондан уч нарсани утиниб васият қилади. Яъники, қайтиб уйланмаслик, фарзандларининг барчасини тенг тутмоқ, қабри узра ухшаш ийуқ бир мақбара қурдириш.

Ҳиндистоннинг қудратли ҳукмдори бу шартларни кузда ёш билан қабул қилади.

Малика Тангри омонатини топширгач, бобурийлар салтанати буткул ҳувиллаб қолади. Шоҳжаҳон бир неча йил изтироб ичра суюкли маҳбубасига мотам тутарди. Мумтоз зийнатидан айрилган саройда талай вақтгача маҳзунлик ҳукм суради. Куй-қушиқлар, уйин-кулгилар, кунгилхушлиқлар, байраму ҳайитлар барҳам топади.

Мумтоз Маҳалнинг йили утгач, Шоҳжаҳон ардоқли ва армонли ёрига атаб оламда тенги йуқ мақбара қуришга киришади. Дунёнинг турт томонидан доврӯги жаҳонни тутган меъмор ва усталар саройга чорлаб келинади. Мақбаранинг муносиб тарҳи топилгунга қадар узоқ изланишлар жараёни кечади.

1632 йили мақбара қурилиши бошланади. Йигирма икки йил давом этган бу улугвор қурилишда кечакундуз йигирма минг одам иш билан банд бўлади.

Йигирма икки йил! Бир навқирон йигитнинг умри!  
Табиийки, бу беназир обиданинг бош меъмори ким  
булган, деган савол тугилади.

Бу хусусда тарих турли-туман, баъзан эса зиддиятли  
жавоблар беради. Афсусланарли жой шундаки, уша  
давр манбаларида бу туғрида аниқ бир жавоб қолди-  
рилган эмас. Шунинг учун ҳам бу масалада тарафкаш-  
лик авж олиб, ҳар ким қурпани уз тарафига қараб  
тортишга уринаверган. Натижада тарихий ҳақиқат  
аниқлаб булмайдиган ҳолга келган.

Ҳиндшунос Ансориддин Иброҳимов «Бобурийлар  
мероси» номли рисоласида бу борада гоят қизиқарли  
маълумотларни зикр этади.

Унинг айрим манбаларга таяниб курсатишича, мақ-  
бара лойиҳасининг бош ижодкори туркиялик уста Му-  
ҳаммад Исахон Афанди, бош сангтарош эса бухоролик  
уста Ота Муҳаммад булган экан.

Табиийки, ҳинд тарихчилари ҳам бу олам муъжиза-  
сининг ижодкори ҳинд фарзанди булиб чиқишини бе-  
ниҳоя истайдилар. Ва шу истакнинг самараси улароқ  
кейинчалик Тож Маҳалнинг меъмори устод Аҳмад Ло-  
хурий деган тахмин пайдо булади.

Ҳар бир ишда саркорлик даъво қилиб урганган  
Оврупо аҳли бу масалада ҳам уз ҳукмини утказишга  
тиришади. Яъники, бунингдек бетакрор меъморий  
обидани барпо этишга осиеликларнинг ақл-заковати  
қодир эмас, бундай муъжиза фақатгина овруполик шахс-  
нинг тафаккур меваси эмиш. Шу фаразни исботлаш  
учун баъзи тарихчилар Италия меъмори Жеронимо  
Верониони мақбаранинг бош меъмори дея талқин эта-  
дилар. Бунга гайирлиги келган французлар эса уз нав-  
батига муаллифлик гултожини ватандошлари Август  
де Бордога кийгишишга уринадилар.

Итальян фуқаросини қандай қилиб булса-да, бош  
меъмор шарафига эриштириш ҳаракати ниҳоятда куч-  
ли булган шекилли, ҳатто мазкур уста Муҳаммад Исо  
билан Жеронимо Веронио аслида бир одам, деган  
фикр ҳам илгари сурилади.

«Ҳиндистонда нашр этилган бир асарда, — деб  
езади Ансориддин Иброҳимов, — Тож Маҳални қу-  
ришда иштирок этган қирққа яқин асосий усталар-  
нинг номлари, қайси мамлакатдан экани, касби ва  
ойлик маошининг руйхати келтирилади. Биринчи  
уринда лойиҳачи Муҳаммад Исо Афандининг номи  
қайд этилган: туркиялик, маоши 1000 рупия; ундан

кейин туркиялик хаттот Саттор Хоннинг номи келтирилади: маоши 1000 рупия; учинчи уринда самарқандлик лойиҳачи Муҳаммад Шариф: маоши 1000 рупия ва ҳ. к. Ҳиндистонлик, эронлик, арабистонлик, балхлик, бағдодлик, бухоролик, шомлик ва бошқа юрту шаҳарлардан келган усталарнинг номлари ҳам зикр қилинган. Куришиб турибдики, бош меъморни аниқлаш унча осон иш эмас».

Менга қолса, бу баҳсу тортишувларга Шоҳжаҳоннинг қуйидаги сузлари билан чек қуйган булардим: «Ер юзидаги одам боласи буни бунёд этишга қодир эмас, унинг шаклу шамойили осмондан туширилгандир».

Чиндан ҳам, бениҳоя топиб айтилган таъриф!

Мақбара пойида оёқ кийимларимизни счдик. Зиератга оппоқ мрамар саҳли майдонни ялангоёқ босиб кирилади — таомил шундай. Найза буйи кутарилган қуёш ёғдуси Тож Маҳалнинг илоҳий тошларини илоҳий тусда жилонтиради. Қуёш ёғдусининг оқ мрамардаги акси кузларни қамаштиради, беихтиёр нигоҳингизни четга олиб қочишга мажбур буласиз. Шунда бу қиёси йуқ муҳаббат қасрини «оппоқ муз туфони» деб аташлари бежиз эмаслигига ич-ичингиздан ишонч ҳосил қиласиз.

Дуненинг тўрт томонидан келган зиератчилар оқимиға қушилиб мақбара ичкарасига кирдик. Мақбара қуш ошиёнали булиб, зиналардан кутарилган киши даставвал юқори қаватга чиқади. Тарҳи мусаддас шаклида тортилган мухташам ва чароғон бир зал, уртада ёнма-ён иккита сағана. Унг томондаги Қуръон оятлари ила зийнатланган чоғроқ сағана остида Мумтоз Маҳал, чап томондаги — гулбарглар тасвири ишланган сағана остида эса буюк ошиқ Шоҳжаҳон ётибди... Оллоҳ уларнинг жойларини жаннатдан қилган булсин!..

Баланд буйли, қорамағиз, хушруй сайрбон йигит мақбара тарихидан афсонавор ҳикоятлар суйлашга тушди. Баҳромжон унинг сузларини шивирлаб таржима қилиб турди.

Сағаналар теграси нафис мрамар панжара билан уралган. Сайрбоннинг айтишича, у яхлит мрамардан уйиб ишланган, уни барпо этишга ун йил вақт сарф булган экан. Аввал-бошда у соф олтиндан ясалган. Оғирлиги тўрт юзу йигирма килограмм булган бу тилло панжара Шоҳ Жаҳон вафотидан сунг олиб ташланиб, мрамар билан алмаштирилган экан.

Зал деворлари, сағананинг усти, панжаранинг ҳо-



Андижон. Бобур боғи ҳамиша зиёратчилар билан гавжум

шияларига ақл бовар қилмас даражада фусункор рангоранг нақшлар ишланган. Аммо бу безакларни яратишда бир томчи ҳам бўёқ сарфланмаган. Чамандек товланиб ётган бу нозик нақшлар мрамор сатҳига феруза, ақиқ, зумрад, забаржад, ёқут сингари қимматбаҳо тошларни қадаб зийнат бериш орқали вужудга келтирилган. Мақбара қурилишида олтмиш хилдан зиёд қимматбаҳо тошлардан истифода этилган. Афсуски, замонлар утиши билан бу қимматбаҳо тошларнинг аксарияти гаддор кимсалар томонидан қупориб, юлиб-юлқиб олиб кетилган. Уларнинг ислимий нақшлардаги урни бадандаги жароҳатдек очилиб ётибди. Зиёратчилардан бири бу ёввойилик кимнинг иши эканлиги ҳақида савол берган эди, сайрбон маънодор қилиб икки оғизгина сўз айтди — «инглиш» ва «Надиршах» деди.

Шундоққина сағаналар ёнида пастга — дахмага қараб кенг-қовул пиллапоя қилинган. Асл қабрлар шу ерда. Сайрбон қулидаги фонарини ёқди ва бисмилло айтиб унинг ортидан эргашдик. Қоронғи, сирли дахма ичида яна боягидек ёнма-ён иккита сағана. Уларнинг пойида шамчироқ милтиллаб турибди. Бу ерда юқори ошиёнадаги каби шуқуҳ ва ҳашамат йуқ, аммо ҳазин бир улугворлик сезилади. Қабртошлар атрофини айланиб, пастки эшик билан ташқарига чиқдик. Энди Тож Маҳални орқа томонидан томоша қила бошладик. У шундоққина Жамна дарёсининг буйида қад ростлаган,

йилнинг бу фаслида ҳали ёмғир мавсуми бошланмагани учунми, азим дарё саёз тортиб қолган, унда-бунда балиқчи қайиқлар кўзга ташланар эди.

Сайрбонимизнинг ҳикоясига қараганда, Шоҳжаҳон Жамнанинг нариги соҳилида ўзига атаб мангулик оромгоҳ қуриш орзусида бўлган. Унинг ғоясига кўра, айнан Тож Маҳал шаклида барпо этилажак бу иморат бошдан-оёқ қора мрамрдан тикланиб, оқ қаср ва қора қаср дарё ўзра тушган кумуш куприк орқали бир-бири билан туташтирилиши мулжалланган. Ҳатто бўлгуси иншоотга пойдевор ҳам қўйилган, дейишади. Лекин, афсуски, Шоҳжаҳон ҳукмронлигининг сўнгги даврида воқеалар ривожи бутунлай ўзгача тус олиб, кекса подшоҳ ғам-андуҳ ва ёлғизлик чангалида қолади.

Бутун дунё шоҳларининг кушандаси — тахт ғавғоси кекса Шоҳжаҳонни ҳам тинч қўймайди. Унинг турт ўгли бор эди: Доро Шуқуҳ, Муродбахш, Аврангзеб ва Шоҳ Шужжоъ. Улар бир ота — бир она, яъни Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг фарзандлари эдилар.

Тарихнинг ҳайратомуз уйинлари биз ожиз бандаларни мудом лол қолдиради: тилларда то ҳануз дoston бўлиб келаётган Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг буюк муҳаббатидан дунёга келган бу зуредлар ёшлик чоғларидан меҳр-оқибат руҳида эмас, балки рақобат ва адоват руҳида усдилар. Балоғатга етиб-етмай улар уртасида тож васвасаси авж олади. Қисматнинг машъум бир соатида улар бир-бирларининг умрларига зомин ҳам бўладилар. Ким билсин, шоҳу шаҳзодаларнинг азалий тақдири котиби қудрат томонидан шундоғ битилгандир балким...

Айни давр тарихи фаранг табиби, Аврангзеб саройида ҳақимлик қиёфасида жосуслик қилган Франсуа Берньенинг «Буюк Муғул салтанатидаги сўнгги сарой тунтаришлари тарихи» номли китобида муфассал акс эттирилган. Бу китобнинг 1924 йилда Москвада «Соцгиз» нашриёти томонидан нашр қилинган русча нусхаси Хуршид Давроннинг бисотида сақланади. У кишининг марҳамати билан мен шу китоб билан танишиш бахтига мушарраф бўлган эдим. Кейинроқ ушбу асар ҳақида муҳтарам олим ва адибимиз Иброҳим Ғафур махсус мақола ёзди ва китобдан кичик бир парча таржима қилиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп эттирди. Мақолада ёзилишича, муаллиф кекса маърифатпарвар, тарихимизнинг зукко билимдони Сулаймон Азимовнинг тавсиясига кўра бу ноёб тари-

хий тадқиқотни бир неча йил давомида республиканинг катта-кичик кутубхоналаридан, хусусий шахсларнинг бисотидан излайди ва ниҳоят, Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг махсус фондидан уни топишга муваффақ бўлади. Иброҳим ака бу китобни бошдан-оёқ таржима қилиб, узбек тилида наشر эттириш орзусида эди. Ажаб эмаски, менинг бу паришон битикларим сизга етиб боргунига қадар ушбу китоб ҳам ёруғлик куриб қолса... Мавриди келиб қолгани учун сиз азиз китобхонларимни шу гапдан бохабар этиб қуйишни жоиз билдим.

Франсуа Бернъенинг тарихий манба сифатида тенгсиз бу асари айни пайтда шиддатли детектив каби зур қизиқиш билан ўқилади. Бинобарин, бу китобни эслаб қолинг ва албатта топиб мутолаа қилинг — «Буюк Муғул салтанатидаги сунгги сарой тунтаришлари тарихи»!

Алқисса, шундай қилиб 1657 йилда Шоҳжаҳон қаттиқ дардга чалинади. Давлатни идора қилиш вазифасини тунгич ўғли, булғуси валиаҳд Доро Шукуҳга топширади. Бу вақтда қолган ўғиллари турли вилоятларда ҳукмронлик қилар эдилар. Доро Шукуҳ номатлуб ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида падари бузургворининг беморлигини иниларидан сир тутати. Аммо саройдаги айғоқчилар орқали улар бу гапдан хабар топадилар. Бобурийлар салтанатини ич-ичидан смирмоқчи булган махфий ганимлар ҳатто подшоҳнинг вафот этгани ҳақида узунқулоқ овозалар тарқатишади. Бундан огоҳ булган уч оғанини катта акаларини отанинг улимида айблаб, унга қарши лашкар тортиб келадилар. Табиийки, бу бир баҳона, аслида уларнинг ҳар бири узини Шоҳжаҳоннинг тахтига зимдан чоғлаб курар ва бошқаларни доғда қолдиришга интилар эди.

Қартайиб қолган подшоҳ фарзандларини инсофу диенатга чақиради. Аммо энди кеч — учқундан аланга чиқиб кетган эди.

Инилари Доро Шукуҳни салтанат ворислигидан буткул маҳрум қилиш мақсадида ҳаракат бошлайдилар. Бу хабардан иззат-нафси бениҳоя таҳқирланган Доро Шукуҳ узи Аграда — бемор отаси ёнида қолиб, ўғли Сулаймонни катта қўшинга бош қилиб, Шоҳ Шужжоъга қарши жангга йўллайди. Бу туқнашувда Сулаймоннинг қули баланд келиб, Шоҳ Шужжоъ Банголага қараб қочади. Бунга жавобан Аврангзеб Бурҳонпурдан Аграга қараб юриш қилади. Йўлда унга яна бир

тахт даъвогари — Муродбахш кушилади. Уларнинг аскарлари биргаликда 35 минг кишини ташкил этади.

Пойтахт сари бало-қазодай бостириб келаётган бу хатардан кўпларнинг ҳуши бошидан учади. Доро Шукӯҳ кекса, касалманд отасини бу можаролар бирекли булгунга қадар Деҳлига бориб туришга даъват этади. Аммо Шоҳжаҳоннинг ҳали умиди буткул узилмаган эди, у уруш ҳаракатларига барҳам бериб, фарзандларини муроасага келтириш илинжида эди, шу боис бу таклифни рад этиб, Аграда қолади.

Доро Шукӯҳ 100 минг кишилик қушин туплаб, пойтахтнинг жанубий-шарқ томонидаги, шаҳардан уттиз чақиримча наридаги бир майдонда энди ганимга айланган укаларига қарши чиқади. Беомон, қиёматқойим жанги бошланади. Шиддатли ва қонли жанг манзараларини ўз кузи билан кузатган Берньё бу воқеаларни бутун тафсилотлари билан бафуржа тасвирлайди. Унинг гувоҳлик беришича, урушда омад Доро Шукӯҳга кулиб боққан. Жанг охирлаб, натижаси деярли маълум бўлиб қолганида яқин аъёнларидан бири гуёки Доро Шукӯҳга меҳрибонлик қилиб, энди филдан тушиб, отга миниб олсангиз маъқул буларди, чунки кетар жафосига ёғий сизга бирор шикаст стқазиб юрмасин, деб маслаҳат беради. Доро Шукӯҳ бу гапга куниб, жанговор филдан тушади ва рупара қилинган отга минади. Шу асно ўз ҳукмдорларининг фил устида куринмай қолганидан аскарлари ташвиш ва хавотирга тушиб, саросима ичра қоладилар. Бир лаҳзада Доро Шукӯҳ улдирилибди, Доро Шукӯҳ бизни ташлаб қочибди, деган мишмишлар тарқаб кетади. Енгиб турган қушин бирданига пароканда бўлиб, ортига қарамай қоча бошлайди. Доро Шукӯҳ ва унинг лашқарбошилари ҳарчанд уринишмасин, ваҳима оралаган сафларни қайтиб жанг майдонига сафарбар қила олмайдилар.

Шу муносабат билан Франсуа Берньё: «Доро Шукӯҳнинг бир неча сонияга филдан тушиши унинг Ҳиндистон подшоҳлиги тахтидан тушиб кетиши билан баробар бўлди», дея киноя қилади.

Бошқа бир манбада эса бу хусусда ўзгача фараз баён қилинган: яъники, Доро Шукӯҳнинг остидаги филга тўп уқи тегиб, у миясидан жароҳатланади. Шунда у филдан тушиб, отга минишга мажбур булади ва боя зикр этганимиз ҳолат руй беради.

Шармандаларча қочиб бораётган қушинни тухта-толмай Доро Шукӯҳ Аграга қадар уни таъқиб қилиб



келади. Падари бузургворининг кузига қарашдан юзи шувит бўлиб, у содиқ аскарларини ва хазинадан қулига илинган нарсаларни олиб Дехлига қараб йул олади.

Орадан уч кун утгач, Муродбахш ва Аврангзебнинг музаффар лашкарлари пойтахтга кириб келади.

Ҳар қандай ота, ҳар қандай она учун дунёда фарзанд догидан кура оғирроқ мусибат йуқ. Лекин фарзандларининг узаро низо-жанжалларига тирик гувоҳ булиш ҳам ота-она учун энг мудҳиш кўргиликдир.

Ҳаёт Шоҳжаҳон умрининг сунгги дамларида унга ана шундай шўриш қисматни раво куради.

Кекса подшоҳнинг тақдирга (Аврангзебга деб айтсак ҳам булади) тан беришдан узга чораси қолмайди. Голиб уғли истиқболига пешвоз чиқиб, дуру жавоҳирлар ила ҳашам берилган қилични унга тақдим қилади. Қилич тигига «Оламгир» деган суз уйиб ёзилган эди. Бу номни Шоҳжаҳон Аврангзебга оталик меҳрининг чексиз тугёнлари ичра фарқ бўлган саодатли кезларида, уғлим олам соҳиби бўлсин, деган эзгу ниятлар билан берган эди.

Таассуфлар бўлсинким, Аврангзеб оламгирлик фаолиятини уз оға-иниларига қарши тиг кутаришдан, қиблагоҳини эса назарбанди қилишдан — бугунги тил билан айтганда, уй қамоғига ҳибс этишдан бошлади. У падари бузургворининг тахтни уз қулида сақлаб қолишидан чўчир эди. Чунки отанинг кунгли тўнғич уғилда эканини у яхши биларди. Бинобарин, Доро Шукуҳ Дехлида куч тўплаб янгитдан жангга кириши мумкин ва бу тақдирда бобурийлар салтанатининг тожи Доро Шукуҳга насиб этиши эҳтимолдан холи эмас эди. Шунга кура Аврангзеб уз отасини Агра қалъасида назарбанд этиб сақлашга ҳукм қилади.

Беихтиёр ҳазрати Бобур Улугбек Мирзонинг падаркуш фарзанди Абдуллатифга берган баҳо эсга тушади: «Шу беш кунлик утар дунё учун мундоғ қари ва донишманд отасини қатл этди...»

Берньенинг ёзишича, назарбанди Шоҳжаҳонга зоҳиран иззат-икром кўрсатилган, унинг хос хизматчилари ихтиёрида қолдирилган, рўзгор бобида муҳтожлик сезмаган. Муҳтасар қилиб айтганда, унда эркинликдан бошқа ҳамма нарса бўлган.

Аврангзеб яна бир қанча жангу жадаллардан сўнг Дехлини ҳам қулга киритади. Доро Шукуҳни мутаассиб уламолар қулига топширади ва улар собиқ валиаҳд-

ни динсизликда айблаб фатво чиқариб берадилар. Дорро Шукуҳ шу тариқа қазо топади.

Шоҳ Шужжоъ Аврангзеб таъқибидан Илоҳобод томонга қочади ҳамда қароқчилар қўлига тушиб ҳалок бўлади. (Рабиндранат Тагорнинг «Далия» номли драматик ҳикоясида Шоҳ Шужжоънинг ана шу фожиали тақдирини уз ифодасини топган. Бу асар Тагорнинг узбек тилида нашр қилинган саккиз жилдлик «Сайланма»сининг тўртинчи жилдидан урин олган, топиб, уқиб чиқишни тавсия қиламан, муҳтарам китобхон.)

Муродбахш бу тахт курашларида ҳаминиша Аврангзеб билан бирга иттифоқ бўлиб келарди. Эришилган зафарларда унинг ҳиссаси беқиёс эди. Аммо энди Ҳиндистон тахти сари бир қадамгина қолганида бу баҳодир шаҳзода Аврангзеб учун нафақат кераксиз, балки ортиқча ташвишга айланган эди. Шунинг учун Оламгир шу кунгача соясига салом бериб келган укасининг баҳридан утишга қарор қилади. Макр-ҳийла билан уни бир базмда ичириб қаттиқ маст қилдиради ва уни шу ҳолатида қамоққа ташлатади.

Ривоят қилишларича, бандиликда кечган саккиз йиллик умр ниҳоясини Шоҳжаҳон ягона тасалли, ягона овунч билан утказди. У ҳар куни эрта тонгдан то шомга қадар қалъа даричасидан узи бунёд эттирган Тож Маҳалнинг мармар жамолига термилиб ултирар экан. Ҳаётининг сўнгги ойларида бетоблик туфайли тушакка миҳланиб қолганида ҳам қаршисидаги кузгуга тикилиб, кузда ёш билан Тож Маҳалнинг аксини томоша қилар экан...

Ва ниҳоят, бобурийлар салтанатида ёрқин олмос бўлиб порлаган Шоҳжаҳон 1666 йилда, назарбанди маҳбус мақомида, меҳрибон қизи Жаҳоноробегим қулида жон беради. Ҳиндистоннинг буюк ва забун подшоҳини васиятига биноан суюкли Мумтоз Маҳал енига дафн этадилар.

Вильям Шекспирнинг сўзларини бир оз узгартириб айтсак:

Шоҳжаҳон ва Мумтоз қиссасидан ҳам  
Ғамгинроқ қиссани кўрмаган олам.

Шу тариқа бобурийлар салтанатининг танҳо ҳукмдорлиги Аврангзеб қўлига утади. У қарийб ярим аср Ҳиндистон давлатини ислом дини арконларига қатъий риоя қилган ҳолда бошқаради.

Тож Маҳал зиёратидан маҳзун уйларга гарқ булиб чиқдик. Кун ҳам пешиндан оғиб қолган эди. Ҳамюртларимиз билан хушлашиб, яна Деҳлига равона булдик. Бахтимизга, йулдаги намоёиш тарқаб кетган экан.

*1993 йил, 2 ноябрь. Тошкент.*

Сафаримиз қариб, Тошкентга қайтгач, амалга оширилган ишлар ҳақида Президентимизга тегишли ҳисобот топширдик. Бобурийлар хонадонининг гаройиб тақдири, сабр-бардоши, маърифат ва маънавияти ҳақида маълумотлар юртимиз раҳбарида улкан қизиқиш уйғотди.

Бу оиланинг орзу-армонлари, муаммоларидан воқиф бўлгач, Президент дарҳол шундай курсатма берди: сулола соҳибаси Лайло Уммахони ва уғиллари юртимизга — Бобур Мирзо таваллуд туйига тақлиф қилинадиган булди. Шунингдек, хонадон фарзандларидан мамлакатимиз дорилфунунларига ўқишга қабул қилиш ҳақида топшириқ берилди.

Биз ҳали Деҳлида эканлигимизда консулхонамизга Зиёвиддин Тусийдан телеграмма келди. Жаноб Тусийнинг ёзишича, улар ўз жамиятини қайта номлашга қарор қилишибди: бундан буён бу ташкилот «Бобурийлар тарихини урганувчи ҳинд-ўзбек маданий академияси» деб аталадиган булибди.

Кун иккача эса муҳтарама Лайло Уммахонидан Президент номига ушбу мактуб келди.

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
Ислом Каримов жаноби олийларига

Тошкент, Ўзбекистон

Жаноби олийлари,

Биз, темурийлар хонадонининг аъзолари, Сиз зоти шарифнинг махсус вакилингизни — ва Ўзбекистоннинг Янги Деҳлидаги консулик идораси бошлиғи қабул қилиш ҳамда улар орқали Сиз жаноби олийларининг менинг уғлим Зиёвиддин Тусийга йуллаган шахсий номангизни олиш бахтига мушарраф булдик. Сизнинг мактубингизда баён этилган самимий ва эзгу тилаклар темурий ҳукмдорлар вориси булмиш фарзандимни бениҳоя масрур этди. Махсус йуллаган баланд мартабали вакилларингиз ташрифидан эса янада мутаассир булдик.

Мен кексайиб қолган бир аёлман, шу боис ҳам умримнинг ҳар бир кунини худонинг улугъ неъматини деб биламан. Мен тақдирнинг кўп жабру жафоларини бошимдан утказдим. Шукур, ҳозир ҳузур-ҳаловатда умргузаронлик қилмоқдаман, аммо биз — теурий сулола ворислари беҳад қийинчиликларга дучор бўлдик. Биз хиёнат, макр-ҳийла азобларини ҳам ҳўп тортдик, сабаби — насл-насабимизнинг ноёблигидадир. Фақат теурийлар хонадонига хос бўлган саботматонатгина бизни гурбат ва муҳтожлик чангалида йўқ бўлиб кетишдан омон сақлади. Беҳисоб кулфат ва талофатларга қарамасдан, биз асло таслим бўлмадик, қалбимиздаги некбин руҳ ҳеч қачон сўнгани йўқ. Шу кунларда ҳам тирикчилик утказиш учун жонимиз борича тиришиб-тирмашиб яшаймиз. Аммо, ишончимиз комилки, Оллоҳ бизни ўз паноҳида сақлайди ва мадад беради.

Жаноби олийлари, мен Сиз орқали Ўзбекистоннинг жамики фарзандларига дуои салом йўллайман. Умид қиламанки, менинг бу сўзларим инсон зотини ардоқлагувчи барча кишиларга етиб боражак ва улар фақат Оллоҳнинг иродаси билангина Сизнинг навқирон давлатингиз жаҳон ҳамжамияти даврасидан муносиб урин олганини англаб етадилар.

Азиз Ўзбекистон аҳли, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида юксак доволарни забт этишингиз учун сизлар ҳали олис ва машаққатли йўлни босиб утишингиз даркор. Фаровонликка элтувчи бу йўлингиз равон ва текис бўлиши учун еш насллар тарбияси борасида сизлар кўп меҳнат қилишингиз лозим. Ўз ҳукуматингизга содиқ бўлинг, ҳамиша аҳил, баҳамжиҳат бўлинг — ана шундагина турмуш қийинчиликларини енгишга қодир бўласиз. Соҳиби қарам Оллоҳ таолонинг марҳамати ила сизларнинг насабингиз жасур ва мард инсонлар авлодига бориб туташади. Шунини ёдингизда тутингки, Оллоҳнинг илоҳий йўриқларига риоя этсангиз, У ҳамиша сизларга ёр бўлғай. Оллоҳ орангиздан муносиб бир кишини сайлаб олиб, уни сизларга раҳнамо айлаган ва сизларни ёруғ кунларга етказишни унга амр этган экан, барчангиз унинг доно ўғитларига амал қилишингиз лозим. Шундагина сизлар бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оласизлар. Ўзларингизга стакчи этиб сайлаганингиз зот эса, билингки, Халифадир. Шу боис ҳам бахтингизни бой

берманг, ҳамфикр бўлиб, ҳамкор бўлиб, бирлашибгина давлатингиз олдида турган қийинчиликларни бартараф қилишингиз мумкин. Агар ақл-идрок сўзига қулоқ тутсангиз, сизларни гузал истиқбол кутажам муқаррардир.

Шу муносабат билан мен XVI асрда яшаб ўтган машҳур авлиё ва уламо Шайх Валиуллоҳ Бухорий уша пайтдаёқ бугун содир бўлаётган воқеаларни башорат қилиб кетганини эслайман. Унинг кароматлари форс тилида назмий йўсинда битилган «Маснавий» асарида баён этилган эди. Шунини қайд этишни истардимки, бу зот 400 йил муқаддам ниманики башорат қилган бўлса, бугун аксарияти рўёбга чиқиб турибди. Иншооллоҳ, қолганлари ҳам рўёбга чиққай.

Буюк бобокалоним ҳазрати Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйи юксак даражада нишонланади, деб ишонамиз. Сиз жаноби олийларининг бу борада улкан сайъ-ҳаракат кўрсатаётганингиз эса бизни чексиз қувонтирмақда.

Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаб қоламан. Ишончим комилки, Яратган тангрининг узи Сизнинг эзгу ишларингизга мададкор бўлғай.

Бегим Соҳиба Лайло Уммахони,  
«Буюк мугуллар сулоласи» жамия-  
тининг раисаси

Ҳайдаробод шаҳри,  
Ҳиндистон Республикаси»

Самимий дил сузлари ила тўлуғ бу мактуб марказий матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон телевиденисси шу воқеа муносабати билан махсус кўрсатув уюштирди. Жамоатчилик бобурийлар сулоласининг бугунги вакиллари ҳақидаги ҳикояларимизни қизиқиш билан қаршилади.

Ва шунда мен ҳазратнинг ҳароратли бир байтини эсладим.

**БАЙТ:**

Васлинг мурод эрса, айла ёд Бобурни,  
Унутмагил бу номурод Бобурни...

1993 йил, 12 ноябрь. Тошкент.

«Мовий гумбаз» қаҳвахонаси.

Ҳазрати Бобурнинг таваллуд туйига санокли кунлар қолганида, аввал айтиб утганимдек, «Бобурнинг тушлари» деган китобим босмадан чиқди. Ёш адабиётшунос, мулло укаларимиздан Муртазо Қаршибой шу муносабат билан бирор рўзномага суҳбат уюштириш истаги билан менга мурожаат қилди. Кундалик юмушлар билан ана-мана деб ҳадеганда фурсат бўлмади.

Мана, бугун оқшом насиб этган экан, Муртазобек мени қаҳвахонага таклиф қилди. «Хемингуэй жамики асарларини қаҳвахонада яратган, ака», деди у кулимсираб.

Шу тариқа хазон япроғи янглиг сарғайган боғларга тикилганча қайноқ қаҳва хўлаб, Бобур Мирзонинг ҳаёт йули ҳақида суҳбат қурдик. Мусоҳибим диктофон мурватини босиб қуйиб савол айлади, мен жавоб айладим.

Ушбу суҳбат бу турур:

«— Хайриддин ака, аввало, янги китоб муборак бўлсин.

— Ташаккур.

— Бобур Мирзонинг шахсиятига турли замонларда турлича фикрлар ҳукмрон бўлиб келади. Улар гоҳ қора, гоҳи оқ рангларга чулганиб, охир-оқибатда бир хулоса — «Бобур — мураккаб шахс» деган гап билан якун топар эди! Ва бу хулоса ҳозиргача устувор келади. «Бобурнинг тушлари» деб номланган бадиада: «Моддиюнчилик инсоннинг кўнглидаги илоҳий нурни сундиради. Сундиради-ю, эвазига, афсуски, ҳеч нарса тақдим қила олмайди», деб ёзгансиз. Мана, бугун замон, қарашлар узгармоқда. Энди Бобурнинг моддиюнчи тасаввурларга сизмаган, сингмаган мураккаб сиймоси илоҳий, руҳий тасаввурларда узгача сеҳру жозоба касб этаётир. Аммо, барибир, Бобур шахсияти мураккаб, деган тушунча кўнгилни бутунлай тарк этган эмас. Нега бундай? Бобур чиндан ҳам мураккаб шахсми?

— Ҳазрати Бобур сингари олмос истеъдод соҳиби бўлган шахслар тарихда жуда ноёб учрайди. Олмос эса, маълумки, табиатан серқирра ва камёб топиладиган жавоҳир ҳисобланади. Яхши биласиз, «Бобурнома»ни китобат қилган котиблардан бири асар хотимасида муаллифни таърифлаб келиб: «Ва фазилат бобида камлиги йўқ эди», деган сўзларни битади. Назаримда, ушбу таъбир Бобур шахсиятига берилган энг мухтасар ва аниқ баҳодир. Чиндан ҳам, Бобур Мирзонинг ин-

сон боласи касб этиши мумкин илму ҳунар жиҳатидан асло камлиги булмаган. У зоти бузург фаолият кўрсатган соҳаларни бирма-бир санаб чиқиш хийла мушкул, лекин, келинг, асосийларини эслаб ўтайлик: у, аввало, давлат арбоби, саркарда, дипломат, ҳарбий назариятчи, шоир, табиатшунос, жуғрофийон, адабиётшунос, сайёҳ, психолог, фикҳшунос, муסיқашунос ва ҳоказо. Умуман, Бобур Мирзонинг илму ҳунарини таърифлайдиган булсак, жуда кўп маротаба «шунос» қўшимчасини ишлатишга тўғри келади. Унинг асарларида маданиятшунослик (культурология), элшунослик (этнография), номшунослик, зилзилашунослик, зоологияга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Бобур Мирзо тилшунослик бобида ҳам ибрат буларли мерос қолдирган. Хусусан, у яратган янгича алифбо — «Хатти Бобурий»ни мутахассислар яхши баҳолайдилар. Суз урни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, уз даврида Бобур мазкур алифбода Қуръони каримни китобат қилдирган, лекин бу қўлёзма сақланиб қолмаган, деган фикр ҳукмрон эди. Кейинги илмий изланишлар натижасида муқаддас китобимизнинг бобурий хат билан кучирилган табаррук нусхаси Эроннинг Машҳад шаҳрида, машҳур Имоми Ризо мақбарасининг кутубхонасида сақланаётгани маълум бўлди.

Курииб турибдики, бизнинг миллий тарихимизда Бобур Мирзо сингари қомусий фаолият соҳиблари кам утган. Агар унинг ун икки яшар бола чоғидан шиддатли сарой курашлари гирдобиди қолиб, лоақал бирон-бир мадрасани ҳам тугатишга имкон ва фурсати булмаганини ҳисобга олсак, бу улуг феноменнинг чиндан ҳам нақадар буюклигига иқрор буламиз. Шу боис бу тимсоли йўқ инсоннинг ички дунёси, маънавий олами гоят жозибадор, айни вақтда шу қадар сирлидир.

Маълумки, Бобур Мирзо умр бўйи икки ут орасида — мамлакатдорлик миннати ва шеърят заҳмати билан яшади. Гарчанд шоҳлик ва шоирликнинг бир шахс тимсолида мужассам топиши Шарқда қадимдан қолган ноёб бир анъана каби учраса-да, ҳазрати Бобур, назаримда, шу икки тушунча орасидаги тафовут ва зиддиятларни бсҳад ўртаниб ҳис этган, бундан энг кўп озор чеккан мумтоз зотдир. Чунки шоир ҳукмдор ўз ижодида адолат, яхшилик ва инсонийлик гоёларини қанчалик ёниқ ҳарорат билан тараннум этган булмасин, тахт узра бу гоёларни амалга оширишга аксар ҳолларда муяссар булавермайди. Турли-туман сиёсий

— иқтисодий манфаатлар, муайян тарихий вазият ҳукмдор шоир қалбининг эзгу интилишларидан кура устунроқ келади. Шу сабаб бежиз эмаски, кўп ҳукмдорлар жамиятда адолат эмас, балки мувозанат урна-тишга — яъни ҳар хил ижтимоий синф, табақа ва қатламлар ўртасида муросаи мадора жорий этишга мойил ёки мажбур бўладилар. Айтайлик, инсоф-иймон туйғуларини юксак пардаларда куйлаган шоир Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз набираси Мумин Мирзонинг қатлига имзо чекиши ёхуд содиқ дўсти бўлмиш Али-шер Навоийдек беназир зотдан кура вазир Мажидид-динни яқин тутиши бизга — бутунги авлодларга ғалати бир жумбоқ бўлиб туюлади.

Бобур Мирзонинг суронли умр йўлларига назар соладиган бўлсак, шунга ўхшаш бир қанча ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Гоҳ тожу тахт манфаати, гоҳ амиру беклар манфаати, баъзан хешу ақрабо манфаати, баъзан эса дин-диёнат манфаати ягона бир макон — Бобур Мирзонинг мутаассир юрагида ҳамиша беомон тўқнашиб ётганини курамиз. Суюкли эгачиси Хонзодабегимни ғаддор душмани Шайбонийхонга узатишга ёки шиа мазҳабли шоҳ Исмоил Сафавий лашкари билан иттифоқ тузиб, уни қадим суннийлар юрти Самарқандга бошлаб келишга мажбур бўлганлиги... ва шу сингари талай воқеа-ҳодисотлар, шубҳасизки, уни туганмас изтиробларга солган. Ва ушбу музтариб мисралар ушандоқ оғир кунларда туғилган бўлиши ҳам эҳтимол:

Бесабрмену бесару сомондурмен,  
Бир гамзададурмену паришондурмен.  
Не диннинг ишини қилдимун не дунёнинг,  
Ёраб, нетай, уз ишимга ҳайрондурмен.

Ҳаётнинг муттасил гирдоблари ичида, кескин қарама-қарши туйғулар, киши руҳининг поёнсиз ғалаёнлари ичида яшаган тарихий инсон, балки, айни шу жиҳатларига кура «мураккаб шахс» деб аталар. Умуман, ҳар қандай шахс — инсоннинг узи мураккаб, олий мавжудот эмасми?

— Бобур Мирзо шахсиятидаги қарама-қаршилик, менимча, унинг ўз қисматида бўлган муносабатида яққол кузга ташланади. Бир томондан у — худо ёрлақан. Оллоҳ қарамига сазовор бир зот. Буни у омади чопган, мислсиз ғалабалар нашидасини сурган чоғларида шукроналик билан эътироф этади. У салтанат



жиловини илк бор қулига олган кезларни эслайлик. Фарғона вилояти икки томонлама хавф остида қолган — Самарқанддан Султон Аҳмад Мирзо Андижонга, Тошкентдан Султон Маҳмудхон Аҳсикентга яқинлашиб кела бошлаган эди. Бобур Мирзо ва унга содиқ бекларнинг аҳволи гоят мушкул эди. Аммо, не бахтки, Оллоҳ уларнинг ишини унглайди — ҳар икки тарафдаги душман ҳам не бир сабаблар ила ортига қайтади. «Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи билан ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким бояду шояд беминнат махлуқ рост келтурубдур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар бу келмакдин ўсондилар, балки бу таважжухдин пушаймон бўлиб бемурод ёндилар», деб ёзади Бобур бу воқеани хотирлаб. Муттасил қирпичоқ бўлиб турган бошқа темурийзодалардан фарқли улароқ, Бобур Мирзонинг сиёсати кунба-кун тараққий топа бориши, ўзгалар қон ва жон эвазига мушарраф бўла олмаган галабаларга нисбатан тез ва осон сазовор бўлиши чиндан ҳам унинг камоли илоҳий қудратга боғлиқ эканидан далолат бермайдими? Ва айни замонда Бобуршоҳ «толе йуқ»лигидан фиғон чекади, таассуф ва пушаймонлик утида қоврилади. Куп бор Оллоҳ марҳаматига муносиб бўлган ва шукр қилган зотнинг бу янглиғ афсус-надоматларини қандай изоҳлаш мумкин?

— Аввало, шуни айтиш лозимки, Бобур Мирзонинг саодат юлдузи толе осмонида жуда эрта чарақлаган эди. Жаҳон тарихида ун икки яшар боланинг тожу тахт эгаси булганлиги каби ҳодисалар сийрак бўлса-да, учраб туради, аммо биламизки, ҳокимиятни қулга киритиш у қадар қийин иш эмас, балки ҳокимиятни қулда сақлаб қолиш — энг мушкул, мураккаб бир юмушдир. Бобур Мирзо ёшгина боши билан ана шундай машаққатли ва хатарнок вазифанинг уҳдасидан чиқа олган соҳиби шижоат ва соҳиби заковат эди. Мовароуннахрнинг уша пайтдаги фозил арбоблари шу варадан Заҳририддин Муҳаммадга парчаланиб кета бошлаган темурийлар салтанатини сақлаб қолишга қодир ҳукмдор сифатида қараганлар. Донишманд мўсафид Алишер Навоийнинг Самарқандга, навқирон тождор Бобур Мирзога махсус нома йуллаганлигини эслайлик. Бу мактуб аслида ана шу тарихий умидворликнинг бир нишонаси ҳам эди. Гарчанд тақдир тақозосига кура бу орзу-ниятларни Мовароуннахр тупроғида рўёбга чиқариш насиб этмаган бўлса-да, ҳазрати Бобур улуг Темур давлатини Ҳиндистон дие-

рида шараф билан давом эттириб, узига умид боғлаган кишиларнинг ишончларини оқлади.

Сиз тугри айтдингиз, чиндан ҳам Бобур Мирзо Оллоҳ карамига сазовор хосиятлик шахс эди. Боя сиз эслаб утган воқеа — яъни душманларнинг не бир сабаблар ила Андижондан чекиниши ҳозирги Қува туманининг Толмазор қишлоғидан оқиб утадиган Қорасув устидаги кўприкда юз беради. Мур-малахдай бос-тириб келаётган лашкар кўприк устида тирбанд тикилиб қолади. Ур-йиқит тўполонда кўприк қулаб тушади ва Султон Аҳмаднинг кўплаб одамлари ҳалок бўлади. Ғаним қурқиб, ортга чекинади. Бу ҳодисани, эҳтимол, тасодифга ҳам йўйиш мумкин, аммо маънавийюнчи инсон назарида бу тилсим замирида ғойибона бир маъно борлиги шубҳасиздир.

Шуниси ҳайратланарлики, бу каби илоҳий ҳодисотлар Бобур Мирзо ҳаётида бир эмас, такрор ва такрор содир бўлган.

Бир минг тўрт юз тўқсон олтинчи йили Самарқандни иккинчи марта эгаллаб, юз кунлик қуршовда қолган чоғида Бобур бехосдан оғир касалликка чалинади. Томоғидан сув ҳам утмай тилдан қолади, тўрт кечаю кундуз оғзига фақат пахта билан сув томизиб турадилар. Андижондан келган бир навкар уни шу ҳолатда куриб, подшоҳнинг улими ҳақида она шахрига хабар етказди ва фитна-ғавғоларга сабаб бўлади. Ҳатто энг яқин ва содиқ кишилари ҳам ундан умид узган пайтда Яратганнинг шарофати билан Бобур Мирзо шифо топади.

Ёки унинг Карнон қишлоғида ажал билан юзма-юз қолиб, душман қуршовидан ҳазрати Хожа Аҳрорнинг ғойибона кумаги билан қутулиб кетганини хотирлайлик.

Хуш, ақл бовар этмас даражада сирли бу воқеани нима деб изоҳлаш мумкин?

Умуман, Хожа Аҳрорнинг муборак сиймоси Бобур Мирзонинг тақдирида аксар ҳолларда ҳал қилувчи мавқе касб этади. Ёдингизда булса, умрининг сунгги кезларида Бобур яна қаттиқ оғриб қолади. Шунда у ихлос талаби билан маънавий падари ва пири бўлмиш ҳазрати Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форсийдан туркийга таржима қилади ва шу тариқа дардига даво топади.

Шоҳ Бобурнинг ун икки минг аскар билан Иброҳим Лудийнинг юз минг кишилиқ лашкари устидан

порлоқ галаба қозониши ёки азиз фарзанди Ҳумоюнга уз жонини садқа қилишини эслайлик. Буларнинг барчаси бу мумтоз шахс умрининг илми гайб ҳикматлари билангина шарҳланиши мумкин булган сирли саҳифаларидир.

Модомики шундай экан, парвардигор мукаррам айлаган бу зотнинг «толе йўқлиги»дан шиква-шикоятлари боисига келсак, бу ҳол, аввало, унинг мутаассир шоир дили ва дарवेशона юраги билан изоҳланади. Дардманд шоир Бобур шоҳлик шавкатию мислсиз молдунё Ватан армони қаршисида ҳеч ва пуч нарса эканини теран англади. Ҳазинасини безаган, оламнинг икки ярим кунлик харжига арзийдиган Куҳинур каби олмос-гавҳарлардан кўра она юртининг бир ҳовуч тупрогини баланд кўяр эди. Оламда ватан соғинчи ва ҳасратини Бобурдек ёниб, қайғу-надоматга тулиб қуйлаган бошқа бирон шоир бормикан! Шунинг учун ҳам менинг назаримда:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кунглимда ғам ҳар  
сў,  
Оқар сувнинг фироқидин кузумдин ҳар доим  
оқар сув, —

деган маҳзун сатрларни Бобур Мирзо сиеҳ билан эмас, юрагининг қони билан битгандек туюлаверади...

— Шарқда азалдан шоҳлик ва дарवेशлик фазилатлари муштарак келади. Бобур ҳам бундан мустасно эмас. Аммо бошқа шоҳлардан фарқли улароқ Бобур дарवेशликни подшоҳликдан устун қўяди. Ундаги ички иқрор, ростгўйликнинг боиси ҳам шу эмасмикин?

— Албатта. Тарихдан маълумки, ҳиндлар Бобур Мирзони «қаландар шоҳ» деб атаганлар ва бу бежиз эмас. Унинг ижодида бот-бот учрайдиган ёлғизлик ва ёлғизликдан ҳасрат оҳанглари, даврон зулмидан «бош-ни олиб оёқ етгунча кетмоқлик» истаги шундан далолат беради. «Улум уйқусига бориб булдим жаҳондин осуда, Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда», деб ёзган шоирнинг андуҳли дили дарवेशлик йўлига кўпроқ мойил эди.

— «Саодат соҳили» қиссасида сўфий аллома Ҳофиз Куйкий ва Бобур Мирзо уртасида кечган суҳбатларда ҳазратнинг бу борадаги маънавий изланишлари, руҳий уртанишлари яхши акс этган...

— Ҳа, бироқ у наср — «қора сўз» ёрдамида бу

мавзуни ёритишга бир уриниш эди. Шоир Мирзо Кенжабек бир шеърда бу ҳолатни мухтасар тарзда ифода этган:

Ё фалак! Гаройиб бир иш қилмишсан,  
Бошимга мангулик ташвиш қилмишсан.  
Айт, менинг узимни шоҳ этиб нечун,  
Нечун юрагимни дарвеш қилмишсан?!

«Бобурнома»да муаллиф бир уринда машҳур форсий мақолни зикр этиб утади. Мазмуни шундайки, ун дарвеш бир гиламга сиғиши мумкин, аммо икки шоҳ бир мамлакатга сиғмайди. Уйлайманки, шу жумла билан у «шоҳлик» ва «дарвешлик» деган тушунчаларга жуда чиройли таъриф берган.

— «Тавба» деб номланган бадиада Бобур Мирзонинг буюк ирода соҳиби экани ёрқин тасвирланади. Ул зот чоғир ичишдан тийилиб, нафсидан голиб келади. Лекин улуғ подшоҳнинг нафсни енгиш бобидаги ғалабаси фақат чоғирни бас қилиш билангина яқун топмагандек. Бобур Мирзо кейинчалик мулкгрлик борасида ҳам қаноатга берилиб, Мовароуннаҳрга қушин тортиш режасидан тийилмадимикан? Йўқса, бу унинг имконидаги иш эди-ку?

— Бобур Мирзо Ҳиндистонда беш йилга стар-стмас муддат ҳукронлик қилди. Бу йиллар асосан ҳинд ва афғон бекларининг қаршиликларини бостириш, турли фитна-низоларга чек қуйиш, мамлакатда янги давлатчилик асосларини урнатиш ҳамда оғир хасталиклар билан кечди. Бинобарин, ҳинд диёрида туриб Мовароуннаҳр мулкига куз тикиш Бобурнинг сиёсий ва ҳарбий режаларида булган-булмаганини айтиш қийин. Табиий, ватан соғинчи, айрилиқ азобидан шоир қаттиқ изтироб чеккан, бироқ бу масалани ҳарбий йул билан ҳал этишга интилмаган. Гулбадан-бегимнинг «Хумоюннома»да гувоҳлик беришича, падари бузургвори 1512 йилдаёқ «ака-укаларининг ноаҳиллиги ва муғулларнинг душманлигидан... ортиқ у вилоятда тура олмадилар. Сунг Бадахшон ва Кобулга йул олдилар. Шундан сунг яна Мовароуннаҳрни қулга киритиш хаёлини тамоман кунгилдан чиқариб ташладилар».

Бобур Мирзо шахсиятидаги жозибатор ва таҳсинга сазовор жиҳатлардан бири шундаки, у кузи очиқ пайтидаёқ тож-тахтини валиаҳдига топширишга жасо-

рат курсата олган ҳукмдордир. У шу маънода ҳам Шарқ тарихида ноёб учрайдиган мумтоз шахслардан биридир. Бу хусусда тагин Гулбаданбегимнинг хотиранларига мурожаат қилайлик: «У киши бундай дедилар: неча йилдан буён тож-тахтни сенга (Хумоюнга — Х.С.) топшириб, узим Зарафшон боғида ором олиш ниятида эдим. Оллоҳнинг марҳамати билан нимаики истаган бўлсам, барига эришдим...»

Уткинчи дунёнинг жилвагар ҳою ҳаваслари устидан, нафси аммора устидан голиб кела билган улуг инсоннинг қаноати ана шу тариқа ибратомуз намоён булган.

— Бобур — меҳрибон ва донишманд ота. Унинг фарзандларига панд-насиҳатларида шоҳ ва шоирнинг буюк инсоний қиёфаси яққол куришиб туради. Шу уринда «Саодат соҳили»даги бир ҳолатни беихтиёр эсладим. Бобур аллома Ҳофиз Куйкийга қарата энди дарвешлик тариқини ихтиёр этмакчилигини, салтанат миннати кунглига урганлигини ёниб-уртаниб арзи изҳор этаётган бир дамда хосхонага ёш қизалоқ — Гулбаданбегим кириб келади. Бобур Мирзонинг юрагидаги туфон шу ондаёқ босилади, қалбида қайғу ва ҳасрат буронлари тиниб, меҳр булоғи қайнай бошлайди — у бутунлай бошқа инсонга айланади. Бобур шахсиятидаги мафтункор жозибанинг бир жиҳати ана шунда — оталик фазилатларида эмасмикан?

— Яхши биласиз, Бобур ун икки ёшидаёқ отадан етим қолган. Гарчанд у — шаҳзода, еяр-ичардан камчилиги йуқ бўлса-да, «етимлик нимадир — бизлардан сура» деб айтишга асос берадиган кўп оғир кунларни бошидан кечирган. Амакилари ва тоғаларининг, укалари — Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзонинг тожу тахт талашиб, унга қандоқ ситамлар утказганликлари ҳам маълум. Бинобарин, Бобур Мирзо то камолатга етгунига қадар отасизлик-етимлик ҳиссиётини теран ҳис этиб ўсган. Қолаверса, инсон туйғуларининг нозик тасвирчиси ва билимдони сифатида салтанат соҳиблари хонадонларидаги меҳрсизлик, оқибатсизлик, макр-хиёнатдан умр бўйи азоб тортган. Ўз шахсий ҳаётида ота-онага, оға-иниларга, фарзандларига юксак муҳаббат ва эҳтиром билан қараганидек, ўзгаларнинг ҳаёти ва фаолиятини баҳолашда ҳам шу мезонлар асосида фикр билдирган.

— Хайриддин ака, ҳазратнинг аҳли аёли, ичкилари,

бугунги тил билан айтганда, оилавий аҳволи ҳақида ҳам сузлаб берсангиз.

— Бажонидил. Бобур Мирзо умри давомида бир неча бор уйланган, уз даврининг тамойилига биноан серфарзанд одам булган. Фарзандларининг сони ун еттита булиб, исмлари қуйидагичадир: Фахруннисо, Ҳумоюн, Борбул, Меҳржон, Эсон Давлат, Фарруҳ, Маъсума, Шоҳруҳ, Аҳмад, Гулзор, Комрон, Аскарӣй, Гулранг, Гулчеҳра, Ҳиндол, Гулбадан, Алвор. «Бобурнома»нинг сунгги саҳифаларида номаълум котиб томонидан қайд этилишича, подшоҳ вафот этганида ундан ёдгор булиб, «углонлар: Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ ва Комрон Мирзо ва Мирзо Аскарӣй ва Мирзо Ҳиндол эдилар. Ва қизлар: Гулрангбегим ва Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегим эрдилар. Ушбу уч қиз бир онадин эрдилар».

Шунингдек, бу пайтда Бобуршоҳнинг Маъсума исмли яна бир қизи ҳаёт эди. Қолган фарзандлари жуда эрта — ёш гудак чоқларида вафот этиб кетганлар. Бинобарин, Бобур Мирзо бу бевафо ҳаётда бошқа жабру ситамлар қатори фарзанд доғини ҳам куп беармон чеккан. Шу боисдан ҳам омон қолган угил-қизларига мудом меҳру мурувват курсатиб келган, уларни ҳамиша иноқликка, тотувликка даъват этган. Албатта, уша пайтдаги тарихий шароит тақозосига кура шоҳ Бобур ва унинг шаҳзода угиллари уртасидаги муносабатлар, оға-иниларнинг узаро муносабатлари ҳам доимо силлиқ кечавермаган, бироқ Бобур Мирзо донишманд ва шафқатли падар сифатида бу ички зиддиятларни оқилона бартараф қилиб келишга мушарраф була олган. Шарқнинг купгина тахт соҳибларидан фарқли улароқ, Бобур Мирзо уз ака-укаларидан номардлик ва жабру жафо курган чоғларида ҳам олижаноблик ила уларни авф этган; фарзандлари билан муносабатда ҳам уларнинг хатоликларини, тажрибасизликларини бағрикенглик билан кечириб келган.

«Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг билан яхши маош қилгайсан. Улуғлардин кутаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилгайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қуюбтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликта тақсир қилмағай», — деб насиҳат қилади у Ҳумоюнга ёзган мактубларининг бирида.

Ҳатто сунгги нафасига қадар Бобур Мирзо угил-қизлари уртасидаги муносабатларнинг келажаги ҳақи-

да қайгургани тарихдан маълум. Зеро улкан салтанатнинг келгуси тақдири ога-ини бобурийзодаларнинг иттифоқига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини у теран англади.

Улим тушагида ётган Бобур Мирзонинг фарзандларига қилган васиятини тарихчи Абулфазл шундай тасвирлайди: «Оқилона маслаҳатлар ва юракни уртаб юборадиган фармойишлар берилди. Шундан сўнг у киши мана бундай дедилар: «Сўнгги нафасим чиқмай туриб айтадиган гапим шулким, бордию ога-иниларинг тизога лойиқ бўлса ҳам, уларга минбаъд жазо бера кўрмагил. Худди шу курсатмага амал қилиб, «жаннатошиён ҳазрат» (Ҳумоюн — Х. С.) ога-иниларидан шунча жабр-жафо курсалар ҳам, уларга қарши бирон марта жазо чорасини кўрмадилар».

— Комрон Мирзонинг кузига мил тортгани-чи?

— Албатта, Абулфазл сарой тарихчиси эди ва унинг асарлари ҳам муайян гуруҳ манфаатини ифода қилади. Лекин гап ҳозир Ҳумоюн хусусида эмас, ҳазрати Бобур устида боради. Кўриб турганимиздек, ул муборак зотнинг подшоҳ падар сифатидаги фазилатлари ҳам гоят ибратлидир.

— Бобурийлар салтанатининг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ Иккинчининг ўғли Мирзо Қўешнинг бир муъжиза бўлиб инглиз қирғинидан омон қолгани ва шу тариқа бобурийлар шажараси Ҳиндистонда бугунга қадар сақланиб келаётгани ҳақида ёзганларингизни ўқидим. Шу муносабат билан беихтиёр яна Бобур руҳи, унинг илоҳий қудрати хотирга келади. Тириклигида Оллоҳдан ўз жони эвазига ўғли Ҳумоюннинг жонини талаб олган Бобур Мирзо руҳи кейинчалик машъум бир соатда Мирзо Қўешга ҳам балогардон бўлмаганми-кан?

— Эҳтимол. Биласизми, бу воқеалар шунчалик илоҳий сир-синоатга йўғрилганки, уларнинг илми гайб оламига тааллуқли ишлар эканлиги шундоққина аён бўлиб туради. Модомики, бу ҳодисотлар юксак самовот билан боғлиқ экан, биз — ожиз бандаларнинг бу хусусда башорат қилишимиз, балки, уринсиздир. Аммо шуни ишонч билан айта оламизки, Баҳодиршоҳ Иккинчи улуг аждоди Бобур мирзо сингари қатъиятли, мард ва ҳассос табиатли инсон бўлган. Ўзбекистонда Бобур Мирзо ижоди қанчалик машҳур бўлса, Ҳиндистонда Баҳодиршоҳ — Абу Зафарнинг шеърлари шунчалик маш-

хур экан. Унинг жушқин ва маҳзун газаллари атоқли ҳинд қушиқчилари томонидан суёб куйланар экан.

— Сиз бобурий аждодларимизнинг қадамжолари буйлаб бир қанча мамлакатларни кездингиз. Бу ҳақда мақола-суҳбатларингиз ҳам эълон қилинди. Шу сафарларингиз мобайнида Бобур Мирзонинг яна қандай жиҳатларини ўзингиз учун кашф қилдингиз?

— Бу сафарлар қаламқаш сифатида, ҳазрати Бобур ижодининг бир муҳлиси сифатида менга жуда кўп нарса берди. Балхдан тортиб Банголага қадар чўзилган улкан ҳудудда давр сурган бобурийлар сулоласининг тарихий моҳиятини урганиш учун талай муҳим маълумотларга эга бўлдим. Энг асосийси, сафардошларим билан бирга Бобур Мирзо ва унинг шавкатли авлодлари нақадар буюк инсон булганликларини ўз кузимиз билан куриб, ўз идрокимиз билан англадик. Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш давлатларининг гузал гушаларида мағрур қад ростлаб турган улугвор ва бетимсол мейморий обидалар бобурий боболаримизнинг беқиёс илмий-маданий салоҳиятларидан далолат беради. Айтайлик, Покистондаги осмонупар Ҳайбар тоғларидан ошиб ўтаётганимизда қалбимизни беихтиёр ифтихор ва ваҳима туйғулари чулғади: наинки, қилқурикдек қалтис шу йуллардан Бобур бобомиз отда, туяда, пойи пиёда утиб, олис-олис манзилларга етган бўлса! Ҳиндикуш довонини эшитгансиз, маъносини биласизми? Ҳинди — куш, яъни ҳинднинг улими, дегани. Йил ун икки ой тепасидан қор аримайди-ган бу хатарнок довондан ошиб ўтаман, дея мингминглаб ҳиндлар ҳалок булар экан. Метин ирода соҳиб бўлган Бобур Мирзо мана шундай машаққатли йуллардан қор кечиб, бўрон кечиб ўтганки, ёлғиз шу юришнинг ўзиёқ уни ўтмишдаги улуг саркардалар қаторига киритиш учун асос беради.

— Мана, суҳбатимиз ҳам, чамамда, охирлаб бораётибди. Гурунгимиз сўнггида сизга иккита савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Биринчиси: ҳазрати Бобурга хос фазилатлардан қайси бирини алоҳида қадрлайсиз?

— Бобур Мирзонинг демократлигини. Бу беназир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини урганиб, шундай хулосага келдимки, у зот насл-насаб жиҳатидан қанчалик аристократ бўлган бўлса, кундалик турмуш ва ижодда шунчалик демократ бўлган. «Бобурнома»да ва замондошларининг хотираларида бунга жуда кўп далиллар келтириш мумкин. Албатта, демократ деганда фақат



митингга чиқиб томоққа зур берадиган кимсаларни куз олдимишга келтирсак ва шу мезон билан Бобур Мирзога ёндашсак, кулгили булур эди.

Бу зоти бузургнинг демократлиги аввало шунда кўринадики, у ҳамиша, ҳамма жойда, турли ижтимоий синфлар, диний-миллий оқимлар, турли хил савиядаги кишилар билан ҳамжиҳатлик қилишга интилни. Яхшилик туйғуси дунёнинг маънавий асосларидан бири эканини умр бўйи уқтириб ўтди. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини, турмуш уқубатларини, шодумонликларини дуст-ёрлари билан, оддий меҳнат кишилари билан, содиқ навкарлари билан баҳам кўрди. «Дустлар билан бирга булган ўлим — тўйдир» деган форсий бир нақл унинг жувонмардлик, яъни рицарлик шиорига айланган эди.

Бобур Мирзонинг соф, содда, мардона, аини вақтда гоят фусункор ижоди ҳам унинг хоксор ва барчага баробар юрагидан яққол бир нишонандир. Айтинг-чи, бизнинг беш аср наридаги ўтмишимизда яшаб ижод қилган шоиру адибларимиздан қайси бирининг асарларини бугун таржимасиз ёки ҳар турли «настрий баён»ларсиз тушуниш мумкин? Бу рўйхат жуда қисқа бўлиши ва унинг бошида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг табаррук номи туриши шубҳасиздир. Бобур ҳаётда ҳам, ижодда ҳам халқона бир йўлни оғишмай танлади, ўзи мансуб булган ижтимоий табақа анъаналарига қарши борган ҳолда «хонбоп эмас, ҳаммабоп» бўлишга (Абдулла Қодирий таъбири) интилни. Ва шу олижаноб фазилатлари билан жаҳондаги минг-миллионлаб одамлар кўнглига марғуб булди.

— Сунгги савол: Бобур ижодидан ўзингизга энг маъқул бир мисрани айтиб бера оласизми?

— «Давлатқа этиб меҳнат элин унутма». Назаримда, бу пурҳикмат сатрни ҳар бир инсон ўз қалбига нақш этиб қўйса, асло зиён қилмайди».

«Мовий гумбаз» остидаги бу суҳбатимиз орадан кўп ўтмай «Маърифат» рузномасида чоп қилинди.

*1993 йил, 17 декабрь. Тошкент аэропорти.*

Оллоҳ насиб этса, эртага Андижонда Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллик тўйи бошланади.

Тонг саҳарда юбилейни ўтказувчи ташкилий қўмитадан уйга қўнғироқ қилиб, Бирлашган Араб Амирлик-



Андижон. Буюк аждодимизнинг рамзий қabri. 1995 йил



Паркент — Мирзо Бобур қадамжоларидан бири. 1996 йил

ларидан Бобур авлоди Шажоиддин Тусий учиб келганини, мен билан куришмоқ истагида эканлигини хабар беришди.

Дарҳол меҳмонхонага етиб келдим.

Оқ куйлак-лозим кийган, қорасоқ, оқ юзли келишган бир йигит мен хонасига киришим билан урнидан туриб кетди. «О! Мистер Султанов!» дея ёш боладек қувониб хитоб қилди. Ва дарҳол сумкасини очиб, бир рангли суратни олиб курсатди. Сурат Ҳайдарободда, Тусийлар хонадонида бўлган пайтимизда олинган бўлиб, уртада буйнига бир шода гулчамбар осган ҳолда камина қулингиз турар эди.

Куришдик, узбекча, форсча, арабча, инглизча аралаштириб ҳол-аҳвол сурашдик. Бу уша — Дубайда истиқомат қиладиган кенжа Тусий экан. У акалари билан маслаҳатлашиб, ҳазрати Бобур туйида иштирок этмоқ учун тугри Шаржадан учиб келаётган экан. Айтишига қараганда, муҳтарама онахон Лайло Уммахони бир оз бетоб эканлар, шунинг учун у кишини бу хаяжонли ва олис сафарга олиб чиққали ака-укалар таваккал қилишолмабди. Бугун соат ун бирдаги рёйсда Деҳлидан жаноб Зиёвиддин ва Масиҳиддин учиб келишар экан.

Бу гапдан хабарим бор эди, Шажоиддин билан вақтинча хайрлашиб, аэропортга йул олдим.

Мана, икки соатдирки, аэропортнинг халқаро булимида азиз меҳмонларни кутмоқдамиз: самолёт кечикмоқда, Тошкентда қуюқ туманлиги сабабли ҳали у Деҳлидан учмабди. Президент бобурийзодаларга юксак иззат-икром белгиси сифатида уларни уз меҳмонлари деб эълон қилган ва шу муносабат билан ҳукуматнинг махсус фармойиши ҳам чиққан эди. Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Раҳмон ака Расулов. Чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар уюшмасининг раиси Наим Ғойибов билан биргаликда меҳмонларни қарши олиш учун кутиб ултирибмиз.

Бир ҳафтадан кейин чилла киради, шу боис булса керак, ҳаво қаттиқ совуб кетди. Аччиқ изгирин одамнинг суяк-суягидан утиб зирқиратади. Чамаси, Бобур Мирзонинг туйи муносабати билан табиат барчамизни яна бир бор синовдан утказмоқчи шекилли...

Мени бошқа нарса ташвишга солмоқда: Ҳиндистонда ҳозир камида уттиз-қирқ даража иссиқ булса керак. Келаётган меҳмонларимиз қийналиб қолишмасмикан?

Самолёт тушга қадар ҳам, тушдан кейин ҳам келмади. Эртага соат саккизда меҳмонларни махсус рейс билан Андижонга олиб кетишимиз керак, наҳотки улгуриб келишолмаса?

Идорага қайтиб, кундалик ишларга тутиндим, аммо қулогим телефонда эди. Ниҳоят, аэропортдан хабар келди: Дехлидан кутарилган самолёт Тошкент аэропортидаги қуюқ туман сабабли Самарқандга қунибди, энди у ердан Лондонга парвоз қилар экан. Шуниси ажабланарлики, туман фақат аэропорт ҳудудини қоплаб ётар, шаҳарда ҳаво очиқ, қарсиллаган совуқ ҳукм сураар эди.

Ўзаро маслаҳатлашиб, Самарқанд вилоят ҳокимлигига сим қоқдик. Меҳмонларни кутиб олиб, машинада пойтахтга жунатишларини илтимос қилдик.

Бир оздан кейин гупиллаб қор ёга кетди, шамол эсиб, ҳақиқий қорбурон бошланди.

Шаҳар марказидаги ҳукумат меҳмонхонасига — Шажоиддин Тусийдан хабар олгани бордим. Наим ака меҳмонни зериктирмай биргаликда таом танаввул қилиб ултирган экан. Оғаларининг дарагини бериб, ҳадемай улар ҳам шу ерга етиб келишларини айтиб уни тинчлантирдик ва хушлашдик.

Уйга келганимда соат ун ярим булган экан. Бирор соат чамаси утиб, Самарқанддан телефон булди: ҳокимлик навбатчиси меҳмонларнинг ҳозиргина ДАН нозирлари кузатувида йулга чиқишганини маълум қилди.

*1993 йил, 18 декабрь. Андижон.*

Кечаги ваъдага мувофиқ Раҳмон ака иккаламиз эрталаб соат олтида меҳмонхонага келдик. Ака-ука бобурийлар бомлодни уқиб булиб, эндигина нонушта қилиб туришган экан. Уларнинг ҳаяжони чексиз, ҳистуйғуларини айтиб адо қилолмас эдилар.

Одатдаги лутфу мулозиматлардан сўнг аэропортга йўл олдик.

Кечаги қалин тумандан бугун асар ҳам йўқ, аммо совуқ кечагидан ҳам қаттиқроқ. Ҳукумат аъзолари, Туркия ва Ҳиндистон давлатларининг элчилари, хурматли меҳмонлар тушган махсус самолёт Андижон сари парвоз қилди.

Аммо Андижонга эмас, Ушга қунишимизга туғри келди. Сабаби — яна уша туман.

Ушдан қатор кутиб турган машиналарга ултириб, Андижонга равона булдик.

«Мана, бир кечада улуг бобонгиз қадамжоларидан Самарқанд ва Ушни куриш сизларга муяссар булди, муборак булсин», дедим кулиб меҳмонларга.

Улар совуқдан жунжикиб боришаркан, сипогина табассум қилиб қуйишди.

Меҳмонлар уз юртларидаги жазирамага мос енгилгина кийиниб келишган, шошилиничда уларга қалинроқ уст-бош топиб беришга ҳам улгурмаган эдик. Обҳаво ҳамма режаларимизни узгартириб юборди, бунинг устига, туйхонага ҳам кечикаётган эдик.

Андижоннинг бош майдонига кириб келишимиз билан карнай-сурнай янграб, ҳақиқий туй бошланиб кетди.

Бу куннинг қувончи, шукуҳ ва виқорини тасвирлаш учун талай оқ саҳифаларни қорайтирмоқ лозим булади. Аммо, муҳтарам китобхон, мен азиз вақтингизни суиистеъмол этмаслик ниятида асосий воқеаларнигина қисқача зикр этиб утсам.

Дастлаб майдонда тантанавор издиҳом булиб, арбоблар нутқ ирод айлади, аҳли шуаро шеър айтди. Сунгра Ўзбекистон гимни садолари остида оқ сурп оҳиста туширилиб, Бобур Мирзонинг улугвор суворий сиймоси бор салобати ила намоён булди. Ёш ҳайкалтарош Равшанбек Миртожиев бунёд этган бу муҳташам ёдгорликка тикилиб турар эканмиз, куп таниш ва нота ниш одамларнинг кузида ёш курдим.

Кейин Бобур Мирзонинг илмий-ижтимоий фаолиятига багишланган катта анжуманда иштирок эдик. Мамлакатимизнинг атоқли олимлари, Ҳиндистон элчиси жаноб Далип Мехта, Туркия элчиси жаноб Вулқон Чутур Бобур мухлисларини, узбек халқини қизгин қулашди. Ҳиндистон элчиси сүзининг ниҳоясида Бобур богида ташкил этилаётган музей учун бир қути китоб туҳфа қилди. Китобларнинг барчаси бобурийлар тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилар эдики, улар ҳар қандай музейнинг ҳам курки бўлишга арзирди.

Анжуманда ҳурматли меҳмонлар қатори жаноб Зиёвиддин Тусий ҳам сўзга чиқди. Мажлис аҳли уни олқишлар ила қарши олди.

Унинг ҳаяжони чексиз эди.

«Бу лаҳзалар умримнинг энг саодатли сонияларидир, — деб айтди у. — Бизнинг темурий, бобурий

сулоламиниз бениҳоя синовларни бошидан утказди. Биз чеккан зулм азоби, меҳнат-машаққатларнинг адоғи йуқ. Аммо ана шу жабру жафолар ниҳоясида Тангри-нинг бизга атаган ажру эҳсони борлигига асло шубҳа қилмас эдик. Меҳрибон онамиз — бобурийлар салтанатининг маликаси Бегим Соҳиба Лайло Уммахони бизни шу руҳда тарбият этдилар. Бугунги улуғ туйда иштирок этмоқлик бизга насиб этгани ҳам айни илоҳий адолатнинг бир кўринишидир. Келинг, шундоғ иноятларга етказгани учун меҳрибон ва мурувватли Оллоҳга ҳамду санолар айтайлик».

Донишманд файласуф одам экан бу Зиёвиддин Тусий! Тагин ҳам заифроқ таржимон тушиб қолган экан, маънодор фикрларини тула етказиб беролмади. Лекин шунга қарамай, унинг ҳароратли сўзлари барчани му-таассир этди.

Сўнгра анжуман қатнашчилари ҳаммамиз бирга-ликда шаҳар ёнбошидаги Боғишамол мавзеига, Бобур номидаги Миллий боғнинг тантанали очилиш мароси-мига бордик. Ташқари чиқишдан аввал бобурийзода-ларга пальтою шляпалар кийдириб совуқдан қурқ-майдиган қилиб қўйдик. Бироқ умрида илк бор оппоқ қорни кўриб турган бу одамлар унга ёш боладек ажаб-ланиб қарар эдилар.

Боғ бамисоли ҳазрати Бобур замонидаги сулим оромгоҳларни эслатади. Уркач-уркач адирлар оша юқо-рига юксалиб борадиган бу гузал маскан туманли қиш кунда ҳам файзу тароватини йўқотмаган эди.

Бундаги ҳар бир нарса Бобур Мирзони ёдга солиб туради. Маҳобатли дарвозадан кираверишда «Ху-моюн», «Акбар», «Кўҳинур» деган кушксимон иморат-лар қад ростлаган.

Юбилейнинг бадиий қисми қарийб тўрт ярим соат давом этди. Ўзбекистоннинг булбулнафас шоир ва ҳо-физлари сидқидилдан кўйлаб, кечага алоҳида файзу тароват бағишлади.

Меҳмонлар вилоят ҳокимлигининг шаҳар ташқари-сидаги меҳмонхонасига жойлаштирилди. Кечаси алла-вақтга қадар улар билан гурунглашиб ултирдик.

Зиёвиддин Тусий учрашувимиздан буён утган вақт мобайнида Ҳайдарободда чоп этиладиган «Раҳнамои Деккан», «Деккан хроникл», «Сиёсат», «Муслим» син-гари рўзномаларда Ўзбекистон ҳақида, бобурийлар та-рихи ва маданияти ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилган экан, шу нашрларни бизга лутфан тақдим қил-

ди. Ана шундай мақолаларнинг бири «Ўзбекларнинг маънавий юксалиши» деб аталади.

«Сизни ҳеч муболағасиз Ўзбекистон давлатининг Ҳиндистон матбуотидаги мухбири деб аташ мумкин», деб ҳазиллашдим.

Табиийки, мени кенжа Тусий — Шажоиддин купроқ қизиқтирар эди. Чунки акалари билан бирмунча мулоқотда бўлиб, улар хусусида муайян маълумотга эга эдим.

Суҳбат асноси унинг ҳаётига оид баъзи тафсилотлардан воқиф бўлдим.

У 1951 йили тутилган, 1970 йили Ҳиндистон Ҳарбий Ҳаво Кучлари сафига хизматга кирган. Хизматни тарк этгач, дорилфунуннинг тайёрлов булимида таълим олган. 1980 йилда Саудия Арабистонига иш ахтариб кетган ва халқаро аэропортда менежер ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1982 йили эса Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахтига оиласи билан кучиб келиб урнашади. Ҳозирда Абу Даби халқаро аэропортида менежер лавозимида ишлайди. Умр йулдоши Каниз Фотима — илоҳиёт муаллимаси.

Энг муҳими, Шажоиддин Тусий шоир экан! Мумтоз аждодларининг шеърий нафаси неча асрлар оша унга ҳам утган, у иқтидорли ёш шоир сифатида танилиб келмоқда экан. Урду тилида ёзган бир қанча шеърлари босилиб чиққанидек, инглиз тилида ҳам узига хос маҳорат билан ижод қилар экан.

Кенжа бобурийзода хонадоннинг фахру ифтихори эканлиги акаларининг унга бўлган эҳтиромли муносабатидан сезилиб турарди. Куп жиҳатлардан у акаларига ухшаб кетса-да, улардан фарқли улароқ оқ юзли, ва эҳтимол, шу туфайлидир, бениҳоя куркам кўринар эди.

1993 йилнинг апрель ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Миллий шеърият кутубхонаси» деб аталгучи бир ташкилот халқаро шеърият мусобақаси уюштиradi. Бу халқаро мушоирада Шажоиддин Тусий муваффақият билан иштирок этади. Унинг «Оловнинг кузешлари» деб номланган шеъри бу нуфузли танловда биринчи уринга сазовор бўлади ва муаллиф минг доллардан иборат мукофот билан тақдирланади. Мушоира ташаббускори булмиш ташкилот раҳбари жаноб Ҳовард Елоу имзо чеккан гувоҳнома ва табрик мактубидаги самимий сўзлар бобурий шоиримизнинг юксак ижодий салоҳиятидан далолат беради.

Оловнинг кузешлари!

Бу фавқулодда гузал шеърый ташбеҳнинг узиёқ Ша-  
жоиддин Тусийнинг қандоқ шоир эканлигини англа-  
тиб турибди.

Мазкур халқаро мушоирада янграган энг сара  
шеърлар алоҳида туплам ҳолида нашр қилинган, ки-  
тобга эса «Оловнинг кузешлари» деб ном берилган.

Андижонда утказилган учрашувларнинг бирида  
Шажоиддин дастлаб бобоқалони Баҳодиршоҳ — За-  
фарнинг маҳзун газалини уқиб берди. «Уқиб берди»  
десак, балки, унчалик ҳам туғри келмас, у бамисоли  
қушиқ айтгандек бир оҳангда қироат қилди. Билсак,  
Ҳиндистон ва Покистонда газални шу тариқа оҳангга  
солиб уқиш анъана булиб, бу расм ҳозир ҳам давом  
қилиб келар экан.

Шажоиддин газални уқиб булгач, бадиҳа тарзида  
инглиз тилида турт қатор шеър айтиб, аҳли мажлисни  
мафтун этди.

Яна икки кун Андижонда булинди. Хонобод тумана-  
нида, шаҳардаги турли илмий-маданий даргоҳларда бо-  
бурийзодалар билан қизгин учрашувлар, самимий му-  
лоқотлар утказилди. «Боғи Бобур»да Халқаро жамғар-  
мамиз билан «Ҳиндистондаги бобурийлар жамияти»  
уртасида узаро маданий ҳамкорлик туғрисида шартно-  
ма имзоланди. Кечқурун «Бой ота»нинг хонадоида  
бир пиёла чой устида суҳбат қурилди.

Ниҳоят, йигирманчи декабрь оқшом чоғи Тошкент-  
га қайтилди.

Ҳаво тобора совиб бормоқда.

*1993 йил, 21 декабрь. Самарқанд.*

Бугун тонгда биринчи рейс билан Самарқандга  
учиб келинди.

Дастлаб туғри Амир Темур ҳазратларининг зисрати-  
га борилди.

Гури Мирга етиб келганимизда кутилмаган бир иш  
булди: бобурийзодалар улуг аждодларининг мақбараси  
остонасида пойабзалларини счиб ялангоёқ булиб  
олишти. Зиевиддин Тусий изоҳ берди: бу ер — мозор,  
мозорга эса пойабзал билан кирмоқ жоиз эмас.

Таржимон — «Интурист»дан чақирилган малла соч-  
ли аёл тараддуланиб менга қаради. «Сизга шарт  
эмас», дедим унга ва меҳмонларга қушилиб, оёқ кийи-  
мимни счдим.



Ер муздек, бир лаҳзада бадандан совуқ утди.

Ичкари кирдик.

Ҳазрати соҳибқирон қабрларини тавоф этдик. Оғанилар навбатма-навбат тиловат қилдилар. Уларнинг товушлари титрар, кўзларида ёш йилтиллер эди.

Зиёрат тугагач, улар биз каби даҳмага юз угириб ташқарига йўл олганлари йўқ, аксинча, ботиний бир эҳтиром адо этиб, соҳибқирон қабрига юзланган ҳолда, ортларига тислана-тислана мақбарани тарк этдилар.

Уларнинг исломий одобига қойил қолмасдан илож йўқ эди.

Сунгра Улугбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Бибихоним масжиди, Регистон майдонига борилди. Бобурийзодаларнинг ҳайрат ва ифтихори чексиз эди.

Тушдан кейин Самарқанд Давлат дорилфунуни муаллимлари билан учрашув бўлди.

Кечкурун Тошкентга қараб парвоз қилдик.

*1993 йил, 22 декабрь. Тошкент.*

Бобур Мирзо зуредларининг сафари ҳам қариб қолди.

Бугун меҳмонларимиз Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. «Шарқ гули» зардузлик корхонасида, Қўлэмалар институтида, Адабиёт музейида бўлишди.

Оқийом хайрлашув зиёфати бўлди. Зиёфатдан сунг талай вақт суҳбатлашиб ултирдик. Суҳбат адогида Зиёвиддин Тусий шундай деб қолди:

«Биз эртага ҳазрати Бобур ватанидан ҳазрати Бобур ватанига қайтамыз. Ўзбекистонда Бобур Мирзо шахсияти ва ижодига нисбатан буюк бир эҳтиромнинг гувоҳи бўлдик. Лекин бир нарса бизни жиндай таажубга солди. Бизга шундай туюлдики, аксарият жойларда у улуг зотнинг номларини тоқ тутар эканлар, яъни Бобур деб атар эканлар. Эҳтимол, биз янглишармиз».

«Шундай ҳолатлар ҳам йўқ эмас», дедим кулимсираб.

«Бизнингча, бу ҳазрати Бобурдек беназир инсонга асло тўғри келмайди. Ахир, олийжоҳ Бобур Мирзодек шахслар неча юз йилларда дунёга бир бор келади, тўғрими? Онамиз Лайло Уммахони бизнинг бундай

қилишимизга асло йул қўймаган булур эдилар. Ёш бола чоғларимиз бу нарсага ақлимиз етмас, беихтиёр «Бобур» еки «Темур» деб оғзимиздан чиқиб кетса, онамиз бизни қаттиқ койир, ҳатто аямай урар эдилар».

«Афсуским, бизни ҳеч ким урмаган-да», деб ҳазиллашдим мен.

Кулишдик.

Чиндан ҳам, биз улуг аждодларимизга, ота-боболаримизга нисбатан исломий эҳтиромни унутиб қўйганимиз сир эмас. Оллоҳ назар қилган не-не улуг зотларнинг ҳам худди бешигини тебратгандек беписанд муомаламуносабатда булаверамиз. Биргина «ота» деган сузни олиб кўрайлик. Утмишда фарзандлар ўз оталарини «падари бузрукворим», деб, «қиблагоҳим», деб улуглаганлар. Бугун-чи? Жуда ҳурмат қилганимиз «дада», деймиз, булмаса — «бобой», «чол»...

Тилимиз билан бирга дилимиз ҳам қашшоқлашиб кетгани шу эмасми?

Эртаси пешиндан сўнг бобурийзодалар билан хушлашдик.

Бир ҳафта мобайнида урганишиб қолган эканмиз, кўп мутаассир бўлдик.

Аэропортда, чегара чизигидан утаётиб, бобурийзодалар бизга сўнгги бор қайрилиб қарашди: учаласининг ҳам миждаларида ёш йилтилар эди.

*1994 йил, 4 октябрь. Андижон.*

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Боғишамолдаги Бобур боғига ҳам ташриф буюрди. Бобур Мирзонинг мемориал ёдгорлик мажмуини зиёрат қилар экан, давлатимиз раҳбари Зокиржон ака билан ҳам суҳбатда бўлиб, жамғарма амалга ошираётган ишларга юксак баҳо берди. Суҳбат асноси Ҳиротда аянчли аҳволга тушиб вайрон бўлиб етган Алишер Навоий қабрини обод қилиш хусусида ҳам сўз борди. Президент бу ишнинг долзарб ва муҳимлиги ҳақида фикр юритиб, Бобур жамғармаси шу масалани урганиб чиқса, мақсадга мувофиқ булур эди, деб айтди.

Зиёрат ниҳоясида Президент Ислон Каримов, боғнинг «Хотира дафтари»га қўйидаги эсдалик сузларини ёзиб қолдириди:

«Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири улароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ургатади.

Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг барпо этилиши — халқимиз тарихидан янги, озодлик замонига қадам қуйилганидан яхши бир муждадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор булмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.

Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари купайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат булсин.

Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл орган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

*Ўзбекистон Республикаси*

*Президенти*

*Ислом Каримов*

*1994 йил, 4 октябрь»*

*1995 йил, 29 январь. Тошкент.*

Бир ҳафта бурун Ҳайдарободдан, Зиёвиддин Тусийдан Президент номига хат келди. Хатда дуои салом ва байрамлар билан қутлов сузлари битилган, суз орасида муҳтарама Лайло Уммахонининг оғир хасталик — сариқ касалига чалиниб бемор ётгани, шу боис оила аъзолари қаттиқ ташвиш тортаётгани ҳам айтиб утилган эди.

Президент бу мактуб билан танишгач, зудлик билан онахонга муруват ёрдами кўрсатиш ҳақида тегишли курсатма берди. Икки минг доллардан иборат маблағ тезда бобурийодалар хонадонига жўнатилди. Иқтисодий жиҳатдан хийла мушкул вазиятни бошидан кечираётган бу оиланинг чексиз қувончи ва миннатдорчилигини тасаввур қилиш қийин эмас...

Ҳа, Оллоҳ — улуг, Оллоҳ — марҳаматлидир!

*1995 йил, 17 июнь, Тошкент. «Лабзак» меҳмонхонаси.*

Июннинг бошларида Бобур экспедицияси навбатдаги — туртинчи илмий сафардан қайтиб келди. Ора-

дан ун-ун беш кунлар утиб, Зокиржон ака «Тойота»ни миниб Тошкентга келдилар. Кечкурун у кишини зиёрат қилгани Себзорга — Фанлар академиясининг «Лабзак» меҳмонхонасига бордим. Бориб қарасам, эшик-деразаларни зич ёпиб, чироқни ҳам ёқмасдан қоронғи бир хонага қамалиб ултирган эканлар. Ҳайрон бўлдим.

— «Умрнинг қоқ ярми йулларда утди, Ярми эса утди меҳмонхонада», — дедим шоирнинг сатрларини жиндак узгартириб.

«Бой ота» шивирлаган оҳангда изоҳ бердилар: пашша, яъни чивиндан қурқиб шу алфозда ултирган эканлар. Иккаламиз биргаликда пашша, яъни чивинларга қарши қиргин очдик, сунгра кук чойни аччиқ-аччиқ хуплаб, гурунг қурдик. Кейинчалик шу гурунг асосида бир суҳбат тайёрлаб, «Халқ сўзи» рўзномасида эълон қилдик. Модомики, ҳазрати Бобурнинг тарихий изларини излаб юрган жаҳонгашталар фаолиятини холис ёритмоқ ниятимиз экан, уйлайманки, шу суҳбатнинг қисқача мазмуни билан танишув китобхонлар учун фойдадан холи бўлмас.

«— Зокиржон ака, бу гал сафарга чиқишдан қандай мақсадлар кўзланган эди?»

— Икки йил муқаддам Афғонистонга борганимизда темурийлар давлатининг пойтахтларидан бири бўлмиш кўҳна Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Улуғбек Мирзонинг онаси Гавҳаршодбегим қабрларини зиёрат қилдик. Бу қабр-мақбараларга қараб ачинасиз, раҳмингиз келади. Вақт дегани бе-шафқат булар экан, шундай улуг зотларнинг мангу масканлари ғарибу афтодаҳол бўлиб ётибди. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг мақбараси гумбазига афгон уруши пайтида бомба тушиб вайрон бўлганини куриб кўп надомат чеккан эдик. Сафардан қайтгач, бу хусусда мамлакатимиз жамоатчилиги ва раҳбариятини хабардор қилдик. Шукурки, саъй-ҳаракатларимиз бежиз кетмади — биз бу масалага Ўзбекистоннинг кенг жамоатчилиги эътиборини қаратишга муваффақ бўлдик. Шу сабабли жамғармамиз ҳазрат Навоийнинг абадий оромгоҳини обод қилиш, уни муқаддас қадамжога айлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу таклиф вилоят меҳнаткашлари, зиёлилари, раҳбарлар томонидан қуллаб-қувватланди. Хусусан, утган йил октябрь ойида Президентимиз Андижон вилоятида бўлиб, Бобур боғида ёдгорликлар мажмуи билан танишганида шу ния-

тимизни у кишига маълум қилдик. Давлатимиз раҳбари таклифимизни маъқуллаб, биз юртимизда Алишер Навоийга чексиз эъзоз кўрсататаётганимизга қарамасдан, шоирнинг Ҳиротдаги қabri гарибона аҳволда қолиб келаётганини афсус билан тилга олди, уни тиклаш-таъмирлаш барчамиз учун муқаддас инсоний бурч эканини таъкидлади. Бу ишни кенг жамоатчилик ердамида амалга ошириш мувофиқ эканини уқтирди.

Бобур жамғармаси ана шу масъулиятли юмушни амалга оширишга бел боғлаб, янги илмий экспедиция ташкил этди. Шу йилнинг 17 май — 11 июнь кунлари Туркменистон, Афғонистон, Эрон мамлакатларида илмий изланишлар олиб бордик. Сафаримизнинг бош мақсади эса — Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Гавҳаршодбегимларнинг абадий оромгоҳлари ҳолатини урганиш, уларни қайтадан тиклаб-таъмирлаш режаларини тайёрлашдан иборат бўлди.

— Ҳазрат Навоийнинг мангу макони бугун қай аҳволда? Шоирнинг қabri тепасида бунёд этилган меъморий обиданинг тарихи қандай?

— Алишер Навоий вафот этганларидан сунг Ҳиротнинг Инжил дарёси буйидаги сокин мавзелардан бирига дафн қилинганлар. Мусалло номи билан машҳур бу меъморий комплексда Шоҳрух Мирзо (хоки Самарқандга кучирилгунга қадар), Гавҳаршодбегим, Бойсунқур Мирзо каби темурийлар хонадони аъзоларининг қabr-мақбаралари бўлган. Навоий ҳазрат бу зотлардан 50-70 метр шимоли-шарқда, муъжазгина гумбази, соддагина, беҳашам мақбара остида ётибдилар. Қabr тепасига тикланган дастлабки иншоот ҳам, унинг тасвири ҳам, афсуски, сақланиб қолмаган. Мазкур мақбара эса 1948 йили ҳиротлик сармоядор Гулом Ҳайдар Мухторзода томонидан барпо этилган.

Изланишлар давомида Навоий нима учун бу олий табақа зодагонлар хилхонасига дафн этилган, деган савол ҳам пайдо бўлди. Менинча, бунга қуйидаги ҳолатлар асос бўлса, эҳтимол.

Маълумки, ҳазрат Навоий нафақат улуғ шоир, балки улуғ амир рутбасига етишган машҳур давлат арбоби бўлган. Бинобарин, унга муносиб иззат-ҳурмат кўрсатмоқ учун қabr ўрнини подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг узи белгилаб берган бўлиши мумкин. Қолаверса, оддий халқ ҳазрат Навоийни улкан шоир, нуфузли амалдор дебгина эмас, балки азиз авлиё, илоҳий пир деб ҳам эъзозлаган. Ҳатто шу кунларда ҳам ҳазратнинг қab-

рига кишилар шифо истаб, мушкулларига мадад тилаб зиёратга келишадганининг гувоҳи бўлдик.

— Маҳаллий аҳоли, афгон фуқароларининг Навоийга, умуман Ўзбекистонга муносабати қалай?

— Ҳиротдаги маҳаллий аҳолининг Ўзбекистонга муносабати умуман хайрихоҳ. Бу хайрихоҳлик ҳар қадамда сезилиб туради. Зиёлилар айниқса юртимиздаги ўзгаришларга, маданият даражасига ҳавас билан қарайдилар. Мамлакатимизда икки улуг сиймо — Амир Темури ва Камолитдин Беҳзод юбилейларини нишонлашга ҳозирлик қуриладганини айтганимизда уларнинг кузларида ҳавас ва армон учқунлари ёнгандек туюлди.

Ҳиротнинг маданий жамоат аҳли Алишер Навоий сиймосига, унинг хотирасини абадийлаштириш масаласига савоб иш деб қарайди. Шунинг учун булса керак, биз келишимиздан аввалроқ мақбара гумбази қулдан келганича таъмирлаб қўйилибди. Вилоят раҳбарлари ҳам бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватладилар. Афғонистон маданият вазирининг уринбосари Фулом Сахий Мисбоҳ билан Бобур жамғармаси улуг аждодимиз мақбарасини биргаликда обод қилиш хусусида келишиб олди.

Биз Ҳирот шаҳрида ун икки кун бўлиб, асосан, Навоий қабристини атрофида топогеодезик съёмка қилдик, муҳандислик қидирув ишларини бажардик, майдон геологияси, сейсмик ҳолатини ургандик, тупроқ ва ер ости сув намуналаридан олиб, тадқиқот қилиш учун Андижонга олиб келдик. Мақсадимиз — ҳазрат Навоийнинг булажак мақбараси ҳар жиҳатдан мустаҳкам, салобатли ва улуг бўлсин.

— Экспедиция давомида яна қандай янгиликлар қўлга киритилди?

— Боя айтганимдек, бу галги илмий сафаримиз беҳад самарали бўлди. Биз буни соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига бағишлаган эдик. Шу сабабли темурийлар маданиятини теран урганиш диққатимиз марказида бўлди.

Буюк мусаввир Камолитдин Беҳзоднинг Ҳирот — Машҳад йулидаги қабрини зиёрат қилишга муваффақ бўлдик. Ўзининг беқиёс асарлари билан олам аҳлини ҳайратга солган, ижод намуналари Лувр, Бостон, Бодлеян, Эрмитаж каби музейларни безаб турган улуг истисод эгасининг қабри ҳам худди Ҳусайн Бойқаро қабри сингари қаровсиз аҳволда, мазор тепасида сага-

на тошигина қолган, холос. Бу ҳол дилларимизда надомат уйғотди...

Ҳиротдан юз километрлар нарида жойлашган Куҳисанг деган кичкина қасабада Амир Темурнинг хотини Туман Оқо мақбараси бор экан. Шоҳрух Мирзо томонидан қурдирилган бу гузал иншоот ҳам бутунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. Хусусан, қабр тепасига қуйилган ноёб, қимматбаҳо тошни афғон уруши даврида нобакор кимсалар синдириб олиб кетибдилар. Мамлакатдаги оғир аҳволга қарамай, маҳаллий аҳоли ҳашар йули билан мақбарани таъмирлашга киришибди. Бу бизни ҳам жуда қувонтирди.

Сунгра йулимиз Эрон ҳудудида давом этди. Қадим Тойобод шаҳрида Амир Темурнинг муҳтарам пири Шайх Зайниддин Абубакр Тойободий мақбараси бор экан, уни тавоф қилдик. «Темур тузуқлари»да соҳибқироннинг бу азиз авлиға чексиз ҳурмати ҳақида уқиган эдик, мана, ниҳоят, у кишининг қабрини зиёрат қилишга муяссар бўлдик. Бсихтиёр улуг шайхнинг Амир Темурга айтган ҳикматларини, «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, аммо зулм билан туролмайди», деган доно ўғитини эсладик.

Шоҳрух Мирзо бу жойда хонақоҳ қурдирган экан. Хонақоҳ-масжид шу қадар нафис қурилганки, деворларига шу қадар нозик жило берилганки, бамисоли заргар қулидан чиққан, дейсиз. Ички деворларидаги нақшлар орасидаги мрамар лавҳаларда уша давр машҳур кишиларининг дастхати билан битилган турли ёзувлар сақланиб қолган. Жумладан, Улуғбек Мирзо ун иккинчи турт ёшларида бу жойга зиёратга келганида маънодор мисраларни мрамар лавҳага битиб қолдирган экан. Форс тилида ёзилган бу битикнинг мазмуни тахминан шундай: «Сен тарафга қадам босиб кўрдимки, сенинг мақсудинг — жамики яхши зотлар ичинда бўлмоқлик экан. Сабр-бардошим ила бунда мақсудимга етдим». Ёзув тагида: «жумади-с-соний ойининг ун иккинчи кунни бу таърих суврат қилинди», деган изоҳ ҳам бор. Улуғбек Мирзонинг мазкур дастхати темурийшунос олимларимиз томонидан ўрганишга арзийдиган илмий далилдир.

Экспедициямизнинг яна бир ютуғи Машҳад шаҳридаги машҳур имом Ризо мақбара-ёдгорлик мажмуаси кутубхонасидан Бобур Мирзога алоқадор ноёб бир қўлёзмани топганимиз бўлди. Маълумки, Бобур Мирзо ўз даврида мавжуд араб алифбосини ислоҳ қилган, уни

туркий тил қонуниятларига мослаштириб, «Хатти Бобурий» деган алифбо ихтиро этган, бу алифбода Куръони каримни кучиртириб, Маккаи мукаррамага юбортирган эди. Имом Ризо мажмуасининг кутубхонасида Бобур Мирзо хати билан кучиртирилган ана шу муқаддас китоб сақланиб қолган экан. Кутубхонада 50-рақамли каталог номери билан руйхатга олинган бу қўлёзма бениҳоя гузал, саҳифалар сони 365 варақ, ҳар бир саҳифада 17 қатордан ёзув битилган. Қоғоз ва унга зийнат бериш ишлари Кашмирий деган шахс томонидан тилло суви билан бажарилган.

Биз ундан нусха кучириб олиш учун мажмуа маъмуриятига мурожаат қилдик. Афсуски, бунинг учун мамлакат юқори маҳкамаларининг махсус рухсати керак экан. Кутубхона мудирини оғои Вористой жамғармамиз фаолияти билан танишгач, тегишли расмийликларни узи адо этиб, қўлёзманинг бир нусхасини Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига совға сифатида жунатишга ваъда берди. Умид қиламизки, ҳадемай у музейимиз бисотиға келиб тушади...»

Зокиржон ака сафар таассуротларини сўзлашда давом этар, аммо менинг қўлоғимга ортиқ сўз кирмас эди. Ҳаслим бундан ун йиллар нарига учган, бсихтиёр «Хатти Бобурий» сабаб булиб ёзилган «Нуқта» деган бир ҳикояни эслаб кетган эдим.

Азиз китобхоним!

Келинг, шу ҳикояни биргалашиб эслайлик.

## НУҚТА

Икки ҳафтадирки, Ограда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди. Икки ҳафтадирки, файзу шуқуҳини йўқотган Боғи Нурафшонга дарчадан маҳзун боқиб ётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кун ёстиқдан бош кутарган, тонг саҳардан Хилватхонада ёлғиз ултирганча Кобулга — Ҳумоюнға мактуб битмоқда.

Утган душанба оқшомида Ҳумоюннинг элчилари — Басншайх Вайс Лоғарий билан Беккина деган навкар йигит хушхабар олиб келди. Бобур Мирзо бу уқтам, соҳибтадбир йигитларни илгаритдан — Самарқандда экан чоғидан билар, уларнинг омилкорлигию улғурюраклигига ишонгани ваҳҳидан Ҳумоюн қошида хизматга қолдирган эди.

Элчилар келтирган хабар, қақроқ қирғоққа урилган



денгиз тўлқинидек, орзиққан кунглига қувонч берди, бироқ улар билан бафуржа сўйлашмоққа ҳам қурби етмади: мана, икки ҳафтадирки, вужуди иситма алангасида ёнади. Айниқса, совуқ тушгандан буен дард янада кучайди. Чап қулогига пайдо булган, на ҳинди, на араб ҳақимлари даво топа олган чидаб булмас бир огрик ҳам кун сайин зурайиб, мислсиз азоб бера бошлади. Куни кеча саргарош буйнига сочиқ тақиб, соқолини тарошлаётганида, тилло гардишли кузгуга термилганча соқолидаги оқ толаларга нигоҳи тушдию ич-ичидан хурсиниқ келиб, кузларини бемажол юмди. Шу ондаёқ Алишсербекнинг ҳикмат тула, дард тула байти иқроп тиғи билан юрагини тилиб утди:

Соқол оқи улимга пешровдир,  
Тириклик сабзаси узра қировдир.

Тириклик сабзаси!.. Ҳа, унинг ҳам умр кўклами фасли хазонга юз тутиб, саргайган япроқ янглиғ тўкилиб бораётир. Падари бузургвори Умаршайх Мирзо уттиз тўққиз ёшида қазо топган эди. У эса, қиблагоҳи ёшини аллақачон яшаб бўлди, тангри умр берса, шу қиш қирқ беш ёшни тўлдирур. Бироқ тақдири азалда шоҳларга умр вафо қилган эмас — ганим ханжаридан минг бир тadbир ила жон сақлаганларида ҳам, ажал шамширининг ногаҳоний зарбидан қутулмоқлари маҳол.

Бобур Мирзо мутгасил жангу жадал ичра қурқинчли тушдек кечган умри поёнига қараб бораётганини дил-дилидан англар эди. Улим ваҳми энди юрагига қутқу солмасди, надомат туйғуси кунглини уртамасди, зеро, гоҳ қирқ беш лаҳзадек, гоҳ эса қирқ беш асрдек туюлган қирқ беш йиллик ҳаётида у аччиқ қисмат майини беармон сипқарди, дунё кезиб дунё орттирди, кўп яхши-ёмонни бошидан ўткарди, тириклик лаззати қанчалар тотли бўлмасин, оламдаги ҳар бир нарса каби унинг-да мангу эмаслигига иқроп бўлди: фақат, қилган ишларидан қилиб улгурмаган, аммо ниҳояга стказиши шарт булган юмушлари ҳали кўп эканини билар, шу боис, қайтмас булиб кетаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сонияни унсиз фарёд билан кузатар эди.

У кумуш суви юритилган жуъз қатидан Ҳумоюннинг мактубини олиб, қайта куздан кечира бошлади. Бир зумдан сунг таассуф ила бош чайқади: Ҳумоюн не чоғ шавкатли подшоҳ бўлмасин, ҳарбу зарб ишида

нечогли порлоқ зафарлар қозонган баҳодир булмасин, ҳатто, мана, зуред курган бахтиёр ота булмасин, ҳали нақадар сабий! Иигирма ёшда ҳам ҳануз сабий эканига ушбу номаси яққол далолат: бошдан-оёқ такаллуф билан йугирибди, дабдабадан холи бирор жумлани чироқ ёқиб ҳам топмоқ мушкул: «Қуллуқ арзадошт улким... ва султони салотин қиблагоҳимизнинг мурувват ва ҳамият қуёши... шамси талъат Ҳут буржида эдиким, абри найсон паришон булиб эди...»

Бобур Мирзо мактубга хомуш тикилиб қолди. Ҳумоюнни бир қарич чоғидан мудом ёнида олиб юрди, узи билган ва билмаган жамики илму ҳунарга, файзу фазилатга ургатди, тангри инояти бирла, иншооллоҳ, комил булди, деб ҳаёл қилди, бироқ, минг афсуски, барибир нимадир хотиридан фаромуш булибди. Ахир, мамлакатдорлик миннатини буйнига олган кишининг хат битирда чучмал ва муғлақ алфоз билан иш тутмоғи улуғ айбдир. Аммо айб ёлғиз Ҳумоюндами? Расмий девоннинг барча номаларию фармойишлари, бепоян салтанатнинг турт тарафидан ҳар куни келиб тургувчи турфа мактублар, шиква-шикоятлар, аризаларнинг жами ана шу янглиғ зебу жило ила тўлиб-тошган. Уларни то кўздан кечириб чиққунига қадар юраклари хун булиб кетади, бироқ ҳар бирига муносиб жавоб қилмоқ учун бошдан-оёқ уқиб битирмоқ керак, уқиб битирмоқ учун сабр-тоқат керак, шу сабаб яратгандан сабру тоқат тилашдан узга чора йўқ. Совун купигидек омонат, пуч сузлар билан оқ қоғозни қора қилмоқ орифлар учун фазилат эмас. Таассуфким, буни жуда оз кимса англайди, англаган мардумнинг ҳам аксари бу андиша кучасидан нари юрмоқни афзал билади.

Аста хурсиниб, қалам-довотга қул чўзаркан, ҳаёлидан ғариб бир фикр кечди: жавобни шундоқ мулоҳаза бирлан битмоқ керакким, токи ҳам Ҳумоюннинг кунгли озор топмасин, ҳам, агар англаб етса, бу хат унга бир умрлик сабоқ булсин!..

«Ҳумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач, суз улким, душанба куни рабби ул-аввал ойининг унида Беккина била Баёншайх келдилар, — дея бошлади у мактубини. — Хатлардан ва арзадоштлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолот мушаҳҳас ва маълум булди...»

Бирданига узининг набиралик булгани — энди бундан буён бобо эканини эслаб, иситма чангалидаги бемадор вужудига ором югурди: Ҳумоюн Ёдгор тағойи-

нинг қизидан угил курибди... Кунглида ажиб бир қа-  
ноат ва қудрат туйди. Шу шодумонлик таъсирида мис-  
ралар бири иккинчисини иноқ стақлаб келди:

«Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,  
Санга фарзанду манга дилбанде...»

Бсихтиёр узининг ана шундай саодатли онлари,  
Ҳумоюн тугилганда қалбини тўлдирган ифтихор туйгу-  
лари ёдига тушди. Угли Кобул аркида таваллуд топган  
эди. Вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар па-  
роканда, саргардон сарғайиб, Самарқанд қамалида оч-  
ликдан ит этини, эшак этини еган мискинлар билан  
даҳшатли уқубатлар чекиб, Тошканд ва Андижонда  
мислсиз машаққат ва хорликлар тортиб, ниҳоят, Ко-  
булда бир муддат қўним ва осойиш топган кунлари  
эди, шикаста кунглини қувончга тўлдириб Ҳумоюн  
дунёга келди. Шу вақтгача Темурбекнинг салтанат со-  
ҳиби бўлган барча авлодини «Мирзо», дер эдилар, уша  
йили у узини бундан буён «Подшоҳ», деб аташларини  
амр этди. Мавлоно Сайидий шоир валодат тарихини  
«Султон Ҳумоюнхон» топиб эди, бу ном узига ҳам,  
ичкиларга ҳам маъқул тушиб, уч-тўрт кундан сунг гу-  
дак Муҳаммад Ҳумоюн исми билан элга маълум бўлди.

Оталикнинг фарзи айни — фарзандга муносиб исм  
қўймоқ, дейдилар. У ҳамиша бақадри имкон бунга  
интилди; иккинчи угли тугилганда унга умрлик бахт  
тилаб, Комрон номини берди; учинчи угил дунёга  
келганида унга аскарлик шижоатини тилади — Мирзо  
Аскарый деб бағрига босди; Ҳиндни олганида Ҳақ  
таоло туртинчи угилни ато этди — шавкатли кунларим-  
дан ёдгор деб Ҳиндол исм қўйди; тангри бир онадан уч  
қизни унга каромат қилди — гул барги монанд нозик  
зеболарга чаман гулларининг хуш исmlарини раво кур-  
ди — Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим,  
деб суйди. Мана, энди Яратган унга набира қувончини  
бахш этибди...

«Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга  
ҳамиша рузи қилгай, омин ё раббал оламин, — дея  
давом этди у. — Отини Альамон қўймишсен. Тенгри  
муборак қилгай. Вале бовужудким, узунг битибсен,  
мундин гофил булубсенким, касрати истиъмол била  
авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, узга мундоқ  
алиф-лом отга кам булур...»

У барқут болишга ҳоргин суянган қуйи аста уйга  
толди. Бу гудакнинг манглайига котиби қудрат нелар-

ни ёзди экан? Салтанат дағдағасиними, саркардалик шавкатиними, алломалик рутбасиними, шоирлик қисматиними? Тангри танглайини қандоқ фазлу карамлар билан кутарди экан? Истикболи ёруғмикан, қоронги? Зеро, шоҳларнинг инон-ихтиёри узида, дегувчилар адашур. Бу оламда шоҳу шаҳзодалар мудом узгаларга — узларидан қудратлироқ ҳукмдорга, уларнинг қош-қовоғига қарам. Шу ваҳжданким, тахт теграсида боболару оталар, оталару болалар аксар қирпичоқ. Ахир, Султон Мирзо Улуғбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик утар дунё учун шундоқ қари ва донишманд отасини қатл этди; Султон Ҳусайн Мирзодек соҳибтажриба, иш курган улуг подшоҳ кексайган чоғида норасида набираси Мумин Мирзонинг бегуноҳ қонига қўлини ботирди! Ахир, падаркуш Абдуллатиф дунёга келганида, Мирзо Улуғбек ҳам худди унинг янглиғ, оламдаги угил курган барча орзуманд оталар янглиғ боши кукка етган булса, не ажаб! Эвоҳ, ким билсин, кукка етган шу азиз ва муътабар бошини бешиқда беозор тамшаниб етган шу гудак бир кун келиб сапчадай уздириб ташлашини билганида... Ёинким, Султон Ҳусайн Мирзо, Мумин Мирзонинг таваллудидан хабар топганида озмунча севинган, чоғир базми учун яна бир баҳона топилганига озмунча қувонганмикан?.. Оқибат эса... Ё раб, ана шундоқ кургиликлардан узинг асра!

«Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга куп йиллар ва бисёр қарнлар Альамонни давлат ва саодат била тута бергай...»

Ҳумоюн давлат ишларига дахлдор бир неча мулоҳазаларни баён қилиб, кенгаш тилаган эди. Мактубнинг айни уринларига бўлақча зехн солиб англадики, валиаҳди купдан буён унинг дилидаги утли армон — Самарқанду Андижон орзусини амалга оширмақ тараддудиди. Бироқ Ҳумоюн бу муқаддас армон унинг дилида ёнган фарёд эканини билармикан? Ҳумоюн учун бу бир жанговарлик ҳаваси, ҳукмдорлик шаъни йулидаги жозиб бир орзугина эмасмикан? Ахир, ўзи неча бор чоғланди, йиллаб қулай фурсат кутди, фурсат етганда эса... журъат кутди, аммо журъат етмади — киндик қони томган юртларни, энди эслаган чоғ юраклари тутдек тукилиб кетадиган жаннатмонанд вилоятларни қон билан сугорадими? Ота-боболари мазорини фил туёғи остида топтайдими? Бундан не топади — шон-шавкату фароғатми? Мурод топдим дея алданиб,

ҳалқлар ёдида сазовори лаънат бўлиб эсланмайдими?.. Йўқ, бундоғ қалтис таваккал унинг илгидан келмас. Бироқ айни навқирон чоғида кўкси жанги жадал нашъаси, зафар иштиёқи билан тулиб-тошган баҳодир валиаҳдиннинг шижоатини қайтармоқ ҳам ақлдан бўлмас. Ким билсин, балки отага муяссар бўлмаган саодат фарзандга насиб этар?

«Яна Комронга, Кобулдаги бекларга фармон булдим, — дея бир муддат ўйланиб, давом этди у, — бориб, санга қушилиб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сори-гаким, салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг инояти била ёғиларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсёр қилгайсиз, иншооллоху таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур... Агар тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаҳҳар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаҳҳар бўлса, — унинг вужуди баногоҳ зирқираб кетди, — Самарқандга сен ултургил...»

Оҳ, қани энди, уша саодатли кунларга етиб булармикан? Асли, унда толе йўқ экан, толе йўқлиги жонига бало бўлди...

Ватандан айри тушганига яраша, шоядки, фарзандлари меҳр-мурувватли, андишали, саховатпеша бўлсинлар. Шукур, шу кунгача урталаридан оқибат кутарилмади, аммо ундан сўнг бу оғалиқ-инилик шу йўсин давом этармикан? Ёхуд Султон Ҳусайн Мирзонинг уч нафаридан булак жами валаддуззино ун тўрт ўғли сингари, фарзандлари бирининг кузига бири чўп суқармикан? Ҳарне, орада мулкгирлик таъмаси бор, балои нафс талвасасию шайтони алайҳилаъна васвасаси бор!.. Ахир, ўзи бу борада озмунча ситам тортди-ми? Ота бир Жаҳонгир Мирзо отлиғ иниси бор эди, боиси мулкгирлик, у билан не кудурату нифоқларга бормади! Мудом кузига чўп солмоққа интилди. Шайбонийхон чангалидан базўр қутулиб, дили вайрон, ота юрти Андижонга паноҳ тортиб борганида, иниси шаҳар дарвозаларини унинг юзига тақа-тақ ёпди. Йўқ, донолар бу ажиб форсий масални беҳуда айтмаганлар: «Даҳ дарвеш дар гиламе биҳусбанд, ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд!»<sup>1</sup> Ҳумоюнга шуни ук-

<sup>1</sup> Ун дарвеш бир гиламга сигади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сизмайди.

тирмоқ керакким, инилари билан ҳамиша баҳамжиҳат маош қилгай, чунки улуглардан доимо кутаримлик, кенгфёъллик лозим.

«Яна сендин озроқ гинам бор, — дея хат бошидан ёзди у, — бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдин сунгра келди. Мундоқ бўлурми?»

Шу пайт чап қулоғида кучли бир оғриқ қўзғалиб, боши қаттиқ зирқиради, икки чаккасига буров солингандек, аъзойи бадани жунбушга келди. Қалам тутган қўли титраганча яна болишга беҳол ёнбошлади.

Табиблар даво топа олмай ҳайрон юрган, қулоғидаги бу дард боиси не экани узига яхши аён. Мундан йигирма йил муқаддам, Кутали Зарринда мисли қурилмаган қор буронига дучор бўлди. Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совуқдан гангибми, ё азбаройи қариликми, йўлни йўқотди. Кечга бориб қор беҳад забтига олди. Қосимбекнинг зури билан яқинроқ деб шу йўлдан юрилган эди, ориятманд одам, номусга тушиб, икки ўғлини ёнига олиб, қор кечиб йўл очганча олга бошлади. Лайлак қор лаҳза сайин тобора кучаяр, довон узра ув тортган изгирин эса юз-қўзга, қўл-оёқларга юзларча, мингларча чаёнларни келтириб ураётгандек булар эди. Ҳаволи Қутий деган бир жойга етганда ортиқ тоқат қилиб бўлмай қолди, шунда тунамоққа қарор берилди. Ким от устида, ким қор-тошдан баҳоли қудрат паноҳ ясаб бошини тортган, ким изтироблар билан кузда ёши шашқатор... У қўлига курак олиб, гор яқинига мук тушди, икки қулоч чамаси ернинг қорини қурай бошлади. Тиззагача, белигача, куксигача куради — хануз ер қуринмас эди. Қор уюмидан ҳосил бўлган чуқурга тушиб, бошини ичкари тортиб утирди. Олам-жаҳонни буткул яксон қилмоқ қасдида қутуриб эсаётган изгириндан хийла пана бўлди, улим ваҳми нари чекингандек туюлди. Тишини тишига зур бериб босган куйи, дилда алам саратони, жисму жонида қиш қаҳратони, кўнглидек қоп-қоронғи осмонга тикилганча қимир этмай утираверди. Аллазамон утиб, беклардан икки-уч киши келди, горга боринг, ҳарна, жон сақласа бўлур, дедилар. У кескин бош чайқади. Ахир, қайси юз билан борсин? Барча навкарлар бунда — бурон чангалида титраб-қақшаб ўлтирсаю, у иссиқ горда, фароғат оғушида мудраса!.. Йўқ, бу мурувват лафзига хилоф, ҳамжиҳатлик расмига ёт иш бўлади, у ҳам не машаққат бўлса, барча қатори бардош

берур, агар вақти қазоси етган бўлса, купчилик билан жон таслим қилур! Шу куйи чоғга тушгандек жойидан қимирламай утираверди. Қор кучайгандан кучайди, намози хуфтон бўлганда, елкасини, бошию қулоқлари устини турт энлик қор босган эди. Қулоғига не бало теккан бўлса, ушанда теккан. Яна бир дафъа, худди шу сингари аёзли кун эди, дарё лабига етганда черик бир сесканди; у отдан илдам тушиб соҳилга борди, музни тешиб, ун олти бор шунғиди...

Ҳа, чархнинг у курмаган жабру жафоси қолдими?!

У чап қулоғига кафтини босганча, бир муддат кутди. Оғриқ хиёл пасайгандек туюлгач, яна Ҳумоюннинг мактуби узра эгилди. Бу не синоатким, хатда ёлғизлик, ёлғизлик азоби хусусида бир неча ҳасратомуз сўзлар битилган эди. Бобур ҳайрон қолди: йигирма яшар навқирон жувонмарднинг дилида бунчалар нола-надомат? Таажжуб билан бош чайқади. Ҳаҳ, болам, деди хаёлан, сенинг ёшингда мен ҳам ҳали ёлғизлик балоси нелигини билмасдим, аммо унинг изтиробни ила чулганмоқни хуш кўрар эдим!...

У шифтга тикилиб, фикрини жамлаб олди-да, шитоб билан ёза кетди:

«Яна хатларингда ёлғузлик, ёлғузликким, дебсен, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир  
Ва гар яксувори сари хеш гир<sup>1</sup>.

Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлик рост келмас...»

Чиндан ҳам, жаҳонгирлик ҳавоси билан ёлғизлик ҳавоси рост келганини шу пайтгача ким қурибди? Ёлғизлик истаган киши зинҳор-базинҳор тожу тахт миннатини бўйнига олмасин. Ё бўйнига кашкул осиб қаландарлик йўлини тутсин, ёинки зоҳидлик тариқатини ихтиёр этсин. Аслида, ёлғизлик не эканини сен қайдан билурсан, болам? Сен дунёга келиб не ранжу аламлар тортдингки, дилингни бундоғ ситамлар уртайди? Ун икки ёшда суюкли падарингдан етим қолдингми? Отангнинг тупроғи совимасдан, ҳали қузингнинг ёши қуримасдан сағир бошингга тож кийдирдиларми? Беғу-

<sup>1</sup> Агар оёғинг банд бўлса, ризонни олдинга қуй, агар танҳо сувори бўлсанг, уз бошингча бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кета бер.

бор болалик дамларинг, покиза усмир чоғларинг қону қатрон ичида, дуду чопқин ичида барги хазондек чир-пирак булиб кетдими? Ғаддор рақиб уз қиличинг билан бошингни чопдими? Туғишган жигарларинг бетингга туғлаб, ганимга қушилиб юртингдан Мосуво этдими? Мангу жудо бўлган она юртинг дарди юрагингни эздими? Узга вилоятлар, узга эллар нафрати бирла тавқи лаънатга сазовор, саргардон тентирадингни? Қирчиллама ёшингда малика Байда сенга заҳар тутдими? Умрингнинг гул очган куклам фасли гафлат билан чоғир денгизи ичра ғарқ булиб кетдими? Нега бунча нола чекасан, уғлим Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ? Бу чексиз изтироблар боиси не?

Ва шу ондаёқ бу ҳадсиз-ҳисобсиз саволларга жавоб топгандек булди: изтироблар боиси — тирикликда, инсонликда. Фақат тир'ик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бормоққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуг улик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб — тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир. Демак, меҳнату тарбиятлари зое кетмабди — Ҳумоюн теграсига боқар экан, юраги дардга тулади, дард уни безовта хаёл билан қадамини тафтиш этади. Демак, унинг куксида виждони уйғоқ, адлу инсофи тирик. Балли, уғлим, деб шивирлади у, баракалла, баҳодирим!.. Аммо шу заҳоти кунглини музлатиб хавотир туйғуси бостириб келди: бу юмшоқфеъллик билан Ҳумоюннинг мамлакатдорлик қилмоғи қийин, бениҳоят қийин!

Дили музтар булиб, уғлининг мактубидан бир таскин-тасалли қидирди. Ҳумоюн хушхат эди, лекин мактубнинг баъзи уринларини қийналиб, тусмоллаб маъносини чақди.

«Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва укумайсен, не учунким, агар укур хаёл қилсанг эди, уқийелмас эдинг, — дея ташвиш билан ёза бошлади у.— Уқийелмагандин сунг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била уқиса буладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни «алиф» била битибсен. Кулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб уқиса буладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум булмайду. Ғолибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттандур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ буладур.



Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ булур, ҳам уқугучига...»

Мактуб шу ерга етганда у тухтаб қолди, чунки айб фақат Ҳумоюнда эмаслигини яхши билар эди. Куп булди, у муқим бир қарорга келган: араби имло туркийгуй эл учун бағоят номувофиқ. Араб уз алифбосини уз лисони тийнатига монанд жорий этгандир. Бу дунёда араби имлодек машаққатли имло ҳеч қайда қурилган эмас. Улуғ бир айби будурки, ҳар бир ҳарф, гуе мунофиқ кимса каби, турт ўринда турт хил шакл ила товланиб келади, бир ерда зикр этган маъноси узга ерда рост келмай, кишини иштибоҳга солади. Ахир, туркийгуй элнинг ҳам уз сузлар йусини, талафузда уз тариқи, зарофат бобида уз йуриғи бор. Таассуфки, уларнинг бари араби имлода тукис мужассам топмоғи маҳол. Хусусан, зеру забар деган чалкаш унсурлари борким, кишининг зеҳнига кишандир, ҳатто уни бир нав эгалламоқ учун ҳам чорак умр сарф бўлгусидир. Ёдида, узи ҳам бир гал галат нуқта туфайли, бир бадҳат кимса туфайли хуб жафо чеккан — қарийб жон таслим қилаёзган.

Улуғ жанг арафаси эди, Янгибек отлиғ ишонган мардона беги хат йуллаб маълум қилдиким, Шерғоридан маҳфий йул бордир, ёғий устига қуққис бостириб борса булур. Тонгласи фармон бериб, Шерғори сари юрилди. Бориб, душманнинг мур-малахдай лашкарига дуч келди, улган улиб, қочган қолиб, жун талофат билан аранг қутулди. Дарғазаб ёниб, Янгибекни чорлаб қасди-басдига олдилар. У тангри таолони шоҳид келтириб қасамёд қилдики, Шерғоридаги йулни уз кузи билан кўрган эди, кечгача шунда ҳайрона кутган, бир кимсадан дарак бўлмаган. Хатни қайта таҳқиқ қилиб курдилар. «Шерғори»да бир нуқта галат булган экан, Янгибек, азбаройи зеҳни сузлигиданми, фикри танбаллигиданми, ҳарчанди эътибор бермаган экан, бадҳатлиги туфайли бадбахт бўлиб кетишига бир баҳя қолди... Араби имло жорий этилганига не замонлар булудур, бироқ, таажжуб, наҳот шу пайтга қадар туркий тилда суз айтган не улуғ алломалар, буюк жаҳонгир мулқидар унинг номавзунлигини англамаган булсалар? Англагандирлар-у, аммо нозик бир андиша уларнинг журъатига гов булган эса эҳтимол. Ҳеч кимса юрак ютиб ошкора изҳори арз этолмаган, боиси, Қуръони шариф айни имло бирла мазкур булгандир. Оллоҳнинг каломи битилган имлони ислоҳ қилмоққа

даъват этгали қай баҳодирнинг юраги дов берсин? Лекин нафақат араб, балки туман-туман туркигуй эл ҳам анга содиқ бандадир, бас, улар ҳам яратганига ҳамду сано битмоқ учун аввало пок бир алфозга эга булмоқлари фарздир. Буни англаб етмоқ учун гафлат ва жаҳолатдан кўзни бир оз очмоқ кифоя, холос. Демакким, шу нуқтаи назардан ислоҳ табиий бир эҳтиёждирки, туркийгуй элнинг бор сухан ва лафзи унда эътиборга олинсин. Энг аввало, зеру забардан воз кечмоқ даркор, ақл кўзини тиндиргувчи барча нуқталарни бартараф етмоқ керак. Ҳарфларнинг турлик-турлик мунофиқ мақомига чек қўймоқ лозим, токи имлонинг қатъий, барқарор бир шакли таъмин булсин. Ана шунда имло ажаб бир соддалик касб этади, жами мавҳумликлар тугатилади. Фақат бунга бир журъат керак, холос!

У бунга журъат қилди — янги бир имло тузди. Узи яратган лойиҳани кўп алломаю фозиллар ҳукмига ҳавола этаркан, унинг не бир афзалликларини куйиб-куйиниб уқтирди.

Таассуфки, ҳар қайда сузларини жимгина маъқуллаб эшитардилар-у, сомиёлар юзидаги ташвиш куланкаси сийратдаги хавотирни фош қилиб турар эди. Шу тариқа «Хатти Бобурий» жиддий бир рағбат курмади. Аммо у ортга қайтмади. Қасдма-қасд яна бир таваккал қилди: энг хушхат котибларга Қуръони шарифни «Хатти Бобурий»да кучиртириб, китобат қилдирди-да, Маккаи мукаррамага юборди!.. Оқибат шу булдики, бир куни бағоят муътабар уломою киромлар салобат ва салмоқ билан ҳузурига ташриф буюрдилар, зоҳиран эҳтиром сақлаган, бироқ ботинан жиддий таҳлика оҳанги аён бир тарзда уни «баъзи номуносиб ҳаракатлардан огоҳ булмоққа» даъват этдилар. Зеро, оллоҳ бир, расул барҳақ экан, у — тангрининг ожиз бандаси Заҳириддин Муҳаммад ҳам буни автахидил эътироф этар экан, каломуллоҳнинг имлоси ҳам ягона ва собит эканига имон келтирмоғи лозим. Бунга иштибоҳ қилган зоти кимсанинг эътиқоди иштибоҳ остида қолиши ҳаммадан аввал унинг узига маълумдир.

Уламои замонларнинг оғир, вазмин сузларига жимгина қулоқ осди, алам билан лабларини қимтиди: орзу қилган нарсаси имкон сарҳадидан наридаги сароб булиб чиққанини қайғу ила тан олди. Зотан, дини исломнинг саф тортган минглаб лашкарига нечоғ салоҳиятли булмасин, ёлғиз саркарданинг қарши бормоғи ақлга

зид, мағлубияти муқаррар бир ҳол эди. Агарчи бирда-иккида кескин қарши бориб, ҳукмини утказган булса-да, бу гал чекинмоқдан ўзга чора қолмади... Уларнинг сузларини тинглай туриб, Муҳаммад Шариф мунажжимнинг кирдикорларини эслади. Узига хилий бино қўйган бу зот юлдузларга қараб қаромат қилар, бироқ башоратлари мудом терс чиқар эди. Шу важдан кейин-кейин уни хушламай қўйди. У ҳам азбаройи ҳайиққанидан, унинг кўзига куринамасликка тиришар эди. Бу шумнафас мунажжим, ҳукмдорга айтиш имконидан маҳрум, дуч келган кимсани четга тортиб, ваҳима билан шивирлар экан: гуё бу оқшом Миррих гарб сари оққан эмиш, кимки шу тарафдан уришса, албатта мағлуб булар эмиш. Унинг гаплари паришон навқарлар кунглини баттар синдирар эди. Оқибат, шумнафаслигини қўймагач, даргоҳидан қувиб солмоққа мажбур булди. Аммо, афсуски, ҳузуридаги бу кишилар Муҳаммад Шариф мунажжим эмас — ҳар бирининг этагида юз минглаб мўмин намоз уқимоққа ҳозир муътабар шариатпешалар! Муҳаммад Шариф каби уларни ҳайдаб солмоққа, минг таассуфки, қурби-қудрати етмайди. Қурби етса эди, Ғазни кентларидаги мужовирларнинг найранги каби бемаъни даъволарини таҳдид ила маън этган булур эди. Бир сафар Ғазни кентларидан бирида ғалати мазор хусусида алланечук мишмишлар қулоғига етди. Гуёки, саловат айтилса, қабр тебранур эмиш. Узи бориб, узоқ разм солди, қабр тебрангандек куринди. Уша ерда утириб, бир оз мулоҳаза қилди. Маълум булдики, мужовирлар қабр тепасига бир ҳалқа ясабдирлар, ҳар замонда сездирмай ҳалқани қимирлатиб қуяр эканлар. Ҳалқа тебрангач, қабр тебрангандек куринар экан — умрида кемага тушмаган одам, кемага киргач, худди қирғоқ тебрангандек туюлгани сингари. Шу фикрга келиб, мужовирларга ҳалқадан нарироқ туриб саловат айтишларини буюрди. Ҳарчанд зўр бериб саловат айтдилар, бироқ қабрда ҳеч қандай ҳаракат сезилмади. Кулимсираб, изига қайтаркан, ҳалқани бузиб ташлаб, қабр устига гумбаз барпо қилишни, мужовирларнинг минбаъд бундай риекорлик ила машғул бўлмасликларини қаттиқ амр этди. Ҳа, аммо улар саёқ мужовирлар эди, уларга кучи старди, бироқ ҳузурида савлат тукиб утирган бу аҳли уломога амри фармони утмайди!..

. Шу тариқа «Хатти Бобурий» амалга ошмай қолиб кетди. Кейин ҳам бу хусусда неча бор суз қўзғалганда,

энг яқин кишиларидан ҳам хайрихоҳлик урнига тааж-жуб ва норизолик зоҳир бўлди. Лекин имони комилки, қачондир вақти-соати етиб, туркигуй элнинг фозил фарзандлари араби имлонинг ислоҳи муқаррар эканини англаб стадилар, шунда «Хатти Бобурий»ни ҳам афсус билан эслайдилар!.. Бас, шундай экан, Ҳумоюнидан ранжимоғи бекор. Яхшиси, «Хатти Бобурий»нинг сархатини унга, Комрон Мирзога, Хожа Калонга бир нусхадан китобат қилдириб юборгани маъқул, қачонки зарурат бўлганда асқотғусидир.

У хаёлларига чек қўйгандек, мактубини хотималашга киришди. Хат сунгида кунгли Ҳумоюнга икки-уч оғиз насиҳатомуз сўзлар битмоқни тилади:

«Яна улуг иш устига борассен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилоҳлиқни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошинга чорлаб, ҳар маслаҳат булса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз — унга қарор бергайсиз...»

У Мовароуннаҳр юришида фарзандларига нечоғ зафар ва нусрат тиламасин, дилининг бир бурчида андак шубҳа ҳам пинҳон эди. Шу боис кунгли тубига васиятдек тугиб қўйган бир ниятдан Ҳумоюнни ҳозирданок воқиф қилиб қўймоқни лозим топди:

«Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда булди, Кобулни шугун тутубтурмен, ани ҳолиса қилдим. Ҳеч қайсингиз таъма қилмагайсиз».

Бирдан вужуди титраб кетди: Кобул унинг учун диёри урнига диср, ватани урнига ватан бўлди. Агар тақдирда она юртга қайтмоқ насиб этмаган булса, хокини Кобулга, узи барпо этдирган сулим боғлардан бирига қўймоқни васият қилади, токи жазирама, майин тупроқда мангу фароғат огушида ётаркан, дарёнинг у бетидан эсан хуш насимлар қабри узра юрт нафасини уфуриб турсин!..

Беҳад мутаассир бўлиб, сунги жумлани шиддат билан қоғоз узра чекди:

«Черикни яхши йиғиб юргаёсен. Оғиз сўзларидин Баёншайх соҳиби вуқуфдир, маълум булғусидир, деб муштоқликлар била салом. Пажшанба куни раббиул-аввал ойининг ун учида битилди».

Бобур шундай деб хатга нуқта қўйди.

Биз ҳам шу уринда ҳикояга нуқта қуйсак булар. Аммо ҳикояга сизга қолган икки оғиз мулоҳаза борки, муҳтарам китобхон бунинг учун бизни айб-ситмас.

Бобурдек закий зотнинг бир нуқта туфайли бу қадар изтироб чеккани бежиз эмас эди — ҳаёт буни исботлади: тақдирнинг ғалати уйинини қарангки, Бобур вафотидан кейин ҳам зеру забар жабрини тортади — узоқ йиллар мобайнида номи «Бобир» дея ёзиб келинади. Фақат, унинг беш юз йиллик тўйи арафасида нуқтадон бир олим «Бобир эмас, Бобур!», дея наъра тортиб чиқадию бу борадаги «ғалати машҳур» бартараф этилади.

Бир нуқтанинг тарихи, қадри ва мавқеи ана шундай. Тамом. Нуқта.

*1995 йил, 3 ноябрь. Тошкент.*

Йил бошида Бобур экспедициясининг аъзоси, ҳинд-шунос биродаримиз Аҳмаджон Қосимов билан биргалликда бир иш бошлаган эдик. Мана, ниҳоят Оллоҳнинг инояти ила шу ниятимиз амалга ошди — ҳиндистонлик киноижодкорлар томонидан яратилган кўпқисмли «Баҳодиршоҳ — Зафар» бадиий видеофильмини ўзбек тилига таржима қилишга муяссар булдик.

Илья Ильф ва Евгений Петровдан қай тариқа ижодий ҳамкорлик қилишлари ҳақида сўрашганида шундай жавоб берган эканлар:

«Биримиз ёзамиз, иккинчимиз қўлёзмани угирлаб кетишмасин, деб пойлаб турамыз».

Бизнинг ижодий ҳамкорлигимиз бундан фарқли улароқ тарзда ташкил этилган: яъники, Аҳмаджон ҳиндчадан сузма-суз таржима қилади, мен эса матнга бадиий-тарихий сайқал бериш билан шугулланаман.

Фильм октябрь ойининг охирида бир ҳафта мобайнида телевидение орқали намойиш қилинди.

Очиги, мен таржима асарнинг бу қадар шуҳрат қозонишини кутмаган эдим. Жуда кўп одамдан шу тўғрида ижобий фикр-мулоҳазалар эшитиш насиб этди. Бунда, албатта, фильмнинг бадиий савияси муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Асарни машҳур киносанъаткорлар — «Маҳобхорат»дек улкан киноэпопея билан танилган ака-ука Раби ва Ромеш Чупралар яратишган.

Фильмда Баҳодиршоҳ — Зафарнинг шеърӣ асарларидан ёрқин намуналар берилган. Улардан бири будур:

На кимнингдир куз нуриман,  
На кимнингдир қалб қуриман.  
На нафим бор, на зиёним —  
Учиб юрган гард-губорман.

Рангу руйим сомон булди,  
Дусту ёр ҳам тамом булди,  
Чаманзорин қиров босган —  
Хазонрезги бир баҳорман.

На кимнингдир ҳабибиман,  
На кимнингдир рақибиман.  
Вайрон булган қисматдирман —  
Бир кимсасиз бозорман.

Нечун қул очсун биров,  
Нечун гул сочсун биров,  
Нечун шаъм ёқсун биров —  
Эгаси йуқ мозорман.

Хуши наво эмасдурман,  
«Тингла, мени», демасдирман.  
Мен жудолик тимсолиман —  
Мужассаами озорман.

На кимнингдир куз нуриман,  
На кимнингдир қалб қуриман.  
На нафим бор, на зиёним —  
Учиб юрган гард-губорман.

Оллоҳ бу зотни ўз раҳматига олган булсин...

*1996 йил, 10 февраль. Тошкент.*

Ўтган йил 17-22 декабрь кунлари Деҳлида «Марказий Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуман ишида бир неча узбекистонлик олимлар билан бирга Зокиржон ака ҳам иштирок этди.

«Бой ота» сафардан гап топиб келди: нима дейсиз, бобурийзодаларнинг янги авлоди топилди!

«Деҳлида булган пайтимизда, — деб ҳикоясини бошлади Зокиржон ака, — таниқли ҳинд профессори,

маданиятимизнинг катта дусту жаноб Қамар Раис шаҳарда истиқомат қиладиган бобурийлар авлодига мансуб бир аёлнинг дарагини айтиб қолди. Эртаси куни у кишининг ёрдамида уша хонимнинг хонадонига бориб қуришиб-танишдик. Покиза Султон Бегим исмли бу салобатли, нуроний аёл сунгги бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ Зафар зурёдларидан бири эканлиги суҳбат чоғи аён бўлди.

Учрашув ниҳоясида хонадон соҳибаси бизга «Дехли таймс» газетасининг 1995 йил, 19 май сонида босилган Турнима Шама қаламига мансуб бир мақолани лутфан тақдим қилди. Бу мақолада Покиза Султон Бегим ва унинг аждодлари қисмати ҳақида бир қанча муҳим маълумотлар баён этилган. Гарчи мақолада чет элларда урнашиб қолган тасаввур бўйича «Муғуллар сулоласи» ҳақида сўз юритилса-да, аслида у моҳиятига кўра бобурийлар сулоласидир».

Орадан бир ҳафта утиб, Зокиржон ака Бобур жамгармаси котибаси Наргиза Шукурова томонидан уша мақоланинг инглизчадан русчага қилинган сузма-суз таржимасини менга юборди. Синчиклаб танишиб чиққач, мен уни узбекчага ўгирдим ва орадан бир неча кун утгач бу мақола «Ўзбекистон овози» газетасида босилиб чиқди.

Қадрли китобхон!

Шу мақолани сизга илиндим, марҳамат.

## МУҒУЛЛАР САЛТАНАТИНИНГ ВОРИСАСИ

*утмиш шукуҳини хотирлаб, йуқолган бойликларни  
афсусланиб эслайди*

Муғуллар салтанатининг кечмиш тарихини узгартириб бўлмайди. Ким билсин, эҳтимол, тақдирида битилган бўлса, салтанат тожи шу аёлнинг боши узра ҳам ярқираши мумкин эди...

Аммо Покиза Султон Бегим — Ҳиндистондаги Муғуллар сулоласининг ҳозир барҳаёт бўлган сунгги вакилларида бири, бу хусусда афсусланмайди.

«Шаъну шавкат бари утиб кетди, бироқ, бахтимизга, бизларга нисбатан инсоний меҳр-эҳтиром ҳануз мавжуд», дейди Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси бўлмиш Покиза Султон Бегим. У яқинда Ҳиндистон маданий алоқалар кенгашидаги хизматини тарк этди. Эндilikда у узининг уртаҳол ижтимоий аҳволи ва қарин-

дошларининг мадад-кумагидан мамнун ҳолда умргузаронлик қилаётир.

Волидаи муҳтарамаси — туқсон икки ёшида қазо этган Қамар Жаҳон Зебуннисобегим вафотидан сунг у Олий Суднинг ғаниқли адвокати Дониёл Латифий билан турмуш қуриб, ҳозирги пайтда Дехлининг жанубида ҳаёт кечирмоқда.

Лекин мозийнинг улугвор ва муҳташам жозибасини осонликча унутиб бўлмайди. Хусусан, муғуллар салтанати давридаги тарихий обидалар доимо уша буюкликни ёдга солиб туради.

«Бу ёдгорликлар аجدодларим мамлакатга қилган беқийс хизматларни эслатиб, дилимда фахрланиш ҳиссини уйғотади, — дейди Покиза Султон Бегим. — Муғуллар бу юртга муҳожир бўлиб келган эдилар. Аммо улар тез орада Ҳиндистон халқи билан шу даражада киришиб кетдиларки, бу ҳол кейинчалик мамлакат ривожиди тажассум топди. Узоқни кузлаган, саховатли бу ҳукмдорлар улка аҳлига қардошлик ришталари билан боғланиш мақсадида ҳатто ҳинд маликаларига ҳам уйланишди».

Покиза Султон Бегим мумтоз аجدодлари маданиятига хос анъаналарни давом эттирмоқда.

«Дустларимнинг аксарияти ҳиндлар, — дейди у, — умуман, одамлар орасида миллату мазҳабига қараб ажратиш бўлиши лозим эмас».

Унинг уз оиласидан ташқари барча қариндош-уруғлари Ҳиндистон иккига бўлинган пайтда Покистонга кетиб қолишган. «Уларнинг бу борада айби йук, улар ҳижратни вақтинчалик бир чора деб билган эдилар», дейди у.

Чиндан ҳам, бу одамларнинг кўпчилиги тез орада юртларига қайтишга қаттиқ ишонишган. Шу боис у ёқда ҳовли-жой ҳам сотиб олишмаган. Бу ҳақда ҳикоя қилар экан, Покиза Султон Бегимнинг кузларида ёш пайдо булади.

Унинг ота-онаси Ҳиндистон Миллий конгрессига бўлган ишонч-эътиқоди туфайли ватанга қайтиб келишни афзал кўрдилар.

«Бўлиниш пайтидаги тус-туполонларда бизнинг Дехли четидаги мол-мулкимиз талаб кетилган эди. Бизга Дарёи Ганждан бошпана беришди, шундан буён бирор жойга кетиш зарурати тугилмади», дея хотирлайди у.

Покиза Султон Бегим марҳума онасидан эшитган



утмиш ҳикояларини — шоирлар каломи ва беҳисоб меҳмонлару қариндош-уруғлар ташрифидан файзга тулган улуг хонадон ҳаётини яхши эслайди. Отасининг касби гарчи физик бўлса-да, у ҳам соҳиби оламлар даврасига мансуб, яъни Панжобдаги Палли тумани ҳокимининг угли эди. У бобурийлар сулоласига мансуб малика Қамар Жаҳон Зебуннисобегимга уйланиб, Дехлини беҳад ёқтириб қолади.

«Отам бор давлатини қаттиқ меҳнат билан топган эди», дейди Покиза Султон Бегим. Камтар ва камсуқум инсонлар бўлган ота-онаси муғуллар мулкига ворис улароқ ҳеч қандай даъво қилган эмаслар. «Ҳақиқий демократ кишилар сифатида улар инсон уз меҳнати билан ишлаб топган нарсагина унинг узиники бўлишига ишонар эдилар», дейди у. Онаси ҳатто оилавий мерос бўлиб авлоддан-авлодга утиб келаётган қимматбаҳо зоб-зийнат ва мактубларни ҳам Ҳиндистон мустақилликка эришганидан сўнг давлатга топширади. Бу буюмлар орасида Қамар Жаҳон Зебуннисобегимнинг сепига қушиб берилган Аврангзоб Оламгирнинг қиличи ҳам бор эди.

Покиза Султон Бегимнинг айтишича, онаси Маданият вазирлигининг илтимосига кўра дам-бадам хорижий меҳмонларга ҳамроҳлик қиларкан. Ва уни ҳамиша муғул подшоҳларининг Ҳиндистондаги бевосита вориси сифатида таништиришган.

Онасидан сўнг бу вазифани адо этиш Покиза Султон Бегим зиммасига тушган. Учрашувлар чоғида унга Муғуллар салтанатининг турмуш тарзи, ҳашамат ва мероси ҳақида беҳисоб саволлар беришади. Узининг буюк аждодлари билан ифтихор қиларкан, у ота-онаси унга ҳеч вақт насл-насабини рукач қилиб мақтанишга изн бермаганликларини эслайди.

«Гарчи ундан буён талай замонлар утиб кетган бўлса-да, куп одамлар бизни иззат-ҳурмат қилади», дейди у. Камтарлик ва қаноат каби чин инсоний фазилатларни онаси мудом фарзандлари қалбига сингдиришга интилар эди. Айни шу фазилатлар билангина улуг аждодларимиз сингари юксак чуққиларни эгаллаш мумкин, деб ҳисоблар эди.

Балки шу боис унинг ота-онаси «Муғули аъзам» фильмининг кургандан сўнг қаттиқ ранжишган экан. Покиза Бегим бу ҳақда шундай дейди: «Отам фильмда шаҳзода Салим (Жаҳонгир — Х.С.) образини яратган Далип Кумар уз отасига нисбатан қилган муомалага

сира ишонмас эди. Албатта, аксарият фарзандлар уз манфаати ва нуқтаи назарини ҳимоя қилганида қушиб-чатишдан тап тортмайди, аммо уларнинг бирортаси ҳам отасининг кўзига тик қаролмайди. Бу сингари фильмлар муғуллар ҳақида нотўғри тасаввур беради».

Покиза Султон Бегимнинг фикрича, Аврангзёб тожу тахт учун уз биродарларини маҳв этган кундан бошлаб бу сулола тарихидаги инсоний қадриятларга заволят етди. Аврангзёбдан сунг ҳукмронлик қилган муғул шоҳлари қудратли салтанатнинг фақат заифлашувиға хизмат қилдилар. Давлат тепасига олижаноб ва мутаассир Баҳодиршоҳ Зафар келгуниға қадар бу ҳол давом этди.

Маълумки, бу шоҳнинг барча уғиллари инглизлар томонидан улдирилади. Ёлғиз беш яшар уғли Мирзо Фотиҳ-ул-мулк Баҳодирнигина содиқ мулозимлар қалин ўрмонға яшириб, бир қанча вақт шу ерда тарбиялайдилар.

Буюк Британия қироличаси Елизавета Ҳиндистонға ташриф буюрганида Қамар Жаҳон Зебуннисобегим муғуллар маликаси булгани туфайли тантанали қабул маросимиға махсус тақлиф этилади.

Кейинчалик эса Лаъл Қалъада Баҳодиршоҳ Зафар таваллудининг 100 йиллиги нишонланганида малика Қамар Жаҳон олий мақом меҳмонлардан бири сифатида иштирок этади. Бу вақтда унинг оёқ-қули фалаж булиб, ногиронлар аравачасида юришиға қарамасдан Жавоҳарлаъл Неру ва Индира Ганди уни самимий муборакбод этадилар.

Ана шундай эътиборли имкониятларға эға бўлса ҳамки, Покиза Султон Бегимнинг онаси ҳеч қачон ёрдам сурамаган, ҳатто давлат томонидан тайинланган нафақадан ҳам воз кечган. Аксинча, у узидаги жамики тарихий бойликларни давлатға топширган. Ҳатто қизларини уқимишли қилиш учун мол-мулкининг бир қисмини сотишға мажбур булганида ҳам у асло «пושаймонлик ҳиссини туйган эмас». Гарчи сунгги уттиз йил давомида фалаж булиб ётиб қолган бўлса-да, Қамар Жаҳон Зебуннисобегим жамоат ишларида фаол қатнашар, қизларига хат-саводни ҳам узи ургатган эди.

«Бошимиздан утган кунлар тарихдан уз урнини олди, биз у кунларни ҳурмат билан хотирлаймиз, — дейди Покиза Султон Бегим. — Бу утмиш айни вақтда бизнинг бугунимиз ва келажагимиз ҳамдир. Шу боис ҳам мозий гоят муҳим аҳамиятға эға».

Ҳозирги кунда турмуш уртоғи билан осойишта ҳаёт кечириб келаётган Покиза Султон Бегим оиласига бирорта фарзандни асраб олиб тарбиялашни режалаштирмоқда. Унинг яна бир нияти — тақдир тақозоси билан Европа ва Покистонда истиқомат қилаётган қариндош-уруғлари билан дийдор кўришмоқликдир...

## ХОТИМА

Муҳтарам китобхон!

Мана, ниҳоят хайрлашув онлари ҳам етиб келди.

Сизнинг сабру бардошингизга тасаннолар айтган ҳолда энди бу пароканда битикларимизга нуқта қуйсак ҳам булур.

Аслида ҳазрати Бобур ва унинг шавкатли зуредлари, уларнинг гаройиб тақдирлари, оламшумул фаолиятлари ҳақидаги қиссамиз ҳали адогига етгани йўқ. Зеро унинг адоги булмагай. Чунки бу бир муҳаббат қиссаси, ошуфта қалб дафтариدير, муҳаббатнинг эса, маълумки, на чеки бор, на чегараси.

Биз шу улуг тарихнинг бир саҳифасини варақлашга уриндик, холос.

Бу китобни ёзишга киришган кезларимда Бобур экспедицияси илк илмий сафарини якунлаб, ун саккиз минг километр йўл босган эди.

Бу китоб охирига етаётган кунларда экспедиция олтинчи халқаро илмий юришини тамомлаб, Бобур Мирзо изидан хорижий эллар буйлаб жами юз минг километрдан зиёд машаққатли масофани босиб утди.

Бу асар қўлингиздаги ҳолга келгунига қадар орадан не-не сувлар оқиб утди.

Мен бугун тарих бўлиб қолган воқеалар изидан бориб, ҳали уларнинг қайноқ тафти совимасдан оқ қоғоз бетида акс эттиришга интилдим. Бунга гоҳо муяссар булдим, гоҳо эса улгуролмадим — ҳаёт шиддати тезлик қилди.

Бинобарин, ана шу улгуролмаганларимнинг узи бир неча китоб бўлса, эҳтимол.

Бу китоб баҳона суюкли қаҳрамоним — Бобур Мирзо қисматининг жумбоқларини англашга уриндим. Гоҳ нималарнидир илғагандек булдим, гоҳо эса бу сирли умр саҳифаларини уқиб-уқмоқликка қурбим етмади. Аммо бани башарнинг бемисл жозибадор вакили — ҳазрати Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога булган эҳтиром ва ихлосим мазкур асар воситаси ила янада юксалди ва зиёда булди.

Мен учун энг муҳими ҳам аслида ана шу эди.

Шу боис умид қиламанки, шояд бугунги хайрлашув

— сиз билан янги дийдорлашувларнинг дебочаси бўлса.

**БАЙТ:**

Ҳар вақтки, кургасен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.

Хуш энди, ардоқли китобхон! Янги китоблар орқали учрашгунимизча хайр!

*1992-1996 йиллар*

ХАЙРИДДИН СУЛТОН

БОБУРИЙНОМА

*Маърифий роман*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1997

Мухаррирлар: *А. Аҳмедов, Б. Эшпулатов*

Мусаввир: *Ю. Габзалилов*

Бадий муҳаррир: *Ф. Башарова*

Техникавий муҳаррир: *Д. Габдрахманова*

Мусахҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, Ж. Топрова*

Теришга 29.04.97 да берилди. Чоп этишга 25.07.97 да рухсат берилди. Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21,84+0,84 вкл. Нашриёт-ҳисоб табоғи 21,2+0,78 вкл. Алади 15000 дона. Буюртма № 1247. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.**

С96

Султон Хайриддин.

Бобурийнома: Маърифий роман. — Т.: «Шарқ»,  
1997.—416 б.

Уз2